

*Илья Ильф  
Евгений Петров*

# 12 СТУЛ

*Роман*

*Тошкент  
Ғафур Ғулом номидаги  
Адабиёт ва санъат  
нашриёти  
1978*



## Биринчи қисм

# СТАРГОРОДЛИК ТАҚА

### 1 боб

#### БЕЗЕНЧУҚ ВА «НИМФА»

№ уезд шаҳрида сартарошхона-ю, дафн маҳкамала-ри шу қадар кўпки, кўрган одам дабдурустан: «Бу ернинг халқи онасининг қорнидан тушиши биланоқ соқол-мўйловини олдириб, атир септиргач, тил тортмай ўлиб кетаверар экан-да», деб ўйлаши мумкин. Аслида № уезд шаҳрида бот-бот одам туғилмайди, туғилганлариям дарров сартарошга югурмайди, кейин дарров ўлиб ҳам кетмайди. № шаҳрида ҳаёт осуда. Кўклам оқшомлари роҳатижон, лой кўчалар ойдин кечаларда кўмирдай, ялтираб туради, шаҳарнинг жами йигитлари коммунал хизматчилар касабасидаги котиба қизга ошиқ, оқибатда у шўрлик аъзолик бадалини вақтида йиғолмай боши гаранг.

Ипполит Матвеевич Воробьянишовнинг на муҳаббат ва на ўлим билан иши бор, аслида ўзи шу соҳанинг мутасаддиси, ярим соатлик нонушта демаса, эрталаб соат тўққиздан кеч соат бешгача худонинг берган куни шу иш билан овора.

Ҳар куни наҳорда Клавдия Ивановна унга бир стакан қайноқ сут олиб киради. У сутни ичиб олгач, нимқоронғи уйдан ўртоқ Губернский номидаги кенг ва нурафшон кўчага отилади. Бунақа шинам кўчалар уезд шаҳарларида баъзан учраб туради. Кўчанинг чап томонида кўкимтир, тўлқинсимон дераза ойналаридан «Нимфа» деб аталмиш дафн маҳкамасининг кумушранг тобутлари кўринади. Унг томонда эса заманида кўчиб кетган пас-так деразалар орқасида тобутсиз Безенчукнинг чанг бо-сиб ётган шумшук тобутлари кўзга ташланади. Хиёл

парироқда «Сартарош уста Пьер ва Константин» деган лавҳа кўзга ташланади, у миждозларига «тирноқ пардози»-ю, «хонаки хизмат»ни дўндиражагини қуюқ ваъда қилади. Яна озроқ юрилса сартарошхонали меҳмонхона учрайди, меҳмонхона орқасида кенг яланглик бор, унда бир малла бузоқ қаққайиб турган дарвозага суюқлик бир парча занг тушукани ялаб турибди. Тушукачага:

„ХУШ КЕЛИБСЕН“  
НОМЛИ  
ДАФИ МАҲКАМАСИ

деб ёзиб қўйилган.

Гарчи бу ерда дафи омборлари сероб бўлса ҳам миждозлар сийрак. «Хуш келибсен» маҳкамаси Ипполит Матвеевич № шахрига кўчиб келмасидан уч йил бурун сийган, шунинг учун уста Бозенчук ароққа ружу қўйган. Ҳатто бир кун, ашбаройи ноҷорлигидан, асраб юрган энс яхши тобутини ҳам гаровга қўйиб юборай деган.

№ шахрида ўлим камайиб барака кетган, Ипполит Матвеевичдай одам буни ҳаммадан кўра яхшироқ билди; нега деганда ўзи ЗАГСда ташлайдди, ўлганлар билан келин-куёвларни ўзи қайд қилади.

Ипполит Матвеевичнинг иш столи сағанага ўхшайди. Столининг чап томонида каламуш кемриб кетган. № шахри аҳолисининг насл-насаби-ю, камқувват усзд заминда илди отган шажаралари ҳақида тўлиқ маълумот берувчи қалли тўқ сариқ папкаларнинг оғирлигидан столининг қилтириқ оёқлари ҳаминша лиқиллаб туради.

1927 йилнинг 15 апрелида жума кун Ипполит Матвеевич одастагидай эрталаб соат етти яримда кўзини очди-да, эски модадаги тилла бандли пенсенени шошаниша бурнига қўйдирди. У кўзойнак тутмасди. Бир кун Ипполит Матвеевич пенсенени кофар зарар деб билиб, оғтиқнинг олдига борди-да, бандларига тилла суви юритилган гардишенз кўзойнак сотиб олди. Кўзойнак ўзига маъқул тушган эди-ю, лекин хотини (раҳматли унда тирик эди) «Миллюковга ўхшаб кетаркансан, қўй буни», деб раъйини қайтарганидан кейин уни дарбонга бериб юборди. Иккала кўзи бинойидай ўткир бўлса ҳам дарбонга кўзойнақ маъқул тушди, ҳали-ҳали уни тақиб юради.

— Бонжур!— деди қироат билан Ипполит Матвеевич тўшакдан оёқларини ерга қўяр экан. «Бонжур» деса

билинги, Ипполит Матвеевичнинг бугун кайфи чоғ. Мабодо кўзини очиши билан «Гут морген», деса борми, бугун жигари жиндай безовта қилаётгани, ёши ҳам эллик иккига бориб қолгани, бу билан ҳазиллашиб бўлмаслиги, қолаверса, яна осмонга булут чиққани маълум бўлади.

Ипполит Матвеевич урушдан олдин расм бўлган ҳарбийча шимга ёғочдек оёқларини тиккач, тасма ип билан тўпигидан боғлади-да, ингичка тумшуги чорқирра қилиб тикилган юмшоқ этигини кийди. Орадан беш дақиқа ўтар-ўтмас Ипполит Матвеевичнинг эғнида майда-майда кумушранг юлдузчалари чақнаб турган чипор нимча билан ялтироқ жун пиджак пайдо бўлди. Ипполит Матвеевич ювинаётганида олпоқ сочларига ўтириб қолган сув томчиларини сидириб ташлагач, ҳайвон сингари мўйловини қимирлатди, тараддудга тушиб дағал иягини пайпаслаб кўргач, калта қирқилган кумушсимон сочига чўткани урди-да, хонага кирган қайнонаси Клавдия Ивановнага илжайиб, унинг истикболига юрди.

— Эпполе-ет,— деди қайнонаси шангиллаб,— бугун ёмон туш кўрдим.

«Ёмон» сўзини у французларга ўхшаб, димоғ билан гапирди.

Ипполит Матвеевич қайнонасига юқоридан разм солди. Бўйи бир юз саксон беш сантиметр бўлгани учун қайнонага юқоридан менсимаганроқ қилиб қарашга бутун имконияти бор эди.

— Раҳматли Мари тушимга кирибди, сочлари ёйилган, белида тилла камар бормиш,— деди Клавдия Ивановна гапида давом этиб.

Клавдия Ивановнанинг карнайдек овозидан уйдаги чўян чироқнинг шишаси зириллаб кетди.

— Юрагим гаш бўляпти. Бирор кори бад бўлмасайди, деб кўрқаман.

Кейинги жумланинг тўлқинидан Ипполит Матвеевичнинг бошидаги тикандек сочлари чайқалиб кетди. Ипполит Матвеевич афтини бужмайтириб, бурро деди:

— Ҳеч нима бўлмайди, кампиршо. Сувнинг пулини тўлаганмисиз?

Тўламаган экан. Қалишния ювиб қўймабди. Ипполит Матвеевич қайнонасини хуш кўрмайди. Клавдия Ивановна ғирт овсар, ёши ўтиб қолганидан унга ақл кириши даргумон. Тагин у ўлгудек қурумсоқ эди. Борди-ю, Ипполит Матвеевич қашшоқ бўлмаганида феълидаги

хасисликни ҳаминқадар ошириб юборган бўларди. Иннайкини овози йўгон, кучли бир наъра тортганда, отни хуркитадиган Ричард Шерюракни бир чўқишда қочирарди. Емоннинг бир қилиғи ортиқ дегандек, туш ҳам кўради. Туш кўрмаган куни йўқ. Тушида камар боғлаган қизларни, ёпиғи сариқ ҳошияли отларни, чилтор чалаётган дарбонларни, туилари пўстинга ўралиб тоқи чалиб юрган миршабларни, уй ичида дик-дик сакрайдиган, жиринглаб асабга тегадиган спицаларни кўради. Клавдия Ивановна шунақа дардисар кампир. Бунинг устига бурнининг тагидан мўйлов ўсиб чиққан, ҳар мўйи нақ соқол чўтканинг толасидек келади.

Ипполит Матвеевич зардаси қайнаб кўчага чиқди.

Ғарибгина устахонасининг олдида қўлини қовуштирганича эшик кесақисига суяниб тобутсоз Безенчук турарди. Савдо ишлари нуқул чиппакка чиқаверганидан ичкиликка берилган устанинг тўқ сариқ кўзлари мушук-викига ўхшаб ҳамиша йилтираб турарди.

— Қадамларига ҳасанот!— деди уста бидирлаб Ипполит Матвеевичга кўзи тушиши билан.— Салом бердик!

Ипполит Матвеевич доғ-доғ мовут шляпасининг бир учини илтифот ўзасидан секингина кўтариб қўйди.

— Қайноналарининг саломатлиги қалай, билсак бўладими?

— Мр-мр-мр,— мужмал жавоб қилди Ипполит Матвеевич ва тик кифтини бир учириб, йўлига равона бўлди.

— Ҳай, омонлик бўлсин,— деди афсусланиб Безенчук.— бошимиз зарардан чиқмай қолди, ҳаром қотгур! Яна қўлини кўксига чалкаштириб эшикка суянди.

«Нимфа» дафи бюросининг дарвозасига етганда Ипполит Матвеевич яна қўлга тушди.

«Нимфа»нинг хўжайини учта эди. Ипполит Матвеевичга учови ҳам барабар таъзим қилиб, бир овоздан қайнонасининг соғлиғини сўрашди.

— Соғ-саломат юрибди, ҳа,— деб жавоб қилди Ипполит Матвеевич,— асти сўраманг! Бугун заркокил қизни туш кўрибди, сочлари ёйилган эмиш. Кўрган тушини қаранг-а!

Учала «Нимфа» бир-бирига қараб, чуқур хўрсиниб қўйишди.

Ипполит Матвеевич шу тариқа йўл-йўлакай гапга чалғиб, «Ишинг битдими — жўнаб қол», деган шиор те-

пасидаги соат тўққиздан беш дақиқа ошганида одатига хилоф равишда хизмат жойига кечикиброқ етиб келди.

Найновлиги ва айниқса шоп мўйлови учун идорадагилар Ипполит Матвеевичга «Мацист» деб лақаб қўйишган эди. Аслида, Мацистнинг мўйлови бўлмаган эди.

Ипполит Матвеевич наमतдан тикилган кўм-кўк тагликни тортмадан олиб стулга қўйгач, столнинг иккала қанотига мослаб мўйловини текислади-да, тагликка ўтирди. Шу тариқа учала ҳамхонасидан баландроқ жойлашиб олди. Ипполит Матвеевич бувосил касалига чалинишдан кўра кўпроқ шими ишқаланиб тешилишидан кўрқиб тагига кўк наमत таглик қўйиб ўтирарди.

Совет хизматчисининг бу қилмишини бир йигит билан бир қиз уялибгина кузатиб турарди. Идорадаги иш вазияти, қўланса сиёҳ ҳиди, тинмай чиқиллаб турган соат, айниқса: «Ишинг битдими — жўнаб қол», деган қатъий шиор пиджак кийган йигитни довдиратиб қўйган. Гарчи у ҳали нима мақсадда келганини айтмаган бўлса ҳам ҳалитданоқ кета қолсам экан, деб типирчилаб турибди. Назарида, у арзимаган бир иш билан келгану Ипполит Матвеевичдай сочлари оппоқ, басавлат одамни безовта қилиш одобдан эмас. Йигит шунчаки арзимаган бир иш билан келганини, бинобарин, бу иш унчалик қисталанг эмаслигини, кутиб туриши мумкин эканини Ипполит Матвеевичнинг ўзи ҳам билади. Шунга кўра у устига «2» рақами ёзилган юпқа папкани қўлга олиб, лунжини бир шишириб қўйгач, қоғоз устига мук тушди. Қоп-қора тўсдек уқа тутилган узун камзул кийган қиз йигитча билан пичирлашиб олгач, анордек қизариб Ипполит Матвеевичга яқинлашди.

— Уртоқ,— деди у,— ҳалиги...

Пиджакли йигит шодон хўрсинди ва ўзи ҳам кутмаган ҳолда:

— Қовушмоқчийдик!— деб бақириб юборди.

Ипполит Матвеевич ўртада гов бўлиб турган чоғроқ панжарага синчков назар ташлади.

— Ким туғилди? Ким ўлди?

— Қовушмоқчийдик,— деди пиджакли йигит яна қайтариб. Кейин атрофига олазарақ қараб қўйди.

Қиз пиқирлаб кулди. Иш жўнашиб кетди. Ипполит Матвеевич уста кўзбойлогичларга ўхшаб чаққон ҳаракат қилиб ишга киришди. Дарҳол қалин дафтарга қин-

ғир-қийшиқ ҳарфлар билан келин-куёвнинг исм-шарифини ёзди, иннайкейин келинбола югуриб чиқиб, кўчадан бошлаб келган гувоҳларни жиддий сўроқ қилди: сўнг тўртбурчак муҳрини куҳлаб астойдил иситгач, ўрнидан туриб, уни титилиб кетган паспортларга босди. Ипполит Матвеевич келин-куёвдан икки сўм олиб, квитанция узатар экан, «Муроднингиз ҳосил бўлгани учун» деб илжайди, кейин ўрнидан туриб зебо қоматини ростлади, кўкрагини керди (илгарилари у корсет кийиб юрарди). Иккала кифтинга тушиб турган офтоб нурлари елкаларида зар погондай товланарди, шу туришида хиёл бачкана кўринса ҳам гоят нурвиқор эди. Буридаги пенененнинг қабарик кўзлари ошноқ прожектор нурига ўхшаб порлади. Келин-куёв кўзичоқдай қимтиниб туришарди.

— Ёшлар,— деб дабдаба билан гап бошлади Ипполит Матвеевич,— эскичасига айтганда, бир ёстиққа бош қўйдингиз, шу мудосабат билан сизларни табриклашга руҳсат этгайсизлар. Қўлни-қўлга бериб, асрий орзуларга эришни учун қадам ташлаётган сиздай ёшларни кўришдан гоят, гоят мамнуман. Гоят, го-ят мамнуман!

Бу таътанали сўзларни айтиб бўлгач, Ипполит Матвеевич келин-куёвнинг қўлини сиқиб ўтирди, сўнг ўзидан кўнгли тўлиб, яна 2-сон папкадаги қоғозларни ўқишга туттиди.

Қўшни столда ўтирган хизматчилар ручкаларни сиёҳдонга ботиришди.

Шу тариқа хотиржам иш куни бошланди. Улим ва никоҳлар қайд этиладиган столи бошқа ҳеч ким безовта қилмади. Баҳорги аёзда уйига шошилаётган одамлар шундоққина деразадан кўриниб турарди. Авжи пешинда «Омоч ва болга» кооперативда хўроз қичқирди. Бундан ҳеч ким ажабланмади. Шундан кейин темирнинг фикирлагани ва моторнинг қурқурлаши эшитилди. Уртоқ Губернский помидога кўча томондан қуюқ бинафшаранг тутун кўриди. Қурқурлаган овоз кучайди. Хиёлдан кейин тутун ичидан уезд ижрокўмига қарашли кичкина радиаторли ва баҳайбат кузовли Гос. № 1 автомобили чиқди. Автомобиль лойда тўлганганча Старопан майдонидан ўтди ва силкина-силкина аччиқ тутун ичида ғойиб бўлди. Хизматчилар деразанинг олдида ҳозирги воқеани муҳокама қилиб, анча туришди ва охири штатлар қисқарса кераг-ов, деб тахмин қилишди. Орадан жиндак вақт



ўтар-ўтмас яккачўпдан эҳтиёткорлик билан уста Безенчук ўтиб қолди. У кун бўйи шаҳар кезиб, битта-яримта ўлган-ўлмаганини суриштириб юради.

Иш куни охирлаб қолди. Оқ-сарик ранга бўялган қўшни қўнғироқхонада шиддат билан бонг чалинди. Дераза ойналари зириллаб кетди. Қўнғироқхонадан дув этиб кўтарилган зағчалар майдон тепасида бир зум чағиллашиб нари учиб кетишди. Майдон ҳувиллаб қолди, ҳаво совиди.

Ипполит Матвеевич энди кетса ҳам бўларди. Бугун туғиладиганлар туғилиб бўлди, ҳаммаси қалин дафтарларга қайд этилди. Никоҳдан ўтмоқчи бўлганлар ҳам никоҳдан ўтди, улар ҳам қалин дафтарларга тиркаб қўйилди. Лекин тобутсозларнинг омади юришмади, ўлган одам бўлмади. Ипполит Матвеевич делоларни йиғиштириб, наमत таглигини тортмага солиб қўйгач, тарақ билан мўйловини тўзгитди, уйда биқирлаб қайнаб турган шўрвани ўйлаб, энди жилмоқчи бўлиб турган эди, тўсатдан идора эшиги ланг очилиб, остонада тобутсоз Безенчук пайдо бўлди.

— Қадамларига ҳасанот,— деди жилмайиб Ипполит Матвеевич,— хўш, хизмат?

Устанинг хунук башараси қоронғида йилтираб турса ҳам тили калимага келмасди.

— Хўш?— деди Ипполит Матвеевич жеркиброқ.

— «Нимфа»нинг моли, ҳаром қотгур, мол бўлдимиз?— Ғўлдиради тобутсоз.— Харидоргир бўлдимиз ўзи? Тобутнинг иши қийин, кўп ёғоч кетади...

— Нима?— деб сўради Ипполит Матвеевич.

— «Нимфа»ни айтмоқчиман-да... Уч онла савдодан куш кўради. Ёғочни жўи, пардозиям ёмон, попилдириғи, ҳаром қотгур, яккам-дуккам. Каминанинг номи чиққан. Минг тўққиз юз еттинчи йилда қурилган устахонам. Тобутларим зўр, бир-биридан аъло, харидорлар...

— Нима бало, жинни бўлганмисан?— деди бўшашиб Ипполит Матвеевич ва эшикка қараб юрди.— Тобутлар орасида ақлдан озасан.

Безенчук ҳурмат кўрсатиб эшикни очди, Ипполит Матвеевичга йўл бергач, нима дейишини пойлаб, титраб-қақшаганича унинг кетидан эргашди.

— Рост, «хуш келибсиз»га бас келиб бўлмасди! Қим-хоби зўр бўларди, ҳатто Твердаям бирорта фирма беллашолмасди у билан, ҳаром қотгур. Энди бўлса, мени-

кидан ўтадиган мол йўқ, очиги шу. Овора бўлманг, тополмайсиз.

Ипполит Матвеевич газаб билан орқасига ўгирилиб, бир зум Безенчукка ўқрайиб қараб турди-да, илдам юриб кетди. Гарчи бугун ишхонада бирор кўнгилсиз воқеа юз бермаган бўлса ҳам негадир шу топда унинг кўнгли гап эди.

«Нимфа»нинг учала хўжайини эрталаб Ипполит Матвеевич қай вазиятда кўрган бўлса, ҳозир ҳам шу вазиятда туришарди. Гўё учови ҳам ўшандан буён миқ этмасдан, қимирламай турганга ўхшар, аммо юз ифодаларининг ўзгарганини, кўзларининг мамнуният билан порлаб, хумор боқишини кўрган одам буларнинг қулоғига бирор муҳимроқ гап чалинганини дарров пайқаб олиши мумкин эди.

Тобутсоз рақибларига кўзи тушиши биланоқ Безенчук жон ҳолатда қўлини силтаб, шартта тўхтади.

— Уттиз икки сўмга розиман,— деб шивирлади у Воробьяниновнинг орқасидан.

Ипполит Матвеевич афтини бужмайтирди-да, қадамни тезлатди.

— Насиягаям бераман,— деб қўшиб қўйди Безенчук.

«Нимфа»нинг учала хўжайини чурқ этмай, картузларини гоҳ кийиб, гоҳ олиб, назокат билан таъзим қилганларича Воробьяниновнинг кетидан жимгина боришарди.

Тобутсозларнинг аҳмоқона шилқимлигидан газаби қайнган Ипполит Матвеевич одатдагидан тезроқ югуриб зишага чиқди, жаҳл билан оёғидаги лойни қоқиб ташлагач, иштаҳаси карнай бўлиб даҳлизга кирди. Иттифоқо шу пайт Фрол ва Лавр черковининг кашиши Фёдор бўғриқиб ичкаридан чиқди. Унг қўли билан жуббаниннг этагини кўтариб олган ҳазрати Фёдор Ипполит Матвеевичга қайрилиб ҳам қарамай, тўғри ташқарига отилди.

Шундагина Ипполит Матвеевич уй ичи ҳаддан ташқари озода бўлиб қолганини, бир неча жиҳози ўрни ўзгартирилганидан тартибсиз ҳолга келганини пайқади, димоғига аччиқ дори ҳиди урилди. Биринчи хонада Ипполит Матвеевич — агроном қўшнисининг хотини Кузнецовага дуч келди.

— Аҳволи оғир, ҳозиргина имон қелтирди. Этикни дўқиллатманг,— деб пичирлади у қўлларини силкиб.

— Дўқиллатаётганим йўқ,— деди Ипполит Матвеевич итоаткорлик билан.— Ўзи нима гап?

Кузнецова хоним лабини чўччайтириб, қўли билан қўшни хонанинг эшигини кўрсатди:

— Юрак ўйноғи тутиб қопти.

Шундан кейин у биров айтган, тагдор маъносига ҳаваси келиб, ёдлаб олган жумласини қистириб қўйди:

— Бу дард гўрга тиқишям мумкин. Кун бўйи югуриб юрибман. Эрталаб мясорубка сўраб чиққан эдим, бундоқ қарасам, эшик ланг очиқ, ошхонадаям, бу ердаям ҳеч ким кўринмади, ҳа, энди Клавдия Ивановна ун қидириб кетгандир-да, деб ўйладим. Кеча кулча ёпаман, девди ўзи. Ўзингизга маълум, ҳозир ун масаласи чатоқ, илгарироқ ғамлаб қўймасангиз...

Агар шу пайт қўшни хонадан чиққан ингроқ овоз Ипполит Матвеевичнинг қулоғини ўқдай тешиб ўтмаганида Кузнецова хоним ун танқислигидан, қаҳатчиликдан яна роса зорланиб, ўймакор печка ёнида ўликдай чўзилиб ётган Клавдия Ивановнани кўрганида қанчалик кўрқиб кетганини обдан таърифлаб берган бўларди. Ипполит Матвеевич шу заҳотиёқ бир оз увишиб қолган қўли билан апил-тапил чўқинди-да, қайнонаси ётган хонага кирди.

## II боб

### ПЕТУХОВА ХОНИМНИНГ ҚАЗОСИ

Клавдия Ивановна бир қўлини бошининг тагига қўйиб, чалқанча ётарди. Бошида қуюқ зарғалдоқранг кулоҳ. Бунақа кулоҳлар аёллар «шантеклер» кийиб, аргентинача «танго» эндигина расм бўла бошлаган қайсиyam йили кенг тарқалган эди.

Клавдия Ивановнанинг чеҳраси тантанавор, лекин ҳеч нарсани ифода этмас эди. Кўзлари эса шифтга қадалган.

— Клавдия Ивановна!— деб чақирди Воробьянинов.

Қайнонаси лабларини қимирлатди, аммо таниш шапғи овози ўрнига заиф, аянчли инграганини эшитиб, Ипполит Матвеевичнинг кўнгли бузилиб кетди. Ногаҳон кўзидан тирқираб чиққан бир томчи ялтироқ ёш юзига симобдай думалаб тушди.

— Клавдия Ивановна, — деди яна Воробьянинов, — нима бўлди сизга?

Саволи яна жавобсиз қолди. Кампир кўзини юмиб, аста ёнбошга ағдарилди.

Агрономнинг хотини оёқ учида хонага кириб, худди гуноҳ қилиб қўйган ёш болани чўмилтиргани олиб кетаётгандай Воробьяниновни қўлидан ушлаб олиб чиқиб кетди.

— Пинакка кетди. Врач безовта қилманглар, деб айтувди. Менга қараинг, азизим, сиз дорихонага бориб келинг. Мана квитанция, ишайкейини, муз соладиган резинка халтача қанча тураркан, шунинг биллиб келинг.

Ипполит Матвеевич бунақа ишларда Кузнецова хонимнинг олдига тушиб бўлмаслигини билгани учун гапини икки қилмай дарҳол кўна қолди.

Дорихонагача анча йўл. Ипполит Матвеевич рецептни худди гимназистлардек қисқисраб олганча, шоша-пиша кўчага отилди.

Қош қорайиб қолган. Кечки шафақ нурида арча дарвозага суяниб, нон билан инёзни газак қилаётган тобутсоз уста Безенчукнинг нимжон гавдаси кўринди. Ёнида учала «Нимфа» чўк тушиб ўтирар ва қошиқни ялаб декчадан қора бугдой бўтқани туширар эди. Тобутсозлар Ипполит Матвеевични кўра солиб солдатчасига ғоз қотишди. Безенчук хафа бўлгандай елкасини қисди, кейин қўлини бигиз қилиб рақибларини кўрсатди:

— Нуқул оёғининг тагида ўралашиб юришарди, ҳаром қотгурлар.

Старонан майдонининг қоқ ўртасида шоир Жуковскийга ҳайкал ўриятилган бўлиб, супачасига: «Шеърят, ердаги эзгу орзулар худосидир», деган сўзлар ўйиб ёзилган. Мана ҳозир бир тўда одам шу ҳайкалча атрофида Клавдия Ивановнанинг оғир касаллиги тўғрисида қизгин баҳс юритмоқда. Тўпланган шаҳарликларнинг фикри бир жойдан чиқди: «Ҳамманинг бошида ўлим бор», «Ўзи яратган, ўзи олади».

«Пьер ва Константин» отли, дарвоқе, биров «Андрей Иванович» деб чақиргандаям «лаббай», деб турадиган сартарош Москванинг «Огонёк» журналидан ўқиган тиббий билимини халойиққа намоиш қилмоқчи бўлди.

— Ҳозирги замонда фан ақл бовар қилмайдиган даражада юксалиб кетган, — деди Андрей Иванович. — Ма-

на бир мисол: миждозлардан бирининг даҳанида ҳуснбузар бор, дейлик. Илгарилари бу қон бузилишига олиб келарди, ҳозир аҳвол тамоман бошқача, ростми-ёлғонми, лекин ҳар ҳолда ҳозир Москвада ҳар битта миждозга алоҳида зарарсизлантирилган чўтка тутиш расм бўпти.

Одамлар чўзиб хўрсинишди.

— Унчалик эмасдир-ов, Андрей...

— Ҳар бир кишига биттадан алоҳида чўтка эмиш-а? Лоф ҳам эви билан-да!

Илгари ақлий меҳнат билан шуғулланиб, ҳозир дўкон очиб олган собиқ пролетар Прусиснинг фигони ошди:

— Менга қаранг, Андрей Иванович, энг охири аҳоли рўйхатига қараганда, Москвада икки миллиондан ортиқ одам яшаркан. Бундан чиқди, икки миллиондан кўпроқ чўтка керак бўларкан-да? Қизиқ!

Даҳанаки жанг жанжалга айланай деб турганда, Осипная кўчасининг этагида Ипполит Матвеевич кўринди.

— Яна дорихонага югуриб қопти. Аҳвол чатоққа ўхшайди.

— Кампирнинг кунни битган. Безенчук шаҳарда бекорга терисига сиймай юргани йўқ.

— Доктор нима деяпти?

— Нима дерди! Сугурта кассасидагилар ҳам докторми? Соғни сомон қилишади!

Боядан бери табобатдан бирор ваъз айтишга чоғланиб ўтирган «Пьер ва Константин» ён-верига ҳадиксираб бир қараб олгач:

— Ҳозир гемоглабинда ҳикмат кўп, — деб кўйди.

Шундан сўнг «Пьер ва Константин» жим бўлди.

Гемоглабинининг сирли кунни тўғрисида ўйлаб, шаҳарликлар ҳам жим қолди.

Ой чиқиб, ёғдуси Жуковскийнинг кичкина ҳайкалча-сига тушди-ю, шоирнинг мис курагига бўр билан ёзилган уят сўз ярқ этиб кўриниб кетди.

Бу тахминий ёзув аслида биринчи марта 1897 йилнинг 15-июнида, ҳайкалча тантана билан очилган кунни кечаси пайдо бўлган. Ушандан бери олдинига полиция, кейин эса милиция вакиллари нечоғлиқ жон куйдиришмасин, бу уят сўз ҳар кун яна пайдо бўлиб қолаверарди.

Деразаларига эшик тутилган ёғоч уйларда самовар шиғиллай бошлади. Кечки овқат маҳали бўлди. Одамлар вақтни бекор ўтказмай уй-уйига тарқалди. Шамол турди.

Клавдия Ивановна бу пайт жон бермоқда эди. Ётган

жойида у гоҳ сув сўраса, гоҳ ўрнидан туриб, Ипполит Матвеевичнинг кўчалик сандалини устадан олиб кетмоқчи бўлар, гоҳ чаңгдан бўғилиб кетяпман, деб зорланса, гоҳ уйдаги ҳамма чироқларни ёқиб қўйинглар, деб илтимоҳ қиларди.

Ташвишдан тинкаси қуриган Ипполит Матвеевич хона ичида айланади. Рўзгор ташвишини ўйлаб, мияси ғовлаб кетган. Ҳозир унинг фикр-хаёли ёрдам кассасидан қандоқ қарз кўтариш, поппи чақириб келиш, қариндош-уруғларнинг таъзияномаларига нима деб жавоб қилиш билан банд. Ипполит Матвеевич бир оз хаёлини чалғитиш ниятида эшикка чиқиб, ой шуъласида тобутсоз Безенчукни кўриб қолди.

— Хўш, буёғига нима дейсиз энди, жаноби Воробьянинов?— деб сўради уста шапкасини бағрига босиб.

**Ипполит Матвеевич** ўшшайди:

— Нима ҳам дердим, рост.

— Уша «Нимфа»нинг, ҳаром қотгур, моли мол бўлдим!— деди тараддулланиб Безенчук.

— Йўқол, турқинг курсин! Жонимга тегдинг!

— Мен шунчаки... Попилдириқ билан духобасини айтмоқчиман. Қанақасидан бўлсин, ҳаром қотгур? Яхшироғидан бўлсинми? А, лаббай?

— Попилдиригу духобанинг кераги йўқ. Тобут оддий бўлсин. Қарагайдан. Тушундингми?

Безенчук, ҳаммаси тушунарли, демоқчи бўлгандай лабига бармоғини босиб, орқасига ўгирилди-да, шапкаси билан мувозанатни сақламоқчи бўлишга уринганига қарамай, барибир гандираклаб нари кетди. Шундагина Ипполит Матвеевич тобутсоз ғирт маст эканини пайқади.

Ипполит Матвеевичнинг яна таъби хира бўлди. Энди бундан буён ҳувиллаб қоладиган супуриқсиз уйга қандоқ кираман, деб ташвишланарди. У ҳузур-ҳаловат ичида яшаб, катта ошашга ўрганиб қолганида революция уни бундан маҳрум қилди, шундан кейин қўл учида яшаб, кичикроқ ошайдиган бўлган, жиндаккина ҳузур-ҳаловатга эришган, назарида, қайнонаси ўлиб қолса, шуларнинг ҳаммасидан ажраб қоладигандай эди. «Уйлансаммикан?— дилидан ўтказди Ипполит Матвеевич.— Қимга? Милиция бошлиғининг жиянигами ёки Прусиснинг синглиси Варвара Степановагами? Ёки уйга оқсоч олгани маъқулмикин? Э, қаёқда! Суддан бошим чиқмай қолади. Иннайкейин, кони зиён бу».

Шу пайт ёруғ дунё Ипполит Матвеевичнинг кўзига қоронғи кўриниб кетди. Бу дунёнинг ишларига ғазаб ва нафрати ошган ҳолда уйга қайтиб кирди.

Клавдия Ивановна энди алаҳсирамасди. Баланд ёс-тиқда ётган кампир Ипполит Матвеевичга тийрак назар ташлади. Ҳатто ўқрайгандай бўлди.

— Ипполит,— деб пичирлади кампир эшитарли қилиб,— яқинроқ келиб ўтиринг. Сизга айтадиган гапим бор...

Ипполит Матвеевич олқиндидек бўлиб қолган мўй-ловдор юзига тикилди. У йўлига илжайиб, икки оғиз юпатувчи сўз айтмоқчи бўлди. Бироқ бунинг ўрнига совуққина тиржайди, тилига юпатувчи сўз келмади. Ипполит Матвеевичнинг бўғзидан гўлдираган овоз чиқди, холос.

— Ипполит,— яна гап бошлади қайнона,— меҳмонхонадаги жиҳозларимиз эсингиздами?

— Қайси бири?— деб сўради Ипполит Матвеевич аҳволи оғирлашиб қолган бемордан ҳол сўрагандай ўта мулоимлик билан.

— Анави-чи... Инглиз чити қопланган...

— Э, менинг уйимдагими?

— Уша, Старгороддаги...

— Эсимда, жуда яхши эсимда... Битта диван, ўн иккита стул, олти оёқли думалоқ стол. Ажойиб нарса эди. Гамбснинг моли... Шу топда уни нимага эслаб қолдингиз?

Лекин Клавдия Ивановнанинг жавоб беришга ҳоли келмади. Башараси заҳил тортди. Негадир Ипполит Матвеевични нафаси қисилди. Бирдан ўзининг данғиллама уйидаги меҳмонхонани, ёнгоқ дарахтидан ишланган букри оёқли жиҳозлари (улар бир-бирига мутаносиб териб қўйилган бўларди), ҳамиша ярақлаб турадиган сап-сарик тахта пол, қадимдан қолган жигарранг рояль ҳамда бир вақтлар амалдор бўлган қариндошларининг девордаги қора ромдан қараб турган расмлари лип этиб кўз олдига келди.

Яна Клавдия Ивановнанинг дағал ва лоқайд овози эшитилди:

— Стулнинг ўтирғичига гавҳарларимни яшириб қўйган эдим.

Ипполит Матвеевич кампирга ўқрайиб қаради.

— Қанақа гавҳар?— у шундай дейишга деди-ю, ле-

кин дарҳол ўзини ўнглаб олди.— Тинтувдан кейин олиб кетишмаганимиди ўшанда?

— Мен гавҳарларни стулга яшириб қўйгандим,— деди кампир қайсарлиги тутиб.

Ипполит Матвеевич сакраб ўрнидан турди ва Клавдия Ивановнанинг чироқ ёруғида кўзга ташланаётган тунд баиарасига тикилиб қарагач, алаҳламаётганини сездди.

— Шунча гавҳарни-я!— додлаб юборай деди у, аммо ўзининг овозидан ўзи чўчиб кетди.— Стулга! Кимдан чиққан ақл бу! Менга берсангиз бўлмасмиди?

— Қизимнинг бутун мол-мулкни совурган одамга гавҳарларни нишониб бўлармиди?— деди кампир бамайлихотир раиж-алам билан.

Ипполит Матвеевич ўтирди, аммо дарров сапчиб ўрнидан турди. Бирдан юраги тузиллаб, бутун вужуди ларзага келди. Миyesi тувиллаб кетди.

— Кейин олдингизми гавҳарларни? Шу ердами улар?

Кампир бошини сарак-сарак қилди.

— Улгуролмадим. Эсингиздами, тўсатдан қочиб қолдик, вақт тизгиз эди. Гавҳарлар стулда қолди, стул чироқ билан камин ўчоқ ўртасида турган эди.

— Гирт тентаклик-ку, бу ахир! Худди қизингизни ўзисиз-а!— бўкириб юборди Ипполит Матвеевич.

Шундан кейин у ўлим тўшагида ётган кампирдан истиҳола қилиб ўтирмай, стулни жаҳл билан суриб, хона ичида тез-тез юра бошлади. Кампир Ипполит Матвеевичнинг қилигига нарво қилмай ётаверди.

— Уша стуллар кийининг қўлига тушиб қолишини ўйламадингизми? Ёки ўзлари келиб, бисотларини олиб кетдилар, деб сизни меҳмонхонамда кутиб туришганимкин, а?

Кампирдан садо чиқмади.

ЗАГС мудри азбаройи тутақиб кетганидан бурнидаги пенсне учиб кетди, тиззага етганда тилла банди ялт этди-ю, шиқ этиб ерга тушди.

— Хўш? Етмиш минг сўмлик гавҳарни стулга жойлаб қўйдиларми? Ҳозир-уни ким тагига босиб ўтирган экан!..

Шу пайт Клавдия Ивановна пиқиллади-ю, бутун гавдаси билан қаравот четига талпинди. Кампирнинг бир қўли ҳавода ярим доира чизиб, Ипполит Матвеевични



тутмоқчи бўлди, аммо ўша заҳотиёқ шилқ этиб б.нафша кўрпага тушди.

Ипполит Матвеевич даҳшатдан чинқириб, қўшнисиникига югурди.

— Жон бераётганга ўхшайди!

Агрономнинг хотини чаққон чўқинди, қизиқишини яширмай, дарров серсоқол агроном эрини олиб, Ипполит Матвеевичнинг уйига физиллади. Воробьянинов эса эсхушини йўқотиб шаҳар боғига йўл олди.

Агроном билан хотини оқсочлари ёрдамида марҳуманинг хонасини йиғиштириб туришганида Ипполит Матвеевич боғ айланди, неча бор скамейкаларга қоқилди, эрта кўклам ишқ савдосидан тўнғиб ўтирган ошиқмаъшуклар кўзига бута бўлиб кўринди.

Ипполит Матвеевичнинг мияси ғовлаб кетди. Қулоғида гоҳ лўлилар ашула айтиб, кўкракдор созанда хотинлар «танго-амапа» куйини чалишса, гоҳ Москванинг қиш кунлари, ўтган-кетган йўловчиларга нафрат билан кишнаб турган зулукдай қора бедов от кўз ўнгида жонланиб кетарди.

Ипполит Матвеевичнинг хаёлига яна кўп нарсалар келди: ана пули бировларнинг кўзини ўйнатадиган пуштиранг узун иштонлару қўл қовуштириб турган хизматкорлар Канга бориш имкониятида.

Ипполит Матвеевич энди қадамини секинлатган ҳам эдики, тўсатдан тобутсоз уста Безенчукнинг гавдасига қоқилиб кетди. Уста пўстинига ўралиб, боғдаги йўлкада кўндаланг тушиб ётган экан. У оёқ зарбидан дарҳол кўзини очди-да, бир аксириб, дик этиб ўрнидан турди.

— Асло ташвиш тортмасинлар, жаноби Воробьянинов,— жон ҳолатда деди у боя чала қолган гапини давом эттирмоқчи бўлган кишидай.— Тобут яшаш осон эмас.

— Клавдия Ивановна қазо қилди,— деди буюртмачи.

— Ҳай, ишқилиб жойи жаннатда бўлсин,— деб қўйди Безенчук.— Демак, кампиршо юмалабди-да... Кампирларнинг ўзи шунақа, доим юмалашади... Ёки омонатини топширади. Бу кампирнинг қанақалигига боғлиқ. Хўш, сизники увоққина, тикмачоқдек эди-а? Демак, юмалаган бўлади. Агар бўйдан бериб, эт битмаган бўлса, бунга омонатликма эди. Вострыков семинарида...

...та ҳатлаб, юридик факультетда уч йил таҳсил кўр...

— Узимиздан чиққан-да. Усталардан. Масалан, сиз қадди-қомати келишган одамсиз, новчаликка новчасизу, аммо чўпдек озгинсин. Худо кўрсатмасин, ўлиб-нетиб қолсангиз, сизни «қулоғи тагида қолибди», дейишади. Илгари катта савдогар ўтган бирорта дўкондор қазо қилса борми, у бандаликни бажо келтирган бўлади. Хўш, фаррош ёки деҳқон оламдан ўтса, уни «куни битди» ёки «ажали етди», дейишади. Аммо-лекин темир йўлдаги кондукторлардан ёки бўлмаса, катта тўралардан бирортаси қазо қилса, у вафот қилган бўлади. Ана ўшанда, қарабсизки, дув-дув гап: «Хўв, эшитдингми, бизнинг бошлиқ вафот қилибди».

Одийгина ўлимнинг бунақа ғалати туркумланишини эшитиб, ҳанг-манг бўлган Ипполит Матвеевич:

— Хўш, сен-чи? Сен ўлсанг усталар нима дейди?— деб сўради.

— Мен кичкина одамман. «Безенчук ёғоч отга минди», деб қўя қолишади.— Кейин жиддий қўшиб қўйди:— Вафот этди ёки қулоғи тагида қолди, деган гаплар бизга тўғри келмайди: хашаки одаммиз... Тобутга нима дейсиз энди, жаноби Воробьянинов? Наҳотки попилдирик билан духобасиз бўлади?

Бироқ яна ширин орзулар қанотига минган Ипполит Матвеевич индамай йўлида кетаверди. Одатдагидай ниманидир бармоғида санаб, гўлдираганча Безенчук унинг орқасидан эргашди.

Ой аллақачон ботган. Қиш чилласидагидай ҳаво совуқ. Қўлмак бетини лочира муз қоплаган. Иккала ҳамроҳ ўртоқ Губернский кўчасига етиб келганида шамол деворлардаги лавҳаларни тортқилаётган эди. Шу пайт тарақ-туруқ қилиб Старопан майдонидан қирчанғи отлар қўшилган ўт ўчирувчилар араваси кўринди.

Аравадан каноп пойабзалини осилтириб ўтирган ўт ўчирувчилар темир каска кийган бошларини тебратиб, атайин овозларини дағаллаштириб қўшиқ айтишарди:

Омон бўлсин брандмейстер оғамиз,

Омон бўлсин Насосов ўртоғимиз...<sup>1</sup>

— Брандмейстернинг ўғли Қольканинг тўйидан келишяпти,— деди лоқайд қилиб Безенчук ва пўстинининг ~~тегига~~ талпинди. Кампинрин.

Аравада ярим доира чизиб, Ипполит Матвеевични

ичидан кўрагини қашиб қўйди.— Наҳотки попилдириқ-сиз, ҳеч балосиз бўлса?

Айни шу аснода Ипполит Матвеевич қатъий қарорга келган эди. «Бораман,— деб кўнглидан ўтказди у,— топаман. Кейин бир гап бўлар». Жавоҳир жилосида ҳатто қайнонасининг истараси анча иссиқ кўриниб кетди.

— Бўпти! Ясайвер! Духобали бўлсин! Попилдириқ ҳам тақавер!

### III боб

#### «ГУНОҲҚОРНИНГ БАШАРАСИ»

Фрол ва Лавр черковининг попи ҳазрати Фёдор Востриков жон бераётган Клавдия Ивановнанинг тавба-тазаррусини қабул қилгач, Воробьяниновнинг уйидан ҳаяжонга тушиб чиқди, йўл-йўлакай олазарак бўлиб, баъзан эса беўхшов тиржайиб, кулбасига йўрғалаб кетди. Хаёл уни роса олиб қочган бўлса керак, уйига етай деб қолганида уезд ижроқўмига қарашли Гос. № 1 автомобилнинг тагига кириб кетишига бир баҳя қолди. Шайтон аравадан буруқсаб чиққан кўкимтир тутун гирдобидан қутулгач, ҳазрати Востриков бутунлай эсини йўқотиб қўйди, каттагина амали-ю, ўтинқираган ёшини писанд қилмай, буёғига шаталоқ отиб жўнади.

Онахон Катерина Александровна кечки овқатга дастурхон ёзмқда эди. Ҳазрати Фёдор хизматдан бўш кунлари кечқурун барвақт овқатланишни хуш кўрарди. Онахон не кўз билан кўрсинки, ҳазрат уйга кириши билан бошидан шляпасини олиб, иссиқ пахталик жуббасини ечиб ташлади-да, лом-мим демай ўзини ётоқхонага урди, эшикни ичидан бекитиб олиб, «Аввал таом», деб хиргойи қилди.

Онахон стулга ўтириб қолди, кейин қўрқа-писа:

— Яна бир балони бошламоқчига ўхшайди,— деб пичирлади.

Ҳазрати Фёдор умрида тинч юрган банда эмас. Тиниб-тинчимаган ҳеч. Болакай Федя диний мактабда ўқиб юрган пайтларида ҳам, мўйлови сабза уриб Фёдор Иванович қиёфасида семинария тупроғини ялаб юганида ҳам ҳовлиқма эди. Востриков семинариядан университетга ҳатлаб, юридик факультетда уч йил таҳсил кўргани-

дан кейин аскарга чақирилишдан кўрқиб, 1915 йилда ўзини яна динга урди. Олдинга дьяконликка фатво олди, кейинроқ поп мартабасига эришиб, № уезд шахрига тайинланди. Лекин дин ва авом хизматини қаерда адо этмасин, ҳазрати Фёдор ҳеч қачон тамагирликни қўлдан бой бергани йўқ.

Ҳазрати Востриков пуқул шам заводини орзу қиларди. У йўғоң мум арқонларини ипакдай эшиб турган баҳайбат барабанларини кўрганида ичидан эил кетар, кўз олдига келтирганида юраги ҳаприқиб, калласида мияг хил режалар тузар, агар шу режалар амалга ошса, Самарада мўлжаллаб қўйган заводчанин сотиб олишга етадиган каттагина дастмоя топман, деб орзу қилар эди.

Ҳазрати Фёдорнинг калласига бирор фикр келиб қолгудай бўлса, дарҳол шуни амалга оширмоқчи бўлади. Бир пайт кўпиралган кир совунга ишқи тушиб қолди. У енг ишмариб ишга тушиб кетди, аудлаб совун пиширди, аммо таркибида кўп миқдор мой бўлишига қарамай, совунни кўпирмади, бунинг устига «Омоч ва болға»никидан уч ҳисса қимматга тушди. Шундан кейин совун жонивор даҳлизда бўкиб ётди ва бижиб кетди. Катерина Александровна ҳар гал совунга кўзи тушганида ниқиллаб йиглаб қўядиган бўлди. Дардисар совун омири амалат ўрадан жой олди.

Бир кунини ҳазрати Фёдорнинг қўлига чорвачилик журнали тушиб қолди. Журналини ўқиса, қуён гўшти жўжага ўхшаб гоят мазали бўлиши, бунинг устига қуён тез болалашини, ишнинг кўзини билган одам қуёнчиликдан жуда катта даромад олиши мумкинлигини билиб, дарҳол уч жуфт қуён сотиб олди; орадан икки ой ҳам ўтмаган эдики, ҳовлию уйини шалпаңқулоқ махлуқ босиб кетганини кўриб, Нерка деган кучуги қочиб кетди. № шахрининг зоти паст одамлари эскиликка муккасидаи кетган эканми, Востриковнинг бозорга чиқарган қуён гўштини харид қилишдан бош тортишди. Шундан кейин ҳазрати Фёдор хотини билан маслаҳатни бир жойга қўйиб, жўжадан ўн чандон афзал қуён гўштини шахсан ўзи истеъмол қилиб, ҳамманинг кўзини ўйнатмоқчи бўлди. Қуён гўшtidан жаркоп, котлет, қийма қилишди, шўрвага солиб пишириб кўришди, яхна қилиб дастурхонга тортишди, печкага қўйиб димлашди. Аммо оқибат ўйлагандай бўлиб чиқмади. Ҳазрати Фёдор бундоқ ча-

малаб кўрса, эр-хотин сурункасига қуён гўшти истеъмол қилган тақдирда ҳам ойига қирқтадан ортиқ еёлмас экан, ишнинг чатоқ томони шундаки, бу жонивор бир ойда тўқсонтадан кўпайиб турибди, қолаверса, бундан кейин ҳар ойда юзтаси минг, мингтаси ўн минг бўлиб бораверади.

Ана шундан кейин Востриковлар хонаки ошхона очмоққа жазм қилишди. Ҳазрати Фёдор зўр ҳафсала билан катак дафтарни йиртиб, сиёҳқалам билан алламаҳалгача эълон ёзди. «Арзон ва лаззатли» деб бошланадиган эълон қоғозлари бугундан эътиборан қулинг ўргилсин мол ёғида ҳар хил мазали таомлар тайёрланаётганидан дарак берарди. Хотини сирланган тоғорачада ун қориб, ширач қилиб берди, ҳазрати Фёдор эса тун бўйи изғиб, барча симёғочларга, ҳатто совет идораларининг яқиндагиларга ҳам эълон ёпиштириб чиқди.

Янги ташаббус зўр натижа берди. Биринчи кунбёк етти хўранда ташриф буюрди. Буларнинг орасида ҳарбий комиссарватининг иш бошқарувчиси Бендий ҳамда ободончилик бўлимига қарашли бир бўлимнинг бошлиғи, яқинда шаҳардаги ягона осори атиқани — Елизавета замонидан қолган ва биллишича, кўча ҳаракатига халақит бераётган зафар дарвозасини буздириб ташлашда шахсан иштироки бўлган Козлов ҳам бор эди. Таом ҳаммага манзур бўлди. Эртаси кун ижозлар соми ўн тўрт кишига етди. Қуёнчаларнинг терисини шилишгаям қўл тегмади. Бир ҳафтагача омад келиб турди, буни кўрган ҳазрати Фёдор ўзига кичикроқ мўйна дўконни очишни ният қилиб ўтирганида мутлақо кутилмаган ҳодиса рўй берди.

Молларнинг ҳисобини олиш муносабати билан уч ҳафтадан бери ёпиқ турган «Омоч ва болға» кооперативи очилиб, дўкончи азаматлар бир бочка сасиган карамни орқа ҳовлига инқиллаб думалатиб чиқишди-да, шарт ахлат ўрага ағдаришди. Дўкон билан ҳазрати Фёдорнинг ҳовлиси бир бўлгани учун димоғига антиқа ҳид урган қуёнлар ўрага ёпирилишди, оқибат-натижада ўша куннинг эртасигаёқ нозик жониворлар орасида ўлат бошланди. Атиги уч соат давом этган ўлат икки юз қирқта қуён билан беҳисоб болаларини қйиратиб кетди.

Бу воқеадан ларзага келиб икки ойдан бери одамови бўлиб юрган ҳазрати Фёдор буғун руҳи кўтарилиб, Воробьяниновнинг уйдан қайтиши билан хотинини дол

қолдириб, ётоқхонага кириб, ичидан бекитиб олди. Демак, ҳазрати Фёдорнинг калласига янги бир фикр келиб, яна жазаваси тутган кўринади.

Катерина Александровна бармоғини букиб, ётоқхона эшигини тақиллатди. Ичкаридан жавоб бўлмади, аммо хиргойи зўрайди. Бир лаҳзадан кейин эшик қия очилиб, ҳазрати Фёдорнинг бўйи етган қизларникидай ол ёноқлари кўринди.

— Қайчини узатвор, онаси, тезроқ,— деди шоша-пиша ҳазрати Фёдор.

— Овқат-чи, овқат нима бўлади?

— Тура тур. Кейин.

Ҳазрати Фёдор қайчини юлқиб олди-да, эшикни яна ичидан бекитиб, девордаги тирналган, қора гардишли ойна яқинига келди.

Шундоққина ойна ёнида «Гуноҳкорнинг башараси» деган қадимий бир сурат осиглиқ турарди. Бу сурат олдин мис қолипда кўчирилган, кейин қўлда яхшилаб бўялган эди. «Гуноҳкорнинг башараси» қуёнчилик бобида қаттиқ панд еган ҳазрати Фёдорга тасалли берди. Зотан бу дунё қанчалик бевафо экани расмда яхши тасвирланган. Унинг юқори томонида тўртта мўъжазроқ расм бўлиб, буларнинг тагига жимжимадор славян ҳарфлари билан таскин ва маънога бой ушбу сўзлар битилган: «Сом тиловатда. Хом зироатда. Ёфат ҳоким. Улим ҳақ». Улимнинг бир қўлида узун чалғи, иккинчи қўлида қанотли қум соат. У протезлар ва қинғир-қийшиқ суяклардан ясалгандай сайхон тепаликда оёқларини кериб турибди. Худди у: «Қуёнчиликда омадинг келмаган бўлса, гам сма», деб тургандай эди.

Шу топда «Ёфат ҳоким» деган жажжи сурат ҳазрати Фёдорга айниқса маъқул келди. Суратда кичкинагина саройда тахтда ўтирган серсоқол, семиз бир бой тасвирланган эди.

Ҳазрати Фёдор кулимсираб қўйди, кейин юзини ойнакка тутиб, яхшилаб разм солди, шу заҳотиёқ кўркам соқолини тутамлаб, қайчилашга тушди. Қўлидаги қайчи гиртиллар, ерга тутамлаб соқол тўкиларди, орадан беш дақиқа ҳам ўтмаган эди, ҳазрати Фёдор бу иш қўлидан келмаслигини фаҳмлаб қолди. Бундоқ қараса, савлатдор соқоли бир томонга қийшайиб, одамнинг ғашини келтирадиган даражада хунук ва ҳатто шубҳали бўлиб қолибди.

Ҳазрати Фёдор ойна ёнида бирпас уймалашгач, баттар хуноби ошди ва хотинини чақириб, зарда билан қайчини узатди.

— Қарашай ҳам демайсан-а, онаси. Бу лаънати соқолни ҳеч эплолмаяпман.

Онахон ҳайрон бўлиб, ҳатто қўлларини орқасига яширди.

— Вой, нима қилиб қўйдинг?— деди у ниҳоят.

— Ҳеч нарса қилганим йўқ. Қайчилаяпман, холос. Илтимос, қарашвор. Манави жойи қийшиқ кетганга ўхшайди...

— Ё тавба,— деб юборди онахон ҳазрати Фёдорнинг соқолига тикилиб,— бу нимаси, Феденька, ёшармоқчимисан?

Сўхбатнинг бошқа мавзуга кўчишини кўриб ҳазрати Фёдор суюниб кетди.

— Нега ёшармай, онаси? Нима, ёшлар одам эмасми?

— Нимага одам бўлмас экан, улар ҳам одам,— пичинг қилди онахон,— нимасини айтасан, кинога югуришади, алимент тўлашади...

— Нима қипти, мен ҳам кинога югураман.

— Югур, югуравер.

— Югурганим бўлсин.

— Бузоқнинг югургани сомонхонагача. Ойнага қара, кўрган одам нима дейди.

Ҳазрати Фёдор ўзини ойнакка солган эди, чўлтоқсоқол, беўхшов шопмўйлов, қора кўзлари чақчайган шаддод бир одамга кўзи тушди.

Иккови бир бўлиб мўйловни соқолга мослаб қайчилашга тушишди.

Шундан кейин юз берган воқеа онахонни баттар таажжубга солди. Ҳазрати Фёдор шу бугун кечқурун бир иш билан сафарга чиқишини айтиб, Катерина Александровнага физиллаб бориб новвой акасида бир ҳафтага қорақўл ёқали пальтоси билан ўрдакнинг тумшуғига ўхшаган жигарранг картузини келтириб беришни буюрди.

— Ҳеч қаёққа бормайман!— деди онахон ва йнглаб юборди.

Ҳазрати Фёдор уй ичида ярим соат у ёқдан-бу ёққа юрди, роса валдиради. Хотини уни ҳар кўрганида ўтакаси ёрилиб фақат бир нарсани тушунди: ҳазрати Фёдор ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ соқол-мўйловини қирқиб

ташлади, мана энди бематли картузни бошига илиб қаёққадир гумдон бўлмоқчи, демак, уни ташлаб кетмоқчи.

— Ташлаб кетмайман,— деб сўз берди ҳазрати Фёдор,— ташлаб кетмайман, бир ҳафтада қайтиб келаман. Иш чиқиб қолгани мумкин-ку, ахир. Тўғрими-йўқми?

— Йўқ,— деди онахон.

Узига яқин одамлар билан ҳаминша юмшоқсупурги ҳазрати Фёдор столга мушт туширди. Бу соҳада анча уқувсиз бўлгани учун столга мушти шанагидай теккан бўлишига қарамай, онахон қўрқиб кетди ва рўмолини елкасига ташлаб, кийим-бош олиб келгани акасиникига югурди. Ҳазрати Фёдор ёлғиз қолгач, бир лаҳза хаёлга чўмди-да, «Хотини зотигаям қийин, деб қўйди, кейин ерга энгашиб, каравот тагидан тунука қонланган сандиқча олди. Бунақа сандиқча одатда қийил аскарларда бўлади. Сандиқчанинг ичига олинишор гулқоғоз ёпиштиришади, гулқоғознинг устида эса Будённийнинг савлат тўкиб турган расми ёки Ботумининг сершағал соҳилида учта жоннон ёстаниб ётган «Пляж» папиросининг қутиси бўлади. Востриковларнинг сандиқчасигаям расмлар ёпиштириб ташланганини кўриб, ҳазрат Фёдор хафа бўлди, лекин буларнинг орасида на Будённий ва на ботумилик жоннонлар бор эди. Хотини «1914 йилги уруш солимоҳаси» журналадан қирқиб олган суратларни сандиқчанинг ичига солилаб чиқибди. Уларнинг орасида «Перемиланинг олиниши»ни ҳам, «Ҳарбий қисмларда кичик мансаб эгаларига кийим-бош улашни пайти»ни ҳам, бошқа ҳар хил суратларни ҳам топши мумкин.

Ҳазрати Фёдор нарсалар устида турган «Рус зидратчилари» журнаlining 1903 йилги комплектини, «Мазҳабчилик тарихи» деган қалин китобни ҳамда муқовасида Везувий вулқони буруқсаб турган «Рус кишиев Италияда» номли рисолаши ерга олиб қўйгач, қўлини сандиқча тубига тикиб, хотинининг эски қалпоғини сугуриб олди. Димоққа урган нафталини ҳилидан кўзи ачишиб, ҳазрати Фёдор қалпоқнинг жимжима тўрлари билан йўгон чокларини сўкиб ташлагач эди, ичидан ичакдай ингичка халтача чиқди. Халтачада ўн сўмлик тилладан йиғирматача бор экан — ҳазрати Фёдорнинг ҳавойи тижоратларидан қолгани шу бўлиб чиқди.

Ҳазрати Фёдор бир қўли билан жуббанинг этагини кўтариб, халтачани йўл-йўл шимининг чўнтагига тикди.



Шундан кейин жавон ёнига келиб, конфет қутисидаги уч сўмлик ва беш сўмлик қоғоз пулларни санади-да, эллик сўм олди. Қутида яна йигирма сўм қолди.

— Рўзгорга етади,— деди у.

#### IV боб

#### САФАР ВАСВАСАСИ

Кечки почта поезда келишига бир соат вақт қолган. Ҳазрати Фёдор тиззани аранг ёпадиган пальтода, қўлида сават билан касса олдида навбатда турибди, у ҳадиксираб дам-бадам эшикка қараб қўяди. Чунки юраги ғаш: боя қаттиқ тайинлаган бўлишига қарамай, хотини кузатгани чиқиб қолса борми, молия вакилини буфетда пиво билан сийлаб ўтирган дўкондор Прусис уни таниб қолиши мумкин. Ора-сира у қавмларининг кўзи тушиб турган йўл-йўл шимиға ҳайрат ва андиша билан қараб қўярди.

Плацкартасиз поезд келганида одатдаги ур-йиқит бошланди. Катта-катта қон орқалаган йўловчилар букчайиб поезднинг бошидан-оёғига, оёғидан-бошига югуришарди. Ҳазрати Фёдор ҳам шуларга қўшилишиб роса олиб-югурди. Ҳамма қатори у ҳам проводникларга ялинди, ҳамма қатори у ҳам кассадан «бошқа томонга» билет олиб қўймадиммикин, деб юрагини ҳовучлаб турди, охри вагонга чиқиб олганидан кейингина одатдагидек хотиржам тортди, ҳатто димоғи чоғ бўлиб кетди.

Паровоз баралла чиқирди-ю, поезд ҳазрати Фёдорни сирли, дегин каттагина даромад келтириши эҳтимолдан холи бўлмаган бир ши юзасидан номаълум томонга олиб кетди.

Бегона муҳитга тушиб қолмиш зап қизиқ-да. Энг оддий одамам унга тушгудек бўлса негадир бирдан тивирчилаб қолади-ю, дарҳол ё йўловчига, ё юк олувчига, ё бўлмаса, гала-гала кондукторлару перрон назоратчиларининг бошига битган бало — бебилет муттахамга айланади-қолади.

Гофиллигидан ўзи вокзал ёки станция деб ном қўйилган бу муҳитга тушиши биланоқ ҳар қандай одамнинг ҳаёти тубдан ўзгариб кетади. Кўкрагига ялтироқ жез тақиб, оппоқ пешбанд боғлаб олган Ермак Тимофеевичлар олдиға чопқиллаб келишади-ю, икки букилиб қўли-

дан юкини олишади. Шу асподан бошлаб ўша одам ўз ихтиёри билан измини бошқаларга топшириб қўяди. Энди у йўловчи, шунинг учун ҳам йўловчилик вазифаларини бажаришга киришади. Дарвоқе, йўловчилик вазифалари анча мушкул, аммо роҳатинжон.

Йўловчи жуда кўп овқат ейди. Оддий кишилар кечаси овқат емайди, йўловчи эса кечасиям кавшайди. Ҳамёни кўтармасаям, у қовурилган жўжа истеъмол қилади, ошқозонига тўғри келмасаям, қайнатилган тухумни паққос уради, зайтундан ҳам қайтмайди. Поезд стрелкаларини кесиб ўтган кезлари сон-саноқсиз темир чойнаклар жириглаб, бир парча газетага ўралган ва йўловчилар оёғини сугуриб олган жўжалар сакраб тушади.

Бироқ йўловчиларнинг парвойи фалак. Улар қизиқ-қизиқ латифалар айтиб ўтиришади. Ҳар уч минутда вагонни кулги босади. Ҳамма яна жимиб қолгач, биттаси ширали овозда навбатдаги латифани бошлайди:

— Бир яҳудий чол жон бераётган экан. Хотини, болачақаси тепасида туришган экан. «Моня шу ердами?»— деб сўрабди яҳудий чол минг машаққат билан. «Шу ерда».—«Брана хола келдимиз?»—«Келди».—«Бувим қани? Қуринмаяпти-ку».—«У кишиям шу ердалар».—«Исаак-чи?»—«Шу ерда Исаак».—«Болалар қани?»—«Ҳаммаси шу ерда».—«Ия, дўконда ким қолди?!»

Қийқириқдан чойнаклар шарақлаб, тепадаги жўжалар иргиб тушади. Аммо йўловчилар буни сезишмайди. Ҳар кимнинг ўйлаб қўйган бир латифаси бор, энтикиб навбатини кутади. Навбат келгандан кейин у тирсаги билан ёнидагиларни туртиб, «Энди бунга нима дейсиз!»— деб ҳаммани оғзига қаратиб олганидан кейин гап бошлайди:

— Бир яҳудий уйига келиб, хотинининг ёнига ётибди. Бир пайт каравотнинг тагида бир нима қитирлаётганини эшитиб қолибди. Яҳудий қўлини каравот тагига тиқиб: «Сенмисан, Жек?»— дебди. Жек эса унинг қўлини ялабди-да, «Менман», деб жавоб берибди.

Йўловчилар қотиб-қотиб кулишади, қоп-қора тун қир-адирларга кўрпа ташлайди, паровоз трубасидан учқунлар отилади, тепадан поездга тикилган кўк кўзойнакли нимжон семафорлар лик-лик ўтиб туради.

Сафар зап галати нарса-да! Огир юк ортган ичакдай узун поездлар мамлакатнинг ҳар томонига йўртиб кетаверади. Ҳамма жойда йўл очиқ. Ҳамма жойда яшил чи-

роқ порлайди — йўл очиқ. Қутбга борадиган экспресс поезд Мурманскка ўрмалайди. Курск вокзалидан қадди букилиб чиққан «Биринчи — К» Тифлисга йўл олади. Узоқ Шарққа чиққан тезюрар поезд Байкални ёнлаб ўтиб, шитоб билан Тинч океанига яқинлашади.

Узоқ манзил сафоси каттаю кичик ҳаммани йўлга чорлайди. Ҳозир у иссиқ ўрнини совитиб, ҳазрати Фёдорни аллақайси бир губернияга келтириб ташлади. Ҳозир у собиқ дворянлар сардори, эндиликда ЗАГС мудири Ипполит Матвеевич Воробьяниновни ҳам васвасага солиб қўйганки, у бир балони бошламоқчи.

Одамлар оёғи куйган товукдек зир югуриб, мамлакат бўйлаб изғийди. Биров ишлаб турган жойидан ўн минг километр нарида ўзига попукдай қаллиқ топади. Бошқаси ҳазина топиш илинжида почта-телеграф бўлимини ташлаб, худди ёш боладай Алданга жўнайди. Яна бошқа бири уйида аста чуррасини силаб, граф Салиаснинг бир сўмдан беш тийинга тушган китобини мутолаа қилиб ўтиради.

Уста Безенчук қамишдан бел боғлаб, ўзи бош-қош бўлган дафн маросимининг иккинчи кунини Ипполит Матвеевич ишга борди, эллик тўққизини урган, уй-рўзғор ишлари билан шуғулланган, партиясиз, № уезд шаҳрида истиқомат қилган ва насаби Старгород губернияси дворянларидан бўлган Клавдия Ивановна Петуховнинг вафотини хизмат бурчи юзасидан ўз қўли билан қайд этди. Ипполит Матвеевич шундан кейин икки ҳафталик қонуний отпускага ижозат олди, қирқ бир сўмдан иборат отпускаи пули қўлига теккач, ишхонадагилар билан хайрлашиб уйига жўнади. Йўл-йўлакай у дорихонага кириб ўтмоқчи бўлди.

Дорипаз Леопальд Григорьевич (уйдагилари ва ошна-оғайниларининг таъбири билан айтганда Липа) оппоқ оғули идишлар гирдобида, локланган қизил пештахта орқасида туриб олиб, асаби қўзиб брандмейстернинг қайнсинглисига «қорайганда ҳамда сепкил тошганда қўл келиб, терини сутдек оппоқ қиладиган Анго ёғупаси»ни пулламоқчи бўлиб турган экан. Аммо брандмейстернинг қайнсинглиси «баданни бир текисда қорайтириш бобида табиатдан ўзиб кетган тилларанг Рашель упаси»га талабгор эди. Шу топда дорихонада баданни оқартира-

диган Анго ёрупасидан бўлак ҳеч нарса бўлмагани учун бир-бирдан осмон билан ерчалик фарқ қиладиган ушбу пардоз буюмлари ўртасидаги омонсиз кураш ярим соатча давом этди. Барибир Липа голиб чиқди — пировардида у брандмейстернинг қайинсинглисига самовардан андаза олиб ясалган бўлса ҳам кўрнинишидан лейкани эслатувчи қандалакуш билан лаб қизартирадиган бўёқни пуллади.

— Хўш, хизмат?

— Соч дориси керак эди.

— Ўстирадиганми, тўкадиганми ёки бўяйдиганми?

— Ўстиришга бало борми! — жавоб берди Ипполит Матвеевич. — Бўямоқчиман.

— «Титаник» деган ажойиб дори бор. Божхонадан олганмиз. Яшириқча мол. Иссиқ-совуқ сув ҳам, совун кўпингям, керосин ҳам қор қилмайди. Зулукдай қора. Бир шишаси ярим йилга етади, нархи уч сўм ўн икки тўйини. Юзингиздан ўтолмаганим учун беряпман.

Ипполит Матвеевич япалоқ «Титаник» шишачасини қўлига олиб кўргач, хўрсинибгина ёзувига тикилди-да, пулини пештахтага ташлади.

Ипполит Матвеевич уйига келгач, жирканиб «Титаник»ни боши билан мўйловига қўйди. Уй бир зумда сачиб кетди.

Овқатдан кейин қўланса ҳид камайгандай бўлди, мўйловиям қуриб, бир-бирига ёпишиб қолган экан, тараши ҳам ўлимдан қийин бўлди. Зулукдай қора дегани кўкимтир бўлиб чиқди, аммо қайта бўяшга вақт қани.

Ипполит Матвеевич қайнонасининг ўлимлик қутчасидан жавоҳир рўйхатини олгач (бу рўйхатни у кеча топиб қўйган эди), ёнидаги нақд пулини яна бир санади, шундан кейин уйни қулфлаб, калитни орқа чўнтагига солди-да, 7 рақамли ошигич поездга ўтириб, Старгородга жўнаб кетди.

## V боб

### БУЮК МУДЛББИР

Соат ўн бир яримда ғарби-шимолдаги Чмаровка қишлоғи томондан Старгородга йигирма саккиз ёшлар чамасидаги бир йигит кириб келди. Унинг орқасидан бир бола эргашиб келарди.

— Амаки, ўн тийин беринг!— деди у қўнғироқдек овозда.

Йигит чўнтагидан бир дона ириган олма олиб, боқимсиз болага узатди, лекин болакай яна эргашиб келаверди. Буни кўрган йўловчи йигит шартта тўхтаб, боқимсиз болага киноя билан қаради-да, секин сўради:

— Пул тўла уйга товлари қалай, калитини бериб қўяйми?

Бола ҳаддидан ошганини фаҳмлаб, орқада қолди.

Йигит ғирт ёлғон гапирган эди: унинг на беш-ўн таंगा пули, на шу уйни очиб кирадиган калити бор эди. Унинг устида ҳатто пальтоси ҳам йўқ эди. У сабзиранг, хипча бёл костюмда шаҳарга кириб келди. Йўлдан бўйинини эски жун шарф билан ўраб олган, оёғида эса юмшоқ сарнқ чармдан тикилган ялтироқ сандал. Аммо пайпоқ йўқ. Йигитнинг бир қўлида устурлаб.

«О, раққоса, ла-лай, ла-лай!»— дея хиргойи қила бошлади у кўчма бозорга яқинлашаркан.

Йигит бозорга келгач, енг шимариб ишга киришиб кетди. Харобазорда савдо қилаётган чайқовчиларнинг орасига суқилиб киргач, қўлидаги устурлабни баланд кўтариб, овозининг борича бақиршига тушди:

— Кимга устурлаб! Кеб қолинг, сув текин. Делегация аъзолари-ю, хотин-қиз бўлимларига арзонроқ қилиб бераман.

Анчагача молга хоридор чиқмай турди. Уй бекаларидан иборат гала-гала делегациялар кўпроқ камёб мол илмичида нуқул газмол дўконининг олдида уймоллашарди. Старгород жишоят қидирув бўлимида ишлайдиган бир агент икки марта устурлабфурушнинг олдидан ўтди. Устурлаб куни кеча ёг-мой идорасидан ўғирланган ёзув машинкасига сира ўхшамай тургани учун ҳам агент йигитга ҳадеб кўзини ола-кула қилавермай, аста жўнаб қолди.

Пешинга бориб устурлаб бир чилангарга уч сўмга пулланди.

— Ўзи ўлчаёйди,— деди йигит устурлабни харидорга узатар экан,— ўлчашга арзигулик нарса топилса бўлгани.

Нозик асбобдан қутулиб олган шўх йигит «Лаззат бурчаги» ошхонасида қорнини тўйдириб олгач, шаҳар сайрига чиқди. У Совет кўчасидан ўтиб, Қизил қўшин (собиқ Катта Пушкин) кўчасига чиқиб олгач, Коопера-

тив кўчасини кесиб ўтган эди, яна Совет кўчасига дуч келди. Лекин буниси бошқа бўлиб, аслида шаҳарда Совет кўчасидан иккита эди. Буни кўриб хийла таажжубга тушган йигит бир пайт Лена воқеалари (илгариги Денисов) кўчасидан чиқиб қолди. У пешонасига:

СССР. РСФСР  
СТАРГУБСУГУРТА  
2-НЧИ СОЦИАЛ ТАЪМИНОТ  
УЙИ

деб ёзилган икки қаватли, кўркем 28-уйнинг олдида келганида тўхтади, дарвоза ёнидаги тошсупада ўтирган қоровулдан папиросини тутатиб олмоқчи бўлди.

— Хўш, отахон,— деди йигит папиросни тортиб,— бу томонларда қайлиқ масаласи қалай?

Қоровул чол пинагини бузмади.

— Тенгини топганга қурбақа ҳам қайлиқ,— жавоб берди у бажонидил суҳбатга киришиб.

— Бошқа саволим йўқ,— шоша-пиша деди йигит.

Лекин шу заҳотиёқ у чолни яна саволга тутди:

— Шунақа данғиллама уйда қайлиқ бўлмаса-я?

— Биздаги қайлиқларни нариги дунёда дурбин билан қидириб юришибди,— деди қоровул шартта йигитнинг оғзига уриб.— Бу жой давлатнинг худойихонаси: кампирларни давлат боқади.

— Тушунарли. Бундан чиқди, бу ердагилар ҳалиги тарихий материализмдан олдин туғилган экан-да?

— Ҳақ гапни айтдинг. Қачон туғилишган бўлса ўшанда туғилишган.

— Хўш, тарихий материализмдан олдин бу уйда нима бўлган?

— Қачон дединг?

— Ўшанда-да, эски тузум пайтида.

— Ҳа, эски тузумдами, унда хўжайиним турарди.

— Буржуймиди?

— Ўзинг буржуй! Сенга айтсам, у киши дворянлар сардори бўлган.

— Бундан чиқди, пролетар экан-да?

— Ўзинг пролетар! Айтдим-ку, сардор деб.

Йигит синфий жамиятнинг нозик томонларига фаҳми етмайдиган донишманд қоровул билан роса валақлашган

бўларди-ю, лекин вақт тигизлигидан мақсадга кўча қолди.

— Гап бундоқ, бобой,— деди у,— озроқ мусаллас нч-сак бўлармиди.

— Меҳмон қилсанг, ичаверамиз.

Иккаласи бир соатча йўқолиб кетишди, қайтиб келишганида қоровул билан йигит апоқ-чапоқ бўлиб қолган эди.

— Бугун сеникида тунаб қоларканман-да,— деди қоровулнинг янги орттирган дўсти.

— Менга деса бир умр қолиб кетмайсанми, зўр одам экансан.

Тезгина муддаосига етган йигит дарров қоровулхонага тушиб, сариқ сандалини ечди, кейин скамейкага чўзилиб, эртага қиладиган ишларининг режасини туза бошлади.

Йигитнинг исм-шарифи Остап Бендер эди. Одатда у таржимаи ҳолидан оғиз очгудай бўлса, фақатгина «Менинг отам турк фуқароси бўлган», деб қўярди, холос. Турк фуқароси фарзандининг кирмаган гўлахи йўқ. Бирор касб-корнинг этагини ушлашга тўсқинлик қилган жонсарақлиги эгасини мамлакатнинг у бурчагидан-бу бурчагига тентиратиб юрди, мана энди худди шу феъли пайпоқсиз, калитсиз, уй-жойсиз ва ёнида сариқ чақасиз уни Старгородга бошлаб келди.

Остап Бендер илиққина сассиқ қоровулхонада чўзилиб ётар экан, тирикчилик ўтказишнинг икки усулидан қай бирини танлашни ўйларди.

Ҳар шаҳарда биттадан хотин олиб, янги келинчакнинг қимматбаҳо буюмларини чамадонга жойлаб қочиш мумкин.

Қолаверса, эртагаёқ Старгороддаги болаларнинг турмуш шароитини яхшилаш комиссияси — Старболакомга учрашиши ва ҳали оқ сурпга тушмаган бўлсаям, лекин антиқа бир мавзуда — рассом Репиннинг: «Запорожье-ликлар султонга хат ёзишмоқда», деган машҳур расмига ўхшатиб: «Большевиклар Чемберленга хат ёзишмоқда», деган мавзуда сурат ишлаб беришни таклиф қилиши мумкин. Суратни тарқатишни Старболаком ўз зиммасига олади. Агар иш ўнгидан келса, тўрт юз сўмча пулни қуртдай санаб олади.

Буларни Остап охирги марта Москвага борганида ўйлаб қўйган эди. Ушанда оқшомги газетада бир суд

ҳақида босилган хабарда устма-уст хотин олган бир одам шунчаки икки йилга қамалганини ўқиган эди. Шу мақола сабаб бўлиб, Остапнинг калласида биринчи режа туғилди. 2-сон режа эса Бендер контрамарка билан РРРУ<sup>1</sup> кўргазмасига кириб чиққанида пайдо бўлди.

Лекин ҳар иккала лойиҳанинг ҳам ўзига яраша нуқсони бор. Эсинида катак-катак, кулранг яхши костюм бўлмаса, хотишбозлик кўчасига кириш қийин. Иннайкиёни, хотиш зотини ўзига қаратиб, кўнглини овлаш учун камиди пақд ўн сўм пул керак. Бисотидаги ягона сабза костюмда иш бошласа ҳам бўлади-ю (зеро, эрсираб юрган қишлоқди Маргариталар Бендернинг йигитлик жозибаси ва ҳусни жамолнини кўриб эриб кетиши турган гап), аммо бу йўл, Остапнинг ўз нбораси билан айтганда, «паст кетиш» бўлади. Раём масаласида ҳам қиттай чатоқлик бор: иш пайтида майда-чуйда андишалар чиқиб қолиши мумкин. Ўртоқ Қаливинга папах Ошан оқ чакмон кийдириб, ўртоқ Чичеринни ярим яланғоч қилиб ишласа, гап тегиб қолмасмикин? Жуда бўлмаганда суратдачиларнинг ҳаммасига костюм кийдириб қўйса ҳам бўлади-ю, лекин унчалик чиқмайди-да.

— Таъсирчан чиқмайди!— деди овозини чиқариб Остап.

Шундагина у қоровул боядан бери ўзинча валақлаб ётганини сизди. Маълум бўлишича, қоровул собиқ хўжайинини эслаётган экан.

Полицмейстер ҳам қўл қовуштириб турарди-я... Мисол учун, сенга айтсам, Янги йил билан табриклаб қўйсанг, уч сўм қистирарди... Пасхада, сенга айтсам, яна уч бола. Хўш, сенга айтсам, авлиё кўплари билан ҳам табриклаб қўясан. Қарабсанки, табрикнинг ўзидан бир йилда ўн беш сўмча йингилиб қолади... Менга ҳатто нишон ҳам олиб бермоқчи бўлган. «Мендақа одамнинг қоровулиям нишон тақиб юриши керак», дерди нуқул. «Нишон қўлимда деявер, Тихон», деб айтган ўзи.

— Хўш, беришимми?

— Тек тур... «Менга нишон тақмаган қоровулнинг кераги йўқ», дерди. Нишон олиб бермоқчи бўлиб Санкт-Петербургдаям бориб келди. Биринчи боришида, сенга айтсам, иш юришмади. Жаноб тўралар рози бўлмапти. «Подшо чет элга кетган, ҳозир иложи йўқ», дейишибди.

<sup>1</sup> РРРУ — Революцион Россия рассомлари уюшмаси.



Хўжайин сабр қиласан, деди. «Сен сабр қил, Тихон, нишон албатта тегади», деб айтди.

— Хўжайинингга нима бўлган, думини тугишганми?— тўсатдан сўраб қолди Остап.

— Ҳеч ким думини туггани йўқ. Ўзи кетворди. Куни шу саллотларга қолсинмиди.. Қоровулчиликка ҳозир нишон тегармикин?

— Тегади. Олиб беришим мумкин.

Қоровул меҳри ошиб, Бендерга бир қараб қўйди.

— Менга нишон жудаям керак. Хизматим шунақа.

— Хўжайининг қаёққа кетган ўзи?

— Ким билади дейсан! Парижга кетибди, деб юришувди.

— Э!.. Шоҳнинг қули, муҳожирнинг пули дегин... Демак, муҳожир экан-да?

— Ўзинг муҳожир... Парижга кетган, дейишади. Уйини бўлса кампиршолар эгаллаб ётибди... Кунда табрикласанг ҳам булардан сариқ чақаям унмайди!.. Эҳ, хўжайин зўр эди-да!..

Шу пайт эшикнинг тепасидаги занг босган қўнғироқ силкинди. Қоровул инқиллаб-синқиллаб эшикка юрди, лекин очиши билан бир чайқалиб, орқасига тисарилди.

Юқори пиллапояда мўйлови билан сочлари тимқора Ипполит Матвеевич Воробьянинов кўринди. Унинг пенсне остига яширинган кўзлари урушдан олдингидай порларди.

— Хўжайин!— деб бўкириб юборди Тихон.— Париждан!

Стол четидан бинафшаранг товонга кўзи тушиб, қоровулхонада бегона одам борлигини сезган Ипполит Матвеевич саросимада орқасига қайтмоқчи бўлган ҳам эдики, Остап Бендер сатчиб ўрнидан турди-да, Ипполит Матвеевичга икки букилиб таъзим қилди.

— Гарчи Парижга ўхшатмасалар ҳам фақирона кулбамизга марҳамат қилғайлар.

— Омонмисан, Тихон,— деб сўрашди Ипполит Матвеевич бошқа иложи қолмагач,— мен ҳечам Париждан келганим йўқ. Қаёқдан олдинг бу гапни?

Бироқ ўткир бурни ёғлиқ нарсанинг исини сезди-ю, Остап Бендер қоровулни оғиз очиргани қўймади.

— Жуда соз,— деди у аланглаб,— Париждан келмасиз. Сиз, албатта, Кологривдан келгансиз, раҳматли бувингизни кўриб ўтмоқчисиз.

Ган орасида у гангиб қолган қоровулни бағрига босиб, секингина ташқарига чиқариб юборди. Қоровул бундоқ ўзига келиб қараса, чап қўлида бир сўмлик қорғоз пулни гижимлаганича ташқарида турибди, Париждан келган хўжайини эса ичкарида қолган.

Бендер қоровулни чиқариб юбориб, эшикни ичкаридан ҳафсала билан қулфлаб олгач, орқасига ўгирилди, ҳонанинг ўртасида бақрайиб турган Воробьяниновга қараб:

— Тинчланинг, ҳаммаси жойида,— деди.— Менинг фамилиям Бендер. Балки эшитгандирсиз?

— Эшитганман,— деди асабийлашиб Ипполит Матвеевич.

— Ҳа, дарвоқе, Остап Бендерни Париждагилар қаёқдан билсин? Париж қалай, иссиқми? Яхши шаҳар. Хоплаваччам ўша ерда турмушга чиққан. Яқинда хатга солиб шоҳи рўмолча юборибди менга...

— Қанақа бемаънилик бу!— ўшқирди Ипполит Матвеевич.— Рўмолчаси нимаси? Мен Париждан келганим йўқ, мен...

— Тасанно, тасанно! Моршанскдан келдим, деяверинг.

Ипполит Матвеевич бунақа шаддод йигитни умрида кўрмаган эди, шунинг учун беҳуд бўлди.

— Хўп, мен борай бўлмаса,— деди у.

— Қаёққа? Шошиб нима қиласиз. ГПУнинг ўзи олдингизга келади.

Ипполит Матвеевич нима дейишини билмай қолди, духобаси ейилган ёқали пальтосининг тугмасини ечиб, скамейкага чўкди-да, Бендерга олайиб қаради.

— Гапингизга тушунолмадим,— деди у хаста овоз билан.

— Зарари йўқ. Ҳозир тушунасиз. Бир дақиқа.

Остап яланг оёғига сариқ сандалини илиб, наридан бери юра бошлади. Кейин гапини бошлади:

— Қайси чегарадан ўтдингиз? Польшами? Финляндиями? Руминиями? Утишининг ўзи бўлмаса керак. Менинг бир танишим яқинда чегарадан ўтди. Ўзи Славутда туради, бизнинг томонда. Хотинининг ота-онаси эса нариги томонда. Бир куни хотини билан жиқиллашиб қопти, хотиниям сиркаси сув кўтармайдиганлардан экан. Эрининг бетига тупуриб, ота-онасиникига қочиб кетибди. Танишим уч кунгача чидабди, қараса аҳвол чатоқ!

иссиқ овқатдан дарак йўқ, уй бесаранжом. Шундан кейин у хотини билан ярашмоқчи бўпти. Ярим кечада уйдан чиқиб, қайночасиникига жўнабди. Чегарачилар гиппа ёқасидан олиб, авахтага тиқишибди. Олти ойга кесилиб кетди, бөяқишни касаба союздан ҳам ўчиришди. Қаллаварам хотини энди қайтиб келганмиш, эри бўлса авахтада ётибди. Ҳар куни эрига овқат таширкан... Сиз ҳам Польша чегарасидан ўтиб келдингизми?

— Худо ҳаққи,— деди Ипполит Матвеевич жавоҳир йўлида тўғаноқ бўлиб турган гапдон йигитга нисбатан кўнглида қандайдир тобелик сезиб,— худо ҳаққи, мен РСФСР фуқаросиман. Керак бўлса, паспортимни кўрсатишим мумкин...

— Ғарбда матбаа жуда тараққий этган, совет паспортини яшаш шунчалик осонлашиб кетганки, буни гапириб ўтиришнинг ўзи кулгили... Менинг бир танишим бор, ўша, денг, бир куни қарасам, доллар ясапти. Америка долларини ўхшатиб яшаш қанчалик қийин эканлигини биласизми? Долларнинг қоғози жуда ғалати, гулли, тарам-тарам. Техниканинг тилини билиш керак. Ўша танишим ўзи ясаган долларларни Москванинг чайқов бозорида лойлабди, кейин билсак, буваси катта чайқовчи экан, ўша долларнинг барини Киевда сотиб олиб, роса чув тушибди. Ҳаммаси қалбаки-да. Кўрдингизми, сиз ҳам паспортингизни пеш қилаверманг, панд еб қолингиз мумкин.

Шу топда жавоҳирни тезроқ топиш ўрнига сассиқ қоровулхонага тиқилиб, манави сурбет йигитнинг танишбилишлари қандай қинғир ишлар қилганини эшитиб ўтиргани учун хуноби ошган Ипполит Матвеевич кетишга журъат этолмас эди. Кимлиги номаълум бу йигит собиқ сардор келибди, деб шаҳарга жар солиши мумкин. Шуни ўйлаб, Ипполит Матвеевични муздай тер босди. Ҳа, агар шу гап тарқалса борми, бутун умидлари чиппакка чиқади, балки қамалиши ҳам мумкин.

— Ҳар ҳолда мени кўрганингизни бировга айта кўрманг,— деди ялиниб Ипполит Матвеевич,— эшитган қулоққа ёмон, мени ростакамига муҳожирга чиқариб қўйишлари мумкин.

— Қойил! Қойил! Мана буниси зўриддин! Аввал ишнинг ижобий томонини олайлик. Бир муҳожир ўзи туғилиб-ўсган шаҳарга қайтиб келади. Энди салбий томони: у ГПУ нинг қўлига тушишдан қўрқади.

— Минг марта айтдим-ку сизга, муҳожир эмасман, деб.

— Бўлмаса кимсиз? Бу томонларда нима қилиб юрибсиз?

— Ҳалиги, бир иш билан № шахридан келдим.

— Қанақа иш билан?

— Ҳалиги, шахсий иш билан.

— Шунча гапдан кейин яна муҳожир эмасман дейсиз-а?.. Менинг бир танишим ҳам яқинда...

Бендернинг таниш-билишларини эшитавериб жони ҳалқумига келган Ипполит Матвеевич бу одамга бас келолмаслигини тушунгач, тақдирга тан берди.

— Яхши,— деб жавоб берди,— сизга ҳаммасини бир бошдан тушунтириб бераман.

«Ҳар қалай бир ўзим ёлғизлик қилиб қолишим мумкин, ёнимда шеригим бўлгани маъқул,— кўнглидан ўтказди Ипполит Матвеевич,— ўзиям ғирт муттаҳамга ўхшайди. Асқатиб қолиши мумкин».

## VI боб

### ЖАВОҲИР ЖИЛОСИ

Ипполит Матвеевич хол-хол мовут шляпасини бошидан олиб, мўйловига тароқ урган эди, чарсиллаб электр учқуни отилди, кейин томоғини бир қириб олгач, умрида биринчи марта юзма-юз рўпара келган лўттибоз одамга, яъни Остап Бендерга қайнонасининг жавоҳир хусидаги васиятини гапириб берди.

У бўлган воқеани гапириб бераётганида, Остап бешолти марта ўрнидан туриб кетди, азбаройи ҳовлиққанидан чўян печкага қараб:

— Муз кўчди, жаноби маслаҳатчи тўралар! Муз кўчди,— деб қичқириб юборди.

Орадан бирор соат ҳам ўтмаган эдики, лиқиллаб турган стол ёнида иккови каллани каллага тираб, бир вақтлар қайнонанинг бармоқлари, бўйни, қулоқлари, кўкраги ҳамда сочларини беаган дурри жавоҳир рўйхатини ҳижжалаб ўқий бошлади. Ипполит Матвеевич дам-баҳам бурнидаги пенсенни тўғрилаб, кўпириб дерди:

— Уч шода маржон... Жуда яхши эсимда бор. Икки-

таси қирқ донадан, каттаси юз ўн дона. Яна битта гавҳар тошли жевак... Клавдия Ивановна бу нобўб буюм тўрт минг туради, деб айтган...

Навбат узукларга келди: никоҳ куни бериладиган бемаъини, қўпол ва арзон узуклар эмас, балки ёқут кўзли, жилвагар эди улар; мана, хотин-халажнинг жажжи қулогига минг хил товланиб турадиган залварли зираклар; мана, илондан нусха олиб ишланган зумрад билангузуклар; мана, беш юз ботмон ҳосил пулига келган қимматбаҳо тўғнағич; мана, энг зўр оперетта артистининг кучи етадиган марварид шодаси; мана, қирқ минг сўмлик тиллақош — заргарлик ҳунарининг тожи.

Ипполит Матвеевич бир зум атрофига разм солиб қаради. Исқирт қоровулхонанинг нимқоронғи гўшаларида кўклам шуъласи зумраддай товланади. Жавоҳирдай ялтироқ жилва шифтда муаллақ. Шу топ шода-шода маржонлар стол устида ўйноқлаб, ерга сакради. Уй ичинини жавоҳир жилвоси чулғаб олди.

Юраги ҳаққириб кетган Ипполит Матвеевич Остапнинг овозини эшитиб, ўзига келди.

— Анча дуруст. Тош танлашга уста экан, кўриниб турибди. Бу дахмазани пулга чақса, қанча бўлади?

— Етмиш-етмиш беш минг атрофида.

— Ҳм... Ҳозир юз эллик минг деяверинг.

— Наҳотки шунча турса?— суюниб кетди Воробьянинов.

— Бундан кам эмас. Лекин сўлагингизни оқизмасангиз ҳам бўлади, Париждан келган қадрли ўртоқ.

— Нега энди?

— Шундоқ, сиз ҳозир тарихий материализм давридасиз, — деди Остап. — Бундан бир иш чиқишига кўзим етмай турибди.

— Нима учун?

— Шунинг учун. Стуллар қанча эди?

— Ун икки дона. Меҳмонхона гарнитурка.

— Уша гарнитурингизни аллақачон ўтин қилиб ёқиб юборишган бўлса керак.

Азбаройи кўрқиб кетганидан Воробьянинов ўтирган жойида бир санчиб тушди.

— Упангизни босинг. Бу ишни мен ўз зиммамга оламан. Мажлис давом этади. Ҳа, айтмоқчи, икковимиз битта шартномача тузиб олишимиз керак.

Нафаси бўғзига тиқилган Ипполит Матвеевич бош ирғаб, розилик берди. Шундан кейин Остап Бендер битим шартларига ўтди.

— Хазина қўлга кирган тақдирда мен ширкатнинг бевосита аъзоси ва амалий саркори сифатида олтмиш фоиз оламан, соцуғуртага муҳтож эмасман, тўламасангиз ҳам бўлади.

Ипполит Матвеевич бўзариб кетди.

— Куппа-кундуз куни шиялпсиз-ку, мени.

— Хўш, қанча бермоқчийдингиз?

— Н-и-нари борса, беш; боринг-чи, ўн фоизини. Ўзингиз ўйлаб кўринг, ўн беш минг сўм деган гап-а, бу!

— Кўнгиллари яна нимани хоҳлайди?

— Ҳ-ҳеч нарсани.

— Мени текин ҳаммолдай ишлатмоқчи бўлибдиларда ёки тилла кўмилган уйнинг калитини бериб қўяйми, кўнгиллари суст кетдими шунга?

— Ундай бўлса, кечирасиз,— деди Воробьянинов тўнгиллаб,— ўзимнинг ишимни ўзим уддалайман, бунга аниқ кўзим етади.

— А-ҳа! Ундай бўлса узр,— дарҳол ёпиштирди закий Остап,— бу иш менинг ҳам қўлимдан келади. Энди, Такернинг таъбири билан айтганда, бунга тўла имоним комил.

— Қаллоб!— чинқириб юборди Ипполит Матвеевич дағ-дағ титраб.

Остап пинағини бузмади.

— Хўв Париждан келган жаноб, шуни билиб қўйингки, гавҳарларингиз нақ чангалимда турибди! Бинобарин, сизга раҳмим келганидан ўзимга шерик қилмоқчиман, қариганда қийналиб қолманг, деб.

Ипполит Матвеевич қанчалик зўр сиртмоққа тушиб қолганини шундагина фаҳмлади.

— Йигирма фоиз,— деди у хўмрайиб.

— Масаллиги бизданми?— пичинг қилди Остап.

— Йигирма беш.

— Уйнинг калитиям ичидами?

— Ўттиз етти ярим минг-а!

— Майда гапнинг нима кераги бор? Хўп, бўпти, элик фоиз. Ярми сизга, ярми бизга.

Савдолашиш давом этди. Остап яна ён босди. У Воробьяниновни азбаройи ҳурмат қилганидан қирқ фоизга рози эканини айтди.

— Эсиз олтмиш мингим!— бўкириб юборди Воробьянинов.

— Жуда бачкана одам экансиз,— узиб олди Остап,— намунча пул деса, ўзингизни томдан ташламасангиз!

— Ҳа, ўзингиз-чи, пулни ёмон кўрасизми?— сурнайдай чийиллаб сўради Ипполит Матвеевич.

— Мутлақо.

— Бўлмаса олтмиш мингни нима қиласиз?

— Кўнглим суст кетди-да, бир!

Ипполит Матвеевич хўрсиниб қўйди.

— Хўш, қалай, бор барака топми?— яна ҳамлага ўтди Остап.

Воробьянинов бир пишиллаб, итоаткорона деди:

— Бор барака топ.

— Мана энди қўлни ташланг, пандавақилар сардори! Муз кўчди! Муз кўчди, жаноби маслаҳатчи тўралар!

«Пандавақилар сардори» деган ибора Ипполит Матвеевичнинг нафсониятига оғир ботгани учун у Остапдан кечирим сўрашни талаб қилди, шундан кейин Остап узрини келтириб, узундан-узоқ нутқ сўзлади, гап орасида Ипполит Матвеевични фельдмаршал деб атади. Ана шундан кейин ҳар икки томон бўлажак жанг режаларини тузишга киришди.

Ярим кечада қоровул Тихон йўл-йўлакай четанларга ёпишиб, симёғочларни қучиб, ертўлага қараб келарди. Аксига олиб, осмонда бир тилим ой сузиб юрарди.

— У! Ақлий меҳнат пролетари! Супурги бандаси!— деди Остап қадди камондай эгилган қоровулни кўриб.

Ҳожатхонадаги чаноқ ярим кечада баъзан ўзидан-ўзи вишиллаб, бирдан шов этиб қолади — ҳозир қоровулнинг бўғзидан чиққан овоз ҳам шунга ўхшаб кетди.

— Зўриддин!— деди Остап Ипполит Матвеевичга юзланиб,— аммо лекин қоровулингиз ғирт бемаъни одам экан. Бир сўмгаям шунчалик ичадими?

— Б-бўлади,— деб қолди кутилмаганда қоровул.

— Менга қара, Тихон,— уни гапга солмоқчи бўлди Ипполит Матвеевич,— жиҳозларим нима бўлган, ошна, хабаринг борми?

Остап бўғзидан чиққан гапи тузукроқ эшитилсин, деган мақсадда Тихонни хиёл энгаштириб турди. Ипполит Матвеевич бетоқат бўлиб, унинг оғзини пойлади. Аммо қоровулнинг бири тушиб, бири қолган тишлари орасидан ҳайқириқ отилиб чиқди:

— Дор-ор-ил-амон за-м-м-онларда...

Қоровулхонада бир зумда тўс-тўполон кўтарилди. Қоровул бирорта сўзни ҳам тушириб қолдирмасликка уннаб, зўр бериб хиргойи қиларди. У қоровулхонада кезиб гоҳ стол тагига шўнғиб, гоҳ девордаги соатнинг мис тошига бошини урар, гоҳ эса бир оёғида ерга чўккалаб, тўхтовсиз бўкирарди. Эси оғиб қолган одамдай ўзида йўқ хурсанд эди.

Ипполит Матвеевич нима қиларини билмай, каловланиб турди.

— Гувоҳларни эртага сўроқ қиладиганга ўхшаймиз,— деди Остап.— Ётайлик энди.

Тиррақдай қотган зил-замбил қоровулни бир амаллаб скамейкага ётқизишди.

Воробьянинов билан Остап иккови қоровулнинг каравотида тунайдиган бўлишди. Остап устидаги камзулни ечган эди, ичидан қайтарма ёқали, қизил-қора катак гулли кўйлаги кўринди. Бошқа ҳеч вақо йўқ.

Ипполит Матвеевич эса пишиқроқ экан: китобхонга маълум бўлган ялтироқ нимчаси қўшалок бўлиб чиқди — тагидан яна битта тўқ ҳаворанг, жун нимча кўринди.

— Сотса сотгудай нимча экан,— деди Бендер кўзи ўйнаб,— менга лойиқ бўлса керак. Сота қолинг.

Янги орттирган шеригига, қолаверса, ўзлари тузган ширкатнинг бевосита аъзоси ва амалий саркори бўлмиш Остапга йўқ дегани Ипполит Матвеевичнинг кўнгли бўлмади.

У бирпас пешонасини тириштириб тургач, нимчани ўз баҳосига, яъни саккиз сўмга сотишга рози эканини айтди.

— Пулини хазина қўлга киргандан кейин оласиз,— деди Бендер Воробьяниновдан илиққина нимчани қабул қилиб олар экан.

— Йўқ, буниси бизга тўғри келмайди,— деди Ипполит Матвеевич қизариб.— Бу ёққа олинг нимчани, илтимос.

Нозиктаъб Остап тутақиб кетди.

— Чайқовчилик-ку, бу!— ўшқирди у.— Юз эллик минг турганда саккиз сўм нима деган гап ахир! Шунгаям ота гўри қозихонами! Феълни кенг қилишга ўрганинг!

Ипполит Матвеевич баттар қизариб кетди, сўнгра ёнидан кичкинагина дафтарча олиб, ҳуснихат бчлан битиб қўйди:



Остап дафтарчага кўз қирини ташлади.

— Шунақами! Модомики, биз билан ҳисоб-китобни бошлаган бўлсалар, бундоқ қондасини келтириб ёзсинлар, кирим билан чиқимни алоҳида қайд этиб боринг. Мендан олтмиш минг қарзсиз, шу пулни киримга ёзиб қўйинг, чиқим қисмига эса нимчани қайд этинг. Қолдиғи бизнинг фойдага. Эллик тўққиз минг тўққиз юз тўқсон икки сўм. Бориға барака.

Шундан кейин Остап ёш боладай данг қотиб ухлаб қолди. Ипполит Матвеевич жун билакбоғи билан олифта этигини ечиб, қирқ ямоқ ич кўйлақда қолгач, кўрпанинг остига кирди. Шу топда унинг аҳволи ғоят танг эди. Нега деганда, бир томондан, кўрпадан чиқиб қолган жойлари жунжикса, иккинчи томондан, ёнида ётган буюк мудаббирнинг томирида минг хил фикр жўш уриб турган навқирон бадани ўтдай ёндирадди.

Қоровулхонадагиларнинг учови ҳам туш кўриб ётарди.

Воробьянинов ёмон туш кўрди: тушига ҳар хил микроблар, жиноят қидирув бўлими, духоба пўстинлар, смокинг кийган, соқоли ўсиб кетган тобутсоз уста Безенчук кириб чиқди.

Остап эса Фудзияма вулқонини, ёғ-мой трестининг мудирини ва негадир Днепрострой кўринишларини сотиб юрган Тарас Бульбани туш кўрди.

Қоровулнинг тушида отхонадан битта от йўқолганмиш. Эрталабгача роса қидирибди-ю, лекин тополмабди. Шунинг учун у юраги гаш бўлиб ўрнидан турди. Қаравотида ётган одамларга узоқ тикилиб, роса ҳайрон бўлди. Нимага булар бу ерда ётганига ақли етмай, сурпургисини олиб, ўзининг асосий юмушини бажаргани — от кумалоғини териб, худойихонадаги кампирларга дағдаға қилгани кўчага чиқиб кетди.

## VII боб

### «ТИТАНИК» АСОРАТИ

Ипполит Матвеевич одатдагидай эрта билан соат етти яримда уйғонгач, «гут морген», деб ғўлдираб қўйдида, ювингани кетди. У зўр ҳафсала билан ювинди: гоҳ

пишқирар, гоҳ ғингшир, гоҳ эса қулоғига кирган сувни туширмоқчи бўлиб ҳадеб калласини лиқиллатар эди. Шундан кейин у мириқиб артинди, артинди-ю, сочиқни кўриб ҳанг-манг бўлди: не кўз билан кўрсинки, кечагина гажак мўйловига ярашиб турган зулукдай қора бўёқ сочиққа ёпишиб чиқибди. Ипполит Матвеевичнинг юраги зирқираб кетди. Жон ҳолатда чўнтагидан ойнакчани олиб қараган эди, бесўнақай бурни билан худди майса ўтга ўхшаб қолган кўм-кўк мўйловининг чап қаноти кўзига тушди. Ипполит Матвеевич шоша-пиша ойнакни ўнгга олди. Мўйловининг ўнг томониям ўшандай хунук, яшил рангда эди. Кўзгуга калла қилмоқчи бўлгандай шартта эгилиб қараса, хурпайган сочларининг ўртаси зулукдай қора-ю, аммо четига биров яна ўша майсадан экиб ташлагандай кўринди.

Ипполит Матвеевич қаттиқ инграб юборди, буни эшитиб Остап Бендер уйғониб кетди.

— Эсингиз жойидами!— деб жекирди Бендер ва шу заҳотиёқ яна кўзини юмиб олди.

— Ўртоқ Бендер,— нажот сўрагандай пичирлаб деди «Титаник» қурбони.

Остап роса туртиб, хўп ялиниб-ёлворганидан кейингина у уйғонди. Остап Ипполит Матвеевичга тикилиб қаради-ю, бирдан хахолаб кулиб юборди. Ширкатнинг бош саркори ва амалий директори ташаббускор директорга орқасини ўғриб олганича қотиб-қотиб кулар, дам-бадам каравотнинг суянчигига ёпишиб, «Вой ўламан!»— деб қичқирар, энди тинчий деб қолганида яна жазаваси тутиб, баттар қичқирарди.

— Бу ишингиз яхши эмас, ўртоқ Бендер,— деди Ипполит Матвеевич кўм-кўк кўкариб кетган мўйловини асабий ўйнатиб.

Қолдан тойган Остапга яна жон кирди. У яна ўн минутча ичаги узилгудай бўлиб кулди. Шундан кейин анча ўзига келиб, яна жиддийлашди.

— Тошбақа тухумига термилгандай нега бақраясиз? Турқингизга бир қаранг.

— Дорихоначи ранги зулукдай қора бўлади, деган эди. Иннайкейин совуқ ва иссиқ сувгаям, совун кўпиги билан керосингаям чидайди, ҳечам ўчмайди, девди... Четнинг моли экан, бекитиб сотишаркан.

— Четнинг моли? Шуни билиб қўйингки, чет молларининг ҳаммаси Одессадан, Кичик Арнаут кўчасидан

чиқади. Қани, шишани бу ёқ олинг-чи... Мана, кўрдингизми? Нима деб ёзилганини ўқидингизми?

— Уқиган эдим.

— Бунисини-чи, майда ҳарф билан ёзилганини? Мана, кўрга ҳассадай қилиб ёзиб қўйибди: иссиқ ёки совуқ сув, совун кўпиги ёки керосин билан ювгандан кейин офтобда ёки бўлмаса примусда қуритиш керак... Нега қуритмадингиз? Кўкариб кетган чўлтоқ супурги билан қаёққа борасиз энди?

Ипполит Матвеевичнинг юраги хун бўлиб кетди. Шу пайт Тихон кириб қолди. У хўжайиннинг кўкариб кетган мўйловини кўриб бир чўқиниб олди-да, бош оғригига пул сўради.

— Меҳнат қаҳрамонига бир сўм узатворинг,— таклиф қилди Остап,— илтимос қиламан, менинг ҳисобимдан бўлмасин. Собиқ хизматкорингиз билан ўзингизнинг шахсий ишингиз бу... Отахон, сен кетмай тур, озроқ гап бор.

Остап қоровулни гапга солиб, хўжайинининг жиҳозларини суриштирди, орадан беш минут ҳам ўтмаган эдики, ширкат аъзолари ҳамма нарсани билиб олишди. Жиҳозларни 1919 йилда уй-жой бўлимига олиб кетишган экан, ўшанда меҳмонхонадаги стуллардан биттаси Тихонда қолган экан, кейинчалик социал таъминотга қарашли 2-сон уйнинг хўжалик мудири буни ҳам кўтариб кетибди.

— Демак, ўша стул ҳозир шу уйда экан-да?

— Шу уйда.

— Менга қара, ошна,— деди Воробьянинов жон ҳолатда,— курсини олиб қолганигда ҳалигидай... ўт-бетига қўл урмовмидинг?

— Қўл уриб нима қиламан. Илгариги замонда ҳамма иш пишиқ бўларди. Бунақа стул яна ўттиз йил чидаб бериши мумкин.

— Хўп, ошна, боравер, манави бир сўмни ҳам ол, лекин келганимни бировга айтиб қўйма.

— Гум, ўртоқ Воробьянинов.

Остап Бендер қоровулни ташқарига чиқариб юборгач, «Муз кўчди», деб бақирди-да, яна Ипполит Матвеевичнинг мўйловига қайтди:

— Яна бир бор бўяшга тўғри келади. Пулдан чўзинг, дорихонага бориб келаман. «Титаник» деганингиз ҳеч балого ярамайди, фақат итнинг жунини бўяшга арзиса

керак... Илгарилари хўп антиқа бўёқлар бўларди-да!.. Пойгашунос бир профессор менга бир ғалати воқеани айтиб берган эди. Ҳечам пойгага қизиққанмисиз? Йўқми? Афсус. Кўп ғалати нарса. Бўлмаса гапни эшитинг... Граф Друцкий деган машҳур найрангбоз ўтган. Пойгада беш юз мингни бой берибди. Асл қиморбоз-да! Қулоғига гача қарзга ботиб, ёнида сариқ чақаям қолмагандан кейин нариги дунёни кўзлаб турган экан, устаси фаранглардан бири эллик сўм эвазига унга ажойиб маслаҳат берибди. Граф қаёққадир ғойиб бўлибди ва бир йилдан кейин Орловдан бир дўнон отни етаклаб келибди. Ана ўшандан кейин граф ҳамма пулини қайтариб олибди, бунинг устига яна уч юз мингча ютибди ҳам. «Маклер» деган ўша дўнони маррага биринчи бўлиб келаверибди, бу ёғини сўрасангиз, расмий ҳужжатлари ҳам бопта экан. Ўша дўнон пойгада «Мак-Магон»дан бир от бўйи ўзиб кетибди. Бўпти қиёмат, бўпти қиёмат!.. Аммо Курочкин деган бир одам (балки уни эшитгандирсиз) бундоқ разм солиб қараса, Орловдан чиққан ҳамма бедовлар рангини ўзгартирармишу «Маклер» қилт этмасмиш! Кўз кўриб, қулоқ эшитмаган жанжал кўтаришибди! Граф уч йилга қамалибди! Кейин маълум бўлишича, «Маклер»нинг зоти бошқа экан, Қони чатишгани учун уни бўяб келишган экан. Виласиз, чатишган отлар Орлов отларидан чопқирроқ бўлади, бегона отни асло яқинига йўлатмайди. Хўш, қалай?.. Мана буни асл бўёқ деса бўлади! Мўйловингиздан ўргилдим!..

— Расмий ҳужжат-чи? Ҳаммаси жойида экан-ку?

— Ўзингиз мақтаган «Титаник»ка ўхшаб бу ҳам қалбаки экан! Қани, пулдан чўзинг!

Остап янги дори олиб келди.

— «Наяда», «Титаник»дан ўлса ўлиги ортиқ. Қамзулни ечинг.

Соч-соқолни қайта бўяш маросими бошланди. Бироқ «сочни майин ҳамда юмшоқ қиладиган ажойиб қўнғирранг дори» кўкимтир «Титаник»ка қўшилгач, Ипполит Матвеевичнинг соч-соқоли ҳафтиранг камалак тусини олди.

Эрталабдан бери туз тотмаган Воробьянинов барча атир-упа заводларини — давлатга қарашлиларини ҳам, Одессадаги Кичик Арнаут кўчасида яширинганларини ҳам роса бўралаб сўкди.

— Бунақа антиқа мўйловни ҳатто Аристид Брианд тушида ҳам кўрмаган бўлса керак,— деб кесатди Остап,— аммо-лекин бунақа тўқ бинафшаранг соч билан Совет Россиясида яшаб бўлмайди. Олдиришга тўғри келади.

— Қандоқ олдираман,— деди Ипполит Матвеевич мунғайиб,— бунинг иложи йўқ.

— Ҳа, мўйлов бировни эслатиб турадими?

— Иложим йўқ,— яна қайтарди Воробьянинов бошини ҳам қилиб.

— Ундай бўлса қорёвулхонага тиқилиб ўтираверинг, стулларни ўзим излаб топаман. Дарвоқе, шулардан биттаси тепада кутиб турибди.

— Қирқинг!

Бендер дарҳол қайчи топиб келиб, соқолни шартта қирқиб ташлади. Саркор директор худди шу тарзда унинг сочини ҳам қирқиб ташлагач, чўнтагидан сарғайган «Жиллет» соқол асбобини, ҳамёнидан эса асраб қўйган бир дона пискани олиб, йиғламсираб турган Ипполит Матвеевичнинг соч-соқолини қира бошлади.

— Асраб юрган эдим, сизга ишлатаяпман. Эсингизда бўлсин, соч-соқолингизни олганим учун кирим дафтаримга икки сўм ёзиб қўясиз.

— Сизники намуноча қиммат? Ҳамма жойда қирқ тийин-ку!— деди боядан бери войвойлаб ўтирган Ипполит Матвеевич.

— Бу иш енг ичида бўлаётгани учун, ўртоқ фельд-маршал,— деб дарҳол гапни ёпиштирди Бендер.

Соқол асбобда соч олдириш қанчалик азоб эканини Ипполит Матвеевич бошидаёқ билган эди.

Бироқ ҳар нарсанинг охири бўлганидек, бу иш ҳам ниҳоясига етди.

— Тамом. Мажлис давом этади! Асаби чатоқлар четга ўгирилсин! Мана энди донғи чиққан лапарчи Боборикиннинг худди ўзи бўлдингиз.

Ипполит Матвеевич яқиндагина кўрк бериб турган оппоқ соч толчаларини бошидан сидириб ташлагач, ювиниб олди, териси ачишаётганини сезиб, яна бир марта ойнакка қаради. Қаради-ю, ўзидан хурсанд бўлиб кетди. Ойнадан унга театрларда шартномасиз ишлаб юрадиган актёрларга ўхшаган одамнинг изтиробли, лекин ёш чеҳраси тикилиб турарди.

— Қани, олға, труба йўлга чорлайди! — деб қичқирди Остап. — Мен уй-жой бўлимига ёки аниқроқ қилиб айтганда, илгари уй-жой бўлими турган бинога қараб кетдим, сиз — кампирлар ҳузурига!

— Мен ў ёққа боролмайман, — деди Ипполит Матвеевич, — ўз уйимга яна қадам босишга юрагим бетламайди.

— Ҳа-я!.. Жуда ғаройиб воқеа! Қувғинга учраган барон! Майли. Сиз уй-жой бўлимига бора қолинг, бу ёғини ўзим эплайман. Қоровулхонада учрашамиз. Қани, кетдик!

## VIII боб

### УЯТЧАН УҒРИ

Старсоцтаъминга қарашли 2-сон уйнинг хўжалик мудирини қўли эгри бўлса ҳам андиша бобида унинг олдида тушадигани йўқ. У ўғрилиқ-ку қилар, кейин уялиб юрар эди. У қўлига илинган нарсани ўмариб кетаверади, натижада ҳаммиша ўзи ич-этини еб юрарди, шунинг учун бўлса керак, қиртишлаб олинган сип-силлиқ икки бети истиҳола, андиша ва хижолатдан доим қизариб турарди. Хўжалик мудирининг исм-шарифи Александр Яковлевич, хотининики эса Александра Яковлевна. Хотинчасини у Сашхен деб чақирса, жуфти ҳалоли уни Альхен деб атайдди. Александр Яковлевичдай гоят андишали ўғри дунёда битта бўлса керак.

Уни фақат хўжалик мудирини эмас, умуман, мудир деса ҳам бўлади. Нега деганда, олдинги мудир боқимхонадагиларга қўпол муомалада бўлгани учун ишдан олиниб, симфоник оркестрга раҳбар қилиб юборилган, Альхен ўша тарбиясиз бошлиққа тарикча ўхшамайди. Иш кунидан яна ҳам унумлироқ фойдаланиш мақсадида у мудирлик вазифасиниям зиммасига олди, уйда муҳим ислохотлар ўтказиб, янги тартиб-қоидаларни амалга оширди, пенсионер кампирлар билан ҳам муомалани йўлга қўйди.

Остап Бендер илгари Воробьянинов турган шу дангиллама уйнинг оғир дуб эшигини тортиб, вестибюлга кирди. Шу заҳоти таги олган бўтқа ҳиди димоғига урилди. Юқоридаги уйлардан олағовур эшитилди. Атрофда тирик жон кўринмайди. Тепага қараб икки қанот дуб

зинапоя кетган. Бўёғи кўчган пиллапояларда ёлғиз ҳал-қачалар қолибди, бир вақтлари гилам пояндозларни қисиб турган мис чивиклар гумдон бўлибди.

«Пандавақилар сардори роса пул топиб, ақл топмаган бепаросатлардан экан»,— кўнглидан ўтказди Остап зинадан чиқаётиб.

У дуч келган хонанинг эшигини очиб мўраледи, ёруғгина, кенг бир хонада сурранг бўз кўйлак кийган ўн беш нафарча кампир давра олиб ўтирибди. Кампирлар норғул эркак томон бўйинларини чўзиб, ашула айтишмоқда!

Узоқларда эшитилар шақилдоқ саси,  
Елдирмоқдадир ўша таниш уч отли извош...  
Оқ кафандай оппоқ қорнинг оқиш пардаси  
Поёни йўқ йироқларга қўйган эди бош!..

Кампирлар хорини бошқараётган эркакнинг эғнида ҳам бўздан тикилган бурма кўйлак билан шим. У куйга мослаб кафтларини бир-бирига уриб қўяди-да, турган жойида гир айланиб ўшқиради:

— Хўв овози ингичкалар, секинроқ! Қокушкина, баланд кетма!

У Остапни кўришга кўрди-ю, аммо қўл ҳаракатларини тўхтатолмай ўқрайиб қаради-да, яна дирижёрлигини қилаверди. Кўрпа тагидан чиққандай, яна хорнинг нолиши эшитилди:

Ла-ла-ла, ла-ла-ла, ла-ла-ла,  
Ла-ла-ла, лу-лу-лум, лу-лу-лум...

— Менга қаранг, ўртоқ хўжалик мудирини қаердан топсам бўлади?— ашулачилар сўлиш олиши билан гап қотди Остап.

— Нима ишингиз бор эди, ўртоқ?

Остап дирижёрга қўлини чўзиб, кўнгили сўраган бўлди:

— Халқ қўшиқларими? Жуда соз. Мен ўт ўчириш инспекториман.

Хўжалик мудир хижолат чекди.

— Ҳа, ҳа,— деди уялиб,— айна муддао, Узим ҳам шу тўғрида ёзмоқчи бўлиб юрган эдим.

— Бу ёғидан хотиржам бўлинг,— унинг кўнглини кўтариб деди Остап,— ёзишни менга қўйиб бераверинг, Қани, бинони бир текшириб чиқайлик-чи.

Альхеннинг ишораси билан хор жойидан қўзғалди, кампирлар бедана юриш қилиб бир зумда шодон тарқаб кетишди.

— Марҳамат қилиб орқамдан юринг,— таклиф қилди хўжалик мудирини.

Остап нарироқ юришдан олдин анжомларга разм солди. Хонада бир дона стол, боғларда турадиган чўян оёқли иккита скамейка (шулардан бирининг суянчиғига аллаким «Коля» деб ўйиб ёзибди) ҳамда бир дона олабула фисгармониядан бошқа нарса кўринмади.

— Бу ерда примус ёқилмайдими? Вақтинча ўрнатилган печкалар йўқми?

— Йўқ, йўқ. Хонани тўғарақларга ажратиб берганмиз: хор, драма, тасвирий санъат ва музика тўғарақлари...

Александр Яковлевич «музика» деб оғиз жуфтлаши билан лавлагидек қизариб кетди. Олдинига даҳани, ундан кейин пешонаси билан ёноқлари ловиллади. Альхен қилмишидан қаттиқ уялиб кетди. Зеро, духовой капеллага тегишли ҳамма асбобларни у аллақачон сув қилган. Қолаверса, бунақа чолғу асбобларига кампиршоларнинг нозик ўпкаси ҳечам дош беролмасди, нуқул чийиллагани чийиллаган. Ахир уюм-уюм металлнинг бекор ётиши кулгили-ку. Альхен капеллани гумдон қилмай иложи йўқ эди. Мана энди бўлса ўзининг қилган ишидан ўзи хижолат бўлиб ўтирибди.

Сурранг бўзни бир-бирига улаб, деворга каттакон шиор осиб қўйишибди. Икки деразани қоплаган шиорга шу сўзлар битилган:

«Духовой оркестр, коллектив ижод йўлидир».

— Жуда яхши,— деди Остап,— тўғарақлар машғулот ўтказадиган бу хона ёнғин чиқишидан мутлақо бежавотир экан. Қани, кетдик.

Остап Воробьянинов уйининг олд томонида жойлашган кўпгина хоналарга бир-бир кириб чиққан бўлса ҳам, лекин устига гулли инглиз чити қопланган букри оёқ стулга кўзи тушмади. Худди мармарга ўхшаб силлиқ тарашланган деворларга Старсоцтаъминнинг 2-сон уйига тааллуқли буйруқларни ёпиштириб қўйишибди. Остап буйруқлардан кўзини узмаган ҳолда гоҳ-гоҳ сўраб қўярди: «Мўрилар вақтида тозалаб туриладими? Печкалар жойидами?» Хўжалик мудиридан мукамал жавоб олгач, яна йўлида давом этарди.



Ут ўчириш инспектори шунча урингани билан уйдан бирорта ишқал тополмади. Қолаверса, қидирув ишлари ҳам пучга чиқай деб турибди. Остап ётоқхоналарга кириб чиқди. Кампирлар уни ўринларидан туриб, таъзим билан кутиб олишиди. Ҳамма каравотларга пахмоқ аёл тўшалган: аёли тушмагур ҳам худди итнинг жўнидан тўқилганга ўхшайди. Аёлнинг бир томонига «Оёқ» деб ёзиб қўйишибди, фабрикадан шундоқ келган бўлса керак. Аскарча одатни яхши кўрадиган Александр Яковлевичнинг ташаббуси билан хонадаги сандиқчаларнинг роса учдан бир қисми каравот тагидан чиқиб турибди.

2-сон уйдаги барча анжомлар: собиқ Александр, ҳозирги Пролетар шанбаликлари хиёбонидан келтирилган скамейкалардан иборат жиҳозлар ҳам, керосин лампалари-ю, «Оёқ» деб тамға босилган ваҳимали аёллар ҳам — ҳамма-ҳаммасида одмилик бор эди. Бу уйда фақат бир нарса ихлос билан пишиқ ишланган — у ҳам бўлса эшиклардаги пружиналар.

Эшик асбобларига Александр Яковлевичнинг суяги йўқ. У кўп азият чекиб, уйдаги ҳамма эшикларга ранг-баранг пружиналар ўрнатиб чиққан. Буларнинг орасида оддийлари ҳам, насосли мис цилиндрли пружиналар ҳам бор. Зилдек питра халтача ўрнатилган антиқа чиғир пружиналарни айтмайсизми. Эшиклардаги бир хил асбобларни кўриб, ҳатто соцтаъмин чилангарининг ҳам оғзи очилиб қолган. Ҳар хил цилиндрлар, пружина ва посангиларнинг қудрати ниҳоятда зўр. Бу эшиклар қопқонга ўхшаб қарс эгиб ёпилади. Уларнинг шовқинидан бутун уй ларзага келади. Кампирлар чинқиришиб зарбага чап бермоқчи бўлишади, аммо кўпинча қочиб қутулишолмайди. Эшик қочмоқчи бўлган кампирнинг елкасига туширади, тепадан тушган посанги эса замбарак ўқидай вишиллаб, қулоқни ялаб ўтади.

Бендер хўжалик мудирини билан хоналарни айланиб юрар экан, эшиклар қарсиллаб уларни қутлагандай бўларди.

Аммо уйдаги мана шу серҳашам безакларнинг таги пучга ўхшайди — стулдан дарак йўқ. Ёнғин чиқишига сабаб бўлиши мумкин бўлган иллатни излаб, инспектор ошхонага кирди. Қир қайнайдиған каттакон қозонда бўтқа биқиллаб турган экан; буюк мудаббир бунинг исини даҳлиздаёқ сезган эди. Шунинг учун ҳам у бурнини жийириб сўради:

— Нима бало, машина мойи ишлатяписизларми?

— Худо ҳаққи, тоза сариёғ солганмиз!— деди Альхен йиғламоқдан бери бўлиб.— Фермадан сотиб оламиз.

Шу топда у хижолатпазликдан ўзини қўярга жой тополмай қолди.

— Дарвоқе, бунинг ёнғинга сира алоқаси йўқ,— деб қўйди Остап.

Ошхонадаям стул йўқ эди. Ҳалигидақа бўздан пешбанд тақиб, қалпоқ кийган ошпазнинг тагида биттагина табуретка кўринди, холос.

— Нимага кийим-кечаклар бир хил, ҳаммасининг ранги ўчган, докалар ҳам ойна артишдан бўлакка ярамай қопти?

Уятчан Альхен баттар хижолат бўлди.

— Маблағ етишмайди, жуда кам ажратишади.

Хўжалик мудирини ўзидан жирканиб кетди.

Остап шубҳа билан унга бир қараб қўйгач:

— Мен ўт ўчириш идорасининг вакилиман, бунинг менга алоқаси йўқ,— деб унинг гапини бўлди.

Альхен қўрқиб кетди.

— Ёнғинга қарши ҳамма чоралар кўрилган,— деди у шоша-пиша,— «Эклер» деган асбобимиз ҳам бор, ўт чиқса, ўзи ўчиради.

Инспектор дуч келган қазноққа бошини суқиб, ўт ўчирадиган асбобга яқинлашиб бораверди. Хонадонда ёнғин балосидан сақлайдиган ягона қурол шу бўлишига қарамай, инспектор узунчоқ қизил тунука идишни кўриши билан тутақиб кетди.

— Чайқов бозоридан олганмисизлар?

Тўқмоқдай бошга тушган савол зарбидан гангиб қолган Александр Яковлевичнинг жавобини ҳам кутиб ўтирмай, у занг босган миҳдан «Эклер»ни юлқиб олди-да, капсюлини бир уриб синдиргач, дарров учини тепага қаратди. Бироқ кўпикли сув отиш ўрнига ўт ўчиргичдан қадимги диний ашула оҳангига ўхшаб писиллаган товуш чиқди.

— Ҳай, чайқов бозоридан олингани кўриниб турибди,— деди Остап ўзининг фикрини тасдиқлаб, кейин ҳамон писиллаб турган асбобни жойига илиб қўйди.

Ўт ўчиргич уларни чийиллаб кузатиб қолди.

«Қаерда бўлиши мумкин?— хаёлидан ўтказди Остап.— Бу машмаша менга ёқмай турибди». У сирни билиб олмагунча бу даргоҳдан жилмасликка қарор қилди.

Инспектор билан хўжалик мудури ёнғинга қарши кўрилган чораларни, мўриларнинг ҳолатини обдан текшириб, чердакма-чердак роса изғиб юришган бир пайтда Старсоцтаъминга қарашли 2-сон уйда ҳаёт ҳар кундагидек давом этар эди.

Тушлик овқат тайёр бўлди. Таги олган бўтқа ҳиди уй ичидаги жами қўланса исларни босиб тушди. Коридорларда шипиллаган овозлар эшитилди. Тунука тоғорачани икки қўллари билан ушлаганча ошхонадан авайлаб бўтқа олиб чиққан кампирлар, ошхона деворларига осилган шиорларга қарамасликка уриниб умумий стол ёнига ўтиришди. Александр Яковлевичнинг шахсан ўзи тўқиб, Александра Яковлевна бадий жило берган шиорлар бундай эди:

**«ОВҚАТ — САЛОМАТЛИК МАНБАИ»  
«БИР ДОНА ТУХУМ ТАРКИБИДАГИ МОЙ БИР ҚАДОҚ ГУШТГА  
ТЕНГ КЕЛАДИ».  
«ОВҚАТНИ ҚАНЧАЛИК КўП ЧАЙНАСАНГ  
ЖАМИЯТГА ШУНЧАЛИК ФОЙДА  
КЕЛТИРАСАН», ИННАКЕЙИН!  
«ГУШТ — КОФАР ЗАРАР»**

Ана шу пурҳикмат сўзларни ўқиб, боёқиш кампирлар революциядан олдиноқ тўкилиб кетган тишларини, тахминан ўша пайтларда номи ўчган тухумларни, жиққа мой бобида тухумдан орқада қолган гўштларни, қолаверса, овқатни чайнаб, жамиятга фойда келтириш имконидан маҳрум бўлганликларини эслаб қолишса нима бўлади ахир.

Дастурхон атрофида кампирлардан ташқари яна бир талай Яковлевичлар — Исидор Яковлевич, Афанасий Яковлевич, Кирилл Яковлевич, Олег Яковлевич ва Паша Эмильевич ўтиришибди. Социал таъминот олдида турган талабларга бу азаматларнинг ёшиям, жинсиям мос эмас, лекин тўрттала Яковлевич Альхенга укача, Паша Эмильевич эса Александра Яковлевнага жиянча бўлади. Паша Эмильевичнинг ёши ўттиз иккида, буларнинг ичида энг каттаси шу. Йигитлар соцтаъминот уйини ўзлариники қилиб олишган, бундан асло хижолат чекишмайди. Ҳамма нарсани кампирлар билан баҳам кўришади, буларга ҳам «Оёқ» деб тамға босилган адёл билан кўрпа-тўшак берилган, кампирларга ўхшаб уларнинг эғнида ҳам сурранг бўз кўйлак, лекин шуниси ҳам борки, навқиронлик ва билакдаги куч важдан овқатнинг сар-

хили шуларники. Альхен улгурмаган нарсаларни булар ўмариб кетишади. Паша Эмильевич бўлса бир ўтиришда икки кило майда балиқни паққос туширади, ҳатто бир кунни мечкайлигини кўрсатмоқчи бўлиб, ҳаммани оч қўйган ҳам.

Кампирлар бўтқага энди қошиқ уришган ҳам эдики, тоғорачани бўшатиб қўйган Яковлевичлар билан Эмильевич кекириб ўринларидан туришди-да, яна қорин гамида ошхонага қараб юришди.

Тушлик овқат давом этарди. Кампирлар чувиллаша кетди:

— Энди қоринни қаппайтириб олиб, яна бўкиришга тушишади!

— Паша Эмильевич бўлса бугун эрталаб қизил бурчакда турган стулни сотди. Чайқовчига орқа эшикдан чиқариб берди.

— Ҳали кўрасизлар, қийшайиб келади...

Тўсатдан кампирларнинг гапи бўлинди: бир бурчакда турган карнайдан хириллаган овоз чиқиб, ўт ўчиргичнинг нафаси эшитилмай қолди. Карнай маърагандай бўлди:

— ...фиёт...

Тоғорачага эгилган кампирлар ҳўл паркет бурчакдаги радиокарнайга қайрилиб қарашмади ҳам, яна ўзи тинчиб қолар, деган умидда овқатларини еяверишди. Аммо радиокарнай бурро давом этди:

— Қарсарраҳх сарматиб... зўр кашфиёт. Мурманск темир йўлининг устаси ўртоқ Сокуцкий,— Самарқанд, Ойниса, Қарбало, Усмон, Царинин, Қарим, Иброҳим, Йўлчи,— Со-куц-кий...

Карнай бир пишқириб, яна пўнғиллаб давом этди:

— ...қор тозалайдиган машинага ўрнатиладиган чи-роқ кашф этди. Кашфиётни Доризул<sup>1</sup> маъқуллади. Қай-тараман, Доризул — Дурди, Олим, Раъно...

Кампирлар бедана юриш қилиб, жой-жойларига кириб кетишди. Узининг овозидан ўзи ларзага келган карнай бўш хонани бошига кўтарди:

— ...Эндиги навбат Новгород лапарларига...

Қайсиям гўрда, ернинг қоқ киндигида аллаким бала-лайка торини чертди ва ерлик хашаки Баттистини қўшиқ бошлаб юборди:

<sup>1</sup> Доризул (дорожное бюро изобретений и улучшений) — кашфиётлар ва такомиллаштиришлар бўйича йўл бюроси.

Девор узра ёстаниб  
Кунда яйрайди кана.  
Солиқчини у таниб  
Шартта қочворди яна...

Бу терма бирдан авжига минди. Карнай қаттиқ гувиллади. Гулдурос қарсақлар садосими ёки вулқон портладими, тўс-тўполон бўлиб кетди.

Таъби тирриқ бўлган ўт ўчириш инспектори орқаси билан чердак зинасидан тушиб, яна ошхонага кириб қолди. Бундоқ қараса, бояги бешта азамат бочкага қўлини тикиб, оғзига ҳовучлаб нордон карам тикипти. Азбаройи иштаҳанинг зўрлигидан бирортасидан садо чиқмайди. Ёлғиз Паша Эмильевич мўйловига илашган карам юқини сидириб ташлар экан, ҳузур билан бошини сараксарак қилиб:

— Эсиз карам, увол кетди-да, қани энди ароқ бўлганида,— деб ачиниб қўярди.

— Кампирлар кўпайишиб қоптими?— деб сўради Остап.

— Булар етим-есирлар,— жавоб берди Альхен кифти билан инспекторни ташқарига итариб. Айни чоғда енг ичида етимларга муштини дўлайтириб қўйди.

— Волга бўйидан келтирилган болалар денг?

Альхен гап тополмай қолди.

— Чор тузумининг бадбин мероси, а?

Нима ҳам қилардик, кўргилик экан, демоқчи бўлгандай Альхен қўлларини ёйди.

— Икки жинс вакиллари янги усул бўйича қўшиб тарбиялаш, шундоқми?

Уятчан Александр Яковлевич ўт ўчириш инспекторини дарҳол бир пиёла чойга таклиф қилди.

Александр Яковлевичнинг шу бугунги бир пиёла чойи, буни қарангки, бир шиша зубровкадан, тузланган қўзиқорин, шўр балиқ, биринчи сорт гўшт солинган украинча боршч, гуручли товук гўшти-ю, олма қоқидан тайёрланган шарбатдан иборат бўлиб чиқди.

— Сашхен,— хотинига мурожаат қилди Александр Яковлевич,— губёнғиндан келган ўртоқ билан танишиб қўй.

Остап уй бекасига артистлардек таъзим қилди ва унинг шаънига узундан-узоқ, тагдор хушомад сўзлари айтдики, охири гапининг бош-кетини тополмай қолди.

Подшо Николайникига ўхшаш чакка соқоли ҳуснига доғ бўлиб тушган новча жувон Сашхен аста илжайиб, эркаклар билан бирга ичди.

— Шу коммунал хўжаликларингиз учун!— қадаҳ кўтарди Остап.

Овқат қувноқ вазиятда ўтди, шунинг учун ҳам Остап дастурхонга шарбат тортилгандан кейингина бу ёққа ни-ма мақсадда келганини эслаб қолди.

— Сут-қатиққа берилиб кетиб, анжомларга қарамай қўйибсизлар-да?— деди Остап.

— Нега қарамас эканмиз,— жавоб берди Альхен ичидан зил кетиб,— фисгармониямиз-чи?

— Биламан, биламан, алсозу алнаво. Аммо-лекин бундоқ яйраб ўтирадиган нарсаларинг йўқ экан. Ҳаммаси расво.

— Қизил бурчакда антиқа бир стул бор,— ранжиган бўлди Альхен,— инглиз моли, Одамлар бойдан қолган дейишади.

— Ия, қизил бурчак эсдан чиқибди-ку. Ёнгин маъносида аҳволи қалай? Кейин бирор ишқал чиқмайдими? Шахсан текшириб кўрмасам, бўлмайдиганга ўхшайди.

— Бош устига, марҳамат.

Остап бекага миннатдорчилик билдириб, ўрнидан турди.

Қизил бурчакда примус ёқилмас экан, муваққат печкалар ҳам кўринмади, мўрилар ҳам жойида, вақтида то-залаб туришаркан. Лекин Альхен лол бўлиб қолди: стул турган жойида йўқ эди. Ҳамма ёқни ағдар-тўнтар қилиб юборишди. Қаравотлару скамейкаларнинг тагини кўришди, негадир фисгармонияни жойидан қўзғатишди, Паша Эмильевичга хавотирланиб қараб турган кампирлардан ҳам суриштиришди, бироқ стулнинг дараги чиқмади.

Паша Эмильевич стол қидиришда жуда жонбозлик кўрсатди. Ҳамма тақдирга тан берган, лекин фақат Паша Эмильевичгина ҳамон хонама-хона кезар, графинларнинг тагини қарар, тунука кружкаларни ўрнидан қўзғатар ва:

— Қаерга гумдон бўлдийкин-а? Бугун эрталаб турган эди, ўз кўзим билан кўрувдим! Қизиқ иш бўлди-ку,— деб ғўлдирадди.

— Роса боплабсиз, оймчалар,— деди кесатиб Остап.

— Қизиқ иш бўлди-ку,— яна сурбетларча гап қотди Паша Эмильевич.

Худди шу пайт «Эклер», писиллаш жонига тегди шекли, бирдан овозини баланд пардага кўтарди (худди республика халқ артисти Неждановага ўхшаб), кейин жон ҳолатда бир пишқириб, ҳамма ёққа кўпик сачратиб юборди. Ут ўчиргичнинг оғзидан пишқириб чиққан кўпик ўқдай шифтга отилди-да, ошпазнинг бўз қалпоғини бошидан учуриб юборди. «Эклер» яна бир наъра тортган эди, балоғат ёшига етмаган Исидор Яковлевич гуппа ерга ағанади. Ут ўчиргич талвасага тушди.

Паша Эмильевич билан Альхендан тортиб то омон қолган Яковлевичларгача — ҳамма тўполонни эшитиб, югуриб келди.

— Қойил!— ҳайқирди Остап.— Уйлаб топганинг отасига раҳмат!

Бошлиқлар кетгач, Остап билан ёлғиз қолган кампирлар дарров арз-дод қила кетди:

— Укачаларига едириб ётибди. Мечкайлар.

— Чўчқа болаларини сутда боқиб, бизга бўтқа беради.

— Уйдаги ҳамма-нарсани сотиб еди.

— Қизишманг, ойимчалар,— деди Остап орқасига тисарилиб,— бу гапларни меҳнат инспекциясидан одам келганда айтасиз. Бу тўғрида менга сенат ваколат бермаган.

Кампирлар яна чувиллаб кетишди.

— Пашка Мелсентьевич бор-ку, ўша бугун стулни сотиб юборди. Узим кўрдим.

— Кимга сотди?— бақириб юборди Остап.

— Кимга бўлса ўшанга-да. Ҳатто менинг аделимни ҳам сотмоқчи бўлди.

Коридорда одамлар ҳамон ўт ўчиргич билан олишар эди. Охири инсон даҳоси устун келди, натижада Паша Эмильевичнинг забардаст оёқлари остида инграб ётган «Эклер» сўнгги марта «оҳ» уриб жон таслим қилди.

Кампирлар пол ювишга сафарбар қилинди. Ут ўчириш инспектори бошини хиёл эгиб, лапанглаганича Паша Эмильевичга яқинлашди.

— Менинг бир танишим бўларди, ўшайам давлат буюмини сотиб юборган экан,— деди Остап дағдаға қи-

либ.— Мана энди бурнига сув кириб, терговда ўтирибди.

— Таъналарингиз мутлақо асоссиз ва ноўрин,— жавоб қилди уст-бошидан гупиллаб кўпик ҳиди келиб турган Паша Эмильевич.

— Стулни кимга пулладинг?— пишқириб сўради Остап.

Табиатан ғоят зийрак Паша Эмильевич бу одам ҳозир роса калтаклаб, ҳатто тепкилаши мумкинлигини дарҳол сезди.

— Бир чайқовчига,— жавоб қилди у.

— Уйи қаерда?

— Умримда биринчи кўришим уни.

— Биринчи кўришингми?

— Худо ҳаққи.

— Ҳозир оғиз-бурнингни қора қонга белардим, лекин Зардўштнинг юзидан ўтолмай турибман-да,— деди Остап аламига чидаёлмай.— Йўқол кўзимдан, зангар.

Паша Эмильевич юмшоққина илжайиб, секин жойидан жилди.

— Ҳўв тўнка, менга қара,— ўшқириб берди Остап,— гумдон бўлмасдан бердисини айтиб кет. Чайқовчинг қанақа ўзи, қорами, маллами?

Паша Эмильевич ҳаммасини оқизмай-томизмай гапириб берди. Уни диққат билан эшитиб ўтирган Остап мулоқотга яқун ясади:

— Бу гапларнинг ёнғинга мутлақо алоқаси йўқ, албатта.

Бендер коридор бўйлаб жўнаб кетаётган эди, сермулоҳаза Альхен югуриб келиб, битта ўнталик узатди.

— Бу ҳаракатингиз жиноят кодексининг бир юз ўн тўртинчи моддасига кирди,— деди Остап пинагини бузмай,— мансабдор шахс хизмат вазифасини ўтаётганида пора узатиш дегани бу.

Лекин шунга қарамай у пулни олди-да, Александр Яковлевич билан хайрлашиб ўтирмай эшикка қараб юрди. Бақувват пружина ўрнатилган эшик зўрға очилиб, Остапни ўтказиб юборди, лекин шу заҳотиёқ бошлаб ундан дўнг олди.

— Зарба зўр бўлди,— деб юборди Остап лат еган жойини ҳафсала билан ишқаб туриб.— Мажлис давом этади!



## ИЯ, ЖАМАЛАКЛАРИ ҚАНИ?

Остап Старсоцтаъмин қарамоғидаги 2-сон уйни кўздан кечираётганида Ипполит Матвеевич қоровулхонадан чиқиб, тақир боши совуқдан ачишиб, қадрдон шаҳари кўчалари бўйлаб борарди.

Лойқа кўклам суви кўча ўртасидан айқириб оқади. Бино томларидан тушаётган томчилар пайдарпай тикилларди. Чумчуқлар гўнг титарди. Жамики уйларнинг томларини офтоб чарогон этган. Сап-сариқ аравакаш отлар кўчларда атайлаб туёқларини тақиллатарди-да, қойил қилдимми, дегандай қулогини чимириб ўз туёғининг овозига қулоқ тутарди. Намиққан симёғочларда шўппайиб эълон қоғозлари кўринади. Чаплашиб кетган ҳарфлар зўрға ўқилади: «Рақамлар усули билан гитара чалишга ўргатаман». «Халқ консерваториясига кирмоқчи бўлганларга ижтимоиётдан сабоқ бераман». Ана, бир взвод қизил аскар Старгубижроқўм магазинидан пештоқи гипсдан ясалган йўлбарслар, бошига гултож кийган аёллару кўзойнакли илонлар билан безатилган губплан<sup>1</sup> биноти этагига чўзилган каттакон халқобни кечиб ўтяпти.

Ипполит Матвеевич ўтган-кетганга қизиқиб қарайди. Сирасини айтганда, унинг бутун умри Россияда ўтди, революцияни ҳам бошидан кечирди, бинобарин, у турмуш қанчалик ўзгариб, янгиланиб бораётганини ўз кўзи билан кўрди. Бунга у кўникиб қолган ҳам эди, энди маълум бўлишича, бунга у ер куррасининг фақат бир нуқта-сида — № уезд шаҳридагина кўникиб юрган экан. Мана энди ўзи туғилиб-ўсган шаҳарга келиб ҳеч нарсага ақли етмай қолди. Ростакамига ҳозиргина Париждан қайтган муҳожирдай жонсарақ, ҳамма нарса кўзига ғалати кўринади. Илгарилари фйтон миниб кўчага чиққудай бўлса, албатта бирорта қадрдонини ёки кўз таниш одамини учратиб қоларди. Энди-чи? Лена воқеалари кўчасидан тўрт квартал юрибди ҳамки, бирорта танишини учратмади. Ҳаммаси қаёққадир ғойиб бўлибди. Балки булар қариганлари учун ёхуд кийим-бошлари-ю, шляпаларини ўзгартиришгани учун уларни таниш қийин бўлиб қолгандир. Ёки бўлмаса таниш-билишларнинг оёқ олиши бош-

<sup>1</sup> Г у б л а н — губерния план комиссияси.

Қача бўлиб қолганмикан. Ҳар қалай бирорта таниш учрамади.

Ипполит Матвеевичнинг қути ўчиб, боши гангиди, баданига совуқ тер чиқди. Уй-жой бўлимини излаб кетаётгани ҳам ёдидан кўтарилди. Гоҳ у йўлқадан-бу йўлкага ўтиб, дуч келган тор кўчаларга шўнғир, ҳали бетидаги муз батамом эриб, қиш чилласидан чиқмаган бу тор кўчаларда эса аравакаш отлар баттар талтайиб, тарақа-туруқни авжига чиқарарди. Умуман, шаҳар ўзгариб қопти. Илгариги ҳаворанг уйлар яшил, сариқлари эса кулранг тусга кирибди, баланд минорадаги занглардан ҳам дарак йўқ, минорадан юрадиган ўт ўчирувчи кўринмайди, қолаверса, кўчалар ҳам олдингидан анча сершовқин.

Қатта Пушкин кўчасига етганда Ипполит Матвеевич трамвай изларини ҳамда сим тортилган ёғочларни кўриб, оғзи очилиб қолди: Старгородда бунақа нарсаларни энди кўриши. Ипполит Матвеевич газета ўқимасди, шунинг учун у Биринчи майга қадар Старгородда иккита трамвай йўли — Вокзалная билан Привозная ишга тушиши лозимлигидан беҳабар эди. Ипполит Матвеевич қизиқ аҳволга тушиб қолди: назарида гоҳ Старгороддан остона ҳатлаб четга чиқмаганга ўхшаса, гоҳ Старгород мутлақо бегона шаҳардай туюларди.

Ана шундай хаёллар оғушида у Маркс ва Энгельс кўчасига етиб келди. Тўсатдан ёш боладай энтикиб кетди: рўпарадаги мана шу узун айвонли, қўшқават бионинг орқасидан бирор таниши лоп этиб чиқиб келаётгандай туюлди. Ипполит Матвеевич шу илинжда қадамини секинлатиб, кейин таққа тўхтади. Аммо таниш одамдан дарак бўлмади. Муюлишдан олдинига елкасига ойна билан бир буханка замазка ортган ойначи чиқиб қолди. Кейин эса зарғалдоқ хом теридан тикилган соябонини кўз-кўз қилиб, юмшоқ чарм шапкали олифта кўринди. Китоб-дафтарини камарига қистириб олган бир гала биринчи босқич мактаб ўқувчиси қувлашиб ўтди.

Шу топда бирдан Ипполит Матвеевичнинг кафтлари ловиллаб, юраги орзиқиб тушди. Не кўз билан кўрсинки, истараси иссиққина бир нотаниш кимса ликонглатиб қўлида стул кўтариб келяпти. Тўсатдан ҳиқичоқ тутган Ипполит Матвеевич дарров стулни таниди. Худди ўшанинг ўзи! Бу — Гамбс ширкатидан чиққан ўша стулнинг ўзгинаси, устидаги инглиз чити революция суронларида

анчагина қорайибди, холос. Ёнгоқ дарахтидан ишланган ўша букри оёқ стули шу-да, ахир. Замбаракдан биров ўқ узгандай Ипполит Матвеевичнинг қулоғи шанғиллаб кетди.

— Қайчи-личоқ чархлайман, устарани боппайман!— нақ биқинида туриб чинқирди кимдир.

Шу пайт унга чийиллаган овоз қўшилди:

— Қалайлайман!

— Ойна тузатаман!

— Маскоп газети «Авестия», «Кулагон» журнали, «Қизил ер», кеп қолинг!..

Қаердадир юқорида ойна чил-чил синди. Тегирмон қурилиши Тегқурга қарашли юк машинаси шаҳарни гумбурлатиб ўтди. Милиционер чуриллатиб ҳуштак чалди. Ҳаёт биқирлаб қайнаб турибди, тошса тошгудай ва-жоҳати бор. Вақтни бой бериш ярамайди.

Ипполит Матвеевич қоплон юриш қилиб ўша бадкирдор нотаниш кимсага яқинлашди-да, индамай стулга қўлини чўзиб, қаттиқ силтаб тортди. Нотаниш кимса стулга маҳкамроқ ёпишди. Буни кўрган Ипполит Матвеевич чап қўли билан стулнинг оёғига ёпишиб, ўнг қўли билан бегона одамнинг йўғон бармоқларини бўшатмоқчи бўлди.

— Дод, мени тунамоқчи,— деб пичирлади нотаниш кимса стулга жон-жаҳди билан ёпишиб.

— Кечиргайлар, кечиргайлар,— гўлдираб дерди Ипполит Матвеевич нотаниш кимсанинг стулга елимдай ёпишган бармоқларини ёзишга тиришар экан.

Одамлар йнғила бошлади. Шу яқин орада турган учтўрт киши можаро нима билан тугашини қизиқиб кутарди.

Оломон тўпланаётганини кўриб, иккови ҳам қўрқалиса орқа-ўнгига бир қараб олди-ю, худди ҳеч нарса бўлмагандай олдинга юриб кетишди. Иккаласи ҳам бири-бирига қайрилиб қарамаган ҳолда стулга маҳкам ёпишганича кўча бўйлаб кетиб боришарди.

«Бу қанақаси бўлди?»— жон аччиғида ўйлаб борарди Ипполит Матвеевич.

Нотаниш одам шу топда нимани ўйлаб кетаётганини билиш қийину, аммо у ҳам дадил қадам ташлаб борарди.

Салдан кейин қадамлари тезлашди, охири жинкўчага етиб, майда-чуйда ғишт бўлаклари билан қурилиш материаллари ивирсиб ётган ташландиқ жойга кўзлари

тушиши билан иккёви амри фармон олгандай ўша томонга бурилди. Шу топда Ипполит Матвеевичнинг кучига куч қўшилгандай бўлди.

— Бу ёғига узр энди!— ўшқирди у пинагини бузмай.

— Ёрдам бе-ринг!— овози зўрға чиқиб додлади нотаниш кимса.

Икковининг ҳам қўли стул билан банд бўлгани учун оёқлар ишга тушиб кетди. Нотаниш кимса этигига нағал қоқтирган экан, олдинига Ипполит Матвеевич кўп азият чекди. Бироқ кейинчалик у бунинг иложини топди, натижада худди ўйинга тушган одамдай рақибининг тепкиларига чап бериб, гоҳ ўнгга, гоҳ сўлга ирғишлади, айни пайтда ўзи душманнинг қорнини мўлжалга олмоқчи бўлар, аммо стул пана қилиб тургани учун зарба нишонга тегмай қоларди. Ҳар ҳолда Ипполит Матвеевич пайтини пойлаб рақибининг тиззасига бир тепган эди, у шўринг қурғурнинг ўнг оёғи ишдан чиқиб, бир оёқда қолди.

— Ё парвардигор!— пичирлади нотаниш кимса.

Ипполит Матвеевич ногаҳон разм солиб қараган эди, стулни ўмарган бу нотаниш муттаҳам Фрол ва Лавр черковининг попи ҳазрати Фёдор Востриков экан.

Ипполит Матвеевич ҳанг-манг бўлиб қолди.

— Ия, отахон!— деб юборди у азбаройи таажжубга тушганидан стулни қўйиб юбориб.

Ҳазрати Востриков шафақдай қизариб, стулга ёпишган бармоқлари шалвираб қолди. Муаллақ қолган стул шу ондаёқ гуп этиб ғиштга тушди.

— Мўйловингиз қани, муҳтарам Ипполит Матвеевич?— имкони борича кесатиб деди руҳоний.

— Ўзларининг жамалаклари қани? Илгарилари жамалаклари бўларди шекилли?

Ипполит Матвеевичнинг гапидан дув-дув нафрат ёғилиб турарди. Шунга қарамай у ҳазрати Фёдорга ҳиммат билан бир қараб қўйди-да, курсини қўлтигига қисиб, аста жилмоқ учун орқасига ўгирилди. Аммо хижолатпазлик асоратидан қутулиб олган ҳазрати Фёдор Воробьяниновнинг осонгина муддаога эришишига йўл қўймади. У: «Йўқ, ўзлари рухсат этгайлар», деб чинқирганича жон ҳолатда стулга ёпишиб олди. Шундан кейин рақиблар яна аввалги ҳолатга ўтиб олишди. Курсига чанг солган иккала рақиб худди мушукка ёки боксчига ўхшаб бирига олайиб ва гоҳ ўнгга, гоҳ чапга ирғишларди.

Одамнинг юрагини эзиб юборадиган танаффус бир лаҳза давом этди.

— Мол-мулкимга кўз олайтириб юрган экансиз-да, ҳазратим,— тишини гижирлатиб деди Ипполит Матвеевич.

Айни чоғда у ҳазратнинг биқинига зарб билан тепди.

Ҳазрати Фёдор ҳам зарбага чап бериб, пешвонинг чотига ўхшатиб бир тепган эди, боёқиш мункайиб қолди.

— Бу сизнинг мулкингиз эмас.

— Бўлмаса кимники?

— Сизники эмас.

— Ҳўш, кимники экан?

— Сизники эмас, сизники эмас.

— Бўлмаса кимники, кимники?

— Сизники эмас.

Иккаласи шу тарзда хириллашиб, астойдил тепишиб туришди.

— Қани, айтинг бўлмаса, бунинг эгаси ким?— деб бўкирди пешво ҳазратнинг билқиллаган қорнини мўлжалга олиб.

Ҳазрат тишини-тишига қўйиб бунга ҳам чидади-да:

— Бу мусодара қилинган нарса,— деди бўш келмай.

— Мусодара қилинган, дейсизми?

— Ҳа, шундоқ, мусодара қилинган.

Улар бидирлаб гапирганидан сўзлар чала-чулпа эшитиларди.

— Ким мусодара қилган экан?

— Совет ҳокимияти! Совет ҳокимияти!

— Қанақа ҳокимият?

— Меҳнаткашлар ҳокимияти.

— А-а-а!..— деди Ипполит Матвеевич ичидан зил кетиб.— Ишчи-деҳқонлар ҳокимияти денг?

— Шундоқ-қ!

— Ҳм-м-м!.. Ундоқ бўлса ҳазрат фирқага ҳам ўтган-дирлар?

— Б-бўлса бордир!

Шу жойга келганда Ипполит Матвеевичнинг сабр каси тўлди, у: «Бўлса бордир денг?»— деб бўкирганича ҳазрати Фёдорнинг ёқимтой чехрасига ўхшатиб тупурди. Ҳазрати Фёдор ҳам Ипполит Матвеевичнинг юзини пойлаб бир тупурган эди, тупуги мўлжалга тегди. Ҳар икковининг қўли стул билан банд бўлгани учун бетларидаги тупукни артиб олишолмади. Шундан кейин Ипполит

Матвеевичнинг бўғзидан чийиллаган овоз чиқди ва у қўлидаги стулни зарб билан бир итарган эди, душмани ерга ағдарилиб тушди. Бироқ рақибни нафси бўғзига тик қилган Воробьяниновнинг ўзини ҳам тортиб қулатди. Энди ёти олиша бошлашди.

Шу пайт қарс этган овоз чиқиб, стулнинг олдинги иккала оёғи синиб тушди. Ҳозиргина жиққамушт бўлиб турган рақиблар бир-бирини эсдан чиқариб, апил-тапил ёнғоқ стулнинг ўтирғичини кавлаштира кетди. Мисоли чағалайдай мунгли чирқираб, гулдор инглиз чити парча-парча бўлди. Зарбанинг зўрлигидан стулнинг суянчиги бир газ нарига учиб кетди! Хазина қидирувчилар мис тугмачалари ялтираб турган чиптани йиртиб ташлаб, пружина бармоқларини тилиб юборганига қарамай ўриндиқ тагидаги жунни титкилай кетишди. Тинчлиги бузилган пружиналар чийиллади. Беш дақиқага қолмай стулнинг абжағи чиқди. Пружиналар боши оққан томонга думалаб кетди. Моғор босган жунни шамол тўзитиб юборди. Букри оёқлар ўрага тушди. Лекин жавоҳирларнинг изи кўринмади.

— Хўш, қалай, қидирган нарсангизни топдингизми?— хансираб деди Ипполит Матвеевич.

Уст-боши патга беланган ҳазрати. Фёдор пишиллаб нафас оларди.

— Ута лўттибоз экансиз!— бақирди Ипполит Матвеевич.— Тумшугингизни ёриб қўяман, ҳазрати Фёдор!

— Қўлингиз қисқалик қилади,— шартта ёпиштирди отахон.

— Ҳамма ёгингиз жун-ку, энди нима қиласиз?

— Нима ишингиз бор?

— Уят, отахон! Фирт ўғри экансиз.

— Нима, киссангизга тушдимми?

— Хўш, буни қасрдан билдингиз? Қавмингиз имон келтириб айтган сирини нафсга қурбон қилибсиз-да? Жуда саз! Ғоят гўзал!

Ғазабни қайнаган Ипполит Матвеевич «пуф» деди-да, шартта орқасига бурилиб, йўл-йўлакай енгини тозалаганча уйига қараб равона бўлди. Воробьянинов Лена воқеалари кўчаси билан Ерофей кўчаси туташган жойга етганида дафъатан шеригини кўриб қолди. Қидирув ишларининг амалий директори ва бош саркори бўлмиш шериги чап оёғини кўтарганича бир томонга қийшайиб турарди, у оёғидаги сандалини оч сариқ рангга бўятиш билан

овора эди. Ипполит Матвеевич чопқиллаб олдиға келди, Директор завқ билан «Шимми» деган қўшиқни хиргойи қилиб турган экан:

Авваллари туяларнинг иши эди бу,  
Авваллари бунга унча ўйнашмасди-ю,  
Энди эса бутун жаҳон «Шимми»га ўйнар...

— Қани, хўш, уй-жой бўлимида ишлар қалай?— сўради у дарҳол амалий ишга кўчиб. Кейин эса қўшиб қўйди:— Ўзингизни босинг, ҳозир гапирманг, ҳаяжонда сиз, нафасингизни ростлаб олинг.

Остап этик мойловчига етти тийин узатиб, Воробьяниновни қўлтигидан олди-да, нари судраб кетди. У Ипполит Матвеевичнинг оғзидан чиққан гапларни жон қулоғи билан эшитиб турди.

— А-ҳа, бир тутам қора соқолиям бор-а! Тўппа-тўғри! Қоракўл ёқали пальто кийганми? Тушунарли. Худойиҳонадаги стул ўша бўлади. Бугун эрталаб уч сўмга олинган.

— Бу ёғини эшитсангиз-чи, ахир...

Шундан кейин Ипполит Матвеевич ҳазрати Фёдорнинг бутун қинғир ишларини бош саркорга оқизмай-томизмай гапириб берди.

Остапнинг пешонаси тиришди.

— Латта иси келяпти,— деди у охири.— Худди Лейхтвейс горининг ўзи. Сирли рақиб. Отни олдинроқ қамчиламасак бўлмайдиганга ўхшайди. Тумшук масаласига келсак, бир кунмас-бир кун бошлаб ишқаб қўярмиз.

Икки улфат «Стенька Разин» пивохонасига кириб, тамадди қилишди. Остап уй-жой бўлими илгари қайси биода жойлашганини, ҳозир ўша ерда қанақа муассаса борлигини сурштириб билди. Шу билан бугунги кун ҳам тамом бўлди.

Тилларанг аравакаш отлар яна аслига қайтиб, қўнғир тусга кирди. Жавоҳир томчилар ерга тушгунча яхлаб қола бошлади. Пивохоналарда ва «Феникс» ресторанида пиво нархи кўтарилди: қош қорайиб қолган эди. Катта Пушкин кўчасида электр чироқлари ёқилди, биринчи марта баҳор сайрига чиққан пионерлар тапир-тупур қилиб, уйларига қайта бошладилар.

Губпланга қарашли йўлбарслар, голибиялару кўзойнакли илонлар шаҳар осмонида кўринган ой ёғдусида ажиб товланиб кетди.

Ипполит Матвеевич оғзига толқон солиб олган Остап ёнида борар экан, губплан олдидаги йўлбарслар билан илонларга бир қараб қўйди. Эски пайтларда бу бинода губерниянинг земство маҳкамаси бўларди, қолаверса, шаҳар халқи мана шу илонлар билан жуда-жуда фахрланар, буларни Старгороднинг кўрки деб биларди.

«Топмасдан қўймайман», кўнглидан ўтказди Ипполит Матвеевич гипсдан ясалган голибияга тикилиб туриб.

Йўлбарслар думини ликиллади, кўзойнакли илонлар эса секин-аста кичрая борган сари Ипполит Матвеевичнинг кўнгли тоғдай кўтарилиб, ишончига ишонч қўшилиб борарди.

## Х боб

### ЧИЛАНГАР, ТУТИ ВА ФОЛБИН

Перелешинск тор кўчасига қараган 7-сон уй Старгороднинг олд иморатларидан саналмайди. Бинонинг иккинчи империя услубида қурилган икки қавати кемтик арслон каллалари билан нақшланган. Булар бир пайтлари номи чиққан ёзувчи Арцибашевнинг калласига ўхшайди. Шу туйғайли тор кўчага қараган саккизта деразадан саккиз нафар Арцибашев тиржайиб турганга ўхшайди.

Бинога савлат бериб турган яна икки нарса бор, ammo икковиям тижорат хизматига бел боғлаган. Иморатнинг бир биқинида:

**Одесса нон артели**  
**МОСКВА ТЕШИККУЛЧАЛАРИ**

деган зангори эълон лавҳаси кўзга ташланади. Лавҳага французча калта шим кийиб, бўйнига галстук таққан йигитчанинг сурати туширилган. Йигит қийшиқ чизилган қўлида мўл-кўлчилик рамзи сифатида афсонавий мугузни ушлаб олган. Мугузнинг оғзидан қип-қизил Москва тешиккулчалари булоқдай қайнаб чиқяпти. Аслида-ку, булар Одессаникига қараганда ўн чандон майда-я,



лекин нарх-навода унинг ўрнини босиб кетаверади. Бунинг устига суратдаги йигитча мамнун ишшайди. Иморатнинг иккинчи қанотига қўндирилган думалоқ зарҳал ёзувли, қоп-қора эълон тахтаси эса «Жадалтой» деган бир маҳкама муҳтарам мижозларининг истаган нарсасини ўраб, лозим бўлса, тойлаб беришга ҳозир у нозир эканидан огоҳ қилади.

Иккала корхонанинг номи бошқа-бошқа, айланиб турган дастмояларида ҳам талай фарқ бор, лекин шунга қарамай икковиям бир хил ишни бажаради, ҳар иккаласи газмолфурушлик қилади, юпқа газламами, қалин газламами, ип газламами, бунинг фарқи йўқ, олиб сотаверишади, мабодо, чиройли гулли, тоза ипак мато учраб қолгудай бўлса, бундан ҳам қайтишмайди, бориға барака қилишади.

Ҳамиша сув босиб, фордай зимистон бўлиб ётадиган дарвозадан ўтиб, ўнг томонга, цемент қудуқли ҳовлига бурилсангиз, ҳовлининг ўткир тошига тақалган, олди очиқ бир жуфт эшикка кўзингиз тушиши мумкин. Унг томондаги эшикка қоқилган хира мис тахтачага ҳусниҳат билан:

В. М. ПОЛЕСОВ

деб ёзиб қўйилган.

Чаптадаги эшикка эса:

МОДА ВА ШЛЯПАЛАР

деган оқ тунукача осилган.

Аслида бунисиям хўжакўрсинга қилинган.

Мода ва шляпалар масканида на андаза оладиган нусхалару на жимжимадор безаклар, на зобитлардай савлат тўкиб тургувчи бошсиз қўғирчоқ одамлару на хонимларнинг нозик шляпаларини ўлчаб берадиган бош қолиплари кўринади. Уч хонали бу уйда бунақа ипирисқи нарсаларга жой йўқ, бу ерда қизил иштон кийган, қордай беғубор тўти яшайди. Тўтиқушга бурга деган касофат кун бермайди, лекин нима қилсин, бировга айтай деса, одамзод тилини билмаса. Кун бўйи писта чақиб, пўчоғини темир қафас панжарасидан гиламга тупуради.

Бордию унга гармонь бериб, оёғига янги ғирчиллама келиш кийдириб қўйилса борми, ёлғиз бошига кўчада тараллабедод қилиб юрган олифтанинг ўзи бўлади-қўяди. Хона деразаларига шокилалли, тўқ жигарранг парда тутилган. Умуман, бу хонадонда шу рангга мойиллик сезилди. Пианинонинг тепасида сурат осиглиқ — Беклиннинг «Ўликлар ороли» асаридан кўчирилган бу нусха суратни эман ёғочидан ишланган сип-силлиқ, тўқ зангоря ромга жойлаб, устидан ойна бостиришган. Ойнанинг бир бўлаги қачонлардир учиб тушган бўлса ҳам суратнинг очилиб қолган жойини пашшалар билинтирмай суваб қўйишибди. Шу вайдан ҳам ўликлар оролининг бу деразасида нима бўлаётганини энди сираям англаб бўлмайдди.

Ётоқхонадаги каравотда шу хонадоннинг бекаси ўтирибди — у устига қадимий исқирт дастурхон ёпилган саккиз рақли курсига тирсагини тираб, карта сузаётибди. Унинг рўпарасида эса елкасига майин шол рўмол ташлаб олган бева аёл Грицацуева ўтирарди.

— Эсим борида айтиб қўяй, ойимқиз, бир қўл фолим камида эллик тийин туради,— деди мезбон.

Янги ёр васлига етишмоқ учун ҳар нарсага тайёр турган бева айтилган нархга рози бўлди.

— Кейин нима бўлади, шуниям айтиб берсангиз, илтимос,— дилхасталик билан ялиниб деди у.

— Сизга чиллининг моткасини очаман.

Бева эътироз билдирди:

— Мен ҳамиша қарғанинг моткасида юрганман.

Менга барибир, дегандай мезбон картани чийлай бошлади. Тул хотиннинг тақдири азали ҳаш-паш дегунча хомаки ромга тушди. Маълум бўлишича, беванинг бошида анча-мунча савдолар бор экан, унинг жигаридан урган чилли қиролни ғиштин мотка ўзига оғдириб олибди.

Расмана ром кафтдан бошланди. Бева Грицацуеванинг кафтидаги чизиклар аниқ эди. Умр чизиги дегани тасмадай чўзилиб, томир билан туташиб кетибди, бинобарин, унинг гувоҳлиги инobatга ўтса, бева қиёмат-қойимгача ўлмай юравераркан. Фаросат ва нафосат чизиги эса бева олибсотарликни ташлаб, санъат, илм-фан ёки ижтимоият бобида инсониятга тенгсиз шоҳ асарлар ҳада қилажагидан далолат бериб турган экан. Дўнг тепаликка ўхшаб кетадиган муҳаббат чизигининг шаҳодат беришига қараганда севги ва назокат бобида бева хотин-

нинг ҳали қўл урилмаган имкониятлари ошиб-тошиб ётган эмиш.

Фолбин хотин дуохон, мунажжим ҳамда от жаллоблари ишлатадиган гап-сўзларни тўкиб солиб, бевага шуларни айтиб берди.

— Вой, кам бўлмаг-ей, тасаддуқ,— деди охири бева хотин,— чилли қирол кимлигини билиб олдим энди. Ёштин мотканиям жуда яхши танийман. Қирол менга мойилми ўзи?

— Мойил, ойимқиз.

Кўнгли тоғдай кўтарилган бева уйига чиқиб кетди. Фолбин эса карталарни қутига солгач, эликда элагн тешилган оғзини очиб ҳомуза тортди-да, ошхонага қараб юрди. Ошхонада у «Герц» керосинкасида иситаётган овқатига қараган бўлди, кейин оқсоч хотинлардай пешбандига қўлини артгач, сири кўчган челақни олиб, ҳовлига сувга чиқди.

У товони ясси оёқларини базўр ташлаб, ҳовлида лапанглаб борарди. Шалвиллаб қолган кўкси бўялган кофта ичида султ селкиллайди. Бошидаги оқиш сочи худди чўлтоқ супургининг ўзи. Кампир бўлиб қолган, ўзи исқирт, ҳаммага шубҳа билан қарайдиган бу хотин ширинликка ўч эди. Мабодо Ипполит Матвеевич шу топда уни кўриб қолса борми, бир пайтлари суд котиби шаънига шеър битиб, «дудоғига бўса керак, асли пари бўлса керак», деб мақтовини келтирган эски жазмани Елена Лоур шу кампир эканлигига сира ишонмаган бўларди. Лоур хоним қудуққа яқинлашган ҳам дикки, бензин идишда сув олаётган чилангардан чиққан зиёли қўшниси Виктор Михайлович Полесов сўрашиб қолди. Полесовнинг афт-ангори опера саҳнасига қоракуя суртиб чиққан иблисга ўхшаб кетарди.

Салом-алиқдан кейин иккала қўшни Старгороддаги дув-дув гапга ўтишди.

— Қандоқ замонга қолдик, ҳайронман,— деди захарханда қилиб Полесов,— кеча кун бўйи шаҳарни айланиб, учу саккиз дюймли тахта тополмасам-а. Қирон кептими, дейман. Трамвайга бало борми шу топда,

Леонардо да Винчи номли рақс тўгарагига қатнаб турган бирор ойимча сузма мураббодан қилинади деб, зироатдан қанчалик бохабар бўлса, Елена Станиславовна ҳам учу саккиз дюймли тахта бобида шунчалик зўр эди. Лекин шунга қарамай тасалли берган бўлди!

— Нимасини айтасиз, дўконнинг номи бору ўзи йўқ, ҳозир. Одамлар тирбанд нуқул. Топган отлариям ўзларидан совуқ. Старгубижро эмиш-а!..

— Буям майли-я, Елена Станиславовна! Мен сизга айтсам, «Ялпи электр ширкати»дан тўртта мошин мерос қолган буларга. Шалогн чиққану, лекин амалласа бўлади. Ойнада резинкаси йўқ. Ўз кўзим билан кўрдим. Бир дириллаб берса борми... Даҳшат! Қолган мошинлар Харьковдан чиқбди. Расвойи жаҳон. Бир Чақиримга чидаб берсаям катта гап. Ўзим бориб кўрдим...

Чилангар асабий ҳолда жим бўлди. Қоп-қора башараси офтобда ярқираб кўринди, Кўзининг оқи сариқ эди. Старгородда машинага ишқибоз ҳаваскорлар кўп бўлиб, буларнинг ичида энг ношуди, энг омади юришмагани шу Виктор Михайлович Полесов эди. Ҳамма бало унинг ғайрати ичига сизмай юришида эди. Ўзи аслида бир жойда тек туролмайдиган, доим кўпириб юрадиган ландавур эди. Уни Перелешинск тор кўча 7-сон уйнинг орқа ҳовлисидаги устахонасидан сираям, топиб бўлмасди. Деворлари тошдан тикланган омбор ичида тешик камералар, «Учбурчак» исмли йиртиқ протекторлар, шаҳар дарвозасига ярашиб тушадиган залварли занг қулфлар, устига «India» ва «Wanderer» деб ёзилган, ёнилғи солишига мўлжалланган юмшоқ идишлар, болаларнинг аравачаси, овози тамоман ўчган радиокарнай, сийқаси чиққан жилвир қоғоз, чириган қайишлар, мой шимдирилган каноп, Австрия найзаси-ю, яна аллақандай синиқ, қийшиқ, бало-баттарлар сочилиб ётар, ўртада эса олови ўчган кўчма кўра якка ўзи шумшайиб турарди. Буюртмачиларга Виктор Михайлович этагини тутқазмасди. Виктор Михайлович бирор ерда корчалонлик қилаётган бўлиб чиқарди. Юмуш қилай деса, қўли тегмасди. Бирор юк арава ўзи турган ҳовлига ёки кўни-кўшниларникига кириб келаётганини кўрса, жини қўзиб кетар, чопқиллаб ҳовлига чиқиб, қўлини орқасига қўйганича аравакашнинг ҳаракатини нафрат билан кузатиб турарди. Охири тоқати тоқ бўлиб кетарди.

— Ҳўв, расво қилдинг-ку, арава минганмисан ўзи?— деб ўшқирарди у жон ҳолатда.— Қайтар орқага!

Ўтакаси ёрилган аравакаш орқага тисарилмоқчи бўларди.

— Аравани шунақа қайтарадими, шўртумшуқ!— дерди жони ачишиб Виктор Михайлович отнинг ёнига югу-

риб келиб.— Илгари замон бўлганида шу ишинг учун калтакка шишган бўлардинг, кўрардинг ўшанда арава қайтариш қанақа бўлишини.

Полесов яна ярим соатча буйруқбозлик қилиб, чала қолган велосипед насосини тузатиш учун энди устахонасига қайтмоқчи бўлиб турганида яна шаҳарда бирор воқеа рўй бериб, осойишталик бузиларди. Гоҳ кўчада кетаётган араваларнинг ўқи чатишиб, Виктор Михайлович қандоқ қилса буни тезроқ ва созроқ ажратиш мумкинлигини айтиб турар, гоҳ телеграф сими тортилган ёғочларни яягиламоқчи бўлишар, шунда у устахонадан физиллаб шоқулини олиб чиқиб, симёғоч қанчалик тик ўрнатилганини ўлчаб берар, гоҳида ўт ўчирувчилар кўчадан ўтиб қолгудай бўлса, карнай овозидан завқи тошиб, юрагига гулгула тушиб, уларнинг кетидан югуриб қоларди.

Лекин Виктор Михайловичнинг баъзан енг шимариб ишга шўнғиб кетган пайтлари ҳам бўларди. Шундай кезларда у устахонасига қамалиб олиб, бир неча кунгача овозини чиқармай ишларди. Виктор Михайлович иш билан банд бўлгани учун болалар ҳовлини бошларига кўтариб яйрашар, аравакашлар ҳам ўз билганларича ҳовлида юраверишар, кўча-кўйда аравалар умуман тўқнаш келмай, ўт ўчирувчилар карвони ҳам ёлғиз ўзи шўппайиб ёнғинга шошиларди. Навбатдаги чилласи тугагач, бир кун у қўчқорни шохидан етаклагандай ҳовлига мотоциклини судраб чиқди. Автомобиль, ўт ўчиргич, велосипед ҳамда ёзув машинкаларининг хилма-хил бўлагидан дунёга келган мотоцикл жониворга бир ярим кучга эга Вандерер мотори билан Давидсон филдираклари ўрнатилган, бўлак қисмлари эса сийқаланиб, аллақачон эгасининг муҳрини йўқотиб қўйган эди.

«Синаш» деган сўз ёзилган картон қоғозини эгарга каноп билан боғлаб қўйибди. Оломон тўпланди, Виктор Михайлович пинагини бузмай қўли билан педални айлантириб кўрди. Мотор ўн дақиқача ўт олмай турди. Кейин бирдан тариллаган овоз чиқариб, асбобни титроқ босди, қоп-қора тутунга кўмилди. Виктор Михайлович ўзини эгарга отиши ҳамано мотоцикл ақд бовар қилмайдиган тезлик билан туннелдан учиб ўтиб, эгасини кўчанинг ўртасига олиб чиқди ва ўқ еган қушдай таппа жон берди. Виктор Михайлович энди пастга тушиб, бу фаройиб мўъжизани бир текшириб кўрмоқчи бўлиб турган

эди, машинага тўсатдан жон кириб, орқага тисарила кетди ва эгасини яна ўша туннелдан олиб учиб, бояги жойига келиб тўхтади, тўхтади-ю, бир пишқириб, ҳовлининг қоқ ўртасида пақиллади. Виктор Михайловични худо бир ўлимдан сақлаб қолди. Яна бир чиллага ўтирганида мотоциклнинг соғ қолган ашқолларидан битта доимий двигатель тиклаб олди. Буниси ростакам двигателга ўхшасаям ишламасди.

Ёнидаги 5-сон қўшни уйнинг дарвозаси билан бўлган ҳангома чилангардан чиққан бу зиёнининг оламшумул фаолиятида сўнги нуқта ҳисобланади. Уйнинг маъмурияти Виктор Михайлович билан шартнома тузди. Шартномага кўра Полесов шу уйнинг темир дарвозасини яхшилаб тузатиб, ўзининг дидига ёққан, лекин қирчимолроқ рангга бўяб бериши лозим эди. Битим шартлари бўйича маъмурият махсус ҳайъат ишни қабул қилиб олганидан сўнг В. М. Полесовга йнгирма бир сўм етмиш беш тиғини ҳақ тўлаш мажбуриятини олди. Келишувга мувофиқ бож пулини устанинг ўзи тўлайдиган бўлди.

Афсонадаги паҳлавонларга ўхшаб дарвозани Виктор Ивановичнинг якка ўзи ортмоқлаб кетди. Устахоёнага етиб олгач, енг шимариб ишга киришди. Икки кун деганда дарвозани уланган еридан бузиб, саранжомлаб қўйди. Чўян безакларни болаларнинг арачасига тақди, дарвозанинг темир ўқи билан найзаларини дастгоҳ тагига жойлади. Яна уч-тўрт кун овора бўлиб, шикастрехтларини аниқлади. Кейин кутилмаганда шаҳарда катта фалокат юз берди: Тахтачи кўчасидаги водопровод қувури ёрилиб, Виктор Михайловичнинг қолган вақти шунга кетди. У бахтсиз ҳодисанинг тепасида туриб, дам киши билмас тиржайиб қўяр, дам ишчиларга ўдағайлаб, тез-тез ўранинг ҳолидан хабар олиб қўярди.

Виктор Михайловичнинг ташилотчилик қони анча совиб, ўзи ҳовурдан тушгач, яна дарвозага қўл урмоқчи бўлган эди, қарасаки, вақтин бой берибди: ҳовлидаги чурвақа болалар 5-сон уйнинг дарвозасидан тўкилган жимжима безаклар билан найзаларни ўйнаб юришибди. Қони қайнаган чилангарни кўриб, болакайлар тирақайлаб қочишди. Ташлаб қочган темир-терсақлари кам чиқди, жимжима безакларнинг қоқ ярми топилмади. Шу воқеадан кейин Виктор Михайлович дарвозага қарамай қўйди.

Дарвозадан ажраб, ланг очилиб қолган 5-сон уйда эса хунук савдолар рўй бера бошлади. Олдинга чердакдаги кирларни ўмаришди, бир куни ҳатто қайнаб турган самоварниям кўтариб қочишди. Самовар ўғрисини қувлаш маросимида Виктор Михайловичнинг шахсан ўзи иштирок этди, аммо карнайидан ўт пуркаб турган самоварни кўтариб қочаётган ўғри дам-бадам орқасига ўгирилиб, оломонбоши Виктор Михайловични куракда турмайдиган сўзлар билан бўралатиб сўкарди. Лекин ҳаммадан ҳам 5-сон уйнинг қоровулига жабр бўлди. У тунги чойчақадан ажраб қолди: дарвоза бўлмагандан кейин у боёқиш ниманиям очиб-ёпади-ю, кеч қайтган ўйинқароқ уй эгалари қайси хизматлари учун унга ширинкома узатишади. Қоровул олдинга дарвоза қачон битишини сўраб юрди, кейин ялиниб-ёлворишга тушди, охири дўқ-пўписа қилишга ўтди. Уй маъмуриятидан Виктор Михайлович номинга ёзма равишда эслатма хатлари келди. Энди иш судга оширилиши ҳам мумкин. Вазият тобора жиддийлашиб борарди.

Қудуқ бошида турган фолбин билан серғайрат чилангарнинг ҳамон жағи тинмасди.

— Трамвай йўлига мойланмаган ёғоч ётқизилса,— ҳовлини бошига кўтариб шанғиллади Виктор Михайлович,— трамвай бошга битган бало бўлади!

— Қачон тугаркин шу машмашалар!— деб қўйди Елена Станиславовна.— Шўримиз қурсин.

— Ҳеч қачон тугамайди... Ҳа-я! Биласизми, бугун кимни кўрдим? Воробьяниновни.

Елена Станиславовна сув тўла челақни азот кўтарганча, қудуқ лабига суяниб қолди.

— Боя коммунал хўжалик бўлимига борувдим, устaxonанинг ижара муддатини чўзиш учун. Коридорда кетаётсам, рўпарамдан иккита одам чиқиб қолди. Бундоқ разм солиб қарасам, танишга ўхшади. Хаёлимга Воробьянинов келди. «Шу бино илгари қайси ташкилотга қараган, билмайсизми?»— деб сўрашди. Илгари қизлар гимназияси бўлган, кейин уй-жой бўлими кўчиб кирган, деб айтдим. Нега сўраяпсиз, деб сабабиниям суриштирдим, «раҳмат», деганича иккаласи жўнаб қолди. Биттасини шунда аниқ танидим, Воробьяниновнинг ўзгинаси, лекин мўйлови йўқ. Қайси шамол учирдийкин? Енидаги шериги басавлат, келишган йигит. Собиқ офицерлардан бўлса керак. Дарров хаёлимга...

Шу пайт Виктор Михайлович кўнгилсиз воқеа рўй бериши мумкинлигини сезиб қолди. Дарҳол бидонини кўтара ўзини ахлат қутининг панасига олди. Гапийам бўғзида чала қолди. Ҳовлига лапанглаб 5-сон уйнинг қоровули кириб келаётган эди. У қудуққа яқинлашиб тўхтади, ҳовлидаги иморатларга олазарак тикилиб қаради. Виктор Михайловичнинг қораси кўришмагач, таъби тирриқ бўлиб кетди.

— Витька, чилангар яна йўқми?— деб сўради у Елена Станиславовнадан.

— Вой, хабарим йўқ,— жавоб берди фолбин хотин,— ҳечам хабарим йўқ.

Юрагига қаттиқ ғулғула тушган фолбин йўл-йўлакай челақдаги сувини сачратиб, шошилганича уйига кириб кетди.

Қоровул цемент қудуқни сийпалаб кўргач, устахонага қараб юрди.

*Чилангарлик устахонасига  
кириш эҳйи*

деган ёзувдан ўтиб, икки қадам юргач,

*Чилангарлик устахонаси  
ва  
примуслар таъмири*

деган тахтача кўринди. Тахтачанинг тагида отнинг калласидай қулф осиглиқ турарди. Қоровул қулфни бир тепиб, алам билан:

— Ҳўв, гўрсўхта!— деб сўкинди.

Қоровул устахонанинг эшигида бир нафас гижиниб тургач, гумбурлатиб тахтачани суғуриб олди-да, ташқарига чиқиб, уни оёғи билан депсий бошлади, кейин бутун ҳовлини бошига кўтариб, аламини тўкиб солди.

— Еттинчи сон уйлариинг уй эмас, ўгриларнинг макони экан!— деб бақирди қоровул.— Аблаҳлар! Ҳўв, қора илон! Лаънат ўша ўрта маълумотингга!.. Урта маълумотингдан қўрқмайман... газанда!..

Урта маълумотли қора илон шу топда ваҳимага тушиб ахлат қутининг орқасида яшириниб ўтирган эди.



Дераза ромлари тарақлаб, хушчақчақ одамлар ойнадан мўралашди. Текин томоша шинавандалари бирпасда ҳовлига тўпланди. Шунча халойиқни кўриб, қоровулнинг баттар жазаваси тутди.

— Тагин бу кишим механик чилангар эмишлар!— бўкириб берди қоровул.— Уйинг куйгур оқсуяк!

Қоровул оғзидан боди кириб, шоди чиқиб, беадаб сўзларни бот-бот ишлатар, юқоридаги деразаларга пашшадай ёпишган заифалар ичларида уни қарғасалар ҳам жойларидан жилишмасди.

— Тумшугингни ёриб қўяман!— бўкирди қоровул.— Ҳе, олим бўлган!..

Жанжал авжига чиққан ҳам эдики, бир милиционер келиб жанжалкашни милицияхонага судраб кетди. «Жадалтой»даги азаматлар унга қарашворган бўлди.

Ювош тортган қоровул милиционерни бўйнидан ачомлаб, ҳўнграб йиглаб юборди.

Хатар йўқолди.

Шундагина ахлат қутининг орқасида ўтиравериб толиққан Виктор Михайлович жойидан чиқди. Оломон ўртасида гала-говур кўтарилди.

— Сурбет!— деди Виктор Михайлович қотилнинг орқасидан қичқириб.— Сурбет! Кўрсатиб қўяман сенга! Ярамас!

Кўзидан шашқатор ёш оқизиб, бировларнинг қўлида милиция бўлимига кетаётган қоровул бу гапни эшитмади. «Чилангарлик устахонаси ва примус таъмири» деган тахтачани ашъвий далил сифатида у билан бирга олиб кетишди.

Виктор Михайлович анчагача хезланиб турди.

— Вой итваччалар-ей,— деди у текин томоша шинавандаларига юзланиб,— энди одам бўп қолишибди-да! Сурбетлар!

— Қўйинг энди, Виктор Михайлович!— деразадан қичқирди Елена Станиславовна.— Бу ёққа бирров кириб кетинг.

Аёл Виктор Михайловичнинг олдига ликопчада компот келтириб қўйгач, хона ичида юриб уни сўроққа тутди.

— Боя айтдим-ку, худди ўзи деб, лекин мўйлови йўқ эди,— одати бўйича шанғиллаб деди Виктор Михайлович,— ўлдимми энди уни танимасам! Воробьяниовнинг ўзгинаси!

— Секинроқ гапирсангиз-чи, вой худойим-эй! Бу ёққа нимага келганикин, а?

Виктор Михайловичнинг қора чеҳрасида киноя жилва қилди.

— Хўш, сиз нима деб ўйлайсиз?

У яна ҳам заҳархандалироқ кулимсиради.

— Ҳар ҳолда большевиклар билан битим тузгани келмаган бўлса керак.

— Нима, унга хавф-хатар борми?

Инқилобий ўн йил ичида Виктор Михайлович таъна-кесатиқлар кониға айланиб қолган эди. Мана ҳозир ҳам кинояли табассум камалаги чеҳрасини ёриштириб юборди.

— Советлар Россиясида ҳамманинг ҳаёти хавф остида, айниқса, Воробьяниновга ўхшаганларнинг. Ҳеч ким бекордан-бекорга мўйловини қириб ташламайди, Елена Стаицславовна.

— Хориждан юборишганмикин?— нафаси бўғзига тикилиб сўради Елена Станиславовна.

— Шубҳасиз,— деб жавоб берди донишманд чилангар.

— Нима юмуш билан келганикин?

— Еш болалик қилманг.

— Менга барибир. Уни кўришим керак.

— Ўзингизга жабр бўлади, биласизми шуни?

— Менга барибир дедим-ку. Бир-биримизни кўрмаганимизга ўн йил бўлди. Ипполит Матвеевичнинг дийдорига бир тўяй энди.

Шу топда назарида бир пайтлари чиндан ҳам иккови бир-бирини севгану фалакнинг гардиши билан ораларига айрилиқ тушгандай туюлиб кетди.

— Утиниб сўрайман, топиб беринг уни! Қаердалигини билиб келинг! Сизга ҳамманинг эшини очик! Қўлингиздан келади! Сиз билан учрашмоқчи, деб айтинг. Эшитяпсизми?

Қўндоқда мудроқ босган қизил иштонли тўти шовқиндан чўчиб тушди, турган жойида калласи билан пастга бир шўнғиб, ҳайкалдай қотиб қолди.

— Елена Станиславовна,— деди механик чилангар ўрнидан тургач, қўлини кўксига қўйиб,— қаердалигини билиб, албатта гаплашиб келаман.

— Яна озроқ компот қўйиб берайми?— деб сўради фолбин ўпкаси тўлиб.

Виктор Михайлович компотни ичиб бўлгач, тўтининг қафаси нотўғри ясалибди, деб аччиқ таъналар қилди, кейин Елена Станиславовна билан хайр-маъзур қилар экан, бўлиб ўтган гаплар ҳақида бировга чурқ этиб оғиз очмасликни тайинлади.

## XI боб

### «ҲАЕТ КҮЗГУСИ» АЛИФБОСИ

Ҳамтовоқлар иккинчи куни бундоқ ўйлаб қарашса, қоровулхонада қолишнинг ортиқ иложи йўқ. Дастлабига хўжайиннинг мўйлови қорайиб қолганини, кейин негадир кўкариб, охири мутлақо ғойиб бўлганини кўриб ўтакаси ёрилган Тихон пўнғиллайдиган одат чиқарди. Ётишгаям жой йўқ. Тихоннинг оёғидаги янги пийма қоровулхонани чириган гўнг ҳидига тўлдириб юборди. Бир чеккада ётган эски пиймасиям ҳавони бузса бузадикни, асло тозаламайди.

— Ширин хотираларга бағишланган кечани ёпиқ деб эълон қиламан,— деди Остап,— меҳмонхонага кўчмасак бўлмайди.

Ипполит Матвеевич ичидан зил кетди.

— Бунинг иложи йўқ.

— Сабаб?

— Келгаң-кетган қайд этилади у ерда.

— Паспортлари чатоқми?

— Йўқ, паспорт-ку, жойида-я, аммо-лекин фамилияни бутун шаҳар биледи. Гап чувалашади.

Хазинатопарлар ўйланиб қолишди.

— Михельсон деган фамилия ёқадими сизга?— тўсатдан сўраб қолди фаросати зўр Остап.

— Қанақа Михельсон? Сенаторни айтяпсизми?

— Йўқ. Совет савдо ходимлар союзининг аъзоси.

— Гапингизга тушунолмадим.

— Амалий малакангиз йўқ, шунинг учун тушунмайсиз. Амманнинг бузоғига ўхшайверманг ҳадеб.

Бендер яшил камзулининг чўнтагидан касаба союз дафтарчасини олиб, Ипполит Матвеевичга узатди.

— Конрад Карлович Михельсон, ёши қирқ саккизда, партиясиз, бўйдоқ, минг тўққиз юз йигирма биринчи йилдан касаба союз аъзоси, олий даражада ахлоқли одам,

ўзи яқин танишим бўлади, янглишмасам, болажон ҳам... Лекин сиз болапарварлик қилмасангиз ҳам бўлади: милиция сиздан буни талаб қилмайди.

Ипполит Матвеевич хижолат тортди.

— Қандоқ бўларкин?

— Гарчи бу ҳаракат жиноятлар мажмуасида назарда тутилган бўлса ҳам, лекин ҳар ҳолда биз қидираётган хазина олдида болаларнинг мушук-сичқон ўйинидай гап.

Бу гапни эшитиб Воробьяниновнинг дами ичига тушиб кетди.

— Ношукур банда экансиз, Кондрат Карлович. Омад кеп қолди, шукр қилсангиз-чи, Папа-Христозопуло ёки Зловунов дегани чекингизга тушиб қолганда нима қилардингиз.

Хазинатопарлар бирпасда келишиб олишди-ю, Тихон билан хайр-маъзурини пасия қилиб, кўчага чиқишди.

Улар «Сорбонна»нинг шинамгина хоналаридан жой олишди. Остап меҳмонхонадаги саноқли хизматчиларнинг барини оёққа турғизди. Олдинига у етти сўмлик хоналарни айланиб чиқди, лекин жиҳозидан кўнгли тўлмади. Беш сўмлик номерлар анча маъқул тушган эди-ю, қўсқи ва бадбўй гиламлари ёқмади. Уч сўмлик номерлар бопта кўринган бўлса ҳам девордаги расмлар гашига тегди.

— Мен табиат манзаралари билан бир уйда туролмайман,— деди Остап.

Охири бир сўм саксон тийин турадиган номердан жой олишди. Хона табиат манзаралари-ю, гиламлардан холи бўлиб, жиҳозлари ҳам оддий эди: бир жуфт каравоту бир дона тунги столча.

— Тош асрининг услубида экан,— деди Остап хонадан кўнгли тўлиб.— Ҳа, айтмоқчи, кўрпа-тўшакларда ҳа шарот-пашорот деган нарса йўқми?

— Буниси мавсумга боғлиқ,— деб жавоб берди мугамбир хизматчи,— масалан, айтайлик, губерния миқёсида бирор йиғин бўлса, кўринмай қолишади, нега деганда, кўп одам келади-да, шунинг учун олдин ҳаммаёқ яхшигина тозалаб чиқилади. Бошқа пайтлари учраб туради. Қўшни «Ливадия» меҳмонхонасининг хоналаридан ўрмалаб чиқади.

Хазинатопарлар ўша кунинёқ Старгород коммуналхўжалик бўлими — Старкомхўжга бориб, керакли нар-

саларни билиб олишди. Уй-жой бўлими 1921 йилда тугатилгани, унинг бутун бошли архиви Старкомхўжга ўтиб кетгани маълум бўлди.

Буюк мударбирнинг ўзи ишга киришиб кетди. Собиқ шаҳар ҳокими маҳкамасининг мансабдори, ҳозир эса идора хизматчиси бўлмиш архив мудири Варфоломей Коробейников қаерда туришидан хазинатопарлар кечга яқин огоҳ бўлишди.

Остап жун нимчасини кийиб, камзулини каравот суянчиғига яхшилаб қоққач, Ипполит Матвеевичдан майда харажатлар учун бир сўм йигирма тийинни ундириб, архивчининг уйига жўнаб кетди. «Сорбонна»да ёлғиз қолган Ипполит Матвеевич юраги ҳаприқиб, икки каравот оралиғидаги тор йўлкадан орқа-олдига юра бошлади. Шу кўкимтир, совуқ кечада улар бошлаган ишнинг тақдири ҳал бўлиши керак. Воробьяниновлар хонадонидан мусодара қилинган жиҳозлар кимларга тарқатилганини тасдиқловчи ижозат қоғозлари — ордерларнинг нусхалари топилса борми, ишнинг эллик фоизи ҳал бўлди, деявериш мумкин. Кейин ҳам ҳазилакам қийинчиликлар учрамайди албатта, лекин ҳар ҳолда калаванинг учи қўлда бўлади-ку.

— Ишқилиб ордер топилсин-да, — пичирлади Ипполит Матвеевич ўринга чўзилиб, — ордер топилса бўлди!

Шалоғи чиққан матрацнинг пружиналари танасини бурга даққандай узиб олар, лекин у буни сезмасди. Ордер қўлга киргандан кейин нима қилиш лозимлигини шу топда аниқ билмаса ҳам у тақдирда ишлар хамирдан қил суғургандай осонгина юришиб кетишига имони комил эди. «Қилни қирқ ёрганга нима етсин», деган гап негадир миясида тинмай чарх урарди.

Қилни қирқ ёриш орзусида Ипполит Матвеевич каравотда у ёнбошидан-бу ёнбошига ағдарилар, тагидаги пружиналар эса чийиллаб овоз чиқарарди.

Остап шаҳарни у бошидан-бу бошигача кесиб ўтди. Коробейников Старгороднинг бир чеккасида, Гусишче деган жойда истиқомат қилар экан.

Гусишчеда асосан темирйўлчилар туришарди. Пастдаги уйлардан юпқа бетон девор билан ажратилган кўтарма йўлдан пишиллаганича баъзан паровозлар орқаси билан ўтиб қолар, шунда ўтхоналаридаги шафақ нуридан уйларнинг томи бир зум ёришиб кетарди. Гоҳида бўш вагонлар ўтса, гоҳида бирор хатарнинг аломати

бўлмиш снарядлар гумбурлаб қўярди. Ҳали сувоғи қурмаган ғиштин кооператив уйлар бу ердаги кулбалару омонат бараклар ўртасида маржондай тизилиб ётарди.

Остап темирйўлчилар клуби бўлмиш нурафшон оролни четлаб ўтгач, қўлидаги қоғозга яна бир қараб олдида, архивчининг уйи олдида тўхтади. Шундан кейин у катта-катта ҳарфлар билан «илтимос, бураб чалинг», деб ёзилган маслаҳатга амал қилиб, эшикдаги қўнғироқни буради.

«Ким керак», «нимага» қабилидаги узундан-узоқ сўроқдан сўнг эшик очилиб, Остап шкафларга тўла қоронғи даҳлизга кирди. Остап қоронғида кимнингдир нафасини сезиб турган бўлса ҳам ҳеч кимдан садо чиқмади.

— Гражданин Коробейников шу ердами?— деб сўради Бендер.

Бояги нафаснинг эгаси Остапни қўлидан етаклаб, керосин лампа осилган ошхонага бошлаб кирди. Остап олдида турган кичкинагина, ниҳоятда озода, қўл-оёғи чаққон чолга кўзи тушди. Гражданин Коробейников шу чол эканига ҳечам шубҳа қолмаган эди. Остап такаллуф кутмай курсини олдига тортиб ўтириб олди.

Қария бу беандиша йигитдан ҳайиқмай, жимгина қараб турди. Остапнинг ўзи илтифот юзасидан гап бошлади:

— Олдингизга бир иш билан келдим. Сиз Старкомхўж архивида ишлайсиз, шундайми?

Қўл-оёғи чаққон чол ҳаракатга келиб, бу гапни тасдиқлагандай қадрини дол қилди.

— Бундан олдин уй-жой бўлимида хизмат қилгансиз, а?

— Мен кўп ерларда хизмат қилганман,— деб жавоб берди қария чеҳраси ёришиб.

— Ҳатто шаҳар ҳокимининг маҳкамасидаямми?— латиф табассум билан сўради Остап.

Кўп тебранишлардан кейин чолнинг гавдаси бир вазиятда муҳим тўхтади. Бу вазият «шаҳар ҳокимининг маҳкамасида ишлаган бўлсам ишлагандирман, орадан қанча вақт ўтди, ҳаммаси эсда туравермайди», деган маънони билдирарди.

— Хўш, бизни йўқлаб келганларига сабаб нима, билсак бўладими?— деб сўради уйнинг эгаси меҳмонга мароқ билан тикилиб.

— Бўлганда қандоқ,— деб жавоб берди меҳмон.— Мен Воробьяниновнинг ўғли бўламан.

— Қайси Воробьяниновни айтяпсиз? Сардорними?

— Ушани.

— Узи қалай, омонми?

— Қазо қилганлар, гражданин Коробейников. Оламдан ўтганлар.

— Эсиз,— деб қўйди чол ортиқча куюнмай,— ёмон бўпти. Янглишмасам, у кишининг бола-чақаси йўқ эди шекилли?

— Ҳа, тўғри,— деб бажонидил жавоб берди Остап.

— Бу ёғи қандоқ бўлди унда?

— Шундоқ. Падарнинг пинҳоний никоҳлари ҳам бўлган экан, шундан таваллуд топганмиз.

— Елена Станиславовнанинг фарзандлари бўлманг тагин?

— Худди шундай, топдингиз.

— Онангиз сиҳат-саломатмилар?

— Волидани аллақачон тупроққа топширганмиз.

— Шундайми, кўп чакки иш бўпти-да!

Гарчи чол Елена Станиславовнани шу бугун бозорда, гўшт қанорлари олдида кўрган бўлса ҳам анча вақтгача Остапга йиғламсираб қараб турди.

— Улим ҳамманинг бошида бор,— деди у.— Қани, меҳмон, бизга нима хизматлари бор, кечирасиз, исмингизни билолмай турибман...

— Вольдемар,— ҳозиржавоблик билап деди Остап.

— Владимир Ипполитович денг? Жуда соз. Хўш. Қулоғим сизда, Владимир Ипполитович.

Чол устига гулдор клеёнка ёпилган столга яқинроқ ўтириб, Остапнинг кўзига тикка қаради...

Остап баландпарвоз гаплардан келтириб, ота-онасини эслаган бўлди. Кейин эса муҳтарам архивчининг ошёнига бемаҳалда қадам босиб, бу зотни катта ташвишга қўйганини, архивчи ҳазратлари бетакаллуф меҳмон нима мақсадда йўқлаб келганини эшитсалар, бир қошиқ қонидан кечишлари мумкинлигини айтди.

— Падарнинг қўллари теккан анжомлардан бирортасини топсам, ҳар кўрганда у кишини эслаб юрсам, дедим,— деди охири Остап фарзандлик меҳри жўшиб.— Падарнинг уйларидаги жиҳозлар кимларга ўтган, шундан хабарингиз борми?

— Қийин гап бу,— деди чол ўйланқираб,— бунинг учун бел бақувват бўлиши керак... Кечирасиз, ўзлари нима хизмат қиладилар!

— Бизники эркин касб. Самарада шерикчиликка кушхона очиб қўйганман.

Чол Воробьяниновнинг яшил кийим-бошдаги фарзандига ишонқирамай қараб қўйди-ю, лекин эътироз билдирмади...

«Эпчил йигит экан», деб қўйди ичида.

Боядан бери Коробейниковни зимдан кузатиб турган Остап «ўтакетган палид чол экан», деган хулосага келди.

— Гап шу,— деди Остап.

— Гап шу,— деди архивчи,— қийин масала, лекин иложини топса бўлади...

— Чиқими борми?— гапини оғзидан одди кушхона соҳиби.

— Озроқ чақаси бор...

— Танага яқинроқ келинг, деган экан Монассан. Хизмат ҳақингизни оласиз.

— Хўп, яхши, етмиш сўм чўзасиз.

— Намунча? Қимматчилик йили туғилганмисиз, нима бало?

Чол елкаларини ўйнатиб, аста жиллапглаб қўйди.

— Ҳазил қилиптиларми, дейман...

— Биз рози, отахон... Ордерни бериб, пулини оласиз. Қачон келай?

— Пул ёнингиздами?

Остап бажонидил чўнтагини шапатилаб кўрсатди.

— Ундай бўлса ҳозироқ марҳамат қилишингиз мумкин,— деди Коробейников такаллуф билан.

У шам ёққач, Остапни қўшни хонага бошлаб кирди. Хонада битта каравотдан ташқари (афтидан, уйнинг эгаси шунда ётиб юрса керак) устида ҳисоб-китоб дафтари қалашиб ётган ёзув столи билан тортмалари очиқ узун идора шкафи кўринди. Тортманинг биқинига А, Б, В дан бошлаб то рус алифбосининг кенжатоғи Я га қадар ҳамма ҳарфлар босма нусхада ёпиштирилган. Жамики тортмалардаги ордерлар дасталаб, каноп билан боғлаб қўйилибди.

— Оҳо!— завқи келиб деди Остап.— Уй тўла архив-ку.

— Тўлалikka тўла,— деб жавоб берди архивчи ийма-



ниб.— Ҳар эҳтимолга қарши сақлаб юрибман-да, билсангиз... Коммунал хўжалик бўлимига бунинг кераги йўқ, менга эса қариган чоғимда асқатиб қолиши мумкин. Азбаройи лағча чўғнинг устида ўтирганга ўхшаймиз, билсангиз. Эртага нима бўлишини ким билади, дейсиз... Қарабсизки, ҳамма ўзининг анжомини қидириб қолади, хўш, қани ўша анжом? Мана улар! Шкафда! Буларни ким асраб қолди? Коробейников. Ана ўшанда муҳтарам зотлар, мендек бир ғариб чолга раҳматлар айтиб, қариган чоғимда қуруқ қўйишмайди... Мен кўп сўрамайман — ҳар битта ордерга ўн сўткавойдан беришса бўлди. Шунгайм шуқр қиламан... Қани, бирортаси ўзича эплаб кўрсин-чи, галвирига сув чиқармикин. Менсиз эплашолмайди!

Остап ҳавас билан чолга тикилди.

— Антиқа жой қийсиз,— деди у,— ҳамма нарса механизациялашган. Бориб турган меҳнат қаҳрамони экансиз!

Мақтовдан эриб кетган архивчи меҳмонни суйган хунарининг сирлари билан таништира бошлади. У ҳисобот ва тақсимотга тутилган қалин дафтарларни бир-бир очиб кўрсатди.

— Ҳаммаси шу ерда,— деди у,— бутун Старгород шу ерда! Жамики жиҳозлар! Қимдан қачон олингану кимга қачон берилган. Мана буниси эса алифбо тартибидаги дафтар, ҳаёт кўзгуси! Қимнинг жиҳозларини кўрмоқчисиз? Биринчи гильдия савдогари Ангеловни хоҳлайсизми? Мар-ҳа-мат. А ҳарфига қаранг. А ҳарфини очди, Ак, Ал, Ан. Ангелов... Номери қанақа экан? Мана! 82742. Энди ҳисобот дафтариини оламиз. 142-бет. Қани Ангелов? Мана Ангелов. 1918 йил 18 декабрда Ангеловнинг уйидан қуйидагилар олинди: 97012 рақамли «Беккер» рояли, рояль ёнида турадиган юмшоқ курсича, икки дона ёзув столи, тўртта гардероб (иккитаси сифатли ёғочдан ишланган), бир дона шифонер ва ҳоказо... Хўш, булар кимга берилган? Тақсимот дафтариини олиб кўрамиз. Бояги 82742 рақами... Берилди... Шифонер — шаҳар ҳарбий комиссарлигига, уч дона гардероб «Тўрғай» номли болалар етимхонасига... Яна битта гардероб эса — Старгород озиқ-овқат комиссиясининг котибига берилибди, шахсий ихтиёрига. Ия, рояли қаерга кетдийкин? Ҳа, социал таъминот бўлимига, 2-сон уйга жўнатилган экан. Ҳозирам ўша ерда турибди...

«Рояль-поэль деган нарсани кўрмадимов у ерда», кўнглидан ўтказди Остап Альхеннинг иболи турқини эслаб.

— Ёки бўлмаса, шаҳар маҳкамаси идорасининг мудири Муринин олиб кўрайлик... Демак, М ҳарфини қараш керак бўлади. Ҳаммаси бор. Бутун шаҳар бўйича. Рояллар дейсизми, кичкина кушеткалар, ойналар, курси ва диванлар, қандиллар... Ҳаттоки идиш-товоқлар ҳам рўйхатда бор...

— Қаранг-а,— деди Остап,— сизга қўл билан тиклаб бўлмайдиган ҳайкал қўйиш керак экан. Ҳай, амалий ишга ўтайлик. Масалан, В ҳарфи.

— В ҳарфими, ҳозир-да,— кўнглихушлик билан жавоб берди Коробейников.— Мана Вм, Ви. Ворницкий, 48 238 рақамлиги Воробьянинов бўлади, Ипполит Матвеевич, падари бузрукворингиз, худо раҳмат қилгур кўп шинаванда одам эди-да... 54 809 рақамли «Беккер» рояли, чинни гулдонлар, тамғалигидан тўртта, Франциянинг «Севр» заводидан чиққан, палос гиламдан саккизта, ҳажми ҳар хил, деворга қоқилладиган «Подачи аёл» гиламдан битта, яна бир дона «Подачи» гилами, икки дона туркман гилами, битта Хуросон гилами, идиш кўтарган айиқ тулупи — бир дона, ётоқхона гарнитурини — ўн икки кишилик, ошхона гарнитурини — ўн олти кишилик, меҳмонхона гарнитурини — ўн тўрт кишилик, ёнғоқ дарахтидан ишланган, уста Гамбе тайёрлаган.

— Қимларга берилган экан?— ҳовлиқиб сўради Остап.

— Ҳозир биламиз. Идиш кўтарган айиқ тулупи — иккитаси район милициясига, «Подачи» гилами — бадний буюмлар фойдига, «Подачи аёл» гилами сув ходимлари клубига. Палослар, туркман ва Хуросон гиламлари — ташқи савдо халқ комиссарлигига, ётоқхона гарнитурини — овчилар союзига, ошхона гарнитурини — чой саноати бош бошқармасининг Старгород бўлимига. Ёнғоқ дарахтидан ишланган меҳмонхона гарнитурини — айрим-айрим бериб юборилган. Думалоқ стол билан бир дона стул — социал таъминот бўлимининг 2-сон уйига, ясси суянчиқли диван — уй-жой бўлими ихтиёрига (ҳалигача даҳлизда ётибди, жилдининг яғирини чиқаришибди аблаҳлар); яна битта курси ўртоқ — Грицауевга, империалистик уруш инвалиди бўлгани учун, аризаси бор, уй-жой бўлимининг мудири ўртоқ Буркин резолю-

ция қўйган. Унта стул Москвага, жиҳоз маҳорати музейга юборилган, халқ маориф комиссарлигининг кўрсатма хатига биноан.., Чинни гулдонлар, тамғали...

— Офарин,— деди Остап ўзида йўқ хурсанд бўлиб,— зўриддин иш бўпти! Ордерниям бир кўрсак яхши бўларди.

— Ҳозир, ҳозир ордерларгайм навбат келади. Рақам 48 238, В ҳарфи.

Архивчи шкафга яқинлашди, бўйнини чўзиб, керакли папкани олди.

— Мана, падари бузрукворингизнинг жамики анжомлари шу ерда. Ҳамма ордер керакми?

— Нима қиламан ҳаммасини... Шунчаки... болаликдан хотирда қолган меҳмонхона гарнитурини... эсимда, меҳмонхонада Хуросон гиламида шўхлик қилиб, девордаги «Подачи аёл»дан кўзимни узмасдим... Зап даврлар эди, болалик — пошшолик экан!.. Хуллас, отахон меҳмонхона гарнитурини билан чеклансак.

Архивчи қўлидаги бир даста кўкимтир қоғоз парчаларини завқ билан титкилаб, керакли ордерларни қидиришига тушди. Коробейников шуларнинг ичидан бешта ордерни ажратиб олди. Булардан бири ўнта стулга, иккитаси икки дона стулга, биттаси думалоқ столга ва охиргиси «Подачи аёл» гиламига берилган ордерлар эди.

— Кўриб қўйсинлар. Ҳаммаси жойида. Аниқ қилиб ёзилган. Адресиям бор, олган одамнинг қўлиям. Бир нима бўлса тониб кўрсин-чи. Бир генералнинг хотини бўларди, Попова деган ё ўшанинг гарнитурини кўрасизми? Жуда яхши мол. Буям Гамбснинг қўлидан чиққан.

Ёлғиз ота-онасининг арвоҳини хурсанд қилмоқчи бўлган Остап бу таклифни қабул этмади, у ордерни юлқиб олгач, ён чўнтагига зичлаб жойлади.

— Тилхатни ёзаверайми?— деб сўради архивчи чаққонгина энгашиб.

— Ҳа, ёзаверинг, гоё бандаси,— илтифот қилди Бендер.

— Ёзсам ёза қолай.

— Ясайверинг!

Илк кирилган хонага ўтишди. Коробейников равон ҳуснихат билан тилхатни битиб, кулибгина меҳмонга узатди. Бош хазинатопар катта назокат-ла қоғозни ўнг қўлининг икки бармоғи билан қисиб олгач, бебаҳо ордерлар мунтазир ётган чўнтагига солиб қўйди.

— Хўп, кўришгунча,— деди у кўзлари қисилиб,— сизни анча безовта қилдим шекилли. Ортиқ вақтингизни олишга ҳаққим йўқ. Қўлни ташланг, маҳкама сардори. Ҳанг-манг бўлиб қолган архивчи бўшашибгина унинг қўлини қисди.

— Яна кўришгунча,— қайта такрорлади Остап. У эшикка қараб юрди.

Коробейников ҳеч нимага тушунмади. Меҳмон пулни қолдириб кетган бўлса керак, деган хаёлда столгаям кўз ташлади, аммо кўринмади. Шундан кейин архивчи секингина:

— Ҳақи-чи?— деб сўради.

— Қанақа ҳақ?— деди Остап кўча эшигини оча туриб.— Бир ниманинг ҳақини сўрагандай бўлдиларми?

— Ҳа, бўлмасам-чи? Жиҳоз ҳақи! Ордер ҳақи!

— Садағангиз кетай,— деди Остап товушини ипақдай мулойим қилиб,— раҳматли падари бузрукворимнинг арвоҳи шоҳид, худо ҳаққи. Жон деб берардим, лекин иложим йўқ, банкадан олиш эсдан чиқибди.

Чолни олдин титроқ босди, кейин нимжон қўллари билан тунги меҳмоннинг йўлини тўсмоқчи бўлди.

— Секин, аҳмоқ,— деди Остап пишқириб,— айтдим-ку, сенга эртага оласан деб, бўлди-да. Хўп, кўришгунча. Хат ёзиб туринг!..

Эшик тарақлаб ёпилди. Коробейников эшикни қайта очиб, югуриб кўчага чиққанида Остап кўздан ғойиб бўлган эди. У осма кўприк ёнидан тез-тез ўтиб борарди. Шу пайт кўприк устида кўринган паровоз уни бир зум ёритиб, тутунга белаб кетди.

— Муз кўчди!— деб бақирди Остап ҳайдовчига қараб.— Муз кўчди, жаноби маслаҳатчи тўралар!

Ҳайдовчи унинг гапини эшитмади, қўлини силкиб қўя қолди, пўлат билакларнинг ҳаракати кучайиб, ғилдираклар шитоб билан чарх урди ва паровоз шамолдек елиб кетди.

Коробейников икки дақиқача изғиринда туриб қолгач, қаттиқ сўкиниб уйчасига кирди. Унга жудаям алам қилди. Хонанинг ўртасида турволиб жон-жаҳди билан столни тепа кетди. Ичига қизил ҳарфлар билан «Учбурчак» деб ёзиб қўйилгувчи калиш шаклида ишланган кулдон бир сакраб, стакан графин билан чўқишиб олди.

Ворфоломей Коробейников умрида биринчи марта панд ейиши эди.

Истаган одамига ўзи фириб бериши мумкин, лекин бу гал панд еди, зўр фаросат билан, аммо соддагина қилиб ясалган қармоққа йлинди, мана энди шунинг аламига чидаёлмай боядан бери столнинг семиз оёқларини гурсиллатиб тепкиларди.

Гусишчеда Коробейниковни каттаю-кичик Ворфоломеич деб чақирарди. Одамлар бўлак иложлари-қолмаган тақдирдагина унинг остонасига бош эгиб келишарди. Ворфоломеич буюмларини гаровга олиб, кафангадо қилувчи процентлар қўярди. У бир неча йилдан бери шу зайлда судхўрлик қилиб келаётган бўлса ҳам ҳали бирор марта қўлга тушмаган эди. Мана энди бўлса кўзининг оқу қорасидай кўрган, катта фойдалар олиб, бу ёғига пиру бадавлат яшашига қаттиқ ишонган суюкли корхонасидан куйиб ўтирибди.

— Шунақами?!— деб ўкирди у қўлдан чиққан ордерларни эсига тушиб.— Бундан буён энди олдин пулини оламан. Мени нима жип уриб овсарлик қилдим-а? Меҳмонхона гарнитурини икки қўллаб топширибман-а!.. «Подачи аёл» гиламининг ўзи фалон пул туради! Қўлда тўкилган эди-я!..

«Бураб чалинг» қўнғироғини кимнингдир ношуд қўли анчадан бериб бураб-бураб қўярди. Ворфоломеич эшик очик қолганини энди эслаб турган ҳам эдики, даҳлизда бир нима қаттиқ гумбурлаб, шкафлар гирдобида қолган аллакимнинг:

— Бу уйнинг эшиги қаёқда?— деган нидоси эшитилди.

Ворфоломеич даҳлизга чиқиб, кимшидир пальтосидан торгди-да (қўлига қаттиқ ботди, яхши мовутдан экан), ошхонага ҳазрати Фёдорни етаклаб кирди.

— Минбаъд кечиргайлар,— деди ҳазрати Фёдор.

Икки томон ўртасида ўн дақиқача давом этган шама ва даромадлардан кейин шу нарса аён бўлдики, гражданин Коробейников чиндан ҳам Воробьяниновнинг жиҳозлари ҳақида баъзи маълумотларга эга, ҳазрати Фёдор эса ана шу маълумотларни ҳақ тўлаб олишга рози. Яна бунинг устига меҳмон собиқ сардорнинг туғишган акаси бўлиб чиқди. У ҳар кўрганда укасини эслаб юриш учун меҳмонхона гарнитурини сотиб олиш ниятида экан. Воробьяниновнинг акаси учун бу гарнитур ўсмирлик даврининг ширин хотиралари билан боғлиқ эмиш. Шу гапларни эшитиб, архивчи танига сиғмай кетди.

Ворфоломенч юз сўм сўради. Меҳмон укасининг арвоҳини камроққа, масалан, ўттиз сўмга хурсанд қилмоқчи бўлган экан. Эллик сўмга байлашишди.

— Олдин пулини тўласангиз,— деди архивчи,— ода-тим шунақа.

— Мендаги тилла ўнталик, бўлаверадими?— шошапиша сўради ҳазрати Фёдор камзулининг астарини сўка туриб.

— Ҳозирги нархда оламан. Тўққиз яримдан.

Востриков ичак тўрвадан бешта тилла суғуриб олдида, ёнига икки ярим сўмлик кумуш танга қўшиб, барини архивчининг олдига суриб қўйди. Ворфоломенч тангаларни икки марта санаб чиққач, ҳовучига сидириб олди, кейин меҳмондан бир дақиқа узр сўраб, ордерларни олиб келгани кетди. Ворфоломенч яширин маҳкамасига киргач, узоқ ўйлаб ўтирмай, ҳаёт кўзгуси бўлмиш алифбонинг П ҳарфини очди, дарров керакли рақамни топиб, топчадан генералнинг хотини Попова номига ёзилган бир даста ордерни олди. Кейин у ордерларни титкилаб, ичидан биттасини суғурди. Бу — Узумзор кўча, 34- уйда истиқомат қилувчи ўртоқ Брунсга Гамбс фабрикасида ёнғоқ дарахтидан ишланган ўн икки дона курсини олиш учун берилган ордер эди. Архивчи ўзининг қувлиги ва топқирлигидан ўзи завқланиб, кулиб қўйди, кейин ордерни харидорга чиқариб берди.

— Ҳаммаси шундами?— энтикиб сўради харидор.

— Бўлмаса-чи. Ҳаммаси ичида. Ажойиб гарнитур. Оғзингиз очилиб қолади. Дарвоқе, сизга мақтаб нима қиламан! Ўзингизга маълум-ку!

Ҳазрати Фёдор хурсанд бўлганидан анчагача архивчининг қўлини қисиб силтаб турди, сўнг даҳлиздаги шкафларга урилиб-сурилиб, туш қоронғисида ғойиб бўлди.

Ворфоломенч бошлаб қўлга туширган харидорининг кетидан роса мириқиб кулди. Кейин тилла тангаларни столга қаторлаштириб қўйиб ялтироқ тангаларга анчагача уйқусираб қараб ўтирди.

«Нимага булар Воробьяниновнинг жиҳозларига ў бўлиб қолишди?— кўнглидан ўтказди у.— Эсларини ет қўйишибди».

У ечинди, ҳафсаласизлик билан чўқинди, қиз болани кидай торгина ўрнига кириб, хаёл оғушида уйқуга кетди.

## ШОИР ОРЗУ ҚИЛГАН ОТАШ ЖУВОН

Тунда совуқ бархам топди. Ҳаво исиб, наҳорги йўловчиларнинг илиги сирқиллади. Чумчуқлар чулчутча чуғурини бошлади. Ошхонадан чиқиб, меҳмонхона ҳовлисига ўтган товуққаям қувват кирди шекилли, учишга хезланиб, бир сапчиб қўйди. Осмонни увода булут қоплаган, ахлат қутидан бинафша деҳқонча шўрва ҳиди анқийди. Шамол бўғотлар тагида елади. Томда ястаниб ётган мушуклар эринибгина кўзини очиб, ҳовлига қарашади ва елкасига бир талай кир ортмоқлаган меҳмонхона хизматчиси Александрнинг елиб-югуришини томоша қилишади.

«Сорбонна» йўлаклари ғала-ғовур. Трамвай очилишига уездлардан делегатлар келган. «Сорбонна» деган лавҳа осиб қўйилган махсус аравадан шуларнинг бир галаси тушди.

Офтоб жазавага келди. Дўконларнинг тарам-тарам темир пардалари баланд кўтарилди. Пахталик пальтода ишга борган идора хизматчилари кўклам хуружидан нафаслари қисилиб, тугмаларини ечишди.

Кооператив кўчасида ун комбинати қурилиши — Ун-комқурга қарашли юк машинасининг рессори синиб, воқеа содир бўлган жойга етиб келган Виктор Михайлович Полесов йўл-йўриқ кўрсатиб турибди.

Батартиб жиҳозланган (иккита каравоту бир дона стол) хонада отнинг пишқириши ва кишнагани эшитилди: Ипполит Матвеевич зўр иштаҳа билан юз-қўлини ювиб, бурнини гозалаётган эди. Буюк мудаббир ётган жойида сандалиннинг йиртиқ ерларини кўздан кечирмоқда эди.

— Айтмоқчи,— деди у,— илтимос, қарзингизни узиб қўйсангиз.

Ипполит Матвеевич юзидан сочиқни олиб, пенсенесиз бақа кўзларини шеригига қадади.

— Тошбақа тухумига термилгандай нега бақраясиз? Нимага ҳайрон бўляпсиз? Қарз деганимгами? Ҳа. Мендан қарзингиз бор. Кеча айтаман деб эсимдан чиқибди, берган ваколатингизга биноан ордерга етмиш сўм тўладим. Мана тилхат. Уттиз беш сўмни бу ёққа чўзинг. Билишимча, шерик дегани харажатниям ярмини кўтариши керак, шундайми?

Ипполит Матвеевич пенсени тақиб, хатни ўқиб чиқ-  
қач, юраги уюшибгина пулни узатди. Аммо чиқимдор  
бўлганига қарамай ҳамон унинг кайфи чоғ эди. Хазина  
нақд бўлиб қолди. Тоғ-тоғ уюлиб ётган жавоҳир  
ёғдусида ўттиз беш сўм мисоли хасдай кўринмай  
кетди.

Лабларига шодон табассум қўнган Ипполит Матвее-  
вич йўлакка чиқиб, айланиб юрди. Жавоҳир заминиди  
қад кўтарадиган янги ҳаёт кошонаси уни сармаст қил-  
ган эди. «Ҳазрат-чи, ҳазрат?»— ичида кулди у.— Бузоқ-  
нинг югургани сомонхонагача. Стулни энди тушида кўра-  
ди. Соқоли билан бирга».

Йўлакнинг охирига боргач, Воробьянинов орқасига  
ўгирилди. Шу пайт 13- рақамли, пўст ташлаган оқ эшик  
очилиб, ҳазрати Фёдор пешвоз чиқиб келди. Эгнига тик  
ёқали кўк кўйлак кийиб, устидан гажак попукли, қора  
эски чилвир боғлаб олган ҳазратнинг мулојим чеҳраси  
бахтиёрликдан порлар эди. У ҳам оёқнинг чигилини ёз-  
гани чиққан эди. Рақиблар бир неча дафъа тўқнаш ке-  
либ, бир-бирларига кибру ҳаво билан қараб қўйишди.  
Ҳар гал йўлка тугаб, яна орқага қайтишар, яна кўз  
кўзга тушарди... Ипполит Матвеевичнинг машқи баланд  
эди. Ҳазрати Фёдорнинг кайфияти ҳам аъло даражада.  
Икковиям кураги ерга теккан рақибига раҳм-шафқат  
қилгиси келарди. Охири сайрнинг бешинчи маротабасида  
Ипполит Матвеевичнинг сабри тугади.

— Салом бердик, тақсир,— деди у ўта ширинсухан-  
лик билан.

Ҳазрати Фёдор худо иноят қилган заҳар наётарини  
тиглаб:

— Саломатмилар, Ипполит Матвеевич!— деб жавоб  
айлади.

Ҳарифлар ажралишди. Кейинги гал тўқнаш келиш-  
ганида Воробьянинов луқма ташлади:

— Сўнгги учрашганимизда жанобларига озор бериб  
қўйганим йўқми?

— Йўғ-а, нега энди, яхши бўлди учрашганимиз,—  
деб жавоб берди ҳазрати Фёдор қувончини яширмай.

Яна турли томонга йўрғалаб кетишди. Ҳазрати Фё-  
дорнинг турқини кўриб, Ипполит Матвеевичнинг қони  
қайнай бошлади.

— Ибодат қилмай қўйгандирсиз, а?— деб сўради у  
яна тўқнаш келиб.



— Ибодат қолдими! Қавмлар шаҳарма-шаҳар изғиб юрибди, бойлиқ қидириб.

— Билиб қўйинг, қидирса ўзиникини қидиради! Ҳа, ўзиникини!

— Қимникилигини билмадиму, лекин қидиришаётгани рост.

Ипсолит Матвеевич бир узиб олмоқчи бўлиб, оғиз жуфтлаган ҳам эди-ю, лекин тилига дурустроқ гап келмагани учун жаҳл ичида хонасига кириб кетди. Орадан бирор лаҳза ўтмаган ҳам эдики, устига мовий нимча кийиб, оёғидаги ботинка ипларини судраганича ўша эшикдан турк фуқаросининг ўғли Остап Бендер чиқди ва Востриковга қараб юрди. Ҳазрати Фёдорнинг анордай қипқизил юзлари сўлиб, докадай оқариб кетди.

— Эски-тускига харидор бўптилар-да?— деди Остап дағдага қилиб.— Стул, керак бўлдимми? Ичак-чавоқ-чи? Мой қутига тоблари қалай?

— Мендан нима истайдилар?— аранг овоз чиқариб сўради ҳазрати Фёдор.

— Истагим шуки, сизга эски шимимни сотмоқчиман.

Рухоний ич-ичидан зил кетиб, четроққа тисарилди.

— Черковга кирган соқовдай нега индамайсиз?

Ҳазрати Фёдор секингина хонасига қараб силжиди.

— Эски-туски оламан, янгисини шиламан!— унинг орқасидан қичқирди Остап.

Востриков калласини ичига тортиб, эшигининг олдида тўхтади. Остап яна пичинг қилди:

— Иштон масаласи нима бўлди, тақсирим? Оладиган бўлдингизми? Менда яна нимчага енг, осмонга устун бор, ўлган бузоқнинг кўзиям бор. Кўтара савдо, арзонга бераман. Меники нақд, стулга тикмаганман, овора бўлмайсиз! Хўш?!

Тақсирнинг ортидан эшик ёпилди.

Остап кўнгли тўлиб, ботинка ипини шитирлатганича орқасига қайтди. Унинг азамат гавдаси хийла узоқлашган ҳам эдики, ҳазрати Фёдор эшикдан калласини чиқарди-да, ичида қамалиб ётган аламини тўкиб:

— Ўзинг аҳмоқ!— деб чийиллади.

— Ҳима?— деб бақирди Остап изига қайтиб. Лекин эшик аллақачон ичидан ёпилгани учун қулфнинг шарақлаган овози келди, холос.

Остап эшикнинг тирқишига эгилиб, қўлини оғзига карнай қилди-да, дона-дона қилиб:

— Халқ учун афюннинг нархи қалай?— деб сўради. Эшик ортидан жавоб бўлмади.

— Бачкана одам экансиз, отам!— деди овозини баралла қўйиб Остап.

Шу ондаёқ эшикнинг тирқишида қалам кўришиб, ликлик айлана кетди — ҳазрати Фёдор қаламининг учини рақибга суқиб олмоқчи бўлган эди. Хазинатопар вақтида ўзини четга олиб, қаламга ёпишди. Эшикнинг икки томонида турган ганимлар бир-бирининг қўлидан қаламни тортиб олишга уринди. Ёшлик ғолиб келди, қалам этга кирган зирапчага ўхшаб тирқишдан зўрға сирғалиб чиқди. Улжани қўлга туширган Остап номерга кирди. Шериклар қотиб-қотиб кулишди.

— Душман қочди, биз қувдик, биз қувдик!— хиргойи қилди Остап.

Шундан кейин у қаламнинг биқинига қаламтарош билан уятли сўзни ўйиб ёзди-да, югуриб йўлакка чиқиб, қаламни эшикнинг калит соладиган тешигига ташлаб, шу заҳоти қайтиб келди.

Иккала дўст кўкимтир ордер қоғозларини қўлга олиб, кунт билан кўздан кечира бошлашди.

— «Подачи аёл» гиламига берилган ордер,— деди Ипполит Матвеевич хаёли қочиб.— Шу гиламни Петербургда бир атиқачидан олган эдим.

— Подачига бало борми!— деб ўшқирди Остап ордерни нимта-нимта қилиб.

— Думалоқ стол... Гарнитурники бўлса керак...

— Бу ёққа олинг столи. Столиям бошида қолсин!

Ҳаммаси бўлиб иккита ордер қолди, бири Москвадаги жиҳоз маҳорати музейига топширилган ўнта стулники бўлиб, иккинчиси Старгород шаҳар, Плеханов кўчаси, 15-сон уйда истиқомат қилувчи ўр. Грицацевга битта стул олиш учун берилган эди.

— Пулни тайёр қилиб туринг,— деди Остап,— Москвага борсак ажаб эмас.

— Шу ердаям бор-ку, битта стул?

— Тўққиз кўпми, бирми? Ҳисобни билиш керак. Қолаверса, гражданин Грицацев уни печкага қалаворган бўлишиям мумкин.

— Нафасингизни иссиқ қилинг.

— Бўпти, бўпти, либер фатер Конрад Карлович Михельсон, топамиз! Вазифамиз улуғ! Оёққа шойи пайтава ўраб, Марго кремидан еб юрамиз.

— Назаримда негадир бутун гавҳарлар шу стулда турганга ўхшайди,— деб сўз қотди Ипполит Матвеевич.

— Шунақа денг? Назарингизда-я? Назарлари яна нимага тушди? Ҳеч нимагами? Ҳай, майли, Марксчасига иш тутамиз. Қушлар осмонда учиб юраверсин, биз стуллар билан бўлайлик. Империалистик уруш инвалиди гражданин Грицацуев билан тезроқ дийдор кўришиш иштиёқида ёниб турибман. Плеханов кўчаси, уй ўн беш. Орқада қолманг, Конрад Карлович. Режани йўлда тузамиз.

Турк фуқаросининг кекчи ўғли ҳазрати Фёдорнинг хонаси ёнидан ўтаётиб эшикни бир тепди. Ичкаридан аламзада рақибнинг бўғиқ хириллаши эшитилди.

— Орқамиздан етиб келмаса бўлгани!—хавотирланиб деди Ипполит Матвеевич.

— Министрларнинг бугунги яхтада бўлиб ўтган учрашувидан сўнг яқийлашиш тўғрисида сўз бўлиши мумкин эмас. У мендан кўрқади.

Дўстлар қош қорайгандагина қайтиб келишди. Ипполит Матвеевичнинг машқи паст бўлса, Остап ўзида йўқ хурсанд кўринарди. Оёғида пошнасига думалоқ резина қоплама солинган тўқ қизил бошмоғу катаклари қора билан яшилга бўялган шахматнусха калта пайпоқ, бошида оч сариқ кепка, бўйнида эса ярим ипакли румича шарф.

— Борликка бор-а,— деди Ипполит Матвеевич бева Грицацуеванинг уйига борганини эслаб,— лекин стулни қандоқ олиш мумкин? Сотиб олсакмикин?

— Асло,— эътироз қилди Остап,— ўринсиз харажатнинг кераги йўқ, ундан ташқари гап-сўз кўпайиши мумкин. Нега энди битта стулга харидор бўлишяпти, нима учун келиб-келиб шу стулни танлашибди, деган майда гаплар чиқади.

— Бўлмаса нима қилиш-керак?

Остап янги бошмоғининг дастагига завқ билан қараб кўйди.

— Бопта эканми,— деди у.— Нима қилиш керак, дейсизми? Кўнгилини тўқ қилинг, раис, ўзим боплайман. Бунақа ботинка олдида мингта стулнинг ранги ўчиб кетади.

— Биласизми, Грицацуева хоним билан сув тошқини ҳақида гаплашиб турганингизда стулимизга бир ўтириб

кўрдим,— деди ҳаяжонланиб Ипполит Матвеевич,— ўшанда, азбаройи худо, бир нима қаттиқ ботгандай бўлди. Ўша ерда улар, худо ҳаққи. Аниқ сездим, худо урсин.

— Упкани босинг, гражданин Михельсон.

— Кечаси ўғирлаш керак! Худо ҳаққи, ўғирлаш керак!

— Бунақа паст кетманг, ким айтади сизни дворянлар сардори деб. Тишингиз ўтадими ўзи бунақа ишга? Ё чамадонингизда қулф очадиган асбобларингиз борми? Бу бемаъни фикрни хаёлингизгаям келтирманг. Бир шўринг қургур бева хотинни тунашлик инсофдан эмас.

Ипполит Матвеевич ҳушёр тортди.

— Тезроқ бўла қолсин девдим-да,— деди у ёлворгудай бўлиб.

— Шошилган қиз эрга ёлчимаиди,— насиҳатомуз деди Остап.— Мен унга уйланаман.

— Кимга?

— Грицацуева хонимга-да.

— Нечук?

— Стулни тинчгина текшириб кўриш учун.

— Қўл-оёғингизни бир умрга кишанлаб қўясиз-ку!

— Ишимизнинг ривожини учун бундан баттаригаям тайёрман!

— Бир умрга-я!— пичирлаб деди Ипполит Матвеевич.

Ипполит Матвеевич ниҳоят даражада ҳайратга тушиб, қўлларини ёйди. Унинг силлиқ тарашланган юзида тиржайиш аломатлари намоён бўлди. № шаҳридан чиққанидан бери тозаланмаган тишлари кўкариб кўринди.

— Бир умрга-я!— деди пичирлаб Ипполит Матвеевич.— Катта фидойилик бу.

— Ҳаёт фидойилик!— деди Остап.— Ҳаёт нима, фидойилик нима, сиз қаердан биласиз? Нима, уй-жойингиздан ҳайдаб чиқаришган бўлса, ҳаётни биладан деб ўйлайсизми? Ё бўлмаса қалбаки хитой гулдонида ажраган билан фидойилик кўчасига кирган бўласизми? Ҳаёт ғоят мураккаб нарса, жаноби маслаҳатчи тўралар, лекин мураккаб бўлгани билан сандиқ каби осонгина очилади. Фақат калитини топа билиш керак. Қимки калитини тополмаса, нобуд бўлади. Тарки дунё қилган гусар ҳақида ҳеч нима эшитганмисиз?

Ипполит Матвеевич эшитмаган эди.

— Булановни-я! Эшитмаганмисиз? Петербург аслзодаларининг қаҳрамонини-я? Ҳозир эшитасиз.

Шундан кейин Остап Бендер Ипполит Матвеевичга бир воқеани сўзлаб берди. Ажойиб ибтидоси Петербург аслзодалари ўртасида қанчалик шов-шувга сабаб бўлган бўлса, ундан ҳам ғаройиброқ интиҳоси одамларнинг кўзидан йироқда, ими-жимиди кечган воқеа эди бу.

#### ТАРКИ ДУНЕ ҚИЛГАН ГУСАР ҚИССАСИ

Бендер айтганидек, ажойиб гусар, граф Алексей Буланов чиндан ҳам Петербург аслзодаларининг қаҳрамони бўлган. Бу ажойиб чавандоз ва маишатпараст одамнинг номи Англия дарёси бўйидаги кўчага жойлашган қасрларнинг такаббур соҳиблари тилидан ҳамда газета устунларидан тушмасди. Расмий журнал саҳифаларида хушбичим гусарнинг фотосурати тез-тез босилиб турар, бинобарин, унинг қорақўл жияқли зарбоф камзули-ю, няккача тушган чакка сочлари билан тугмачадек бурни ҳаммага ёд бўлиб кетган эди. Кўпларнинг ёстиғини қуритган яширин дуэллар, энг барно, энг димоғдор кибор хонимлар билан ишқий алоқалар, жамиятнинг бообру зотларига тентакларча хуруж қилишлар, дўндиқларни савалаш билан тугайдиган оромбахш айшу ишратлар бобида граф Булановга тенг келадигани йўқ эди.

Граф ишқ-муҳаббатда, карта ўйинида ҳамда мерос масаласида омади келган хушбичим, бой йигит эди. Гусарнинг қавм-қариндошлари тез-тез ўлиб тургани учун ётиб еган билан тугамайдиган мол-мулки ўн чандон ортиб борарди.

У шижоатли, довиорак йигит эди. У ҳабаш султони Менеликка италияликлар устига қўшин тортганида унга ёрдамга келган. Ҳабашистон осмонида юлдузлар тиниқ чарақлаб турганида оқ матога ўралиб, уч чақиримли харитадан бошини кўтармаган. Оёқ томонида эса унинг янги орттирган дўсти, Васька деган ҳабаш бола ўтирганди.

Граф Италия киролининг қўшинларини тор-мор қилгач, ҳабаш Васька билан Петербургга қайтиб келади. Петербург қаҳрамонни гуллару шампанскийлар билан кутиб олади. Граф Алексей, кибор романларида айтилганидек, яна айш-ишрат гирдобига шўнғиб кетади. Номи яна тилларда дoston бўлади, аёллар унинг ишқиди ёнади, эркакларнинг боши ҳасаддан чиқмай қолади. Граф тушган извош Миллион кўчасидан ўқдай учиб ўтган кез-

лари извош орқасида қаққайиб турган қоп-қора, нозик-нихол ҳабашни кўриб, одамлар анграйиб қолишарди.

Тўсатдан кутилмаган воқеа рўй берди. Граф Алексей Буланов ғойиб бўлди. Графнинг охириги жазмани бўлмиш княгиня Белорусско-Балтийская доғда қолди. Графнинг бирдан йўқолиб қолиши катта шов-шувга сабаб бўлди. Газеталар тахминга тўлди. Айғоқчиларнинг қидирмаган жойи қолмади. Лекин бирор нафи бўлмади. Графдан дарак чиқмади.

Шов-шув бир оз босилиб қолган ҳам эдики, Аверкий саҳросидан бир хат келиб, ҳамма нарса ошкор бўлди. Петербург киборларининг қаҳрамони, XIX аср Валтасари бўлмиш ажойиб граф тарки дунё қилган экан. Шундан кейин ҳар хил гап-сўзлар ўрмалаб қолди. Биров у деса, биров бу деди. Монахликка чиққан граф баданига қанчалар ботмон кишан солиб, риёзат чекаётганмиш, ўзи ўрганган нозик француз таомларидан воз кечиб, энди картошка пўчоғини еб юрганмиш, деган гаплар ҳам чиқди. Тахминларнинг саноғи бўлмай қолди. Граф онасининг арвоҳини туш кўриб, шу ишни қипти, дегувчилар ҳам бўлди. Хонимлар аза очди. Княгиня Белорусско-Балтийскаянинг уйи олди извошларга тўлиб кетди. Княгиня билан эридан кўнгил сўраганлар кўп бўлди. Янги-янги мишмишлар тарқалди. Граф қайтиб келармиш, дейишди. Баъзи бировлар динга берилиб кетиб, эси оғиб қолган; яна тузалиб қолса ажаб эмас, деб умид қилишди. Айримлари граф қарзларидан қочиб, шу ишни қилган, деб юрди. Граф ишқ йўлида қурбон бўлди, дегувчилар ҳам топилди.

Аслида эса гусар ҳаётнинг маъносини идрок қилиш мақсадида монахликни қабул этган эди. У шаҳарга қайтиб бормади. Уни унута бошлашди. Княгиня Балтийская италиялик қўшиқчи билан топишиб олди, ҳабаш Васьякам юртига жўнаб кетди.

Евпл лақабини олган граф Алексей Буланов хилватгоҳда риёзат чекиш билан овора эди. У чиндан ҳам баданига кишан солган, лекин ҳаётнинг сир-асрорини билиш учун бу ҳам камлик қилаётгандай эди. Шундан кейин у ўзига алоҳида кийим-бош ўйлаб топди: юз-кўзини тўсиб турадиган узун кулоҳ кийиб, қимирлашга асти имкон бермайдиган торгина жуббага чирмашиб олди. Пиридан оқ фотиҳа олгач, шу либосда юрди. Бироқ бун-

дан ҳам кўнгли тўлмади. Такаббурлиги тутиб, ўрмондан ертўла қазиди, эмандан тобут ясаб, ичига тушиб ётди.

Тарки дунё қилган Евплнинг жасорати шерикларини ҳайратга солди. У фақат қотган нон билан тирикчилик қилар, шундаям уч ойда бир мартагина ҳолидан хабар олиб туришар эди.

Шу тариқа орадан йигирма йил вақт ўтди. Евпл ҳаётни оқилу одил, деб билар, энг тўғриси ҳам шу экан, деб ўйлар эди. Бинобарин ҳаёти енгил кўчиб, фикрлари пиёз пўстидай нозик тортди. У ҳаётнинг асл маъносини билиб олди, бошқача яшаш мумкин эмаслигига тушунди.

Кунлардан бир куни бундоқ қараса, йигирма йилдан бери шериклари унга атаб қотган нон қўйиб кетадиган жойда ҳеч вақо йўқ. Тўрт кунгача туз тотмай юрди. Бешинчи куни чоринини судраб, ёнига нотаниш бир чол келди. Уша чол большевиклар монахларни ҳайдаб чиқариб, хилватгоҳда совхоз қуришганини айтиб берди. У қотган нонидан озрогини қолдириб, йиғлай-йиғлай жўнаб кетди. Тарки дунё қилган граф чолга ҳайрон бўлди. Ҳамма ёғидан нур ёғилиб, тобутда беозоргина ётган монах ҳаётни идрок этганидан хурсанд эди. Деҳқон чол унга қотган нон ташиб турди.

Орадан яна анча йиллар ўтди, уни ҳеч ким безовта қилмади.

Кунлардан бир кун ертўланинг эшиги очилди-ю, бешолти нафар одам энгашиб ичкари кирди. Ҳаммалари тобутга яқин келиб, жимгина қарияга тикилишди. Булар шпорли этик, кенг галифе шим кийиб, белдаги силлиқ тахта қутига маузер таққан барваста одамлар эди. Икки қўли икки ёнида, тобут ичида чўзилиб ётган қария нигоҳилан нур ёғилиб, уларга кўз ташлади. Оппоқ оқарган узун соқоли тобутнинг ярмини қоплаб турарди. Нотаниш меҳмонлар шпорларини жаранглатиб, елка қисишди, кейин секингина эшикни ёпиб, ғойиб бўлишди.

Вақт ўта борди. Тарки дунё қилган одам ҳаёт жомини тўла сипқариб, лаззатларидан беадад баҳраманд эди. У онги ёришиб кетганини тушунган кунининг эртасига, ярим кечада тўсатдан уйғониб кетди. Узиям бунга ҳайрон бўлди, илгарилари бунақа одати йўқ эди-да. Нега уйғониб кетганини сабабини ўйлаб ётиб, яна ухлаб қолди ва шу заҳотиёқ кураги қаттиқ ачишиб, кўзини очди. Нега кураги ачишаётганини фикр қилиб, ухламоқчи бўлди-ю, лекин эплолмади. Бир нима тўсқинлик қи-

лаётгандай бўлди. Эрталабгача мижжа қоқмай чиқди, Шу куни кечаси яна алланимадан уйғониб кетди. Эрталабгача ётган жойида ағанаб, оҳ-воҳ қилди, ўзи ҳам сезмаган ҳолда қўлларини қашиди. Кундузи ўрнидан тургач, тасодифан тобутга кўзи тушиб қолди. Шунда ҳамма нарса аён бўлди: бундоқ қараса, зах босган ётоғининг бурчакларида олчаранг қандалалар ўрмалаб юрибди. Тарки дунё қилган қариянинг кўнгли беҳузур бўлиб кетди.

Уша кунинёқ қотган нон кўтариб, чол келди. Шунда йигирма беш йил гунг бўлиб ётган зоҳид тилга кирди. У озроқ лампамой топиб беришни илтимос қилди. Бировга овозини эшитирмасликка қасам ичган роҳиб аълодан садо чиққанини кўриб деҳқон чўчиб тушди. Лекин қисиниб-қимтиниб бўлса ҳам шишада лампамой келтириб берди. Чол кетиши биланоқ зоҳид қўли қалтираб тобутнинг ҳамма ёриқ-тирқишларини мойлаб чиқди. Уч кундан бери ороми йўқолган Евпл шу кечаси мириқиб ухлади. Ҳеч ким унга озор бермади. Бошқа кунлариям тобутга лампамой суртиб юрди. Орадан икки ой ўтгач, лампамой қандалаларга бас келолмаслигини тушунди. Кечалари тез-тез тўлғаниб, дуойибадлар қилди, лекин бу дуойибадлари лампамойга ўхшаб қандалаларга кор қилмади.

Зоҳид шу алфозда ярим йил қаттиқ жабр тортгач, яна чолга мурожаат қилди. Унинг янги илтимоси чолни баттар таажжубга солди. Таркидунёчи шаҳарга тушиб, қандалакуш «Арагац» кукунидан келтириб беришни сўради. Бироқ «Арагац» ҳам фойда бермади. Қандалалар лак-лак урчиб кетди. Йигирма беш йил тарки дунё қилиб, саломатлигига заррача путур етмаган Евплнинг ҳоли хароб бўла борди. Унинг учун жонсарак, машъум ҳаёт бошланди. Тарки дунёчининг кўзига тобут қабиҳ ва жирканч бўлиб кўринди. Деҳқон буваннинг маслаҳати билан тунлари қандалани шамда куйдирди. Қандалалар ўлса ўлдики, лекин таслим бўлмади.

Кейин охирги чорани: ака-ука Гликларнинг маҳсулотини ишга солди. «Қандалин» деб номланган ва огули шафтоли ҳиди келадиган бу пуштиранг суюқлик ҳам ожизлик қилди. Аҳвол яна чатоқлашди. Зўр жангу жадаллар билан кечган икки йиллик муддатдан сўнг роҳиб бир куни бундоқ қараса, кечаю кундуз қандала ови билан бўлиб, ҳаётнинг туб маъносини идрок этмай қўйибди.



Шунда у қаттиқ янглишганини тушунибди. Ҳаёт бундан йигирма беш йил муқаддам қанчалик мужмал, қанчалик сирли бўлган бўлса, ҳозир ҳам шундайлигини сезибди. Дунё ташвишларидан қочиб қутулиб бўлмас экан. Жисман ерда қолиб, руҳан осмони фалакда учиб юришликнинг сира иложи йўқлиги маълум бўлди.

Шундан кейин қария ўрнидан туриб, тезда ертўладан чиқибди. Атрофида яшил ўрмон қорайиб кўринаркан. Эрта куз фасли, ҳаво қуруқ. Ертўланинг шундоқ ёнгинасидан бир тўп оқ кўзиқорин бодраб чиққан. Аллақандай қушча дарахт шохида ёлғиз бошига хониш қилади. Шу топда атрофни ларзага солиб поезд ўтди. Ер гувранди. Ҳаёт гўзал эди. Қария орқасигаям қайрилиб қарамай, тўғри юра кетибди.

Ҳозир у Москва коммунал хўжалигига қарашли отхонада аравакашлик қилаётган эмиш.

Остап ана шу ғоят ибратли воқеани Ипполит Матвеевичга гапириб бергач, камзулининг енги билан тўқ қизил бошмоғини тозалаб артди-да, қувноқ бир куйни хиргойи қилганича жўнаб қолди. Эрталабга яқин у хомага кириб келди, тўқ қизил пойафзалини столчага ечиб қўйгач, ялтироқ тумшугини оҳиста силаб:

— Менинг жажжи дўстларим,— деб эркалаб қўйди.

— Қаерларда юрибсиз?— деб сўради Ипполит Матвеевич уйқу аралаш.

— Беваникида,— секингина жавоб берди Остап.

— Хўш?

Ипполит Матвеевич бошини-кўтариб, тирсагига суяниб олди.

— Уйланиш фикридан қайтмадингизми?

Остапнинг кўзлари чақнаб кетди.

— Инсоф юзасидан айтганда энди уйланмай иложим йўқ.

Ипполит Матвеевич хижолатомуз хириллаб қўйди.

— Шоир орзу қилган оташ жувон,— деди Остап.— Қишлоқи соддалигиям бор. Марказда бунақа ноёб молни топиш қийин, аллақачон тухуми қуриган, лекин чекка жойларда ҳалиям учраб туради.

— Хўш, тўй қачон?

— Индинга. Эртага иложи йўқ: Биринчи май, ҳаммаёқ ёпиқ.

— Ишимиз нима бўлади унда? Уйланиб қўйсангиз...  
Эҳтимол, Москвага боришимизга тўғри келар.

— Ҳа, нима қипти, нега ташвиш қиласиз? Мажлис давом этаверади.

— Хотинингиз-чи?

— Хотинимми? Гавҳарли бевани айтяпсизми? Эвини қиламиз! Тўсатдан марказдан чақириб қолишади. Кичик Совнаркомда маърузача бор. Хайр-маъзур қилиб, қовурилган жўжа оламиз. Мазза қилиб жўнаймиз. Ухлайверинг. Эртага қиладиган иш йўқ, бўшмиз.

### XIII боб

#### ЧУҚУРРОҚ НАФАС ОЛИНГ: ҲАЯЖОНДАСИЗ!

Бўш қолди дегунча ичини ит тирнайдиган Виктор Михайлович Полесов Биринчи май куни эрта билан кўчага чиқиб, марказ томонга югурди. Ҳали халойиқ йиғилиб улгурмагани ҳамда отлиқ милиционерлар ҳимоясидаги байрам минбарлари бўш бўлгани учун унинг серқирра қобилияти олдинига буровини топмай турди. Лекин соат тўққизларга бориб шаҳарнинг турли томонида оркестрлар олдинига тингиллаб, кейин вағиллай кетди. Дарвозалардан уй бекалари югуриб чиқишди.

Темирйўлчилар қаторига суқилиб кириб қолган бир саф юмшоқ қайтарма ёқали музика ходимлари умумий ҳаракатни бузган ҳолда туртиниб-суртиниб боришарди. «Шч» туркумидаги яшил фанер паровознинг ичига тушиб олган юк машинаси икки қадамда бир музика ходимларини орқадан келиб урарди. Шундаям шўринг кургур созандаларга паровознинг ичидан туриб:

— Бошлиқларинг қани? Қизил кўшин кўчасидан юринглар, деб ким айтди сизларга?! Мана, ҳаммаёқни расво қилдиларинг!— деб бақириб-чақирившарди.

Музика ходимларининг яна омади келмади — ишга Виктор Иванович аралашди.

— Тўғри, тўғри, бу ёққа, манави тор кўчага кириб туришларинг керак! Байрамниям байрамдай ўтказишмайди булар!— дерди Полесов бўғилиб.— Бу ёққа! Бу ёққа! Ана бемазагарчилик!

Старкомхўж билан Ункомқурга қарашли юк машиналарига болалар ортилган, Кичкинтойлар четроқда, ўртада эса ёши каттароқлари, Балоғат ёшига етмаган аскар-

зодалар қоғоз байроқчаларни ҳилпиратиб, тўс-тўполон кўтарган ҳолда шодон боришарди.

Пионер барабанлари гумбурлайди. Мўйлови чиқмаган йигитчалар кўкрагини кериб, баравар қадам ташламоқчи бўлади. Чор атроф тикилинч, шовқин ва диққинафас. Ҳар лаҳзада одамлар тўдалашиб, яна тарқалишади. Улар тўдалашган кезлари бекорчиликдан чоллар билан фаолларни осмонга иргитишади. Чоллар чийиллаб минғирлашади, фаоллар индашмайди, ўзларини сипо тутишади. Кўчанинг нариги бетига ўтмоқчи бўлган Виктор Михайловичниям қайси бир шўх даврада бошлиққа йўйиб, осмонга отишди. Масхарабозларга ўхшаб Полесовнинг оёғи ҳавода диконглаб кетди.

Инглиз министри Чемберленнинг тулупини кўтариб ўтишди. Мушаклари рисоладагидай бўртиб чиққан бир ишчи қўлидаги картон тўқмоқ билан дам-бадам унинг бошига туширарди. Устига фрак, қўлига оппоқ қўлқоп кийиб олган учта комсомол йигит машинада ўтиб қолди. Учовиям оломонга ийманиб қарарди.

— Васька!— деб бақиршди йўл чеккасида турганлар.— Буржуй! Шимнинг тасмасини чўз!

Қизлар қўшиқ айтишади. Соцтаъминот хизматчилари тўдасида кетаётган Альхен кўксига қизил латгача тақиб олган. У паришонхотир минғиллайди:

Тайгадан то Британия уммони қадар,  
Барчасидан Қизил қўшин зўрдир бехатар!..

Физкультурачилар ҳар замон-ҳар замонда буйруққа кўра алланималар деб қичқиришади.

Кўчалардаги одам ва машиналар оқими янги трамвай депосига қараб йўл олган. Кундузи соат бир деганда шу деподан Старгород тарихида илк дафъа электр трамвай чиқиши керак.

Старгородда трамвай йўли қачон қурила бошлаганини ҳеч ким аниқ айтиб беролмайди.

Шанбаликлар расмий тус олган йигирманчи йилда бўлса керак, бир кун депочилар билан арқонсозлар музика чалиб Гусишче томонга боришди ва кун бўйи эринмай ўра қазишди.

Оғзи кенг, таги чуқур ўралардан анча-мунчасини қотириб ташлашди.

Инженерча фуражка кийган бир ўртоқ ҳашарчилар орасида елиб-югурар, ола-була таёқли ўнбошилар эса

унинг кетидан лўкиллашарди. Келаси шанба куниям ўша жойда ҳашар қилишди. Иккита ўра нобоп топилиб, дарҳол кўмиб ташланди. Инженерча фуражка кийган ўртоқ ўнбошиларга дағдаға қилиб, кўзини очирмай қўйди. Янги ўралар яна ҳам кенг, яна ҳам чуқур бўлди.

Кейин гишт олиб келишди, ростакам бинокор ишчилар ҳам пайдо бўлди. Улар пойдевор қуришга киришиб кетди. Иннайкейин иш таққа тўхтади. Инженерча фуражка кийган ўртоқ ҳувиллаб қолган қурилиш майдончасига гоҳида қадам ранжида қилиб, гишздан ишлаб чиқилган ўра ичида алламаҳалгача тентираб юрди ва:

— Хўжалик ҳисоби,— деб пўнғиллади.

Шундан кейин у таёқчаси билан пойдеворни тапиллатиб урар, совқотган қулоқларини кафтлари билан яшириб уйига, шаҳарга қараб зинғиллаб қоларди.

Инженернинг исм-шарифи Треухов эди.

Ҳозир пойдевори чала қолган шунақа бир трамвай идораси қуришни Треухов 1912 йилдаёқ аллақачон ўйлаб қўйган, лекин ўшанда шаҳар маҳкамаси унинг лойиҳасини рад этган эди. Орадан икки йил ўтгач, Треухов яна шаҳар маҳкамасига танда қўйди, аммо бу орада уруш бошланиб қолди. Урушдан кейин инқилоб бўлди. Мана энди НЭП, хўжалик ҳисоби, ўзини-ўзи оқлаш деган нарсалар ишнинг белига тешиб турибди. Пойдевор ёзда чечакларга тўлса, қишда болалар унга сув сешиб, чана учишади.

Треухов бирор каттароқ иш қилишга орзуманд эди. Старкомхўжнинг ободончилик бўлимида ишлаш, йўл чеккаларини тузатиб, эълон тахталарига қоziқ қоқиш учун кетадиган сарфиётни ҳисоблаб юриш жонига теккан эди. Лекин илож қанча, каттароқ ишдан ҳам дарак йўқ. Треухов трамвай йўли лойиҳасини яна муҳокамага топширган эди, лойиҳа юқори губерния ташкилотларида ҳамон сарсон, гоҳ уни маъқуллашади, гоҳ маъқуллашмайди, баъзан марказга йўллашади, аммо маъқулланса ёки маъқулланмасаям чанг босиб ётаверади, нега деганда ҳар икки тақдирдаям қурилишга пул ажратишмайди.

— Ғирт ёввойилик бу!— деб ўшқиради Треухов хотинига қараб.— Пул йўқми? Аравага мол босиб, станцияга қатнайидиган киракашларга пул топилади, а? Старгороддаги киракашлар етти қават терингнияш шилиб олади! Ўзи хон, кўланкаси майдон, айтгани айтган, дегани деган буларнинг! Қўлида юзи билан қайси азамат беш

чақирим жойга яёв боради!.. Олти йилда трамвай ўзини оқлайди!

Бундай пайтларда рангпар мўйлови ғазабдан шалпайиб, қаншари паст юзини титроқ босарди. Шунда у кўкимтир қоғозга туширилган чизма нухаларини тортмадан олиб, сон мингинчи марта хотинига жаҳл билан кўрсатарди. Булар трамвай идораси, депо ҳамда ўн икки нафар трамвай йўлининг ҳисоб-китоблари эди.

— Ун иккита бўлмаса, бўлмасин, майли. Кейинроқ қурилар қолгани. Лекин учта йўл ниҳоятда зарур! Акс ҳолда Старгород расво бўлади.

Треухов пўнғиллаганича ўтин арралагани ошхонага йўл оларди.

Уйда рўзғор ишларини ўзи қиларди. Бир куни ҳатто боласига беланчак ясаб, кир ювадиган машина ихтиро қилди. Дастлабки пайтлари кир-чирни ўзи ювиб, хотинига машинанинг сирларини ўргатиб юрди. Умуман, Треухов маошининг камида бешдан бир бўлагини хорижда чиқадиган техникавий китобларга сарфларди.

Тирикчилиги оғирлашиб, чекишням ташлади.

Қунлардан бирида у Самарқанддан Старкомхўжга янги мудир бўлиб ўтган Гаврилин отлиқ ўртоқнинг олди-га лойиҳасини кўтариб борди. Туркистон офтобида қорайган янги мудир аңчагача Треуховни лоқайд эшитиб турди, чизмаларини шунчаки кўздан кечирган бўлди-да, охири:

— Мен сизга айтсам, Самарқандда трамвайнинг сираям ҳожати йўқ экан,— деди.— У томонларда ҳамма эшак миниб юаркан. Нархиям арзон, уч сўм. Лекин ўн пуд юк кўтаради!.. Қичкинагина ўзи, кўрсангиз ишонмайсиз!

— Осиё Осиёлигига боради-да!— ғижиниб деди Треухов.— Бозорда уч сўм тургани билан йилига ўттиз сўмлик овқат ейди.

— Хўш, ўша трамвайингизда ўттиз сўмга қанча юрасиз? Уч юз марта. Бир йилда кунига биттадангаям тўғри келмайди.

— Бўпти, эшагингизни миниб юраверинг! — деб бақирди Треухов ва эшикни қарсиллатиб ёпиб чиқиб кетди.

Ўшандан буён янги мудир Треуховни кўрди дегунча пичингга ўтади:

— Хўш, қалай, эшак олдириб келамизми ё трамвай курамизми?

Гаврилининг башараси турпдай силлиқ тортиб, кўзлари айёрона боқарди.

Орадан икки ойча вақт ўтган ҳам эдики: иттифоқо у инженерни ҳузурига чақириб, жиддий гап қилди.

— Миямга бир режа келди. Биламан, пул йўқ, трамвай эшак эмас, уч сўм билан иш битмайди. Демак, моддий негизни пухталаш керак. Бунинг учун нима керак? Ҳиссадор ширкат керак! Яна-чи? Заём чиқариш керак! Ҳиссадорлик заёми! Трамвай ишга тушгандан кейин неча йилда харажати қопланади?

— Биринчи навбатдаги учта йўли ишга тушган кундан бошлаб олти йилда.

— Ҳай, ўн йилда, дейлик. Энди ҳиссадор ширкат масаласига келсак. Кимлар аъзо бўлади? Озиқ-овқат трести, ёғ-мой трести. Арқонсозларга трамвай керакми? Керак! Вокзалгача юк вагонлари қатнайди-ку, ахир. Демак, арқонсозлар! Алоқа йўллари халқ комиссарлигиям қарашворса керак. Хўш, губижроқўм пича узатади. Турган гап бу. Ишни бошлаб юборганимиздан кейин Давлат банки, Коммунал банк қарз очади. Боя айтган режам шу. Жума куни губижроқўм президиумида гаплашиб оламиз. Агар маъқул топсақ, ҳаракатни бошлайверасиз.

Треухов ярим кечагача ўзида йўқ хурсанд бўлиб кирювди, трамвай от-уловдан қанчалик афзал эканини хотинига эричмай тушунтирди.

Жума куни масала ижобий ҳал бўлди. Бинобарин азоб-уқубатлар бошланди. Ширкат масаласида катта тифизликлар рўй берди. Алоқа йўллари халқ комиссарлиги гоҳ ширкатга аъзо бўлиб кирса, гоҳ бундан бўйин товлади. Озиқ-овқат трести икки оёғини бир этикка тикиб, ширкатнинг ўн беш эмас, ўн фоизини кўтараман, деб туриб олди. Ниҳоят, ширкат тузилди-ю, аммо кетидан галва чиқди. Тазйиқ ўтказгани учун Гаврилинини губерния контроль комиссиясига чақириб қолишди. Хайрият, буюм осон кўчди. Энди қурилишни бошлаш қолган эди.

— Хўш, бошлайвер энди, ўртоқ Треухов,— деди Гаврилин.— Қуришга кўзинг етадими? Гап бундоқ бўпти. Бу сенга эшак савдоси эмас.

Треухов ишга шўнгиб кетди. Узоқ йиллардан бери орзу қилган буюк фаолият даври бошланди. Харажат рўйхатлари тузилди, қурилиш плани белгиланди, буюртмалар қилинди. Энг кутилмаган жойда қийинчиликлар туғилди. Шаҳарда бетон қорадиган мутахассислар то-

пилмагач, Ленинграддан чақиртиришди. Гаврилин заводларни қанчалик шоширишига қарамай, трамвайлар бир ярим йилдан кейингина тайёр бўлиши аниқланди. Ваҳоланки кўпи билан бир йил вақт қолган. Бўлмаса чет элга буюрамиз, дейилгандан кейингина заводлар чўчиб, ишни тезлаштириб юборишди. Кейин бўлса ҳар хил икир-чикир номаъқулчиликлар бошланди. Гоҳ маълум ўлчовдаги бир хил темир бўлаги топилмас, гоҳ мойли шпал ўрнига мойсизини тиқиштиришарди. Охири талаб қилинганини бермоқчи бўлишувди, Треуховнинг ўзи шпалга мой сингдирадиган заводга бориб, маҳсулотнинг 60 фоизини яроқсизга чиқариб келди. Шпалнинг чўян қисми кемтик чиқибди. Келаётган ёғочлар ҳўл эди. Трамвай изларининг сифати яхши бўлгани билан бир ойлаб кечикиб қоларди. Гаврилин хириллаган эски «фиат» машинасида идора қурилишидан тез-тез хабар олиб турар, ҳар келганида Треухов билан жиққамушт бўлиб, изига қайтарди.

Трамвайга қарашли идора ва депо бинолари аста қад кўтараётган бўлса ҳам старгородликлар қурилишни нуқул пичинг қилишарди.

«Старгород ҳақиқати» газетасида илгарилари Дониё қироли деб имзо қўядиган, энди бўлса «Гилдирак» тахаллуси танлаган машҳур фельетончи трамвай қурилиши масаласини ўз қўлига олди. «Гилдирак» ҳафтасига камида уч марта қурилиш ҳақида каттагина маиший очерк билан чиқадиган бўлди. Газетанинг учинчи саҳифасида илгарилари «Угай клуб», «Оч биқинига», «Ҳа, деган туяга мадор», «Бирини кўриб фикр қил, бирини кўриб шукр қил», «Яхшиси у, ёмони бу», «Маориф зараркундаларининг танобини тортиб қўяйлик», «Қоғозбозлик — кони зарар» деган сўник сарлавҳалар остида ҳар хил хабарлар чиқиб турган бўлса, мана энди гилдиракнинг очерклари босилиб, «Қурилишда бурилиш», «Паҳлавон ҳадемай наъра тортади», «Қамтар бинокор» қабилидаги оташнафас, бурро сарлавҳалар газетхонларнинг дилини хушнуд қилиб юборди. Треухов қўли қалтираб газета саҳифаларини очар, ёзувчи биродарларига нисбатан нафрати кўзгаган ҳолда ўзи ҳақида битилган жўшқин сатрларни ўқиб чиқарди:

«...Истарапилга ошиқаман. Шамол қулоғимни ялаб ўтади.

Тепада ўша одамга кўзим тушади. Қудратли трамвай даргоҳи»

мизни бунёд этаётган бу кўримсизгина, озгиндан келган, бурни пу-  
чуқ одам бошига болгачали одми фуражка кийиб олган экан.

Шоир айтганидек, «Уйга чўмган у денгиз пойида туриб, хаёл  
отин бемалол соҳилга суриб».

Яқин бораман. Тиқ этган шамол йўқ. Истарапил қимир эт-  
майди.

— Ҳорманг, топшириқлар қалай кетяпти?— сўрайман ундан.

Қурувчи инженер Треуховнинг дағал юзлари ёришиб кетади.

У киши қўлимни қисадилар. Кейин менга қараб:

— Бор бўлинг. Топшириқнинг етмиш фоизи бажарилди,— дей-  
дилар».

### Мақола бундай тугарди:

«Хайрлаша туриб у киши яна қўлимни қисдилар... Ортимда ис-  
тарапил гувиллаб қолди.

Ишчиларнинг қўли қўлига тегмайди.

Ишчилар қурилишида рўй бераётган мана шу жонбозликни,  
қурувчимизнинг кўримсиз гавдасини ким ҳам эсдан чиқаради, дей-  
сиз! ФИЛДИРАҚ».

Треуховнинг жонига ора кирган нарса шу эдики, га-  
зета ўқишга вақт тополмагани учун ўр. Филдиракнинг  
айрим асарларидан баъзан ғофил қоларди.

Бир куни ғазоби қайнаган Треухов жумласини келиш-  
тириб, роса пичингдан қўшиб, раддия ёзди.

«Шубҳасиз,— деб ёзди у,— мурватни цилиндр деб аташ ҳам  
мумкин, лекин қурилишдан мутлақо беҳабар бўлган одамнинг иши  
бу. Ўр. Филдиракка яна шуниям эслатиб қўймоқчиманки, бино қулаш  
арафасида турганидагина истарапил гувиллаш мумкин. Истарапил-  
ни гувиллайди, дейишлик ғижжак болалайди, деган билан баробар-  
дир. Шу вайдан...»

Беҳаловат шаҳзода шундан кейин қурилишда кўрин-  
май қолган бўлса ҳам маиший очерклари газетанинг  
учинчи саҳифасини безаб турди. «15000 сўм занглаб ётиб-  
ди», «Уй-жойдаги палапартишликлар», «Эсиз пуллар»,  
«Ҳам куласан, ҳам йиғлайсан» деган оддий гаплар ёнида  
бу очеркларнинг ўлса ўлиги ортиқ эди.

Қурилиш охирлаб қолди. Термит билан пайванд қи-  
линган изларнинг бир қисми вокзалдан кушхонага, ик-  
кинчиси эса ёймабозордан то қабристонга қадар равон  
чўзилди.

Олдинига трамвай йўлини Октябрнинг ўн йиллигига  
очмоқчи бўлиб туришган эди, вагонсозлик заводи «уску-



на» йўқлигини баҳона қилиб, вагонларни ўз вақтида етказиб беролмади. Маросимни Биринчи май кунига қолдиришга тўғри келди. Шу куни эса ҳамма нарса тахт эди,

Хазинатопарлар намоён қатнашчилари орасида сайр қилиб, Гусишчега етиб олишди. Бутун Старгород шу ерга тўпланган. Янги депо биносини дарахт шохлари чирмаб ташлаган, байроқлар ҳилпираб, шиорлар шамолда силкинади. Отлиқ милиционер трамвайчилар қуршовидаги бўш майдонга нима жин уриб кириб қолган илк музқаймоқчининг ортидан йўргалайди. Девонинг ҳар икки дарвозаси оралиғида ёнида овозни кучайтирадиган микрофони билан бир минбар шўппайиб турибди. Делегатлар минбар томон келишяпти. Коммунал хўжалик ходимлари билан арқонсозлардан тузилган терма оркестр кучаниб машқ қилмоқда. Барабан ерда ётибди.

701 дан то 710 га қадар рақамлар битилган пистокчи вагонлар девонинг ёруғ залида қаторлашиб турибди. Тукли шапка кийган москвалик мухбир ҳам шу ерда ўралашиб юрибди. Дам-бадам у хавотирланиб, бўйнидаги ойнакчага қараб қўяди. Унинг фикр-зикри бош инженерни топиб, трамвай мавзуида уч-тўртта савол бериш билан банд. Гарчи мухбир трамвай йўлининг очилиш маросимида сўзланадиган нутқларни хомаки тайёрлаб, ушбу тантана ҳақидаги очеркни калласида пишириб қўйган бўлса ҳам нимадир етишмаётгандай типирчилар, лекин қидирган буфетини тополмай гаранг эди.

Трамвайга мунтазир одамлар ашула айтишар, бақириб-чақиришар, ўйни замонда пистани эрмак қилишарди.

Губижроқўм президиуми минбарга чиқди. Дониё қироли гўлдираб-сўлдираб ҳамкасабасини гапга тутди. Москвадан кинохроникачиларнинг келиши маълум бўлди.

— Ўртоқлар!— деб бошлади Гаврилин.— Старгородда трамвай йўли очилишига бағишланган тантанали митингни очиқ деб эълон қилишга рухсат этгайсизлар.

Мис карнайлар ҳаракатга келиб, чуқур сўлиш олгач, уч марта кетма-кет «Интернационал» чалинди.

— Доклад учун сўз ўртоқ Гаврилинга берилади!— деб хитоб қилди Гаврилин.

Дониё қироли — Ғилдирак билан Москвадан келган меҳмон иккови ён дафтарларига бараварига ёзиб қўйишди:

«Тантанали митинг Старкомхўжнинг раиси ўр. Гаврилини доклади билан бошланди. Халойиқ қимир этмай тинглай бошлади».

Иккала мухбир икки тоифадаги одамлар эди. Москвалик меҳмон бўйдоқ ва ёш бўлса, Шаҳзода-Филдирак аллақачон қирқда қирови тўкилган, жўжабирдек жон эди. Бирини туғилганидан бери Москвада турса, иккинчиси ҳечам Москвада бўлмаган. Москвалик пивосиз туролмаса, Филдирак-Шаҳзода ароқдан бўлагини тан олмайди. Ёш, феъл-атвор, одат ҳамда тарбия бобида иккала журналист ўртасида шу хил фарқлар бўлишига қарамай, икковининг таассуротлари ҳам бировларнинг чўнтагидан тушиб қолган, меъдага теккан, сийқа гаплар шаклида бир хил намоён бўларди. Қўлларидаги қалам қитирлаб, дафтарчада янги ёзув пайдо бўлди: «Байрам куни Старгород кўчаларига одам сиғмай кетди...»

Гаврилини нутқини лўнда ва соз бошлади:

— Трамвай савдоси,— деди у,— эшак савдоси эмас.

Оломон ичида турган Остап Бендер қиқирлаб кулиб юборди. Бу гап унга жуда маъқул келди. Халойиққа манзур бўларли гап қилганидан астойдил хурсанд бўлган Гаврилини ўзини тўхтатолмай тўғридан-тўғри халқро аҳволга ўтди. Бир неча дафъа маърузани трамвай изига солмоқчи ҳам бўлди-ю, лекин уддасидан чиқолмади. Жилов нотиқнинг қўлида бўлишига қарамай, оғзидан чиққан гаплари халқро аҳамият касб этиб бораверди. Чемберлен дегани Гаврилининг ярим соатча вақтини ўғирлагач, Америка сенатори Бора халқро майдонга чиқди. Одамлар шалвайиб қолди. Мухбирлар дарров қайд этишди: «Нотиқ Иттифоқимизнинг халқро аҳволини образли ифодаларда чизиб берди...» Кўпириб кетган Гаврилини румин боярларини роса савалаб, кейин Муссолинига ўтди. Нутқининг туби кўришиб қолгандагина у табиатидаги иккинчи мойилликни енгиб, бевосита амалий ишга кўчди.

— Яна шуни айтайки, ўртоқлар, ҳозир деподан трамвай чиқади, ҳа, чиқади, хўш, шу трамвай деганимиз кимларнинг меҳнат шарофатидан? Албатта, сизларнинг меҳнат шарофатингиздан, ўртоқлар, жонини жабборга бериб ҳалол ишлаган ҳамма ишчиларнинг меҳнат шарофатидан, ўртоқлар. Қолаверса, ўртоқлар, ҳалол совет мутахассиси бош инженер Треуховнинг меҳнати шарофатидандир. У кишигаям раҳматлар деймиз!

Треуховни қидириб топишолмади. Марказдан, ёғ-мой бошқармасидан келган вакил боядан бери тили қичиб турган эди, минбарга яқин келиб, қўли билан ҳавони чўрт кесди-да, халқаро аҳволдан ваъз бошлади. Унинг нутқи тугаши билан иккала мухбир яккам-дуккам чапакларга қулоқ тутиб, дарров шу сатрни битишди: «Кучли қарсақлар гулдурос олқишларга уланди...»

Кейин «гулдирос олқишларга уланди» деб ошириб юбормадикмикин, деган мулоҳазага боришди. Москвалик меҳмон гулдирос олқишларни ўчириб ташлади. Филдирак бир хўрсиниб, рози бўлди.

Қуёш уфққа ёнбошлади. Минбардан кетма-кет табриклар янгради. Оркестр нотиқларни қутлаб турди. Қош қорайиб қолди ҳамки, митинг давом этарди. Митинг чўзилиб кетиб, иш пачава бўлганини, иложи борича тезроқ трамвай масаласига қайтиш лозимлигини сўзловчилар ҳам, эшитувчилар ҳам аллақачон сезишган эди. Аммо ҳамма гапдон бўлиб кетгани учун бирортасиям ўзини тўхтатолмасди.

Ниҳоят, Треуховни топиб келишди. Унинг юз-қўлига қараб бўлмасди, шунинг учун минбарга чиқишдан олдин идорага кириб, обдан ювинди.

— Сўз бош инженер ўртоқ Треуховга берилади!— яйраб эълон қилди Гаврилин.— Қани, ўзинг гапир, меники қовушмади чамаси,— деб шивирлади кейин.

Треухов дилидаги гапларни тўкиб солмоқчи бўлди. Шанбаликлар ҳақида, меҳнатнинг оғирлиги ҳақида, умуман, қилинган ва қилиниши лозим бўлган ишлар тўғрисида гапиришга жазм қилди. Қилиниши лозим бўлган ишлар эса беҳисоб: шаҳарни исқирт ёймабозордан халос этиб, усти ёпиқ ойнабанд расталар қуриш, ҳар йили кўкламда дарё музлари ювиб кетадиган осма кўприкдан кечиб, пишйқ-пухта кўприк солиш ва ниҳоят, ёнида музхонаси билан каттагина кушхона қуриш мумкин.

Треухов шулар ҳақида гапирмоқчи бўлиб энди оғиз жуфтлаган ҳам эдики, тили гўлдираб, кутилмаган сўзлар отилиб чиқди:

— Уртоқлар! Давлатимизнинг халқаро аҳволи...

Сўнгра у шунақаям сафсата сотдики, бугун олтинчи марта халқаро аҳволдан маъруза тинглаётган халойиқнинг нафаси ичига тушиб кетди. Треухов гапини тугатгач, трамвай хусусида лом-мим демаганини сизди...

«Улгудай гапга нўноқмиз-да,— хаёлидан ўтказди у,— алам қиларкан».

Шу пайт Москвадаги аллақандай бир йиғилишда бир француз коммунистининг нутқини эшитгани ёдига тушди. Француз буржуа матбуоти ҳақида гапириб, «бу муаллақчи қаламкашлар, бу уста кўзбўямачилар, ротация машиналари урчитган бу чиябўриллар...» деб роса боплаган эди. Нутқининг биринчи бўлагини паст оҳангда бошлаб, иккинчисини ўртача олган ва охирида авжга чиққан эди. Кўл ҳаракатлари сўзига мос, ёқимли эди.

«Биз бўлсак, гапниям беланги қиламиз,— дилидан ўтказди Треухов фикрини яқунлаб,— бунақа гапиргандан умуман гапирмаган маъқул».

Губижроқўм раиси депони тўсиб турган қизил тасмачани қайчи билан қирқаётганида аллақачон қоронғи тушган эди. Ишчилару жамоат ташкилотларининг вакиллари шовқин кўтариб, вагонларга чиқиб олишди. Қўнғироқ жингиллаб, Треуховнинг ўзи ҳайдаётган биринчи трамвай деподан чиққанида қий-чув кўтарилди, оркестр чийиллаб берди. Ёп-ёруғ вагонлар офтоб нуридан ўткирроқ эди. Жуфт вагонли трамвайлар Гўсишчени сайр қилгач, темир йўл кўпригининг тагидан осонгина шаҳарга чиқиб олди-да, Катта Пушкин кўчасига бурилди. Иккинчи трамвайда кетаётган оркестр карнайини деразадан чиқариб, Будённий маршини сайратиб турди. Кондукторларнинг калта камзулини кийиб, бўйнига тўрва осиб олган Гаврилин юзида юмшоқ табассум билан трамвайдан трамвайга ҳатлар, бемаврид қўнғироқ чалиб, йўловчиларга таклифнома улашарди. Таклифнома эса шу мазмунда эди:

<p>1-Май кеч соат 9 да</p>	<p>Коммунал хизматчилар клубида</p> <p><b>ТАНТАНАЛИ КЕЧА</b></p> <p>Бўладур. Кеча тартиботи:</p> <ol style="list-style-type: none"><li>1. Ур. Мосин маърузаси</li><li>2. Коммунал хизматчилар қасабасининг ёрлиқларини топириш маросими.</li><li>3. Норасмий бўлим:</li></ol> <p>катта концерт ва овқатхонаси билан оилавий ўтириш</p>
------------------------------------	--

Нима сабабдандир фахрий меҳмонлар қаторига қўшилиб қолган Виктор Михайлович энг кетдаги трамвай майдончасида мотордан кўзини узмай турарди. Мотор-

нинг кўриниши чакки эмас, бинойидай ишласа керак — Полесовни гоят таажжубга солган нарса шу бўлди. Вагон ойналариям дирилламаяпти, Виктор Михайлович чуқурроқ разм солиб қараса, дераза зихларига ҳар ҳолда резина ўрнатилган эди.

Ҳайдовчига бир-икки дакки берганини эшитиб, одамлар уни ғарб трамвайи бўйича ўткир мутахассисга чиқариб қўйишди.

— Ҳаво тормозининг мазаси йўқроқ экан,— Полесов «Бопладимми» дегандай йўловчиларга кўз қирини ташлади,— тортмаяпти-ку.

— Сендан сўраб тортармиди,— деб жавоб берди ҳайдовчи,— хушига келса тортаверади.

Бари вагонлар шаҳарни бир айланиб чиққач, депога қайтди. Депонинг олдида мунтазир турган тумонат одам Треуховни азот кўтариб, электр чироқлари ёруғида осмонга иргитди. Гаврилинниям кўярда-қўймай қўл-оёғидан кўтаришган эди-ю, лекин тоши олти пудча бўлганидан баландроқ иргитишолмасди, шунинг учун уни ерга туширишди. Ўр. Мосинни, техниклар ҳамда ишчиларни осмонга итқитишди. Виктор Михайлович шу бугуннинг ўзида иккинчи марта қўлга тушди. Энди у ҳадеб оёғини силтаб тортмас, тун қоронғисида осмонга ҳар сапчиганида чароғон юлдузларга ўта жиддий тикиларди. Полесов охирги кўтарилишида бундоқ разм солиб қараса, собиқ сардор Ипполит Матвеевич Воробьянинов унинг оёғидан ушлаб, ҳиринг-ҳиринг кулиб турибди. Полесов одамларнинг қўлидан тушиб, четроққа чиқди-да, сардордан кўзини узмай турди. Бир пайт Ипполит Матвеевич билан ёнидаги потаниш собиқ офицер шериги аста жилганини кўриб, Виктор Михайлович ҳам сездирмай уларнинг изига тушди.

Ҳамма нарса тугаб, Гаврилин одамларга сўнгги фармойишларини бериб бўлиши билан Треуховни бинафшаранг «фиат»ида клубга олиб кетмоқчи бўлиб турган ҳам эдики, ярим энгил форд машинаси бир гала кинохроникачилар билан депо дарвозаси ёнида таққа тўхтади.

Ун икки бурчакли мугуз кўзойнак таққан, энгсиз кўн чакмонли олифта бир киши ҳаммадан олдин машинадан энгилгина сакраб тушди. Унинг узун чўққи соқоли нақ ҳиқилдоғидан ўсиб чиққанга ўхшарди. Остап Бендернинг таъбири билан айтганда «антиқа» шарфи ерда осилиб юрган иккинчи эркак киноаппарат кўтариб келди.

Шундан кейин машинадан ассистентлар, юпитер прожекторлари, қизлар чиқишди.

Ҳаммаси қий-чув кўтариб, ўзини депога урди.

— Диққат!— деб қичқирди соқолдор чакмонли олифта.— Коля! Юпитерни ёқ!

Треухов қизариб-бўзариб тунги меҳмонларга яқинлашди.

— Киноданмисизлар?— деб сўради у.— Нега кундузи келмадиларинг?

— Очилиш маросими қачонга белгиланган?

— Аллақачон ўтиб кетди.

— Шу, шу, озроқ ушланиб қолдик. Яхшигина манзара учраб қолди. Иш кўп. Кунботар пайт! Ҳечқиси йўқ, буниям эплаштирамиз. Коля! Чироқни ёқ! Айланаётган филдирак! Йирик планда! Кўчада кетаётган одамларнинг оёғи — йирик планда. Люда! Милочка! Юринглар! Коля, бошладик! Бошладик. Утаверинглар! Кетяпсиз, кетяпсиз, кетяпсиз... Тамом. Раҳмат. Энди қурувчини суратга оламиз. Ўртоқ, Треухов дейсизми? Марҳамат қилинг, ўртоқ Треухов. Йўқ, ундай эмас. Тўртдан учига... Мана бундай, яхши чиқади, узоқда трамвай... Коля! Бошладик! Бир нима деб туринг!..

— Нимаям дердим, менга қолса...

— Офарин!.. Яхши!.. Яна гапиринг!.. Энди трамвайга биринчи бўлиб чиққан йўловчи билан гаплашиб турган бўласиз... Люда! Рамкадан чиқманг! Дуруст. Чуқурроқ нафас олинг! Ҳаяжондасиз!.. Коля! Оёқ йирик планда бўлсин!.. Бошладик!.. Яхши, яхши... Катта раҳмат!.. Стоп!..

Гаврилин боядан бери вағиллаб турган «фиат»дан инқиллаб тушгач, бедарак йўқолмиш дўстини қидириб келди. Ҳиқилдоридан соч чиққан режиссёр типирчилаб қолди.

— Коля! Бу ёққа! Ажойиб образ! Ишчи! Трамвай йўловчиси! Чуқурроқ нафас олинг. Ҳаяжондасиз! Чунки илгари ҳечам трамвайга тушмагансиз. Бошладик! Нафас олинг!

Гаврилин ғазаб билан пишиллаб қўйди.

— Жуда соз!.. Милочка! Бу ёққа кел! Қомсомолдан салом!.. Чуқурроқ нафас олинг, Ҳаяжондасиз... Яхши... Жуда соз... Коля, тамом.

— Трамвайнинг ўзини суратга олмайсизларми?— ба-тинқирамай сўради Треухов.

— Биласизми, чироқнинг мазаси йўқроқ,— гўлдираб деди режиссёр.— Москвада олишга тўғри келади. Саломат бўлсинлар!

Кинохроника бир зумда ғойиб бўлди.

— Кетдикми, ошна,— деди Гаврилин.— Бир дам олайлик. Ҳа, чеквордингми?

— Чеквордим,— тан олди Треухов,— чидаб туролмадим.

Оч қоринга бошлаб тамаки жойлаган Треухов оилавий ўтиришда уч қадаҳ ароқдан кейин алжираб қолди. Дуч келгани ўпиб, ўзиям роса ўптирди. Хотинига икки оғиз ширин гап қилмоқчи бўлган эди, тиржайишдан нари ўтолмади. Кейин роса Гаврилиннинг қўлини силтаб, насихат қилди:

— Дарвишсан, дарвиш! Сен темир йўлга кўприк солишни ўрганиб олишинг керак! Зўр илм бу, Энг муҳими, жудаям осон. Гудзон устидан бошлаб кўприк қурсанг...

Ярим соатга етмай суроби тўғри бўлиб қолгач, буржуа матбуотини дуоин бад қилишга ўтди:

— Бу муаллақчи кўзбўямачилар, бу қаламкаш бўрилар! Ротация машиналари урчитган бу усталар!— деб роса бақириб-чақирди.

Хотини аранг извошга босиб, уйига олиб кетди.

— Трамвайга тушгим келяпти,— деди у йўл-йўлакай хотинига,— шуниям тушунмайсанми, а? Трамвай бўлгандан кейин тушиш керак-да!.. Биласанми, нимага? Биринчидан, арзон...

Полесов ҳамтовоқларининг кетидан анчагача қорамақора борди, тишини-тишига қўйиб узоқ пойлади, охири ўзлари ёлғиз қолганини кўриб, Воробьяниновга яқинлашди.

— Омонмисиз, жаноби Ипполит Матвеевич!— деди у тавозе билан.

Воробьянинов ичидан зил кетди.

— Танаймай турибман,— деди у бўшашиб.

Остап якка кифт бўлиб, зиёли чилангарнинг олдига келди.

— Хўш, хўш,— деди у,— оғайнимда нима гаплари бор эди?

— Сира хавотир бўлманг,— деб шивирлади Полесов ён-верига олазарак қараб олгач.— Мени Елена Станилавовна юбордилар.

— Ия? Шу ердами у?  
— Шу ердалар. Сиз билан кўришмоқ ниятлари бор.  
— Сабаб?— сўради Остап.— Узингиз ким бўласиз?  
— Мен... Менга ишонаверинг, Ипполит Матвеевич. Сиз мени танитайсиз, лекин сизни мен жуда яхши биламан.

— Елена Станиславовнани бир кўриб ўтай бўлмаса,— деди Воробьянинов унчалик кўнгли чопмай.

— У киши қаттиқ илтимос қилдилар.

— Хўш, бу ердалигимни қаердан билибди?

— Сизни комхўж йўлагиди кўриб, бу одам танишга ўхшайди, ким бўлдийкин, деб роса ўйладим. Кейин эсимга тушди. Ҳеч нарсадан хавотир олманг, Ипполит Матвеевич! Ёпиғлиқ қозон ёпиғлигича қолаверади.

— Таниш жувонми?— амалий ишга кўча қолди Остап.

— Ҳм, эски танишлардан.

— Ундай бўлса эски танишникига кириб, озроқ тамадди қилиб олмаймизми? Шахсан менинг қорним карнай чалаяпти, борадиган бошқа жой йўқ, ҳаммаёқ бекилган.

— Борсак бораверамиз.

— Кетдик бўлмаса. Қани, йўл бошланг, нотаниш хуфия!

Виктор Михайлович ширкатчиларни кўчадан эмас, ҳовлилардан олиб юрди, ҳар қадамда орқасига аланглаб, охири фолбин хотиннинг Перелешинск тор кўчасидаги уйига бошлаб келди.

#### XIV боб

#### «ҚИЛИЧ ВА ОМОЧ ИТТИФОҚИ»

Хотин киши қариса, бошига анча-мунча кўргиликлар тушиши мумкин: тиши тушиб, сочи оқаради, тўкила бошлайди, нафаси сиқади, гоҳ гумбаздек семириб, гоҳида чўпдай озиб кетади. Лекин овози сира-сира ўзгармайди. Гимназияда ўқиб юрганида, келин бўлиб тушганида ёки бирорта енгилтак билан топишиб олганида қандоқ бўлса, ўшандоқлигича қолаверади.

Шунинг учун ҳам Полссов эшикни тақиллатганида ичкаридан Елена Станиславовнанинг «Ким?» деган овози эшитилди-ю, Воробьянинов бир сесканиб тушди, Маъ-



шуқасининг овози ўша-ўша, тўқсон тўққизинчи йилда, Париж кўргазмаси очилишидан олдин қандай бўлса, ҳозир ҳам шундай эди. Лекин Ипполит Матвеевич чироқ нуридан кўзи қамашиб, ичкари кирди-ю, тарвузи қўлтигидан тушди: боёқишнинг илгариги ҳуснидан асар ҳам қолмабди.

— Жудаям ўзгариб кетибсиз-ку!— деб юборди у беихтиёр.

Кампир ўзини унинг бўйнига отди.

— Раҳмат,—миннатдорчилик билдирди кампир,— мени кўриш учун ҳаётингизни нечоғлик хатарга қўйгансиз, биламан. Илгаридан мард одамсиз. Нима иш билан Париждан келганингизни сўраб ўтирмайман. Кўряпсиз, гап кавлаштиришни ёмон кўраман.

— Ҳечам, Париждан келганим йўқ,— деди Воробьянинов талмовсираб.

— Ҳамкасаба билан биз Берлиндан келдик,— дарҳол гап қистирди Остап Ипполит Матвеевичнинг тирсагини омбурдай қисиб,— бунни ошкор қилмаган маъқул.

— Вой, сизларни кўриб бирам хурсанд бўлдимки!— сайрай кетди фолбин.— Манави хонага кириб туринглар... Виктор Михайлович, кечирасиз, ярим соатлардан кейин бир хабар олсангиз, майлими?

— У!— сўз қотди Остап.— Висол дамлари! Ҳижрон алами! Рухсатлари билан мен ҳам ғойиб бўлай. Сизга ҳамроҳ бўлсам, йўқ демайсизми, муҳтарам Виктор Михайлович?

Чилангар азбаройи суюниб кетганидан баданида титроқ турди. Иккови Полесовнинг уйига йўл олишди. Перелешинск тор кўчасидаги 5-сон бино дарвозасининг бир парчаси устида ўтирган Остап ватанни халос қилиш масаласида лоф уриб, темир-терсак шайдосини бирпасда гангитиб қўйди.

Улар бир соатдан кейин хонага қайтиб киришганида чол-кампир бир-бирига сузилишиб ўтирган эди.

— Эсингиздами, Елена Станиславовна!— дерди Ипполит Матвеевич.

— Эсингиздами, Ипполит Матвеевич?— дерди Елена Станиславовна.

«Авжи тамадди қилиб оладиган гайт келганга ўхшайди», кўнглидан ўтказди Остап. Ва шу заҳотиёқ шаҳар маҳкамасига ўтказилган сайловни эсга олган Ипполит Матвеевичнинг гапини бўлди.

— Берлинда ғалати бир одат бор,— деди тагдор қилиб,— у ерда жудаям кеч овқатланишади, бу чўзилиб кетган тушликми ёки кечки овқатми, ҳечам тушуниб бўлмайди.

Елена Станиславовна типирчилаб қолди, Ипполит Матвеевичдан нигоҳини олиб, ошхона томонга сурғалиб кетди.

— Мана энди ишни бошлаш керак, ҳа, бошлаш керак!— деди Остап пичирлаб.

Кейин Полесовни қўлидан ушлади.

— Кампир гуллаб қўймаймими? Ишонса бўладими унга?

Полесов ибодат қилаётгандек қўлларини кўксига қўйди.

— Сиёсий ақидангиз?

— Ҳар қачон!— жўшиб деди Полесов.

— Кирилловец<sup>1</sup> бўлсангиз керак албатта?

— Худди шундай.

Полесов таёқдай қотиб қолди.

— Россия сизни унутмаяжак!— деб қичқирди Остап.

Бир қўлида ширин пирог ушлаган Ипполит Матвеевич ҳайрон бўлиб Остапга тикилди. Остапнинг жазаваси тутган эди. Буюк мударбирнинг шу топда илҳоми қайнаган, семизроқ ов илинжида аъзойи бадани бўшашиб, юрагини ширин бир ҳаяжон чулғаб олган эди. У қоплон юриш қилиб хонани бир айланиб чиқди.

Шу пайт қўлида самовар билан ошхонадан инқиллаб-синқиллаб Елена Станиславовна чиқиб қолди. Остап югуриб бориб, одоб билан қўлидан самоварни олгач, столга келтириб қўйди. Самовар хуштак чалди. Остап амалий ишга ўтишни лозим топди.

— Хоним,— деди у,— шу мўътабар хонадон бекаси бўлмиш сиздек...

Елена Станиславовнани кимга қиёс қилишни билмай турди. Кейин яна бошидан бошлади. Чор тузуми даврида одат бўлган баландпарвоз гаплардан фақат биттаси эсига тушди: «Амри маъруф қилдилар». Лекин ҳозир бунинг жойи эмас. Уйлаб-уйлаб охири бошқа йўл топди.

---

<sup>1</sup> Қадим славянларда кириллица ва глаголица деган икки хил алифбо бўлган. Кириллица рус ва қатор бошқа славян халқлари алифбосига асос бўлган. Бу ерда Остап «кириллица» дан ўзича сўз ясаб, Полесовнинг юрагига гулгула соляпти. (тарж.)

— Ғоят махфий! Давлат сирин!— деди Остап сирли шивирлаб.

Кейин қўли билан Воробьяниновни кўрсатди.

— Қаршингизда ўтирган мана шу қудратли чол ким, биласизми? Овора бўлманг, ҳечам билмайсиз. Қилни қирқ ёрадиган донишманд, рус демократиясининг ота-хони, императорнинг муқарраби шу киши бўладилар.

Ипполит Матвеевич хушбичим қадди-бастини ғоз тутиб, ўрнидан турди-да, жавдираб атрофига қаради. Узи нима гап бўлаётганини тушунмаса ҳам Остап Бендер бир оғиз сўзниям бекорга айтмаслигини тажрибада кўп синаб кўргани учун индамай тураверди. Полесовни бу ҳол ларзага солди. У худди шахдам қадам ташлаб юришга чоғланган одамдай нягини шифтга кўтарди. Елена Станиславовна курсига чўкиб, Остапга мўлтираб қаради.

— Бизнинг одамлар кўпчиликми шаҳарда?— дабдурустдан сўради Остап.— Қайфият қалай?

— Имкон мумкин бўлмагандан кейин,— деди Виктор Михайлович ва бошига тушган савдоларни тутила-тутила гапира кетди. 5-сон уйнинг бурни кўтарилган шаллақи қоровули дейсизми, тўқсон даражали гўния дейсизми, трамвай дейсизми — ҳаммаси-аралаш-қуралаш бўлиб кетди.

— Яхши!— ўшқирди Остап.— Елена Станиславовна! Сизнинг кўмагингизда шаҳарнинг энг бообрў одамлари билан алоқа ўрнатиш ниятидамиз. Пешона экан, яшиниб юришибди, биламиз. Кимларни таклиф қилишингиз мумкин?

— Кимларни дейсизми? Максим Петровични чақир-сакмикин, хотини билан?

— Хотинлар бўлмасин,— тузатиш киритди Остап,— биттаям! Сиз учун бажонидил истисно қиламиз. Яна кимлар бор?

Виктор Михайлович ҳам фаол иштирок этган муҳокама давомида шу нарса маълум бўлдики, боя тилга олинган Максим Петровични — илгари шаҳар думасига аъзо бўлиб, ҳозир эса совет ходимлари сафидан муносиб ўрин олган Чарушниковни, «Жадалтой» хўжайини Дядьевни, «Одесса нон артели — Москва тешиккулчалари» раиси Кислярскийни ва яна исм-шарифи номаълум бўлгани билан ўзи мутлақо ишончга сазовор икки йигитни чақирса бўлар экан.

— У тақдирда буларни ҳозироқ чақиртиришни илти-

мос қиламан. Қичкина мажлисча ўтказиб оламиз. Ғоят махфий сақлансин.

Полесов сўз олди:

— Мен Максим Петрович, Никеша ҳамда Владаларни топиб келаман. Елена Станиславовна, марҳамат қилиб «Жадалтой» билан Кислярскийни бўйнингизга олсангиз.

Полесов бир зумда ғойиб бўлди. Фолбин ҳам Ипполит Матвеевичга маҳлиё бўлиб бир қараб қўйгач, ўрнидан туриб кетди.

— Бўни қандоқ тушунса бўлади?— деб сўради Ипполит Матвеевич.

— Қолоқ одам экансиз,— жавоб қилди Остап,— буни шундоқ тушунса бўлади!

— Нега?

— Шунга! Бачканалик қилаётган бўлсам уэр: қанча пулингиз бор?

— Қанақа пул?

— Ҳар қанақаси, танга-чақаси билан.

— Утгиз беш сўм.

— Хўш, шу пул ширкатимизнинг бутун харажатларига етади, деб ўйлайсизми?

Ипполит Матвеевич индамади.

— Гап бундоқ, хўжайинжон. Мени тушуниб турганга ўхшайсиз. Бирор соат донишманд, императорнинг муқарраби бўлиб туришингизга тўғри келади.

— Мақсад нима?

— Мақсад шуки, бизга озроқ дастмоя керак. Эртага менинг тўйим. Мен гадойвачча эмасман. Ана шундай. улуғ кунда биз ҳам бир ўйнаб қолайлик.

— Хўш, мен нима қилишим керак?— зорланиб сўради Ипполит Матвеевич.

— Индамай ўтираверинг. Савлат учун ўқтин-ўқтин лунжингизни шишириб қўйсангиз бас.

— Ахир бу... кўзбўямачилик-ку!

— Гапирдиларми? Граф Толстойдан эшитяпманми бу гапни! Ё Дарвинданми? Йўғ-э. Кечагина Грицацуеванинг молига кўз олайтириб, тунда бир бева бечоранинг уйига ўғирликка тушмоқчи бўлган одамнинг гапи эмасми бу? Ўйлаб ўтирманг. Жим. Лунжни шишириш эсдан чиқмасин.

— Бунақа хатарли ишнинг нима кераги бор? Бориб чақишлари мумкин.

— Бунисидан хавотир олманг. Мен сувни кўриб, этик ечадиганларданман. Хамирдан қил суғургандай бўлади, ҳеч ким ҳеч нарсани сезмай қолади. Қани, чойдан ичайлик.

Ширкатчилар еб-ичиб, тўтиқуш эса қирсиллатиб писта чақиб турган эди, бирин-кетин уйга меҳмонлар кириб келишди.

Полесов Никеша билан Владяни бошлаб кирди. Виктор Михайлович донишманд билан йигитларни таништиришга ийманди. Улар бир бурчакда яхна гўшт тамади қилаётган рус демократиясининг отахонидан кўз узмай ўтиришди. Никеша билан Владя иккови ёши ўттизга бориб қолган етук овсарлар эди. Мажлисга чақиритилгандан икковиям талтайиб ўтирарди.

Шаҳар думасининг собиқ аъзоси бўлмиш Чарушников деган бақалоқ чол Ипполит Матвеевичнинг қўлини анчагача силаб, нуқул кўзига тикилиб турди. Ҳамшаҳарлар Остапнинг назорати остида ўтган-кетгандан гаплашиб ўтиришди. Сухбат авжи қизиган ҳам эдики, Остап Чарушниковга ўтирилди:

— Сиз қайси полкда хизмат қилгансиз?

Чарушников энтикиб кетди.

— Мен... мен, сирасини айтганда, умуман, хизмат қилмаганман, нега десангиз, жамоат ишончига мушарраф бўлиб, сайланиб келганман.

— Дворянмисиз?

— Ҳа. Дворян эдим.

— Ҳозир ҳам шундайсиз, тўғрими? Бардам бўлинг. Бизга ёрдамнингиз керак бўлади. Полесов гапириб бердими? Чет эл ёрдам беради. Афкор оммага қараб туришибди. Ташкилотимиз ўта махфий. Диққат!

Остап Никеша билан Владянинг ёнидан Полесовни четлатиб, қовоғини уйди:

— Қайси полкда хизмат қилгансизлар? Ватанга хизмат қилиш лозим бўлади. Дворянмисизлар? Жуда соз. Ғарб ёрдам беради бизга. Бардам бўлинглар. Иона, яъни ташкилот ўта махфий. Диққат!

Остап ҳовлиқиб қолди. Мақсад амалга ошаётгандай эди. Елена Станиславовна Остапни «Жадалтой» эгаси билан таништиргач, Остап уни четга тортиб, бардам бўлишни маслаҳат берди, кейин қайси полкда хизмат қилганини суриштиргач, чет элдан ёрдам кутишаётганини, ташкилот ўта махфий эканини гапирди. Буни эши-

тиб, «Жадалтой» соҳиби исёнчиларнинг уйдан тезроқ қочиб қолишни мўлжаллаб қўйди. Ўзининг фирмасини у анча нуфузли деб билгани учун бўлар-бўлмасга бошини, ғалвага қўйишни хоҳламасди. Лекин Остапнинг келишган бўй-бастини кўриб, иккиланиб қолди, кейин ўзича ўйлади: «Бирдан омад кеп қолса-чи!.. Дарвоқе, бу нарса қанақа қоғозга ўраб тортилишига боғлиқ».

Дастурхон атрофидаги дўстона суҳбатга жон кирди. Махфий сирдан воқиф бўлганлар уни муқаддас билиб, шаҳар янгиликларидан гаплашиб ўтиришди.

Гражданин Кислярский ҳаммадан кейин келди. Дворян бўлмагани ва гвардиячи полкларда мутлақо хизмат қилмагани ҳолда у Остап билан икки оғиз гаплашибоқ вазиятни дарҳол тушунди.

— Бардам бўлинг,— насиҳат қилди Остап.

Кислярский рози бўлди.

— Сиз хусусий сармоя вакилисиз, бинобарин, ватан нажот тилаб турганида ўзингизни четга олмасангиз керак.

Кислярский тушундим, дегандай хомуш тортди.

— Анави ўтирган одамни танийсизми?— деб сўради Остап Ипполит Матвеевичга ишора қилиб.

— Таниганда қандоқ,— жавоб берди Кислярский,— жаноби Воробьянинов-да.

— Донишманд, рус демократиясининг отахони, императорнинг муқарраби шу киши бўлади,— деди Остап.

«Қамида икки йил беришади, қаттиқ режимлигидан,— деб кўнглидан ўтказди Кислярский қалтироқ босиб.— Нима ғафлат босиб келдим-а?»

— Яширин қилич ва омоч иттифоқи!— вишиллади Остап.

«Ўн йилга кетдим!»— деб ўйлади Кислярский.

— Кетишингиз ҳам мумкин, лекин айтиб қўяй, биз билан ўйнаша кўрманг, қўлимиз узун!

«Кўрсатиб қўяман кетишни, итвачча,— дилидан ўтказди Остап.— Қамида юз сўм ташламасанг, овора бўласан».

Кислярский девордай оқариб кетди. Яқиндагина у даҳшатли «қилич ва омоч иттифоқи» борлигидан мутлақо беҳабар, товуқ думғазаси еб, нўхат шўрва ичиб бир ам рохатланиб овқат қилган эди-я. Уйдан чиқиб кетолмади: «узун қўл» таъбини хира қилди.

— Гражданлар!— деди мажлисни оча туриб Остап.— Ҳаётнинг ўз қонунлари бор, темир қонунлари. Ушбу мажлисни чақиришдан мақсад нима, буни ўзларинг яхши биласизлар, мен гапириб ўтирмайман. Мақсадимиз олижаноб мақсад. Чор атрофдан дод-фарёд эшитилмоқда. Бепоеън мамлакатимизнинг турли бурчакларидан илтижо қилган овозлар келмоқда. Биз ёрдам қўлини чўзмоғимиз даркор ва чўзамиз ҳам. Ораларингизда бирор хизматга кириб, пичоғи мой устида бўлганлар ҳам, чакана ишларга берилиб, тансиқ овқатлардан кейин келириб юрганлар ҳам бор. Ҳар иккала тоифадагиларнинг ётса ётгудай ўлан тўшаги, ёпса ёпгудай иссиқ кўрпаси бор. Аммо-лекин ёш болалар, етим болалар ўз ҳолича юрибди. Мана шу кўча гулларини, ақлий меҳнат йўқсилларининг таъбири билан айтганда, семонда битган гулларни ҳар қаңча ардоқласак арзийди. Жаноби маслаҳатчи тўралар, биз шуларга ёрдам бермоғимиз керак. Бинобарин ёрдам берамиз ҳам, жаноби маслаҳатчи тўралар.

Буюк мударбирнинг нутқини ҳар ким ҳар нарсага йўйди.

Полесов янги дўсти — ёш гвардиячининг гапларига тушунмади.

«Қанақа болалар?— деб ўйлади у.— Болалар нима қилиб юрибди?»

Ипполит Матвеевич бўлса тушунишни хаёлига келтирганиям йўқ. У аллақачон қўлини ювиб қўлтиққа ургани учун жимгина лунжини шишириб ўтирарди.

Елена Станиславовна маънос тортди.

Никеша билан Владя Остапнинг эғнидаги ҳаворанг нимчага бақа бўлиб тикилиб ўтиришарди.

«Жадалтой»нинг эгаси ич-ичидан яйраб кетди.

«Чоки яхши босилибди, билинмайди,— ўзича мулоҳаза қилди у,— чиройли қоғозга ўралгандан кейин пулдан қочмаса ҳам бўлади. Иш ўнгидан келса, иззат-обрў бизники. Чатоғи чиқса — ўн олтинчи модда. Болаларга ёрдам бердим, дейман, вассалом».

Чарушников маъноли қилиб Дядьев билан кўз уриштириб олди, кейин маърузачининг сир сақлаш қобилиятига таҳсинлар ўқиб, столдаги нондан золдир ясашга тушди.

Қислярскийнинг ниҳоятда димоғи чоғ эди.

«Ана ақлу мана ақл»,— деб ұйлады у. Назарида боқимсиз болаларга ҳеч қачон шу бугундагидай меҳри товланмаган эди.

— Уртоқлар!— деди сўзида давом этиб Остап.— Зудлик билан ёрдам қўлини чўзишимиз керак. Биз болаларни кўча чангалидан тортиб олишимиз лозим ва тортиб оламиз ҳам. Ёрдам қилайлик болаларга. Болалар — ҳаёт гуллари эканини унутмайлик. Мен ҳаммаларингни ҳозироқ иона қилиб, болаларга ёрдам қўлини чўзишга таклиф этаман. Ёрдам фақат болаларга кетади, бошқа бировга эмас. Мени тушунгандирсизлар?

Остап орқа чўнтагидан квитанция дафтарчасини олди.

— Иона бошланглар, илтимос. Ипполит Матвеевич ваколатимни тасдиқлаши мумкин.

Ипполит Матвеевич лунжини шишириб, бошини хам қилди. Шунда бефаросат Никеша билан Владядан тортиб жонсарак чилангаргача — ҳамма Остапнинг гапларидаги пинҳоний сирни тушунди.

— Ешга қараб бўлсин, жаноблар,— деди Остап,— муҳтарам Максим Петрович бошлаб бера қолсинлар.

Максим Петрович ўтирган жойида бир талпиниб, зўрға ўттиз беш сўм чиқариб берди.

— Дориламон замонлар келса, кўпроққаям тайёрман!— деб қўйди у.

— Ҳадемай келади дориламон замонлар,— жавоб қилди Остап,— дарвоқе, мени мутасадди қилган етим болаларга бунинг алоқаси йўқ.

Никеша билан Владядан саккиз сўм унди.

— Оз-ку, йигитлар.

Йигитлар қизариб кетишди.

Полесов югуриб бориб уйдан эллик сўм олиб келди.

— Баракалла, гусар!— хитоб қилди Остап.— Сўққабош гусар учун ҳозирча етади шу. Савдо аҳлидан эшитамизми?

Дядьев билан Кислярский солиқлардан нолиб, узоқ савдолашишди. Остап оёғини тираб туриб олди:

— Ипполит Матвеевичдай улуғ одамнинг олдида бунақа бачкана гаплар бўлмаслиги керак.

Ипполит Матвеевич бошини қуйи солди. Савдогарлар болакайларга атаб икки юз сўмдан иона беришди.



— Ҳаммаси бўлиб тўрт юз саксон саккиз сўм бўпти,— хитоб қилди Остап.— Эҳ! Ҳисоб тўғри бўлишлиги учун яна ўн икки сўм етмай турибди-да.

Боядан бери анқовсираб ўтирган Елена Станиславовна ноилож ўрнидан турди, ётоқхонасидан ҳамёнини олиб чиқиб, айтилган ўн икки сўмни узатди.

Мажлиснинг қолган қисми руҳсиз, шавқ-завқсиз ўтди. Остап шўхлигини бошлади. Елена Станиславовна сулайиб қолди. Меҳмонлар ташкилотчилар билан қуюқ хайрлашиб, бирин-кетин тарқала бошлашди.

— Кейинги мажлис қачон бўлишини ўзингизга алоҳида хабар қиламиз,— уқтирди Остап ҳар бир меҳмон билан хайрлаша туриб,— ўта махфий. Болаларга ёрдам бераётганимиз сир сақланиши керак... Дарвоқе, бу ўзларингга фойда.

Шу топда Қислярскийга қолса яна эллик сўм бериб, бунақа мажлисга иккинчи қадам босмагани маъқул эди-я. Шундай қилмоқчи ҳам бўлди-ю, лекин зўрға ўзини тўхтатиб қолди.

— Қани, қимирладик бўлмаса,— деди Остап.— Ипполит Матвеевич, менимча, Елена Станиславовнанинг кўнглини ранжитмай, шу ерда қолганингиз маъқул бўлса керак. Қолаверса, шубҳа туғдирмаслик учун вақтинча ажралишган ҳам дуруст. Мен кетдим.

Ипполит Матвеевич жон ҳолатда Остапга кўз қисди, лекин у ўзини сезмаганга олиб, индамай жўнаворди.

Остап беш-ўн уй юриб қўйган ҳам эдики, чўнтагида ҳалол ишлаб топган беш юз сўм пули борлиги эсига тушди.

— Извошчи!— бақирди у.— «Феникс»га элтиб қўй!

— Бўпти-да,— деб жавоб берди извошчи.

У Остапни ёпиқ ресторанга бамайлихотир элтиб қўйди.

— Ия, бу нимаси? Епиқми?

— Биринчи май бўлгани учун.

— Эҳ, жин урсин. Ҳамён тўла пул бўлса-ю, ўйнаб кулолмасанг! Бўлмаса Плеханов кўчасига ҳайда. Била санми?

Остап қайлиғиникига бормоқчи бўлди.

— Илгариги оти қанақа эди?— деб сўради извошчи.

— Билмадим.

— Қаёққа юрай бўлмаса? Менам билмайман.

Остап нима бўлсаям ўша кўчани қидириб топишни буюрди.

Иккови дуч келган қоровул билан милиционердан суриштириб, бўм-бўш шаҳар кўчаларида роса бир ярим соат сарсон бўлишди. Бир милиционер пешонасини тоза тириштириб, охири илгариги Губернатор кўчаси шу бўлса керак, деб тусмоллади.

— Ҳа-да, Губернатор кўчаси! Яхши биламан бу кўчани. Йигирма беш йилдан бери Губернаторга қатнайман.

— Билсанг, ҳайдамайсанми?

Манзилга етиб келиб қарашса, Губернатор кўчаси Плеханов эмас, Карл Маркс номида экан.

Остап қони қайнаб, яна Плеханов номли кўчани қидиришга тушди. Лекин минг урингани билан тополмади.

Тонг ёришиб, шу кечаси барибир хумордан чиқолмаган бечора бойваччанинг сўлғин чеҳраси кўринди.

— «Сорбонна»га ҳайда!— ўшқирди у.— Ургилдим сендақа извошчидан! Плехановни билмайди-я!

Бева хоним Грицацуеванинг қасри олийлари кўзни қамаштиради. Тўй дастурхонининг тўрида ваъда қилинган қирол — турк фуқаросининг ўғли ўтирибди. Кўриниши башанг, кайфи тароқ. Меҳмонлар чуғурлашади.

Келинболанинг ёши келинликдан анча ўтиб қолган. Қамида ўттиз бешга борган. Табиат уни ҳеч нарсадан сиқмаган, тантилик қилган. Ҳар биттаси тарвуздай келадиган қўшқўкрак, ўроқдай бурун, олмадек ёноғу йўғон бўйин ато этган. У янги эрининг соясига кўрпача солар, айни пайтда ундан жудаям ҳайиқарди. Шунинг учун ҳам эрини отини айтиб чақирмас (боёқиш унинг исм-шарифини умуман билолмай қолди), қисқагина қилиб, ўртоқ Бендер дерди.

Ипполит Матвеевич яна орзиқиб кутган стулига ўтирди. Тўй кечаси давомида у бир нима тагимда қаттиқ ботармикин, деган умидда неча маротаба ирғишлади. Баъзан кутгани бўлди. Шунақа пайтларда ўтирганларга меҳри товланиб кетар ва ҳадеб «горько» деб қичқирарди.

Нутқ, табрик сўзлари ва алёрдан Остапнинг жағи тинмади. Ўзбекистонда халқ маорифи ҳамда суғориш ишларининг равнақи учун қадаҳ кўтаришди. Шундан кейин меҳмонлар бирин-кетин тура бошлашди. Ипполит

Матвеевич даҳлизга чиққанида нафасини ростламоқчидай бўлиб, Бендерга шипшиди:

— Чўзиб ўтирманг. Уша ерда экан.

— Тамагир одам экансиз,— деб жавоб берди кайфи ошган Остап,— мени меҳмонхонада кутинг. Ҳеч қаёққа жилмай ўтиринг. Бирдан бориб қолишим мумкин. Меҳмонхонадаги қарзларни тўлаб қўйинг. Ҳамма нарса шай бўлсин. Адъё<sup>1</sup>, фельдмаршал! Менга хайрли тун тилаб қолсинлар.

Ипполит Матвеевич хайрли тун тилагач, «Сорбонна»га жўнади.

Эрта билан соат бешларда стул кўтариб Остап кириб келди. Ипполит Матвеевич ҳушидан кетаёзди. Остап хонанинг ўртасига стулни қўйиб ўтирди.

— Қандай эпладингиз?— деди ниҳоят Воробьянинов зўрға тилга кириб.

— Шуям иш бўптими, бир оиламиз-ку. Бева боёқиш ширин туш кўриб ётувди. Уйғотгани кўзим қиймади. «Ноз уйқудан уйғотмагил». Афсус! Маҳбубамга хат ёзиб қолдирдим. «Новохопёрскка доклад қилгани кетяпман. Тушлик овқатга мени кутма. Сенинг юмронқозинг», деган мазмунда. Стулни ошхонадан топдим. Эрта-метан трамвай юрмайди, йўл-йўлакай стулда дам олиб келдим.

Ипполит Матвеевич бир пишқириб, ўзини стулга ташлади.

— Секин,— деди Остап,— бир иш қилаётганда шовқин кўтармаслик керак.

Чўнтагидан омбур олиб, ўзи ишга киришиб кетди.

— Эшикни қулфлаганмисиз?— деб сўраб қолди Остап.

Остап бесабр Воробьяниновни нари суриб, гулдор инглиз читини эҳтиёт қилган ҳолда авайлаб ишга киришди.

— Бунақа мато ҳозир топилмайди, эҳтиёт қилиш керак. Матолар анқонинг уруғи, илож қанча.

У имиллаган сари Ипполит Матвеевичнинг жони ҳалқумйга келарди.

— Тамом,— деб пичирлади Остап.

У стулнинг устидаги қопламани кўтариб, иккала қўлини тикди-да, шоша-пиша пружиналарни титкилай бошлади. Ва шу он чакка томирлари бўртиб чиқди.

<sup>1</sup> Адъё (фр.)— хайр.

— Хўш?— сўради Ипполит Матвеевич тоқатсизланиб.— Хўш? Хўш?

Унинг сўроқ пардалари ҳар хил тебранарди.

— Хўш, хўш,— деди Остап жиғибийрон бўлиб,— ўн бири турганда бирига ёпишувдик. Шу бириям...

Стулнинг тагини яхшилаб кавлаштиргач, қўшиб қўйди:

— Шу бириям бизга насиб қилмай турибди.

У тик туриб, тиззасини қоқишга тушди. Ипполит Матвеевич стулга отилди.

Жавоҳир чиқмади. Ипполит Матвеевич шалвираб қолди. Лекин Остап ҳамон тетик эди.

— Эндиги умид қолганларидан.

У хонада бир оз юрди.

— Зарари йўқ! Бу стул биздан кўра бевага кўпроққа тушди.

Остап ён чўнтагидан бир дона тилла тўғнағич, тилла биллагузук, олти дона тилла қошиқча билан чойнакнинг тумшугига боғлаб қўйиладиган симтўр олиб кўрсатди.

Ипполит Матвеевич шунчаки оддий ўғрига шерик бўлиб қолганини алам устида пайқамади.

— Ғирт расвогарчилик,— деб қўйди Остап,— лекин ўзимдан бирор эсдалик қолдирмай, севган ёрни ташлаб кетишга қандоқ кўзим қияди, тўғримми? Лекин вақтни бой бермаслик керак. Ҳали муқаддимаси бу. Хотимаси Москвада бўлади. Айтиб қўяй, жиҳозлар музейи — бу сизга бева хотин деган гап эмас; у ерда ишлар мушкулроқ бўлади!

Ширкатчилар абжағи чиққан стулни каравотнинг тагига тиқиб, ёнларидаги пулни санаб олишгач (болаларга берилган ионалар билан беш юз ўттиз беш сўм чиқди), Москва поездига ўтириш учун вокзалга жўнаб кетишди.

Извошда шаҳарни кесиб ўтишди.

Кооператив кўчасига етганда ҳуркак кийинка ўхшаб шаталоқ отиб қочаётган Полесовга кўзлари тушди. Перелешинск тор кўчасидаги 5-сон уйнинг қоровули уни қувлаб борарди. Ҳамтовоқлар муюлишга энди бурилишган ҳам эдики, қоровул Виктор Михайловичга етиб олиб, дўппослай кетди. Полесов дам «Ёрдам беринг!» деб, дам «Сурбет!» деб чинқирарди.

Бева маъшуқадан хавотирланиб, поезд кетгунча ҳожатхонага кириб ўтиришди.

Поезд икки дўстни олиб, сершовқин марказ сари жилди. Дўстлар ойнага ёпирилишди.

Вагонлар Гусишченинг юқорисидан ўтиб борарди.

Остап тўсатдан наъра тортиб, Воробьяниновнинг мушагига чанг солди.

— Қаранг, қаранг!— деб қичқирди у.— Тезроқ! Альхен, х-хумпар!

Ипполит Матвеевич пастга қараб, Малла фисгармония билан бешта дераза ромини замбилгалтакка босиб, аранг судраб кетаётган мўйловли полвонни кўрди. Юзидан истиҳола ёғилиб турган, кенг кўйлакли бир гражданин замбилгалтакни орқадан итариб борарди.

Булут ортидан офтоб кўринди. Черков қуббасидаги салблар ярқираб кетди.

Остап хохолаб деразадан калласини чиқарди-да:

— Пашка! Чайқов бозорига кетяпсанми?— деб бақирди.

Паша Эмильевич бошини кўтариб қараган эди, энг охирги вагоннинг думидан бошқа нарса кўринмади. Шундан кейин у қадамини тезлатди.

— Кўрдингизми?— қувониб деди Остап.— Ажойиб-а! Тан бериш керак! Одамларга тараф йўғ-а!

Остап маъюс тортган Воробьяниновни елкасига қоқиб қўйди.

— Парво қилманг, отахон! Сира сиқилманг! Мажлис давом этади. Эртага кечқурун Москвада бўламиз!

## Иккинчи қисм

### МОСКВАДА

XV боб

#### ТОҒ-ТОҒ СТУЛ

Статистиканинг билмаган нарсаси йўқ.

СССРда қанча экин майдони борлиги, шундан қанчаси қора тупроғу қанчаси сариқ ва соз тупроқ эканлиги аниқ ҳисобга олинган. Ҳар иккала жинсга мансуб гражданлар Ипполит Матвеевич Воробьяниновнинг қалин дафтарларига — зағс битикларига яхшилаб қайд этилган. Республикада истиқомат қилувчи ўртача гражданлар бир йилда ўрта ҳисобда нима овқат тановул қилиши маълум. Ана шу ўртача гражданин ўрта ҳисобда қанча дроқ ичиб, тахминан қанақа газакка қўл ургани ҳаммамизга маълум. Мамлакатда овчиларнинг, раққосаларнинг, тўппонча ясайдиган станокларнинг, ҳар хил зотдаги итларнинг, ҳайкалларнинг, қизларнинг маёғу тикув машиналарининг қанчалиги бизга маълум.

Статистика жадвалларига бир қиё боқсангиз, кучгайрат ва эҳтироси жўшиб, тафаккур чироғи ёниб турган озмунча тирик жонни кўрасизми!

Кўкрагига сочиқ тутиб, стол устидаги қайноқ таомларни паққос тушираётган анор юзли бу шахс ким бўлдийкин? Ен-верида жимит ҳўкизлар ётибди. Семиз чўққалар жадвалнинг бир бурчагига сиқилишган. Махсус статистика ҳовузида тангабалиқ, елимбалиқ, чўртанбалиқлар сузиб юрибди. Бояги шахснинг икки елкаси, қўллари ва бошида товуқлар гужғон ўйнайди. Қўлда боқилган гоз, ўрдак, куркалар пат тўзонида сузади. Уфқда бўрсилдоқ нондан тикланган эҳрому қуббалар кўзга ташланади. Мураббодан ясалган мўъжазгина қалъани сут дарёси ювиб ўтган. Узоқда Пизано минорасига тенг

бодринг кўринади. Туз ва қалампир истехкомлари ортида шароб, ароқ, мусалласлар саф тортиб кетяпти. Нарзан ва лимонаддан, сим тўрвага солинган сифондан иборат мажруҳ алкогольсиз ичимликлар тўдаси энг орқада судралиб боради.

Хўш, анор юзли бу шахс аслида ким ўзи — мечкайми, ароқхўрми ё ширинхўрми? Дипсодлар қироли Гаргантюамикин? Паҳлавон Фосси ё? Афсонавий солдат Яшка қизил кўйлакми? Мабодо Лукулл эмасмикин?

Йўқ, бу Лукулл эмас. Бу Иван Иванович Сидоров ё бўлмаса Сидор Сидорович Иванов; ўзи ўртамиёна гражданин, жадвалда кўрсатилган нарсаларни бутун умри давомида ўртача тановул қилади. Калория ва витаминларни орқасидан қувмай, меъёрида истеъмол этувчи беозоргина сўққабаш, ёши қирқда, ўзи давлатга қарашли атторлик ва трикотаж дўкониди хизмат қилади.

Статистикадан қочиб қутулолмайсан. Тиш врачлари, колбаса дўконлари, шприц, қоровул, кинорежиссёр, фоҳиша, қамиш том, бева хотин, извошчи-ю, бутхона қўнғироғи у ёқда турсин, ҳатто мамлакатда қанча нафар статистика ходими борлигиям беш қўлдай маълум унга.

Фақат бир нарсани билмайди.

Статистика СССРда қанча стул борлигидан беҳабар.

Ваҳоланки стулнинг уруғи кўп. Охирги аҳоли рўйхатига қараганда иттифоқдош республикаларда бир юз қирқ уч миллион киши истиқомат қилар экан. Харрак, сўри ёки супачада, Шарқда эса қўсқин гилам ёки шолчада ўтиришга одатланган тўқсон миллион деҳқон чегириб ташланса, эллик миллион одам қолади. Булар уйида стул бўлмаса туролмайди. Ҳисоб-китобда андак чатоқлик кетган бўлиши мумкинлигини, иттифоқдаги айрим гражданинлар тагига биратўла иккита стул қўйиб ўтиришини эътиборга олиб, бу рақамни ҳар эҳтимолга қарши икки марта қисқартириб ташласак, мамлакатда камии билан йигирма олти ярим миллион стул нақд турганлиги маълум бўлади. Боринг, олти ярим миллиониям кетсин. Соф йигирма миллион қолдимми? Демак, энг камида шунча стул бор экан. Мана энди роман қаҳрамонлари баъзиси ёнғоқ, эман, шумтол, қайрағоч дарахтидан, Карелия оққайинию, қизил ёғочдан, яна бир хили арча билан қарағай таналаридан тарашланган тоғ-тоғ стул орасидан, Петухова хонимнинг дурри гавҳарларини чит

гулли қорнига яширган букри оёқ Гамбс стулини излаб топишлари керак.

Поезд аста Ока дарёсидан ўтиб, яна шитоб билан Москвага яқинлашиб келаётганида ширкатчилар тепадаги ўринларида ҳамон ухлаб ётишарди.

## XVI боб

### РОҲИБ БЕРТОЛЬД ШВАРЦ НОМИДАГИ ЕТОҚХОНА

Ипполит Матвеевич билан Остап ўзлари тушган қаттиқ вагонда, кўтармадан имиллаб қарағайзорларга туншаётган сигирларни, қишлоқлардаги тахтали, платформаларни томоша қилиб боришарди.

Сафар латифалари аллақачон тугаб бўлган. «Старгород ҳақиқати»нинг сешанба сони эълонларга қадар ўқиб бўлинган, ҳаммаёғи доғ-доғ бўлиб ётибди. Жўжалар, тухум ва зайтунларни еб битиришган.

Йўлнинг энг, толиқарли бўлаги бошланган — Москвага бир соат вақт қолган.

Сийрак ўрмончалару чакалакзорлар орасида дамбадам бежирим чорбоғлар липиллаб ўтади. Буларнинг ичида ойналари ярқираган айвони-ю, янги бўёқдан чиққан тунука томли ёғоч уйлар ҳам, деворидан шапалоқдай дарча очилган тахта кулбалар ҳам (чорбоғчиларни домига олгучи ҳақиқий тузоқ шу-да) учраб туради.

Йўловчилар бир нарсани қойил қиладиган одамдай олис томонларга нигоҳ ташлаб, Қалка бўйидаги жанг тўғрисида эшитган-билганларини, ёнига қўшиб-чатган ҳолда далил келтиришади-да, бир-бирларига Москванинг кечмиши-ю, ҳозиридан нақл қилишади. Ипполит Матвеевичнинг бўлса хаёли бўлак нарсада — у жиҳозлар музейини кўз олдига келтирмоқчи бўлади. Унинг назарида музей бош-кети йўқ узун йўлакдан иборат бўлиб, йўлакнинг ҳар икки томонида стуллар қатор саф тортиб турибди. Воробьянинов шу стуллар орасидан тез-тез ўтиб кетаётгандай бўлди.

— Жиҳоз музейи нима бўлиши номаълум ҳали. Ишимиз ўнгидан келармикин? — хавотирланиб сўради у.

— Электр билан бир даволансангиз бўлармиди, сардор. Тўйдан олдин ногора чалиб нима қиласиз. Узингиз-



ни ушлолмасангиз, тишни-тишга босинг, дамингиз чиқмасин.

Поезд стрелкаларни тақирлатиб ўтади. Поездни кўргач, семафорлар анграйишиб қолади. Катта темир йўл узели яқинлашиб қолгани учун излар сероблашади. Майса-ғиёҳлар йўқолиб, тошқолга навбат келади. Маневрчи паровозлар пишқиради. Стрелкачилар ҳуштак чалади. Бирдан шовқин кучаяди. Бўш составлар орасидаги йўлакка кирган поезд вагонлар ёнидан лип-лип қилиб ўта бошлади.

Излар яна бўлинди.

Поезд йўлкадан чиқиб олди. Офтоб чарақлади. Жажжи болтасимон стрелка фонуслари ерга қапишганича қолаверди. Тутун буруқсади. Паровоз пишиллаганича икки ёнига паға-паға буғ пуркади. Муюлишда қий-чув кўтарилди. Депочилар паровозни оғилга ҳайдаб киритмоқчи бўлишди.

Қаттиқ тормоздан поезднинг аъзойи бадани зирқираб кетди. Ҳамма ёқдан чийиллаган овоз тарқаб, Ипполит Матвеевич ўзини тиши оғриётганлар орасига тушиб қолгандай сизди. Поезд асфальт перронга ёндашди.

Бу — Москва эди. Бу — Москва вокзалларининг энг кўрками, энг навқирони — Рязань вокзали эди.

Москвадаги қолган саккизта вокзалнинг бирортасида ҳам Рязань вокзалидагидай бағри кенг, баланд иморатлар йўқ. Бутун бошли Ярославль вокзали — тепасида қўнқайиб турган сохта рус тожларию товуқ-повуғи билан Рязань вокзалининг биттагина буфет-ресторанига жо бўлиши мумкин.

Москва вокзаллари — шаҳар дарвозаларидир. Бу дарвозалардан ҳар куни ўттиз минг нафар йўловчи кириб чиқади. Оёғида таги каучукли пойабзал, эғнида эса голфбоп кийими билан (шалварнинг почаси қалин жун пайпоққа қистирилган) чет эллик меҳмон Александр вокзали орқали Москвага кириб келади. Қўй терисидан жигарранг телпак кийган кавказлик билан Волга бўйларидан келган пахмоқ соқол меҳмон Курск вокзалидан ўтишади. Чўчқа терисидан тикилган антиқа портфелни кўтариб, Октябрь вокзалидан ярим масъул ходим кириб келади. Бир нималарни келишиб олиш, ҳал этиш ва амалга ошириш илинжида у Ленинграддан йўлга чиққан. Киев ва Одесса вакиллари пойтахтга Брянск вокзалидан липиллаб киришадн. Киевликлар Тихон

жланглиги станциясини кўрибоқ мийиғида кулиб қўяди. Зотан дунёда Қрешчатикка тенг келадиган кўча йўқлигини улар жуда яхши билишади-да.

Одессаликлар япасқи қутиларга дудланган скумбрия балиғини жойлаб, ҳар хил саватлар кўтариб олишган. Ер юзидаги энг кўркем кўча қайси десангиз улар дарров айтиб беришади. Лекин улар, албатта, Қрешчатикни эмас, балки Лассель кўчасини, илгариги Дерибаса кўчасини тилга олишади. Саратов, Аткарск, Тамбов, Ртишчев ва Қозлов томонлардан Москвага одамлар Павелецк вокзали орқали келишади. Москвадаги вокзалларнинг ичида тинчроғи Савелов вокзали ҳисобланади. Талдомлик бошмоқчилар, Дмитров шаҳрининг табаалари, Яхромадаги газлама корхоналарининг ишчилари ёқи бўлмаса қишин-ёзин Хлебниково станциясидаги маконидан айрилмайдиган эринчоқ чорбоғчилар шу вокзални обод қилишади. Йўл ҳам унчалик узоқ эмас; жуда кўп юрдим, деган одам узоғи билан юз ўттиз чақирим йўл босади. Владивосток, Хабаровск, Чита сингари узоқ ва йирик шаҳарлардан сафарга чиққан одамлар пойтахтга Ярославль вокзалидан кириб келишади.

Бироқ йўловчиларнинг ғаройиблиги жиҳатидан ҳаммаси Рязань вокзалидан ўтаверсин. Бу ерда оппоқ салла ўраб, анвойи тўн кийган ўзбекларни, қизил соқолли тожикларни, туркманларни, киевлик ва бухороликларни кўриш мумкин. Буларнинг республикалари узра қуёш абадий нур сочиб турибди.

Ҳамтовоқлар бир амаллаб Қаланча майдонига чиқиб олишди. Унг томонда Ярославль вокзали тепасидаги товуқчалар кўринди. Нақ рўпарада мойли бўёқ билан икки хил рангга бўялган Октябрь вокзали хира тортиброқ намоён бўлди. Соатига қарашса, ўндан беш минут ўтибди. Ярославль вокзалидаги соат роппа-роса ўн. Иккала сайёҳ Рязань вокзалининг тепасига қараб, ўн икки бурж тасвири туширилган нафармон соатни кўришсаки, вақт беш минута кам ўн.

— Қизларга ваъда берадиган жой экан!— деб қўйди Остап.— Ўн минут сийлови бор, кечиксанг гап тегмайди.

Извошчи ўпич олгандай лабларини чўлпиллатиб қўйди. Сайёҳлар кўприк тагидан ўтишлари билан кўз ўнгларида пойтахт шаҳарнинг улуғвор манзараси намоён бўлди.

— Қаёққа кетяпмиз ўзи?— деб сўради Ипполит Матвеевич.

— Яхши одамларнинг олдига,— жавоб берди Остап,— Москвада бунақа одамларнинг сдн-саноғи йўқ. Ҳаммаси менинг қадрдонларим.

→ Ушаларникига тушамизми?

— Ётоқхона у. Бири бўлмаса, бошқаси бор, жой топилади.

Охотний рядда тўс-тўполон экан. Рухсатнома олмаган олибсотарлар саватини бошига қўйиб, товукдай тум-тарақай қочяпти. Бир милиционер лапанглаганича хў-жакўрсинга қувиб кетяпти. Асфальт биқирлаб турган қозонни ўраб олган боқимсиз болалар мазза қилиб қайноқ мумни ҳидлаб ўтиришибди.

Извош Арбат майдонига етгач, Пречистенский бульваридан ўтиб ўнгга бурилди-да, Сивцевий Вражек деган жойда тўхтади.

— Қанақа жой бу?— деб сўради Ипполит Матвеевич.

Остап пастак болохонали пуштиранг бинога бир қараб қўйгач:

— Роҳиб Бертольд Шварц номидаги кимёгар студентлар ётоқхонаси шу бўлади,— деб жавоб берди.

— Наҳотки роҳибнинг номида бўлса?

— Ҳазил, ҳазил. Семашко номига қўйилган.

Москвадаги одми ётоқхоналарнинг ҳаммасида ахвол бир хил. Кимёгар студентларнинг уйи ҳам шулар қатори. Бу ерда кўпдан бери кимё кўчасидан ўтмаган одамлар туришади. Студентлар тўзғиб кетган. Уларнинг бир қисми ўқишини битириб, иш жойига кетган бўлса, яна бир тоифаси ўқувсизлиги учун институтдан ҳайдалган. Шу тоифа вакиллари, йилдан-йилга улғайиб пуштиранг уйни бегона йўламайдиган мустаҳкам қўрғонга айлантиришади. Янги студентлар ётоқхонага жойлашаман, деб обдан уриниб кўришади. Аммо собиқ кимёгарлар бутун ҳунарларини ишга солиб, уйга кўз олайтирган ганимларни даф қилишади. Шундан кейин бу бино билан ҳеч кимнинг иши бўлмай қолади. У якка тартибда, рухсатсиз қурилганга чиқарилиб, МУНИ<sup>1</sup> рўйхатларидан ўчириб ташланади. Қарабсизки, бунақа бинонинг ўзи йўқ. Ваҳоланки, у аслида мавжуд, ичида бемалол одамлар яшаб келяпти.

<sup>1</sup> МУНИ. (Московское управление недвижимыми имуществами) — Москва кўчмас мулклар бошқармаси.

Ҳамтовоқлар зинадан иккинчи қаватга кўтарилиб, қоп-қоронғи йўлакка бурилишди.

— Нур ва ҳаво,— деди Остап.

Тўсатдан Ипполит Матвеевичнинг шундоққина биқинида кимдир пишиллаб қолди.

— Қўрқманг,— деди далда бериб Остап,— йўлакда эмас, деворнинг нарёғида. Физикадан маълум, фанер овозни яхши ўтказади. Эҳтиёт бўлинг! Орқамдан юринг. Шу ўртада пўлат сандиқ бўлиши керак.

Шу ондаёқ кўкраги темир қиррага қаттиқ урилиб, Воробьянинов чирқиллаб қолди. Сандиқ чиндан ҳам шу атрофда эканлиги маълум бўлди.

— Ҳа, қаттиқ тегдими?— деб сўради Остап.— Буни-си ҳолва ҳали. Эт-бетингиз кўкаради, холос. Илгариги руҳий азобларни кўрсангиз эди. Вой-вой-вой. Манави ерда скелет турарди, Ивановуло деган студентнинг хусусий мулки. Сухаревкадаги чайқов бозоридан сотиб олган. Олишга олгану, лекин уйда ушлашга қўрқарди. Натижада келган меҳмонлар олдин сандиққа урилиб, кейин скелетнинг тагида қоларди. Ҳомиладор хотинлар бундан қаттиқ норози эди.

Ҳамтовоқлар бурама зина орқали болохонага чиқишди. Юқоридаги битта катта хона эни икки газча келадиган майда-чуйда каталакка бўлиниб, фанер билан тўсилган эди. Бу каталаклар худди қаламдонга ўхшарди. Фарқи шундаки, бу хоналарда қалам билан ручкадан ташқари одамлар ва примуслар ҳам бор эди.

— Коля, уйдамансан?— секингина сўради Остап ўртадаги эшикка яқинлашиб.

Бешала қаламдонга жон кириб, ғала-ғовур бошланди.

— Уйда,— деган жавоб келди ичкаридан.

Чап томондаги энг охириги қаламдондан хотин кишининг пичирлаган овози эшитилди:

— Қаллайи саҳардан яна меҳмони келди бу овсарни!

— Ухлагани қўясизларми, йўқми?— тўнғиллади 2-сон қаламдон.

Учинчи қаламдондагилар хурсанд чирқиллади:

— Колькага милиция келди. Кеча ойнани синдиргани учун.

Бешинчи қаламдондан садо чиқмади. У ердагилар примусни вағиллатиб, ўпишиш билан банд эди.

Остап бир тегиб эшикни очди. Фанер хонадон ларзага келди. Хазинатопарлар Кольканинг каталагига қиришди. Шу чоғ Остапнинг кўз ўнгида сирдан қараганда беғубор, аслида эса ғоят даҳшатли бир манзара намоён бўлди. Хона ичи шипшидам, тагига тўртта ғишт қаланган йўл-йўл қизил тўшакдан бўлак ҳеч вақо йўқ. Остап Кольканинг уйида нима бору нима йўқлигини яхши билди, шунинг учун уни таажжубга солган нарса бу эмас. Тўшакда оёғини чалиштириб ўтирган Колькани кўриб ҳам сира ҳайрон бўлмади. Лекин унинг ёнидаги моҳипайкарга кўзи тушиши биланоқ Остапнинг дили бузилиб кетди. Бунақа жононлар шунчаки таниш-билишликка увол кетади, уларнинг кўм-кўк кўзлари, оппоқ бўйинлари бор. Булар фақат маъшуқаликка ёки бўлмаса, чатоғиям шундаки, хотинликка ярайди. Бунақалар суюкли хотин бўлади. Дарҳақиқат, Коля бу моҳипайкарни Лиза деб чақирар, сенсирар, икки бармоғини боши узра шох қилиб, кулдириб ўтирарди.

Ипполит Матвеевич мовут шляпасини бошидан олди. Остап Коляни йўлакка имлаб чақирди. Иккови йўлакда анчагача пичирлашиб туришди.

— Ҳавонинг ажойиблигини қаранг, хоним,— деди Ипполит Матвеевич.

Кўк кўз хоним шарақлаб кулди-да, Ипполит Матвеевичнинг гапига сираям алоқаси бўлмаган ҳолда қўшни қаламдондаги тентаклардан сўз очди.

— Атайлаб примус ёқиб қўйишади, ўпишса эшитилмас эмиш. Мен сизга айтсам, ғирт бемаънилик бу. Ҳаммасини эшитиб турамиз. Тўғриси айтсам, примус ўзларига халақит беради, ҳеч балони эшитишмайди. Ҳозир исботлаб берайми? Мана, кўринг!

Колянинг рафиқаси примус сирини қанчалик ўзлаштириб олганини дарҳол исботламоқчи бўлиб:

— Зверевлар аҳмоқ!— деб чинқирди.

Девор нарёгидан примуснинг оташ пуркагани-ю, лабларнинг чўлпиллагани эшитилди.

— Кўрдингизми? Ҳеч балони эшитишмайди, Зверевлар аҳмоқ, овсар, жинни. Ана, кўрдингизми!..

— Ҳа, кўрдим,— деб жавоб берди Ипполит Матвеевич.

— Биз бўлсак примус тутмаймиз. Нима кераги бор? Узим гўштсиз овқатни ёқтирмасам ҳам Коля икковимиз нуқул этемаслар ошхонасига бориб овқатланамиз. Оила

қурганимизда Коля шунақа ошхонага бирга қатнаймиз, деб орзу қилган эди. Мана энди ҳар куни борамиз. Узим этни жудаям яхши кўраман. У ерда бўлса хамирдан котлет қилишади. Лекин, илтимос, Коляга гапириб ўтирманг буни...

Шу пайт Коля билан Остап иккови кириб келишди.

— Ҳа, майли, сеникида ҳечам иложи бўлмаса, Пантелейникига борамиз.

— Тўғри фикр, йигитлар!— деб қичқирди Коля.— Ивановулонинг олдига бораверинглар. Михдай бола.

— Келиб туринглар,— деди Колянинг хотини,— эрхотин хизматда бўламиз.

— Яна меҳмон чақиришяпти!— деди чапдан энг охирги қаламдон хуноб бўлиб.— Нуқул меҳмон, меҳмон!

— Сенларнинг нима ишинг бор, аҳмоқлар, овсарлар, жиннилар!— деб ёпиштирди Колянинг хотини овозини псайтириб.

— Эшитяпсанми, Иван Андреевич,— деди жиғибийрон бўлиб энг охирги қаламдон,— хотинингни ҳақорат қилишсаям миқ этмайсан-а.

Бўлак қаламдонлардаги ғалвачилар ҳам гапга аралашди. Даҳанаки жанг қизиб кетди. Ҳамтовоқлар пастга, Ивановулонинг олдига тушишди.

Студент уйда йўқ экан. Ипполит Матвеевич гугурт чақди. Эшикка қистирилган хатни ўқишди: «Соат 9 гача келаман. Пантелей».

— Зарари йўқ,— деди Остап,— калит қаердалигини биламан.

У пўлат сандиқнинг тагини пайпаслаб калитни топди-да, эшикни очди.

Ивановулонинг ҳужраси Коляникига айнан ўхшасаям, бурчакда бўлгани учун деворининг бир томони ғиштин эди. Студент бунга ниҳоятда хурсанд эди. Ипполит Матвеевич студентнинг уйда ҳатто тўшак ҳам йўқлигини айтиб, афсус билдирди.

— Бемалол сиғишамиз,— деди Остап,— Москва шароитида бунақа зўр жой топиш қийин. Учовимиз ерда ётсақ, яна бир кишилик жой ҳам қолади. Лекин Пантелей ғирт итвачча экан. Қизик, тўшакни нима қилдикин-а?

Хона деразаси тор кўчага қараган экан. Кўчада милиционер юрибди. Рўпарада, готик услубда минора шаклида қурилган уйчада тариқдай бир давлатнинг элчихо-

наси жойлашган. Темир панжара ортида теннис ўйнаш-  
япти. Оппоқ копток ўртада сарсон. Узуқ-юлуқ гаплар  
эшитилади.

— Аут,— деди Остап,— ўйин савияси пастроқ экан.  
Қани, бир дам олайлик бўлмаса.

Ҳамтовоқлар полга газета тўшашиди. Ипполит Матве-  
евич доим ёнида юрадиган шапарак болишини олди.

Остап телеграммалар устига чўзилиб пинакка кет-  
ди. Ипполит Матвеевич аллақачон данг қотиб ухлаб  
қолган эди.

## XVII боб

### ТУШАКНИ АРДОҚЛАНГ, ГРАЖДАНЛАР!

— Лиза, овқатга кетдикми?

— Егим келмаяпти. Қеча овқатландим-ку.

— Гапингга тушунолмадим.

— Елғондакам қуён гўшти жонимга тегди.

— Бу нима бемаънилик!

— Сабзавот сосискани кўрсам, кўнглим айнийди.

— Бугун шарлотка<sup>1</sup> ерсан.

— Буниям егим йўқ.

— Секинроқ гапир. Ҳамма эшитяпти.

Еш келин-куёв асабий ҳолда шивир-шивирга ўтишди,  
Орадан икки дақиқа ўтмаган ҳам эдики, севган ёри  
сабзи, картошка ҳамда нўхат солиб тайёрланган сосис-  
кани ўзичалик хуш кўрмаслиги уч ойлик куёв бўлмиш  
Коляга бугун биринчи марта аён бўлди.

— Бундан чиқди, сенга парҳез овқатдан кўра ит  
гўшти маъқул экан-да?— деб бақирди жаҳл устида Ко-  
ля қулоғи диккайган қўшниларигаям парво қилмай.

— Секинроқ бақир!— ундан баттар чинқириб деди  
Лиза.— Яна мени назар-писанд қилмайсан. Ҳа! Гўшт  
егим келади! Баъзан. Бунинг нимаси ёмон?

Колянинг ҳайратдан оғзи очилиб қолди. Бунақа бў-  
лишини у кутмаган эди. Гўшт дегани рўзгор пулига кат-  
та рахна солиши мумкин. Икки юзи ловиллаган Лиза  
тўшакда гўжанақ бўлиб ўтирар, қирчиллама куёв эса  
унинг атрофида юриб, астойдил ҳисоб-китоб қиларди.

Коля Качалов «Технокуч» чизмачилик бюросида қан-

<sup>1</sup> Шарлотка — гўшт ўрнига олма солиб пиширилган сомса.

чалик жонини жабборга бериб шаффоф қоғозда нусха кўчирмасин, кўпи билан бир ойда қирқ сўм туширарди. Уйга ижара ҳақи тўлашмайди. Зотан бу чекка қўрғонда уй-жой бошқармаси деган нарса бўлмагани учун ижара ҳақи мавҳум тушунча бўлиб қолган. Лиза қурилиш техникумига тенг имтиёзли бичиш-тикиш курсида ўқигани учун ойига ўн сўм беришади. «Ўғирлама» деб аталган вегетариан ошхонасида иккови ҳар куни ҳалол тенг иккига бўлиб ейдиган тушлик овқат (монастирча боршчдан иборат битта биринчи-ю, ёлгондакам қуён ёхуд рос-такам угра деб номланган битта иккинчи таом) рўзғордан ойига ўн уч сўм пулни ўмариб қолади. Хўш, қолган пул қани? Коляни диққат қилган нарсаям шу. «Қаёққа кетяпти шунча пул?»— дейди хаёл суриб қўлидаги рейс-федер билан ҳаворанг қоғоз бетига узунасига ингичка чизиқ тортар экан. Бунақада гўштхўрлик оилани адои тамом қилади-я. Шунга кўра Коля қизишиб гапира кетди:

— Бу қанақа гап, ўлган жониворларнинг жасадини хомталаш қилишади-я! Маданий одамхўрликнинг ўзи-ку! Жамики қасаллик гўштан бошланади.

— Нимасини айтасан,— луқма ташлади Лиза аста киноя қилиб,— масалан, томоқ оғриғиям.

— Ҳа, ҳа, томоқ оғриғиям. Шуниям билмайсанми? Нукул гўшт истеъмол қилган организм заифлашиб, макруҳ зотига бас келолмай қолади.

— Қандай бемаънилик!

— Бемаънилик эмиш-а. Ғирт бемаъни деб кўпроқ витамин ейиш ўрнига бўлар-бўлмас нарсани қоринга тикқан одамга айтилади.

Коля бирдан жимиб қолди. Маза-матрасиз, чучмал угралар, бўтқаю картошкали хўрақлар секин-аста ғойиб бўлиб, кўз ўнгида чўчка гўштидан қилинган билқиллама котлет намоён бўлди. Котлет ҳозиргина товадан тушгандай жизиллаб, кўпириб, ажиб ҳид таратиб турарди. Котлетга тикилган устухон рақибнинг қўлидаги тўппончага ўхшаб кураш майдонига даъват қиларди.

— Тушунсанг-чи, ахир,— деди жон ҳолатда бўғилиб Коля,— аллақандай чўчка котлети бир ҳафталик умрининг заволи-я!

— Нима бўпти!— деб жавоб берди Лиза.— Ёлгондакам қуёни ярим йил умрни қақшатади. Кеча сабзи жаркоп еб ўтирганимизда бирам ёмон бўлдимки. Сенга айтмай қўя қолдим.



— Нега айтмас экансан?  
— Мажолим келмади. Сал қолди йиглаб юборишим-га, шундан қўрқдим.

— Энди қўрқмайсанми?

— Энди менга барибир.

Лиза пиқиллаб, йиғлай бошлади.

— Лев Толстой ҳам гўшт емаган,— деди Коля овози қалтираб.

— Шунақами,— жавоб берди Лиза ҳиқиллаб,— граф сарсабил еб турган.

— Сарсабил қаёқда-ю, гўшт қаёқда.

— «Уруш ва тинчлик»ни ёзаётганида-чи? Гўшт еган! Еган, еган, еган! «Анна Каренина»ни ёзаётганидаям гўштни паққос урган, урган, урган!

— Учир овозингни!

— Урган дедим, урган! Урган!

— Хўш, «Крейцер сонатаси»ни ёзаётганида-чи, унда-ям урганми гўштни?— заҳарханда билан сўради Коля.

— «Крейцер сонатаси» кичкина нарса. Қарам сосискадан боши чиқмай, «Уруш ва тинчлик»ни ёзиб кўрсин-чи!

— Уша Толстойнинг билан намунча менга осилиб қолдинг?

— Толстой билан осилиб қолдимми сенга? Мен-а? Сизга осилиб қолдикми ҳали?

Коля ҳам уни сизлашга ўтди. Қўшни қаламдондагилар суюниб кетгани овозидан маълум бўлди. Лиза қўлда тўқилган ҳаворанг қалпоқчасини бостириб кийиб олди.

— Қаёққа кетяпсан?

— Гапирма менга. Ишим бор!

Лиза югуриб чиқиб кетди.

«Қаёққа бориши мумкин?»—кўнглидан ўтказди Коля. Кейин қўшниларга қулоқ солиб турди.

— Хотин зотини эрка қилиб юборди-да, Совет ҳокимияти,— деган овоз келди чапдан охириги қаламдондан.

— Узини сувга ташлайди!— фикр билдирди учинчи қаламдон.

Бешинчи қаламдон примусини ёқиб, кундалик куйманчигини — ўпишишни бошлади.

Лиза ўпкаси тўлиб кўчада чопқиллаб борарди.

Якшанба кунининг худди шу палласида бозордан матрац олган бахтиёрлар Арбатдан ўтади.

Пружинали матрацнинг асосий харидорлари келин-куёвлару ўртаҳол совет кишилари. Улар матрацни тик кўтариб, қучоқлаб ўтишади. Бахт-саодат ваъда қилган, жимжима гулли, ҳаворанг матрацни ким ҳам бағрига босмайди, дейсиз!

Гражданлар! Ҳам ҳаворанг, ҳам гулдор, ҳам пружина-наси бор матрацларни эъзозланг! Оиланинг гули, анжомнинг сараси, уйнинг ҳусни, муҳаббат чашмаси, при-мус падари шу матрац бўлади! Танти пружиналари ғижирлаб турганда ухлашга нима етсин! Мовий тўшакда ётганда одамнинг тушига нималар кирмайди, дейсиз! Матрац эгаларига тасанно айтамыз!

Матрацсиз одам ипирисқига ўхшайди. Унинг боридан йўғи яхши. Солиқ тўламаса, хотин олмаган бўлса, таниш-билишлари «чоршанбагача» қарз бериб турмаса, такси шофёрлари орқасидан сўкиб қолса, қизлар «хаёл-параст экан» деб майна қилса, шу ҳам тирикчилик бўл-дими.

Матрацсиз одам кўпинча шеър ёзади:

Буре соат деворда, термиламан маҳлиё,  
Қорда ўйнар зағчалар армоним олиб гўё.

У телеграмма юбормоқчи бўлиб келган серташвиш матрац соҳибларининг гашига тегиб, нақ телеграф кон-торкаси орқасида ўтириб ижод қилади.

Матрац — умрнинг эгови. Унинг авра-астари-ю, пружиналарида шундай жозибадор куч борки, буни ҳали ҳеч ким тагига етолган эмас. Пружиналаридан ҳар овоз чиққанида одамлару буюмлар югуриб келишади. Молия вакили билан қизлар ҳамиша ҳозир у нозир. Улар матрац соҳиблари билан дўстона алоқа ўрнатмоқчи бўлишади. Молния вакили давлат манфаатини, яъни хазинани ўйлаб бу ишга қўл урса, қизларнинг мақсади беғараз бўлади, улар табиат қонунларига амал қилиб келишади.

Ешлик чечак ёзади. Солиғини ундирган молия ваки-ли кўклам гулларидан пора олган асаларидай шодон визиллаб, бириктирилган уяси томон қанот қоқади. Орқага чекинган қизларнинг ўрнини хотини эгаллаб, уйда «Ювель — № 1» примуси пайдо бўлади.

Матрац худди юхога ўхшайди. Доим унинг нафсига уриб туриш керак. Кечалари томдан тушган тарашадай бехос тиқирлаб кетади. Унга ҳали китоб жавони керак.

Унга ҳали оёқлари бесўнақай стол керак. Пружина ишга тушган сари у дераза парда, эшик парда, идиш-товоқ талаб қилаверади. У одам боласини ўз ҳолига қўймайди, ҳадеб:

— Бор! Кир тахта билан жўва олиб кел!

— Одам ҳам шунақа бўладими? Ҳалигача гиламинг йўғ-а?

— Ишла! Яқинда бола-чақали бўласан! Болага йўр-гак керак, аравача керак, пул топ,— деб буйруқ бераверади.

Матрацнинг хотираси зўр, нима қилишиниям ўзи яхши билади.

Ҳатто шоир ҳам кўпчиликнинг бошига тушган қисматдан қутулиб қололмайди. Мана, шўрлик шоир бозордан матрац кўтариб келяпти. Жон ҳолатда унинг юмшоқ қорнини бағрига босган.

— Кўпам тихирлик қилаверма, шоир!— дейди матрац.— Энди телеграфга бориб шеър ёзмайсан. Умуман, шеър-пеърнинг нима кераги бор? Одамларга ўхшаб ишла сен ҳам! Кирил-чиқимдан қолгани ўзингга фойда. Хотинингни, бола-чақангни ўйласанг бўлмайдами.

— Уйланмаганман-ку ахир!— деб чинқиради шоир пружинали устозидан ҳуркиб.

— Уйланмаган бўлсанг, уйланасан. Дунёдаги энг кўҳлик қизни оласан, деб ваъда беролмайман. Феъл-атвори қанақа бўлади, униям билмайман. Пешонангдан кўрасан. Ували-жували бўласан.

— Болага тоқатим йўқ!

— Кўникиб кетасан!

— Мени қўрқитвордингиз-ку, гражданин матрац!

— Жим, аҳмоқ! Кўпам хомлик қилаверма! Ҳали сен Мосдревдан<sup>1</sup> насыяга жиҳоз оласан-а, биласанми шуни?

— Сени нобуд қиламан, матрац!

— Гўдак! Агар шу ишни қиладиган бўлсанг, қўшниларинг дарҳол уй-жой бошқармасига етказишади.

Ана шу тарзда ҳар якшанба кунини бахтиёр одамлар қувноқ матрац садолари остида Москва бўйлаб елиб-югуришади.

Москванинг якшанба кунларини безаб турган нарса фақат шу эмас, албатта. Якшанба — музейлар кунини.

<sup>1</sup> Мосдрев (Объединение предприятий деревообрабатывающей промышленности Московской губернии)— Москва губернияси ёғочсозлик саноати корхоналари бирлашмаси.

Москвада бир хил тоифадаги одамлар бор. Улар рас- сомчилик нималигини билишмайди, меъморчилик билан қизиқишмайди, осори атиқаларга қайрилиб қарашмайди. Бу тоифадаги одамларни музейнинг ўзи эмас, унинг чиройли биноси қизиқтиради. Улар чароғон залларда ҳузур қилиб кезишади, нақшинкор шифтларига ҳавас билан тикилишади, қўл теккизиш мумкин бўлмаган нарсаларни пайпаслаб кўришади-да, нуқул:

— Эҳ! Роса яшашни билган-да, одамлар!— деб оҳ уришади.

Деворларни бунчалик чиройли қилиб безаган рассом француз Пюви де Шаванн эканлиги билан уларнинг иши йўқ. Шу уйнинг собиқ хўжайини бунга қанча пул тўлаганини билишса, бас. Улар зинадан кўтарилиб, очиқ саҳналарга қўйилган мрамор ҳайкалчалар ёнидан ўтишаётганда шу ерда қанча хизматкор турганини, буларнинг ҳар бири қанча маош олиб, қанча чойчақа ишлаши мумкинлигини дарров хомчўт қилиб чиқишади. Уй ичидаги камин ўчоқ сопол чинни билан жилоланган, лекин бу билан ишлари йўқ, камин дегани серхарж нарса экан, ўтин кўп кетаркан, деб ўтиб кетаверишади. Улар емакхонадаги эман панелларга, чиройли нақшларга қиё боқишмайди. Уйнинг эгаси қайақа таомлар тановул қилганикин, ҳозирги беварака пулга чаққанда бу қанча бўларкин, деган фикр мияларида тинмай чарх уради.

Бунақа одамларни истаган музейдан топиш мумкин. Экскурсиячилар биридан иккинчисига ўтиб, музейдаги ажабтовур мўъжизаларни томоша қилар экан, бу тоифадаги одам залнинг ўртасида бефарқ қаққайганича:

— Эҳ! Роса яшашни билган-да, одамлар!— дея пўнғиллаб зорланади.

Лиза алам ёшларини ичига ютиб, кўчада чопқиллаб борарди. Ҳар хил хаёллар уни санжобга олган эди. У ўзининг бахтли ва қашшоқ ҳаётини ўйларди.

«Борди-ю, яна битта стол билан иккита стул олганимизда зўр бўларди-да. Примус ҳам керак рўзғорга, турмушни йўлга қўйиш керак бир амаллаб».

Коля билан уришгани лоп этиб эсига тушди-ю, қаддини секинлатди. Бундан ташқари қорниям очиқиб кетган эди. Бирдан эри кўзига хунук кўриниб кетди.

— Утакетган бемаънилик бу!— деди у овозини чиқариб.

Қорни баттар таталаб кетди.

— Яхши, яхши. Нима қилишни ўзим биламан.

Лиза кўчада савдо қилиб ўтирган аёлдан шартта бир дона колбасали бутерброд сотиб олди. Нафси ҳакалак отаётганига қарамай кўчада овқат ейишга ийманди. Ҳар қалай у матрац соҳибаси, турмушнинг баланд-пастини яхши билади-да. Лиза орқасига бир қараб олгач, икки қаватли бинонинг дарвозахонасига ўтди. Кейин зўр иш-таҳа билан бутербродни ейишга тушди. Қолбаса қойилмақом экан. Бир гала экскурсиячилар дарвозахонага киришди. Улар ўтиб кета туриб, Лизага қараб қўйишди.

«Қараса қарайвермайдими!»— ўзича деди Лиза аламзадалик билан.

## XVIII боб

### ЖИҲОЗЛАР МУЗЕИИ

Лиза рўмолчаси билан оғзини артгач, кофтасидаги увоқларни қоқиб ташлади. Кайфияти анча тетиклашган эди. Ўзи эса:

ЖИҲОЗ МАҲОРАТИ МУЗЕИИ
-----------------------

деган ёзувнинг олдида турарди.

Уйга қайтишни эп кўрмади. Бировникига бораё деса, таниш-билиши йўқ. Ёнида йигирма тийин пули бор. Шу тариқа Лиза мустақил ҳаётни музейдан бошлашга жазм қилди. Пулини пайпаслаб кўргач, вестибюлга қадам қўйди. Вестибюлга кириши билан исқирт соқолли бир одамга дуч келди. Бу одам яшил тош билан сирланган устунга олайиб қарар ва мўйлови тагидан ўқтин-ўқтин:

— Хўп бойлар ўтган-да!— деб гудраниб қўярди.

Лиза меҳр билан устунга бир қараб олгач, юқорига чиқди.

Шифти ниҳоятда паст бўлгани учун ҳар қандай одам-ниям девдай баланд қилиб кўрсатувчи мўъжаз хоналарда Лиза ўн дақиқача айланиб юрди.

Хоналар ҳайбатли ампир услубида безатилган, ноёб дарахт ёғочи-ю, Карелия оққайинидан ишланган жиҳозлар содда, кўркам, айни пайтда жангари. Ёзув столининг рўпарасида иккита чорқирра шкаф. Шкафнинг ой-

нали эшиклариди найзалар кесишиб турибди. Столнинг эса ҳадди-худуди йўқдай. Ёнида ўтирган одам нақ театр майдонини рўпарасида кўриб тургандай бўлади. Қолаверса, майдондаги Большой театр ўзининг баҳайбат устунлари ҳамда Апполонни «Лолақизғалдоқ» премьерасига судраб кетаётган икки жуфт бронза тойчоғи билан стол устидаги ёзув қуролларига ўхшаб кетади. Сабзини қуён гўшти ўрнида кўриб юрган Лизага шундай туюлган бўлиши ҳам мумкин. Девор тагига баланд суюнчиқли курсилар қўйилган бўлиб, суюнчиғининг тепаси худди қўчқорнинг шохига ўхшаб қайрилган. Курсиларнинг шафтоли жилдида нур ўйнайди.

Қанийди шунақа курсига ўтириб, бир роҳат қилсанг, Лекин ўтириш ман қилинган-да.

Лиза ҳайбатли амбир услубидаги бу ажойиб курсини хаёлан йўл-йўл қизил тўшаги билан солиштириб, икковини ёнма-ён қўйди. Иккови йиғлаб кўришгандай бўлди. Шундан кейин у девордаги тахтачадан ҳайбатли амбир услуби ҳақидаги илмий ва гоёвий изоҳларни ўқиб олгач, шу саройдан Коля иккаласига биттаям хона насиб қилмаганига ич-ичидан афсусланиб, нари кетди. Қутилмаганда у йўлакка чиқиб қолди.

Чап томонида ер бағирлаб ўрнатилган пастак, ярим доира деразалар кўринди. Ойнадан синчиклаб разм солган эди, пастда, оёғининг тагида деворига икки қатор дераза ўрнатилган, баланд устунли кенгина зал уй намоён бўлди. Бу зал уйдаям жиҳозлар бор экан. Томошабинлар айланиб юришибди. Лиза тўхтаб қолди. У шу пайтгача бирор марта оёғининг тагида зал уй кўрмаган эди.

Ҳам энтикиб, ҳам ҳайрон бўлиб, анчагача пастга тикилиб турди. Шу пайт у одамлар орасида бугунги табишларини — Бендер билан унинг ўртоғини, ўша сипогина калбош чолни кўриб қолди. Иккови курсилар ёнидан ўтиб каттакон ёзув столи томон кетишаётган экан.

— Жуда яхши бўлди-да! — деб юборди Лиза. — Ёлғиз ўзим зерикмайдиган бўлдим.

Азбаройи суюниб кетганидан пастга қараб югурди. Шу заҳотиёқ адашиб қолди. У қирқтача ашё қўйилган пурвиқор меҳмонхонадан чиқиб қолди. Букри оёқ жиҳозларнинг ҳаммаси ёнғоқдан ишланган эди. Меҳмонхонадан чиқадиган жой кўринмади. Лиза яна орқасига қайтиб, гумбаз нусха хонадан ўтишга мажбур бўлди.

Бу хонанинг деразалари шифтга яқин қурилган бўлиб, буюмлари фақат гулдор болишлардан иборатга ўхшаб туюларди.

У италян Уйғониш давридаги зарбоф курсилар, голланд шкафлари, готик услубда ишланган, қора бурама устунларга ўрнатилган тахтиравонли каравотлар (бунинг ичига тушиб ётган одам чумолидай кўринмай кетса керак) ёнидан чопқиллаб ўтди.

Ниҳоят, унинг қулоғига экскурсиячиларнинг ғалаговури эшитилди. Улар раҳбарларини бепарво тинглашар, марҳум император Екатерина II нинг Луи-Сез услубидаги жиҳозларга кўнгил қўйиб, импералистик мақсадларини ошкор қилгани ҳақида куйиб-пишиб айтётган ачиқ гаплари у қулоқларидан кириб, бу қулоқларидан чиқиб кетарди.

Деворига икки қатор дераза ўрнатилган бояги кенг зал уй шу эди. Лиза уйнинг нариги бурчагига ўтиб, калбош ҳамроҳи билан қизғин суҳбатлашиб турган танишига — ўртоқ Бендерга яқинлашди.

Лизанинг қулоғига янгроқ овоз чалинди:

— Бопта жиҳозлар экан. Лекин бизбопи булар бўлмаса керак.

— Шундай, ҳар ҳолда бошқа заллар ҳам борга ўхшайди. Ҳаммасини бир бошдан кўриб чиқишимиз керак.

— Яхшимисизлар,— деди Лиза.

Иккови қайрилиб қарашди-ю, дарҳол афтлари бужмайиб кетди.

— Яхшимисиз, ўртоқ Бендер. Сизларни учратганим яхши бўлди. Бир ўзим зерикиб кетдим. Биргалашиб кўрайлик.

Хазинатопарлар бир-бирига қараб қўйди. Гарчи жавоҳирли стулларни излаб топишдек мушкул масалада Лиза ишнинг белига тегиши мумкинлигини тушуниб турган бўлса ҳам Ипполит Матвеевич қоматини ростлади.

— Биз-ку, ғирт қишлоқилармиз-а,— деди Бендер гижиниб,— сиздек Москва одамини нима жин урди?

— Тасодифан кириб қолдим. Коля билан ўришдик.

— Шунақа денг?— луқма ташлади Ипполит Матвеевич.

— Кетдик бу ердан,— деди Остап.

— Мен ҳали ичини кўрганим йўқ-ку. Жудаям чиройли экан,— эътироз билдирди Лиза.

— Бошланди!— деди Остап Ипполит Матвеевичнинг қулоғига шивирлаб. Кейин Лизага қараб, қўшиб қўйди:— Бу ерда кўрадиган нарсанинг ўзи йўқ. Инқироз даврига хос услуб. Керенский даври.

— Қаердадир шу ўртада уста Гамбснинг жиҳозлари бор, деб эшитувдим,— сўз қотди Ипполит Матвеевич,— ўша ёққа бора қолайлик.

Лиза розилик билдириб, Воробьяниновни қўлтигидан олди-да (унинг назарида Воробьянинов ёқимтой илм одамига ўхшаб кетарди), эшикка қараб юрди. Гарчи ваъзият оғирлашган, хазинани қўлга киритиш масаласида энг нозик пайт бошланган бўлишига қарамай, Остап буларнинг қўлтиқлашиб кетаётганини кўриб, шўх кулди. Ошиқ ролига кирган пандавақилар сардори унинг кулгисини қистатган эди.

Лиза ҳамтовоқларга қаттиқ халақит бераётган эди. Улар бирор хонага кирибоқ керакли жиҳоз бу ерда йўқлигини дарҳол сезиб, бошқа хонага тезроқ ўтмоқчи бўлишар, Лиза эса кирган жойида аллавақтгача қолиб кетарди. У жиҳозлар тўғрисида тахтачаларда айтилган жамики танқидий фикрларни баралла овозини чиқариб ўқир, томошабинларнинг ҳар бир хатти-ҳаракатини аёвсиз қамчилар, яна бунинг устига дуч қелган нарсанинг олдида аллавақтгача серрайиб турарди. Ўзи ҳам сезмаган ҳолда, ғайриихтиёрий равишда у кўрган жиҳозларини ўзининг уйига мўлжаллаб, имкониятларини чама-лаб кўрарди. Готик каравот унга сираям ёқмади. Ҳаддан ташқари кенг экан. Худо ёрлақаб Коля уч квадрат саржинлик хона олган тақдирда ҳам бу ўрта аср ётоғи уйларига сифмас экан. Шунга қарамай Лиза каравотни обдан текшириб чиқди, эни билан бўйини қадамлаб кўрди. Лиза ўзида йўқ хурсанд эди. У йигитлик шаънига доғ туширишни истамай уста Гамбснинг хонасига қочиб қолиш ҳаракатидан зўрга ўзини тийиб турган ҳамроҳлари қанчалик норози эканидан беҳабар эди.

— Чидаймиз энди,— пичирлаб деди Остап,— жиҳозлар қочиб кетмас; менга қаранг, сардор, қизчани эзги-ламанг ҳадеб. Рашк қиламан.

Воробьянинов ялтоқлашиб жилмайди.

Заллар имиллаб ўтар, ҳали-вери тугайдиганга ўхшамасди. Александр даврига мансуб жиҳозлар қалашиб ётарди. Булар анча бежирим ишланганини кўриб, Лиза суюниб кетди.



— Буни қаранг, буни қаранг!— ҳаяжонланиб деди у Воробьяниновни енгидан тортиб.— Манави столни кўр-япсизми? Бизнинг уйимизга жудаям мўс экан-да. Тўғ-рими?

— Ажойиб буюм!— тутақиб деди Остап.— Лекин ин-кирозга юз тутган.

— Бу ерни боя кўрувдим,— деди Лиза серҳашам меҳмонхонага кира солиб,— энди кўрмасам ҳам бўлар, дейман.

Лиза не кўзлар билан кўрсинки, жиҳозларга хуши йўқ ҳамроҳлари остонада таёқдай қотиб туришибди.

— Нега турибсизлар? Кетдик. Мен чарчадим.

— Тўхтаб туринг,— деди Ипполит Матвеевич унинг қўлини аста бўшатиб,— бир дақиқа.

Кенг хонанинг ичи жиҳозга лиқ тўлган. Гамбс стул-лари девор тагига ва стол теvaraгига териб қўйилган. Бурчакдаги диванининг атрофидаям стуллар турибди. Стулларнинг букри оёқчалари-ю, шинам суянчиқларини кўриб, Ипполит Матвеевичнинг кўзи ўйнаб кетди. Остап Ипполит Матвеевичга синовчан назар ташлади. Ипполит Матвеевич қизариб-бўзарди.

— Сизни чарчатиб қўйдик, оймқиз,— деди Остап Лизага қараб,— манави ерга ўтириб, бир дамингизни олинг, бизлар айланиб турамиз. Анча қизиқарли залга ўхшайди.

Лиза кўрсатилган жойга ўтирди.

Хазинатопарлар дераза ёнига боришди.

— Шуларми?— деб сўради Остап.

— Шуларга ўхшайди. Яхшироқ текшириб кўриш керак.

— Стуллар бутми?

— Ҳозир санаб кўраман. Тўхтанг-чи, тўхтанг..

Воробьянинов жавдираганича стулларга тикилиб қол-ди.

— Қанақаси бу,— тилга кирди у ниҳоят,— йигирма-та-ку. Бўлиши мумкин эмас. Унтадан ошмаслиги керак.

— Яхшилаб разм солинг-чи, балки булар бошқа стуллардир.

Улар бир стулдан иккинчисига ўтиб, обдан текшириб чиқишди.

— Хўш?— тоқати тоқ бўлиб сўради Остап.

— Суянчиғи меникига ўхшамайроқ турибди.

— Демак, улар эмас. Шундайми?

— Шундай.

— Сиз билан нон-қатиқ бўлиб, чакки қилганга ўхшайман.

Ипполит Матвеевич бутунлай гангиб қолди.

— Ҳа, майли,— деди Остап,— мажлис давом этади. Стул тош эмаски; сувга чўкиб йўқолса. Топилиб қолар. Қани, қоғозларни бу ёққа олинг-чи. Оёғим тортмаётган бўлсаям, музей маъмуриятига бир кўриниш беришга тўғри келади. Қизчанинг ёнида ўтира туринг, Мен дарров келаман.

— Нега хафа кўринасиз?— деб сўради Лиза.— Чарчадингизми?

Ипполит Матвеевич индамай қўя қолди.

— Бошингиз оғрияптими?

— Ҳа, бир оз. Ташвиш кўп, биласиз. Ёнингда меҳрибон аёл бўлмагандан кейин турмушнинг мазаси қочаркан.

Олдинига Лиза ҳайрон бўлди, кейин калбош ҳамроҳига синчиклаб разм солгач, ич-ичидан унга раҳми келди. Воробьяниновнинг кўзлари киртайиб, салқи қовоқлари пенсне тагидан аниқ кўриниб турарди. Ўездда тинчгина зағс мудирлигини ташлаб, жавоҳир илинжида тиним билмай елиб-югуришлар, бунақа беҳаловат турмуш ташвишлари уни енгиб қўйган эди. Ипполит Матвеевич қаттиқ озиб кетган, бунинг устига жигаридан ҳам нолиб қолган эди. У Бендернинг қош-қовоғига қарайвериб ўзининг кимлигини унутиб қўйган, турк фуқароси фарзандининг зўр фаҳм-фаросати олдида бутунлай гангиб қолган эди. Мана энди у гражданка Қалачовадек дилбар жувон билан бир лаҳза ёлғиз қолди-ю, бошига тушган бутун надомат ва ташвишларни тўкиб солмоқчи бўлди. Аммо бунга юраги дов бермади.

— Шунақа гаплар,— деди у ёнидаги суҳбатдошига меҳр билан термилиб.— Хўш, ўзингиздан сўрасак, Елизавета.

— Петровна. Сизнинг исм-шарифингиз?

Исм-шарифлари маълум бўлди.

«Қайноқ муҳаббат достони», деб хаёлидан ўтказди Ипполит Матвеевич Лизанинг бежиримгина чехрасига тикилиб. Шу топ қари сардор турмушга маза киритадиган меҳрибон аёл тафтини шунақаям истаб кетдики, натижада дарҳол Лизанинг қўлчаларини серажин кафтига босиб, Париждан сўз очди. Ипполит Матвеевич шу

топда пулдор, танти, басавлат бўлгиси келди. Қани энди аёллар оркестридан бирорта жононни олинтириб, алоҳида хонада у билан музыка садолари остида редерер ичишиб ўтирса. Редерер нималигини, аёллар оркестри нималигини умрида эшитмаган бу тўпори қиз билан нима ҳақдаям гаплашиш мумкин. Лекин ичи ёниб турган бўлса сардор нима қилсин! Бинобарин Ипполит Матвеевич Лизани озсига қаратиб, Парижни кўпиртириб мақтай кетди.

— Илмий ходим бўлиб ишлайсизми?— деб сўради Лиза.

— Ҳа, маълум даражада,— деб жавоб берди Ипполит Матвеевич. У Бендер билан топишганидан бери яна асли ҳолига қайтиб, ёлгонни ямламай ютадиган бўлиб қолганини сезиб юрарди.

— Айбга буюрмайсиз, ёшингиз нечада?

— Мен мутасадди бўлиб тургани илм-фанга бунинг аҳамияти йўқ.

Унинг ҳозиржавоблиги Лизага ёқиб тушди.

— Ҳар ҳолда нечадасиз? Уттиз? Қирқ? Эллик?

— Шунга яқин. Уттиз саккизга кирдим.

— Оҳо! Анча ёш кўринасиз.

Ипполит Матвеевичнинг кўнгли тоғдай кўтарилиб кетди.

— Сиз билан яна кўришиш бахтига қачон муяссар бўламиз?— деб сўради Ипполит Матвеевич французча талаффуз билан димоқда сўзлаб.

Лиза қаттиқ хижолат тортди. Утирган ерида бетоқатланиб, юраги сиқилди.

— Уртоқ Бендер нимага ҳаяллаб қолдйкин, а?— деди у заифона.

— Хўш, қачон кўришамиз?— деб сўради Воробьянинов сабрсизланиб.— Қачон ва қаерда?

— Қайдам. Узингиз биласиз.

— Бугун бўладими?

— Бугун дейсизми?

— Утиниб сўрайман.

— Ҳа, майли. Бугун бўлса бугун. Уйга боринг.

— Йўқ, очиқ ҳавода учрашганимиз маъқул. Ҳозир ҳаволар ажойиб. «Шўхлик қилиб бу сеҳргар май, елпигичин ўйнатар тинмай», деган экан бир шоир.

— Жаровнинг шеъри эмасми бу?

— Ҳм... Шунақа бўлса керак. Бугун-а, демак? Хўш, қаерда?

— Ғалати экансиз-ку! Хоҳлаган жойингизда. Пўлат сандиқнинг ёни маъқулми сизга? Биласизми? Қоронғи тушгач...

Ипполит Матвеевич қондасини келтириб, эндигина Лизанинг кўлини уч карра ўпган ҳам эдики, Остап келиб қолди. Кўриниши ғоят сипо эди.

— Кечирасиз, мадемуазель,— деди у бидирлаб,— оғайним икковимиз сизни кузатиб қўёлмаймиз. Гапиришга арзимаёди-ю, лекин бағоят муҳим бир иш чиқиб қолди. Ҳозироқ иккаламиз бир жойга жўнашимиз керак.

Ипполит Матвеевичнинг юраги ҳаприқиб кетди.

— Яна кўришгунча, Елизавета Петровна,— деди ҳовлиқиб,— узр, узр, жудаям шошиб турибмиз.

Ҳамтовоқлар Гамбс жиҳозлари қалашиб ётган хонада Лизани ҳайрон қолдириб, чопганларича чиқиб кетишди.

— Агар мен бўлмаганимда тушингизни сувга айтиб ўтирардингиз,— деди Остап икковлари зинадан тушиб келишаётганларида.— Ҳаққимга дуо қилинг! Дуо қилаверинг, қўрқманг, қўлингиз узилиб тушмайди! Қулоқ солинг! Жиҳозларингиз музей учун бир пақирга қиммат экан. Бунақа нарсага музейда бало борми, штраф батальонининг казармасига қўйиш керак. Кўнгиллари жойига тушдими энди?

— Бу нима ҳақорат?— деб чийиллади Воробьянинов ҳозиргина фаҳм-фаросати зўр турк фуқароси фарзандининг зуғумидан қутулай деб тургани эсига тушиб.

— Жим,— деди Остап пинагини бузмай,— нима гап бўлаётганидан хабарингиз йўқ. Буюмларни ҳозироқ қўлга киритмасак, иш пачава. Кейин бармоқ тишлаб қоламиз. Ҳозиргина шу тарихий чиқиндихонанинг мудири билан ширингина гаплашиб олдим.

— Хўш, нима бўлди?— ҳовлиқиб сўради Ипполит Матвеевич.— Мудир нима деди сизга?

— Бор гапни айтдим. Упкани босинг. «Старгороддан сизларга қоғоз билан жўнатилган жиҳозлар кўринмаяпти, сабаб нима, айтиб беролмайсизми?»— деб сўрадим. Табиий, жуда мулоим қилиб ўртоқларча оҳангда сўрадим. «Қанақа жиҳозлар экан?— ҳайрон бўлди у,— бизнинг музейда бунақа ҳоллар бўлмайди». Дарров ордери ни узатдим. Китоб-дафтарга шўнғиб кетди. Ярим соатчадан кейин кепқол ди. Келиб нима деди денг? Қаерда эмиш жиҳозлар?

— Йўқолибдими?— аранг сўради Воробьянинов.

— Буни қарангки, йўқолмабди. Буни қарангки, шунча тўс-тўполонда омон қопти. Боя айтганимдай, музейга қўйишга арзимас экан. Шунинг учун омборга тиқишибди. Бу ёгини сўрасангиз, орадан етти йил ўтгач (омборда роса етти йил ётибди-я), куни кеча ким ошдига чиқариб юборишибди. Главнаука<sup>1</sup>нинг ким ошди савдосига. Мабодо кеча ёки бугун эрталаб сотилиб кетмаган бўлса, ишлар беш, деяверинг! Кўнгил жойига тушдими энди?

— Тезроқ!— деб бақариб юборди Ипполит Матвеевич.

— Извош!— деб қичқирди Остап.

Улар савдолашиб ўтирмай дарҳол извошга чиқишди.

— Ҳаққимга дуо қилинг! Бемалол дуо қилаверинг, гофмаршал! Шароблар, хотинлар, карталар бизга мунтазир. Кўк нимчанинг ҳисоб-китобиниям ўшанда қиламиз.

Савдо зали Петровкадаги растада эди. Ҳамтовоқлар гижинглаган отдай пишқириб, залга кириб келишди.

Дуч келган биринчи хонага кирибоқ икковининг кўзи ўйнаб кетди. Ипполит Матвеевичнинг букри оёқ стуллари девор тагида ўн нафар бўлиб тизилишиб турарди. Устидаги жилдиям ўша-ўша, ҳечам эскирмабди, ранги кетиб, сарғаймабдиям. Стулларнинг ўзиям ҳозиргина Клавдия Ивановнанинг саришта қўлларидан чиққандай гулдай ёниб, ярақлаб турибди.

— Шуми?— деб сўради Остап.

— Вой, вой,— деди Ипполит Матвеевич ўзини тутолмай,— шу, шу. Худди ўзи. Бу галгиси аниқ энди.

— Ҳар ҳолда текшириб кўрган маъқул,— деди Остап ўзини босишга интилиб.

У сотувчининг олдига келди:

— Менга қаранг, жиҳозлар музейидан келтирилган стуллар шуми?

— Ҳа, шу.

— Сотиладими?

— Сотилади.

— Нархи қанақа?

— Нархи номаълум ҳали. Ким ошдига қўямиз.

<sup>1</sup> Главнаука — (главное управление научными, музейными и научно-художественными учреждениями)— илмий, музей ва илмий-бадий муассасалар бош бошқармаси.

— Ҳа. Бугунми?

— Йўқ. Бугун савдо тугади. Эртага соат бешдан бўлади.

— Ҳозир сотилмайдими?

— Йўқ. Эртага соат бешдан.

Стулларни дарров ташлаб кетишнинг ҳечам иложи бўлмади.

— Рухсат этинг, бир кўрайлик,— ялиниб деди Ипполит Матвеевич.— Майлими?

Хазинатопарлар стулларни анчагача синчиклаб текширишди, устига ўтириб ҳам кўришди, бошқа буюмларнинг номига қараган бўлишди. Воробьянинов пишиллаб, дам-бадам Остапни тирсаги билан туртиб қўярди.

— Дуо қилинг мени!— деб пичирлади Остап.— Дуо қилинг, сардор.

Ипполит Матвеевич Остапни дуо қилиш у ёқда турсин, ҳатто олчаранг сандалининг тагини ўпишгаям мингдан-минг рози эди.

— Эртага,— дерди у ўзича,— эртага, эртага, эртага. Унинг куйлагиси келарди.

## XIX боб

### ЕВРОПАЧА САЙЛОВ

Ҳамтовоқлар маданий ҳаёт кечириб, музейма-музей сандирақлаб, қизларга оғиз солиб юришганда Старгороддаги Плеханов кўчасида истиқомат қилувчи семиз ва заифа бева Грицацуева хоним қўшниларини йиғиб, роса маслаҳатлашди, сирлашди. Ҳаммалари бир бўлиб, Бендернинг ёзиб қолдирган хатини синчиклаб текширишди, ҳатто ёруққаям солиб кўришди. Аммо бирор сирли белги кўринмади, мабодо шунақа белги бўлган тақдирдаям фаросатли Остапнинг сирли ажи-бужи ёзувларидан бир нимани англаб олиш қийин эди.

Орадан уч кун ўтди. Тиқ этган нарсанинг дараги бўлмади. Бендер ҳам, симтўр ҳам, билагузук билан стул ҳам қулоғини ушлаганча кетди. Ушбу жонли ва жонсиз ашёлар сирли равишда ғойиб бўлган эди.

Шундан кейин бева энг шимариб қидирувга тушиб кетди. У «Старгород ҳақиқати» газетасининг идорасига

борган эди, дарҳол битта эълон ясаб беришди. Эълоннинг мазмуни шундай эди:

Кўрган билганлардан

КАТТА ИЛТИМОС

Ур. Бендер уйдан чиқиб кетди, ёши 25—30 ларда, сариқ ботинка, кўк нимчаси бор. Соцларни қоп-қора. Кўрганлар айтишини сўрайман. Каттагина ширинкома бор. Плеханов кўчаси, 15, Грицацева.

— Уғлингиз бўладими?— ачиниб сўрашди идорадагилар.

— Эрим бўлади!— деб жавоб берди жафокаш аёл рўмолни юзига тортиб.

— Э, эрингизми!

— Қонуний эрим. Нимаиди?

— Йўқ, шунчаки. Ҳар ҳолда милицияга мурожаат қилсангиз бўларди.

Бева кўрқиб кетди. Милиция деса лабига учуқ тошарди. Бева жўнаб қолди. Орқасидан ҳайрон бўлиб тикилиб қолишди.

«Старгород ҳақиқати» саҳифаларидан уч дафъа хитоб эшитилди. Лекин улуғ мамлакатнинг бирор бурчагидан садо чиқмади. Сариқ ботинкали буғдойранг одамни кўрган-билганлар топилмади. Яхшигина ширинкомага эга чиқмади. Қўшни хотинларнинг чакаги очилди.

Тул хотиннинг манглайи тиришиб, бутунлай ҳаловатини йўқотиб қўйди. Лекин дунёнинг ишлари қизиқ экан: эри зим-зиё тунда машъаладай бир порлаб, рўзғорига бинойидай яраб турган стулию симтўр билан ўша куниеқ баравар ғойиб бўлган бўлса ҳам ҳамон уни севади. Хотин кишининг, айниқса, бева хотиннинг қалбига сираям тушуниб бўлмас экан-да.

Старгород аҳолиси трамвайга кўникиб, энди ҳадик-сирамайдиган бўлиб қолган. Кондукторлар ўқтин-ўқтин «жой йўқ» деб бақириб қўйишади-да, худди Владимир Зар Қуёш замонидаям бу шаҳар трамвай билан ошно бўлгандай яна ҳамма нарса изига тушиб кетаверади. Ҳамма тоифадаги инвалидлар, болали аёллар ва Виктор Михайлович Полесов трамвайнинг олдидан чиқишади. Полесов «Билет олинглар», деган дағдагани эшитиб, ва-жоҳат билан ҳар сафар «Бизники бир йиллик!» деб қўя-

ди-да, ҳайдовчининг олдида серрайиб тураверади. Бир йиллик билет нима қилсин унда.

Воробьянинов билан буюк мудаббир шаҳарни алғов-далғов қилиб кетишган эди.

Исёнчилар ўзлари билган сирни авайлаб пинҳон тутишарди. Ҳатто Виктор Михайловичдай одам ҳам гум эди. Полесовнинг баъзида юраги тошар, махфий сирни бирортасига айтиб, ичини бўшатиб олгиси келарди-ю, лекин Остапнинг бақувват кифтлари эсига тушиши билан оғзини маҳкам юмиб оларди. Фолбин билан ҳангома-лашиб ўтирган кезларидагина сал юрагини бўшатиб оларди.

— Сиз нима деб ўйлайсиз, Елена Станиславовна,— дерди у,— раҳбарларимиз нега кўринмай қолишдийкин?

Елена Станиславовнанинг ўзиям буни жуда билгиси келарди-ю, лекин иложи қанча.

— Сизнингча қалай, Елена Станиславовна,— деб яна гап қотарди жонсарақ чилангар,— улар муҳим бир топшириқ билан юрган бўлишса-я?

Фолбиннинг бунга имони комил эди. Қизил иштонли тўтиқуш ҳам шу фикрда бўлса керакки, Полесовга ўйчан тикилган мунчоқдай кўзларида: «Менга писта чўзсанг, ҳаммасини айтиб бераман. Виктор, сен губернатор бўласан. Ҳамма чилангарлар измингда бўлади. 5-сон уйнинг қоровули шаллақи қоровуллицига қолаверади», деган маъно борга ўхшарди.

— Сизнингча қалай бўларкин, Елена Станиславовна, ишни давом эттирганимиз маъқул эмасми? Ҳар ҳолда қўл қовуштириб ўтириш яхши эмас!

Фолбин бунга рози бўлиб:

— Ипполит Матвеевич қаҳрамон одам экан!— деб қўшиб қўйди.

— Секинроқ айтасизми, Елена Станиславовна! Қаҳрамон бўлганда қандоқ. Ёнидаги жанговар офицер-чи? Ишнинг кўзини биладиган одам экан! Нима десангиз денг, лекин ишни бунчалик ўз ҳолига ташлаб қўйиб бўлмайди, Елена Станиславовна. Сираям бўлмайди.

Полесов ҳаракатни бошлаб юборди. Махфий «Қилич ва омоч» жамиятининг ҳамма аъзоларини бир-бир йўқлаб чиқадиган бўлди. «Одесса нон артели — Москва тешиккулчалари»нинг эҳтиёткор хўжайини — гражданин Кислярский бундан айниқса безовта бўлди. Полесовни



кўрса, Қислярскийнинг тиззаси қалтирайдиган бўлиб қолди. Амалий ишга ўтиш ҳақидаги гапларни эшитиб, қуёнюрак новвойнинг эсхонаси чиқиб кетди.

Ҳафтанинг охирги куни ҳаммалари Елена Станиславовнанинг тўтили хонасига йиғилишди. Полесов кўпириб кетди.

— Кўпам бидирлайверма, Виктор,— деди унга қараб оғирқарвон Дядьев,— кун бўйи кўчама-кўча изганинг нимаси?

— Амалий ишга ўтиш керак!— деб қичқирди Полесов.

— Бу тўғри гап, лекин бақриш керак эмас. Мен бундоқ деб ўйлайман, жаноблар. Ипполит Матвеевич айтди-ми, бас, бу муқаддас иш. Билишимча, бу ёғиям оз қолганга ўхшайди. Қандоқ бўлади, қандоқ қўяди, бу билан бизнинг ишимиз йўқ, уни ҳарбийларнинг ўзи эплайди. Бизлар тинч аҳолимиз, шаҳар зиёлилари билан савдо аҳлининг вакилларимиз. Шундоқ экан, вазифамиз нима? Тайёр туришлик. Хўш, тайёргарлик борми? Марказимиз борми? Йўқ. Шаҳарга ким бош бўлади? Ҳеч ким. Аслида энг муҳими шу, жаноблар. Инглизлар большевиклар билан энди пачакилашиб ўтирадиганга ўхшамайди, жаноблар. Биз учун биринчи белги шу. Аҳвол ўзгаради, жаноблар, тезда ўзгаради. Гапимга ишонаверинглар.

— Ҳа, бунга заррача шубҳамиз йўқ,— деди Чарушиников виқор билан.

— Шубҳа бўлмаса, жуда соз. Сиз қандай фикрдасиз, жаноби Қислярский? Сизлар-чи, йигитлар?

Никеша билан Владянинг турқи таровати аҳвол тез ўзгаришига қаттиқ ишонганидан далолат берарди. «Жадалтой» савдо фирмаси бошлиғининг ҳозиргина айтган гап-сўзларини эшитиб, шу қирғинбарот жангларда шахсан иштирок этиши шарт эмаслигини тушунган Қислярский хурсанд бўлиб ризолик билдирди.

— Ундай бўлса ҳозир нима қилишимиз керак?— сабрсизланиб сўради Виктор Михайлович.

— Шошилманг,— деб жавоб берди Дядьев,— жаноби Воробьяниновнинг ҳамроҳидан ибрат олсангиз бўлмайдими. Ана устомонлик! Ана эҳтиёткорлик! Гапни дарров боқимсиз болаларга бурганини кўрдингизми? Бизлар болаларга ёрдам беряпмиз, холос. Энди, жаноблар, номзодларга ўтсак!

— Ипполит Матвеевич Воробьянинович дворянлар сардорлигига тавсия қиламиз!— ҳайқирришди Никеша билан Владя.

Чарушников жўрттага йўталиб қўйди.

— Паст кетвордиларинг-ку! У киши камида министр бўлади. Ҳокими мутлақ бўлишгаям қурби келади!

— Бу қанақаси, жаноблар,— деди Дядьев,— сардорга бало борми шу топда. Ҳозир сардорни эмас, губернаторни ўйлашимиз керак. Ишни губернатордан бошлаймиз. Менимча...

— Жаноби Дядьев бўлсин!— жўшиб кетди Полесов.— Бутун губерния измини ундан бошқа ким ҳам ўз қўлига ола билади?

— Менга кўрсатилган ишонч учун ғоят миннатдорман...— деб Дядьев гап бошлаган эди, лавлагидай қизариб, Чарушников сўз қотди.

— Жаноблар, бу масалани мубоҳаса қилиб кўриш керак,— деди у томоқ қириб.

У Дядьев ўтирган томонга қарамасликка ҳаракат қиларди.

«Жадалтой»нинг соҳиби қипиқ ёпишган этикларидан кўзини олмай ўтирарди.

— Мен қарши эмасман,— деди у ниҳоят,— майли, овозга қўяйлик. Яширин йўл биланми ё очиқ бўлсинми?

— Бизга советчаси керак эмас,— деди Чарушников алам билан,— европачасига, ҳалол бўлсин, яширин овоз берамиз.

Қоғозга рўйхат ёзиб, овоз беришди. Дядьевга тўрт киши, Чарушниковга икки киши овоз берибди. Қимдир бетараф қолибди. Бу бетараф қолган одам Кислярский экани шундоқ юз-кўзидан маълум эди. Қим сайланишидан қатъи назар, у бўлгуси губернатор билан ҳозирда ноқ муносабати бузилиб қолишини истамасди.

Полесов европача ҳалол сайлов натижаларини титраб-қақшаб эълон қилаётганида хонага оғир жимлик чўкди. Ҳаммалари Чарушниковдан кўзларини олиб, қоқишарди. Омади юришмаган губернаторликка номзодит талаган мушукдай шумшайиб ўтирарди.

Елена Станиславовнанинг юраги ачишиб кетди. Унга овоз берган ҳам ўзи эди.

Иккинчи овоз эса сайлов ишларида суяги қотган Чарушниковнинг ўзиники эди. Кўнгилчан Елена Станиславовна дарҳол сўз олди:

— Шаҳар ҳокими қилиб ҳар ҳолда мосьё Чарушниковни сайлашни таклиф қиламан.

— Нега энди ҳар ҳолда бўларкан?— деб луқма ташлади танти губернатор.— Ҳар ҳолда эмас, фақат шу кишининг ўзини сайлаймиз, бошқа ҳеч кимни эмас. Жаноби Чарушниковнинг ижтимоий фаолиятини ҳаммамиз яхши биламиз.

— Розилик берсинлар, розилик берсинлар,— деб чувиллади жамоат.

— Хўш, сайладик ҳисобми?

Шумшайиб ўтирган Чарушниковга бирдан жон кириб, овозням чиқиб қолди:

— Йўқ, йўқ, жаноблар, овозга қўйишларингни илтимос қиламан. Губернатордан кўра ҳам кўпроқ шаҳар ҳокимига сайлов ўтказиш керак. Жаноблар, мени шу лавозимга лойиқ кўраётган экансиз, марҳамат қилиб овозга қўйинглар, ўтиниб сўрайман!

Бўш қанддон бир зумда қоғозга тўлди.

— Олти киши ёқлаб овоз берибди,— эълон қилди Полесов,— бир киши бетараф.

— Табриклайман, жаноби ҳоким!— деди яна бетараф қолгани юз-кўзидан маълум бўлиб турган Кисляевский.— Муборак бўлсин!

Чарушниковнинг чеҳраси ёришиб кетди.

— Қиттай-қиттай қилсак бўлар энди, жаноби олийлари,— деди у Дядьевга мурожаат қилиб.— Полесов, «Октябрь»га физилла. Пулинг борми?

Полесов қўли билан сирли бир ишора қилиб, югурганича чиқиб кетди. Сайлов маросими вақтинча тўхта-тилди. Кечки овқат устида овоз беришлар яна давом этди.

Дворянлар гимназиясининг собиқ директори, ҳозир эса эски китоблар дўконида хизмат қилаётган Распоповни ўқув юртлари мутасаддилигига лозим топишди. Ҳаммалари унинг мақтовини келтиришди. Бироқ уч қадаҳ ароқ сипқарган Владя тўсатдан бунга қарши чиқди:

— Бу жойга лойиқ эмас у одам. Охирги имтиҳонда мантиқдан менга икки қўйган.

Владяга дарҳол дакки беришди.

— Бунақа қалтис пайтда ҳеч ким ўз манфаатини кўзла-маслиги керак!— деб ўшқириб беришди.— Ватанни ўйлаб иш тутинг.

Азбаройи дарров инсофга келганидан Владя золим

устозини ёқлаб овоз берворди. Распопов бир киши бетараф қолган ҳолда яқдиллик билан сайланди.

Қислярскийга биржа комитетининг раислигини таклиф қилишди. Гарчи бунга ўзи эътироз қилмаган бўлса ҳам овоз бериш пайтида ҳар эҳтимолга қарши бетараф қолди.

Таниш-билишлари ва қариндош-уруғларини бир-бир эслашиб, полицмейстер, олтин ва кумушларнинг пробасини аниқлаш палатасининг мудирини, солиқ тўлов ва саноат мубошири лавозимларига одам танлашди; округ прокурори, суд раиси, суд котиби ҳамда аъзоларининг ўрни тўлдирилди; земство ҳамда савдо маҳкамаларига, болалар мутасаддилигига ва ниҳоят, мешчанлар маҳкамасига раислар тайинланди. Елена Станиславовна «Бир томчи сут» ҳамда «Оқ гул» жамиятларининг мутасаддиси қилиб сайлашди. Никеша билан Владя ҳали ёш бўлганлари учун губернаторнинг махсус топширигини бажарадиган амалдор лавозимида қолдирилди.

— Ма-анга қаранглар!— деб чийиллаб қолди бирдан Чарушников.— Губернаторда бутун бошли иккита амалдор бўладими? Менга қани?

— Махсус топшириқ учун амалдор ушлаб туришга шаҳар ҳокимининг ҳаққи йўқ,— мулойимгина жавоб қилди губернатор.

— Бўлмаса котиб керак.

Дядьев рози бўлди. Елена Станиславовна типирчилаб қолди.

— Менинг бир танишим бор,— деди у хижолат бўлиб,— тарбия кўрган, эс-ҳушли йигит, иложи бўлармикан шуни. Мадам Черкесованинг ўғли... Жудаям эс-ҳушли, қобилиятли ўзи... Шу кунларда ишсиз юрибди. Меҳнат биржасида рўйхатда туради. Ҳатто билетиям бор. Яқинда аллақандай союзга жойлаштириб қўйишмоқчи... Шуни қанотингизга ололмайсизми? Онаси кўп хурсанд бўларди.

— Олсак бўлар дейман,— илтифот қилиб деди Чарушников,— сизлар қандай фикрдасиз, жаноблар? Ҳай. Бу ёғини бир амаллармиз.

— Бўпти бўлмаса,— деди Дядьев,— умуман, ҳаммаси бўлди ҳисоб-а? Ҳеч нарса эсдан чиқмадимми?

Ногаҳон қўнғироқдай ингичка, аламзада бир овоз янгради:

— Мен-чи?

Ҳамма ўгирилиб қаради. Полесов тўтиқушнинг ёнида бир бурчакка қисилиб, хор-зор бўлиб турарди. Виктор Михайловичнинг унниққан киприклариди ёш кўринди. Меҳмонларнинг юрак-бағри эзилиб кетди. Шу топда Полесовнинг ароғини ичиб ўтиргани, умуман, у «Қилич ва омоч» жамияти Старгород бўлимининг асосий ташкилотчиларидан бири эканлиги пақ этиб эсларига тушди.

Елена Станиславовна икки чаккасини гижимлаб, чиқариб юборди.

— Виктор Михайлович!— деб чувиллашди ҳаммалари бараварига.— Азизим! Жонгинам! Бу нимаси ўзи, уят эмасми? Нимага бир чеккада шумшайиб турибсиз? Қани, бу ёққа келинг-чи!

Полесов жойидан жилди. У қаттиқ изтироб чекар эди. Қиличдош-омочдош шериклари бунчалик тошбағирлик қилишини у кутмаган эди.

Елена Станиславовна чидаб туrolмади.

— Жуда хунук иш бўлди, жаноблар,— деди у.— Виктор Михайловичдай қадрдон дўстимиз қандоқ эсларингдан чиқиши мумкин, а?

У жойидан кўзғалиб, аслзода чилангарни қурум босган пешонасидан ўпиб қўйди.

— Наҳотки Виктор Михайловичдай бир одам ўқув юртлари мутасаддилигига ёки полицмейстерликка лойиқ бўлмаса-я, жаноблар?

— Хўш, Виктор Михайлович?— деб сўради губерна-тор.— Мутасаддиликка розимисиз?

— Ҳа-да, албатта, бу кишидан ўткир, инсонпарвар мутасадди чиқади!— деб таклифни қувватлади шаҳар ҳокими оғзидаги қўзиқоринни зўрға ютиб.

— Распо-пов-чи?— зорланиб деди Виктор Михайлович.— Бу ўринга Распоповни тайин қилдиларинг-ку!

— Ҳа-я, дарвоқе, Распоповни нима қиламиз?

— Брандмейстер қилсакмикан?..

— Брандмейстерми?— ҳовлиқиб кетди Виктор Михайлович.

Шу ондаёқ кўз ўнгида ёнғин аравалари-ю, вишиллаган олов жонланиб, трубаларнинг овози, барабаннын гумбури янграб кетди. Болталар ярақлаб, машъаллар чарақлади, ер ларзага келиб, зулукдай қоп-қора аждаҳо отлар уни ўт тушган шаҳар театри томон судраб кетди.

— Брандмейстерми? Брандмейстер мен бўла қолай!

— Ана бу бошқа гап! Табриклайман. Бугундан бош-  
лаб брандмейстерсиз.

— Ут ўчирувчилар отрядининг гуллаб-яшнаши  
учун!— пичинг қилди биржа комитетининг раиси.

Шу гапи учун Қислярский балога қолди:

— Сиз ҳамиша сўлчи бўлиб келгансиз! Биламиз  
сизни!

— Жаноблар, мен нега сўлчи бўлай?

— Биламиз, биламиз!..

— Сўлчи!

— Ҳамма яҳудийлар сўлчи бўлади.

— Худо ҳаққи, жаноблар, бунақа ҳазилни кўтарол-  
майман.

— Сўлчисиз, сўлчи, биздан яширманг!

— Кечалари тушимга Миллюков кириб чиқади.

— Кадет! Кадет!

— Кадетлар Финляндияни сотиб юборишган,— деб  
бўкириб қолди Чарушников,— японлардан пул олишган!  
Шуларни деб ҳаммаёқни армани босиб кетган.

Қислярский маломат тошларига дош бера олмади.  
Биржа комитетининг раиси ранги ўчиб, кўзи жавдира-  
ганича курсининг суянчиғига ёпишди-да, чинқириб:

— Мен ҳамиша октябрист бўлганман ва шундай қо-  
ламан,— деди.

Ким қайси фирқа томонида эканини суриштира ке-  
тишди.

— Энг аввало демократия бўлиши керак, жаноб-  
лар,— деди Чарушников,— шаҳар ҳокимияти демокра-  
тияга асосланган бўлиши лозим. Лекин кадет-падетига  
ўрин йўқ. Ун еттинчи йилда подани булғатганиям етар!

— Орамизда социал-демократ дегани бўлмаса ке-  
рак, а?— заҳарханда қилди губернатор.

Мажлис аҳли пчида Қислярский тимсолидаги октя-  
бристлардан бошқа сўлчилар топилмади. Чарушников  
ўзини «марказ» деб эълон қилди. Унгдан энг охириги  
қаторда брандмейстер турарди. У шу даражада ўнгчи  
эдики, ҳатто қайси фирқага мансублигиниям ўзи бил-  
масди.

Урушдан гап очилди.

— Бугун-эрта бўп қолади,— деди Дядьев.

— Уруш бўлади, албатта бўлади.

— Вақт ганиматиди ул-булни гамлаб қўйиш керак.

— Шунақами?— ташвишланиб сўради Қислярский.

— Ия, бўлмасам-чи? Уруш бўлиб турганда бир нима топиб бўлади, деб ўйлайсизми? Бозорда дарҳол уннинг қораси ўчади! Кумуш тангалар ин-инига кириб кетади, ҳар хил қоғоз пул дейсизми, унинг ўрнини босадиган почта маркалари дейсизми, яна алламбалолар босиб кетади.

— Уруш чиқиши аниқ.

— Сизларни билмадим, лекин мен бор пулимни рўзғорга энг керакли нарсаларга ташлайман,— деб қўйди Дядьев.

— Базозлик нима бўлади унда?

— Базозлик ўз йўлига, ун билан шакар ўз йўлига... Сизларгаям маслаҳатим шу. Мени айтди дерсизлар.

Полесов кулимсираб қўйди.

— Большевиклар қанақа қилиб урушади? Нима билан? Нима билан жанг қилишади? Эски милтиғи биланми? Ҳаво флоти қани? Коммунистларнинг каттаси билан бир гаплашиб қолувдим, ўша қанча аэропланлари борлигини айтди. Биласизларми, қанча экан?

— Икки юзтача бўлса керак.

— Икки юзта? Қаёқда, ўттиз иккита экан бор-йўғи! Франциянинг бир ўзида саксон мингта ҳарбий самолёт бор-а.

— Ҳа-а... Большевиклар абгор қилишди бизни.

Меҳмонлар тун ярим кечадан оққандагина тарқалишди.

Губернатор шаҳар ҳокимини кузатиб қўймоқчи бўлди. Икковиям бамайлихотир бир меъёрда қадам ташлаб боришарди.

— Губернатор эмиш!— деди Чарушников.— Генерал унвонинг йўғу қанақасига губернатор бўласан?

— Мен ноҳарбий генерал бўламан, алам қиляптими? Истаган пайтимда сени авахтага тиқаман, Боплаб таъзирингни берайки.

— Мени қамаш мумкин эмас. Мени сайлашган, ваколатим бор.

— Экиб қўйдим ўша ваколатингни.

— Ба-ас қилинг майнабозчиликни!— деб бўкирди Чарушников бутун кўчани бошига кўтариб.

— Нимага бақирасан, аҳмоқ!— деб сўради губернатор.— Милицияга тушгинг келдими?

— Милицияга тушсам бўлмайди,— деб жавоб қилди шаҳар ҳокими,— мен совет хизматчисиман..

Юлдузлар чарақлаган. Сеҳрли тун. Иккинчи Совет кўчасида губернатор билан шаҳар ҳокимининг баҳси авжга минди.

## XX боб

### СЕВИЛЬЯДАН ГРЕНАДАГА ҚАДАР

Ия, ҳазрати Фёдор қанилар? Фрол ва Лавр черковининг тарашланган руҳонийси қани? У гражданин Брунсни излаб, Узумзор кўчасидаги 34-сон уйга бормоқчи эди шекилли? Авлиё либосидаги бу хазинатопар, шу топда қоронғи йўлакдаги пўлат саидиқ ёнида пўсиб турғучи Ипполит Матвеевич Воробьянишовнинг бу ашаддий ғаними қаёққа гумдон бўлдийкин?

Ҳазрати Фёдор ғойиб бўлди. Уни Донецк йўлидаги Попас станциясида кўрганлар бор эмиш. Перронда чойнак кўтариб, доғ сув қидириб юрганмиш...

Ҳазрати Фёдорнинг нафси ҳакалак отди. Бой бўлгиси келди. Попова деган генерал оймнинг жиҳозлари (сирасини айтганда, ичида ҳеч вақо йўқ) уни Россия бўйлаб дарбадар қилди.

Ҳазрат Россияни кезиб юрибди. Ҳам хотинига номалар ёзиб турибди.

### ҲАЗРАТИ ФЕДОРНИНГ НОМАСИ

*Харковда, вокзалда ёзилган, № шахрида турғувчи хотинига атаб битилган.*

Меҳрибоним Катерина Александровна!

Сенинг олдинда ғоят гуноҳкорман. Шундай пайтда сен бечорани ёлғиз ташлаб кетдим.

Бор гапини айтиб бермоқчиман. Мени тушунасан, бинобарин, шу ишим тўғри эканига иқрор бўласан, деб ўйлайман.

Мен ҳеч қанақа янги мазҳабга кирганим йўқ албатта, буни ўйлаганим ҳам йўқ, худо ўзи асрасин.

Энди бу ёғини диққат билан ўқи. Тез орада турмушимиз ўзгариб кетади. Эсингдами, сенга шам заводи ҳақида гапирган эдим. Шунақа заводимиз бўлади энди, яна бошқа нарсалар ҳам бўлиши мумкин. Бундан буён ов-



қатни ўзинг пиширмайсан, хўрандалар ҳам бўлмайдн энди. Самарага кўчиб кетамиз, хизматкор оламиз.

Нозик бир гап бор, лекин қаттиқ сир тут, ҳеч кимга, ҳатто Марья Иваповнагаям айтиб қўйма. Мен хазина қидириб юрибман. Раҳматли Клавдия Ивановна эсингдами, Воробьяниновнинг қайнанаси-чи? Уша Клавдия Ивановна жони узилаётганида менга ёрилиб қолди. Старгороддаги эски уйида, меҳмонхонасидаги стулларнинг бирига (ҳаммаси ўн иккита) бутун жавоҳирини яшириб қўйган экан.

Катенька, мени ўғрилиқ кўчасига кирибди, деб ўйлама. Ушбу жавоҳирини менга ўзи васият қилди, золим куёвим Ипполит Матвеевичнинг қўлига тушмасин, деб қаттиқ тайинлади.

Сен бечорани ёлғиз ташлаб, тўсатдан жўнаб кетишимнинг асл сабаби шу турур.

Шунга кўра мендан норизо бўлиб юрмагил.

Старгородга келиб бундоқ қарасам, ўша қариб қуюлмаган хотинбоз ҳам шу ерда юрибди. У ҳам воқиф экан. Улим тўшагида ётган кампирни роса қийпоққа солган бўлса керак. Жуда ёмон одам! Ёнида бир жиноятчиам бор, каллакесарга ўхшайди, ёллаган кўринади. Иккови бир бўлиб менга ташланиб қолишди, ниятлари ёмонга ўхшайди. Лекин мен ҳам анойи эмасман, ёмонга ёмонман, бўш келганим йўқ.

Олдинига хато йўлдан кетибман. Воробьяниновнинг уйидан (ҳозир у ер худойихона экан) биттагина стул топдим; ўшани «Сорбонна»даги гўшамга олиб кетаётган эдим, аллаким бирдан арслондай бўкириб менга ҳамла қилди, стулга маҳкам ёпишиб олди. Сал қолди мушшлашишимизга. Мени шарманда қилмоқчи бўлишган экан. Кейин бундоқ разм солиб қарасам, Воробьяниновнинг ўзи. Буни қара-я, соқол-мўйловини олиб ташлабди, бошида биттаям туки қолмабди, қариганда қармоққа илинибди бу фирибгар.

Стулни майда-майда қилдик, ҳеч нима чиқмади. Хато йўлга кириб қолганимни кейин тушундим. Лекин ўшанда роса алам қилди.

Алам устида у фосиқнинг ўзиниям бошлаб тузладим.

«Бу қанақа бедодлик, дедим, қариганда бу қанақа шармандалик, дедим. Россия учун бу қанақа кўргиликки, дворянлар сардори ўз руҳонийсига арслон янглиғ ҳамла қилса, партияда йўқсан, деб юзига солса! Сиз

пасткаш одамсиз, дедим, Клавдия Ивановнани қийнаб ўлдирганини, оировнинг бойлигига кўз олайтарганини, бу бойлик энди уники эмас, давлатники эканини айтдим.

Ўзиям роса уялиб кетди, кейин жўнаб қолди, ҳар ҳолда тўғри исловатхонага кетган бўлса керак.

Мен эса «Сорбонна»даги гўшамга бориб, бундан кейин нима қилиш даркор эканини ўйлаб кетдим. Шунда бу ялтирбош овсарнинг хаёлига келмайдиган бир фикр миямда чарх урди: мусодара қилинган жиҳозларни ким тарқатган, шу одамни топишга жазм қилдим. Буни қараки, Катенька, юридик факультетида бекорга таҳсил кўрмаган эканман. Уша одамни қидириб топдим. Эрта-сигаёқ топдим. Варфоломеич деган ғоят шинаванда чол экан. Кампир бувиси билан тураркан, қўл учида тиркичилик қиларкан. Ҳамма ҳужжатларни менга топиб берди. Хизматига ҳақ тўлашга тўғри келди, албатта. Пулим тугаб қолди (буни кейинроқ айтарман). Маълум бўлишича, Воробьяниновлар хонадонидagi ўша ўн икки стулнинг ҳаммаси Узумзор кўчаси, 34-сон уйда турувчи инженер Брунс деган одамнинг қўлида экан. Омадни қараки, ҳаммаси битта жойда экан, буни сираям кутмовдим (стуллар ҳар жойга бўлиниб кетади, деб қўрқувдим). Буни эшитиб, ниҳоятда хурсанд бўлдим. Мана шу «Сорбонна»да яна аблаҳ Воробьянинов билан учрашиб қолдим. Боплаб таъзирини бердим, ёнидаги каллакесар дўстиниям аяб ўтирмадим. Сирим ошкор бўлмасайди, деб қаттиқ чўчидим, улар чиқиб кетгунга қадар меҳмонхонада бекиниб ўтирдим.

Брунс дегани хизмат юзасидан 1923 йилда Старгороддан Харьковга кўчиб кетган экан. Қоровулидан суриштириб билсам, бутун анжомлари билан кўчиб кетибди. Ўзи сипогина одам эмиш.

Ҳозир Харьков вокзалида ўтирибман, ушбу номани ёзишим важи бул турур. Бирламчи, сени қаттиқ севаман, ҳамиша дилимдасан, иккиламчиси шуки, Брунс бу атрофда йўқ экан. Лекин буидан ўксима. Брунс ҳозир Ростовда, «Новоросцемент»да хизмат қиларкан, менга шундоқ дейишди. Пулдан сиқилиб қолдим. Бир соатдан кейин товар-пассажир поездида жўнайман. Сендан илтимосим шулки, меҳрибоним, куёвга учраб, эллик сўм олгин-да (ўзи қарз мендан, бераман, девди), тўғри Ростовга, бош почтаamtга жўнатиб юбор. Ўзим сўраб оламан.

Фёдор Иоаннович Востриковга деб ёзсанг бас. Почта орқали юборсанг, чиқими озроқ бўлади. Нархи ўттиз тийин.

Шаҳримизда нима гаплар бор? Қанақа янгиликлар?

Кондратьевна уйга келиб турибдими? Ҳазрати Кириллга мени холаси билан видолашгани Воронежга кетувди, яқинда келиб қолади, деб айт. Пулни тежаб харжла, Евстигнеев ҳалиям овқатга келиб турибдими? Мендан дуойи салом топшир. Холасиникига кетди, деб унга айт.

Об-ҳаво қалай? Харьковда бамисоли ёз. Ғала-ғовур шаҳар экан, Украина жумҳуриятининг маркази-да. Виллоятдан келган одам худди хорижга бориб қолгандай бўларкан.

Қиладиган ишларинг: 1) ёзлик жуббамни тозалатиб қўй (янгисига сарфиёт қилгандан кўра 3 с.га тозалатган маъқул), 2) ўзингни уринтириб қўйма, 3) Гуленькага хат ёзсанг, Воронежга, холамникига кетганимни сўз орасида қистириб ўт.

Мендан ҳамма сўраганларга дуойи салом. Яқинда бориб қолишимни айт.

Сени меҳр билан ўпиб ҳам қучиб, ҳам дуо қилиб қолувчи

*завжинг Федя.*

Эскартма: Воробьянинов алҳол қаерларда изғиб юрганикин?

Ишқ-муҳаббат деган нарса одамни жингиртоб қилиб юборади. Жазаваси тутганда буқа бўкиради. Хўроз зир югуриб қолади. Дворянлар сардори эса иштаҳасини йўқотади.

Остап билан студент Ивановуло икковини қовоқхонада қолдиргач, Ипполит Матвеевич пушти уйга етиб олди-да, пўлат сандиқнинг ёнида соқчиликка турди. Қастилия томонга йўл олган поездлар шовқинию кемаларнинг шалоп-шалопи қулоғига чалинди.

Қуёш ботди, Альпухара —  
Олтинланар бу диёр.

Юраги соат капгиридай безовта бўлди. Қулоғи шанғиллаб кетди.

Сас бергани он гитара,  
Куттирмасдан чиққин, ёр.

Йўлак ваҳмга тўлди. Пўлат сандиқ ҳамон муз бўлиб  
турарди.

Севильядан то Гренада —  
Туннинг пардаси аро...

Қаламдонларда грамофон чийиллайди. Примуслар  
асаларидай гувиллайди.

Эшитилар серенада,  
Қиличлардан сас-садо...

Хуллас, Ипполит Матвеевич Лиза Қалачовага ошиқу  
беқарор бўлиб қолган эди.

Йўлакда Ипполит Матвеевичнинг ёнидан кўп одам  
ўтди, аммо булардан ё тамаки, ё ароқ, ё дори, ё бўлмаса,  
ачигаң карам шўрва ҳиди келарди. Зим-зиё йўлакда  
туриб, ким ўтганини фақат ҳидидан ёки оёқ олишидан  
билса бўларди. Лиза ҳали ўтганича йўқ. Ипполит Мат-  
веевичнинг бунга имони комил. Нега деганда Лиза чек-  
майди, ароқ ичмайди, темир нағал қоқилган этик  
киймайди. Ундан йод ёки қоқ балиқ ҳиди келиши асло  
мумкин эмас. Лиза юмшоққина шавланинг ёхуд қулинг  
ўргилсин қилиб тайёрланган кўкатларнинг муаттар ҳи-  
дини олиб келиши аниқ. Бир пайтлари Нордман-Севе-  
рова хоним ҳам Илья Репиндек машҳур рассомни анча  
вақт шунақа кўкатлар билан боққан эди.

Шу пайт енгилгина оёқ товуши эшитилди. Кимдир  
силлиқ йўлак деворларини пайпаслаганича ширингина  
ғўлдираб келаётган эди.

— Елизавета Петровна, сизмисиз?— деб сўради Ип-  
полит Матвеевич тоңги сабодай майин товуш билан.

Эвазига дўриллаган овоз эшитилди:

— Менга қаранг, Пффеферкорнларнинг уйи қайси ўзи?  
Қоронғида ҳеч бало кўринмаяпти.

Ипполит Матвеевичнинг ўтакаси ёрилиб, дами ичига  
тушиб кетди. Пффеферкорнларни излаб келган кимса са-  
до чиқармикин, деб бирпас кутиб тургач, яна йўлига ра-  
вона бўлди.

Соат тўққизга яқинлашганда Лиза келди. Икковла-  
ри кўчага, қизғиш-яшил оқшом оғушига чиқишди.

— Хўш, қаерларда сайр қиламиз?— деб сўраб қолди Лиза.

Ипполит Матвеевич унинг сутдек оппоқ юзига тикилиб қаради-да, таваккалига: «Деразанг тагида, Инезилья, турибман интизор»,— дейиш ўрнига Москвада анчадан бери бўлмагани, Париж ундан минг чандон афзал экани, Москва ҳар нима бўлгандай тартибсиз қурилган йирик қишлоқдан бўлак нарса эмаслиги ҳақида узундан-узун ваъз айтди.

— Илгариги Москвани яхши эслайман, Елизавета Петровна. Ҳозир одамлар зиқна бўлиб кетишибди. Илгарилари биз пулни тўкиб ташлардик. «Дунёга бир марта келади одам», деган қўшиқ ҳам бор.

Тўғри Пречистенский хиёбонидан юриб, дарё бўйидаги нажоткор Христ ибодатхонасининг олдида чиқишди.

Москворецк кўпригининг нарёғида қаторасига муаллақ тулки думлари кўринади. Шаҳар электр станциялари мўрисида қорамтир тутун буруқсийди. Кўприкдан ғир-ғир трамвай ўтади. Дарёда қайиқчалар сузади. Гармондан маъюс куй таралади.

Ипполит Матвеевичнинг қўлидан тутган Лиза бошига тушган савдоларни оқизмай-томизмай гапириб берди. Эри билан уришгани, беҳаловат турмуши, тиқ этса қулоғи диккайдиган собиқ кимёгар қўшнилари қанчалик жонга теккани, гўштсиз овқатлар ниҳоятда меъдага ургани ҳақида куюниб сўзлади.

Ипполит Матвеевич жимгина тинглаб борар, айти пайтда миясида режалар тузарди. Ичидаги шайтон ғимирлаб қолди. Боплаб битта овқат қилиш керак. Бунақа қизларнинг кўзини ўйнатиб, эс-ҳушини олиб қўйган маъқул, деган фикрга келди.

— Театрга борамиз, юринг,— деб таклиф қилди Ипполит Матвеевич.

— Кино маъқулроқ эмасми,— деди Лиза,— ҳам арзонгина.

— У! Пулнинг нима алоқаси бор! Шундай ажойиб кеча бўлса-ю, яна пулдан гапирасиз-а.

Шайтон васваса қилиб, пулини савдолашмасданоқ извошга ўтиришди ва «Арс» киносига боришди. Ипполит Матвеевичнинг яна сахийлиги тутди, Билетнинг энг қимматидан олди. Лекин барибир охиригача ўтиришолмади. Олд томондаги арзон жойларга ўрганиб қолгани

учун Лиза нархи баланд ўттиз тўртинчи қатордан яхши кўролмай тоза қийналди.

Икки ҳамтовоқлар старгородлик исёнчилардан йиғиб олган пулнинг қоқ ярми ҳозир Ипполит Матвеевичнинг чўнтагида эди. Пул созуришдан чиқиб қолган Воробьянинов учун озмунча эмас бу. Қизчани осонгина қўлга олиш мумкинлигини кўриб, питирлаб қолган Ипполит Матвеевич тантилиги билан уни ром қилмоқчи бўлди. Бу борада у ўзини зўр омилкор деб биларди. Бир пайтлари гўзал Елена Боурни бирпасда тўрга қандоқ илин-тирганини завқ билан эслаб қўйди. Орқа-олдига қарамай, дабдаба билан пул сочиш қўлидан келади. Старгородда яхши тарбия кўрган одам, истаган хонимни оғзига қаратиб қўяди, деб бекорга ном чиқармаган. Турмушда ҳали ҳеч нарсани кўрмаган ва билмаган кичкинагина шу совет қизалоғининг кўнглини оламан, деб қадимги назокатини ишлатиш унга ғоят эриш туюлди.

Сал тортишувдан кейин Ипполит Матвеевич Лизани «Прага» ресторанига боришга кўндирди. «Прага» ММЖС — Москва матлубот жамиятлари союзининг намунали ошхонаси, Бендернинг ибораси билан айтганда, «Москвадаги энг сўлим жой» эди.

«Прага»да шунчалик кўп ойна, чироқ ва гул туваклар борлигини кўриб, Лизанинг оғзи очилиб қолди. Лизани тушунса бўлади: у бунақа катта намунали тажриба ресторанларида биринчи бўлиши. Аммо ойнали зал бирданига Ипполит Матвеевичнинг додиратиб қўйди. Ҳаётдан орқада қолибди, ресторан таомилини унутибди. Чорқирра тумшукли этиги, урушдан олдин расм бўлган олабайроқ шими-ю, кумушранг юлдузчали кўким-тир нимчаси кўзига хунук кўриниб кетди.

Икковни хижолат тортиб, қурама хўрандалар кўз ўнгида бир зум туриб қолишди.

— Хув анави бурчакка ўтайлик,— деди Воробьянинов гарчи «Баядерка» опереттасидан ҳаммабон попурирни чийиллатиб турган оркестр ёнида бўш жой борлигини кўрса ҳам.

Одамлар қараб турганини сезиб, Лиза дарров кўна қолди. Киборлар етакчиси, аёл зотининг кушандаси бўлмиш Воробьянинов пусибгина унинг ортидан юрди. Киборлар етакчиси азбаройи семириб кетганидан шимининг орқаси тўрвадай осилиб турарди. Аёл зотининг кушандаси букчайиб олди, хижолатпазлигини билдир-

маслик учун пенсени кўзидан олиб, ҳадеб арта бошлади.

Булардан ҳеч ким хабар олмади. Ипполит Матвеевичга бу малол келди. Бинобарин ёнидаги хоним билан шакаргуфторлик қилиш ўрнига нафаси ичига тушди, бетоқат бўлди, кулдон билан столни зўраки тақиллатиб, ҳуда-беҳудага йўталиб ўтирди. Лиза мароқ билан ён-верига разм солар, лекин ғалати бу сукунат ҳамон давом этарди. Ипполит Матвеевичнинг тили айланмай қолган, бунақа пайтларда гапни нимадан бошлаш лозимлиги паққос ёдидан кўтарилган эди.

— Илтимос!— деб илтижо қиларди у ёнидан чопқилаб ўтиб кетаётган савдо касабаси ходимига.

— Бир дақиқа!— деб жавоб берарди официантлар йўлидан қолмай.

Ниҳоят, рўйхатни олиб келишди. Ипполит Матвеевич анча енгил тортиб, мутолаага киришди.

— Ғалати-я,— деди у ғўлдираб,— бузоқ гўштидан котлет — икки сўм йигирма тийин, биқин гўшти — икки сўм йигирма беш тийин; ароқ — беш сўм тураркан.

— Беш сўмга катта графинда берилади,— деб жавоб берди официант тоқатсизланиб.

«Менга нима бўлди?— хаёлидан ўтказди Ипполит Матвеевич ўзидан чўчиб.— Еш болага ўхшайман-а».

— Мана, марҳамат,— кечикиброқ илтифот қилди у Лизага,— бирор нима танлайсизми? Кўнглингиз нимани тусайди?

Лиза хижолат тортди. Официант ҳамроҳига қушқараш қилганини, шериги алланарсада панд еганини сезиб ўтирган эди.

— Ҳеч нима егим йўқ,— деди у овози қалтираб.— Ҳай, майли... Менга қаранг, ўртоқ, вегетарианча бирор нарса борми?

Официант эгарланган отдай бетоқат бўлди.

— Вегетарианчаси бизда бўлмайди. Қоқ гўштли қуймоқ демасангиз...

— Гап бундоқ бўлмаса,— Ипполит Матвеевич қатъий қарорга келиб,— бизга сосиска бера қолинг. Сосиска бўлаверадими, Елизавета Петровна?

— Ҳа.

— Демак, сосиска. Мана бунисидан, бир сўм йигирма беш тийин. Ва бир шиша ароқ.

— Бизда графинда тортилади.

— Унақа бўлса битта қатта графин.

Умумий овқатланиш ходими ожиза Лизага шафқат билан қараб қўйди.

— Ароққа қанақа газак берай? Янги икра? Сёмга балиғи? Варақи сомса?

Ипполит Матвеевич зағс мудирлигини эслаб:

— Кераги йўқ,— деди қўполдан-қўпол қилиб.— Тузланган бодринг қанча туради? Яхши, икки дона шундан.

Официант липиллаб жўнаб қолгач, яна ўртага жимлик чўқди. Биринчи бўлиб Лиза гап бошлади:

— Бу ерда ҳечам бўлмаганман. Яхшигина жой экан.

— Шундайми,— деб қўйди Ипполит Матвеевич ичида буларни хомчўт қилиб ўтираркан.

«Майли,— хаёлидан ўтказди у,— ароқдан ичай, ўзимга кеп қоламан. Ҳар ҳолда ноқулай бўляпман».

Бироқ ароқдан ичиб, бодринг билан газак қилгандан кейин баттар қовоқ-тумшуғи осилиб кетди. Лиза ароқни оғзигаям олмади. Яна гап гапга қовушмади. Бунинг устига нотаниш бир одам Лизанинг олдига келиб, гул ола-сизларми, деб кўзига термилиб турибди.

Ипполит Матвеевич мўйловли гулчини сезмагандай ўтираверди, уям без бўлиб тураверди. Бегона одамнинг олдига ширинроқ гап қилиб бўладими ахир.

Концерт жонга ора кирди. Эғнига қалта камзул, оёғига амиркон туфли кийган бўрсилдоқ бир киши супачага чиқди.

— Мана, омон-эсон яна дийдор кўришдик,— деди у тантиқланиб.— Концертимизнинг кейинги номерасини рус халқ кўшиқларининг оламшумул ижросига, Марьяна Рошчада доврўқ солган Варвара Ивановна Голдевскаяга берамиз. Варвара Ивановна! Марҳамат қилсинлар!

Ипполит Матвеевич ёлғиз ўзи ароққа ружу қилиб ўтирарди. Лиза ёрдамлашиш ўрнига ҳадеб кетаман, деб типирчилаб тургани учун графинни тезроқ бўшатиши лозим эди.

Марьяна Рошчада доврўқ солган ашулачидан кейин йўл-йўл духоба камзулли бир киши саҳнага чиқиб, лапар бошлаб юборди:

Тентирайсиз,

Ҳар тешикка бир қарайсиз,

Тентиращдан тўқ бўлса керак,



Эҳтимолки, сизнинг кўр ичак.

Тентирайсиз,

Тра-ра-ра-ра...

Ипполит Матвеевичнинг анча кайфи ошиб қолди, ўзи бундан атиги ярим соат бурун кўрс муттаҳамлар, қурумсоқ совет каллакесарлари, деб сўкиб ўтирган намунали ошхона хўрандаларига қўшилишиб чапак чалди ва хиргойи қила кетди:

Тентирайсиз,

Тра-ра-ра-ра...

У дам-бадам сапчиб ўрнидан турар ва узрини насия қилиб, ҳожатхонага йўргалаб қоларди. Қўшни столдагилар аллақачондан бери амакилаб, уни пиво билан сийламоқчи бўлишар, лекин у ёнларига йўламасди. Шу топда унинг такаббурлиги тутиб, кўнглида қандайдир шубҳа туғилган эди. Лиза шартта ўрнидан турди:

— Мен кетдим. Сиз қолаверинг. Ўзим етволаман.

— Йўқ, нега энди? Дворян сифатида бунга йўл қўёлмайман! Сеньор! Ҳисоб! Сур-бетлар!..

Ипполит Матвеевич оёғида зўрға чайқалиб, анчагача ҳисобга тикилиб турди.

— Тўққиз сўм йигирма тийин бўлтимиз?— деб гўлдиради у.— Тилла кўмилган уйга товлари қалай, калитини бериб қўяйми?

Хуллас, охирида Ипполит Матвеевични оҳиста қўлтигидан олиб, пастга судраб кетишди. Устки кийим номери киборлар етакчисида бўлганидан Лиза қочиб қололмади.

Тор кўчага бурилишлари биланоқ Ипполит Матвеевич Лизага ёпишиб, уни юлқий бошлади. Лиза зўр бериб унинг қўлларидан қутулишга ҳаракат қилди.

— Бас қилинг!— дерди Лиза.— Бас қилинг! Бас қилинг!

— Номерга кетдик!— деб текилинч қиларди Воробьянинов.

Лиза бир силкиниб унинг чангалидан қутулди-да, мўлжаллаб ўтирмай хотин зотининг кушандасига мушт туширди. Бурунга теккан муштча зарбидан тилла бандли пенсне учиб тушди-да, чорқирра тумшукли олифта этви тагида қолиб, шу заҳотиёқ чил-чил бўлди.

Тун ели ғир-ғир

Таратади сеҳр...

Упкаси тўлиб, Лиза пиқиллаганича Серебряний тор кўчасидаги уйига югурди.

Елар,  
Келар  
Гвадалквивир.

Кўзи хира тортган Ипполит Матвеевич кўчанинг нариги бетига йўргалаб ўтди-да:

— Ўғрини ушланглар!— деб бақирди.

Кейин у роса йиғлади, йиғлаб-сиқтаб бир кампирдан савати билан кўтарасига тешиккулча сотиб олди. Қоп-қоронғи, танҳо Смоленск бозорига чиққач, уруф сепган деҳқонга ўхшаб алламаҳалгача тешиккулчаларни ўнгу сўлига отиб юрди. Айни пайтда оҳангни бузиб:

Тентирайсиз,  
Ҳар тешикка бир қарайсиз,  
Тра-ра-ра-ра,—

деб хиргойи ҳам қилди.

Шундан сўнг Ипполит Матвеевич бир учар извошчи билан қаймоқлашиб қолиб, бутун дарду ҳасратларини тўкиб солди. Пойинтар-сойинтар қилиб жавоҳир тўғри-сидаям сўзлади.

— Шўх бойвачча экансиз!— деб юборди у.

Чиндан ҳам Ипполит Матвеевичнинг шўхлиги тутиб кетган эди. Шўхлиги сал чегарадан чиққан экан шекилли, эрталаб соат ўн бирда кўзини очиб қараса, милиция бўлимида ётибди. Шармандалик билан тугаган тунги вақтичоғлик қилгани унга қимматга тушди, юз сўм пулидан атиги ўн икки сўм қолибди.

Назарида жони ҳалқумига келганга ўхшарди. Бели санчиб, жигари сирқиллаб оғрир, биров тўқмоқ билан ургандай боши тинмай лўқилларди. Энг алам қиладиган жойи шундаки, шунча катта пулни қаерда, нимага сарфлаганини сираям эслаёлмасди. Йўл-йўлакай устага учраб, пенснега янги ойнак солдиришга мажбур бўлди.

Остап бир қоп гўштдай шалвираб турган Ипполит Матвеевичга анчагача ҳайрон бўлиб тикилиб турди-ю, лекин чурқ этмади. У жанг олдидан совитилган отдай сокин эди.

Ким ошди савдоси соат бешда бошланади. Сотилма-  
диган буюмларни соат тўртдан бошлаб кўриш мумкин.  
Ҳамтовоқлар соат учдаёқ келишган. Улар шу атрофда  
очилган машинасозлик кўрғазмасини бир соат томоша  
қилишди.

— Агар иш ўнгидан келса, шу паровозчани эртага-  
ёқ сотиб олсак бўлади,— деди Остап.— Нархи кўрса-  
тилмагани чакки бўпти. Узингда паровоз бўлганига ни-  
ма етсин.

Ипполит Матвеевич тоза қийналиб кетди. Унинг бу-  
тун дарди фикри стулда эди.

Эғнида катаж шим, духоба ўрнига коверкотдан кам-  
зул кийиб, соқолини кўксига туширган даллол минбар-  
га чиқиши ҳамоно Ипполит Матвеевич стуллар ёнидан  
аста жилди.

Хазинатопарлар ўнгдан тўртинчи қаторга бориб ўти-  
ришди. Ипполит Матвеевичнинг юраги лўкиллаб кетди.  
Унинг назарида стуллар дарҳол савдога чиқарилгудай  
эди. Лекин стуллар қирқ учинчи бўлиб навбат кутиб  
тургани учун аввалига ҳар хил ипирисқи нарсалар: там-  
га босилган битта-яримта идиш-товоқ, қайладон, стакан  
солинадиган кумуш идиш, рассом Петунин чизган ман-  
зара, мунчоқли халтача, яп-янги примуснинг горелкаси,  
Наполеоннинг мўъжаз ҳайкалчаси, сурп сийнабанд,  
«Ёввойи ўрдак отаётган овчи» деган нақшин гилам ва  
ҳоказолар сотувга чиқди.

Сабр-тоқат билан кутишдан бўлак илож йўқ. Стул-  
лар мунтазир тургандан, шундоққина қўлингни чўзсанг,  
муддаога етиб олгудай бўлгандан кейин жимгина ку-  
тишнинг ўзи бўладими.

«Манави пандавақилар стул тимсолида қанақа зўр  
нарса сотилишини билганда роса ур-йиқит бўларди-да»,  
деб кўнглидан ўтказди Остап харидорларга назар таш-  
лар экан.

— Адолат рамзи — ҳайкалча! — деб эълон қилди  
даллол. — Бронзадан ясалган. Бешикаст. Беш сўм. Ким  
ошди? Олти ярим, ўнгда, охирги қатор — етти. Бирин-  
чи қатор, тўғрида — саккиз сўм. Саккиз сўм, тўғрида,  
икки. Саккиз сўм, биринчи қатор тўғрида. Уч.

Пулни ундириш учун бир ойимча биринчи қатордаги гражданинг олдига пилдираб кетди.

Даллолнинг қўлидаги болгача тиним билмай қолди. Саройда тутилган кулдон, биллур ойна, чинни упадон пулга чақилди.

Вақт имиллаб ўтарди.

— Александр III нинг бронза ҳайкалчаси. Босма ўрнида ишлатса бўлади. Бошқа нарсага ярамаса керак. Александр III нинг ҳайкалчаси олдинги нархида қолади.

Ҳамма кулиб юборди.

— Олсангиз бўларди, сардор,— пичинг қилиб деди Остап,— бунақа нарсаларга суягингиз йўқ эди-ку.

Ипполит Матвеевич стулларга тикилганича миқ этмай ўтирарди.

— Харидор йўқми? Александр III нинг бронза ҳайкалчаси сотувдан олинади. Адолат рамзи — ҳайкалча. Ҳозиргина сотилганинг шериги деса бўлади. Василий; жамоатга «Адолат»ни кўрсатинг. Беш сўм. Ким ошади?

Тўғридаги биринчи қатордан пишиллаган овоз эшитилди. Чамаси у кимса «Адолат» мажмуасига талабгор чиққан кўринади.

— Бронза «Адолат» — беш сўм!

— Олти,— дангал деди ўша граждани.

— Олти сўм тўғрида. Етти. Тўққиз сўм, охириги қатор, ўнг томон.

— Тўққиз ярим,— зўрға овозини чиқариб деди «Адолат» шинавандаси қўлини кўтариб.

— Тўққиз ярим, тўғрида. Тўққиз ярим, тўғрида, икки. Тўққиз ярим, уч.

Болгача урилди. Ойимқиз биринчи қаторда ўтирган гражданин олдига югурди.

Талабгор пулини тўлагач, бронзани олиш учун имиллабгина нариги хонага равона бўлди.

— Саройдан ўнта стул! — дабдурустдан эълон қилди даллол.

— Нивмага саройдан бўларкан? — биғиллаб қолди Ипполит Матвеевич.

Остап жеркиб ташлади:

— Вой жин ургур-эй! Овозингизни ўчириб ўтирсангиз-чи!

— Саройдан ўнта стул. Ёнғоқдан ишланган. Алек

сандр II даврига оид. Ҳамма ёғи бут. Гамбс устахона-сидан чиққан. Василий, битта стулни ёруққа солинг.

Василий дегани стулга жон-жаҳди билан бир ёпишган ҳам эдики, Ипполит Матвеевич ўрнидан туриб кетди.

— Вой расво бўлгур-эй, ўтирсангиз-чи ахир, бошимга битган бало бўлдингиз-ку!— пишқириб деди Остап.— Утиринг деяпман сизга!

Ипполит Матвеевичнинг пастки жағи қийшайиб қолди. Остап тик турди. Кўзларида ўт чақнади.

— Ун дона ёнғоқ стул. Саксон сўм.

Залда жонланиш бошланди. Рўзгорбоп буюм савдога чиққан эди-да. Биринчи олиб, биринчи қўйди. Остап аралашмай турди.

— Нимага ошмай турибсиз?— жиғибийрон бўлиб сўради Воробьянинов.

— Учир, касофат,— деди Остап зардаси қайнаб.

— Юз йигирма сўм, орқа қаторда. Юз ўттиз сўм, ўша жойда. Юз қирқ.

Остап минбарга орқасини ўгириб, рақибларига кулибгина қараб турди.

Савдо авжига минди. Зал одамга тўлди. Остапнинг шундоққина орқасида ўтирган бир аёл эри билан икки оғиз гаплашиб олгач («Жудаям ажойиб экан! Зўр устага ўхшайди! Саня! Саройдан келган-а!»), қўлини кўтарди.

— Юз қирқ беш, ўнгдан бешинчи қатор. Бир.

Ҳамма жимиб қолди. Жуда қиммат-да.

— Юз қирқ беш. Икки.

Остап нақшин ширфтга қараб анграйиб турар, Ипполит Матвеевич эса юрак ўйноғида мункайиб ўтирарди.

— Юз қирқ беш. Уч.

Ялтироқ қора болғача фанер минбарга энди урилай деб турган ҳам эдики, Остап шартта орқасига ўгирилиб, қўлини кўтарди.

— Икки юз,— деди у бамайлихотир.

Ҳамма хазинатопарларга ўгирилди. Анвойи бош кийимлар ҳаракатга келди. Даллол зерикибгина Остапга қаради.

— Икки юз бир,— деди у,— икки юз, ўнгдан тўртинчи қатор, икки. Ошадиган одам йўқми? Икки юз сўм, саройдан чиққан ёнғоқ стуллар, ун дона. Икки юз сўм, уч, ўнгдан тўртинчи қатор.

Болгача кўтарган қўл муаллақ туриб қолди.  
— Вой-воей!— деб чинқириб юборди Ипполит Матвеевич.

Юзига қизил югурган Остап хотиржам кулиб қўйди. Болгача қайтиб жойига тушди.

— Тамом,— деди даллол.— Ойимқиз! Унгдан тўртинчи қатор.

— Хўш, раис, қойилми?— деди Остап шеригига қараб.— Қизиқ, амалий саркор бўлмаганида нима қилардингиз, а?

Ипполит Матвеевич азбаройи суюниб кетганидан гўлдираб қўйди. Ойимқиз югурганича уларнинг олдига келди.

— Стулларни сизлар олдингизми?

— Биз!— деб ҳайқирди боядан бери ичи тошиб ўтирган Ипполит Матвеевич.— Биз бўлмай ким бўлсин. Қачон қўлга тегаси?

— Қачон хоҳласангиз шунда. Ҳозироқ олишингиз мумкин.

«Тентирайсиз, ҳар тешикка бир қарайсиз» деган куй бирдан Ипполит Матвеевичнинг миясида жиннича ўйинга тушди. «Курсилар ўзимизники, ўзимизники, ўзимизники!» Аъзойи баданидан шу тахлит чинқариқ эшитилди. «Ўзимизники!»— деб чийиллади жигари. «Ўзимизники!»— деди унга қўшилиб кўричаги.

Азбаройи ҳовлиқиб кетганидан йўқ жойдан томирлар ниш уриб чиқди. Кутилмаган бу бахт, кутилмаган бу саодатдан бутун жисми ларзага келди. Сен-Готард остонасига қадам қўйган поезд кўринди. Ана, оқ шим кийиб олган Ипполит Матвеевич Воробьянинов энг охири вагоннинг очиқ майдончасида сигара тутатиб турибди. Яна симобий сочлар файз бағишлаб турган кўркама боши боғ чечаклари оғушида. У Боғи Эрамга йўл олган.

— Ия, нима учун икки юз эмас, икки юз ўттиз?— эшитиб қолди Ипполит Матвеевич.

Остап қўлидаги тўлов қоғозига қараб ҳайрон бўлиб турган эди.

— Ун беш фоиз ширинкома тўланади, шунинг учун,— деб жавоб берди ойимқиз.

— Ҳа, майли, илож қанча! Олинг оладиганингизни! Остап ёнидан ҳамённи олиб, икки юз сўм чиқарди-да:

— Уттиз болани чўзсинлар, азизам, тезроқ, тезроқ, хоним кутиб қолмасинлар. Қани?— деди ширкатнинг бош директорига ўгирилиб.

Ипполит Матвеевич бўзрайиб қолди.

— Ҳа? Тошбақа тухумига термилгандай бақрайиб қопсиз? Ё мушкул осон бўлиб, мия айниб қолдими?

— Менда пул йўқ,— деди охири гўлдириб Ипполит Матвеевич.

— Пул йўқ, кимда пул йўқ?— пичирлаб сўради Остап.

— Менда.

— Икки юз қани?

— Й... йўқотиб қўйдим.

Остап Воробьяниновга ялт этиб бир қаради-ю, нимага гижим башараси кўкариб, қовоқлари салқиб тушганини дарров сезди.

— Пулни олинг!— деб шивирлади у ғазаби қайнаб.— Қари тўнғиз!

— Пулни тўлайсизми, йўқми?— сўради оймқиз.

— Бир дақиқа,— чиройли табассум қилиб деди Остап,— қиттай чаласи чиқиб қолди.

Озгина бўлса ҳам умид бор. Балки кейинроқ тўлаш мумкиндир.

Ипполит Матвеевич бирдан ўзига келиб, гапга суқилди.

— Бу қанақаси!— оғзини кўпиртириб шағиллади у.— Ширинкома нимаси? Умримизда эшитмаганмиз! Олдинроқ айтиб қўйиш керак-да. Ортиқча ўттиз сўм тўлайдиган аҳмоқ йўқ.

— Яхши,— деди оймқиз юмшоққина қилиб,— ҳозир гаплашиб кўраман.

Квитанцияни қайтариб олгач, ликонглаганича даллолга бориб бир нима деди. Даллол шу заҳотиёқ ўрнидан турди. Машъаладай порлаб турган электр чирогидан соқоли яна ҳам кўркам тортди.

— Ким ошди савдосидаги таомилга кўра,— деди у баланд овоз билан,— сотилган буюмнинг нархи дарҳол бирийўла ундириб олинади. Кимки бундан бош тортса, бу даргоҳдан чиқариб юборилади. Сотилган стуллар бекор қилинади.

Ҳамтовоқлар анграйиб қолишди.

— Марҳамат қилсинлар!— қўшиб қўйди даллол.

Оқибат ёмон бўлди. Утирганлар аччиқ киноя билан

кула бошлади. Остапнинг туришга мадори келмади — кўндан бери у бунақа изза бўлмаган эди.

— Мар-ҳа-мат қилсинлар!

Даллол эътирозга ўрин қолмайдиган оҳангда гапирди.

Бунинг устига кулгиям зўрайди.

Бинобарин улар чиқиб кетишга мажбур бўлди. Бунақа шармандалик ҳар кимгаям насиб этавермайди. Эт битмаган равон елкаларини қисиб, олдинда Воробьянинов борарди. Қалта камзул, бемаъни олифта этикда у худди турнага ўхшар, орқасидаги буюк мударбирнинг ўзига қадалган илиқ меҳрибон нигоҳини аниқ сезиб турар эди.

Ҳамтовоқлар савдо залига туташ хонада тўхташди. Ичкарида нима бўлаётганини энди улар фақат ойнабанд эшикдан кузатишлари мумкин, холос. У томонга йўл йўқ энди. Остап дўстона сукут сақлаб турди.

— Тартиб-қоидасини қаранг,— аранг юрак ютиб фўлдиради Ипполит Матвеевич,— ғирт бемаъни-я! Милицияга бориб айтиш керак буларни.

Остап чурқ этмади.

— Шаҳар бедарвоза эмас-ку, ахир!— баттар тутақди Воробьянинов.— Меҳнаткаш халқни талашгани талашган-а. Ё тавба!.. Шалоғи чиққан аллақандай стулни икки юз ўттиз сўмга пулламоқчи-я. Соғни жинни қилади булар.

— Ҳа,— деди совуққина қилиб Остап.

— Тўғрими?— деб сўради Воробьянинов.— Жинни қилиши аниқ-а!

— Аниқ.

Остап Воробьяниновга яқинроқ келиб, ён-верига бир қараб қўйди-да, ҳеч ким сезмайдиган қилиб сардорнинг биқинига бир мушт туширди.

— Мана сенга милиция! Мана сенга бутун дунё меҳнаткашларини талаш! Мана сенга кечаси оймчалар билан ишрат қилиш! Мана сенга оппоқ соқолинг ҳурмати! Мана бу оч биқинингга!

Ипполит Матвеевич бутун жазо давомида ғинг демади.

Четдан қараган одам бир қобил ўғил отаси билан юракдан гаплашяпти-ю, аммо ота бир нимадан норози бўлиб, бошини чайқаб турибди, деб ўйлаши мумкин эди.



— Қани, йўқол бу ердан!

Остап ширкат директорига орқасини ўгириб, савдо залига тикилди. Бир нафасдан сўнг қайрилиб қаради.

— Ҳалиям шу ердамилар, йигитнинг гули? Йўқол! Қани?

— У-ўртоқ Бендер,— ялиниб деди Воробьянинов,— ўртоқ Бендер!

— Бор! Жўна! Ивановулониям уйига кела кўрма! Ҳайдаб чиқараман!

— У-ўртоқ Бендер!

Остап унга қайрилиб қарамади. Шу топда залда шундай ғалати бир воқеа рўй бердики, натижада Остап эшикни қия очиб, ичкарига қулоқ тутишга мажбур бўлди.

— Расво бўлди!— деди у ғудраниб.

— Нима расво бўлди?— тилёғламалик қилди Воробьянинов.

— Стулларни битталаб сотишяпти, мана нима расво бўлди. Балки сотиб оларсиз? Марҳамат қилсинлар. Ушлаб турганим йўқ сизни. Зўр бўлсангиз, киринг ичкарига. Пулнинг чўғиям камроқмикин, деб қўрқаман.

Аслида воқеа бундай бўлган эди: залда ўтирганлардан бирийўла икки юз сўм чиқишига кўзи етмаган даллол (бунақа хашакиларда шунча пул нима қилсин) шу маблағни чакана йўл билан йиғиб олмоқчи бўлди. Стуллар бўлиб-бўлиб сотила бошлади.

— Саройдан чиққан тўртта стул. Енғоқдан ишланган. Юмшоқ Гамбснинг қўли теккан. Уттиз сўм. Ким ошади?

Остаптаги тадбиркорлик ва фаросат дарҳол асл ҳолига қайтди.

— Менга қаранг, хонимларнинг эркатойи, шу ерда қимир этмай турасиз. Беш минутда келаман. Ким нима олганига кўз-қулоқ бўлиб туринг. Биттаям стул йўқолмасин.

Бендернинг калласида дарҳол бир режа пишди. Икковининг бошига тушган бу мушкул вазиятда энг мақбули ҳам шу эди.

У югуриб Петровкага чиқди-да, мум қайнаётган катта қозоннинг олдига бориб, боқимсиз болалар билан икки оғиз тиллашиб олди.

Ваъдасига кўра беш минутдан кейин Ипполит Матвеевичнинг ёнига қайтиб келди. Боқимсиз болалар савдо зали олдида шай туришарди.

— Сотишяпти, сотишяпти,— деб пичирлади Ипполит Матвеевич,— тўрттаси, кейин яна иккитаси сотиб бўлинди.

— Хурсанд бўлинг, тантилик қилган ўзингиз-ку,— деди Остап.— Ҳаммаси бизники эди, тушунасизми, бизники. Фаросат етадимми шунга?

Фақат даллол, чўталчи ва ойнасоз зотига табиат ато қилгувчи чийилдоқ овоз залда баралла эшитиларди.

— Яна ярим сўм, чапда. Уч. Яна бир дона сарой стули. Ёнғоқ дарахтидан ишланган. Бекаму кўст. Ярм сўм ошди, тўғрида. Ярм сўм ошди, тўғрида, бир.

Яна учта стул доналаб сотилди. Даллол охири стулнинг нарҳини эълон қилди. Остапнинг қони қайнаб кетди. Аламига чидаёлмай Воробьяниновнинг кўрига роса ғишт қалади. Кўйиб берса, Остап шеригини янаям бошлаб таъзирини бермоқчи эди-ю, лекин лодзча жиғарранг костюм кийган бир киши унинг сўзини бўлди. У худди теннис ўйнаётган одамдай гоҳ лўппи қўлларини силкитиб, таъзим билан эгилар, гоҳ эса бир сакраб, ён-верига шох ташларди.

— Менга қаранг,— деб сўради у ҳовлиққаннича Остапдан,— ким ошди шу ерда бўляптими ўзи? Чинданми? Ким ошди савдоси-я? Ҳар хил анжомлар шу ерда сотиляпти денг? Ажойиб?!

Нотаниш кимса оғзи қулоғига етиб, ён томонга бир шох ташлаб, ирғишлади.

— Анжом ростдан ҳам шу ерда сотиляптими? Арзон-гаровга олиш мумкин экан-да, а? Зўр бўпти-ку! Қойил, қойил! Оҳ-оҳ!..

Нотаниш кимса хазинатопарларнинг кўзини бақрайтириб, йўргалаганича залга кириб кетди ва ҳаш-паш дегунча охири стулни сотиб олди. Буни кўриб, Воробьяниновнинг томоғи тақиллаб кетди. Нотаниш кимса квитанцияни чангаллаганича пештахтага югурди.

— Менга қаранг, стулни ҳозир оламанми? Жуда соз!.. Оҳ-оҳ!..

Нотаниш кимса гоҳ эчкидай маъраб, гоҳ ирғишлаб юриб, охири стулни извошга босди-да, тезгина жўнаб қолди. Боқимсиз бола унинг изига тушди.

Стуларнинг қолган янги эгалариям секин-аста тарқалишди. Остап ёллаган хуфия болакайлар уларга эргашди. Охири Остапнинг ўзиям жилворди. Ипполит Матвеевич қўрқа-писа унинг ортидан юрди. Бугун кун Ипполит Матвеевич учун даҳшатли тушдек бўлди. Ҳамма нарса бирдан юз берди, кутилган натижа бўлмади.

Сивцевий Вражекда рояль, мандолина ва гармонлар жўр бўлишиб кўкламни олқишларди. Деразалар ланг очик. Сопол тувак терилган дераза токчалари худди гулзорга ўхшайди. Шимнинг тасмасини елкадан ўтказиб олган, кўкраги сержун, бақалоқ бир одам дераза ёнида зўр бериб хониш қилади. Девор тагида аста мушук ўрмалайди. Озиқ-овқат дўкончаларида лампа чироқлар милтиллайди.

Пуштиранг уйнинг ёнида Коля айланиб юрган эди. У олдинда келаётган Остапни кўргач, самимий сўрашди-да, Воробьяниновга яқинлашди. Ипполит Матвеевич юракдан чиқариб унга салом берди.

— Яхшимисиз,— деди у қуруққина қилиб ва ўзини тутолмай қулочкашлаб туриб Ипполит Матвеевичнинг чаккасига бир туширди.

Колянинг тарсаки ёнига қўшиб айтган гапи буларни бир чеккада индамай кузатиб турган Остапга анча галати туюлди.

— Мана шунақа бўлади,— деди Коля чийиллаб,— кўз олайтириш...

Нимага кўз олайтириш шунақа бўлишини айтмади. Кейин у бўйини чўзиб, кўзини чирт юмди-да, Воробьяниновнинг бетига бир шапалоқ урди.

Ипполит Матвеевич юзини тўсмоқчи бўлди-ю, лекин гинг демади.

— Маъкул иш,— деди Остап,— энди гарданига. Икки марта. Яхши. Илож қанча. Босар-тусарини билмай қолган товуқни баъзан жўжайам йўлга солиб туриши керак... Яна бир марта... Яхши. Тортинмай ураверинг. Қаллага тегманг энди, бўлар. Худо қисган жойи шу ўзи.

Старгородлик исёнчилар саромад донишманду рус демократиясининг отахонини шу нозик вазиятда кўриб қолгудай бўлсалар борми, хуфия «Қилич ва ооч» иттифоқи дарҳол жон таслим қилган бўларди-ёв.

— Майли, етар энди,— деди охири Коля қўлини чўнтакка тиқиб.

— Яна бир марта бўлсин,— илтимос қилди Остап.

— Э, бети қурсин! Энди ўйлаб иш қилади!

Коля кетди. Остап Ивановулони уйига чиқиб, пастга қаради. Ипполит Матвеевич элчихонанинг чўян панжарасига суянганича бир чеккада шумшайиб турарди.

— Гражданин Михельсон!— деб қичқирди Остап.— Конрад Карлович! Уйга кириңг! Рухсат бераман!

Ипполит Матвеевич хонага кирганида боягидан анча тетик кўринди.

— Шунақаям беҳаёлик бўладими!— деди у ғазаби тошиб.— Зўрға ўзимни ушлаб турдим-да.

— Секинроқ айтасизми,— деди уни қувватлаб Остап,— ҳозирги ёшлар кўп бемаъни чиқди-да! Бировларнинг хасмига кўз олайтирса! Бировларнинг пулини совуриб юрса... Фирт парокандалик-ку! Ҳа, айтинг-чи, бошга урганда қаттиқ оғир эканми?

— Мен уни дуэлга чақираман!

— Офарин! Яхшигина бир танишим бор, асқатиб қолиши мумкин. Узиям дуэль қонун-қоидаларини сув қилиб ичворган, иккита супургисиям бор, ҳаёт-мамот жангида жуда қўл келиши мумкин. Секундант қилиб Ивановулони ёки ўнг эшикдаги қўшнини олса бўлади. Узиям тагли-тахтли қўшни, Қологрив шаҳрининг фахрий фуқароси бўлган, ҳозиргача шу мансаби билан керилиб юради. Ёки бўлмаса мясорубкада олишиш ҳам мумкин, анча овлоқ жой. Шунисиям борки, у ердан тирик чиқиш қийин. Кимки ичкарида панд еса, бу томондан қийма бўлиб чиқаверади. Хўш, сардор, маъқулми шуниси?

Шу пайт кўчадан ҳуштак овози эшитилди-ю, Остап боқимсизлардан махфий маълумот олгани ташқарига отилди.

Боқимсиз болалар топшириқни бошлаб бажаришибди. Тўрт дона стул Колумб театрига бориб тушибди. Боқимсиз бола бу стулларни замбилгалтакка солиб боришганини, кейин кўчага тушириб, орқа эшикдан театр биносига олиб киришганини батафсил гапириб берди. Театр қаерда жойлашгани Остапга яхши маълум эди.

Иккинчи изтопарнинг гапига қараганда «зўр бир дўндиқча» иккита стулни извошда олиб кетибди. Лекин бу болакайнинг зеҳни пастроққа ўхшаб қолди. Уша хотин қайси кўчага бурилиб (Варсонофьев кўчаси), қай-

си квартирага кирганини (ўн еттинчи квартира) аниқ айтиб берган бўлса ҳам уйнинг номерини ҳечам эслаёлмади.

— Қаттиқ чопувдим, миямда қолмабди,— деди боқимсиз бола.

— Сенга пул йўқ,— чўрт кесди ишбоши.

— Жо-он амаки!.. Кўрсат десангиз, кўрсатаман бориб.

— Яхши. Кетмай тур. Бирга борамиз.

Эчкимижоз одам Садовая-Спасская кўчасида турар экан. Остап унинг аниқ адресини ён дафтарига ёзиб олди.

Стулларнинг саккизинчиси Халқлар уйига равона бўлган экан. Бу стулнинг изига тушган бола анча чапдаст чиқиб қолди. У йўлида учраган ҳар қандай говларга — комендатурадан тортиб сон-саноқсиз югурдак хизматчиларгача — ҳаммасига чап бериб, бинонинг ичига кирибди, стулни «Дастгоҳ» редакциясининг хўжалик мудури сотиб олганига қаноат ҳосил қилганидан кейингина изига қайтибди.

Яна икки боладан дарак бўлмай турган эди, бирдан икковиям олдинма-кейин ҳаллослаб келиб қолишди.

— Казарма кўчасида, Чистие Прудининг шундоққина ёнида.

— Нечанчи уй?

— Тўққизинчи. Квартираси тўққиз. Уша ерда татарлар тураркан. Ҳовлида. Стулни кўтаришиб бордим. Яёв юрдик.

Охирги чопар совуқ хабар топиб келди. Энди омад юришай деганида иш расво бўпти. Стулнинг эгаси Октябрь вокзалига боргач, омборхонага кириб кетибди, орқасидан эргашишининг иложи бўлмабди, сабаби — дарвозани Алоқа йўллари халқ комиссарлигига қарашли Алоҳида ҳарбий округ ўқчилари қўриқлаб турган экан.

— Жилворган бўлса кераг-ов,— деди ҳисоботига яқун ясаб боқимсиз бола.

Бу хабар Остапни қаттиқ ташвишга солиб қўйди. Ҳотамтойлиги тутиб, боқимсиз чопарларга бир сўмдан улашиб чиққач (Варсонофьев кўчасидаги уйнинг номерини эслаб қололмаган мухбир болакай ширинкома учун эртага барвақтроқ келадиган бўлди), амалий саркор уйга қайтиб кирди-да, бугун тоза шармандаси чиққан ширкат раисининг саволларигаям парво қилмай, ўзича режалар туза кетди.

— Ноумид шайтон, дейдилар. Ҳалиям ҳаракат қилса бўлади. Стуллар кимларнинг қўлидалиги маълум, бас, шундай экан, бу стулларни бегона қилмасликнинг иложи осон, бунинг кўп синашта усуллари бор: 1) стулли тўқис билан улфатчилик қилиш, 2) аёл бўлса, юрагига қўл солиб кўриш, 3) томини тешиб тушиш, 4) айирбошлаш ва 5) пул билан рози қилиш. Шуниси энг тўғри йўл. Лекин пулнинг чўғи камроқ-да.

Остап Ипполит Матвеевичга қараб, мийиғида кулиб қўйди. Шу топда буюк мударбирнинг фикри яна аввалгидай равшан тортиб, асаблари жойига келган эди. Пулни бир амаллаб топса бўлади, албатта. «Большевиклар Чемберленга хат ёзишмоқда» деган расмни қотириб ташлаши, ёнидаги симтўрни пуллаши ёки бўлмаса яна бир кечалик куёв ҳунарига қайтиши мумкин.

У фақат ўнинчи стулдан хавотирда. Стул ном-нишонсиз йўқолгани йўқ, изи-ку, бор-а, албатта, аммо-лекин жудаям мужмал, жудаям ноаниқ-да.

— Бўпти бўлмаса,— деди Остап овозини чиқариб.— Таваккал қилса бўлар экан. Унтадан тўққизтасига гардкам. Мажлис давом этади! Эшитяпсизми? Ҳув маслаҳатчи тўра, сизга айтяпман!

## XXII боб

### ОДАМХҲР ЭЛЛОЧКА

Тадқиқотчиларнинг аниқ ҳисобига қараганда, Вильям Шекспир ўн икки минг сўз ишлатган. «Мумбо-Юмбо» деган одамхўр занжи қабиласининг сўз луғати уч юздан ошмайди.

Эллочка Шчукина эса ўттизта сўз билан бемалол тирикчилик қилиб келади.

Унинг буюк рус тили уммонидан саралаб олган сўз, ибора ва хитоблари мана шулардан иборат:

1. Алжиманг.

2. Ҳо-ҳо! (Жойига қараб ҳар хил маънода келади: киноя, ҳайрат, завқ, нафрат, қувонч, жирканиш ва мамнуният туйғуларини ифодалайди.)

3. Антиқавор.

4. Бемаъни. (Дуч келган жойда ишлатилаверади. Масалан: «бемаъни Петя келди», «бемаъни ҳаво», «бемаъни воқеа», «бемаъни мушук» ва ҳоказо.)

5. Гафлат.

6. Даҳшат. (Даҳшатли. Масалан, яқин дугона билан учрашиб қолинганда «даҳшатли тасодифни қаранг» дейилади.)

7. Йигитча. (Ёш ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, ҳамма таниш эркакларга нисбатан қўлланилади.)

8. Менга ақл ўргатманг.

9. Ёш боладай. (Карта ўйналаётган бўлса, «ёш боладай эзиб ташладим», дейилади. Амали каттароқ ижардор билан гаплашиб қолинганда эса, «ёш боладай тузладим» қабилида ишлатилади.)

10. М-м-маза!

11. Лўппи, зўр. (Жонсиз ва жонли буюмларга нисбатан аралашига ишлатилаверади.)

12. Извошда кетамиз. (Эрига айтиладиган гап.)

13. Таксода кетамиз. (Таниш эркакларга айтиладиган гап.)

14. Орқангиз оппоқ оқариб кетибди. (Ҳазил.)

15. Бо худо.

16. Гинам. (Эркалаш аломати. Чунончи: Мишагинам, Зинагиннам.)

17. Оҳо! (Кесатиқ, ҳайрат, завқ, нафрат, шодлик, жирканиш ва мамнуният рамзи.)

Бу рўйхатга кирмай қолган яна бир ҳовуч сўз борки, улар Эллочка билан универмагдаги гумашталар ўртасида воситачилик вазифасини ўтайди.

Инженер эри Эрнест Павлович Шчукиннинг ётоғи тепасида Эллочка Шчукина тушган иккита сурат осиглиқ туради (бири тўғридан, иккинчиси эса ён томондан олинган). Ана шу фотосуратларга разм солиб қаралса, кенглиги билан дўнглиги мўътадил пешона, йилтиллаб турган бир жуфт шахло кўз, Москва депарасида тенги йўқ бурунча-ю, қора сиёҳда кичкинагина хол қўндирилган даҳан намоён бўлади.

Эллочканинг эркакларга ёқиб тушадиган бўй-баста бор. Ўзи кичкинагина, шунинг учун энг пачоқ эркаклар ҳам унинг ёнида забардаст ва барваста кўринади.

Уни бошқалардан ажратиб турадиган бирор ташқи белги йўқ. Эллочка бунга муҳтож ҳам эмас. Суқсурдай жувон-да, ўзи.

Эри «Электр қандил» заводида оладиган икки юз сўм ойлигини Эллочка ўзи учун ҳақорат деб биларди. Эллочка бундан тўрт йил муқаддам Шчукинга турмуш-

га чиқиб, уй бекаси деган ижтимоий мавқега эга бўлгач, катта бир жангни бошлаб юборгани учун бу пул унинг кўзига урвоқ бўлиб кўринарди. Бутун кучлар ишга солинган бу жанг рўзгорни тобора абгор қилиб борарди. Эрнест Павлович уйига кечқурунлари иш оладиган бўлди, оқсоч хотиннинг жавобини берди, ўзи примус қўйиб, ахлат ташиди, котлетниям ўзи пишириб юрди.

Аммо бунинг икки чақалик фойдаси бўлмади. Хатарли душман йил сайин кучайиб, рўзгорга тобора кўпроқ қирон келтира бошлади. Бундан тўрт йилча муқаддам Эллочка океан ортида кундоши борлигини пайқаб қолган эди. Бу бахтсиз ҳодиса файзли бир оқшом маҳалида рўй берди. Ушанда Эллочка қулинг ўргилсин бир крепдешин кофтачани эндигина кийиб кўраётган эди. Кофтача азбаройи ярашганидан нақ маликалардай яйраб кетди.

— Ҳо-ҳо!— деб чинқириб юборди у аъзойи баданини чулғаб олган мураккаб ҳис-туйғуларни шу ваҳшиёна қичқириққа жойлаб.

Бу мураккаб ҳис-туйғуларни жўнгина қилиб шундай ифодалаш мумкин: «Мени бу либосда кўрган ҳар қандай эркак зоти ҳушидан кетади. Уни титроқ босади. Ёндим-куйдим, деб изларимни ўпади. Лекин мен қиё боқмайман. У ахир тирноғимгаям арзимайди-ку! Мен жудаям чиройлиман. Бунақанги зўр кофтача етти иқлимдаям йўқ».

Бироқ бисотида атиги ўттиз нафар сўз бўлгани учун Эллочка шулардан энг ўткири ҳисобланмиш «ҳо-ҳо» иборасини танлаган эди.

Ана шундай муборак бир аснода унинг уйига Фома Собак ташриф буюриб қолди. Меҳмон аёл хонадонга январь ойининг совуқ нафаси билан Францияда чиқадиган модалар журналини олиб келди. Журналнинг биринчи бетини кўрибоқ Эллочка эсапқираб қолди. Сабоби, ялтироқ фотосуратда Вандербильд деган бир америкалик миллиардернинг эркатой қизи оқшом либосида акс эттирилган эди. Мўйна билан шоҳона бичилган кўйлакнинг ўзи-ю, бойвуччанинг антиқавор турмакланган сочи бир зумда кучини кўрсатди-қўйди.

— Оҳо!— деди ўзига-ўзи Эллочка.

«Будунёда ё мен тураман, ё у», деган гап эди бу. Эртасига эрталаб Эллочкани сартарошхона ўз қучо-



ғига олди. Шу ернинг ўзида у одамнинг ҳаваси келгудай бир ўрим қоп-қора сочини калта кестириб, қолган-қутганини маллага бўятиб олди. Орадан кўп ўтмай Эллочка уй бекаси Шчукинанинг тирноғигаам арзимайдиган аллақандай миллиардер қизлар яйраб юргувчи роҳати-жон жаннатга яна бир баҳя яқинроқ келди. Эрининг ишхонасидан қоғоз олиб, насияга ит териси харид қилди. Сув каламушига ўхшатиб пардоз берилган бу тери оқшом либосига жияк бўлиб тушди.

Кўпдан янги чизма тахта илинжида юрган мистер Шчукин хийла маъюс тортди.

Ит терисидан жияк солинган кўйлак Вандербильд-дек димоғдор бойвуччага отилган дастлабки ўқ бўлди. Шундан кейин бу мутакаббир америкалик хонимга қарата кетма-кет яна уч марта ўқ узилди. Эллочка хонаки мўйнадўз Фимочка Собакдан елкага ташлаб юрадиган қимматбаҳо тери сотиб олди (бу тери Америкада яшайдиган жониворга нисбат берилган бўлса ҳам ашида русларнинг Тула депарасида қўлга тушган қуённики эди), Аргентина мовутидан тикилган сават шляпа топиб келди, кейин эрининг янги пиджагини ағдариб, ўзига пўримгина бир жакет тиктириб олди. Миллиардер қиз ўқ зарбидан бир қалқиб тушган эди-ю, лекин меҳрибон отаси Вандербильд жонига ора кириб қолди-да.

Эллочка модалар журналининг кейинги сонини очиб қараса, лаънати рақиби ялпайиб яна суратга тушибди. Тўртта суратда тўрт хил тасвирланган: 1) елкасида қорамтир тулки териси; 2) пешонасида гавҳар юлдузча, 3) учувчи кийимида (қўнжи узун этик, юпқа, яшил камзул, оғзига зумрад тошлар қадалган қўлқоп), кейин: 4) базм либосида (мўл-кўл қимматбаҳо тошлару бир чимдим ипак кўринади.)

Эллочка сафарбарлик эълон қилди. Оила бошлиғи Шчукин ўзаро ёрдам кассасидан қарз кўтарди. Зўрға ўттиз сўм беришди. Янги-янги сарф-харажатлар рўзгорни бутунлай издан чиқариб юборди. Турмуш оғирлашди. Шу ўртада хонимнинг Флоридадаги янги қасрида тушган сурати келиб қолди. Эллочка ҳам янги жиҳоз олишга мажбур бўлди. У ким ошди савдосига бориб, икки дона юмшоқ стул сотиб олди. (Зўр нарса! Бунақаси кам топилади!) Эллочка эридан сўраб ўтирмай, овқат пулидан ишлатворди. Ойнинг ўн бешига қадар яна ўн кун ва тўрт сўм пул қолган эди.

Эллочка дабдаба билан извошда Варсонофьев кўчасидан ўтди. Эри ҳали келмаган экан. Дарвоқе, ордан сал ўтмай, сандиқнамо портфелини кўтариб, уйга эри кириб келди.

— Бемаъни эрим келди,— деди Эллочка бийрон қилиб.

Умуман, у сўзларни элагандай дона-дона қилиб, бийрон гапирарди.

— Яхши ўтирибсанми, Еленочка, ия, бу нима? Стуллар қаердан келди.

— Ҳо-ҳо!

— Йўқ, ростдан сўраяпман?

— М-маза!

— Ҳа. Яхши экан.

— Ан-ти-қа-вор!

— Биров ҳадя қилдими?

— Оҳо?

— Епирай?! Наҳотки сотиб олган бўлсанг? Пулни қаердан олдинг? Рўзгор пулидан ишлатдингми? Сенга минг марта айтдим-ку...

— Эрнестгинам! Алжима!

— Бу қанақа гап ахир? Тирикчилик нима бўлади энди?

— Бо худо!

— Фирт бемаънилик-ку, бу ахир. Нуқул орқа-олдингга қарамай пулни совурасан!

— Наҳот!

— Ҳа, ҳа. Орқа-олдингизга қарамай совурасиз пулни...

— Менга ақл ўргатманг!

— Кел, жиддий гаплашиб олайлик. Ойига икки юз сўм пул олсам...

— Гафлат!

— Пора олмасам, ўгирлик қилмасам, уйда пул ясамасам...

— Даҳшат!

Эрнест Павлович индаёлмай қолди.

— Менга қара,— деди у ниҳоят тилга кириб,— бунақада турмуш бўлмайди.

— Ҳо-ҳо,— деди Эллочка янги келтирган стулига ўтирар экан.

— Ажрашмасак бўлмайди.

— Бо худо!

— Бир-биримизга муносиб эмае эканмиз. Фельмиз ҳар хил. Мен...

— Лўппи, зўр йигитчасан.

— Мени йигитча дема, деб неча марта айтдим сенга!

— Наҳот!

— Одамга ўхшаб гапирсанг-чи, тилиннга чипқон чиққанми?

— Менга ақл ўргатманг!

— Уф, лаънати!— бақириб юборди инженер.

— Алжиманг, Эрнестгинам.

— Кел, тинчгина ажралиша қолайлик.

— Оҳо!

— Минг ўзингни оқлаганинг билан фойдаси йўқ! Ади-бади айтишиб...

— Еш боладай эзиб ташлайман.

— Бас, сабр-тоқатим тугади. Топган важ-корсонларинг ўзингга сийлов, шу ишни қилишга мажбурман энди. Ҳозироқ кўчадан битта арава топиб келаман.

— Наҳот!

— Анжомларни тенг иккига бўламиз.

— Даҳшат!

— Ойига юз сўм оласан. Ҳатто юз йигирма. Уй ўзингга қолади. Хоҳлаганча яшайвер, мен тўйдим...

— Антикавор,— деди Эллочка энсаси қотиб.

— Мен Иван Алексеевичникида тураман.

— Оҳо!

— Ўзи чорбоғига чиқиб кетди, уйи ёъ бўйи бўш. Қалити менда... Фақат жиҳозлари йўқ.

— М-маза!

Орадан беш дақиқа ўтар-ўтмай, Эрнест Павлович қоровулни бошлаб келди.

— Хўш, шкафни олмай кўя қолай, сенга кўпроқ керак, лекин ёзув столини марҳамат қилгайлар... Манави стулниям олинг, қоровул амаки. Хўш, шу янги стуллардан биттасиниям олсам. Қалай, ҳаққим бўлса керак, а?

Эрнест Павлович кийим-кечагини бир бўғчага тугиб, этигини газетага ўради-да, эшикка қараб юрди.

— Орқанг оппоқ оқариб кетибди,— деди Эллочка хиргойи қилиб.

— Яхши қол, Елена.

Хотиним лоақал шунақа маҳалда ўзини тийиб, бемаъни гапларини қилмас, деб ўйлади. Эллочкаям вазият

қалтис эканини сизди. Бир гувраниб, видолашув онларига мос келадиган сўзларни эсламоқчи бўлди. Дарроғ эслаб топди ҳам.

— Таксода кетасанми? М-маза!

Инженер зингиллаганича зинадан пастга тушиб кетди.

Эллочка оқшом бўйи Фима Собак билан бирга бўлди. Иккови жаҳон иқтисодиёти илдизига болта урмоқчи бўлиб турган ғоят муҳим воқеа хусусида фикрлашиб олишди.

— Яқин орада этаги узун, кенг кўйлак расм бўлса керак,— деди Фима товукдай бўйини қисиб.

— Ғафлат.

Эллочка меҳр билан Фима Собакка қараб қўйди. Мадемуазель Собак маданият кўрган қизлардан: луғатида бир юз саксонга яқин сўз бор. Яна бунинг устига у Эллочканинг етти ухлаб тушига кирмаган ғалати бир ибораниям билади. Бу — гомосексуализм деган ўткир сўз. Шубҳасиз, Фима Собак — маданият кўрган қиз.

Суҳбатлари қизиб кетиб, ярим кечагача гаплашиб ўтиришди.

Эрта билан соат ўнда буюк мударббир Варсонофьев кўчасига бурилди. Унинг олдида кечаги боқимсиз бола ирғишлаб борарди. Бола айтган уйини кўрсатди.

— Алдамаяпсанми?

— Нега алдар эканман, амаки... Мана, шу ердан кириб кетувди.

Бендер болага ҳалол ишлаб топган бир сўм пулини узатди.

— Пича қўшсангиз бўларди,— деди бола извошчилардай ялтоқланиб.

— Номаяқул бузоқнинг гўштини ебсан. Қолганини Пушкиндан ундириб оласан. Алвидо, пўлаво.

Остап бировнинг уйига нима деб кираман, деган андишага ҳам бормай, эшикни тақиллатди. Хотин зоти билан гаплашганда у кўпроқ илҳомига ишонарди.

— Оҳо?— деган овоз келди эшик ортидан.

— Хизмат юзасидан,— жавоб берди Остап.

Эшик очилди. Остап чумчуқча ақл-фаросат билан безатилган хонага кириб қолди. Девор бўйи қилиб қиносуратлар, қўғирчоқлар, Тамбов гиламлари осиб ташланган. Уй ичи бошни айлантирадиган даражада олабула бўлиб кетганидан кичкина бекани дар-

ров пайқаш қийин. Унинг эғнида Эрнест Павловичнинг кенг камзулидан ағдариб тикилган халат, жияклари мавҳум мўйнадан.

Остап бундай олий даргоҳда ўзини қандай тутиши лозимлигини дарҳол сезди. У иккала кўзини чирт юмиб, ёрқага тисарилди.

— Мўйнангиз ажойиб экан!— деди у овозини баралла қўйиб.

— Наҳот!— деди Эллочка ипакдай эшилиб.— Мексикада яшайдиган қўшоёқ-ку, бу.

— Асло мумкин эмас. Сизни алдашибди. Мўйнаннинг зўрини беришибди. Шанхай қоплони бу. Ҳа-да! Қоплоннинг худди ўзгинаси! Терисининг ялтирашидан биламан. Кўряпсизми офтобда товланишини!.. Зумрад-а, зумрад!

Эллочка Мексика қўшоёғини шахсан ўзи яшил рангга бўягани учун ҳам саҳархез меҳмоннинг мақтовини эшитиб, мойдай эриб кетди.

Буюк мудаббир мезбон эс-ҳушини йиғиб олишини кутиб ўтирмай, мўйна ҳақида эшитган-билганларини бирваракайига тўкиб солди. Шундан кейин гап ипакка кўчди. Остап шу заҳотиёқ кўҳлик бекага ваъдани қуюқ қилди: Ўзбекистон Марказий Ижроқўмининг раиси гўё шахсан ўзи совға қилган бир неча юз дона пиллани унга бағишлаб юборди.

— Маъқул йигитча кўринасиз,— деди Эллочка дастлабки танишувдан сўнг.

— Эрта-метан бегона эркак йўқлаб келганини кўриб, роса ҳайрон бўлгандирсиз?

— Ҳо-ҳо!

— Нозик бир масала мени келишга мажбур қилди.

— Наҳот!

— Кеча сизни ким ошди савдосида кўриб қолдим, кўрдиму эс-ҳушимни йўқотиб қўйдим.

— Алжиманг!

— Ё тавба! Сиздай гўзал аёлга алжишлик қабоҳат-ку, ахир!

— Даҳшат!

Икки ўртадаги мулоқот деярли шу руҳда давом этган бўлса ҳам ўқтин-ўқтин самараси чакки бўлмади. Лекин Остапнинг мадҳу санолари бора-бора чучмаллашиб, анча сийқаланиб қолди. Чунки у стуллардан бирининг йўқлигини сезиб қолган эди. Нима бўлсаям изи

ни топиш керак. Остап Эллочкани гоҳ саволга тутиб, гоҳ ошириб хушомадлар қилиб, кеча унинг ҳаётида нима воқеа рўй берганини билиб олди.

«Яна иш кўпайди, — кўнглидан ўтказди у, — стул деганиям сичқонга ўхшаб ин-инига кириб кетяпти».

— Оппоқ қиз, — деди дабдурустан Остап, — шу стулни менга сота қолинг. Жудаям ҳавасим келди. Фаросатингизга балли, чинакам аёл экансиз, дидингизга қойил қолдим. Сота қолинг, қизча, етти сўм бераман.

— Алжиманг, йигитча, — ишва билан деди Эллочка.

— Ҳо-ҳо, — деди бўш келмай Остап.

«Бу хонимнинг йўриғи бошқа кўринади, эвазига бир нима бериш керак», — деган фикрга келди Остап.

— Мен сизга айтсам, ҳозир Европадаям, Филадельфиянинг энг зўр хонадонларидаям яна эски таомилга қайтишибди — чойнакнинг бурнига яна симтўр тутишяпти. Ҳам шамани ушлаб қолади, ҳам ўзи чиройли буюм.

Эллочка ҳушёр тортди.

— Бир дипломат ошнам бор, яқинда Венадан келди, ўша совға қилди менга. Маъқул нарса экан.

— Антиқавор бўлса керак, — қизиқиб қолди Эллочка.

— Оҳо! Ҳо-ҳо! Келинг, алмашамиз. Стул сиздан, симтўр биздан. Розимисиз?

Остап чўнтагидан мўъжазгина симтўрни олди.

Тилла суви юритилган симтўрда қуёшнинг тухумдай акси кўринди. Шифтда шуъла ўйноқлаб кетди. Хонанинг қоронғи бурчаги бирдан ёришгандай бўлди. Еввойи Мумбо-Юмбо қабиласига мансуб бир одамхўр бўш консерва қутини кўриб қанчалик бақрайиб қолса, симтўр ҳам шунчалик Эллочканинг ҳушини олиб қўйди. Бундай пайтларда одамхўр овозининг борича бўкиради, албатта. Лекин Эллочка секунггина:

— Ҳо-ҳо! — деб оҳ тортди, холос.

Остап вақтни бой бермаслик учун қўлидаги симтўрни столга қўйиб, стулни олди, эри қаерда туришини сўраб билгач, латофатли аёл билан лутфан хайрлашди.

## АВЕССАЛОМ ВЛАДИМИРОВИЧ ИЗНУРЕНКОВ

Хазинатопарлар оёғи куйган товукдай типирчилаб қолишди. Стулни қизигида босиш керак, дерди икки гапнинг бирида Остап. Гарчи Ипполит Матвеевичнинг гуноҳидан ўтган бўлса ҳам Остап вақт-бевақт унга:

— Мени нима жин уриб сиз билан топишиб қолдим-а? Бошимга битган бало бўлдингиз-ку! Уйингизга бориб, тинчгина загсни тебратиб ётавермайсизми. Мурдаю чақалоқлар кутиб қолгандир. Гўдакларга шафқат қилинг. Боринг уйингизга!— деб дашном берарди.

Лекин буюк мударбирнинг ўзи жонсарак сардорга ўрганиб қолган эди. «Шу одам бўлмаса ҳаётнинг файзи қочади, кулгидан барака кетади»,— деб ўйларди Остап. Шундай кезларда у Воробьяниновнинг яна кумуш майса ўсиб чиққан бошига тикилиб, ўзича кулимсираб қўярди.

Амалий фаолият бобида Ипполит Матвеевичнинг шахсий ташаббусига дурустгина ўрин ажратилган эди. Камсуқум Ивановуло уйдан чиқиб кетиши биланоқ Бендер шеригини ёнига олиб, хазинани қўлга киритишнинг энг осон йўллари миёсига қуярди:

— Дадил бўлиш керак. Ҳеч кимга оғиз сола кўрманг. Андишани йиғиштиринг. Одамларга шуниси ёқади. Бировларни воситачи қила кўрманг. Сиз айтган тераклар кесилиб кетган. Ўзини қўйиб сизга жавоҳир топиб берадиган аҳмоқ йўқ. Лекин жиноятгайм қўл урилмасин. Кодекс деган нарсани ҳурмат қилишимиз керак.

Шунга қарамай қидирув ишларида самара бўлмай турди. Жиноят кодекси ҳамда пойтахт аҳолиси ўртасидаги сон-саносиз буржуа сарқитлари ишнинг белига тепди. Масалан, бу ернинг одамлари кечаси дарчадан тушган меҳмонни ёқтиришмас экан. Демак, кундузи ошкор ҳаракат қилишдан бўлак илож йўқ.

Остап Эллочка Шчуқинани зиёрат қилиб келган кунни студент Ивановулунинг хонасида бир буюм пайдо бўлди. Бу — симтўрга айирбош қилинган стул бўлиб, у сафар давомида қўлга киритилган ўлжаларнинг учинчиси эди. Жавоҳир илинжида жонсарак юрган хазинатопарлар стулни кўрди дегунча шердай ўкириб чанг

болган, ичидаги пружиналарини жон-жаҳдлари билан тортган дамлар аллақачон ўтиб кетган эди.

— Стулнинг ичидан ҳеч вақо чиқмаган тақдирдаям камида ўн минг ишлаб олдик, деяверинг,— деди Остап.— Қанча кўп стул қўлдан ўтса, қолганидан умид ҳам шунча кўпаяди. Хонимнинг стулларида ҳеч нарса йўқ экан, хўш, нима қипти? Бўлмаса бўлмасин, синдиришнинг нима кераги бор. Ивановулонинг рўзгорига яраб турсин. Бир чеккасида ўзимиз ўтирамыз.

Уша куниеқ хазинатопарлар пушти уйни тарк этиб, ҳар томонга тарқаб кетишди. Ипполит Матвеевичнинг чекига Садово-Спаская кўчасида турувчи эчкимижоз кимса тушди, майда харажат учун қўлига йигирма беш сўм пул берилди, пивохонага кирмасликка, стулни топмагунча уйга қайтиб келмасликка фармойиш тегди. Эллочканинг эри билан бўладиган муомалани буюк мудаббир ўз зиммасига олди.

Ипполит Матвеевич 6-сон автобусга чиқиб, шаҳарни бошдан-оёқ кесиб ўтди. Устига чарм қопланган ўриндиқда гоҳ чайқалиб, гоҳ эса кажаванинг мойли шифтига урилгудай бўлиб сапчиб борар экан, йўл бўйи фикри хаёли фақат бир нарса билан: эчкимижоз одамнинг исм-шарифини қандоқ билиб олиш, нима баҳона билан уйига кириш, кириб олгандан кейин унга нима важ кўрсатиш, асосий ишни нимадан бошлаш режалари билан банд бўлди.

Қизил қопқа бекатида у автобусдан тушиб қолди, кейин Остап ёзиб берган қоғозга қараб керакли уйни қидириб топди. Топишга топди-ю, аммо ичкари киришга юраги бетламай, анчагача атрофида уймалашиб юрди. Илгарилари бу бинода исқиртгина бир меҳмонхона бўларди, энди у уй-жой ширкатига айланибди, иморатнинг сирти ола-чалпак бўлиб кетганига қараганда бу ер ижара ҳақидан бўйин товловчи фирромлар маконига ўхшарди.

Ипполит Матвеевич нарироқда хийла вақт чўчинқираб турди, бир неча маротаба эшикнинг олдига бориб келди, қўлда ёзиб, эшикка ёпиштирилган эълон қоғозларида нобакор ижарачиларга қарата айтилмиш дўқпўписалар унга ёд бўлиб кетди. Охири таваккал қилиб ичкари кирди-да, иккинчи қаватга кўтарилди. Қоридор бўйлаб бир хонали квартираларнинг эшиги кўринди. Ипполит Матвеевич дарсини тайёрламай келган кун



муаллими доскага чақириб қолган мактаб боласидай шалвайибгина 41-сон хонага яқинлашди.

Изнуренков  
Авессалом Владимирович

деган ёзув бир биқинидан кнопка еган ҳолда оёғи осмондан бўлиб эшикда осилиб ётарди.

Тамомила гангиб қолган Ипполит Матвеевич тақиллатишни ҳам унутиб, эшикни очди, каловланиб уч қадам босган эди, хонанинг ўртасига бориб қолди.

— Кечиргайлар,— деди у аранг тили айланиб,— ўртоқ Изнуренковни кўрсак бўладими?

Авессалом Владимировичдан садо чиқмади. Воробьянинов бундоқ бошини кўтариб қараса, атрофда ҳеч ким йўқ экан.

Хонага кўз югуртириб чиққан билан мезбоннинг табиати нимага мойил эканини асло билиб бўлмасди. Бу уйда турадиган одам бўйдоқ экани, супуриб-сидирадиган хизматкори йўқлиги аниқ эди, холос. Дераза тоқчасида қоғоз тўла колбаса пўсти. Нарироқда беш-олти дона китоб чанг босиб ётибди. Деворлардаги рангли фотосуратларда мушук ва мушукчаларнинг турфа акси. Хона ўртасида, бир томонга қийшайиб ётган лой ботинканинг шундоқ ёнгинасида ёнғоқ стул турибди. Уйдаги жамики жиҳозларда, шу қатори Старгороддаги данғиллама уйдан чиққан ушбу стулда ҳам тўқ қизил сурғучли муҳр осилган. Аммо Ипполит Матвеевич бунга парво ҳам қилмади. Дунёда Жиноят кодекси деган нарса борлиги, Остап нималар деб насиҳат қилгани паққос хаёлидан кўтарилиб, ўзини стулга ташлади.

Шу пайт қат устидаги газеталар шитирлаб, ҳаракатга келди. Ипполит Матвеевич қўрқиб кетди. Газеталар сирғалиб ерга тушгач, тагидан лапанглаб мушук чиқди. Мушукча Ипполит Матвеевичга эринибгина бир қараб қўйгач, юз-кўзини юва бошлади.

— Уф!— деди Ипполит Матвеевич. Ва шу ондаёқ стулни чангаллаб, эшикка қараб юрди. Эшик ўзидан ўзи очилиб кетди. Остонада шу уйнинг эгаси — эчкимижоз кимса пайдо бўлди. Эгнига пальто кийиб олган бўлса ҳам, тагидан қип-қизил узун иштони кўриниб турарди. Қўлида эса шим.

Авессалом Владимирович Изнуренков ҳақида шуни айтиш мумкинки, республикада унга тенг келадиган одам йўқ ҳали. Республикаям унинг қадрига етади. Бу одамнинг республикага фойдаси катта. Овоз бобида Шалапин, адабиётда Горький, шахмат ўйинида Қапабланка, коңьки учишда Мельников, Тверь ва Камергер кўчалари муюлишидаги энг серқатнов жойни эгаллаб олган, энг бурни катта пирсиён эса сариқ этик мойлаш бобида қанчалик зўр бўлса, Изнуренков ҳам ўз ишига шунчалик уста эди. Аммо шуҳрат масаласида унинг омади юришмай келарди.

Шалапин кўшиқ айтяпти. Горький катта роман ёзиш билан банд. Қапабланка Алёхин билан бўладиган ўйинга ҳозирлик кўрмоқда. Мельников рекорд кетидан рекорд қўйяпти. Пирсиён одамларнинг пойабзалини ойнадай ярақлатиб турибди. Авессалом Изнуренковнинг касби эса ҳажвчилик.

У ҳеч маҳал шунчаки кўнгилахушлиги учун бекордан-бекорга ҳажв ясамайди. У ҳажвий журналларнинг буюртмаси билан ишлайди. Ғоят масъул маъракалар ҳамиша шу кишининг зиммасида, Москвада чиқадиган ҳажвий журналларнинг аксарияти эса расм ва фелъетонларига ундан мавзу сўраб туради.

Улуғ одамлар ҳаётларида икки марта қизиқ гап айтиб қўйишади. Шу туфайли обрўлари ошиб, ҳазил-мутойибалари тилдан-тилга кўчиб юради. Изнуренков теша тегмаган ҳажвиялардан бир ойда кам деганда олтмиш нафарини қотириб ташлайди, одамлар ўқиб кулишади, ёд олишади, аммо ўзининг елкаси офтоб кўрмайди — номини ҳеч ким билмайди. Изнуренковнинг ҳажвияси билан чиққан суратнинг роҳатини расм кўради. Суратнинг тепасида расмоннинг номи бор. Изнуренковникига эса жой йўқ.

— Бу қанақа бедодлик! — дерди у жиғибийрон бўлиб. — Отимни ёзиб қўёлмасам-а. Қасргаям қўяман? Шу икки сатр шеърнинг тагигами?

Шунга қарамай у лапашанг кооператорлар борми, халқ мулкни талон-торож қилганлар борми, Чемберлену сансалор тўралар борми — жамики жамият душманларига қарши эҳтирос билан кураш олиб борарди. У лаганбардорларни, уй-жой бошқармасининг катталарини, хусусий мулкчиларни, мудирларни, безориларни, нарх-навони туширгиси келмаган шахсларни, иқтисо-

дий тежамкорлик масаласида сусткашлик қилаётган хўжалик ходимларини икки оғиз тигдор шеъри билан абжақ қилиб ташларди.

Журнал чиққанидан кейин унинг ҳажвиялари цирк майдонида баралла янграр, оқшом газеталари ўзиники қилиб кўчириб босар, концерт номерларида эса «лапарни лапарчиларнинг ўзи тўқиган» деб эълон қилинар эди.

Изнуренков чайналавериб сийқаси чиқиб кетган соҳаларниям қайта силкитиб, кулгибоп нарсалар топишга уста эди. Сунъий равишда таннархни ошириш нима деган нарса? Изнуренков гиёҳ унмас шу дашти биёбонда ҳам юзга яқин зўр ҳажвия ҳосили олди. Имиллаб борадиган юклар учун нотўғри ҳақ олинаётганидан шикоят қилиб, шу тўғрида бошқаларга сабоқ бўларли икки оғиз нордон гап ёзиб беришни илтимос қилишса борми, Гейнедек одам ҳам дастгоҳини йиғиштириб қоларди; Марк Твен-ку, бу мавзуни эшитиб, орқа-олдига қарамай қочган бўларди. Тагинам Изнуренковнинг жони темирдан экан, чидаб келяпти шуларга.

У гоҳ маъраб, гоҳ коридордаги урналарга қоқилиб, редакция хоналарига бирма-бир шўнғиб чиқади. Ун дақиқага қолмай мавзу қолипга тушади, хомаки расм тайёр бўлиб, сарлавҳасиям тахт қилиб қўйилади.

Авессалом Владимирович сурғучли стулни кўтариб чиқаётган одамга кўзи тушиши биланоқ ҳозиргина бичиқчининг уйида дазмолдан чиққан шимини қўлида ликонглатиб, ёнига бир шох ташлади-да, бидирлай кетди:

— Эсингиз жойидами! Мен бунга қаршиман! Ҳаққингиз йўқ! Қонун деган нарса бор ахир! Аҳмоққа қонун шарт эмас-ку, лекин жиҳозларга қонун бўйича икки ҳафта тегилмайди, қулоғингизга чалинган бўлса керак шу қоида!.. Прокурорга арз қиламан!.. Тўлайман дедим-ку, ахир!

Ипполит Матвеевич серрайиб қолди. Бу орада Изнуренков апил-тапил пальтосини ечиб, тик турганича шимини кийиб олди. У Чичиковга ўхшаб оёқлари семиз, ўзи лўмбиллаган, лекин бети озгин одам эди.

Қўлга тушдим, энди мени тўғри милицияга олиб боришса керак, деб Воробьянинов юрагини ҳовучлаб турган эди, уйнинг эгаси ўзига оро бериб бўлгач, бирдан юмшаб қолганини кўриб, ниҳоятда ҳайрон бўлди.

— Тушунсангиз-чи, ахир,— деди уйнинг эгаси муро-сага келиб,— бунга мен ҳечам рози бўлмайман.

Изнуренковнинг ўрнида бўлганида Ипполит Матвеевич ҳам куппа-кундуз куни стулини ўғрига олдириб ўтиришга сираям рози бўлмаган бўларди, албатта. Аммо нима дейишни билмагани учун индамай тура-верди.

— Айб менда эмас. Уларнинг ўзи айбдор. Тўғри, бўйнимга оламан. Пианинони ижарага олдим, саккиз ой пулини тўламабман, лекин уни сотиб юборганим йўқ-ку. Сотворсам ким билиб ўтирибди. Лекин мен ҳалоллигимни исботладим, улар бўлса фирромлик қилишди. Асбобни олиб кетгани етмагандай яна судга беришибди, жиҳозларимни хатлаб кетишди. Менинг нарсаларимни хатлаш мумкин эмас. Менинг жиҳозларим ишлаб чиқариш қуроли ҳисобланади. Шу стулам ишлаб чиқариш қуроли!

Ипполит Матвеевич гап нимадалигини сезгандай бўлди.

— Жойига қўйинг стулни!— чийиллаб берди Авес-салом Владимирович.— Эшитяпсизми? Сизга айтяпман! Қогоз бандаси!

Ипполит Матвеевич бўшашибгина стулни ерга қўйди-да, гўлдираб:

— Кечирасиз, англашмовчилик бўпти, вазифамиз шунақа,— деди.

Қўққисдан Изнуренковнинг жазаваси тутиб кетди. Уйнинг ичида шаталоқ отиб, «яна саҳар чоғи табассум айлади жонон», деганича хиргойига ўтди. Қўлларини қаёққа сиғдиришни билмай қолди. Иккала қўлиям қанот чиқарганга ўхшарди. Олдинига галстугини бойламоқчи бўлди-ю, лекин охиригача чидаёлмай бу фикридан воз кечди. Кейин газетага ёпишди, ичини очмасданок униям ерга улоқтирди.

— Демак, жиҳозларга тегмайсиз-а, бугун?.. Жуда соз!.. Оҳ! Оҳ!

Ипполит Матвеевич фурсатни ғанимат билиб, эшикка қараб силжиди.

— Тўхтаи!— деб қичқирди Изнуренков.— Бунақа мушукни умрингизда ҳеч кўрганмисиз? Жунига нима дейсиз, ипакдай майин, а, тўғрими?

Мушукча Ипполит Матвеевичнинг қалтироқ турган қўлларига ўтди.

— Палаги тоза-да!..— деб гўлдиради Авессалом Владимирович жўшиб турган ғайратини қаерга сигдиришни билмай.— Оҳ!.. Оҳ!

У югуриб деразанинг олдига борди, рўпарадаги уйнинг ойнасидан икки қиз шу томонга қараб турганини кўриб, чапак чалиб юборди ва уларга таъзим қила кетди. У турган жойида типирчилаб, оҳ-оҳ қила бошлади:

— Қишлоқ қизлари, ҳой! Нақш олма-ей!.. Палаги тозалар-ей!.. Оҳ! «Яна саҳар чоғи табассум айлади жонон...»

— Гражданин, мен борай бўлмаса,— аҳмоқона гап қилди ширкат бошлиғи.

— Тўхтаб туринг, ҳозир, ҳозир!— деди бирдан шошиб қолиб Изнуренков.— Бир дақиқа!.. Оҳ!.. Мушукча қалай? Ипақдай майин эканми жунни?.. Тўхтаб туринг!.. Мен ҳозир!..

У қизариб-бўзариб чўнтакларини кавлаштирди, югуриб нари кетгач, яна келди, оҳ-воҳ қилди, деразага ёпишди, яна нари иргншлаб, яна қайтиб келди.

— Кечирасиз, тасаддиқ,— деди у боядан бери солдатчасига тик қотиб турган Воробьяниновга қараб.

Шу заҳотиёқ сардорга эллик тийинлик пул узатди.

— Йўқ, йўқ, хафа бўламан олмасангиз. Хизмат ҳақингиз бу.

— Чуқур миннатдорман,— деди Ипполит Матвеевич ўзининг устомонлигидан ўзи ҳайратга тушиб.

— Раҳмат, азим, раҳмат, тасаддиқ!

Ипполит Матвеевич коридор бўйлаб борар экан, Изнуренковнинг хонасидан маъраган, чийиллаган, қичқириб-бўкирган овозлар эшитилди.

Кўчага чиққач, лоп этиб Воробьяниновнинг эсига Остап тушди, даҳшатдан шу заҳотиёқ аъзойи баданини титроқ босди.

Эрнест Павлович Шчукин оғайниси тантилик қилиб ёз ойларида бутунлай ташлаб кетган бўш квартира ичида сандироқлаб юрар экан, ваннага тушайми, тушмайми, деган муаммо устида бош қотирарди.

Уч хонадан иборат бу квартира тўққиз қаватли бино томининг шундоққина тагига жойлашган. Уйда ёзув столи билан Воробьяниновнинг стулидан бўлак трюмо ойна бор, холос. Офтоб тушиб тургани учун ойнага тик

қараб бўлмайди, кўзни олади. Инженер ёзув столига чўзилди, лекин шу заҳотиёқ сапчиб туриб кетди. Стол қизиб кетибди.

«Ювиниб ола қолай»,— деди бир фикрга келиб у.

У ечинди, тер қотишини озроқ кутиб турди, кейин ўзини ойнага солиб кўргач, ваннахонага кирди. Анча ҳовридан тушди. Дарров ваннага тушиб, сирли кўк чўмичда устидан сув қуйди-да, кўпиртириб совун сурди. Паға-паға кўпикка белангач, худди қорбобога ўхшаб қолди.

— Яхши!— деб қўйди Эрнест Павлович.

Яхшиликка-ку, ҳаммаси яхши-я. Бадани ором оляпти. Тергайдиган хотини йўқ. Кўнглига ёққан ишини қилаверади. Бу ёғи энди тараллабедод. Инженер чўкка тушиб олди-да, устидан сув қуймоқчи бўлиб жўмракни буради. Жўмракнинг нафаси ичига тортиб, аллақандай хириллаган овоз чиқди. Сувдан эса дарак йўқ. Эрнест Павлович совунли силлиқ жимжилогини жўмракнинг оғзига тикиб кўрди. Жилдираб озгина сув тушган бўлди-ю, яна тўхтаб қолди. Эрнест Павловичнинг таъби тирриқ бўлди, ваннадан ҳатлаб ерга тушгач, ошхонадаги жўмракка югурди. Лекин бунисиям сув бермади.

Эрнест Павлович шипиллаганича хонага кириб, ойнанинг рўпарасида тўхтади. Совундан кўзлари ачишиб, кураги қичишди, паркет пол кўпикка беланди. Эрнест Павлович ҳар эҳтимолга қарши ваннахона томонга қулоқ солиб кўргач, қоровулни чақирришга аҳд қилди.

«Лоақал сув топиб берар,— деб ўйлади тутақа бошлаган инженер кўзини ишқаб,— шуям иш бўлди-ю».

Деразадан ташқарига қаради. Тепадан чуқур ўрага ўхшаб кўринган ҳовлида болалар ўйнаб юришган экан.

— Қоровул!— деб бақирди Эрнест Павлович.— Қоровул!

Ҳеч ким жавоб бермади.

Қоровул деганлари бино ичидаги эинанинг тагида, ертўлада яшаши шундагина Эрнест Павловичнинг эсига тушди. У муздай кафелни босиб, ташқари чиқди-да, бир қўли билан эшикни ушлаб, пастга энгашди. Майдончада бундан бошқа квартира бўлмагани учун Эрнест Павлович хотиржам эди, унинг кўпикли либосига номаҳрамларнинг асло кўзи тушмасди.

- Қоровул!— деб қичқирди у пастга қараб.
- Овози бир гумбурлаб, тошдай пастга юмалаб кетди.
- Ву-ву!— акс-садо берди зина.
- Қоровул! Қоровул!
- Гум-гум! Гум-гум!

Оёғидан зах ўтиб кетгани учун бирини олиб, бирини қўйиб турган инженер шу пайт бехосдан тойиб кетди ва мункиб кетмаслик учун эшикни қўйиб юборди. Америка кулфидаги мис шиқилдоқ «чиқ» этиб, эшик ёпилиб қолди. Девор зириллаб кетди. Бошига қандай кулфат тушганидан беҳабар қолган Эрнест Павлович эшикнинг тутқичидан тортиб кўрди. Эшик очилмади.

Инженер жон ҳолатда устма-уст яна тортди, юраги така-пука бўлиб, ичкарига қулоқ солди. Атроф худди қабристондагидай жимжит. Минорадай дароз дераза ойналаридан (буларнинг рангиям ҳар хил) ёруғлик зўрға сизиб ўтган.

«Аҳвол чатоқ-ку»,— деб кўнглидан ўтказди Эрнест Павлович.

— Вой аблаҳ-ей!— деди у эшикка қараб.

Снаряд олдин чийиллаб, кейин портлагандай, пастдан одамларнинг дастлаб ғала-ғовури, орқадан қий-чуви эшитилди. Сал ўтмай кимнингдир хонаки ити радиокарнайга ўхшаб увиллаб берди.

Кимдир зинадан болаларнинг аравачасини судраб чиқа бошлади.

Эрнест Павлович юрак ўйноғида майдончани гир айлана кетди.

— Ақлга сигмаган иш бўлди-ку!

Унинг назарида ҳеч тасаввур қилиб бўлмайдиган воқеа юз берган эди. У яна эшикнинг олдига бориб, қулоқ солди. Бу сафар бошқачароқ товуш эшитгандай бўлди. Олдинига уйда биров юргандай туюлди.

«Нима бало, орқа эшикдан кирибдими биров?»— гарчи орқа эшик ичидан қулфлоглиқ, бошқа йўл йўқлигини билса ҳам кўнглига шу фикр келди.

Ичкаридан келаётган товуш бир меъёрда эди. Инженер нафас олмай турди. Шундагина у шовиллаган овозни эшитди. Демак, уйдаги ҳамма жўмракка сув келган. Эрнест Павлович додлаб юбораёзди.

Бундан баттари бўлмайди. Олий маълумотли, мўйлов қўйган, кап-катта одам қип-яланғоч, ҳалиям пуфак отиб турган совун кўпигига беланган ҳолда Москвада,

шаҳарнинг қоқ киндигида, тўққизинчи қават майдончасида шумшайиб турибди-я. Ҳеч қаёққа кетолмайди ҳам. Шу аҳволда одамларнинг кўзига кўрингандан кўра қамоққа тушган маъқул. Тақдирига тан беришдан бошқа иложи йўқ. Совун кўпиги писиллаб, икки кураги ачишиб кетди. Қўллари билан юзи тирншиб, тарашадай қотиб қолди.

Шу тахлит ярим соатча вақт ўтди. Инженер бу орада роса дёворнинг оҳагига ишқаланди. Оҳ-воҳ қилди, ҳатто эшикни бузиб очмоқчи бўлди. Унинг кўриниши хароб ва кўрқинчли эди.

Шчукиз нима бўлсаям қоровулнинг олдига туришга жазм қилди.

«Бошқа илож йўқ, ҳечам. Қоровулникида жон сақлаб тураман!»

Эрнест Павлович чўмилмоқчи бўлган эркаклардай қўли билан олдини тўсиб, панжарага қапишганича қўрқа-писа зинадан туша бошлади. Шу тариқа саккизинчи қават билан тўққизинчи қават ўртасидаги майдончага келиб қолди.

Деразадаги ранго-ранг, қуроқ ойналардан тушган нур баданида жилва қилди. У машҳур операда Коломбино билан Қизикчининг гапини панада эшитиб турган масҳарабозга ўхшаб кетди. Инженер майдончадан энди бурилган ҳам эдики, пастдаги квартиранинг қулфи шарақлаб, ичкаридан раққосалар чамадончаси кўтарган бир ойимқиз чиқиб қолди. Ойимқиз остона ҳатлаб улгурмасдан Эрнест Павлович зипиллаганича ўзининг қаватидаги майдончага чиқиб олди. Юрагининг гупиллаб уришига қулоғи шанғиллаб кетди.

Орадан ярим соат вақт ўтгандан кейингина инженер ўзига келиб, яна бир уриниб кўрмоқчи бўлди. Бу сафар қандай қилиб бўлса ҳам зудлик билан пастга туришга ва бир амаллаб қоровулхонага етиб олишга қатъий аҳд қилди.

Шундай қилди ҳам. Инженер ва техниклар секциясининг бюро аъзоси тўртта зинани бир ҳатлаб шипиллаганича пастга қараб югурди. Олтинчи қаватдаги майдончага келганда бир лаҳза тўхтаб қолди. Бу билан ишни расво қилди. Пастдан оёқ товуши эшитилди.

— Хув, қулоқсиз!— карнайдай гумбурлаб чиқди хотин кишининг овози.— Минг марта айтгандирман унга!..



Эрнест Павлович ит қувлаган мушукдай жон аччиги-  
да орқасига қарамай қочди, оёқлари беихтиёр тўққи-  
зинчи қаватга олиб чиқди.

У оёқ излари шилта қилган майдончага чиқиб олгач,  
пиқиллаб йиғлади, сочини юлиб, типирчилай бошлади.  
Бетига оққан қайноқ кўз ёшлари қатқалоқ совун сатҳида  
қўшариқча ҳосил қилди.

— Э худо!— деб юборди инженер.— Бу нима кўрги-  
лик! Бу нима кўргилик!

Дунё кўзига қоронғи кўриниб кетди. Шу пайт кўчадан  
гумбурлаб ўтган юк машинасининг овози қулоғига ча-  
линди. Ия, ёруғ дунё ҳам бор экан-ку!

Яна бир неча марта пастга тушмоқчи ҳам бўлди-ю,  
аммо жойидан жилолмади — асаблари тамом бўлган эди.  
Назариди худди лаҳадга кириб қолгандай эди.

— Буларнинг кетидан доим тозалаб юришинг керак,  
чўчқалар!— деб тўнғиллади пастки қаватда бир кампир.

Инженер уч-тўрт марта югуриб бориб, деворга калла  
қўйди. Бундай вазиятда дод солиб, бировни ёрдамга ча-  
қирган ва ким келса, шундан нажот сўраган маъқул,  
албатта. Энг тўғриси ҳам шу. Лекин Эрнест Павлович-  
нинг мия ишлатадиган ҳоли қолмаган эди. У оғир ҳанси-  
раб, майдончада гир-гир айланарди.

Бу аҳволдан қутулишнинг иложи қолмаган эди.

## XXIV боб

### АВТОМОБИЛЧИЛАР КЛУБИ

«Станок» деб аталувчи каттагина кундалик газета  
идораси Халқлар уйининг иккинчи қаватида жойлашган  
бўлиб, ҳозир жамики материаллар теришга берилиш  
олдидан редакция қозонида қайнаётган долзарб пайт  
эди.

Газетанинг ўтган сонига кирмай қолган тайёр хабар  
ва мақолалар яна сараланади, улар саҳифада қанча йўл  
эгаллаши аниқланади, ана шундан кейин эса кундалик  
машмаша бошланади — жой учун кураш қизиб кетади.

Тўрт бетли (саҳифали) газетага ҳаммаси бўлиб тўрт  
минг тўрт юз йўл материал сиғиши мумкин. Телеграмма-  
лар, мақолалар, янгиликлар, ишчи мухбирларнинг хат-  
лари, эълонлар, бир дона шеърий ва бир жуфт насрий

фельетон, карикатура билан фотосуратлар, театр, спорт, шахмат деб аталган махсус бўлимлар, бош мақола билан ярим бош мақола, совет партия ҳамда касаба союз ташкилотларининг билдиришлари, сонма-сон босилаётган ромanning давоми, пойтахт ҳаётига онд бадиий очерклар, «Қатралар» деб аталмиш майда-чуйда хабарлар, илмий-оммабоп мақолалар, радио ва яна ҳар хил тасодифий материаллар — шуларнинг ҳаммаси тўрт саҳифага сиғиши керак. Редакция бўлимларида эса ўн минг йўлга яқин материал бўлади. Шунинг учун ҳам бирор нарсани саҳифага киритиш кўпинча дилсиёҳликка олиб келади.

Редакция секретарининг ҳузурига биринчи бўлиб шахмат бўлимининг мудирини маэстро Судейкин ҳовлиқиб кириб келди.

— Нима? Шахмат чиқмайдими бугун?— деб сўради у одоб доирасидан чиқмай, лекин мунг тўла овоз билан.

— Сигмаяпти,— деб жавоб берди секретарь.— Подвал катталиқ қилади. Уч юз йўл.

— Бугун шанба-ку, ахир. Газетхон якшанбадаги бўлимга ўрганиб қолган. Олдинги сондаги масалаларнинг жавоблари бор. Неуниваконинг ажойиб бир этюдини тайёрлаб қўйганман, иннайкейин...

— Яхши. Қанча жой керак?

— Камида юз эллик йўл.

— Яхши. Олдинги масалаларнинг жавобларини бериш шарт бўлса, олтмиш йўл оласиз.

Маэстро лоақал Неуниваконинг шахмат этюди учун яна ўттиз йўл жой тилаб олмоқчи бўлиб турган эди (Тартаковер — Боголюбовларнинг ажойиб ҳиндча партияси бир ойдан бери ғаладонида ётибди), огиз очгани қўймай уни четга суриб чиқаришди.

Репортёр Персицкий кириб қолди.

— Пленум таассуротларига зарурат борми?— секингина сўради у.

— Бўлмасам-чи!— деб ўшқириб берди секретарь.— Утган кунни айтилди-ку, ахир.

— Пленум тайёр,— деди Персицкий яна ҳам майинроқ қилиб,— ёнида иккита лавҳаям бор, лекин жой йўқ дейишяпти.

— Нега йўқ бўларкан? Қим айтди? Эси жойидами ўзи?

Секретарь шу гапни айтган одам билан ёқалашгани чопиб чиқиб кетди. Яна уни ёмонлаб, орқасидан Персиц-

кий эргашди, эълонлар бўлимининг ходими буларнинг изидан югурди.

— Сеялкабоп суюқлик чиқибди, эълон келди!— деб чулдурди ходим ёлворгандай бўлиб.

Редакторнинг ҳурматига ким ошди савдосида олинган юмшоқ стулни кўтариб, уларнинг орқасидан хўжалик мудири эргашиб борарди.

— Суюқлик сешанбада кетади. Бугун ўзимизнинг иловани берамиз!

— Бепул эълонларингдан нима фойда, суюқликка бўлса пул тўлашади.

— Яхши, тунги редакцияда кўрамиз. Эълонни Пашага бериб қўйинг. Ўзиям ҳозир ўша ёққа кетяпти.

Секретарь бош мақолани ўқишга ўтирди. Энди мириқай деб турганида рассом кириб халақит берди.

— А-ҳа, жуда яхши,— деди секретарь.— Карикатурабоп мавзу бор, Германиядан олинган сўнги телеграммалар хусусида.

— Менимча, бундоқ бўлади,— деди шоша-пиша рассом:— Пулат каска ва Германиянинг умумий аҳволи...

— Яхши. Олдин бир ишлаб кўринг, кейин менга кўрсатарсиз.

Рассом ўзининг бўлимига чиқиб кетди. У бир бўлак ватман қоғози олиб, қаламда қилтириқ бир итнинг суратини чизди. Итнинг калласига германларнинг найза тасвирли каскасини кийдириб қўйди. Шундан кейин керакли сўзларни ёзди. Ҳайвоннинг танасига босма ҳарфлар билан «Германия» деб ёзиб олгач, ликонглаб турган думига «Данциг йўлаги», жагига «Реванш умидида», бўйнидаги тасмага «Дауэс плани», бир қарич осилган тилига эса «Штреземан» деган сўзларни битди. Рассом итнинг олди-га Пуанкарени жойлаштириб, қўлига бир парча гўшт ушлатиб қўйди. Рассом гўштнинг бирор сўз билан беамоқчи эди-ю, лекин гўшт кичкина бўлгани учун ўйлаган нарсаси сиғмай қолди. Унинг ўрнида шу топда газетага карикатура чизиш нималигини билмайдиган бирор пандавақи бўлганда борми, дарров ўзини йўқотиб қўярди, ammo бизнинг рассом ўйлаб-нетиб ўтирмай дори шишанинг бўғзига ёпиштириладиган қоғозга ўхшатиб бир нима чизди-да, гўштга ишора қилиб, майда ҳарфлар билан: «Хавфсизликни таъминлаш ҳақидаги Франция таклифлари» деб ёзиб чиқди. Пуанкарени тагин бошқа давлат арбоблари билан адаштириб юришмасин, деган андиша-

да унинг қорнига «Пуанкаре» деб ёзиб ҳам қўйди. Хомакки сураат тайёр бўлди.

Бадий бўлимдаги столларда чет эл журналлари, катта қайчилар, тушь ва белила солинган шиша идишлар кўзга чалинади. Фотосуратлардан қирқиб ташланган елкалар, оёқлар, узук-юлуқ табиат манзаралари ерда сочилиб ётибди.

Чамаси беш нафар рассом «Жиллет» пискаси билан фотосуратларни қиртишлаб, қора жойларини оқартиришади; тушь ва белила суриб, газетбоп қилишади-да, нималигини орқасига қайд этгач, ёнига  $3\frac{3}{4}$  квадратга, 2 устунга ва ҳоказо, деб цинкография учун ёзиб қўйишади.

Редакторнинг хонасида чет элдан келган меҳмонлар бор эди. Редакция таржимони ажнабийнинг оғзига тикилиб тургач, редакторга қараб:

— Уртоқ Арно шуни билмоқчиларки...

Совет газетасининг тузилиши ҳақида гаплашиб ўтиришган эди. Таржимон ўртоқ Арно нимани билмоқчи бўлганини редакторга тушунтириш билан овора экан, духоба шим кийган Арнонинг ҳам, бошқа хорижий меҳмонларнинг ҳам икки кўзи хонанинг бир чеккасига қадар қўйилган қизил ручкада эди. Ручканинг учудаги 86-сон перо шифтга тегай деб турган бўлса, танасининг йўғон жойи ўртача одамнинг белидай келади. Узиям ёзса ёзгудек ручка: пероси чўртанбалиқдан хиёл каттароғу, аммо ростакам перо.

— Бай-бай!— деб кулишди ажнабийлар.— Зўр, зўр!

Бу перони редакцияга ишчи мухбирлар съезди совға қилган эди.

Воробьяниновнинг стулида ўтирган редактор бир гапириб ўн кулар, дам ручкага, дам меҳмонларга қиё боқиб, алланималарни завқ билан тушунтирарди.

Секретариатда жанжал давом этарди. Персицкий Семашконинг мақоласини олиб келди, шунга кўра секретарь учинчи саҳифа макетидаги шахмат бўлимини тезда гумдон қилди. Маэстро Судейкин Неуншвакониинг ажойиб этюди учун олишмай қўйди. Масаланинг жавоблари чиқса ҳам катта гап. Охири маэстро талашиб-тортишиб «Жазо ва сазо» ҳисобига қиттаккина жой олди. Сен-Себастьян турнирида қатнашиб, Ласкер билан олишганидаям бунчалик жони қийналмаган эди.

Семашко теришга туширилди. Секретарь яна бош мақолага шўнғиди. Нима бўлсаям бош мақолани ўқиб чи-

қишга аҳд қилди. Шунга кўнгли суст кетган бўлса нима қилсин.

«...Бироқ кейинги фактнинг моҳияти шундан иборатки, мабодо миллатлар иттифоқи уни эътироф этадиган бўлса, у ҳолда шуни тан олиш керакки...» деган жойга келганида «Жазо ва сазо»нинг мутасаддиси бўлмиш сержун киши кириб қолди. Секретарь «Жазо ва сазо»нинг кирганини пайқамандай жимгина бош мақолани ўқий-верди, ёнига бир нималар деб ёзган бўлди.

«Жазо ва сазо» унинг нариги томонига ўтди-да, ранжигандай бўлиб:

— Мен ҳайронман,— деди.

— Хўш-хўш,— анқовсираб деди секретарь,— нима гап ўзи?

— Гап шуки, чоршанба куни «Жазо ва сазо» чиққани йўқ, жума куниям чиқмади, пайшанба куни фақат алимент можаросини беришди, уям олдинги сонлардан қолган, мана энди шанбага келиб яна бир ҳунар кўрсатишибди — суд мажлисини олиб ташлашибди. Ҳамма газеталар шу ҳақда ёзса-ю, биз бўлсак...

— Қаерда чиқибди?— бақириб берди секретарь.— Мен кўрганим йўқ.

— Эртага ҳаммаси беради, биз яна кеч қоламиз.

— Чубаровларнинг иши сизга топширилганида қойил қилибмидингиз? Бир йўл ҳам материал бермагансиз. Биладан. Оқшом газетасига ёзиб юргансиз.

— Буни сиз қаердан биласиз?

— Биладан. Одамлардан эшитдим.

— Кимдан эшитганингизни мен ҳам биладан. Персицкийдан эшитгансиз. Редакциянинг аппаратидан фойдаланиб, Ленинградга материал берадиган Персицкийдан. Буни бутун Москва биледи.

— Паша!— деди секретарь овозини пасайтириб.— Персицкийни чақиринг.

«Жазо ва сазо» деразанинг тоқчасига бемалол ўтириб олди. Деразанинг орқа томони боғ бўлиб, қушлар ва городки ҳаваскорлари шу ерда гивирлашар эди. Икки ўртадаги даҳанаки жанг узоқ давом этди. Секретарь бошлаб бунга чек қўйди: шахматни олиб ташлаб, ўрнига «Жазо ва сазо»ни киритди. Персицкий танбеҳ эшитиб олди.

Редакция ҳаётида энг долзарб палла бошланди — соат беш бўлди. Жағи очилган ёзув машинкаларидан ту-

тун кўтарилади. Шошганидан машинка ёнидаги ходимларнинг овози нохуш чийиллаб чиқади. Бош машинистка навбатини кутмай қўлидаги материални секингина кўчиришга тутқазиб кетган беандиша ходимларнинг гўрига гишт қалайди.

Коридорда редакция шоири кўриниб қолади. У машинисткалардан бирига кўпдан ишқибоз, машинистканинг ўртамиёна сонлари шоирнинг хаёлини ўғирлаган. У қизни коридорнинг бир бурчагига тортқилаб, дераза ёнида унга дил розини тўкиб солади.

— Бугун жуда бандман, ишим бошимдан ошиб ётибди,— дейди қиз.

Мен бошқа одамга кўнгил берганман, дегани бу.

Шоир нуқул оёқнинг тагида ўралашиб юради, кимни кўрса, шунга ҳамиша бир хил илтимос билан мурожаат қилади:

— Трамвайга ўн тийин бериб туриң!

Шу ақча илинжида шоир ишчи мухбирлар бўлимига кириб қолди. У «қори»лар тизилишиб ўтирган столлар атрофида уймалашиб, даста-даста хат-хабарларни пайпаслаб кўргач, яна арз-додини бошлаб қолди. Редакцияда тишининг оқини кўрсатмайдиган қорилар (хизмат бурчи буларни шундай қилиб қўйган: ҳар биттаси бир кунда юзта хат ўқиб чиқиши шарт, бунинг устига бу хатларни қўли қаламдан кўра кўпроқ болтага, чўтка ёхуд замбилғалтакка мойил одамлар ёзган) миқэтмай ўтираверишди.

Шоир газета тарқатув бўлимига кириб чиққач, охири ҳисобчилар хонасига бошини суқиб кўрди. Аммо ўн тийин ундириш у ёқда турсин, ўзини худо бир асраб қолди: Авдотьев деган комсомол бола шоирни автомобилчилар тўгарагига тортмоқчи бўлди. Шоирнинг ҳасос қалбига нақ бензин уфургандай бўлди. У икки қадам ёнга тисарилиб, учинчи тезликка ўтди-да, кўздан ғойиб бўлди.

Авдотьев пинагини бузмади. У автомобилчилик ғояси бир кунмас-бир кун албатта тантана қилишига ишонарди. Секретариатнинг хонасида у зимдан иш бошлади. Натижада секретарь боёқиш бош мақолани охиригача ўқиб тугатолмади.

— Менга қара, Александр Иосифович. Бирпас тўхтаб тур, жиддий гап бор,— деди Авдотьев секретарнинг столига омонат чўкиб.— Бизлар автомобиль клубини

ташкия қилдик. Редакциядан саккиз ой муддатга беш юз сўмча пул олиб турса бўлармикин?

— Тушингни сувга айт.

— Нечук? Бундан бир иш чиқмайди, деб ўйлайсанми?

— Уйлаш қаёқда, аниқ биламан. Тўгаракда қанча аъзоларинг бор?

— Анча кўпайишиб қолишди.

Тўгарак дегани фақат ташкилотчининг ўзидан иборат эди-ю, аммо Авдотьев бу ҳақда дом-мим демади.

— Беш юз сўмга «чиқитхона»дан машина оламиз. Егоров биттасини мўлжаллаб қўйди. Ремонтгайм кўпи билан беш юз кетаркан. Ўзи айтди. Ҳаммаси бўлиб бир мингга тушаркан. Шунинг учун йигирмата одам тўпламоқчиман, киши бошига эллик боладан. Маза. Машина ҳайдашни ўрганиб оламиз. Егоров бош-қош бўлади. Уч ой деганда, яъни августга бориб ўрганиб оламиз, машина бўлса бор, ҳар ким навбати келганда боши оққан томонга ҳайдаб кетаверади.

— Қолган беш юз сўм-чи? Қаёқдан оласизлар?

— Ўзаро ёрдам кассасидан, фонизи билан. Кейин узилишиб кетамиз. Хўш, қалай, сениям ёзиб қўяйми?

Лекин секретарь сочлари тўкилиб қолган, ҳамиша иши тигиз, бўйнидаги олахуржун измидан чиқмайдиган, тановулдан кейин диванга чўзилиб, хуррак олдидан «Правда»ни мутолаа қилишни хуш кўрувчи одам эди. У ўйлаб туриб, рад жавобини берди.

— Қариб қопсан,— пичинг қилди Авдотьев.

Авдотьев столларни айланиб, оташин нутқлар сўзлади. У ёши йигирмадан ошган барча ходимларни қарияга чиқариб қўйган эди. Унинг гап-сўзлари ана шу қарияларга кор қилмагандай бўлди. Улар энди болапарвар бўлиб қолишганини, шўринг қурғур норасидаларга ёрдам қўлини чўзиб, савоб учун йилига йигирма тийиндан пул тўлаб келишаётганини рўкач қилган ҳолда ўзларини четга олиб қочишди. Ўзларига қолса янги клубга жон деб аъзо бўлишарди-ю, лекин...

— Нима «лекин?»— бақриб берди Авдотьев.— Автомобиль ҳозир бўлганда эдимиз? Шундайми? Йилига ўн беш тийиндан тўлаб, олти цилиндрли кўм-кўк «паккард»га эга чиқсангизу бензини билан мой пулини ҳукумат тўласин экан-да?

— Бор, йўлингдан қолма! — дейишди қариялар.—

Ҳозир материалнинг охирини юбориш керак, ишга халақит беряпсан!

Автомобилчилик ғояси тутун қайтара бошлади. Ниҳоят, янги ташаббус ўзининг кашшофини топди. Персицкий шарақ этиб телефонни қўйди-да, Авдотьевга қулоқ солиб турди.

— Йўлини билмас экансан, қани, қоғоздан ол-чи. Бир бошдан бошлаймиз, — деди у охири.

Шундан кейин Персицкий билан Авдотьев иккови тарғибот ишларини янгидан бошлашди.

— Эҳ, болайи нодон, — деди Персицкий, кўк кўз йигитчага тушунтириб, — бунинг учун сариқ чақаям тўламайсан. Йигирма еттинчи йилнинг заёми борми сенда? Қанча? Эллик сўмлиқми? Жуда соз. Шу облигацияларни клубимизга топширасан. Тушган облигациялардан сармоя ҳосил бўлади. Августга бориб ҳамма облигацияларни сотамиз, кейин автомобиль оламиз.

— Заёмимга ютуқ чиқиб қолса-чи? — бўш келмади йигитча.

— Қанча ютуқ чиқишини хоҳлардинг?

— Эллик минг.

— Ана шу эллик мингга автомобиллар оламиз. Мен ютсам, меникигаям. Авдотьев ютса, уникигаям. Хуллас, кимга ютуқ чиқишидан қатъи назар, пули ўртада, машинага сарфланади. Тушундингми энди? Вой нодон-эй! Шахсий машинанг бўлади, Ҳарбий-Грузин йўлидан ялло қилиб кетаверасан! Тоғларни айтмайсанми! Оббо галварс-эй!.. Бундоқ ўгирилиб қарасанг, «Жазо ва сазо»ям ўзининг машинасида орқангдан келяпти, ахборот бўлими, ҳодисалар бўлими, ҳаммаси турнақатор. Яна бир хоним ҳам анави-чи, кино... Нимаиди оти? Боплаб айлантирасан!..

Қўлида заёми бор ҳар қандай одам ҳам меникига албатта ютуқ чиқади, деб қаттиқ умидвор бўлмайди. Шунисиям борки, у қўни-қўшинлари, таниш-билишларининг заёмидан чўчинқираб юради. Пешонам шўрлик қилиб, уларга ютуқ чиқса, яна қўлимни бурнимга тикиб қоламан, деб ўтакаси ёрилади. Ана шунга кўра редакциядош ўртоғининг заёмдан ютиб қолиш хавфи кўпларни янги клуб даргоҳига етаклаб келди. Бирорта заёмга ютуқ чиқмаслиги ҳам мумкин эди. Лекин бунақа бўлишига негадир ишонишмади, қолаверса, ютуқ чиқмаган тақдирда ҳам автомобиль клуби зарар кўрмайдиган



бўлди: заёмлардан тушган сармоя эвазига «чиқитхона»дан битта машина сотиб олишга қурблари етарди.

Беш дақиқа ичида клубга йигирма киши аъзо бўлди. Автомобиль клубининг ёрқин келажагидан хабар топган секретарь ҳамма иш битгандан кейингина кириб келди.

— Хўш, йигитлар, менам ёзилсаммикин?— деб сўради у.

— Ёзилсанг ёзилавер, қария,— деб жавоб берди Авдотьев,— фақат бизнинг клубга эмас. Илож қанча, бизники тўлди, минг тўққиз юз йигирма тўққизинчи йилга қадар янги аъзо олинмайди. Болапарварларга қўшилганинг маъқулми, дейман. Ҳам арзон, ҳам бедахмаза. Иллига йигирма тийин, иссиқ ўрнингни совитмайсан ҳам.

Секретарь олдинига иккиланиб турди, кейин ёши ўтиб қолгани эсига тушиб, бир хўрсиниб қўйгач, чала қолган антиқа бош мақолани тугатиб қўйиш учун жўнаб қолди.

— Менга қаранг, ўртоқ,— деди черкас башара, қомади келишган бир одам уни коридорда тўхтатиб.— «Станок» газетасининг редакцияси қаерда, айтиб беролмайсизми?

Бу — буюк мудаббирнинг ўзгинаси эди.

## XXV боб

### ЯЛАНҒОЧ ИНЖЕНЕР БИЛАН СУҲБАТ

Остап Бендер редакция эшигида пайдо бўлгунга қадар орада баъзи муҳим ишлар ҳам бўлиб ўтди.

Буюк мудаббир Эрнест Павловични кундузи уйдан тополмагач (уйи қулф экан, эгаси ишда бўлса керак), кечроқ яна бир хабар олмоқчи бўлди, шунинг учун ҳозирча шаҳар айланишга қарор қилди. Бекорчиликдан юраги тошиб, ўзини қўярга жой тополмай кўчаларда тентираб юрди, гоҳ майдонларда тўхтаб, милиционерларга кўз қисса, гоҳ автобустга қарашворган бўлди. Умуман, у Москвани бутун уй ичи билан — ҳайкаллари, трамвайлари, хизматчи аёллари, черқов, вокзал ва эълон тахталари билан меҳмонга чақирган тантивойга ўхшарди. У бирма-бир меҳмонларидан ҳол сўраб, икки оғиз ширин сўз билан кўнглини кўтариб қўярди. Сон-саноқсиз меҳмон буюк мудаббирни анча толиқтириб қўйди. Бунинг

устига соат ҳам олтига яқинлашиб қолган, инженер Шчукиндан хабар оладиган вақт бўлган эди.

Лекин тақдир тақозосини қарангки, Эрнест Павловичнинг уйига шошилиб турган Остап кутилмаган икки энлик арзимас протокол учун икки соат ушланиб қолди.

Буюк мудаббир театр майдонида бир фалокатга учради. Ўзи оппоқ, ювошгина бир от жонивор лоп этиб олди дан чиқиб қолди-ю, йўгон тўши билан уни туртиб юборди. Бендер йиқилиб тушди. Ҳаво иссиқ бўлса ҳам уни совуқ тер босди. Оқ от кишнаб кечирим сўради. Остап дик этиб ўрнидан турди. Филдай бақувват Остапнинг бирор ериям лат егани йўқ. Шунинг учун ҳам ҳар қанча шовқин кўтарса арзирди.

Ҳозиргина бутун Москвага уйда зиёфат берган сертакаллуф мезбон бирдан ўзгарди-қолди. Лапанглаб бориб, у эси чиқиб кетган извошчи чолнинг орқасига бир мушт туширди. Чол тишини-тишига қўйиб, оғриқ азоби-га чидаб берди. Югуриб милиционер келди.

— Протокол тўлғизилсин!— деб талаб қилди Остап виқор билан.

Нафсонияти қаттиқ озор топган кишидай овозиям ўдағайлаб чиқди. Шундан кейин Остап Малий театрнинг шундоққина ёнгинасида, улуғ рус драматурги Островскийга кейинчалик махсус ҳайкал тикланган жойда протоколга имзо чекди, айти бир пайтда тўполонни кўриб югуриб келган Персицкийга икки оғиз изоҳ берди. Персицкий хашаки ишлардан ҳам тап тортмасди. У жабрланувчининг исми шарифини ён дафтарига ёзиб олгач, яна шошганича йўрғалаб кетди.

Остап бамайлихотир йўлга тушди. От тагида қолганидан ҳамон ўзига келолмай, аблаҳ извошчини гарданига бир туширсам бўларди, деб афсусланганича Остап Шчукиннинг уйига етиб олди, икки зинани бир қилиб еттинчи қаватга кўтарилди. Шу пайт тепадан бошига алланима томчилади, Қалласини кўтариб қараган эди, юқоридаги майдончадан юз-кўзига шовиллаб мағзава тўкилди.

«Тумшугини ёриш керак бунақа одамни», ғазабланди Остап.

Югуриб тепага чиқди. Шчукиннинг эшиги тагида орқасини ўтириб ерга қапишиб ўтирган қип-яланғоч, аъзойи баданини оқ пўпанак босган одамга кўзи тушди. У

Ўтирган жойида икки ёнига шох ташлаб, нуқул чайқаларди.

Олдидаги эшикнинг тирқиши тўла сув эди.

— У-ў-ў,— деб инграрди яланғоч одам,— ў-ў-ў...

— Менга қаранг, сув ўйнаётган сизмисиз?— деб сўради Остап тутоқиб.— Бошқа ер қуриб қоптими чўмилгани? Эсингиз жойидами!

Яланғоч одам Остапга бир қараб, пиқиллаб қўйди.

— Бу қанақа гап, гражданин, обидийда қилгандан кўра ҳаммомга борсангиз бўлмайдими? Турқингизни қаранг! От ҳуркади-я!

— Қалит,— деди ғўлдираб инженер.

— Қанақа қалит?— сўради. Остап.

— У-у-уйнинг қалити.

— Пул турган уйнинг қалитими?

Яланғоч одамдан ҳиқичоқ қайнаб чиқаётганга ўхшарди.

Остап парокандалик нималигини билмайдиган одам. Дарҳол ўйлай кетди. Уйлаб ўйига етган ҳам эдики, ўзини тутолмай шарақлаб кулиб юборди. Қотиб-қотиб кулар экан, нақ бўлмаса пастга қулаёзди.

— Уйга киролмаяпман денг? Ие, шунгаям шунчаликми!

Остап яланғоч одамга тегиб кетиб, кийимини ифлос қилмаслик учун ўзини эҳтиёт қилган ҳолда эшикка яқинлашди, Америка қулфининг тирқишини мўлжаллаб, бош-малдоғидаги узун, сап-сарик тирноғини тикди-да, ўнгдан чапга, юқоридан пастга қараб аста айлантира бошлади.

Чиқ этиб эшик очилди, яланғоч одам шодон бўкириб, сув босган уйга ўзини урди.

Жўмрақлар шовилларди. Ошхона бамисоли гирдобга ўхшарди. Ётоқхонадаги сокин ҳовуз бетида шиппақлар мағрур сузиб юрарди. Қарахт балиқдай бир бурчакда папирос қолдиқлари қалқиб турибди.

Айниқса, ошхонада сув жунбишга келган. Воробьяниновнинг стули ҳам шу ерда экан. Тўртала оёғи оппоқ кўпик бетида қалқиб турган стул кушандасига тутқич бермасликка онт ичгандай типирчиларди. Остап бунга сезгандай дарҳол стулга ўтириб, чордана қуриб олди. Эр-нест Павлович ўзига келгач, «Пардон-пардон!»— деб чирқиллаганича жўмрақларни беркитди, ювиниб олди ва Бендернинг олдига чиқди. Шалаббо шимининг почаси тиззагача қайрилган, ўзи эса ярим яланғоч эди.

— Менга катта мурувват кўрсатдингиз!— ҳаяжонланиб деди у.— Кечирасиз, қўл бериб кўришолмайман, ҳамма ёғим жиққа ҳўл. Мен сизга айтсам, жинни бўлаёзим.

— Шунақага ўхшаб турувди.

— Жудаям ёмон аҳволга тушиб қолдим.

Эрнест Павлович гоҳ маънос тортиб, гоҳ эса асабий ҳиринглаб, бошига тушган мусибатни бутун тафсилотлари билан буюк мударбирга оқизмай-томизмай гапириб берди, ўша даҳшатли воқеа кўз ўнгида қайта жонлангандай бўлди.

— Агар сиз бўлмаганингизда адойи тамом бўлардим,— деди инженер сўзини тамомлаб.

— Ҳай,— деб қўйди Остап,— меням бошимга тушган бунақа савдо. Сизники ҳолва экан.

Инженер бундай воқеаларга шу топда азбаройи қизиқиб қолганидан сув ташиётган челагини қўйиб, диққат билан тинглашга тушди.

— Айни сизникига ўхшайди-ю, лекин бу воқеа қишчилласида бўлган эди,— деб гап бошлади Бендер,— бунинг устига Москвада эмас, Миргородда, нақ ўн тўққизинчи йилда, Махнонинг думи тугилиб, Тютюник ҳали қорасини кўрсатмай турган дориламон бир пайтда содир бўлган эди. Ушанда мен бир хонадонда турардим. Хоҳол зоти кўп дангалчи-да! Ҳам ўтакетган молпараст: барининг шахсий уйи бор, бисот-бағалиям жуда катта. Сизга шуниям айтиб қўяйки, Миргородда канализация қабалидаги қулайликлар йўқ, ҳовлига ўра қазиб, ҳамма ишни битириб кетаверишади. Шундай қилиб денг, бир куни кечаси заҳар танқиб ташқарига чиқдим. Ҳаммаёқ қор. Ич кўйлақдаман, устимга ҳеч бало ёпинмаганман, дарров бўламан, деб ўйладим-да. Чиқа солиб, билмасдан эшикни қарс этиб ёпдим. Бекилиб қолди. Совуқ йигирма даража атрофида. Уки дукиллатаман, қани очишса, Бир жойда тек туриб бўлмайди, таёқдай қотириб қўяди! Дам тақиллатиб, дам югураман, дам тақиллатиб, дам югураман. Уйда эса ҳамма уйғоқ. Ярим кеча. Бир томонда итлар вовилласа, иккинчи томонда тапира-тупур отиб ётишибди. Даҳшат. Мен бўлсам қорда иштончан зир югураман. Бир соатча тақиллатгандирман. Сал қолди тиришиб ўлишимга. Нимага эшикни очишмабди, денг. Бисотини яшириб, Керенский пулини ёстиққа жойлаб туришган экан. Тинтувга келишди, деб ўйлашибди. Мана

эшикни очмаслик қанақа бўлади, деб кейин роса бопладим ўзим ҳам.

Инженер унинг ўша пайтдаги аҳволини тушуниб турган эди.

— Шунақа гаплар,— деди Остап,— хўш, инженер Шчукин сиз бўласизми?

— Меҳ. Лекин бировга айта кўрманг, илтимос. Ҳар ҳолда ноқулай иш бўлди.

— У, бош устига. Антр-ну, тет-а-тет<sup>1</sup>. Французларнинг ибораси билан айтганда, бир жуфт гувоҳ. Сизда бир ишим бор эди, ўртоқ Шчукин.

— Бажонидил хизматларига тайёрман.

— Гран мерси. Арзимаган нарса экан. Рафиқангиз сизга учраб, шу стулни олиб келишни илтимос қилувди. Гапига қараганда, хилини териб юрганмиш. Эвазига каттароқ стул юбораркан.

— Э, марҳамат!— астойдил деди Эрнест Павлович.— Ғоят хурсандман. Сиз овора бўлиб нима қиласиз? Ўзим элтиб бера қолай. Шу бугуноқ.

— Йўқ, йўқ, нега энди! Сираям оворагарчилиги йўқ. Ўзим шу атрофда тураман, менга оғири тушмайди.

Шошиб қолган инженер буюк мудаббирни эшиккача кузатиб қўйди. Кузатиб қўйишга қўйди-ю, лекин уйнинг калитини боянинг ўзида ҳўл шимнинг чўнтагига жойлаб қўйган бўлишига қарамай, остона ҳатлаб чиқишга юраги дов бермади.

Собиқ студент Ивановуло яна битта стуллик бўлди. Гарчи бунисининг жилди бир оз лат еган бўлса ҳам ҳар ҳолда стул деган номи бор, қолаверса, олдингисининг худди ўзгинаси.

Бу стул ҳисоб бўйича тўртинчиси эди. Яна умиди чиппакка чиққан Остап асло ташвиш тортмади. Фалакнинг гардиши нималигини у жуда яхши биларди.

Унинг ақл чироғи билан бир ипга тизган ҳисоб-режаларига фақат бир нарса қора кўланка ташлаб турарди. У ҳам бўлса Октябрь вокзалининг омборхонасида ғойиб бўлган ўша стул эди. Шу стул эсига туши дегунча таъби тирриқ бўлиб, кўнгли бузилиб кетарди.

<sup>1</sup> Entre nous (фр.)—ўртамазда қолади;

<sup>2</sup> Têt-a-tet—холи.

Буюк мудаббир пилдироқ соққа ўйинига ўтирган қиморбозга, қиморбоз бўлгандаям нуқул рақамига пул тикиб довини бирпасда ўттиз олти баравар қилиб ютишни мўлжаллаган хомхаёл қиморбозга ўхшарди. Аҳвол бундан ҳам баттар эди: хазинатопарлар гардкам қилган пилдироқ ўйинда ўн иккита рақамнинг ўн биттаси ютмайдиган ноль рақамидан иборат эди. Қолаверса, бунисиям ишқал. Шу ўн икки рақамдан биттасининг изи йўқолган, орзиқиб кутилган ютуқ эҳтимол шунинг ўзидир, лекин, афсуски, у қаергадир гумдон бўлган.

Шу тариқа Остап ич-этини еб ўтирган эди, бош саркор келиб, унинг хаёлини бўлди. Уни кўриши билан Остапнинг баттар таъби тирриқ бўлди.

— Ҳай-ҳай!— деди амалий саркор.— Анча эпақага келиб қолибсиз-ку. Қўйинг, мени калака қилманг. Стулни нега олиб киравермайсиз? Мени лақиллатмоқчимисиз?

— Уртоқ Бендер,— деди гўлдираб сардор.

— Уҳ, асабимни бузиб нима қиласиз-а! Тезроқ олиб киринг, тезроқ! Мана, кўрдингизми, тагимдаги шу стул топилдигингизнинг қимматини ўн чандон ошириб юборди.

Остап хиёл бошини қийшайтириб, кўзини қисди.

— Одамни хуноб қилманг, бас,— деди у охири ўшқириб,— қани стул? Нега олиб келмадингиз?

Ипполит Матвеевичнинг тутилиб-сутулиб бошлаган ҳисобот маърузаси бақирӣқ овозлар, киноядор чапаклар ҳамда илмоқли саволлар ҳисобига бўлиниб турди. Воробьянинов кулги остида маърузасини тугатди.

— Менинг панд-насиҳатларим зое кетибди-да?— ўдағайлаб деди Остап.— Ўғирлик қилманг, гуноҳ бўлади, деб неча марта айтганман сизга! Ҳўв ўша Старгородда жуфти ҳалолим бўлмиш мадам Грицацуевани шилмоқчи бўлганингиздаёқ бачкана бир ўгривачча эканингизни сезган эдим. Бу қобилиятингиз билан нари борса олти ой ётиб чиқасиз, холос. Сиздек саромад донишманд, сиздек рус демократиясининг отахони учун олти ой арзиманган бир муддатга ўхшайди-ю, лекин мана натижаси. Қўлингиздаги стулни олдириб ўтирибсиз. Бу ҳам етмагандек, осон ишни қийинлаштириб қўйдингиз! Яна қайта бориб кўринг-чи, у ерга. Ўша Авессалом деганингиз энди соғ қўймайди сизни. Бемаъни тасодиф қўл келибди, шукр қилинг, нақ бўлмаса панжарахонага тикиб қўйишарди, шу топда мендан совға-салом кутиб ўтирган бўларми-

дингиз. Мен сизни йўқлаб бормайман, шуни билиб қўйинг, Гекуба<sup>1</sup> бўлса менга нима? Онамми, опа-синглимми, ўйнашимдингизки, йўқлаб борсам.

Ипполит Матвеевич нечоғлиқ ношуд одам эканини ўзиям сезган ҳолда бўйнини ҳам қилиб турарди.

— Гап бундоқ, жигаргўшам, сиз билан ҳамкорлик қилиш мутлақо бефойда эканини билдим. Нима бўлгандаям сиздай савияси паст бир одамни ўзига шерик қилиб, қирқ фоизга рози бўлишлик аҳмоқона иш экан. Чор-ночор янги шарт қўйишга мажбурман.

Шу топгача нафас олишгаям чўчиб турган Ипполит Матвеевич каппа-каппа оғзини очди.

— Ҳа, қария дўстим, ташкилий масалаларда ғирт ношуд, лапашанг одам экансиз. Шунга яраша оладиган улушингиз ҳам камаяди. Ҳалол гап, йигирма фоизга розимисиз?

Ипполит Матвеевич жон ҳолатда бошини сарак-сарак қилди.

— Нега рози бўлмаясиз? Камлик қилдимми?

— К-кам.

— Ахир бу ўттиз минг сўм деган гап-ку! Қанча истайсиз?

— Қирқига розиман.

— Куппа-кундуз куни шиляпсиз-ку, мени! — деди Остап сардорнинг қоровулхонада юз берган ўша тарихий байлашув пайтидаги овозига тақлид қилиб. — Ўттиз минг озлик қипти-да? Уйнинг калитига тоблари қалай, ё унияма қўшиб берайми?

— Уйнинг калити ўзларига сийлов, — ғўлдираб деди Ипполит Матвеевич.

— Иссиғида йигирмага рози бўлаверинг, акс ҳолда бундан ҳам қуруқ қоласиз. Қайфиятим яхши бўлиб турибди, кейин айниб қолишим мумкин.

Воробьяниновнинг эндигина жавоҳир овига чиққан пайтлардаги такаббурлигидан ҳозир асар ҳам қолмаган эди.

Ўша кезлари қоровулхонада кўчган муз соҳилдаги гранит тошларга урилиб-сурилиб, парча-парча бўлиб, аллақачон эриб битган эди. Муздан асло нишон қолмаган. Тошқин дарё бор, холос. Шу дарё сувлари зарб билан гоҳ йўғон ходаларга олиб бориб урса, гоҳ стуллар-

<sup>1</sup> Гекуба (ёки Чекаба) — «Илида» достонидаги қаҳрамон, шоҳнинг хотини. Қайғу-алам, оғир мусабат рамзи.

га рўпара қилган, гоҳ эса улардан бенасиб қолдирган ҳолда Ипполит Матвеевични бебош оқизиб кетмоқда. Ипполит Матвеевичнинг юраги пўкиллаб қолган. Ҳар нарсадан чўчийди. Дарё бетида ахлат, нефть қолдиқлари, илма-тешик товуқхоналар, сасиган балиқ, аллакимнинг бемаъни шляпаси сузиб боради. Бу шляпа балки ҳазрати Фёдорниқидир, Ростовда шамол учириб кетган ўрдакнусха бош кийими шумикини? Ким билади дейсиз. Манзилдан эса дарак йўқ. Соҳил бу яқин ўртада кўринмайди, собиқ дворянлар сардори эса оқимга қарши сузишга қодир эмас, бунинг учун на билагида куч қолган, на дилида бирор хоҳиш.

Саргузаштлар денгизи уни домига тортиб борарди.

## XXVI боб

### ҚУШАЛОҚ ТАШРИФ

Йўрғаксиз ётган чақалоқ бир нафас ҳам тинмайди, момикдай муштчасини гоҳ тугиб, гоҳ очади, гоҳ эса оёқларини ликиллаб, қалпоқча кийган ҳандалакдай бошини сарак-сарак қилса, гоҳ оғзини кўпиртириб тамшаниб кўяди. Худди шунга ўхшаб Авессалом Изнуренков ҳам умри бино бўлиб тиним билган банда эмас. Семиз оёқлари доим ҳаракатда, силлиқ тарашланган ияги ҳамиша учиб туради, оҳ-воҳдан чакаги тинмайди, сержун қўллари эса резинка билан машқ қилаётгандай нуқул нари бориб, бери келади.

Туриш-турмушидаям заррача ҳаловат йўқ, қачон қараманг, оёғи куйган товуқдай зир югуриб юради, кутилмаган жойда тўсатдан пайдо бўлиб нималарнидир уқтиради, пишиқ ғиштдан тикланган тунука томли уйига ўт кетса, суғуртадан қанча пул чиқишини ҳисоблаб кетаётган одамдай юрган йўлида баралла жавраб боради. Бирор ишга қўл урмоқчи ёхуд фикр қилмоқчи бўлса, бир зумда совиб қолади. Бунга сабри чидамайди. Табиатан у шунақа яратилган.

Изнуренков бирорта ҳажвияни редакторга маъқул қилолмаса, бошқаларга ўхшаб «озроқ ўйлаб кўринг, кейин тушунасиз», деб ўтирмай, дарҳол янгисини қотириб ташлайди.

— Бўлмаганга бўлишма, — дерди у, — тамом.

Авессалом Владимирович дўконга кириб қолгундай бўлса, ҳамманинг энка-тинкасини чиқариб юборарди.



Унинг қуюндай ёпирилиб кириб, саробдай ғойиб бўлиши гумашталарни довдиратиб қўйса, бунақа бетоқат хари-дордан бир қути шоколад учун ўттиз сўм олишни мўл-жаллаб ўтирган кассир хотинлар доғда қоларди. Бундай пайтларда у касса ёнида ўйноқлаб, биров ёқасидан бў-ғаётгандай ҳадеб галстугини тортқилар, ғижим уч сўм-ликни тахта ойнага ташлагач, раҳмат деб чийиллаб кўчага югуриб қоларди.

Агар шу одам атиги икки соат бир жойда тек турса борми, мутлақо кутилмаган воқеалар юз бериши мум-кин эди.

Мабодо қунт қилиб ўтирса, ажойиб қиссани қўлдан чиқарган ёки бўлмаса ебкетарга қарз сўраб, ўзаро ёр-дам кассасига боплаб ариза битган, балки уй-жойдан фойдаланиш ҳақидаги қонунга янги бир банд қўшган ёхуд «Яхши кийиниш ва жамоат ўртасида ўзини тута билиш қоидалари» номли китоб ёзиб ташлаган бўлар-миди.

Бироқ у ўзини жиловлай олмасди. Доим пилдираб тургувчи оёқлари уни аллақаяқларга судраб кетар, ўй-ноқи қўлларида қалам коптокдек сапчиб тушар, фикри бўлиниб, хаёллари тўзғиб кетарди.

Мана ҳозир бўлса Изнуренков уй ичида ўйноқлаб юрибди, у ўйноқлаган сари жиҳозлардаги сурғуч муҳр-лар лўли хотиннинг исирғасидек силкинарди. Олдида-ги стулда эса қизиқ табиат бир қишлоқи ойимча ўти-рибди.

— Оҳ, оҳ, — деди завқи тошиб Авессалом Владими-рович, — шоҳона-ку, шоҳона! «Мунаввар бўлди базми жамшид ул малика васлидин»... Оҳ, оҳ! Қойилмақом!.. Қиролича Маргонинг ўзи экансиз!

Гарчи унинг гапига тушунмаган бўлса ҳам қишлоқи қиролича назокат юзасидан кулиб қўйди.

— Қани, шоколаддан олинг, қани, олинг, илтимос!.. Оҳ, оҳ!.. Ғаройиб!

У дам-бадам қироличанинг қўлини ўпиб, камтарона уст-бошига ҳамду санолар ўқир, икки гапнинг бирида мушугини тикиштириб:

— Қалай, тўтининг ўзгинаси, а? Арслон деяверинг, арслон! Ҳақиқий арслон! Менга қаранг, жуни қалай, жу-ни? Ипакдай майин-а?.. Думи-чи, думи! Менга қаранг, дум деган шунақа катта бўладими ўзи? Оҳ, — деб би-дирларди.

Шундан кейин Авессалом Владимирович мушукни бир чеккага улоқтирди-да, дўмбиллаган кўксига қўлини босиб, ойнадан кимгадир таъзим қила кетди. Шу топ унинг говак калласида аллақандай мурват ишлаб қолди шекилли, югуриб меҳмоннинг олдига бориб, қизчанинг жисмоний ва ахлоқий фазилатлари хусусида тегажоқлик қила бошлади.

— Менга қаранг, манави ростдан ҳам шиша тўғнағичми? Оҳ! Оҳ! Ялтирашини қаранг-а!.. Кўзни олади-я, ёпирай!.. Менга қаранг, Париж ростдан ҳам катта шаҳарми? Эйфель минораси бормиш-а у ерда, ростми шу гап?.. Оҳ! Оҳ!.. Бу нозик қўллар!.. Кетворган бу бурун!.. Оҳ!!

Қизчани у қучоқлаб ўтирмади. Хушомад қилса бўлди, унга шунинг ўзи етарли эди. Бинобарин чакаги тинмай роса сайради. Тўсатдан кириб келган Остап унинг суханворлигига чек қўйди.

Буюк мудаббир қўлидаги бир парча қоғозни ўйнаб туриб дағдаға қилди:

— Изнуренков шу ерда турадимиз? Хўш, ўзларими?

Авессалом Владимирович юрак ўйноғида меҳмоннинг тунд башарасига жавдираб қаради. Изнуренков бу одам нима мақсадда келганини — трамвайда гапга алаҳсиб, ойнани синдириб қўйгани учун жарима ундирмоқчими, ижара ҳақини тўламовди, шунга халқ судидан чақиртирув қоғози олиб келдими ёки кўрлар журнаliga обуна қилмоқчими — шуни унинг кўзларидан ўқиб олмоқчи бўлди.

— Бу қанақа гап, ўртоқ,— деди Бендер зуғум билан,— давлат идорасидан келган чопарни қувиб чиқарибсиз, яхши иш бўлмабди-ку.

— Қанақа чопар?— деб сўради Изнуренков юраги орқасига тортиб.

— Қанақалигини ўзингиз биларсиз. Жиҳозларни олиб кетаман ҳозир. Гражданка, стулни бўшатинг, илтимос,— дағдаға қилди Остап.

Ҳозиргина энг ҳассос шоирларнинг ашъоридан парчалар тинглаб ўтирган гражданка жойини бўшатди.

— Йўқ! Утираверинг!— деб бақирди Изнуренков гавдаси билан стулни тўсиб.— Ҳаққи йўқ бунга!

— Қимнинг нима ҳаққи борлигини сиздан сўраб ўтирмаймиз, гражданин. Одам деган сал онгли бўлиши керак. Бўшатинг буюмни! Қонунга риоя қилинсин!

Остап стулга чанг солиб, азот кўтарди-да, ҳавода силкитди.

— Олиб кетаман буюмни!— деди қатъий оҳангда Бендер.

— Йўқ, олиб кетолмайсиз!

— Нега олиб кетолмас эканман,— кулимсираб деди Остап қўлидаги стул билан йўлакка томон юриб,— олиб кетяпман-ку, мана.

Авессалом апил-тапил қироличани қўлидан ўлиб, каллани қийшайтирганича серзўғум ҳакамнинг орқасидан югурди. Остап зинадан пастга тушиб кетаётган эди.

— Ҳаққингиз йўқ, дедимми, ҳаққингиз йўқ. Жиҳоз деган икки ҳафта туриши мумкин, қонунда шундоқ дейилган. Атиги уч кун бўлди энди! Унгача тўларман балки!

Изнуренков Остапнинг атрофида гирдикапалак бўлди. Шу алфозда иккови кўчага чақишди. Авессалом Владимирович стулнинг орқасидан муюлишгача чопқиллаб борди. Шу пайт кўча юзидаги бир тўп гўнг ёнида ивирсиб юрган бир гала чумчуққа кўзи тушди. Меҳри товланиб чумчуқларга тикилиб турди, кейин бир нима деб гўлдиради-да, қўлларини ёйиб, шарақлаб кулди!

— Қойилмақом! Оҳ! Оҳ!.. Мана сизга ажойиб мавзу!

Изнуренковнинг фикр-хаёлини янги мавзу чирмаб олди, юраги ҳаприқиб орқасига бурилди-да, ликонглаганича уйига югурди. Қишлоқи ойимча уйнинг ўртасида ҳануз қаққайиб турганини кўргандан кейингина стул эсига тушди.

Остап стулни извошга босиб, жўнаб қолди.

— Урганиб қўйинг,— деди у Ипполит Матвеевичга,— стулни боладик бир чўқишда. Теп-текинга. Фаҳмига етдингизми?

Стулнинг ичи ёриб кўрилгандан кейин Ипполит Матвеевичнинг таъби тирриқ бўлди.

— Имкон доираси кенгайиб боряпти-ю,— яна гап бошлади Остап,— аммо сариқ чақаям қолгани йўқ. Менга қаранг, раҳматли қайнанангиз ҳазилкаш одам эмасмидилар?

— Нима қилди?

— Балки гавҳар-павҳарнинг ўзи йўқдир?

Ипполит Матвеевич «асло, асло» дегандай жон ҳолатда иккала қўлини типирчилатган эди, устидаги камзули бир қарич юқори кўтарилди.

— Ундай бўлса, ишлар беш. Ивановулонинг бисоти битта стулга кўпаяркан, холос.

— Уртоқ Бендер, бугун сизни газетада ёзиб чиқиб-шибди,— ялтоқланиб деди Ипполит Матвеевич.

Остапнинг қовоғи уйилди.

Матбуотда номи чайналишини асти ёқтирмасди.

— Нима деб валдираяпсиз? Қайси газетада?

— Манави ерда. «Бир кунги ҳодисалар» бўлимида.

Буни эшитиб, Остап пича енгил тортди. Нега деганда «Оч биқинига» ҳамда «Суиистеъмолчиларни суд кутади» бўлимларида босиладиган шафқатсиз мақолаларга сираям тоби йўқ эди.

Ипполит Матвеевичнинг гапи тўғри чиқди: «Бир кунги ҳодисалар» бўлимида нонпарель ҳарфи билан майда қилиб ушбу хабар босилган экан:

## ОТ ТАГИДА ҚОЛДИ

Кеча Свердлов майдонида О. Бендер деган бир граждани 8474 сонли извош от босиб кетди. Жабрдийда қўрқиб кетган бўлса ҳам бешикаст қутулиб қолди.

— Мен эмас, извошчи бешикаст қутулиб қолди,— деди хуноб бўлиб О. Бендер.— Қаллаварамлар! Буларга ёзиш бўлса бўлди, нима ёзаётганини ўзлариям билишмайди. Ия! «Станок»-ку бу. Жуда соз, жуда соз. Биласизми Воробьянинов, шу хабарни бизнинг стулда ўтириб ёзган бўлишлари ҳам мумкин. Антика иш бўпти-да! Буюк мудаббир ўйга толди.

Редакцияга кириб чиқиш учун баҳона топилди.

Остап коридорнинг ҳар икки томонидаги хоналар редакцияга қарашли, эканини билиб олгач, стул қаерда турганини аниқлаш учун ўзини гўлликка солиб, бир бошдан хоналарга кириб чиқа бошлади.

Маҳаллий комитет хонасида ёш автомобилчилар мажлис қилиб ўтирган экан, стулнинг қораси кўринмагач, Остап бу ердан дарров жилворди. Идорахонага кириб, мудирнинг имзосини кутиб турган бўлди, ишчи мухбирлар бўлимида эълонни ўқиб келган одамдай эски-туски қоғозлар қаерда сотилаётганини сўради; секретариатга бош суқиб, обуна шартлари билан қизиққан бўлса, фелъетончилар хонасида ҳужжатини йўқотиб қўйга-

нини айтиб, бу ҳақда кимга эълон қолдириб кетиши мумкинлигини суриштирди.

Шу зайлда у муҳаррир хонасигача етиб борди. Тилсимли стулда ялпайиб ўтирган муҳаррир телефонда тилашиб турган экан.

Маҳаллий шаронтни яхшилаб ўрганиб олишлик учун Остапга вақт керак эди.

— Менга қип-қизил туҳмат қилишибди, ўртоқ муҳаррир, мана ишонмасангиз,— деди Бендер.

— Нима деб туҳмат қилишибди?— сўради редактор.

Остап қўлидаги «Станок»нинг ичини очиб кўрсатиш учун анча уннаган бўлди. Шу орада у орқасига ўгирилиб, эшикка Америка қулфи ўрнатилганини билиб олди. Агар эшикдаги ойнадан жиндақ қирқиб олинса, ичкарига қўл тиқиб, бемалол қулфни очиш мумкин.

Редактор Остап кўрсатган хабарни ўқиб чиқди.

— Бунинг нимаси туҳмат, ўртоқ?

— Туҳмат бўлмай нима? Буни қаранг:

«Жабрдийда қўрқиб кетган бўлса ҳам бешикаст қутулиб қолди».

— Тушунмадим.

Остап редактор билан стул икковига меҳр ила қараб қўйди.

— Аллақандай извошчидан қўрқаманми! Эл-юрт олдида мени шарманда қипти, раддия бериш керак.

— Менга қаранг, гражданин,— деди редактор,— ҳеч ким сизни шарманда қилгани йўқ, қолаверса, бунақа майда-чуйда нарсаларга биз раддия бериб ўтирмаймиз.

— Лекин барибир мен бунинг тагига етмай қўймайман,— деганича Остап хонадан чиқди.

У ўзига керакли нарсани аллақачон билиб олган эди.

## XXVII боб

### ТЕРГОВ САВАТИГА НИМА ЕТСИН

Бебақо «Қилич ва омоч» ташкилоти Старгород бўлимининг аъзолари-ю, «Жадалтой»чи азаматлар «Ғалла маҳсулотлари»га қарашли каппон ёнида турнақатор бўлиб туришибди.

Утган-кетганлар буни кўриб тўхтайдди.

— Нима беряпти?— деб сўрашади улар.

Бирор дўконнинг олдида одамлар ичакдай чўзилиб турган бўлса, ичида албатта битта маҳмаданаси топилиб қолади. Навбати қанча узоқ бўлса, шунча кўп сайраб кетади у. Шу топда Полесов ҳам энг орқада турганлардан эди.

— Қандоқ кунларга қолдик, — дерди брандмейстер, — ҳали-замон кунжарахўрлик қиладиганга ўхшаймиз. Ун тўққизинчи йилиям ҳолва экан. Шаҳарда тўрт кунга етадиган ун қопти.

Гражданлар мўйловларини бураб, ишонқирамай туришар, кейин Полесов билан баҳслашиб, «Старгород ҳақиқати»ни рўкач қилишарди.

Шаҳарда ун деган нарсга ошиб-тошиб ётганини Полесовга тўққиз пулдай қилиб тушунтириб бергач, бунақа ваҳима гапларни тарқатиш ноўрин эканини айтиб, ҳаммасиям уйига югуриб қолар, бор пулини чангаллаб келиб, бирин-кетин қўйруққа кирарди.

«Жадалтой»чи азаматлар каппондаги унни тугатиб, боққоллик дўконига ўтишди, бир зумда чой-шакар бозори юришиб кетди.

Уч кунга қолмай Старгорөдда озиқ-овқат, мол-буюмга қаҳат келди. Кооперация ҳамда давлат савдо вакиллари йўлдаги озиқ-овқат моллари етиб келгунга қадар бир қўлга бир қадоқ шакару беш қадоқдан ун беришни тавсия қилишди.

Эртаси куниёқ бунинг чораси топилди.

Альхен биринчи бўлиб ўзи шакар навбатига турди. Унинг орқасидан эса хотини Сашхен, Паша Эмильевич, тўртта Яковлевич, бўз либосли ўн беш нафар ипирисқи кампиршонинг бари сафга тизилди. Альхен Старижроқўм дўконидан ярим пуд шакарни ундириб олгач, тўдасини бўлак манзилга бошлаб кетди. Кафтнни тўлдириб, ўрадай оғзига каппа-каппа шакар отиб турган Паша Эмильевич ўзинга тегишли бир қадоқ ширинликни аллақачон гумдон қилгани учун йўл-йўлакай Альхендан роса сўкиш эшитди. Альхен кун бўйи тиним билмади. Бу ёнига энди камоматга йўл қўймаслик мақсадида у Паша Эмильевични навбаткашлар тўдасидан айириб олиб, унга харид қилинган молни бозорга элтиб туришни топширди. Андишали Альхеннинг ўзи бўлса қўлга кирган шу шакар, ун, чой ва газламаларни бозордаги хусусий дўкондорларга пуллаб юрди.

Полесов дўконларнинг олдида шунчаки қасдма-қасдликка навбат кутиб турарди. Ёнида сариқ чақаям бўлмагани учун барибир бирор нима харид қилолмасди. У бир тўдадан иккинчи бир тўдага ўтиб, гап-сўзларга қулоқ солиб турар, тагдор пичинглар билан қошини учириб, алланималарга шама қиларди. Унинг мана шу шамали — қочирим гаплари сабаб бўлиб, аллақандай яширин ташкилотдан Қилич билан Омоч деганлар келишибди, қабилдаги миш-миш овозлар шаҳарга тарқаб кетди.

Губернатор Дядьев бир куннинг ўзида ўн минг ишлаб олди. Биржа комитетининг раиси Қислярский қанча топганидан ҳатто хотиниям беҳабар қолди.

Махфий жамиятга қўл уриб қўйганидан Қислярский қаттиқ эзилиб юрган эди. Шаҳарда пайдо бўлган дув-дув гапларни эшитиб, эсхонаси чиқиб кетди. Биржа комитетининг раиси туни билан мишжа қоқмай чиққач, ҳамма гапни ўзи бориб айтган тақдирдагина қамоқ жазоси енгиллашиши мумкинлигини тушунди.

— Менга қара, Генриетта,— деди у хотинига юзлашиб,— газмолларни қайнимникига ташиб қўймасак бўлмайди энди.

— Ҳа, тинтувга кеп қолишадими?— деб сўради Генриетта Қислярская.

— Кеп қолишлариям мумкин. Мамлакатда эркин савдо бўлмагандан кейин бир кунмас-бир кун қамалишим керакми ахир?

— Нима бало, кийим-бошингни тайёрлаб қўяйми? Вой, шўрим қурсин! Овқат ташиш билан куним ўтаркан энди! Совет идорасига кириб ишлай қолсанг бўлмасмиди? Қайнингни кўрдингми, бинпойндай юрибди қасаба союз аъзоси бўлиб! Қизил савдогар бўлмасанг бўлмасан, нима, осмон узилиб ерга тушармиди!

Пешонаси ёрлақаб, эри биржа комитети раислигига кўтарилганидан Генриетта беҳабар эди. Шунинг учун ҳам кўнгли мутлақо хотиржам эди.

— Бугун кечаси қайтиб келмаслигим ҳам мумкин,— деди Қислярский,— келмасам, эртага овқат олиб бор. Лекин илтимос, сузмали чучвара олиб келма. Совуқ чучварани еб нима маза топаман?

— Бўлмаса примусни ола кета қол!

— Қамоқхонага примус билан қўярмиди! Саватчамни олиб бер-чи.

Қислярский терговхонада асқатадиган махсус сават ясаттириб олган эди. Узиям саватмисан сават эди: узунасиға ёйиб қўйсанг, ётоқ бўлади, сал йиғиштирилса, столча вазифасини ўтайди; устига-устак ичида ҳар хил тоқча, илмоқ, қутилари бўлгани учун бемалол шкаф ўрнига утаверади. Хотини мана шу бопта саватга кечки овқати билан бир сидра ички кийим солиб берди.

— Мени кузатиб ўтирма,— деди бу масалада суяги қотган эр.— Рубенс пулини сўраб келса, йўқ, деб айт. Хайр! Рубенс ўлар жойда эмас.

Тергов саватини қўлига олиб, Қислярский бамайлихотир кўчага чиқди.

— Гражданин Қислярский, йўл бўлсин?— деб чақириб қолди уни Полесов.

Симёғоч тагида шанғиллаб турган Полесов оёғига темир чангак боғлаб, юқорига ўрмалаётган алоқа ходимига далда бераётган экан.

— Бориб айтаман ҳаммасини,— деб жавоб берди Қислярский.

— Нимани ҳаммасини?

— Қилич билан омочни.

Виктор Михайловичнинг тили айланмай қолди. Қислярский эса сирти соат чўнтакли, сербаргина белбоғ остида дўппайиб турган ҳандалакдай қорнини селкиллатганича губпрокуратура томонга аста йўрғалаб кетди.

Виктор Михайлович оёғини қўлига олиб, Дядьевнинг ҳузурига югурди.

— Қислярский айғоқчи экан!— деб қичқирди брендмейстер.— Сотгани кетди ҳозиргина. Ҳали узоққа бормаган бўлсаям керак.

— Ростданми? Қўлида саватиям борми?— даҳшат ичида сўради Старгород губернатори.

— Бор.

Дядьев хотинини бир ўпиб, мабодо Рубенс келса, зинҳор унга пул бермасликни қаттиқ тайинлагач, зинғиллаб кўчага чиқди. Виктор Михайлович тухуми оғзига тиқилган товукдай чир айланиб, бетоқат бўлиб турди-да, Владя билан Никешага қараб югурди.

Гражданин Қислярский эса бу пайт асти шошилмай, бемалол губпрокуратурага яқинлашиб борарди. Йўлда у Рубенсни учратиб қолиб, анчагача валақлашиб турди.

— Пул нима бўлди?— деб сўради Рубенс.

— Пулни хотинимдан олаверасиз.



— Сават кўтариб қаёққа кетяпсиз?— шубҳаланиб сўради Рубенс.

— Ҳаммомга кетяпман.

— Ҳай, яхши чўмилиб келинг.

Шундан кейин Қислярский матлубот қарамоғидаги қандолат дўконига кириб (илгарилари у «Бонбон де Варсови» деб аталгувчи эди), бир стакан кофе билан битта варақи сомса тамадди қилиб олди. Энди тавба-тазарру қилаверсаям бўлади. Биржа комитетининг раиси губпрокуратура қабулхонасига кирди. Қабулхонада ҳеч ким кўринмагач, Қислярский «губерния прокурори» деб ёзилган эшикка яқинлашиб, одоб билан тақиллатди.

— Бемалол!— деган овоз чиқди ичкаридан. Бу овоз Қислярскийга таниш кўринди.

Қислярский ичкарига қадам қўйиши билан ҳайратдан қотиб қолди. Нокмижоз қорни ичига тортиб, туршакдай бурушиб қолди. Етти ухлаб тушига кирмаган нарса юз берган эди.

Прокурорнинг ёзув столи атрофида ҳайбатли «Қилич ва омоч» ташкилотининг аъзолари тизилишиб ўтирган эди. Уларнинг хатти-ҳаракати-ю, йиғламсираган овози ҳаммасига иқрор бўлганликларидан далолат бериб турарди.

— Мана у,— деди Дядьев чинқириб,— энг катта октябрист шу бўлади!

— Авваламбор, гап бундоқ,— деди Қислярский тергов саватини ерга қўйгач, ўзи столга яқинроқ келиб,— авваламчи, мен ҳар қачон Совет ҳокимиятига хайрлихоҳ бўлиб келганман, қолаверса, буларнинг каттаси мен эмас, ўртоқ Чарушников бўлади, унинг уйи...

— Қизил қўшин кўчаси!— бўкирди Дядьев.

— Учинчи уй!— деди баравар Владя билан Никеша.

— Ҳовлига киргач, чап томонда,— қўшиб қўйди Виктор Михайлович,— бошлаб боришим мумкин.

Йигирма дақиқага қолмай Чарушниковни етказиб келишди. Унинг кира солиб айтган гапи шу бўлдики, хонада ўтирганларнинг бирортасини ҳам танимайди, умрида кўрмаган. Шундан кейин Чарушников нафасиниям ростламай туриб Елена Станиславовнани чақиб берди.

Камерага чиқиб, ич кийимини ўзгартириб олгач, терговбоп саватга чўзилгандан кейингина биржа комитетининг раиси енгил тортиб, бир қадар ҳаловат топгандай бўлди.

Грицауева-Бендер хоним шаҳардаги танглик пайтида елиб-югуриб дўкончасига камида тўрт ойга етадиган озиқ-овқат маҳсулотлари, ҳар хил молларни ғамлаб олди. Бу ёғидан энди анча хотиржам бўлгач, Халқ комиссарлари советининг кичик мажлисидан боши чиқмай қолган қайлиқчасини кўнгли кўмсай бошлади. Фолбин хотиннинг олдига борган эди, баттар кўнгли бузилиб кетди.

Старгороднинг жамики казо-казолари ғойиб бўлганини эшитиб, ваҳимага тушган Елена Станиславовна картаниям ғирт расво қилиб чапараста сузди. Карта гоҳ яқин қолган рўзи маҳшардан башорат қилса, гоҳ эртаиндин маоши кўпайиб қолишидан далолат берди, гоҳ эса ҳукумат уйида, қора ниятли бир кимса — қарғанинг қироли ёнида эри билан дийдор кўришиши мумкинлигига шама қилди.

Фолнинг ўзиям ғалати тугади. Уйга кириб келган хуфия агентлар — қарғанинг қироллари авлиё бибининг ўзини ҳукумат уйига, прокурорнинг ёнига олиб кетишди.

Тўти билан ёлғиз ўзи қолган бева боши қотиб, энди кетмоқчи бўлиб турган ҳам эдики, тўти тушмагур тўсатдан тумшуги билан қафасга бир уриб, умрида биринчи марта одамга ўхшаб тилга кирди.

— Қандоқ кунга қолдик!— деб юборди тўти алам билан. Кейин бошини қанотига яшириб, қўлтиғидан бир дона пат юлиб олди.

Грицауева-Бендер хоним юрак ўйноғида ўзини эшикка урди.

Бева остонага етиб улгурмасиданоқ тўти яна бир талай гапни пайдарпай тизиб ташлади. Аллақандай агентлар келиб, эгасини ҳукумат уйига етаклаб кетиши қаттиқ таъсир қилди шекилли, ошини ошаб, ёшини яшаб қўйган қушча шу пайтгача одамлардан нима гап эшитган бўлса, ҳаммасини жон ҳолатда тўкиб солди. Виктор Михайлович Полесов унинг сўз бисотида катта ўрн тутиши шунда маълум бўлди.

— Имкон мумкин бўлмагандан кейин,— деди тўти ғижиниб.

Шундан кейин у қўндоқда бир қалқиб, бошини ерга осилтириб олди-да, «Хўш, беважон, бунисига нима дейсиз?»— деб ҳол сўрамоқчи бўлгандай остонада таёқдай қотиб турган бевага қараб, кўзини қисиб қўйди.

— Вой ўлай!— деб инграб юборди Грицауева.

— Қайси полкда хизмат қилгансиз?— бендерчасига сўради тўти.

— Р-р-р-рас-во... Европа бизга мадад беради.

Бева қочиб қолгач, тўти қаддини ростлаб, ўттиз йилдан бери одамлар қанчалик қулоғига қуйсаям, барибир эшитолмай доғда юрган сўзини айтиб юборди:

— Аҳмоқ!

Бева йўл-йўлакай уввос тортиб, чопа-чопа уйига етиб келди. Уйда эса уни питрак бир чол кутиб турган экан.

Бу — Варфоломеич эди.

— Эълон юзасидан келдим,— деди Варфоломеич,— икки соатдан бери кутаман-а, ойимқиз.

Бир нарсани сезгандай, Грицацуванинг юраги зирқираб, найза санчилгандай қаттиқ оғриқ турди.

— Вой-воей!— деди чинқриб бева.— Жонимда жон қолмади-ку!

— Гражданин Бендерни сиз йўқотиб юрувдингиз шеклли? Сизмидингиз эълон берган?

Тул хотин ун тўла қопларнинг устига гуп этиб ағанади.

— Сизларни кўп заифа қилиб яратган-да,— оғзининг суви қочиб деди Варфоломеич.— Аввал ширинкома хусусида гаплашиб олсак, девдим...

— Оҳ!.. Оғзингизга сиққанча олинг! Нима десангиз шу, менга энди ҳеч нарсанинг кераги йўқ!— деди меҳрибон бева инқиллаб.

— Гап бундоқ бўлмаса. Уғилчангиз О. Бендернинг қаердалиги менга маълум. Суюнчиси қанақа бўлади?

— Нима десангиз шу!— яна қайтариб деди бева.

— Йигирма сўм берасиз,— гапини қисқа қилди Варфоломеич.

Бева қопларнинг устидан турди. Уст-боши унга беланган, оппоқ кийриклари тўхтовсиз пирпирарди.

— Қанча дейсиз?— қайтариб сўради у.

— Ун беш сўм,— пастроқ тушиб деди Варфоломеич.

Бахти қаро жувондан ҳозир уч сўм чиқишиям ўлимдан қийин эканини у сезган эди.

Бева қоп-қанорини босиб-янчиб, чол томон юрди ва худони ўртага солиб, унинг кўмаги билан уни айтганига кўндирди.

— Ҳай, майли, мендан кетса кетибди, беш сўм бўлса, беш сўм. Лекин олдин пулини берасиз, илтимос. Одатим шунақа.

Варфоломеич ён дафтарини чиқариб, газетадан қирқилган икки парча қоғоз олди-да, уларни маҳкам ушлаган ҳолда ўқишга тушди.

— Мана, буюрсинлар, бир бошдан кўрамыз. Демак, бундоқ деб ёзгансиз... «Уртоқ Бендер уйдан чиқиб кетганича қайтиб келгани йўқ... кўк костюм, сариқ ботинка, ҳаворанг нимча... Илтимос қиламан...» Тўғрими ахир? Демак, бу «Старгород ҳақиқати» бўлади. Мана энди бунисига қаранг, пойтахтдаги газеталар ўғилчангиз ҳақида нималарни ёзибди экан. Мана... «От босди...» Э, намунча оҳ-воҳ қиласиз, хонимча, бу ёғини эшитсангиз-чи, «От босди...» Тирик қолган, тирик! Тирик деяпман-ку, ахир. Ўлган бўлса, сиздан мен пул олармидим? Демак, бундоқ... «От босди. Кеча Свердлов майдоннда О. Бендер исмли бир граждани 8974 сонли извош оти босиб кетди. Жабрдийда қўрқиб кетган бўлса ҳам бешикаст қутулиб қолди...» Демак, гап шундай, бу ҳужжатларни қўлингизга топшираман, лекин олдин пулини тўлайсиз. Менинг одатим шунақа ўзи.

Бева йиғлаб-сиқтаб пулни узатди. Жондан азиз эри Москвадай узоқ бир жойда сариқ ботинкаси билан тупроққа беланиб ётган ва аллақандай бир от махлуқ уни оёғининг тагига босиб, ҳаворанг жун нимчаси устидан кўкраги аралаш тепкилаб турган бўлса, бу шўрлик нима қилсин.

Мўмайгина ширинкома қўлга теккач, Варфоломеичнинг мушфиқ кўнгли жойига тушди. У бева хонимга «Станок» газетасининг редакцияси дунёдаги ҳамма ишлардан воқиф эканини, бинобарин ўша ерда эри хусусида тўлароқ маълумот олиши мумкинлигини айтиб, сенингина жўнаб қолди.

### ҲАЗРАТИ ФЕДОРНИНГ НОМАСИ

*Ростов шаҳридаги «Сомон йўли» номли сув иситғувчи қозон ёнида туриб, N шаҳридаги хотинига ёзилган*

Жонгинам Катя! Бошимга яна бир кулфат тушди, лекин буни кейинроқ айтиб берарман, юборган пулингни айна вақтида олдим, бунинг учун сендан жуда миннатдорман. Ростовга келишим биланоқ ўша жойни суриштира кетдим. «Новоросцемент» дегани жудаям катта бир идора экан, инженер Брунсни бирортасиям бил-

мас экан. Энди нима қилдим, деб бошим қотиб турган эди, йўқ, йўл-йўриқ кўрсатиб беришди. Рўйхатлар бўлимига учранг, дейишди. Дарров бордим. «Ҳа, бунақа одам ишлаган бизда,— деб айтишди,— масъул лавозимда эди, лекин ўтган йили биздан кетиб қолди, дейишди. Уни авраб Бокуга олиб кетишибди, Озарнефтда хавфсизлик техникаси бўйича мутахассис эмиш».

Бу ёғини сўрасанг, азизим, менинг сафарим биз ўйлаганчалик тез тугайдиганга ўхшамайди. Пул тугаб қолди, деб ёзибсан. Иложимиз қанча, Катерина Александровна. Кўпи кетиб, ози қолди. Сабр-қаноатли бўл, яратганга шукур қилгин-да, студентликда кийган йўл-йўл уст кийимимни сотиб кел. Ҳали яна кўп чиқим бўлади. Шунгаям тайёр бўлиб тур.

Ростовда қимматчилик экан. Мусофирхонада 2 с. 25 т. тўлаб турибман. Бокугача пулим етади. Иш ўнгидан келса, ўша ердан телеграф орқали хабар қиламан.

Бу ернинг ҳавоси иссиқ. Пальтони қўлимда кўтариб юрибман. Мусофирхонада қолдирай десам, ўғирлаб кетишлари мумкин. Бу ернинг одамлари шумроқ экан. Шаҳри Ростов менга маъқул бўлмади. Аҳолисининг сони, жуғрофия ўрни жиҳатидан Харьковдан анча паст тураркан. Ҳай майли, онаси, худо nasib қилса, бир кунмас-бир кун сени Москвага олиб бориб ўйнатиб келаман. Ушанда кўрасан, у Фарбий Европа шаҳарларидан асти қолишмайди. Ана ундан кейин Самарага бориб, заводчамизнинг ёғинасида мазза қилиб ошён қураимиз.

Воробьянников қайтиб келгани йўқми? Қаерда изғиб юрганикин ҳозир? Евстигнєєв ҳалиям овқатга келиб турибдими? Жуббамни тозалатиб келдингми, кўриниши қалай энди? Аммам ўлим тўшағида ётибди, мен ўша ердаман, ҳамма таниш-билишларга шунақа деб айт. Гуленькагаям шундоқ деб ёзиб юбор.

Ҳа-я! Сенга бир нарсани айтиш эсимдан чиқай дебди, бугун ёмон бир ҳодиса рўй берди.

Кўприкда сокин Донни томоша қилиб, яқин ўртада қанчалик ҳузур-ҳаловатда яшаяжагимизни ўйлаб кетибман. Шу топда бирдан шамол кўтарилиб, новвой акангининг шапкасини сувга учуриб кетди. Шошганимдан нима қиларимни билмай қолдим. Чиқим кўпайди, холос: 2 с. 50 т.га инглизча кепка сотиб олдим. Новвой акангга зинҳор бу ҳақда гапирма. Мени Воронежда деб айтавер.

Кир-чир масаласида хийла қийналиб қолдим. Кирла-

римни кечкурун ювиб, қуриса-қуримаса, эрталаб кийиб кетавераман. Ҳавоси иссиқ бўлгани учун бир томондан шунвсиям маъқул келяпти.

Сени ўлиб, қучиб қоламан.  
Боқий завжинг Федя.

## XXVIII боб

### ТОВУҚЧА ВА БАБАҚ ХУРОЗ

Репортёр Персицкий улуғ математик олим Исаак Ньютоннинг икки юз йиллик тўйига зўр тараддуд кўраётган эди.

Иш авжи қизиб турган пайтда «Фан ва турмуш» бўлимидаги Стёпа кириб қолди. Кетидан дўмбоқ бир хотин эргашиб келди.

— Менга қаранг, Персицкий, — деб сўз қотди Стёпа, — манави хонимнинг сизда ишлари бор экан. Бу ёққа келинг, гражданка, бу ўртоқ сизга ҳаммасини тушунтириб беради.

Стёпа ҳиринглаганича қочиб қолди.

— Хўш? — сўради Персицкий. — Хизмат?

Грицацуева хоним (бу ўша эди) мухбирга кўзларини сузиб, қўлидаги бир парча қоғозни жимгина узатди.

— Хўш, — деди Персицкий, — ...от босди... бешикаст қутулиб қолди.., Нима гап ўзи?

— Адресини, адресини билса бўладими? — ёлвориб сўради бева хоним,

— Қимнинг адресини?

— О. Бендернинг.

— Мен қаёқдан биламан?

— Ҳалиги ўртоқ сизни билади, деди-ку.

→ Ҳеч нарсани билмайман. Адреслар столига мурожаат қилинг.

— Балки эсингизга тушиб қолар, ўртоқ? Оёғида сариқ ботинка.

→ Мениқиям сариқ ботинка. Москвада икки юз минг одам сариқ ботинка кийиб юради. Сизга шуларнинг адресиям керакми? Жоним билан. Ҳамма ишимни йиғиштириб, ҳозироқ шунга киришаман. Ярим йилдан кейин ким қаерда туришини айтиб беришим мумкин. Ҳозир аса, бандман, гражданка.

Лекин Персицкийга азбаройи меҳри товланиб кетганидан бева унинг орқасидан соядай эргашиб, ҳар қадамда крахмалланган юбкасини шилдиратиб, қайта-қайта илтимосини такрорлади.

«Стёпа аблаҳ, — кўнглидан ўтказди Персицкий. — Ҳали сеними, қараб тур, абадий двигатель ўйлаб топдим, деб юрган бирор ихтирочини шундоқ рўпара қилиб қўяйки, боплаб таъзирингни берсин».

— Хўш, нима қил дейсиз? — фигони ошиб дерди Персицкий бевага юзланиб. — О. Бендер деганингизнинг адресини мен қаёқдан билай ахир? Уни босиб кетган от бўлмасам. Ёки ундан калтак еган извошчи ҳам эмасман...

Бева эса унга жавобан алланималар деб ғўлдирад, лекин «ўртоқ» ва «катта илтимос»дан бўлак нима дегганини асло тушуниб бўлмасди.

Халқлар уйида машғулотлар тугади. Хона ва йўлақлар ҳувиллаб қолди, қаердандир охири бетни чиқиллатётган ёзув машинкасининг овози эшитилди.

— Пардон, мадам, ишим чиқиб қолди!

Персицкий шундоқ деди-да, ўзини ҳожатхонага урди. Ичкарида ўн дақиқача айланиб юргач, хурсанд бўлиб ташқари чиқди. Грицацуева юбкасини шилдиратганича икки коридорнинг бошида уни сабр-тоқат билан кутиб турган эди. Персицкийни кўриши билан яна би-жирлади.

Репортёрнинг қони қайнаб кетди.

— Гап бундоқ, холажон, — деди у, — бўлар иш бўлди. О. Бендерингиз қаердалигини айтсам, айта қолай. Коридордан тўғрига борасиз, кейин ўнгга бурилиб, яна тўғри кетаверасиз. Битта эшик келади. Ичкари кириб, Черепенников деган одамни сўрайсиз. Уша одам билади.

Ўзининг топқирлигидан ўзи хурсанд бўлиб кетган Персицкий бир зумда ғойиб бўлди, оқибат-натижада крахмалли бева қўшимча маълумот ололмай қолди.

Грицацуева хоним юбкасини тўғрилаб олгач, коридор бўйлаб юра кетди.

Халқлар уйининг коридорлари ниҳоятда узун ва тор бўлганлигидан юрган одам қадамни тезлатмай иложи йўқ. Қим қанча юрганиям қадам олишидан маълум бўлади. Агар бирор кимса тез-тез юриб кетаётган бўлса, билингики, у энди йўлга чиқибди. Икки ёки уч коридорни ортда қолдирган одам йўрғалаброқ юра,

ди. Баъзан эса ўпкасини қўлтиқлаганича чопқиллаб кетаётган бирор кимса учраб қолади — бунақа одам тўрттасидан ўтиб, бешинчи коридорга рўпара келган бўлади. Саккиз нафар коридорни босиб ўтган азаматни осмондаги қушга, чопагон отга ёки югуриш бўйича жаҳон чемпиони Нурмига қиёс қилса арзийди.

Унга бурилгач, Грицацуева хоним лўкиллаб чопа кетди. Паркет пол ларзага келди.

Мовий нимча кийган, оёғида зарғалдоқ ботинка, тимқора сочли бир эркак шитоб билан унга пешвоз келаверди. Ширкат билан боғлиқ фавқулодда бир иш чиқиб қолмаганида Остап бунақа бемаҳалда Халқлар уйида ивирсиб юрмасди — унинг бутун важоҳати шундан далолат бериб турган эди. Бунинг устига суйган ёри билан дийдор кўришиш амалий саркорнинг хаёлигаям келмаган бўлиши мумкин.

Бендер бевани кўргани ҳамано шартта ўгирилиб, орқасигаям қарамай девор ёқалаб кетаверди.

— Уртоқ Бендер, — суюниб кетди бева, — қаёққа?

Буюк мудаббир оёғига зўр берди. Беваям қадамини тезлатди.

— Тўхтаг, сизда гапим бор, — ёлворди бева.

Лекин Остап унинг гапини эшитмади. У мисоли ўқдай учиб борарди. Остап тўртинчи коридорга ўтгач, темир зиналардан шигиллаб юқори чиқди.

— Вой расво бўлгур-эй, — деб қўйди бешинчи қаватга чиқиб олган Остап гижиниб. — Шу топда висолга бало борми? Бу қайноқ жувон қаердан кеп қолди ўзи? Ширкатнинг Москва шуъбасини ёпмасак бўлмай-диганга ўхшайди, фалокат босиб анави машина жинни-си келиб қолса нима қиламан.

Шу топда Грицацуева хоним билан Остапнинг ўртасида ғов бўлиб турган нарса бинонинг уч қавати-ю, минглаб эшик билан ўндан ортиқ коридор эди. Хоним терлаб-пишган юзини ички юбкасининг этагига артгач, яна эрининг изидан қува кетди. Олдинига у тезроқ эрини топиб, икки оғиз гаплашиб олмоқчи бўлди. Коридорда хира чироқлар ёқилди. Ҳамма чироқлар, ҳамма коридорлар, ҳамма эшиклар бир-бирига ўхшарди. Бевани баттар ваҳм босди. Бу ердан тезроқ чиқиб кетгиси келди.

Коридордан-коридорга ўтган сари унинг ҳам тезлиги оша борди. Ярим соатдан кейин ўзини тўхтатолмай



қолди. Президиум, секретариат, маҳаллий комитет, ташкилий бўлимлар ҳамда редакциялар жойлашган хоналарнинг ёнидан баҳайбат гавда зипиллаб ўтди. Эгнидаги юбканинг зарбидан йўлда учраган урналар гуппа-гуппа ағанаб, ҳаммаёқ гумбурлаб кетди. Коридор бурчакларида қуюн ва гирдоб кўтарилди. Дарчалар шарақлади. Деворда йўл кўрсатиб турган бармоқ расмлари бева боёқишга ўқдай қадалди.

Ниҳоят, Грицацуева орқа зина майдончасига чиқиб олди. Майдонча қоронғи бўлса ҳам бева юрак ютиб пастга тушди ва ойнабанд эшикни тортиб кўрди. Эшик қулф эди. Бева изига қайтди. Аммо ҳозиргина кирган эшигини кимдир меҳрибончилик қилиб устидан берки-тиб қўйган эди.

Москвада эшикларни қулфлаб юришади. Одат шунақа.

Биноларнинг олдидаги асосий эшикларга ичкаридан тахта қоқиб қўйишади, бинобарин юз минглаб одамлар уйларига орқа эшикдан киришади. Ўн саккизинчи йил аллақачон ўтиб кетган, «уй босиш» деган нарса аллақачон йўқ бўлган хонадондагилар ўзларини ҳимоя қилиш учун энди соқчиликка турмай қўйган, кўча ҳаракати масаласи осонлашиб қолган, улкан электр станциялари бирин-кетин қад кўтараётган, ажойиб илмий кашфиётлар содир бўлаётган бир замонда бирорта мард одам чиқиб, шу эшик муаммосини ҳал қилиб беролмаса-я. Бу нима деган гап!

Кино, театр, цирк жумбоғини ечиб берадиган азамат борми?

Уч мингта одам бир тавақаси очиқ эшикдан ўн минутга қолмай циркка кириб олиши керак. Қўпчиликка хизмат қилиши лозим бўлган ўн нафар эшик эса ҳаммаша ёпиқ туради. Нимага шунақалигини ҳеч ким билмайди. Бундан йигирма-ўттиз йил бурун цирк отхонасидан бирорта ўргамчик хўтикни ўғирлаб кетишган бўлса, маъмурият ўшандан бери жамики кириш-чиқиш йўлларини беркитиб қўйган бўлиши ҳам мумкин. Қимбилади, балки бирорта машҳур муаллақчига бир пайтлар елвизак тегиб, шундан кейин у тўполон кўтаргану эшикларни ёптириб қўйган бўлса ҳам ажаб эмас.

Театр ва киноларда тикилинч бўлмаслиги учун то

мошабинларни бўлиб-бўлиб чиқаришади. Тиқилинч бўлмасликнинг йўли осон — таги мўл эшикларнинг ҳаммаси очиб қўйилса бас. Лекин бунинг ўрнига маъмурият куч ишлатади. Билет текширадиган хизматчилар қўлни-қўлга бериб, саф тортишади-да, одамларни камида ярим соат ўраб туришади. Одамларга мунтазир эшиклар, Павел I замонидаёқ лунжига тамба тушган ўша эшиклар эса ҳанузгача ёпиқ.

Москва терма командасининг қойилмақом ўйинидан завқланиб кетган ўн беш минг чоғлиқ футбол ишқибози трамвайга чиқиш учун ингичка йўлакдан ўтишга мажбур. Бу йўлак жонивор шу қадар торки, енгил-елпи қуролланган оддий бир сарбоз ҳам иккита палаҳмон билан қирқ минг нафар ғанимнинг ҳужумини бемалол даф қилиб туриши мумкин.

Спорт стадионининг усти очиқ бўлсаям, дарвозалари мўл. Аммо дарвоза қолиб, торгина эшикни очиб қўйишади. Ташқарига чиқиш учун дарвозани бузмай илож йўқ. Катта мусобақа бўлган куни дарвозалар албатта қирғинга учрайди. Лекин тарки одат — амри маҳол, деганларидек майиб-мажруҳ дарвозалар қайта тикланиб, бўйнига отнинг калласидай қулф тушади.

Эшик ўрнатишнинг иложи бўлмаган тақдирда (ўрнатадиган жойнинг ўзи қолмаган тақдирда) турли тонфадаги кўмма эшикларга навбат келади. Мана улар:

1. Тўсиқлар.
2. Айри ғовлар.
3. Ағанаган скамейкалар.
4. Пўписали ёзувлар.
5. Арқонлар.

Идораларда тўсиқ одат тусига кирган.

Бирор ходимда иши бўлган одам тўсиқдан ҳатлаб ўтолмайди. Бинобарин у қафасга тушган йўлбарсдай типирчилаб, имо-ишоралар билан шу ходимнинг эътиборини жалб этишга уриниб кўради. Бунга у ҳамиша муяссар бўлавермайди. Ваҳоланки, у бирорта зўр ихтиро билан келгандир! Эҳтимол, у шунчаки даромад солиғини тўламоқчидир! Лекин тўсиқ тўсиқлигини қилди — нима ихтиро билан келгани номаълум энди, солиқ ҳам тўланмай қолди.

Ғовлар кўча-кўйга қўйилади.

Айри ғов дегани кўклам кезлари катта кўчаларда

пайдо бўлиб қолади. Гўё йўл чеккаси таъмир қилинаётган бўлади. Бундай пайтларда гавжум кўчалар бир зумда ҳувиллаб қолади. Йўловчилар айланма кўчалардан манзилларига етиб олишади. Улар ҳар куни бир неча чақиримлаб ортиқча йўл босишса ҳам ноумид бўлишмайди. Ёз ўтади. Япроқлар сарғаяди. Ғов эса ҳамон олинмайди. Таъмир қилинмайди. Кўчаям бўм-бўш.

Боғ скамейкалари Москва хиёбонларини чалқанчасига қўриқлаб ётади. Бутун айб қурувчиларда — шу хиёбонларнинг пешонасига дурустроқ дарвоза битмаган-да.

Пўписали ёзувлар бутун бир дostonга мавзу бўлиши мумкин эди-я, лекин муаллифларнинг ҳозир бундан бўлак ташвишиям кўп ўзи.

Бунақа ёзувларнинг тури икки хил: бири лўнда бўлса, иккинчиси мужмалроқ.

Лўндасига қўйидагилар киради:

КИРИШ МАН ЭТИЛАДИ

БЕГОНА ШАХСЛАР УЧУН КИРИШ МАН ЭТИЛАДИ

Й У Л Й У Қ

Айрим ҳолларда ушбу ёзувлар одамлар турнақатор келадиган идора эшикларига осиб қўйилади.

Мужмал ёзувлар айниқса хатарли бўлади. Булар ичкарига кирмайсан, деб зуғум қилмайди-ю, лекин юраги дов бериб, остона ҳатлаб ўтадиган мард қани. Мана ўша шармандали ёзувлар:

БЕСЎРОҚ КИРИЛМАСИН

ҚАБУЛ ЙЎҚ

ИЧКАРИ КИРСАНГ, ОДАМЛАРНИ ИШДАН ҚОЛДИРАСАН

Тўсиқ ёки ғов тутишининг, скамейкани ағанатиб қўйиш ёхуд пўписали ёзув осиишнинг иложи бўлмаган жойларда эса арқон тортилади. Арқонниям ҳафсала

келишига қараб, энг кутилмаган жойларда тортиб қўйишади. Мабодо шу арқон кўкракдан келса, одамлар хиёл чўчинқираб, лаблари ясама бурилиб, ўтиб кетишади. Лекин тепароқ тортилса борми, нақ кекирдакни узиб юборади-я.

Эшикларга қирон келсин! Театр биноси олдида навбат кутишлар барҳам топсин! Берухсат киришга рухсат этинг! Уй-жой бошқарувчиси дангаса бўлса ўзига, олдидаги йўлкани вақтида тузатиб олсин, айри говни олиб ташланг, илтимос! Аганаган скамейкалар жойига қўйилсин, бас энди! Хиёбонни кечаси юришга чиқарган. Соф ҳавода каллаям яхши ишлайди-да!

Халқлар уйининг қоқ киндигида, ёпиқ ойнабанд эшик ёнидаги зинада беҳол ўтирган Грицацуева хоним тоғ отишини кутиб, бева бошига тушган савдоларни ўйлар ва ўқтин-ўқтин мизғиб қўяр эди.

Ойнабанд эшик орқали коридордан сарғиш шуъла тушиб турарди. Зинапоя деразалари тонг бўзариб келатганидан далолат берарди.

Тонг отиб, ҳаво мусаффо бўлган бир пайт, Шу он Грицацуева коридорда оёқ товушини эшитди. Бева ўрнидан сапчиб туриб, ойнага ёпишди. Коридор этагида кўк нимча ялт этгандай бўлди. Зарғалдоқ пойабзал оқариброқ кўринди. Турк фуқароси камзулидаги чангни қоқа-қоқа ойнабанд эшикка яқинлашиб келаверди.

— Тойчоққинам!— деб овоз берди бева.— То-о-й-чоғим!

Бева бутун меҳрини ойнага тўкиб солди. Ойна бир зумда хира тортиб, кўлоб-кўлоб доғ бўлди. Кўк ва зарғалдоқ ранглар шарпаси ойна бетида камалакдай товланиб кетди.

Остап беванинг илтижоларини эшитолмади. У курагини қашлаб, ён-верига олазарак қараб қўйди. Муюлишга етгач, бурилиб кетишига сал қолди.

Хотини бечора «ўртоқ Бендер!» деб чинқирган ҳолда ойнани муштлай кетди. Буюк мудаббир орқасига ўгирилди.

— Э,— деди у ўртадаги эшик қулф эканини пайқаб,— ўзлариям шу ердамилар?

— Шу ердман, шу ердман,— деди бева юраги тошиб.

— Бир ачомлашайлик, тасаддуқ, мени соғинтириб қўйдинг-ку,— илтифот қилди амалий саркор.

Бева типирчилаб қолди. Тўрқовоққа тушган бедана-дай сакрай бошлади. Тунда оромини топган юбкаси яна дикирлаб қолди. Остап қучоғини очди.

— Намунча имиллайсан, товуқчам? Халқ комиссарлар советининг кичик мажлиси бабақ хўрозингни толиқтириб қўйди-ку.

Бунақа гапларга беванинг фаросати етмасди.

— Тойчоқ,— ёлвориб деди у бешинчи марта.— Эшикни очинг, ўртоқ Бендер.

— Секинроқ, опоқ қиз! Хотин кишида сал андиша бўлиши керак. Намунча эчкидай сакрамасангиз?

Беванинг жони қийналиб кетди.

— Ҳа, мунча тўлғанасиз?— луқма ташлади Остап.— Турмушлари нотинчроқми?

— Қилар ишни қилиб қўйиб, яна сўрайсиз-а!

Бева йиғлаб юборди.

— Кўз ёшингизни артиб олинг, гражданка. Ҳар қатра ёш осмони фалакнинг бир заррасидир.

— Роса кутдим, дўконниям йиғиштириб қўйдим. Маня энди излаб келдим, ўртоқ Бендер.

— Хўш, зино бобида маишат қалай? Шамол безовта қилмаяптими?

Бева улкан самовардай аста жунбишга кела бошлади.

— Бевафо!— деб юборди у титраб-қақшаб.

Шу топда Остапнинг вақти сал бемалолроқ эди. Бинобарин бармоқларини қарсиллатиб аста муқом қила кетди:

Иш кўрсатар ҳар замон,

Ичимизда бир шайтон!

Аёлларнинг жодуси,

Бизни ўтга отгуси...

— Ҳу қорнинг ёрилиб ўлгур!— қарғаб берди бева ўйини тугаши билан.— Эримдан ёдгорлик қолган билагузукни-ку, ўғирлабсан. Стулни нимага олиб қочдинг?

— Шахсимга тил теккизяптилар шекилли?— совуққина сўради Остап.

— Ўғирлагансан, ўғирлагансан!— бўш келмади бева.

— Гап бундоқ, ойимқиз: шуни қулоқчангизга қўйиб олингки, Остап Бендер ҳеч маҳал ўғирлик қилган эмас.

— Симтўринг ким олди бўлмаса?

— Э, сиктүрми! Бир пулга қиммат ұша матоқингизни айтпәсизми? Шу ҳам ұғирликка кирадими? Ундай бұлса турмушни сиз бошқача-ю, биз бошқача тушунар эканмиз.

— Олиб қочгансан,— яна бидирлаб деди бева.

— Бундан чиқди, соғлом, навқирон бир йигит шартти кетиб, парти қолган бир қишлоқи кампирнинг ўзи ишлатолмай занг бостириб қўйган бир матоқини вақтинча олган экан, демак, у ўғри бўлиб чиқаркан-да? Ниятлари шуми?

— Ўғри, ўғри!

— Ундай бұлса бирга туролмаймиз. Мен ажралишга розиман.

Бева эшикка сапчиган эди, ойна шарақлаб кетди.

Остап билдики, тезроқ жўнаб қолиш керак.

— Ачомлашиб ўтирмаймиз, вақт тигиз,— деди у,— алвидо, ёргинам! Йўлимиз бошқа экан, сиз у томонга, биз бу томонга.

— Войдод!!— бўкириб юборди бева.

Остап аллақачон коридорни охирлаб қўйган эди. У деразага чиқиб, тунги ёмғирдан кўпчиб турган ерга сакраб тушди-да, дарахтлар орасида ғойиб бўлди.

Беванинг фарёдини эшитиб, қоровул етиб келди. У яна қўлга тушса, жарима солишини айтиб, маҳбусини чиқариб юборди.

## XXIX боб

### «ГАВРИЛНОМА» МУАЛЛИФИ

Грицацуева хоним лак-лак идора ин қўйган бета-каллуф Халқлар уйдан кўчага чиққанида хат ташувчилар, келган-кетган қоғозларни рўйхатга олувчи котиба қизлар, навбати келган телефончи барнолар, ҳисобчиларга шогирд тушган ўспиринлар, шунчаки иш ўрганиб юрган ўсмир болалар тоифасидаги увоқ мартабали хизматчилар шу томонга оқиб келишаётган эди.

Никифор Ляпис деган жингалак соч, кўзи совуқ, ёшгина бир йигит ҳам шуларнинг орасида эди.

Жоҳил, кажбаҳ ёки бу ерга энди иши тушган одамлар Халқлар уйига асосий эшикдан киради. Никифор Ляпис липиллаганича амбулаторияга кириб кетди-да,

кейин катга бинога ўтиб олди. Халқлар уйи ўзиникидай бўлиб қолгани учун у тармоқ журналлари қаерга салқин соя ташлаб, қалам ҳақи қаерда булоқдай отилиб туришини беш қўлидай яхши биларди.

Никифор Ляпис ишни буфетдан бошлади. Ялтирроқ касса бир силкиниб, учта чек қоғози ташлади. Никифор стаканнинг устига зичлаб ёпилган қоғозни очиб, қатиқни ичди, кейин бир тўп гулга ўхшаш мурабболи пирожноени ёб олди. Чой буларга якун ясади. Шундан сўнг Ляпис бамайлихотир шикорни бошлаб юборди.

Биринчи бўлиб у овчиларнинг ойда бир чиқадиган «Герасим ва Муму» журнали редакциясига учради. Уртоқ Наперников ҳали келмаган экан, шунинг учун Никифор Ляпис «Гигроскопик ахборот»га йўл олди. Бу — доришunos мутахассисларни ҳафтада бир марта ташқи дунё билан боғлаб турадиган воситачи журнал эди.

— Салом бердик,— деди Никифор.— Ажойиб шеър ёзиб келдим.

— Нима ҳақда?— деб сўради адабиёт саҳифасининг бошлиғи.— Қайси мавзуда? Ўзингиз биласиз-ку, Трубецкой, бизнинг журнал ҳалигидай...

Бошлиқ «Гигроскопик ахборот»нинг нозик томонларини пухтароқ ифодаламаоқчи бўлиб, бармоқларини ўйнатиб қўйди.

Трубецкой-Ляпис қалин оқ сурпдан тиктирган шимига бир қараб қўйгач, кўкрагини чиқариб, ёқимтой овоз билан:

— «Қорасон ҳақида баллада»,— деб юборди.

— Мароқли нарса экан,— деди гигроскопик-намшunos вакил.— Қасалнинг олдини олиш ғояларини аллақачон оммабоп қилиб тарқатиш лозим эди.

Ляпис дарҳол шатирлатиб ўқий кетди:

Қорасонга чалинмишди Гаврила,

Гаврилани йиқитдию қорасон...

Шу руҳда давом этган кейинги қайноқ мисраларда Гаврила нодонлик қилиб, вақтида дорихонага бормагани, ярасига йод суртмагани учун бевақт оламдан ўтиб кетгани ҳақида ҳикоя қилинарди.

— Кундан-кунга ўсяпсиз, Трубецкой,— маъқуллаб деди муҳаррир.— Лекин ҳалигидан янаям... Тушуняпсизми?

Гарчи бармоқлари ҳаракатга келган бўлса ҳам муҳаррир пулини сешанба кунига ваъда қилиб, қўрқинчли балладани олиб қолди.

«Морзист кундалиги» журналида Ляписни қучоқ очиб кутиб олишди.

— Келганингиз яхши бўлди, Трубецкой. Шеърталаб бўлиб турган эдик. Лекин фақат манший мавзуда. Лирикани қўйиб туринг. Эшитдингизми, Трубецкой? Почта-телеграф ходимлари ҳаётдан бўлсин, лекин ҳалигидай қиттай, тушундингизми?..

— Буни қаранг, кечагина шу почта-телеграф ходимларининг турмушини ўйлаб кетдим. Битта поэма туғилиб қолди. Номи: «Охирги мактуб». Мана:

Почтачилик қилар эди Гаврила,  
Гавриланинг ташигани хат эди...

Унинг саргузаштлари етмиш икки сатрдан иборат бўлиб, шеърнинг охирида хат ташувчи Гаврила фашист ўқидан оғир яраланган бўлишига қарамай қўлидаги хатни эгасига олиб бориб топширади.

— Воқеа ўзи қаерда бўлиб ўтган?— деб сўраб қолишди Ляписдан.

Уринли савол. СССРда юз берган бўлса, бизда фашистлар йўқ, агар чет элда дейиладиган бўлса, у ерда Гаврилагаям, алоқа ходимлари союзининг аъзоларигаям балё борми.

— Нима бўпти?— деб жавоб берди Ляпис.— Воқеа, албатта, ўзимизнинг мамлакатда бўлиб ўтади, фашист эса ниқобланган фашист.

— Менга қаранг, Трубецкой, яхшиси, бизга радиостанция ҳақида бир нима ёзиб беринг.

— Нимага почтачи ёқмай қолди?

— Тура турсин. Кейин балки ишлатиб юборармиз.

Таъби хира тортган Никифор Ляпис-Трубецкой яна «Герасим ва Муму»га йўл олди. Наперников бу гал жойида экан. Деворда Тургеневнинг ҳаддан ташқари катта қилиб ишланган расми. Пенсне таққан, оёғида ботқоқда кийиладиган қўнжи узун этик, елкада қўшоғиз милтиқ. Наперниковнинг олдида эса Ляписнинг рақиб — шаҳар атрофидаги бир қишлоқда турувчи шоир ўтирибди.



Яна Гаврила қиссаси бошланди. Лекин бу гал ов мавзӯлари устунроқ эди. Асарнинг ўзиям «Браконьер дуоси» деб номланган эди.

Пойлаб ётар эди Гаврила қуёни,  
Гаврила қуёнга ўқ отди бехос...

— Жуда яхши!— деди юмшоққўнгил Наперников.— Шу шеърингиз билан ҳатто Энтихдан ҳам ўтиб кетибсиз, Трубецкой. Лекин баъзи жойлари таҳрирлаб экан. Авваламбор, «дуо» деган сўзни мутлақо олиб ташланг.

— Қуённиям,— деб қўйди рақиб.

— Нега қуённиям бўларкан?— ҳайрон бўлди Наперников.

— Ҳозир қуён отадиган мавсум эмас.

— Эшитдингизми, Трубецкой, қуённиям ўзгартиринг.

Поэманинг номи «Браконьер сабоғи» деб ўзгартирилди, қуёнчалар эса лойхўракка алмаштирилди. Бир пайт лойхўракниям ёзда отиш ман этилганлиги маълум бўлиб қолди. Охири шеър шу ҳолатга келди:

Пойлаб ётар эди Гаврила қушчани,  
Гаврила қушчага ўқ отди бехос...

ва ҳоказо.

Ошхонада нонушта қилиб олгач, Ляпис яна ишга шўнғиб кетди. Фира-шира коридорларда ўқтин-ўқтин унинг оқ шими «лип» этиб кўриниб қоларди. У редакцияма-редакция юриб, уздабурон Гаврилани пуллаш билан овора эди.

«Кооператив най»га Гаврила «Эол найи» тарзида топширилди.

Гаврила дўконда хизмат қиларди,  
Гаврила най сотар харидорларга...

Бақалоққина «Ўрмон — ажиб макон» журналида ишловчи лақма ходимлар. Ляписдан «Ўрмон ёқасида» деган поэмача сотиб олишди. Поэма мана шундай бошланарди:

Гаврила чангалзор ўрмонда борар,  
Гаврила шарт кесар қари бамбукни...

Куннинг охирида Гаврила новвойликка қўл урди. Бинобарин «Патир ходими» редакцияси уни бағрига олди. Поэманинг номи ҳам узун, ҳам қадим эди: у «Нон, маҳсулот сифати ва ёр ҳақида» деб аталарди. Асарнинг ўзи эса Хина Члек деган мубҳам бир аёлга бағишланибди. Поэманинг дебочаси эса ҳамон воқеавий эди:

Новвойлик қиларди Гаврила деган,  
Гаврила, боқсангиз, патир нон ёпар...

Қалтисроқ ўтган муҳорабадан кейин бағишлов олиб ташланди.

Энг алам қиладиган жойи шундаки, Ляпис шу куни пулдан бенасиб қолди. Баъзи жойда сешанба кунига ваъда қилишса, бошқа бир ерда пайшанба ё жума куни келинг, деб айтишди, хуллас, яна икки ҳафта кутиш керак. Ляпис ашаддий душманлари қароргоҳига — умрида бирор марта шеъри босилиб чиқмаган жойга ялиниб боришга мажбур бўлди.

Ляпис бешинчи қаватдан тўғри иккинчи қаватга тушиб «Станок» секретариатига йўл олди. Бахтга қарши биринчи учратган одами тиниб-тинчимас Персицкий бўлди.

— Э!— деб юборди Персицкий.— Ляписус!

— Менга қаранг,— деди Никифор Ляпис овозини пасайтириб,— уч сўм бериб туринг. «Герасим ва Мумудан бир талай пул оладиганман.

— Ярим сўм беришим мумкин. Тўхтаб туринг. Ҳозир келаман.

Персицкий «Станок»нинг бир гала ходимини бошлаб келди.

Гап гапга улашиб кетди.

— Хўш, тижорат қалай бўлди?— деб сўраб қолди Персицкий.

— Қулинг ўргилсин бир шеър ёздим!

— Гаврила ҳақидамай? Дехқонлар ҳаётидан бўлса керак, а? «Шудгор ҳайдаб эди Гаврила шўрлик, Гаврила ёнарди омоч ишқида». Шундайми?

— Гаврила нимаси! Уни шунчаки эрмакка ёзган.

---

<sup>1</sup> Ляписнинг асл маъноси — жаҳаннам тоши. Бу ерда сўз ўйини бор. Ляписус — валдираш, сафсата сотиш деган маънода. (Тарж.)

ман!— бўш келмади Ляпис.— Кавказ ҳақида шеър битдим.

— Кавказда бўлганмисиз ўзи?

— Икки ҳафтадан кейин кетяпман.

— Қайси юрак билан, Ляписус? Чиябўрининг кони-ку, у-ер?

— Қони бўлса нима қипти! Кавказда заҳарли чиябўри бўлмайди-ку!

Бу жавобдан кейин ҳаммалари ҳушёр тортишди.

— Менга қаранг, Ляписус,— яна сўроққа тутди уни Персицкий,— чиябўри дегани қанақа бўлади ўзи?

— Қўйинг-э, шуниям билмайди, деб ўйлайсизми?

— Билсангиз, қани айтинг!

— Нима десамикин... Хўш, илонга ўхшаган бўлади.

— Ҳа, тўғри, тўғри, сиз ҳамма нарсани биласиз. Чунки сизга қолса така жонивор ҳам дастурхонга узангиси билан тортилади.

— Мендан ҳеч қачон бунақа гап чиққан эмас!— бақариб юборди Трубецкой.

— Оғзингиздан чиқмаган бўлса, қаламингиздан чиққан. Наперниковдан эшитдим, «Герасим ва Муму»га шунга ўхшаган шеърчангизни ёпиштирмоқчи бўлган экансиз, овчилар ҳаётидау эмиш. Қани, Ляписус, холисанилло айтинг-чи, нимага сиз ўзингиз бир умр кўрмаган, тариқдай тасаввурга эга бўлмаган нарсалар ҳақида ёзасиз? Нима учун «Даҳа» деган шеърингизда мурсак тўйда кийиладиган либосга айланиб қолган? Хўш, нимага?!

— Бачкана одам экансиз,— деди Ляпис гердаийб.

— Нимага бўлмаса «Будённый соврини учун пойга» деган шеърингизда чавандоз олдин отларига хомут уриб, кейин жойига чиқиб ўтиради? Хомут нималигини биласизми ўзи, умрингизда кўрганмисиз уни?

— Кўрганман.

— Қани, айтинг, қанақа бўларкан?

— Намунча осилиб қолдингиз менга. Живни-пинни бўлганмисиз!

— Чавандоз қаерда ўтиришини биласизми? Умуман, пойгани кўрганмисиз?

— Ҳаммасини кўриш шарт эмас!— деди тутақиб Ляпис.— Пушкин умрида Туркияни кўрмаган бўлсаям турк мавзуларида шеърлар ёзган.

— Ҳа, дарвоқе, Арзрум Тула губернасига қарайди-я.

Ляпис кесатиқни тушунмади. Яна жон-жаҳди билан исботлай кетди:

— Пушкин материалларга суяниб ёзган. Олдин Пу- гачёв исёнини обдан ўрганиб чиқиб, кейин бу ҳақда асар битган. Энтих менга пойгани жуда батафсил қи- либ гапириб берувди.

Ляпис шу тариқа ҳужумни устонмонлик билан даф қилиб турди. Охири Персицкий уни қўярда-қўймай қўшни хонага судраб чиқди. Текин томоша шинаванда- лари гур этиб уларга эргашди. Хона деворида бир пар- ча газета осиглиқ бўлиб, атрофига қора ҳошия тортил- ган эди.

— «Капитан кўприкчаси»да чиққан шу очеркни ўз- лари ёзганмилар?

— Биз ёзганмиз.

— Насрга энди қўл уришингиз бўлса керак-а? Таб- риклайман!

«Тўлқинлар йўлда учраган тўсиқларга сапчиб, дом- крат мисоли шиддат ила пастга отиларди...» «Капитан кўприкчаси»га бир холис хизмат қиптилар-да! «Кў- прикча» бу хизматингизни асло унутмайди, Ляпис!

— Нима гап ўзи?

— Гап шундаки... Домкрат нималигини биласиз- ми ўзи?

— Ҳа, биламан албатта, келинг, ҳадеб менга ос- лаверманг...

— Хўш, сизнингча, нима у? Ўз тилингиз билан таъ- рифлаб беринг-чи.

— Нима десамикин... Хуллас, тепадан тушади.

— Домкрат тепадан тушармиш. Эшитмадим де- манглар! Домкрат шиддат ила пастга отиларкан! Тўх- таб туринг, Ляпис, ҳозир ярим сўм олиб келаман. Қў- йиб юборманглар уни!

Лекин бу гал ҳам ярим сўм унмай қолди. Персиц- кий справка бюросига учраб, Брокгауз луғатининг йигирма биринчи жилдини кўтариб келди. Луғатда До- мицийдан Евреиновга қадар сўзлар қатор тизилиб ётар- ди. Мекленбург-Шверин деган улуг герцогликдаги бир қалъа сифатида қайд этилган Домиций билан Бельгия ва Нидерландия тупроғида ҳайқириб оқувчи Доммель дарёси оралиғида керакли сўз топила қолди.

— Эшитинг! «Домкрат (немисча Daumkraft) — оғир юкни балиндликка кўтариб берадиган машиналардан бири. Арава ва ҳоказоларни кўтаришда қўлланиладиган оддий Д.-да ҳаракатланувчи тишли тирак бўлади, даста ғилдиракни, ғилдирак эса тиракни ҳаракатга келтиради...» Ва ҳоказо. Иннайкейин: «Жон Диксон 1879 йилда «Клеопатра игналари» номи билан машҳур бўлган ёдгорликни тўртта ишчи ва тўртта гидравлик Д. ёрдамида жойига ўрнатиб қўйган». Ана шундай асбоб сизга қолса шиддат билан пастга отиларкан-да? Бундан чиқди, Брокгауз билан Эфрон эллик йилдан бери инсониятни алдаб келишаётган экан-да? Нима учун сиз ўқиб-ўрганиш ўрнига хом-хатала нарсаларни тўқиб ташлайверасиз? Жавоб беринг!

— Менга пул керак.

— Пулга ёлчиган пайтингиз бўлганми ўзи? Қачон қарама, ярим сўм деб тиланиб юрасиз.

— Уйга анжом олувдим, сал толиқиб қолдим.

— Нима, ошиб-тошиб кетиб, бир дунё мол олибсизми? Хом-хатала нарсанинг пули нима бўларди, арзонгаровга бир нима олгандирсиз-да.

— Арзонгаров эмиш-а! Қим ошдига бориб, шунақа бир стул сотиб олдимки...

— Илоннуса стулми?

— Йўқ. Сарой мулки экан. Аммо-лекин бошимга бир кулфат тушди. Ярим кечада уйга қайтиб келсам...

— Хина Члек меҳмонга чақирувмиди?— деб бараварига чувиллашди атрофдагилар.

— Хина нимаси!.. Хина билан аллақачон орани узганман. Маяковскийнинг мунозарасидан қайтиб келаётган эдим. Уйга кирсам, ойна ланг очик. Дарров пайқадимки, бир нима бўлган.

— Вой шўрим!— деди Персицкий кафтлари билан юзини тўсиб.— Ляпсус зўр шоҳ асарини ўғирлатиб қўйганга ўхшайди, ўртоқлар. «Қоровуллик қилар Гаврила деган, Гаврила ажойиб қоровул эди».

— Гапимни тугатиб олай. Кўз кўриб, қулоқ эшитмаган безорилик-а! Аллақандай ғаламис аблаҳлар уйга тушиб, стулни чавақлаб кетишибди. Энди уста чақирмаса бўлмайди, балки бирортангиз беш бола бериб турарсиз?

— Янги Гаврила ёзиб ташланг, уста пули чиқади. Нима деб бошлашним айтиб бераман. Ҳозир, ҳозир...

Ҳа, мана бундай деб бошлайсиз: «Бозор куни стул олди Гаврила, бу стулдан хафа бўлди Гаврила». Дарров ёзиб олинг. «Хонтахта овози»га икки баравар қилиб пуллаш мумкин... Эҳ, Трубецкой, Трубецкой!.. Ҳа, Ляпсус, дарвоқе, нимага сиз Трубецкой бўлиб қолгансиз? Тузукроқ тахаллус танлаб олсангиз бўлмайдими? Масалан, Долгорукий деган! Никифор Долгорукий бўлиб юрардингиз! Еки Никифор Валуа дегани маъқулроқми? Гражданин Никифор Сумароков-Эльсон-чи? Энг зўриям шу бўлса керак, а? Худо ол қулим деб «Герасим ва Муму»га бирдан учта шеърчани тиркаб қолсангиз борми, ҳечам жонингизни қийнаб ўтирмасдингиз. Қарабсизки, шеърятга иснод келтирадиган бу бемаъни сафсаталарингизнинг бирига Сумароков деб, иккинчисига Эльстон, учинчисига эса Юсупов деб имзо қўяверасиз... Одам бўлмай кетинг, кўзбўямачи шоир!..

### XXX боб

#### КОЛУМБ ТЕАТРИДА

Ипполит Матвеевич хушомадгўйликни дўндирадиган бўлиб қолди. У Остапга қарамоқчи бўлса, кўм-кўк кўзлари қўйникидай ювош тортиб кетарди.

Иванопулонинг хонаси қаттиқ исиб кетганидан Воробьяниновнинг қовжираб қолган стуллари тарашадай чирсиллаб қўярди. Буюк мудаббир кўк нимчани бошига қўйиб, ҳордиқ чиқариб ётган эди.

Ипполит Матвеевич деразадан кўчани томоша қилиб турган эди. Шу пайт жимитдай-жимитдай Москва боғларини ёнлаб, унинг илонизи, тор кўчаларини ораб келаётган тамғали аравача кўринди. Қоп-қора лакка бўялган арава сиртида таъзимни бажо келтириб турган аҳли йўловчилар: мис қалпоқли сарбоз, шаҳар хонимлари ҳамда оппоқ, момик паға-паға булутлар бир-бир акс этгандай бўлди. Аравача қўшилган отлар тош кўчани дупурлатиб, Ипполит Матвеевичнинг ёнгинасидан ўтиб кетишди. Ипполит Матвеевич ҳафсаласи пир бўлиб, юзини четга ўгирди.

Аравага коммунал хўжалик бўлимининг тамғаси босилган, бинобарин у ахлат ташишга мўлжалланган бў-

либ, устидаги баланд тахта қутига бир ниманинг акси тушиши амри маҳол эди.

Уриндиқда оппоқ соқоли ўзига ярашиб турган ба- савлат бир чол ўтирарди. Агар Ипполит Матвеевич бир пайтлари тарки дунё қилган машҳур сарбоз граф Алексей Буланов мана шу аравакаш чол эканини билганида борми, эҳтимол ҳозир қарияни тўхтатиб, ўша дориламон пайтларни эслаб икки оғиз валақлашган бўлар- миди.

Граф Алексей Булановнинг шу топда ташвиши ўзи- га етиб ортарди. У отларига устма-уст қамчи босган ҳолда ассенизация шуъбасидаги сансалорликни, икки ўртадаги катта шартномада кўрсатилган бўлишига қа- рамай, ярим йилдан бери ҳанузгача махсус пешбанд ололмай келаётганини ўйлаган сари фйғони ошарди.

— Менга қаранг-чи,— деб қолди тўсатдан буюк му- даббир,— болалигингизда сизни нима деб эркалаб ча- қиришарди?

— Нимага керак бўлиб қолди?

— Шунчаки ўзим! Сизни нима деб чақиришга ҳай- рон бўлиб турибман. Воробьянинов деявериш жонга тегди, Ипполит Матвеевич чучмал. Хўш, қанақа эди? Иппами?

— Киса,— мийиғида кулиб жавоб берди Ипполит Матвеевич.

— Зўриддин-ку. Гап бундоқ, Киса, орқамни бир кў- ринг-чи, нима гапикин. Икки курагимнинг ўртаси нега- дир зирқираб турибди.

Остап «ковбой» кўйлагини бошидан чиқариб ечди. Хашаки Антинойнинг сал кир босган, лекин хўп бичи- ми зўр, кенг ягрини намоён бўлди.

— Оҳо,— деди Киса Воробьянинов,— қизариб ке- тибди-ку.

Буюк мудаббирнинг икки курагининг ўртаси қонта- лашиб, кўм-кўк моматалоқ бўлиб ётар, турфа рангда товланиб турган гурралар алланимага ўхшаб кетарди.

— Худо ҳаққи, саккиз рақамини кўрдим!— чинқи- риб юборди Воробьянинов.— Тавба, гурраям шунақа бўладими?

— Бошқа рақам кўринмайдими?— вазмин сўради Остап.

— Биттаси Р. ҳарфига ўхшаб турибди.

— Саволлар тугади. Ҳаммаси тушунарли. Лаънати ручка! Мана, кўрдингизми, Киса, ўша стулларингизни деб жоним азобдан, бошим хатардан чиқмай қолди. Саксон олти рақамли перо тиқилган бесўнақай осма ручканинг марҳамати бўлади бу белгилар. Яна шуниям айтиб қўяйки, редактор ўтирадиган стулнинг ичак-човоғи энди қўлимга илашиб турганида бу лаънати ручка гумбурлаб устимга тушди. Сиз, сиз бўлсангиз лалайишдан бошқа нарсага ярамайсиз. Изнуренковнинг уйидаги стулга шум қадами ёқмаган ҳам ўзингиз, мен бориб тозалаб келдим сизнинг шалтоғингизни. Қим ошди воқеасини-ку, айтмай қўя қолай. Бир буқа бўлгилари кепти-да, ўшанда! Ёшингизга қараб иш қилинг! Сизнинг соғлиғингиз кўтармайди буни!.. Мана мени кўринг! Беванинг стулини қойил қилдим. Шчукинларнинг иккала стулиниям қойил қилдим. Изнуренковниям охири ўзим тинчитдим! Редакция билан Ляписнинг уйигаям ўзим бордим! Сизнинг бўлса фақат бир донагина стулга қурбингиз етди, холос, шундаям архиепископдай шаръий душманамиз қарашворди, ҳа.

Амалий саркор хона ичини яланг оёқ кезиб, хомуш Кисага шу тариқа ақл ўргатарди.

Октябрь вокзалининг омборхонасида ғойиб бўлган стул қидирув ишларининг пухта режасига ҳамон соя ташлаб турарди. Колумб театридаги тўртта стулни нақд деса бўлади. Лекин театр тираж ўйналадиган «Скрябин» кемаси билан Волга дарёси бўйлаб сафарга чиқар экан, шунга кўра бугун мавсумдаги охириги ўйин «Уйланиш» спектаклининг премьераси кўрсатилади. Бинобарин ҳозироқ бир нарсани — Москвада қолиб, бепоён Қаланча майдонида бедарак йўқолган стулни излаб турган маъқулми ёки театр труппаси билан гас-троль сафарига чиққан фойдалироқми — шуни аниқлаб олиш лозим эди. Остани кейингисига мойилроқ кўри-нарди.

— Ё бўлинишганимиз маъқулмикин? — шеригининг фикрини сўради Остап. — Мен театр билан бирга жўнайман, сиз шунда ерда қолиб омборхонани кўз тагига оласиз.

Қисанинг оппоқ киприклари беҳол пирпираб кетгани учун Остап гапни калта қила қолди.

— Икки қуён турганда семизроғини мўлжаллаган маъқул, — деди у. — Бирга кетаверамиз. Лекин сарф-ха-



ражат катта бўлади. Пул топиш керак. Менда олтмиш сўм бор. Сизда-чи? Вой, эсим қурсин! Еш ўтиб қолгандан кейин ишқ офати ҳамённи қуритиб кетади-ку! Қарор қиламан: бугун театрға, «Уйланиш» премьерасига борамиз. Фрак кийиб олишни унутманг. Агар стуллар қарз ҳисобига соцуғуртага сотилиб кетмай омон-эсон жойида турган бўлса, эртагаёқ йўлга чиқамиз. Қулоғингизда бўлсин, Воробьянинов, «Қайнанамнинг жавоҳирлари» комедиясининг охирги саҳнаси бошланяпти. Комедиянинг ан-ниҳоя қисмига келдик, Воробьянинов! Нафас олмай туринг, қария дўстим! Саҳна чироқларига эътибор қилинсин! У, менинг ёшлик йилларим! У, саҳна ортининг муаттар ҳиди! Ширин хотиралар! Макру ҳийлалар! Ҳамлет ролини маҳорат ила бошлаб ўйнаганларим! Хулласи калом, мажлис давом этади!

Ортиқча чиқимдан қочиб, театрға яёв кетишди. Ҳали атроф чарақлаб турганига қарамай, фонуслар қаҳрабо нур соча бошлаган. Кўклам инқирозга юз тутган. Чанг-тўзон уни майдонлардан қувса, иссиқ шамол тор кўчаларга қамамоқчи бўлади. Ҳовлилардаги думалоқ стол атрофида тизилишиб ўтирган кампирлар фасллар келинчагини даврага олиб, чойхўрлик қилишади. Аммо баҳорнинг умри тугаган — энди у катта кўчага чиқолмайди. Ваҳоланки унинг ҳам Пушкин ҳайкалига боргиси, бошига ола-була кепка, оёғига «жимми» туфлисини кийиб, бўйнига «ит саодати» галстугини тақиб олган сурнай шимли йигитчаларга қўшилгиси келади.

Бетига пуштиранг ёғупа чаплаб олган қизлар матлубот саройи билан «Коммунар» кооперативи (собик Филипп ва Елисей кўчалари) оралигида у бошдан-бу бошга дайдиб юришади. Қизларнинг оғзи шалоқ. Утган-кетганлар бунақа пайтда қадамни секинлатиб қолади. Бунинг сабаби, Тверская кўчаси, шу маҳаллари гавжумлашиб қолишидагина эмас. Москва отлариям Старгородниқидан қолишмайди — булар ҳам атайлаб кўчани бошига кўтариб ўтади. «Еш кашшофлар» стадионида биринчи бор уюштирилган шаҳарлараро футбол ўйинидан қайтаётган одамлар велосипедда гизиллаб ўтиб қолишади. Олдидаги яшил аравагани гумбура латиб итариб кетаётган мороженоечи милиционерға ҳадиксираб қараб қўяди; аммо кўча ҳаракатини бошқараётган ранго-ранг семафор милиционернинг хаёлини олиб қўйган, ундан қўрқмасаям бўлади.

Ана шундай гавжум кўчаларда икки дўст кетиб борарди. Ҳар қадамда одамнинг ҳавасини келтирадиган нарсалар. Каталакдай емакхоналар олдида ўтган-кетганининг димоғини қитиқлаб, турли-туман кабоблар пиширишади. Қўралардан кўтарилган аччиқ жизгинак дуди мусаффо осмонга ўрлайди. Йўл-йўлакка учраган пивохоналари майхоналардан, «Буюк соқов» кинотеатридан чолғу музикаси қулоққа чалинади. Трамвай бекатидаги радиокарнай эса айни жазавада.

Тезроқ юриш керак. Иккала дўст Колумб театрининг сершовқин вестибюлига қадам қўйишди.

Воробьянинов дарҳол кассага югуриб, жойларнинг нархини билиб келди.

— Ҳар қалай жуда қиммат экан,— деди у.— Ун олтинчи қатор уч сўм-а.

— Ҳафтафаҳм одамларни, лалайган, меров қишлоқиларни кўрсам, қоним қайнаб кетади-да!— деди уни чўрт кесиб Остап.— Нимага ликиллайсиз? Кассанинг олдида пишириб қўйибдимиз?

— Қаёққа борай бўлмаса? Билетсиз киритишмайди-ку!

— Қиса, бемаъни одам экансиз. Шуни билиб қўйингки, ҳар қандай маданий театрда туйнукча бир жуфт бўлади. Касса туйнуғи ошиқ-маъшуклару пулдор меросхўрлар учун. Бошқа тоифадаги одамлар эса (кўриб турибсиз-ку, булар кўпчилик) тўғридан-тўғри администраторнинг ўзига мурожаат қилишади.

Чиндан ҳам касса олдида одмигина кийинган беш-олтита одам турарди. Пулдор меросхўрлару ошиқ-маъшуклар дегани шулар бўлса ажаб эмас. Администратор ўтирган туйнукчанинг олди эса, аксинча, ғала-ғовур. Навбатда турганларнинг кийими кўзни қамаштиради... Пойтахтдан йироқдагиларнинг етти ухлаб тушига кирмаган антиқа бичим шим билан олифта пиджак кийган йигитчалар таниш-билиш режиссёрлар, артистлар, редакциялардан, театр кийимчиларидан, район милициясининг бошлиғидан, қолаверса, театр ва кино танқидчилари уюшмаси, «Мушфиқ оналар кўз ёши» жамияти, «Намунавий цирк устахонаси»нинг мактаб совети, яна аллақандай «Дўмчилбад» қошидаги «Қарсурват» аъзоларига ўхшаб театр билан чамбарчас боғланган шахслардан ёздириб олган қоғозларини рўкач қилишарди.

Етти-саккиз нафар одам Эспер Эклеровични орқа қилиб келган экан.

Остап бир ҳамла билан тўдани ёриб киргач, карсурватчиларни нари-бери итариб, «Бир нарса сўрамоқчиман, холос. Мана, ҳатто калишниям ечганим йўқ», деб пишқирганича туйнукка етиб олди-да, ичкарига мўралади.

Администратор ҳаммолдай тер тўкиб меҳнат қиларди. Реза-реза қумуш доналар семиз башарасига оқиб тушибди. Смоленск бозорини кесиб ўтаётган трамвайга ўхшаб, телефон дам-бадам бетоқат жиринглайди, уни ишдан қўяди.

— Тезроқ бўлинг, — деб ўшқирди у Остапга, — қозғони беринг!

— Иккита ўрин, — деди Остап шивирлаб, — партердан бўлсин.

— Кимга?

— Менга-да!

— Кимсиз ўзингиз, нимага берар эканман?

— Кимлигимни биларсиз, деб ўйлабман.

— Танимай турибман.

Нотаниш кимсанинг боқишлари шу қадар беғубор, шу қадар мусаффо эдики, администраторнинг қўли беихтиёр ҳаракатга келиб, Остапга ўн биринчи қатордан иккита билет узатиб юборди.

— Гапини қарангу ҳаммани таниб бўлармишми! — деб қўйди администратор елкасини қисиб. — Маориф комиссарлигиданмикин, а? Маориф комиссарлигида бир кўзим тушувди шекилли. Қаерда кўрган эканман, а?

Яков Менеласвич шалвираб қолди, у бахти чопган театр ва кино мунаққидларига қўли рухсатнома ёзиш билан овора-ю, бутун фикри хаёли шунда эди. Бу беғубор кўзларни қаерда кўрганини эслаб олмоқчи бўларди.

Ҳамма рухсатномалар тарқатилиб, фойенинг ёруғи бир оз камайтирилгандан кейингина Яков Менеласвичнинг эсига тушди: бу беғубор кўзларни, бу дадил нигоҳни у 1922 йилда Таганка қамоқхонасида, ўзиям арзимаган бир иш билан ўша ерда ётганида кўрган экан.

Хазинатопарлар ўтирган ўн биринчи қатордан кулги эшитилди. Оркестр аъзолари томонидан шиша идиш, Эсмарх сургидони, кружкаси саксофон ҳамда аскарча

довулларда ижро этилган қийқириқ муқаддима Остапга ёқиб тушди. Кейин найнинг ҳуштаги эшитилиб, салқин шабада уфурган ҳолда парда очилди.

— «Уйланиш»нинг классик услубига ўрганиб қолган Воробьянинов саҳнадан Подколесинни қидириб тополмагач, тоза ҳайрон бўлди. Ипполит Матвеевич яна жавдираб қараган эди, саҳна устида осилиб турган узун-узун фанерларга кўзи тушди. На эшик кўринади, на кўк дока тутилган дераза. Ранг-баранг фанерлар тагида ойимчалар рақс қиляпти. Ҳаммасининг бошида қалин қора картондан қирқиб ясалган шляпа. Шиша чолғулар бир чийиллаб берган эди, Подколесин Степаннинг елкасида саҳнага югуриб чиқди-да, ўзини одамлар тўдасига урди. Эғнида камергерлар мундири. Подколесин пьесада йўқ сўзлар билан ойимчаларни тирақайлатиб қочиргач:

— Степа-ан!— деб бўкирди.

Ва шу заҳотиёқ ён биқинига бир сакраб ғалати аҳволда қотиб турди. Эсмарх кружкалари жаранглаб кетди.

— Степа-а-ан!!— яна бўкирди Подколесин иккинчи бор сакраб.

Шундоққина ёнгинасида қоплон террисини ёпиниб турган Степандан садо чиқмагач, Подколесиннинг хуноби ошди:

— Миллатлар лигасига ўхшаб нега гинг демайсан?

— Чемберлен юрагимни олиб қўйгон кўринади,— деб жавоб қилди Степан тернининг устидан баданини қашлаб.

Замонавийлаштирилган бу пьесада Степан Подколесинни бир чўқийда қочириб, ўрнига ўзи бош қаҳрамон бўлиб оладиганга ўхшарди.

— Хўш, қалай, камзулни тикяптими бичиқчинг?

Яна сакрайди. Эсмарх кружкалари тақира-туқур қилади. Степан қўлларини ерга тираб, оёғини осмонга кўтаради-да, шу ҳолатда:

— Тиквотти!— деб жавоб беради.

Оркестр «Чио-Чио-Сан» операсидан попури ижро этиб ташлайди. Степаннинг эса ҳамон оёғи осмонда. Юзи шафақдай қизариб кетган.

— Менга қара,— деб сўрайди Подколесин,— ўша бичиқчинг, хўжайин нега бунчалик ясаниб қолди, деб суриштиргани йўқми?

Аллақачон созандаларнинг ёнига ўтиб, дирижёрни ачомлаб олган Степан жавоб қилади:

— Асло суриштиргани йўқ. Нима, у Англия парламентининг депутати бўптимики, суриштиради?

— Уша бичиқчинг, нима, хўжайин уйланмоқчими, деб сўрамадими?

— Бичиқчи, нима, хўжайин алимент тўламоқчими, деб сўради.

Бирдан чироқ ўчиб, томошабинлар оёғини дупурлатиб қолди.

Подколесин саҳнадан туриб:

— Гражданлар! Тинчланинг! Чироқ атайлаб ўчирилди, йўли шунақа. Ашёвий безакларга шу керак,— дегандан кейингина оломон тинчиб қолди.

Биринчи парда тамом бўлгунга қадар шу бўйи чироқ ёқилмади. Зим-зиё қоронғиликда довуллар гумбурлаб берди. Меҳмонхонадаги дарбонларга ўхшаб кийинган бир тўда ҳарбийлар саҳнадан фонус кўтариб ўтди. Кейин Кочкарёв пайдо бўлди. Икки ўртадаги гапсўздан маълум бўлишича, у саҳнага туя миниб чиққан экан.

— Суф-э, ўтакамни ёрай дединг-ку! Туяга бало бормиди шу топда!

— Ия, қоп-қоронғида шуниям кўрдингми, а?! Ёнида бўталоғиям бор, сени бўталоқ билан бир сийлай дедим-да!

Хазинатопарлар танаффус чоғида қўйидаги афишани ўқиб қолишди:

#### УЙЛАНИШ

Н. В. Гоголь матни

М. Шершеляфамов шеърлари.

И. Антиохийский адабий баёзи.

Х. Иванов чолғу машқлари.

Спектакль муаллифи — Ник. Сёстрин

Мутасаддилар: ашёвий безаклар бўйича: *Симбиевич-Синдиевич*; чироқлар бўйича: *Платон Плащук*; товушлар бўйича: *Галкин, Палкин, Малкин, Чалкин* ва *Залкиндлар*; грим бўйича: *Круст* устахонаси; улама ва ясама сочлар бўйича: *Фома Кочур*; жиҳозлар бўйича: Валтасар номли Домчилбад ҳузуридаги *Карсуреатга* қарашли ёғочсозлик устахоналари. Муаллақ устаси *Жоржетта Тираспольских*. Гидравлик пресси монтёр *Мечников* бошқариб туради.

Афиша ФЗУнинг КРУЛТ мактабида терилди, саҳифалаштирилди ва чоп этилди.

— Маъқул бўлдими сизга?— ботинқирамай сўради Ипполит Матвеевич.

— Хўш, сизга-чи?

— Жуда мароқли экану, лекин Степан сал галати-роқми, дейман.

— Менга эса ҳечам ёққани йўқ,— деди Остап дабурустдан,— жиҳозларини айтмайсизми, аллақандай Чилбад устахонасидан чиққан, шуниси айниқса ғашимга тегди. Бунақада бизнинг стулларниям янгича қолишга солиб юборган бўлишса-я?

Остап бекорга хавотирланган экан. Иккинчи парда бошланиши биланоқ бошига цилиндр қўнқайтирган занжилар тўрттала стулни саҳнага олиб чиқишди.

Унашиш саҳнаси томошабинларга маъқул тушди. Агафья Тихоновна залга тортилган симдордан энди тушмоқчи бўлиб турганида Қ. Ивановнинг шумтака созандалари шунақаям тўс-тўполон кўтаришдики, Агафья Тихоновнанинг ўрнида бошқа одам бўлганида томошабинларнинг устига гуп этиб ағанаган бўларди. Агафья тагинам бало чиқиб қолди, ўзини саҳнада тутишга уста экан. Бошида эркакча цилиндр, ич кийими баданига ёпишиб турган Агафья биқинига «Подколесинни хоҳлайман» деб ёзилган яшил соябонни дорчўпдай ликонглатиб, пастда ўтирганларга яғир товонини кўз-кўз қилган ҳолда сим устида анча ҳунар кўрсатди. Охири у симдордан стулга сакраб тушди. Саҳнадаги занжилардан тортиб Подколесингача, раққосаларга ўхшаб этаги қават-қават қўйлак кийган Кочкарёвдан тортиб совчи хотингача — ҳаммалари шу заҳотиёқ умбалоқ ошишди. Шундан кейин булар беш дақиқача дам олишди, истироҳатларини бузмаслик учун чироқлар ҳам ўчириб қўйилди.

Куёвтўралар, айниқса, Яичница<sup>1</sup> дегани одамларнинг ичагини узди. Яичницанинг ўзи кўринмай, ўрнига товада қўймоқ олиб чиқишди. Яичница — қўймоқнинг ўртасига елканли устун қадалган эди.

Стариков деган савдогар: «Дўкондан пахта оламан деб ундоқ бўлдим, солиқ тўлайман деб бундоқ бўлдим», дея роса оҳ-воҳ қилган бўлсаям, Агафья Тихоновна унга ҳатто қайрилиб қарамади. У шартта Степанга турмушга чиқди. Келин-куёв иккови бир юмалаб хизмат-

<sup>1</sup> Қўймоқов деган маънода.

корга айланиб қолган Подколесиннинг қўлидан тоза қуймоқ туширишди. Қочкарёв билан Фекла Чемберлен ҳақида, Британия-министри Германиядан алимент ундириб олаётгани тўғрисида мириқиб лапар айтишди. Эсмархнинг кружкаларидан мотам куйи янгради. Сўнг сарин шабада уфуриб, парда ёпилди.

— Томошадан хурсандман,— деди Остап,— стуллар бут экан.— Аммо-лекин фурсатни ганимат билмоқ керак. Агар Агафья Тихоновна ҳар куни стулга шунақа гупиллаб тушадиган бўлса, уларнинг ҳоли вой бўлади.

Олифта камзул кийган йигитчалар бир-бирини итариб-суриб, ўзаро ҳиринглашиб, саҳнада қўлланилган безаклар билан товушларнинг нозик жиҳатларини фаҳмлаб олмоқчи бўлишарди.

— Хўш,— деди Остап,— энди сизни «алла, болам» қиламиз, Кисочка. Эртага барвақт билетнинг пайидан бўлиш керак. Кечқурун соат еттида театр ошиғич поездда Нижнийга жўнайди. Демак, Курск йўлидан Нижнийга иккита билет оласиз, ўтириб кетадиганидан. Ҳеч қиси йўқ, чидаймиз, қаттиқчиликка. Бир кеча минг кеча эмас.

Эртаси кун Курск вокзалининг буфети Колумб театрининг одамлари билан лиқ тўлди. Ашёвий безакларни шу поездга жойлайман, деб тоза тинкаси қуриган Симбиевич-Синдиевич тамадди қилиб ўтирарди. Пиводан ҳўл бўлган мўйловига парво қилмай, дам-бадам ёнидаги монтерини қистовга оларди:

— Сен нима дейсан, гидравлик пресс йўлда сениб-нетиб қолмасмикан?

— Бошимизга битган бало бўлди шу пресс ҳам,— деб жавоб беради Мечников,— беш дақиқа ишлайдими-йўқми, энди ёз бўйи ортмоқлаб юрамиз шекилли.

— Нима, «асрлар прожектори»да қийналмовмидинг, ҳув анави «Мафкура кукуни»даги-чи?

— Нега қийналарканман. У прожектор бесўнақай бўлсаям, бунчалик мўрт эмас эди.

Қўшни столда эса тарашадай силлиқ оёқлари пай боғлаган ёшгина қизча — Агафья Тихоновна ўтирарди. Овоз мутасаддилари — Галкин, Палкин, Малкин, Чалкин ва Залкинлар унинг атрофида парвона эди.

— Кеча оҳангни бузиб чалдиларинг,— зорланиб қолди Агафья Тихоновна,— бунақада дордан йиқилиб тушиш ҳеч гап эмас.

Овоз мутасаддилари бараварига жавраб кетишди:

— Илож қанча! Иккита кружка синиб бўлди!

— Эсмарх кружкеси четнинг моли, анқога шафе-ку ҳозир,— бидирлаб кетди Галкин.

— Дўконга бир кириб кўринг. Эсмарх кружкеси у ёқда турсин, термометр ҳам тополмайсиз!— унга қўшилишди Палкин.

— Нима, термометрниям чаласизларми?— эхонаси чиқиб сўради қизча.

— Термометр чалмаймизку-я, лекин мана шу ланнати кружжаларни ўйлаб, иситмамиз ошиб кетади, кейин мажбур бўлиб ўлчаймиз-да,— изоҳ берди Залкин.

Спектаклнинг муаллифи ва бош режиссёри бўлмиш Ник. Сёстрин хотини билан перронда сайр қилиб юрган эди. Подколесин билан Қочкарёвлар уч қадаҳдан отиб олгач, бири олиб, бири қўйиб, Жоржетта Тираспольскихга хушомад қила кетишди.

Поезд жилишидан икки соат бурун етиб келган хазинатопарлар вокзал олдидаги хиёбонни беш марта айланиб чиқишди.

Ипполит Матвеевичнинг боши гувиллаб турибди. Ғалвирни сувдан кўтарадиган пайт бошланяпти. Қун бўйи қизиб ётган кўчаларда узун соялар пайдо бўлди. Одамларнинг терлаб-пишган юзлари чангга беланди. Енгил аравачалар келиб-кетиб турибди. Бензин ҳиди анқийди. Қиракаш машиналардан йўловчилар тушади. Чўзинчоқ жез тўқаси офтобда ярақлаб турган Ермак Тимофеевичлар чопқиллаб уларга пешвоз чиқишади-да, чамадонларга ёпишишади. Сафар васвасаси каттау кичик ҳаммаси гиппа томоғидан олган.

— Қани, биз ҳам жўнадик,— деди Остап.

Ипполит Матвеевич жимгина рози бўлди. Шу пайт рўнарасидан тобутсоз уста Безенчук чиқиб олди.

— Безенчук!— деб юборди у ҳайратланиб.— Қайси шамол учирди сени?

Безенчук бошидан шапкасини олиб, суюнганидан тарашадай қотиб қолди.

— Жаноби Воробьянинов!— деб қичқирди у.— Қадамларига ҳасанот!

— Хўш, ишлар қалай?



— Ишлар пачава,— деб жавоб берди тобутсоз уста.  
— Нечук?  
— Харидор қидириб юрибман. Харидордан пу-  
тур кетди.

— «Нимфа» тортиб оляптими?

— Йўл бўлсин унга! Мендан тортиб олармиди? Бу-  
нақаси бўлмаган. Қайнанаңгиздан кейин фақатгина  
«Пьер ва Константин» асфаласофилин бўлди, холос.

— Йўғ-э, ростданми? Улди дегин?

— Асфаласофилин бўлди, Ипполит Матвеевич. Иш-  
лаб турганида асфаласофилин бўлди. Доричимиэ Лео-  
польд бор-ку, ўшанинг соқолини қиртишлаб турганида  
асфаласофилин бўлди. Одамлар, ичида аллабало ёри-  
либ кетибди, дейишади-ю, лекин менга қолса ҳаммаси-  
га дорихоначи айбдор, дори ҳидидан заҳарланиб ўлган  
боёқиш.

— Чакки бўпти-ку,— гўлдираб деди Ипполит Мат-  
веевич,— чакки бўпти-ку! Хўш, кейин ўзим кўмдим,  
дегин?

— Узим кўмдим. Бировга бериб қўярмидим? Попил-  
дириқни раво кўрармиди «Нимфа», ҳаром қотгур?

— Демак, бошлабсан-да.

— Бошладим. Аммо-лекин кейин ўзимниям тоза дўп-  
послашди. Упкамни тешиб юборишди. Милиция ажра-  
тиб олди. Икки кунгача чўзилиб ётдим, спирт билан  
даволадим.

— Спирт суртдингми?

— Нега суртарканман увол қилиб.

— Бу ёққа нимага келдинг?

— Мол олиб келдим.

— Қанақа мол?

— Қанақа бўларди, ўзимники-да. Таниш проводник  
учраб қолувди, почта вағонида текинга олиб келдим.  
Сув текинга.

Шундагина Ипполит Матвеевич Безенчукдан сал на-  
рироқда бирталай тобут тахлаб қўйилганини сезиб қол-  
ди. Баъзиларида попилдириқ бўлса, баъзиларида бу-  
тунлай йўқ. Шулардан биттасини Ипполит Матвеевич  
дарҳол таниб қолди. Бу — Безенчукнинг дўкони олдида  
кўрманга турадиган ва нуқул чанг босиб ётадиган  
катта эман тобут эди.

— Саккиз дона,— деди Безенчук виқор билан,— би-  
ри биридан зўр. Сип-силлиққина.

— Сенинг молингга зор эканми беттагилар? Узларидаям уста тикилиб ётибди.

— Зотилжам-чи?

— Қанақа зотилжам?

— Офат бошланибди-ку. Прусис айтди менга, Москвада зотилжам тарқаганмиш, одамларни кўмишга ҳеч нарсалари қолмаганмиш. Борини тугатишибди, Бир ишлаб қолай, деб келувдим.

Боядан бери икковининг гапини мароқ билан эшитиб турган Остап луқма ташлади:

— Менга қара, бобой, зотилжам деганинг бу ерда эмас, Парижда тарқалган.

— Парижда дейсанми?

— Ҳа-да. Парижга жўнайвер. Борсанг, қуруқ қайтмайсан! Рухсатнома олиш сал қийинроқ бўлади-ку, лекин сен бўш келма, бобой. Брианга ёқиб қолсанг бўлгани, ишинг беш бўлади: шаҳар бошқармасига сарой тобутсози қилиб жойлаштириб қўяди. Бу ерда нима бор сенга, ўзларининг тобутсозлари пашша қўриб ўтирган бўлса.

Безенчук атрофига аланглаб қаради. Гапида жон борга ўхшайди. Прусис қўйинини пуч ёнғоққа тўлдирибди шекилли, майдонда қалашиб ётган мурдалар кўринмайди, одамларнинг оёқ олиши тетик, баъзилари ҳатто кулиб ҳам қўяди.

Поезд хазинатопарларниям, Колумб театриниям, бўлак йўловчиларниям вагонларга тикиб, аллақачон жойидан жилворган бўлишига қарамай, Безенчук нима қиларини билмай тобутлари ёнида ҳамон гангиб турарди. Атрофга қоронғи тушган бўлиб, унинг кўзлари қоронғида бир жуфт лаққа чўғдай ялтираб кўринарди.

## Учинчи қисм

# ПЕТУХОВА ХОНИМ ДАФИНАСИ

### XXXI боб

#### ВОЛГАДА СЕҲРЛИ ТУН

Волга давлат дарё кемасўзлигига қарашли кўчма пристанлар — дебаркадерлардан чапроқда, «Чамбаракни торт, панжарани эҳтиёт қил, деворга ёпишма» деган ёзувнинг тагида буюк мударбир ўзининг энг яқин дўсти ва ёрдамчиси Қиса Воробьянинов билан қимир этмай турибди.

Пристанлар узра байроқлар ҳилпирайди. Кема мўриларидан ҳалқа-ҳалқа тутун буруқсайди. 2-сон дебаркадер олдидаги «Антон Рубинштейн» кемасига юк ортлаётган пайт. Юк ташувчилар темир чангаklarини пахта тойларига аёвсиз санчиб, зипиллаб кўтариб кетишади, пристанда декчалар, оширилган терилар, қучоқ-қучоқ симлар, яхлит ойна солинган қутилар, ўрам-ўрам каноплар, тегирмон тошлари, икки хил рангга бўялган афжир қишлоқ хўжалик машиналари, ёғоч паншаҳалар, янги узилган гилос тўла саватчалар (саватчалар дағал матога ўраб чирмаланган), тузланган балиқ бочкалари айқаш-уйқаш ётибди. Лекин «Скрябин»дан дарак йўқ. Ипполит Матвеевични безовта қилаётган нарса ҳам шу.

— Намунча ташвиш қиласиз?— деб қолди Остап.— Фараз қилингики, «Скрябин» шу ерда. Хўш, қандоқ чиқасиз унга? Билет олишга қурбингиз етган тақдирдаям иш пачава. Бу кемага йўловчи олинмайди.

Поездда келишаётганларидаёқ Остап гидропресс мудири, монтёр Мечников билан икки огиз валақлашиб, ҳамма нарсани билиб олган эди. Молния халқ комиссарлиги кира қилган «Скрябин» кемаси Нижнийдан Цари-

цингача бориши ва йўлда учраган пристанларнинг ҳар қайсисида тўхтаб, ютуқли заём тиражини ўйнаши керак экан. Худди шу мақсадда Москвадан бир жаҳон одам: ютуқ комиссияси, идора хизматчилари, духовой оркестр, кинооператор, марказий газеталарнинг мухбирлари ҳамда Колумб театри йўлга чиққан. Театр йўл-йўлакай давлат заёмлари нечоғлиқ фойдали эканини тарғиб қилувчи пьесаларни кўрсатиб бориши керак. Сталинградгача театр тираж комиссиясининг боқувида бўлади, ана ундан кейин эса «Уйланиш» спектакли билан Кавказ ва Қрим бўйлаб сафарга жўнайтиди. Бу — таваккал иш, фойда ёки зарар кўриши номаълум.

«Скрябин»дан дарак бўлмай турди. Охири қўлтиқда ушланиб қолганини, кечга яқин келишини айтишди. Шунга кўра Москвадан келган жамики меҳмонлар пристаннинг ўзида қароргоҳ қуришди.

Йўлга чамадону ўрин-кўрпа олиб чиққан нозик маҳлиқолар сим ғарамларига чиқиб олиб, ундервудларини<sup>1</sup> ёмон кўздан асраб ўтиришади ва илгакчиларга дам-бадам хавотирланиб қараб қўйишади. Бир тутам эчки соқоли кўкариб кетган аллақандай гражданиң тегирмон тошига чиқиб олибди. Тиззасида эса бир даста сирланган лавҳа. Эринмаган одам энг устидагисига бир кўз югуртирса:

**ЎЗАРО ҲИСОБ-КИТОБ БЎЛИМИ**

деган ёзув борлигини дарров пайқаб олади.

Бири пўрим, бири соддароқ столлар уетма-уст қалаштириб қўйилган. Муҳрланган пўлат сандиқ атрофида соқчи юрибди. «Станок» вакили Персицкий саккиз чандон катта қилиб кўрсатадиган цейс дурбинига тикилиб, ярмарка тарафларни кузатади.

Оқимга қарши ҳаракат қилиб, «Скрябин» кемаси пристанга яқинлашиб келмоқда. Иккала биқинида кўркама заём сурати туширилган фанер эълонлар. Кема фили маҳмудга ёки бўлмаса жуда қадим замонларда

<sup>1</sup> Ёзув машинкасининг бир тури.

кемада қўнғироқ ўрнини босган бошқа бирор жониворга ўхшаб наъра тортди.

Молния-театр қароргоҳи гимирлаб қолди. Тираж комиссиясининг хизматчилари соҳилга қараб йўрғалаб кетишди. Лўппигина Платон Плащчук чаңг-тўзон ичида кемага қараб пилдираб чопди. Галкин, Палкин, Малкин, Чалкин билан Залкинлар «Сол» деган қовоқхонани тарк этишди. Илгақчилар эса пўлат сандиқ билан овора. Муаллақ устаси Жоржетта Тираспольских кемага қушдай кўтарилди. Ашёвий безакларининг ғами босган Симбиевич-Синдиевич пастдан туриб гоҳ арши аълога, гоҳ эса кўприкчадаги капитанга қўл силкиб, алланималарни уқтиради. Лаш-лушини баланд кўтариб олган кинооператор лабораториясига тўрт ўринли каютани даъво қилганича юқорига чиқди.

Тўс-тўполондан фойдаланиб, Ипполит Матвеевич стуллар турган жойга яқин борди-да, жон аччиғида қўлини чўзиб, биттасини секин ўмармоқчи бўлди.

— Тегманг стулга!— пишқириб деди Бендер.— Эсингиз жойидами ўзи? Биттасини деб қолганларидан ажраб қоламиз-кў. Кемага чиқиб олишнинг йўлини топинг ундан кўра.

Елкасига мис карнай осган созандалар дебаркадердан ўтишди. Улар овоз мутасаддиларининг қўлида саксофон, флексатон, пиво шишалари ҳамда Эсмарх кружкаларини кўриб, бурунларини жийириб қўйишди.

Тираж ўйналадиган айланма филдиракларни Форд машинасига босиб келишди. Мис билан ойнадан ишланган, усти ялтироқ олти нафар цилиндрдан иборат бу мураккаб мосламани пастки палубага олиб чиқишгунча анча вақт кетди.

Дупур-дупур оёқ овозлари, бақириб-чақириншлар алламаҳалгача эшитилиб турди.

Ютуқ тиражи ўтказиладиган залда супача ясаб, деворларга шиор ва плакатлар қоқишди, томошабинлар учун алоҳида узун скамейкалар қўйиб тиражбоп филдиракларга электр симини тортишди. Кеманинг қуйруқ томонига ёзув столлари жойлаштирилди, машинистка қизларининг каютасидан гоҳ ҳиринглаган овозлар, гоҳ эса ёзув машинкаларининг чиқиллаши баралла эшитилиб турарди. Эчки соқоли кўм-кўк кўкариб кетган заъфарон кимса кема ичида зир югуриб ўзи билган эшикларга лавҳа қўндиради:

**ЎЗАРО ҲИСОБ-КИТОБ БЎЛИМИ**

**ШАХСИЙ ИШЛАР СТОЛИ**

**УМУМИЙ ИДОРА**

**МАШИНКА БЎЛИМИ**

Эчки соқол одам каттароқ лавҳалар ёнига кичикроқларини тиқиштиради:

**БЕКОРГА КИРИЛМАСИН**

**ҚАБУЛ ЙЎҚ**

**БЕГОНА ОДАМЛАРНИНГ КИРИШИ  
МАН ЭТИЛАДИ**

**КЕРАКЛИ МАЪЛУМОТЛАР РЎЙХАТЛАР БЎЛИМИДА**

Кеманинг биринчи классида кетаётган йўловчиларга ажратилган салонда қоғоз-танга пуллар кўргазмаси очишни мўлжаллаб қўйишибди. Буни эшитиб Галкин, Палкин, Малкин, Чалкин ва Залкиндларнинг фиғони ошди.

— Бизлар энди қаерда овқатланамиз?— гамага тушиб қолишди улар.— Пақ этиб ёмғир қуйиб берса нима бўлади?

— Вой-воей!— деб қолди Ник. Сёстрин ёрдамчисига қараб.— Овоз безаклари бўлмаса, ҳеч нарса қилмасмикин, Серёжа?

— Йўғ-э, Николай Константинович! Артистлар оҳангга ўрганиб қолишган ахир.

Шу топ яна галва чиқди. Спектакль муаллифи тўрт тала стулди хонасига гумдон қилгани беш ботирнинг қулоғига чалиниб қолди.

— Ҳали шунақами,— хуноб бўлиб дерди беш бо-  
тир,— бизлар хор бўлиб кўрпанинг устида машқ қилай-  
лик-да, Николай Константинович хотинчалари Густа би-  
лан тўртта стулда ялпайиб ўтиришсин. Хотини бўлса  
ўзига, коллективга унинг нима алоқаси бор. Ҳамманиям  
хотини билан йўлга чиққиси келади.

Буюк мударбир ютуқ кемасига еб қўйгудай бўлиб  
соҳилдан тикилиб турарди.

Хазинатопарларнинг қулоғига юқоридан яна бир ай-  
юҳаннос эшитилди.

— Нега шуни олдинроқ айтмадингиз?— деб бақирди  
комиссия аъзоси.

— Оғриб қолишини мен қаёқдан билай.

— Расво бўпти! Ҳозир нафис санъат касабасига бо-  
риб, рассом сўранг, зудлик билан беришсин.

— Шу топда қаёққа бораман? Соат олти бўпти. Қа-  
саба ёпилди. Ярим соатдан кейин кемаям жўнайди.

— Ундай бўлса ўзингиз расм чизасиз. Кемани беза-  
тиш сизнинг зиммангизда, марҳамат қилиб, бу ёғиниям  
эпланг.

Остап илмоқчиларни, оймчаларни, шунчаки томоша-  
га келган ҳангоматалабларни итариб-суриб, югурганича  
кўприкдан тепага отилди. Кеманинг олдида уни тўхта-  
тишди:

— Рухсатномани кўрсатинг!

— Уртоқ!— деб қичқирди Бендер.— Сиз! Сиз! Ҳўв  
семиз! Рассом сўраган!

Орадан беш дақиқа ўтар-ўтмай буюк мударбир сай-  
ёр тираж хўжалигининг бақалоқ мудирини билан оп-  
поқ каютада хизмат шартлари ҳақида гаплашиб ўти-  
рарди.

— Гап бундоқ, ўртоқ,— деди бақалоқ,— сиз бизга  
бадий плакатлар чизиб беришингиз, расмларнинг таги-  
га чиройли қилиб ёзишингиз, битта чала қолган шиорни  
битириб қўйишингиз лозим. Ўзимизнинг рассом бошлаб  
қўйиб, касал бўлиб қолди. Шу ердаги касалхонага жой-  
лаб қўйдик. Иннайкейин, бадий қисмгайм умуман кўз-  
қулоқ бўлиб турасиз. Қўлингиздан келадими шу ишлар?  
Олдиндан айтиб қўяй, юмуш кўп.

— Ҳа, қўлимдан келади. Илгариям қилганман буна-  
қа ишларни.

— Ҳозироқ биз билан жўнашингиз мумкинми?

— Сал қийинроғу, лекин уришиб кўраман.

Хўжалик мудирининг елкасидан зил-замбил тоғ ағдарилгандай бўлди. Бақалоқ қушдай енгил тортиб, янги рассомга меҳр билан қараб қўйди.

— Бу ёғи қанақа бўлади?— дангал сўради Остап.— Мен савоб учун ишламайман...

— Қилинган ишга қараб ҳақ тўланади. Нафис санъат касабаси белгиланган нарх бўйича.

Остап ўзини мажбур қилиб, зўрға афтини бужмайтирди.

— Бундан ташқари овқатингиз текни бўлади,— шоша-пиша қўшиб қўйди бақалоқ,— ўзингизга алоҳида хонаям берамиз.

— Ҳа, майли,— деб хўрсинди Остап,— розиман. Лекин ёнимда бир болаям бор, менинг дастёрим.

— Бола ҳақида бир нарса деёлмайман. Унга пул ажратилмаган. Ўз ҳисобингизга бўлса, бемалол. Хонангизда ётиб юраверади.

— Бўпти, сиз айтганча бўла қолсин. Бизнинг болакай бало. Қаттиқчиликни кўп кўрган.

Остап ўзи билан бало болакайга рухсатнома ёздириб олгач, каютанинг калитини чўнтакка солиб, қайноқ палубага чиқди. Калит ҳар гал баданига текканида юраги бир орзиқиб тушарди. Долға-суронларда кечган ҳаёти давомида биринчи марта бунчалик ҳузур қилиши эди. Мана энди калит ҳам, уй ҳам муҳайё. Ёлғиз пулдан дарак йўқ. Лекин бунисиям нақд, шундоққина ёнида, стуллар бағрида унга мунтазир турибди. Буюк мудаббир қўлини чўнтагига тиқиб, кема биқинида сайр қилишга тушди. Қирғоқда қаққайиб турган Воробьяниновга қайрилиб қарамади ҳам.

Ипполит Матвеевич олдинига соқовчалаб имо-ишоралар қилди, кейин юрак ютиб, ҳатто бир-икки чийиллаб ҳам қўйди. Аммо Бендернинг парвойи фалак эди. У ширкат раисига орқасини ўгириб олганича, кеманинг омборига туширилаётган гидравлик прессни томоша қиларди.

Кема силжишига сўнгги ҳозирликлар кўрила бошладди. Агафья Тихоновна, хонакичасига айтганда, Мурадам-бадам оёқчаларини тўқиллатиб, каютадан қуйруқ томонга югуриб қолар, сув бетига термилиб тургач, дилдаги бутун завқ-шавқини моҳир балалайкачига баралла тўкиб солар ва бу ҳаракатлари билан муҳтарам тираж мутасаддиларини андак беҳаловат қилиб қўярди.



Кема иккинчи гудогини чалди. Унинг даҳшатли наърасидан булутлар жунбишга келди. Офтоб ҳам қизариб, бўзарганича уфқ ортига юмалади. Шаҳарнинг тепа қисмида чироқ билан фонуслар ёқилди. Почай жарিদаги бозорда граммофонлар хириллаб, сўнгги харидорларга маҳоратини намойиш қила кетди. Етим қўзидай бир ўзи шумшайиб, гангиб турган Ипполит Матвеевич алланималар деб бақирар, аммо нима деяётганини биров эшитмасди. Кўтарма краннинг шовқин-сурони қулоқни қоматга келтирарди.

Остап Бендер дабдабани хуш кўрадиган одам эди. Мана ҳозир учинчи гудок чалинди-ю, мен икки қўлимни бурнимга тиқиб қолавераман, деб Ипполит Матвеевич ичидан эзилиб турган ҳам эдики, Остап уни чақириб қолди:

— Намунча аммамнинг бузоғидай лалаясиз? Аллақачон кемага чиқиб олган бўлсангиз керак, девдим. Ҳозир кўприк кўтарилади! Тезроқ бўлинг! Утказиб юборинг бу одамни! Мана рухсатномаси.

Ипполит Матвеевич ўпкаси тўлиб, чопқиллаганча кемага чиқди.

— Шуми айтган болангиз?— деб сўради хўжалик мудири шубҳа билан.

— Ҳа,— деб жавоб берди Остап,— нима, ўхшамайдими? Агар шу қиз бола бўладиган бўлса, отимни бошқа қўяман.

Бақалоқ бир хўмрайиб, нари кетди.

— Хўш, Киса,— деб гап бошлади Остап,— эртага барвақт ишни бошламасак бўлмайди. Бўёқ қоришни биларсиз, дейман. Яна шуниям айтиб қўяй: мен рассомман, ВХУТЕМАС<sup>1</sup>ни битирганман, сиз эса менинг ёрдамчимсиз. Таъбингизга тўғри келмаса, иссиғида жўнаб қолинг, ана соҳил.

Кеманинг қуйруқ томонидан кўкимтир-қора кўпик отилиб чиқди. Кема бир чайқалиб, мис ликопчалар ҳаракатга келди, най, карнай, трамбону баслардан ажиб бир куй таралди ва шу заҳотиёқ шаҳар бир қийшайиб, липиллаганича чап томонга ўтиб олди. Кема безгак тутгандай қалтираб, оқимга тушиб олди-да, зимистон қаърига шўнғиди. Портдаги ранго-ранг белгилар, юлдуз ва чироқлар ортда липиллаб қолди. Бир зум ўтмаёқ кема

<sup>1</sup> Давлат олий рассомчилик-техник устахоналари.

узоқлашиб, шаҳар чироқлари осмонда қотган мушак янглиғ милтирай бошлади.

«Ундервуд» машинкаларининг охи ҳамон кўкни қоплаб турган бўлса ҳам табнат билан Волга ўз сеҳрини кўрсата бошлади. «Скрябин» кемасидаги йўловчиларнинг баданига ҳаловат югурди. Ютуқли тираж комиссиясининг аъзолари ширин хаёллар оғушида чойхўрлик қилишмоқда. Кема тумшугига тўпланган маҳаллий комитетнинг биринчи мажлиси нафосат ҳукмида ўтди.

Оқшом шу қадар ширин пишиллар, кеманинг икки ёнида сув шу қадар майин чайқалар, узоқда қорайиб кўринган соҳиллар шунчалик тез кўздан ғойиб бўлардики, тамоман ижобий сифатларга эга бўлган маҳаллий комитет раиси бундай фавқулодий вазиятда меҳнат шароити қандоқ бўлиши кераклиги ҳақида сўзламоқчи бўлиб, энди оғиз жуфтлаган ҳам эдики, ўзиям, бошқалар ҳам кутмаган ҳолда баралла қўшиқ айтиб юборди:

Волга узра сузади кема,  
Волга, жонажон дарё...

Мажлисидаги дийдаси қаттиқ одамлар ҳам чулдираб нақаротга жўр бўлишди:

Сире-ень гулла-ётир...

Маҳаллий комитет раисининг маърузаси юзасидан ёзиладиган қарор чала қолди. Ҳаммаёқни пианино овози босиб кетди. Музыка мудирини К. Иванов дилрабо куй илинжида чолғуга зўр берди. Моҳир балалайкачи-созанда Мурочкага соядай эргашиб, қўшиқ орқали дил розини тўкиб соларди:

— Қетма! Қайда қолди қайноқ бўсалар, оғушинга тўймадим, дилбар. Тоғ бошида туман бор ҳали, ой кезади кўкда дарбадар...

Симбиевич-Синдиевич панжарага маҳкам ёпишганича осмонни фалакка маҳлиё бўлиб тикилиб турарди: «Уйла-ниш»га ишлатилган ашёвий безаклар тубсиз само олдида молфаҳм одамнинг ишидай бўлиб туюлди. У классик комедияни ашёвий безаш бобида зўр ғайрат кўрсатган қўлларига жирканиб қараб қўйди.

Қуйруқни макон қилган Галкин, Палкин, Малкин, Чалкин ва Залкиндлар роҳат-фароғат палласи авжи қи-

зиган бир пайтда идиш-товоқларини шақиллатиб қолишди. Улар машқни бошлаб юборишди. Сароб бир румда тарқаб кетди. Агафья Тихоновна бир ҳомуза тортгач, ошиқ созандани доғда қолдириб, ётоғига кириб кетди. Маҳаллий комитет абзолари шартномани эслаб, юракларига ғулгула тушди ва шу заҳотиёқ мажлис қарорини ёзишга ўтиришди. Симбиевич-Синдиевич бундоқ танасига ўйлаб қараса, «Уйланиш» унчалик ёмон безатилганга ўхшамайди. Қоронғида кимнингдир ўшқирган овози Жоржетта Тираспольскихни режиссёр хонасидаги кенгашга чақириб қолди. Қишлоқда итлар ҳурий бошлади. Ҳаво салқин тортди.

Биринчи класс каютасида чарм диванда ёнбошлаб ётган Остап зангори аврали пўкак камарга маъюс термилган ҳолда Ипполит Матвеевичдан суриштира кетди:

— Расм солишга қалайсиз? Минг афсус. Аттанг, мен ҳам билмайман.

Остап бир оз ўйланиб тургач, қўшимча қилди:

— Хўш, ҳарф ёзиш қўлингиздан келадими? Буниям билмайсизми? Жудаям чакки бўпти-ку! Рассом деган номимиз бор-а! Икки-уч кун-ку, лақиллатиб турсак бўлади-я, кейин барибир кавушимизни\* тўғрилаб қўйишади. Шу орада қиладиган ишларни қилиб олиш керак. Вазият бир оз оғирлашди. Стуллар режиссёрнинг каютасида экан, билиб олдим. Буниям тўғриласа бўлади, ҳечқиси йўқ. Кемага чиқиб олганимизнинг ўзи катта гап. Кавушимизни тўғрилаб қўйишмасдан олдин ҳамма стулларни текшириб чиқиш керак. Бугун энди кеч бўлди. Режиссёр каютасида ухлаб ётибди.

### XXXII боб

#### ҚўЛИ ЭГРИ ЖУРАЛАР

Одамлар ҳали уйқудан уйғонмаган бўлса ҳам дарё кундуздагидек бедор эди. Устига кулба қурилган баҳайбат тўп-тўп ходалар — соллар аста сузиб ўтади. Филдирак қопқоғига ярим доира шаклида «Бўронлар ҳукмдори» деб номи битилган кичкинагина серзарда шатакчи нема бир-бирига занжирбанд учта нефть баржасини судраб келади. Почта ташувчи тезюрар «Қизил Латвия» лип этиб пастдам ўтиб кетди. «Скрябин» дарё ўзанини тоза-

лаётган бир тўда кеманинг олдига боргач, ола-була таёғи билан турган жойининг чуқурини ўлчади-да, тўшини оқимга тутиб, ярим доира шаклида бурила бошлади.

Кемадагиларнинг кўзидан уйқу қочди. Дастасига чилвир боғланган полвон тош «Бармино» пристанига улоқтирилди. Пристандагилар чилвирни тортиб, соҳилга боғлаб қўйилладиган йўғон арқоннинг учини олишди. Парраklar тескари ҳаракатга ўтди. Дарёнинг ярми вишиллаб кўпикка тўлди. «Скрябин» паррак кучидан қаттиқ силкиниб, дебаркадерга ёнбошини тутди. Ҳали вақт эрта эди. Шунга кўра тиражни соат ўнга белгилашди.

Шаҳарда қандоқ бўлса, «Скрябин» кемасида ҳам иш роппа-роса соат тўққизда бошланарди. Ҳеч ким эски одатини тарк этмаган. Идоранинг ўзида ётиб юрган бўлишига қарамай, шаҳарда юмушга кеч келишга ўрганиб қолган одамлар бу ердаям барибир ишга кечикишади. Молия халқ комиссарлиги тузиб берган сафар рўйхатидаги ходимлар янги шароитга тезгина мослашиб олишди. Хат ташувчи чопарлар худди Москвадагига ўхшаб хоналарни қўл учиди супуриб-сидиришади. Фаррош хотинлар ҳали чой ташиса, ҳали зир югуриб, қайдлар бўлими билан кадрлар столи ўртасидаги қоғоз-бозликка воситачилик қилишади. Лекин шундаям улар кадрлар столи билан қайдлар бўлимининг ораси бир қадам эканига, бири қуйруқда бўлса, иккинчиси тумшук томонда кетаётганига сираям парво қилишмайди. Узаро ҳисоб-китоб бўлими жойлашган каютада чўтлар қайроқдай шақиллаб, арифмометр чийиллаб қўяди. Капитан бўлмасининг олдида кимнингдир пўстагини қоқишади.

Буюк мудаббир юқоридаги иссиқ палубада оёғи куйган товукдай типирчилаб, ерда тасмадай чўзилиб ётган бир қулоч алвон атрофида гирдикапалак эди, у гоҳ ёзишга уннаб кетса, гоҳ қўлидаги қоғозга тикилиб, шиорни қайта-қайта ўқиб оларди:

«Ҳамма — тиражга! Ҳамма бир меҳнаткашнинг чўнтағида давлат заём облигацияси бўлиши керак».

Буюк мудаббир қанчалик тиришмасин, барибир лаёқати йўқлиги сезилиб қолди. Ёзган шиори пастга қийшайиб, алвоннинг расвоси чиқаёзди. Остат буниям йўлини топди: Қиса бола билан уни тескари ағдариб, яна машққа киришиб кетди. Энди анчагина кўзи пишиб қолган эди. Шунинг учун ҳам ҳарфларнинг суратини чизишдан олдин ипга бўр суртиб, иккита тўғри чизиқ тортиб

олди-да, бегуноҳ Воробьяниновни ичида сўка-сўка яна шиорга шўнғиб кетди.

Ипполит Матвеевич югурдаклик вазифасини ўринлатиб қўйди. У пастга тушиб, иссиқ сув олиб чиқди, елимни эритиб берди, дам-бадам акса уриб, пақирчада бўёқ қорди, хуллас, серзугум рассом нима деса, шуни бажо келтириб турди. Шиор тайёр бўлгач, хазинатопарлар уни қуритиб, пастга олиб тушишди ва кеманинг биқинига қоқиб қўйишди.

Остапни ишга олган бақалоқ одам пилдираганича соҳилга югуриб тушди-да, янги рассомнинг ишини ўша ердан туриб кўздан кечирди. Ҳарфлар бир томонга сал тоб ташлаган бўлиб, бунинг устига бири йўғон, бири ингичка эди. Лекин илож қанча, шунисигаям шукур.

Духовой оркестр қирғоққа тушиб, шахдам куйни бошлаб юборди. Музикани эшитиб Барминдаги жамики болакайлар чопқиллаб келишди, кейин олмазорлар ичидан эркагу хотин-халаж кўринди. Тираж комиссияси аъзолари қирғоққа тушгунга қадар оркестр гумбурлаб турди. Шундан кейин митинг бошланди. Коробков ошхонасининг олдидаги зинапоя узра халқаро аҳволга бағишланган маъруза садолари янгради.

«Колумб»дагилар маъракани кемада туриб томоша қилишарди. Зинапоядан анча нарида ийманиб турган оқ рўмолли хотинлар, қилт этмай ваъзга қулоқ тутган эркаклар, қўлларини дам-бадам пахса қилган ваъзхоннинг ўзи ҳам тепадан яққол кўринарди. Кейин яна музыка янгради. Оркестр орқасига ўгирилиб, куйни тўхтатмаган ҳолда, йиғинга қараб юрди. Оломон унга эргашди.

Тираж ўйнайдиган аппарат бир меъёрда қоришиқ рақамларни тўкиб турди. Филдираклар айланиб, ютуқлар эълон қилинди, барминликларнинг кўзи ва қулоғи шунда эди.

Остап бирровгина тираж залига кириб, бутун кема аҳли шу ерда ўтирганига қаноат ҳосил қилгач, югуриб изига қайтди.

— Менга қаранг, Воробьянинов, — деди у шеригига шипшиб, — сизга зарур иш чиқиб қолди, санъатингизни бир кўрсатасиз энди. Биринчи класс каюталари жойлашган йўлак бошига бориб туринг. Оёқ товушини эшитиш билан ашулани оласиз.

Чол довдираб қолди.

— Нима ашула айтаман?

— Нимани бўларди, «Паноҳингда асра подшоҳни»<sup>1</sup> дан бошқа ҳаммасини-да. Ишқийроқ бўлаверсин, масалан, «Олмача»ми ёки «Париваш юраги»ми. Лекин айтиб қўйай, вақтида хониш қилинг, кечикиб ўтирманг!.. Сизга бу тажриба театри эмас! Нақ абжафингизни чикараман.

Буюк мудаббир шипиллаганича олчаранг панель қопланган йўлакка оёқяланг югуриб чиқди. Йўлакнинг нариги бошидаги каттакон ойна бетида бир лаҳзагина унинг гавдаси кўринди. У эшик олдида тўхтаб:

### НИК. СЁСТРИН

*«Колумб» театрининг режиссёри*

деган ёзувга тикилиб турди.

Ойна унинг аксидан холи бўлди. Сал ўтмай ойна бетида яна буюк мудаббир кўринди. Қўлида букри оёқ стул. У йўлакдан югуриб ўтди, кейин палубага чиқиб, Ипполит Матвеевич билан кўз уриштириб олгач, қўлидаги стул билан юқоридаги рулчи бўлмаси томонга юрди. Ойнабанд бўлмада ҳеч ким кўринмади. Остап стулни жойлаштириб қўйгач, шеригига писанда қилди:

— Стул кечгача шу ерда турсин. Яхшилаб ўйлаб кўрдим. Бу ерга биздан бошқа деярли ҳеч ким йўламайди. Ҳозирча устини плакат билан ёпиб қўйайлик-чи, қоронғи тушгандан кейин бемалол ичини кавлаштирамиз.

Стул бирпасда юпқа фанер тахта билан алвон тагида кўринмай қолди.

Ипполит Матвеевич яна олтин талвасасига тушди.

— Узимизнинг каютага олиб кираверсак бўлмайди-ми?— деди у юраги тошиб. — Дарров ичини очиб кўрадик. Гавҳарни топсак, кемадан жўнаворардик...

— Хўш, топмасак-чи? Унда нима бўлади? Стулни нима қиламиз? Ёки ўртоқ Сёстринга учраб: «Кечирасиз, тақсир, стулингизни ўмарувдик, афсус, биз қидирган нарса ичидан чиқмади, мапа энди қайтариб олиб келдик, бир оз уринган бўлса узр!» деб тавба қиламиз-ми. Шуми таклифингиз?

Буюк мудаббир бу гал ҳам минг фоиз ҳақ эди. Палубада увертюра садоси янграб, Эсмарх кружкалари

<sup>1</sup> Чор Россиясининг миллий гимни.

билан пиво идишлари авжга чиққандан кейингина Ип-полит Матвеевич эс-ҳушини йиғиб олди.

Бугунги тираж ўйинлари тугади. Қия соҳилни тўлдириб ўтирган томошабинлар ҳеч кутилмаганда қурама асбоблар ансамблини қийқириқлар билан кутиб олишди. «Ана кўрдингларми! Сенларга қолса кенг халқ оммаси буни тушунмас эмиш. Санъат шунақаям етиб борадики!» демоқчи бўлгандай, Галкин, Палкин, Малкин, Чалкин ва Залкинлар виқор билан атрофга қараб қўйишарди.

Шундан кейин колумбчилар қўлбола саҳнага чиқиб, ашула ва рақс жўрлигида енгилгина водевиль қўйиб беришди. Бунда заёмдан эллик минг сўм пул ютган Вавиланинг саргузаштлари ҳикоя қилинарди. Ник. Сёстрин конструктивизми кишанларидан қутулган артистлар завқ билан ўйнашди, шўх рақсга тушишди, чиройли ашула айтишди. Соҳилда ўтирганлар кўп хурсанд бўлишди.

Иккинчи бўлиб моҳир балалайкачи саҳнага чиқди. Соҳилдагилар юзига табассум югурди.

Унинг ижросида машҳур рус халқ қўшиғи «Бариня» янграб кетди.

Балалайкага жон киргандай бўлди. Асбоб созанданинг орқасига яшириниб олди, куй эса давом этди. Кейин осмонга сапчиб, шу ҳолатда нола қилди.

Жоржетта Тираспольскихга навбат келди. У узун кўйлак кийган бир тўда қизни бошлаб чиқди. Концерт рус рақслари билан якунланди.

«Скрябин» сафар тараддудини бошлаб, капитан трубкада машина бўлимига йўл-йўриқ бера бошлади, кема ўтхоналари аланга олиб, сувни иситишга тушди. Духовой оркестр ҳам вақтдан фойдаланиб, яна қирғоққа тушди-да, рақс куйларини чала бошлади. Ҳамма суюниб кетди. Одамлар жуфт-жуфт бўлиб, ҳаракатга тушиб қолди. Уфққа бош қўйган офтоб зарғалдоқ шуъла сочиб турибди. Айни кинога оладиган пайт. Шунини сезгандай Пожкан деган оператор ҳомуза тортиб, какотасидан чиқиб қолди. Кема дастёрига айланиб қолган Воробьянинов суратга оладиган аппаратни кўтариб, Олапарнинг кетидан юрди. Олапар кема ёнига бориб, соҳилга тикилиб қаради. Ут-ўланда одамлар солдатча полька рақсига тушишаётган эди. Ялангоёқ йиғитлар куррамизнинг жонига қасд қилгандай гумбурлатиб ер тепишарди. Қизлар товусдай хиромон қилишарди. Соҳилнинг баланд-

даст жойлари томошабинларга лиқ тўла. Франциядаги «Авангард» группасининг кинооператори шу манзарани кўриб қолса борми, уч кечаю уч кундуз тиним билмаган бўларди. Аммо Олапар бит кўзларини соҳилга бир оз ёқиқиб тургач, шоша-пиша орқасига ўгирилди-да, диконг-лаганича комиссия раисининг олдига югуриб борди, кейин уни оқ девор ёнига тик турғизиб, қўлига китоб тутқизиб қўйди ва қимирламай туришни тайинлаб, аппарат дастасини бир маромда айлантира бошлади. Шундан кейин у хижолат тортган раисни кеманинг қуйруқ томонига етаклаб, кунботиш манзарасига қўшиб суратга олди.

Суратга олиш маросимини тугатгач, Олапар виқор билан каютасига равона бўлди ва ичкари кириб, ичидан беркитиб олди.

Яна гудок бўқирди, яна офтоб жон ҳолатда ўзини панага олди. Сафарнинг иккинчи туни бошланди. Кема жўнашга тайёр эди.

Эртанги кун эсига тушса, Остапнинг юраги орқасига тортиб кетарди. Эртага у картон қоғозни қирқиб, дон ўрнига ерга заём қоғози сепаетган деҳқон расмини ясаб бериши керак. Буюк мудаббирнинг эса бунга тиши ўтмайди. Остап амал-тақал қилиб шиорни бир нави қўлдан чиқарган бўлса ҳам деҳқоннинг бадий шаклини тушириш ҳазилакам иш эмас, бунинг уддасидан чиқолмаслигига кўзи етади.

— Эсингизда бўлсин, Васюкига боришимиз билан кечки тиражларни бошлаймиз,— уни қайта-қайта огоҳлантирди бақалоқ одам,— транспарант тайёр бўлмаса, иш пачава бўлади.

— Асло ташвиш тортманг, транспарант тайёр бўлади,— деди Остап уни ишонтириб.

Шу топда Остап эртага эрталаб буни бир илож қилиб амаллашига эмас, балки бугун кечқурун бирор нарса рўй беришига кўпроқ ишонарди.

Осмонда юлдузлар чарақлаган, аёзли тун бошланди. Тираж кемасининг фуқаролари ғарқ уйқуга кетди.

Тираж комиссиясидаги арслонлар ширин уйқуда. Кадрлар столидаги қўзичоқлардан тортиб бухгалтериядаги эчкивойларгача, ўзаро ҳисоб-китоб бўлимидаги қуёнчалар, овозли безак мутасаддилари бўлмиш сиртлону чиябўрилардан тортиб машинка бюросидаги беозор каптарчаларгача — ҳаммалари ноз уйқуда.



Буларнинг ичида ёлғиз қўли эгри жўраларгина бедор эди. Қоқ ярим кечада, соат бирларга яқин буюк мудаб-бир каютадан чиқди. Вафодор Қиса соядай эргашиб, изидан юрди. Ўкковлари секингина юқори палубага қўтарилиб, фанер билан тўсиб қўйилган стулга яқинлашишди. Остап фанерларни секин четга суриб, стулни суғуриб олди, кейин уни ерга қўйиб жағини жағига қаттиқ босган ҳолда қўлидаги омбур билан стулнинг жилдини тортқилаб йиртди-да, ичига қўлини тикди.

Юқори палубада шамол эсади. Осмонда юлдузлар аста жимирайди. Хув пастда сув қорайиб чайқалади. Соҳил кўринмайди. Ипполит Матвеевич безгак тутгандай қалтирайди.

— Топдим!— деб юборди Остап хириллаб.

### ҲАЗРАТИ ФЕДОРНИНГ НОМАСИ

*Н деган уезд шахрида истиқомат қилувчи хотинига  
Бокудаги «Нарх-наво» номли мусофирхонада ёзилган*

Менинг қадрдоним ва бебаҳо Катям!

Омадимиз соат сайин бизга кулиб боқмоқда. Ҳамма ишларимни тугатиб бўлгач, «Нарх-наво» мусофирхонасида ўтириб сенга хат ёзипман. Боку анчагина катта шаҳар экан. Эшитишимга қараганда, бу ердан лампапой қазиб олишаркан, аммо-лекин бориб кўришга илож йўқ, у ёққа электрпоезд юраркан, ёнимда эса сариқ чақаям йўқ. Бу чиройли шаҳар шундоққина Каспий денгизининг ёнида экан. Денгиз чиндан ҳам жуда катта. Бу ернинг иссиғига чидаб бўлмайди. Бир қўлимда пальто, яна бир қўлимда камзул юради, шундаям исиб кетаман. Қўлларим терлайди. Чой билан овунаман, холос. Пул эса тугаб қолган. Лекин зарари йўқ, азизим Катерина Александровна, яқин орада мол-дунёмиз ошиб-тошиб-кетеди. Бормаган жойимиз қолмайди, иннайкейин, Самарага бориб, заводчамизга яқинроқ жойга ўрнашиб оламиз, турмушимиз ширин бўлади, қўлбола мусалласдан тортиб юрамиз. Дарвоқе асосий гапга ўта қолай.

Боку шаҳри жуғрофий мавқеи ҳамда аҳолисининг кўплиги жиҳатидан Ростов шаҳридан устун тураркан. Аммо серқатновлиги жиҳатидан Харьковга тенглашолмайди. Бу ерда келгинди кўп. Армани ва пирсиён дега-

ни айниқса тўлиб ётибди. Мен сенга айтсам, онаси, Туркия ҳам бу ердан яқин экан. Бир куни бозоргайм бордим, ҳар хил турк молларини, шолрўмолларни кўрдим. Сенга атаб мусулмонча ёпинчиқ олмоқчи бўлудим, пулим етмай қолди. Ҳа, майли, бой бўлганимиздан кейин (кўпи кетиб, ози қолди буниям) ўзим сенга мусулмонча ёпинчиқ олиб бераман.

Вой, онаси, Боку шаҳрида иккита ёмон воқеа юз берди, сал қопти эсимдан чиқишига: 1) новвой акангининг камзули қўлимдан тушиб, Каспий денгизига оқиб кетди, иннайкейин, 2) бир ўркачли туя бозорда бетимга тукурди. Шу икки ҳодисадан қаттиқ ранжидим. Бу шаҳар бедарвоза экан, мусофир йўловчиларни ҳар ким ҳақорат қилиб кетавераркан, мен ахир туяга ёмонлик қилмаган бўлсам, қайтанга унга яхшилиқ қилмоқчи бўлдим, бурнига чўп тиқиб, қитиқлагим келди. Бор-йўғи шу! Камзулга эса ҳамма ачинди, зўрға сувдан тутиб олишди, бундоқ қарасам, ҳамма ёғи жиққа лампамой. Новвой акангга энди нима деб жавоб бераман, шунисига бошим қотиб турибди. Ҳозирча оғзингни маҳкам тутиб тура қол, жонгинам. Евстигнеев ҳалиям овқатга келиб турибдими?

Хатни яна бир ўқиб чиқсам, асосий гап қолиб кетибди. Инженер Брунс чиндан ҳам Озарнефтда ишлар экан. Лекин шу топда Бокуда йўқ экан. Отпуска олиб, Ботум деган шаҳарга кетибди. Оиласи қишин-ёзин Ботумда тураркан. Одамлардан секин суриштириб кўрсам, Брунснинг бутун жиҳозлари чиндан ҳам Ботумда экан. Узи чорбоғда. Яшил Бурун деган жойда тураркан. Уша томонларда шунақа бир жой бор экан (лекин пули жуда қиммат эмиш). Бу ердан Ботумгача йўл харжи 15 сўм. Енида аллақанча тийин-пийиниям бор. Телеграф орқали йигирма сўм жўнатвор, Ботумдан сим қоқиб, бутун гапни ёзиб юбораман. Воронеждаги аммам ўлим тўшагида ётибди, мен тепасида турибман, шаҳарга шу гапни тарқат.

### Боқий завжинг Федя

Баъдаз нуқта. Хатни почта қутисига олиб кетаётсам, «Нарх-наво» мусофирхонасидан новвой акангининг палътоенини ўғирлаб кетишибди. Бу қандоқ кўргилини! Яхшиям ҳозир ёз фасли! Акангга бу ҳақда оғиз оча кўрма.

## ЖАННАТДАН ҚУВИЛГАНЛАР

Ушбу роман қахрамонларининг баъзилари «вақтинг кетди — нақдинг кетди» деб ошиқса, бошқа бир тоифа-си сираям шошилмас, икки ўртада эса вақт ўтиб борарди. Москвада чанг-тўзонли май ойи тугаб, яна чанг-тўзон билан июнь кириб келди. N уезд шаҳрида эса Гос. № 1 рақамли автомобиль чуқурга тушиб кетиб, Старопан майдони билан ўртоқ Губернский номли кўчанинг муюлишида икки ҳафтадан бери бузилиб ётибди. Етган жойда у гоҳ-гоҳ кучаниб, чор атрофга тутун буруқситади. Тергов тугаб, «Қилич ва омов» исёнчилари Старгород қамоқхонасидан бирин-кетин шалвайиб чиқишди — ҳар қайсиси шаҳардан четга чиқмасликка алоҳида тилхат ёзиб берди. Бева Грицацуева (шоир орзу қилган қайноқ жувон) яна баққоллик ҳунарини бошлаб юборди. Боёқиш мижозларига совун, мурч, синька, бўёқ каби майда-чуйда нарсаларни пуллаб юрган эди, шундан ҳам ишқал топишди — буларнинг ҳақиқий нархини кўзга кўринарли жойга ёзиб қўймагани учун ўн беш сўм жарима солишди. Оббо, шунгаям шунчами, бир марта унутса-унутибди-да. Отнинг калласидай юрғига ҳурмат қани?

— Топдим! — деди яна Остап пишиллаб. — Ушланг! Ипполит Матвеевич қўли қалтираб, юпқагина тахта қутичани олди. Остап қоронғида стулнинг ичини яна қовлаштира кетди. Лип этиб соҳилда маёқ ёнди. Сув бетига тасмадай нур тушиб, кемага эргашди.

— Расво-ку! — деб юборди Остап. — Ҳеч вақо йўқ бошқа.

— М-м-мумкин эмас, — арағг тили айланиб деди Ипполит Матвеевич.

— Мана, ўзингиз кўринг!

Воробьянинов жон ҳолатда тиз чўкиб, билагигача стул ўтиргичи ичига қўлини тикди. Панжасига пружина илинди. Бошқа қаттиқроқ нарсани сезмади. Аччиқ чанг димоғига урилди.

— Йўқми? — деб сўради Остап.

— Йўқ.

Шундан кейин Остап стулни олиб, зарда билан дарё-

га улоқтирди. Стул шалоп этиб сувга тушди. Тунги салқинда эти жунжикиб, юрагига гулгула тушган хазина-топарлар каютага қайтиб киришди.

— Хўш, — деб қўйди Бендер. — Ҳар ҳолда бир нима топдик-ку.

Ипполит Матвеевич чўнтагидан қутичани олиб, анқайганича унга тикилиб турди.

— Бўла қолинг энди! Намунча бақраясиз!

Қутичани очишди. Ичидан занг босган бир парча мис чиқди. Мисга шундай деб ёзилган эди:

*Ушбу стулдан эътиборан  
уста  
Гамбс  
янги жиҳозлар чиқара бошлайди  
1865 й. Санкт-Петербурга*

Остап овозини чиқариб ўқиб берди.

— Ия, жавоҳирлар қани?—деб сўради Ипполит Матвеевич.

— Ақлингизга балли, азизим стул шайдоси, шуниям сездингиз-а! Ана, жавоҳирлар йўқ экан.

Воробьяниновнинг ҳолига маймун йиғласа арзирди. Усинқираган мўйловининг икки учи шалвираб, кўзойнаги хира тортган. Аламига чидаёлмай, шалпанг қулоқлари бетларига шапатилаб ураётганга ўхшарди.

Буюк мударбирнинг ўткир мулоҳазали, аччиқ гаплари яна сеҳрли кучини кўрсатди. Воробьянинов турган жойида таёқдай қотиб, бўзрайиб қолди.

— Бас энди, андуҳ, бас энди, Киса! Ичидан бир парча бемаъни мис чиққан аблаҳ саккизинчи стул ҳали кўп пушаймон ейди. Бардам бўлинг! Олдинда ҳали яна учтаси бор — омаднинг тўқсон тўққиз фонзи нақд!

Ғамдан куйиб адо бўлган Ипполит Матвеевич эрта-лаб уйғониб қараса, юзига муштдай чипқон чиқибди. Бутун тортган жафолари, бошига тушган қийинчиликлар, жавоҳир йўлида кўрган азоб-уқубатлари мана энди баданидан тешиб чиққанга ўхшарди. Чипқон жонивор ҳам гоҳ садафдай ялтираса, гоҳ гўнг пашшадай кўкариб турарди.

— Қасдма-қасдликка қилдингизми?—деб сўради Остап.

Ипполит Матвеевич асабий хўрсиниб, баланд қаддини қармоқдай букиб, бўёқ қоргани кетди. Транспарант ҳозирлиги бошланди. Хазинатопарлар юқори палубада ишга шўнғиб кетишди.

Сафарнинг учинчи куни бошланди. Шу куни духовой оркестр билан овозли безак мутасаддилари машқ учун жой талашиб қолишди.

Эрталабки нонушта тамом бўлган ҳам эдики, бир томондан мис карнайли азаматлар, иккинчи томондан эса кружка чалувчилар кеманинг қуйруқ томонига қараб келаверишди. Галкин биринчи бўлиб скамейкага ўтириб олди. Духовой оркестр кларнетчиси иккинчи бўлиб югуриб келди.

— Жой банд, — деди қовоғини уйиб Галкин.

— Ким банд қилган экан? — пичинг қилди кларнетчи.

— Мен банд қилганман, Галкин.

— Яна кимлар?

— Палкин, Малкин, Чалкин, Залкинд.

— Елкин дегани йўқми ишқилиб? Бу жой бизларники.

Ҳар икки томонга мадад келди. Оркестрдаги галикон деган энг паҳлавон асбобни уч бўғинли мис илон чирмаб турибди. Қулоқсифат валторна аста чайқалади. Тромбонлар жангга шай ҳолатда. Жанговар яроғ-аслаҳа офтобда кўзни қамаштиради. Овозли безак бунинг олдида ўксик, пачоқ кўринади. Шиша идишлари милтиллайди, клизма кружкалари хира жилоланади, асли карнай пуштидан тарқаган бўлса ҳам шу тонфа хеш-ақраболари шаънига иснод келтирган саксафон калта муштукдай бужмайиб, бир чеккада шумшайиб турибди.

— Сурги лашқари, — деди кесатиб даканг кларнетчи, — яна буларга жой керакмиш.

— Сен, сенлар янгиликни тушунмайдиган мутаассибсанлар, — деб жавоб берди Залкинд буларга қаттиқроқ тегадиган бошқа сўз тополмай.

— Бизга халақит берманглар!

— Ўзларинг халақит беряписизлар! Тунбоп идишларда қанчалик кам машқ қилсаларинг, овозларинг шунчалик чиройли чиқади.

— Сенларнинг самоварларинг шунгаям арзимаиди, чалдинг нима-ю, чалмадинг нима. Турган-битгани гат-гут.

Ҳар икки томон бирор мурасага келолмай, турган жойида астойдил машқни бошлаб юборди. Изига ойна

қўйилган трамвайга ўхшаб, дарё бўйлаб гижирлаган овоз таралди. Духовой оркестрдагилар Кекегольм сарой қўшинлари маршини, овозли безак мутасаддилари эса «Замбези дарёси бошида оху» деган негрча рақсни бошлаб юборишди. Тираж комиссиясининг раиси шахсан ўзи аралашиб, тўс-тўполонни аранг тинчитди.

Соат ўн бирларга яқин баракали ижод тугади. Остап билан Воробьянинов иккови орқага тисарилиб, транспарантни капитан кўприкчасигача судраб келишди. Бақалоқ хўжалик мудир қўлини осмонга чўзиб, олдинда пилдираб борарди. Транспарантни бир амаллаб пастга тушириб, панжара тутқичларига боғлаб қўйишди. У йўловчилар палубасининг тепасида экрандай ҳайбат солиб турарди. Ярим соатга қолмай электротехник транспарантга сим тортиб, ичига учта лампочка ўрнатди. Ток берилса бас энди.

Кеманинг тумшук томонидан ўнгда Васюки шахрининг чироқлари милтираб кўрина бошлади.

Хўжалик мудир транспарантга ток бериш маросимига бутун кема аҳлини йиғиб келди. Ипполит Матвеевич билан буюк мудаббир ҳали чироқлари ёқилмаган лавҳанинг четида туриб, оломонни тепадан кузатишарди.

Бу кемадагилар бир жон-бир тан бўлиб кетган, бинобарин бирор воқеа юз берса, ҳаммалари баравар иштирок этишар, баравар куйиб-пишишарди. Мана ҳозир ҳам машинисткалар, хат ташувчи чопарлар, масъул ходимлар, колумбчилару кема хизматидаги одамлар — ҳаммалари палубага йиғилиб, тепага қараб анқайиб туришарди.

— Еқ! — деб буюрди бақалоқ одам.

Транспарант ёришиб кетди.

Остап юқоридан оломонга қаради. Одамларнинг чеҳрасига заррин нур тушди.

Томошабинлар пиқирлаб кулиб юборишди. Кейин драга сукунат тушди. Дарҳол пастдан ғазабнок овоз эшитилди.

— Мудир қани?

Овоз шу қадар серзугум эдики, хўжалик мудир оёғи ерга тегмай пастга пилдираб тушди.

— Ана, кўриб қўйинг, — деди овоз соҳиби, — кирди-корингизни бир томоша қилинг-чи!

— Ҳозир думимизни тугишади! — деди Ипполит Матвеевичга шивирлаб Остап.

Дарҳақиқат, бақалоқ одам калхатдай отилиб юқори палубага чиқди.

— Хўш, транспарантимиз қалай? — бетини без қилиб сўради Остап. — Халқ тушуняптими?

— Лаш-лушунгизни йиғиштиринг! — ўшқириб берди хўжалик мудирни.

— Намунча шошмашошарлик?

— Йи-ғиш-тиринг деяпман! Йўқолинг! Судга берамиз! Бизнинг бошлиқ билан ҳазиллашманг!

— Ҳайданг уни! — яна серзуғум овоз эшитилди пастандан.

— Йўқ, ростдан сўраяпман, транспарант ёқмадимми сизга? Унчалик чиқмабдимми?

Анқовсирашнинг фойдаси йўқ эди... «Скрябин» аллақачон Васюкига келиб тўхтаган, бинобарин кемага қараб оғзи очилиб қолган васюкиликлар юқоридан шундоқ кўриниб турарди.

Ҳақ тўлашдан мутлақо бош тортишди. Лаш-лушларни йиғиштиришга беш минут вақт берилди.

— Қўлинг сингурлар-э, — деди Симбиевич-Синдиевич иккала шерик пристанга тушиб кетаётганини кўриб. — Транспарантни ўзимга топширишмайдимми. Шунанаям бошлаб ташлардимки, Мейерхольдинг ҳам ип ечолмай қоларди.

Хазинатопарлар соҳилга тушгач, тўхтаб, тепага қарашди. Транспарант зулмат ичида чарақлаб турарди.

— Ҳм, — деб қўйди Остап, — транспарант расво чиқибди-ку. Кўриниши гоят абгор.

Кўчадан битта хачирни диконглатиб келиб, мўйқалам ўрнига ўшанинг думи билан расм солинган тақдирда ҳам Остапникидан минг чандон аъло чиққан бўларди. Қўлинг дард кўрмагур Остап ўнг-сўлига дастлаб заём облигациялари сочаётган деҳқонни тасвирлайман деб гўлага ўхшаган бир нарса чизибди, унга қовоқдай калла ёпиштириб, қоқ косовдай бир жуфт қўл берибди.

Хазинатопарларнинг орқа томонида чароғон кемадан бақирик музыка овози эшитилар, рўпарадаги тик қирғоқ эса тун оғушига чўмган, узоқдан итларнинг во-виллаши-ю, гармонь садолари элас-элас қулоққа чалинарди.

— Энди хулоса ясаймиз, — деди Остап кайфичорлик билан. — Буромад бундай: ёнимизда сариқ чақа қолмаган, учта стул боши оққан томонга сузиб кетяпти,

тайинли бошпана йўқ, бунинг устига болалар комиссиясига аъзо ҳам эмасмиз. Даромад қисми: қўлимизда Волга ҳақида маълумотнома, минг тўққиз юз йигирма олтинчи йилда чоп этилган (мосъе Симбиевичнинг каю-тасидан вақтинча олиб туришга тўғри келди). Махраж нисбий, вазият ғоят мушкул. Соҳилда тунашга тўғри келади.

Хазинатопарлар соҳилдаги скамейкаларга чўзилишди. Остап ёнидан маълумотномани олиб, ғира-шира фонус ёруғида шуларни ўқиди:

«Ўнг томондаги тик соҳилда Васюки шаҳри жойлашган. Бу ердан ёғоч материаллар, қатрон, чипта, жул жўнатилади, бу ерга эса темир йўлдан 50 километр нарида жойлашган ўлкага ярарли кенг истеъмол моллари олиб келинади.

Шаҳарда 8000 аҳоли, 320 ишчига эга бўлган давлат картон фабрикаси, кичкинагина чўян, пиво ва кўн заводлари бор. Умумтаълим ўқув юртларидан ташқари ўрмончилик техникуми мавжуд».

— Вазият мен ўйлагандан кўра анча чатоқроқ кўринади, — деди Остап. — Васюкиликлардан пул ундириш ҳозирча амри маҳолга ўхшайди. Бизга эса камида ўттиз сўм маблағ керак. Биринчидан, қориннинг ғамини ейишимиз, иккинчидан эса, тиражчилар тушган ўша пачоқ аравага етиб олиб, колумбчилар билан қуруқликда, Сталинградда бир дийдор кўришиб олишимиз керак.

Атроф-теваракдаги томлару бўғотларнинг ва дарчаларнинг якка ҳукмдори бўлиб олган навқирон рақибига бас келолмай, обдан пўстаги қоқилган қўтир мушукка ўхшаб, Ипполит Матвеевич ғужанак бўлиб олди.

Остап скамейка атрофида анчагача хаёл суриб, фикрларини пишитиб юрди. Кечаси соат бирларга яқин ажойиб режаси тайёр бўлди. Бендер шеригининг ёнига чўзилиб, дарров ухлаб қолди.

### XXXIV боб

#### САЙЕРАЛАРАРО ШАХМАТ КОНГРЕССИ

Оёғига бўёқ чапланган калта оғир этик кийган, тилла пенсенели қотма, новча бир чол эрталаб Васюкида ўралашиб қолди. У қўлда ёзилган эълон қоғозларини деворларга ёпиштириш билан овора эди:



1927 йил 22 июнда

«Картонсоз» клуби биносида  
гроссмейстер (катта маъстер) **О. БЕНДЕР**

**„САМАРАЛИ ДЕБЮТ ҒОЯСИ“**  
деган мавзуда маъруза қиладур

ҳамда  
бир йўла 160 дона тахтада

**ШАХМАТ ҲЙИНИ**

**ўтказадур.**

Ҳамма ўзининг шахмат тахтасини олиб келадур.

Ҳйин ҳақи — 50 тийин.

Кириш ҳақи — 20 тийин.

Бошланади кеч соат 6 да.

*Маъмур К. Михельсон*

Гроссмейстернинг ўзиям вақтни бекор кетказмасликка қарор қилди. У клубга бориб, ижара ҳақини келишиб олгач (уч сўм), шахмат шуъбасига кириб ўтди. Бўлак жой қуриб қолгандай шахшуъба йилқичилик бошқармасининг йўлагига жойлашган экан.

Шахшуъбада бир кўзи кўр одам Шпильгагеннинг Пантелеев нашрида чиққан романини мутолаа қилиб ўтирган экан.

— Гроссмейстер О. Бендер!— дабдурустан деди Остап столга ўтириб. — Шаҳарларингда бир йўла шахмат ҳйини ўтказаман.

Васюкилик шахматчининг ягона соғ кўзи косасидан чиқиб кетаёзди.

— Бир дақиқа, ўртоқ гроссмейстер!— чинқириб юборди бир кўзли шахматчи.— Марҳамат, ўтириб туринг. Мен ҳозир келаман.

Кўр шахматчи чопқиллаганича чиқиб кетди. Остап шахмат шуъбасининг идорасига кўз югуртирди. Деворда пойгачи отларнинг расми, столда эса устига «Васюки шахшуъбасининг 1925 йилги ютуқлари» деб ёзилган қалин дафтар чанг босиб ётарди.

Кўр шахматчи бир гала ёш-қари одамларни бошлаб кирди. Ҳаммалари бирма-бир келиб, исм-шарифларини айтишди, эҳтиром билан гроссмейстернинг қўлини олиб кўришишди.

— Қозонга ўтиб кетаётувдим, — деди Остап салмоқланиб, — ҳа, ҳа, ҳйин шу бугун кечқурун, келаверинг-

лар. Узр, ҳозир мазам қочиб турибди: Қарлсбаддаги мусобақада анча толиқиб қопман.

Васюки шахматчилари меҳр билан Остапнинг оғзи-га термилиб ўтиришарди. Остапнинг жазаваси тутди. Билагига куч, миясига ақл қуйилгандай бўлди.

— Мен сизларга айтсам, шахматчилик тафаккури ҳозир жудаям зўрайиб кетган, — деб гап бошлади у. — Очигини айтсам, Ласкер ҳозир айниб қолган, бундоқ одамга ўхшаб ўйнамайди. Нуқул сигара тутатиб, рақибининг бошини айлантиради. Тагин жўрттага арзонидан чекади, ҳиди қўланса-да, шунинг учун. Шахмат оламининг боши қотган ҳозир.

Гроссмейстер маҳаллий мавзуга кўчди.

— Хўш, нима учун чет жойларда фикрий қашшоқлик сезилади, ақл чақмоқдай чақнаб турмайди? Мана, масалан, шахшуъбангизни олайлик. Номиям ғалати: шахшуъба. Зерикарли-ку, азиз биродарлар! Шуни чиройлироқ, шахматга яқинроқ бир ном билан атасаларинг бўлмайдами? Ана унда ишқибозларнинг шуъбага оқиб келишини кўринг. Шу шуъбангизга, масалан: «Тўрт асб шахмат клуби», ёки «Қизил эндшпиль» ё бўлмаса «Дона бериб, суръат ютиш» деган ном берсангиз ҳам бўлади. Қанийди энди! Жаранглашини айтмайсизми!

Бу фикр ҳаммага маъқул тушди.

— Рост-а,— дейишди васюкиликлар,— шуъбамизнинг номини «Тўрт асб клуби» деб ўзгартирсак бўлмайдами?

Шахшуъбага сайланган раҳбарлар шу ерда ҳозир бўлганидан фойдаланиб, Остап ўзининг фахрий ранлигида дарҳол енгилгина мажлис ўтказиб олди. Мажлис аҳли бир овоздан шуъбага «Тўрт асб шахмат клуби» деган ном берди. «Скрябин» кемасида қўли келишиб қолган гроссмейстер дарров бир варақ картон қоғоз олиб, тўртта от шаклини чизди-да, керакли сўзларниям келиштириб ёзди.

Бу муҳим тadbир туфайли Васюкида шахмат тафаккури барқ уриб ривожланишига замин яратилди.

— Шахмат! — деди Остап. — Шахматда ҳикмат кўп, билдингизми? У фақат маданиятни эмас, иқтисодиётни ҳам яшнатиб юборади. Агар иш тўғри йўлга қўйилса, сизларнинг «Тўрт асб шахмат клуби»нгиз Васюки шаҳрини

бемалол тубдан ўзгартириб юбориши мумкин, билдингизми?

Остап кечадан бери туз тотгани йўқ эди. Шунинг учун ҳам ичидан ҳар хил гаплар қуйилиб чиқаверди.

— Шундоқ, ҳа! — деди у жўшиб. — Шахмат деган нарса мамлакатга бойлик келтиради, Агар менинг режаларим сизларга маъқул келса, дарё бўйига мрамар зиналар тўшаллади, шу зиналардан юриб, шаҳардан соҳилга тушасизлар! Васюки ўнта губернияга марказ бўлади! Земмеринг деган шаҳарни илгари ким ҳам биларди? Ҳеч ким! Мана энди у бадавлат шаҳар, машҳур шаҳар. Бунга сабаб шуки, у ерда халқаро мусобақа ўтказилди. Менинг таклифим ҳам шу: Васюкида халқаро шахмат мусобақаси ўтказиш керак.

— Қандай қилиб? — чувиллаб сўради ўтирганлар.

— Қилса бўладиган иш, — деб жавоб берди гроссмейстер, — сиздан ҳаракат, биздан баракат, деганларидай, мен шахсий алоқаларимни ишга соламан, сизлар қарашиб юборасизлар, Васюкида халқаро мусобақа уюштириш учун шунинг ўзи кифоя. Қаранг, қандай ёқимли эшитилади: «1927 йилги халқаро Васюки мусобақаси». Хозе-Рауль Капабланка, Эммануил Ласкер, Алёхин, Нимцович, Рети, Рубинштейн, Мароцци, Тарраш, Видмар, доктор Григорьев — ҳаммалари етиб келишади. Қолаверса, ўзим ҳам шахсан иштирок этаман!

— Пули-чи, пули! — зорланди васюкиликлар. — Буларга пул тўлаш керак! Минг-минглаб пул керак! Қаердан оламиз шунча пулни.

— Ҳаммаси пухта ўйланган, — деб жавоб берди О. Бендер, — тушум катта бўлади.

— Бизда пулдорлар нима қилади? Васюки халқи...

— Нима Васюки халқи! Васюкиликлар пул тўламайди. Улар бошқалардан пулни бит-та-лаб санаб олишади! Шуниям тушунмайсизларми. Бунақа казо-казо вельтмейстерлар қатнашадиган мусобақаларга дунёнинг тўрт томонидан шахмат ишқибозлари ёпирилиб келади. Авваламбор, дарёдаги кемалар шунча йўловчини ташиб улгуролмайди. Демак, алоқа йўллари халқ комиссарлиги Москва — Васюки темир йўлини қуриб беради. Бу — бир. Иккинчидан, келган меҳмонларни жойлаштириш учун махсус меҳмонхоналар, осмонўпар бинолар тикланади. Учинчидан, шаҳардан минг километр ичкари жойда ҳам қишлоқ хўжалигини кўтариш

лосим бўлади. Сабаби, меҳмонларни сабзавот, ҳўл мева, икра, шоколад конфетлар билан таъминлаб туриш керак. Мусобақани ўтказиш учун махсус сарой бўлиши керак, буниси тўрт. Бешинчидан, меҳмонларнинг машинасига гаражлар керак. Мусобақада ким ютиб, ким ютқазганини бутун дунёга эшиттириб туриш учун ўта кучли радиостанция талаб қилинади. Буниси олти. Яна Москва — Васюки темир йўли ҳақида. Ўз-ўзидан маълумки, Васюкига келмоқчи бўлганларнинг ҳаммасини бир ўзи эплолмайди. Демак, «Қатта Васюки» аэропортини қуриш керак бўлади. Қарабсизки, почта самолётлари-ю, дирижабллар бу ердан жаҳоннинг истаган бурчагига, ҳатто Лос-Анжелосу Мельбурнгача гиз-гиз учиб турибди.

Васюкилик шахмат ишқибозлари олдида порлоқ истиқбол жамол кўрсатди. Хона ичи гўё кенгайиб кетгандай бўлди. Йилқичиликка қарашли бинонинг чирик деворлари қулаб, унинг ўрнида ўттиз уч қаватли шахматбоп сарой қад кўтарди. Бу ойнабанд кошонанинг ҳар бир хонасида, ҳатто гиз-гиз ўтиб турган лифтларида ҳам одамлар бошларини чангаллаб, садаф қадалган тахталарда шахмат суриб ўтиришибди.

Ана, кўм-кўк Волга лабига олиб тушадиган мрамр зиналар, дарёда океан кемалари турнақатор. Кетмонбашара хорижийлар, шахматчи хонимлар, Австралиядан келган ҳиндча ҳимоя мухлислари, оқ салла ўраган ҳиндулар, испанча партия ишқибозлари, немислар, французлар, янгизеландияликлар, Амазонка дарёси бўйлари-дан келган одамлар, шунингдек, васюкиликларга ҳаваси келаётган москвалик, ленинградлик, киевлик, сибирлик, одессалик меҳмонлар фуникулёрларда шаҳарга кўтарилишмоқда.

Мрамр билан жилоланган меҳмонхоналар олдидан гиз-гиз машиналар ўтиб турибди. Бирдан ҳаммаси таққа тўхтаб қолади. Пурвиқор «Олди очиқ пиёда» меҳмонхонасидан жаҳон чемпиони Хозе-Рауль Қапабланка-и-Граупера чиқиб келади. Уни хонимлар ўраб олишади. Махсус шахматбоп форма кийган милиционер (эгнида каткли галифе шим, ёқасида фил доналарининг расми) қондасини келтириб саломлашади. «Тўрт асб клуби»нинг бир кўзи кўр раиси салмоқ билан чемпионга яқинлашади.

Иккала зукко инглиз тилида мусобақа қилиб туриш-

ганида доктор Григорьев билан бўлажак жаҳон чемпиони Алёхин аэропортга келиб қўнганлиги хабар қилинади-ю, уларнинг суҳбати бўлиниб қолади.

Шаҳарда табрик хитоблари янграйди. Хозе-Рауль Қапабланка-и-Грауперанинг энсаси қотади. Кўр раис қўли билан бир ишора қилган эди, аэроплан ёнида дарҳол мрамар нарвои муҳайё бўлади. Доктор Григорьев янги шляпасини силкиб, олқишларга жавоб берганича нарвондан чопқиллаб тушиб келади. Йўл-йўлакай у Қапабланка яқинда Алёхин билан бўладиган матчда қандай хатога йўл қўйиши мумкинлигини айтиб, буни шарҳлаб беради.

Шу топда тўсатдан осмонда қора нуқта кўриниб қолади. Нуқта тобора яқинлашиб, катталаша боради ва бирдан зумрад парашютга айланади. Ғовлаб кетган турпдай бир одам қўлида кичкинагина чамадончаси билан парашют ҳалқасига осилиб тушаётган бўлади.

— Бу ўша! — деб бўкиради кўр шахматчи. — Ура! Ура! Ура! Буюк шахматчи файласуф, доктор Ласкер шу киши бўлади, танидим уни. Дарров кўк пайпоғидан танидим, дунёда ҳеч кимда йўқ бунақа пайпоқ.

Хозе-Рауль Қапабланка-и-Грауперанинг яна энсаси қотади. Лип этиб Ласкернинг оёғи тагига мрамар нарвонни тўғрилаб қўйишади. Руҳи тетик собиқ чемпион Силезия устидан учиб ўтаётганида чап оёғига қўнган чанги пуфлаб ташлагач, ўзини кўрнинг қучоғига отади. Кўр шахматчи Ласкерни белидан қучиб, чемпионнинг олдига бошлаб келади-да, бундай дейди:

— Ярашинлар! Кўп сонли Васюки аҳли номидан илтимос қиламан! Ярашинлар!

Хозе-Рауль чуқур хўрсиниб олгач, шахматда сочи оқарган қариянинг қўлини силкитиб туриб:

— Мен испанча партиядо филни в 5 дан с 4 га юриш керак, деган фикрингизга ҳамиша қойил қолиб келганман, — дейди.

— Ура! — деб ҳайқиради кўр шахматчи. — Чемпиончасига содда-ю, мазмундор!

Шашти баланд оломон жўр бўлади:

— Ура! Виват! Банзай! Чемпиончасига содда-ю, мазмундор!!!

Васюкининг ўн икки вокзалига кетма-кет экспресс поездлар келиб турибди. Улардан гала-гала шахмат ишқи-бозлари тушиб келишмоқда.

Реклама чироқлари осмони фалакни тутган бир пайтда шаҳар кўчаларидан оқ отни етаклаб ўтиб қолишади. Васюкида от-улов тугатилиб, транспорт воситалари ёппасига механизация қилинган, ёлғиз шу жонивор тирик қолган. У ҳақда махсус қарор ҳам чиққан: байталлигини юзига солмай, умуман, от деб аташга фармойиш берилган. Шахмат ишқибозлари қўлларидаги пальма шохлари ҳамда шахмат тахталарини силкитиб, уни қутлашади.

— Қўнглингиз хотиржам бўлсин,— деди Остап,— менинг режаларим амалга ошса, шахрингизда ишлаб чиқариш кучлари мисли кўрилмаган даражада ривож топиб кетади. Фараз қилинганки, мусобақа тугаб, келган меҳмонлар юртларига жўнаб кетишди. Ана ўшанда қарабсизки, уй-жойдан қисилиб юрган москваликлар ажойиб шахрингизга қуюндай ёпирилиб келишади. Пойтахт ўз-ўзидан Васюкига кўчади. Ҳукуматниям кўчириб келишади. Ана ундан кейин Васюки Нью-Москва, Москва эса эски Васюки деб атала бошлайди! Ленинградликлар билан харьковликларнинг кўзи ўйнаб, чапак чалиб қолаверади. Нью-Москва бутун Европанинг энг зебо маркази бўлиб қолади. Бутун Европанинг эмас, ҳатто тез орада бутун дунёнинг ҳам.

— Бутун дунёнинг!!! — деб ҳайқиршди эс-ҳуши оғиб қолган васюкиликлар.

— Шундоқ! Нарироқ бориб бутун коннотга ҳам марказ бўлади. Оддийгина бир чекка шаҳарни ер юзининг азим пойтахтига айлантирган шахмат тафаккури амалий фанга айланиб, сайёралараро алоқа воситаларини ўйлаб топади. Васюкидан Марс, Юпитер, Нептун сайёраларига сигналлар учади. Рибинск билан Ярославль ораси қанчалик яқин эканини биласиз, Венера ҳам шунақа бўлиб қолади. Ажаб эмаски, етти-саккиз йилдан кейин Васюкида коннот тарихида биринчи марта сайёралараро шахмат конгресси ўтказилса, Бемалол бўлиши мумкин!

Остап ярақлаган пешонасини артиб олди. Ҳозир шу қадар қорни очқаб кетган эдики, шахматдаги отниям ямламай ютадиган ҳоли бор эди.

— Қаранг-а-а, — деди ютиниб кўр шахматчи ва олакула кўзини ивирсиқ хонага югуртириб чиқди. — Ҳўш, бу тadbирни қандоқ қилиб амалга оширса бўлади, яъни, демоқчиманки, буниг иложи қанақа?

Ҳамма сабрсизланиб гроссмейстерга тикилди.

— Яна қайтариб айтаманки, ҳамма нарса сизларнинг ҳаракатингизга боғлиқ. Яна қайтараман: ташкилий ма-сала ларни мен ўз зиммамга оламан. Ҳеч қанақа сарф-харажат бўлмайди, фақат телеграмма юборишга пул керак, холос.

Кўр шахматчи шерикларини қистовга олди.

— Хўш! Нима дейсизлар? — сўради у.

— Ташкил қиламиз! Ташкил қиламиз! — чувиллашди васюкиликлар.

— Қанча пул кетади... шу ... телеграмма юборишга?

— Арзимаган пул, — жавоб берди Остап, — атиги юз сўм.

— Кассамизда бор-йўғи йигирма бир сўму ўн олти тийин пул бор. Бу урвоқ ҳам бўлмайди, албатта...

Бироқ гроссмейстер озигаям кўнадиган мутасадди чиқиб қолди.

— Бўпти, — деди у, — беринглар ўша йигирма сўмни!

— Етармикин? — сўраб қолди кўр шахматчи.

— Бошламасига етади. Кейин ионалар ёғилиб кетади, пулнинг тагида қоламиз.

Гроссмейстер пулни яшил камзулининг чўнтагига солгач, йиғилганларга кечқурун маъруза борлигини, бир йўла 160 тахтада ўйин кўрсатишини яна бир эслатиб, ҳаммалари билан ширингина хайр-хўшлашди-да, Ипполит Матвеевич билан дийдор кўришмоқ учун «Картон-соз» клубига қараб равона бўлди.

— Қорним очқаб кетди, — деди Воробьянинов бўғилиб.

У касса туйнугида билет сотиб ўтирар, аммо ҳалигача кассага сариқ чақаям тушмагани учун бир қадоқ нон олишгаям қурби етмасди. Олдида симдан тўқилган саватча — тушган пул шунга йиғилиши керак. Ўзига тўқ ўртамиёна оилаларда бундай саватчаларга пичоқ-вилка солиб қўйишади.

— Менга қаранг, Воробьянинов, — ўшқириб берди Остап, — бирор соатга касса-пассангизни йиғиштиринг! Қетдик овқатлангани. Йўлда вазиятни тушунтириб бераман. Дарвоқе, соқол-поқолни қиртишлаб, одам башара бўлиб олинг. Кўринишингизни қаранг, ит ҳуркади. Гроссмейстерлик шаънимга доғ туширманг, шеригимсиз.

— Биттаям билет сотганим йўқ, — шипшиб қўйди Ипполит Матвеевич.

— Зарари йўқ. Кечга яқин ёпирилиб келишади. Бу шаҳар ҳозирнинг ўзида менга йигирма сўм иона қилди. Халқаро шахмат мусобақаси ўтказиш учун.

— Унақа бўлса кечқурун шахмат ўйнаб нима қиламиз? — ғўлдираб деди маъмурият вакили. — Бирдан дўппослаб қолишса-чи. Йигирма сўмга ҳозироқ кемага чиқиб олишимиз мумкин, юқори томондан шу топда «Карл Либкнехт» келиб турибди, кейин бемалол Сталинградга бориб, театрнинг келишини кутамиз. Балки ўша ерда стуллар қўлга кирар. Ана унда бойиб кетамиз, ҳамма нарса измимизда бўлади.

— Оч қоринга вайсаш ярамайди. Мия пўла бўлиб қолади. Йигирма сўм билан Сталинградга етиб олсак ҳам бўлар эҳтимол... Хўш, кейин қорин масаласи нима бўлади, ақча қани унга? Қорин деган нарса ўз-ўзидан тўйиб қолмайди, сардор дўстим. Ундан кўра маъруза билан ўйинни ўтказиб, серзавқ васюкиликлардан ўттиз сўмча пул ундирган маъқул.

— Дўппослашади! — алам билан деди Воробьянинов.

— Бу таваккал иш. Биқинимиздан дарча очиб қўйишлари ҳам мумкин, албатта. Дарвоқе, менда бир фикр бор, шуни қилсак, ҳар ҳолда бу ташвишдан қутуласиз. Буни кейин гаплашармиз. Ҳозирча маҳаллий таомлардан бир татиб кўрайлик-чи.

Қорни тўқ, соқолини олдириб, мўл атир сепган гроссмейстер кечқурун соат олтига яқин «Қартонсоз» клубининг кассасига кириб келди.

Қорни тўқ, соқолини олдирган Воробьяниновнинг қўли қўлига тегмасди.

— Хўш, қалай? — секингина сўради гроссмейстер.

— Қириш билетидан ўттизта, ўйинга йигирмата, — деб жавоб берди маъмурият вакили.

— Ун олти сўм бўпти. Мазангиз йўқ!

— Нима деяпсиз, Бендер, оломошни кўрдингизми! Албатта дўппослашади.

— Ҳозир буни ўйлайдиган вақт эмас. Урганда йиғларсиз, тезроқ ишингизни қилинг! Савдо-сотиққа ўрганинг!

Бир соатга қолмай кассага ўттиз сўм пул тушди. Залда ўтирганлар бетоқат бўла бошлади.

— Қассани ёпинг! Бу ёққа олинг пулни! — деб буюрди Остап. — Энди менга қаранг. Мана сизга беш сўм,



ғизиллаб пристанга тушинг-да, бирор қайиқни икки со-  
атга кира қилинг, кейин мени дарёнинг лабида, омбор-  
хонадан пастроқда кутиб туринг. Кечқурун бир сайр  
қиламиз. Мендан хавотир олманг. Бугун отдекман.

Гроссмейстер залга кирди. Унинг руҳи тетик, бирин-  
чи юришни *e 2 — e 4* дан бошласа, ҳеч қанақа хатар  
йўқлиги унга яхши маълум эди. Тўғриси, кейин нимани  
қандоқ юриш кераклигини асло тасаввур қилолмасди,  
аммо шунга қарамай кўнгли мутлақо хотиржам эди.  
Буюк мударбир таслим бўлишдан ўзга чора қолмаган  
ўйинни ғалаба билан яқунлашнинг ажойиб йўлини то-  
пиб қўйган эди.

Гроссмейстерни чапак чалиб кутиб олишди. Клуб-  
нинг мўъжазгина зали ранг-баранг байроқчалар билан  
безатилган эди.

Бундан бир ҳафта олдин бу ерда «Сувда қутқариш  
жамияти» кечаси ўтказилган, девордаги шиор бундан  
дарак берар эди.

**ЧУКАЕТГАНГА ЧЕТДАН МАДАД —  
БУ ДЕМАК ЎЗ ҚЎЛИГА ОМАД**

Остап енгилгина таъзим қилди, қарасаки, бас қи-  
линг, жудаям ошириб юбордиларинг, дегандай бир қў-  
лини залга чўзиб, минбарга чиқди.

— Ўртоқлар! — деди у ширали овоз билан. — Шах-  
матдош ўртоқлар ва биродарлар, бугунги маърузам-  
нинг мавзуи, мен сизга айтсам, бундан бир ҳафта олдин  
Нижний-Новгородда ўқилган маърузамнинг ўзидир.  
Ростини айтсам, чакки чиқмади ўша маръуза. Маъру-  
замнинг мавзуи — салмоқли дебют ғоясидир. Дебют  
нима, ўртоқлар, ғоя нима, азизлар? Дебют дегани, ўр-  
тоқлар, бу — «*Quasi una fantasia*» деганидир. Хўш, ўртоқ-  
лар, ғоя дегани нима? Ғоя, ўртоқлар, бу мантиқий шах-  
мат шаклида мужассам бўлган инсон тафаккуридир.  
Жуда оз куч билан ҳам бутун тахтани измингга бўйсун-  
диришинг мумкин. Бу нарса ҳар кимнинг шахсиятига  
боғлиқ. Мисол учун учинчи қаторда ўтирган ҳув анави  
малласоч йигитни олайлик.

Учинчи қатордаги малласоч йигит лавлагидай қиза-  
риб кетди.

— Ҳув анави қорасоч йигит ундан ёмонроқ ўйнаши  
мумкин.

Ўтирганлар орқага ўгирилиб, қорасоч йигитниям кўриб қўйишди.

— Хулоса нима, ўртоқлар? Хулоса шуки, малласоч яхши ўйнайди, қорасоч эса ёмон. Агар ҳар бир шахс шашк... яъни демоқчиманки, шахмат бобида астойдил машқ қилиб турмас экан, бу тенгсизликни ҳеч қандай маъруза билан йўқотиб бўлмайди... Ана энди, ўртоқлар, гипермодернчи муҳтарам устозларимиз бўлмиш Капа-бланка, Ласкер ҳамда доктор Григорьевларнинг шахсий тажрибасидан бир-икки воқеани айтиб бераман. Ҳаммамизга сабоқ бўлади.

Остап ёшлигида «Кўк мажмуа» журналида ўқиган эски-туски латифалардан уч-тўрттасини қотириб ташлагач, томошани тугаллаб қўя қолди.

Маъруза бунчалик қисқа бўлади, деб ҳеч ким ўйламаган эди, шунинг учун сал ҳайрон бўлишди. Кўр шахматчи эса яккаю ягона соғ кўзини гроссмейстернинг оёқ кийимига қадаб ўтирарди.

Бироқ шу орада бир йўла ўйин бошланиб, кўр шахматчи бошқа нарсага чалғиб кетди-да, энди бошланган шубҳалари поёнига етолмай қолди. У ҳам столларни доира шаклида қўйишга қарашворди. Гроссмейстерга қарши ҳаммаси бўлиб ўттизта ишқибоз ўйнайдиган бўлди. Гроссмейстернинг салобати босиб, кўплари эсанкираб қолган эди. Улар дам-бадам қўлларигаги шахмат дарсликларини титкилаб, қайси вазиятда қандоқ ўйнаш кераклигини қайта-қайта кўриб олишар, шунга ишониб, гроссмейстер билан лоақал йигирма икки юриш қилгач, кейин таслим бўлиш ниятида эдилар.

Остап гир атрофини ўраб олган «қоралар» қароргоҳига, кейин ёпиқ эшикка зимдан кўз югуртириб олгач, энг шимариб ишга киришиб кетди. У биринчи тахта ёнида ўтирган кўр шахматчининг олдида бориб шоҳ олдидаги пиёдани *e 2* катагидан *e 4* катагига сурди.

Кўр ишқибоз дарҳол иккала қулоғини кафтига босиб, чуқур ўйга толди. Ишқибозлар сафида шивир-шивир бошланди:

— Гроссмейстер *e 2* — *e 4* юрди.

Остап турли хил дебют ишлатиб, рақибларини талтайтириб ўтирмади. Қолган йигирма тўққизта тахтада ҳам айни шу йўлдан борди: шоҳ олдидаги пиёдани *e 2* дан олиб, *e 4* га қўйди. Ишқибозлар дам-бадам бошини чангаллаб, астойдил мияга зўр берарди. Ўзи ўйнамаётган-

лар гроссмейстернинг ҳар бир ҳаракатини энтикиб кузатиб турарди. Шаҳарнинг яккаю ягона фотоҳаваскори стулга чиқиб, энди магнийни ёқмоқчи бўлиб турган ҳам эдики, шахмат тахталари оралаб юрган Остап шартта тўхтади-да, жаҳл билан қўлини силтаб ўдағайлади:

— Йўқотинг фотографни! Уйлашимга халақит беряпти!

«Шу бемаъни шаҳарнинг нимасига учиб, суратимни ташлаб кетарканман. Милиция билан юзлашишга тоқатим йўқ», деган фикр келди миясига.

Зардаси қайнаган ишқибозлар бир чувиллаши билан фотограф ишини йиғиштира қолди. Фотографнинг қилигидан ҳамма қаттиқ ғазабланган экан шекилли, бирпасда кавушини тўғрилаб қўйишди.

Гроссмейстер ўн саккизта тахтада испанча ўйин қилаётгани учинчи ўйиндаёқ маълум бўлди. Қолган ўн икки тахтанинг ҳаммасида қоралар Филидор ҳимоясини қўллашди. Бу ҳимоя эскириб қолган бўлса ҳам, лекин анча ишончли эди. Остап шу топда зўр ўйин кўрсатиб, бунга қарши машҳур ҳимоя қўлланилаётганини ўзи билиб қолса борми, роса ҳайрон бўларди-да. Нега деганда, буюк мударбир умрида иккинчи марта шахмат ўйнаши эди.

Ишқибозларни, буларнинг орасида биринчи бўлиб кўр шахматчини бирдан ваҳм босди. Гроссмейстер буларни тузоққа илинтирмоқчи бўлгани аниқ.

Гроссмейстер Васюки шаҳрининг қолақ фикрли шахмат ишқибозларини калака қилмоқчи бўлди шекилли, тахтадаги пиёдаларини, оғир ва енгил доналарини рақибларига теп-текинга инъом қила бошлади. Маърузада бетига лой чаплаган қорасоч йигитга ҳатто фарзинни бериб юборди. Қорасоч йигит кўрқиб кетди, дарҳол таслим бўлмоқчи бўлди-ю, лекин ўзини зўрға қўлга олиб, ўйинни яна давом эттирди.

Беш минут ўтар-ўтмас фалокат рўй берди.

— Мот!— зўрға тили калимага келиб деди ўтакаси ёрилган қорасоч йигит.— Мот бўлдингиз, ўртоқ гроссмейстер.

Остап тахтадаги вазиятни таҳлил қилган бўлди, гафлат босиб, фарзинни қиролича деб атади, шундан кейин тумтароқ сўзлар айтиб, қорасоч йигитни ғалаба билан табриклаб қўйди. Термилишиб ўтирган ишқибозлар бир гувиллаб қўйди.

«Қочиб қолиш керак»,— деб ўйлади Остап галмагал столларга яқинлашар экан, пайдарпай дона суриб.

— Асбни нотўғри юрдингиз, ўртоқ гроссмейстер,— ялтоқланиб деди кўр шахматчи.— Асб бунақа юрмайди.

— Пардон, пардон, узр,— жавоб берди гроссмейстер,— маъруза мени андак чарчатиб қўйибди.

Ўн минут ўтар-ўтмай гроссмейстер яна ўнта ўйинни бой берди.

«Картонсоз» клуби биносида ғала-ғовур бошланди. Жанжал чиқиши аниққа ўхшаб қолди. Остап кетма-кет ўн бешта ўйинни ютқазгач, сал ўтмай яна учтасини бой берди. Кўр шахматчининг бир ўзи қолди. Ўйиннинг бошида у юраги пўкиллаб роса хато юришлар қилгани учун энди зўрға ютиб келаётган эди. Остап ҳеч кимга сездирмай секингина қора рухни ўмарди-да, чўнтагига яшириб қўйди.

Ўйинчиларни тўрт томондан ўраб олишди.

— Ҳозиргина манави ерда рух турган эди!— деб чийиллади кўр шахматчи атрофига аланглаб,— дарров йўқолиб қопти!

— Йўқолмасдан олдин бормиди?!— ўдағайлади Остап.

— Бор бўлганда қандоқ! Аниқ биламан!

— Бор нарса йўқолмайди!

— Қани бўлмаса? Ютиб олдингизми?

— Ютиб олдим.

— Қачон? Нечанчи юришда?

— Битта рухга шунча машмашами? Ютқазган бўлсангиз, айтаверинг ютқаздим деб!

— Бу қанақаси бўлди, ўртоқлар, менда ҳаммаси ёзиғлик-ку.

— Ёзсанг ёзилаверади-да,— деди Остап.

— Бу нима бедодлик!— деб бўкирди кўр шахматчи.— Рухимни қўйиб қўйинг жойига.

— Таслим бўлинг, бўла қолинг энди, нима кераги бор азабозликни!

— Рухимни чўзинг!

Яна бир оз ҳаяллаб қолса, оёғи осмондан келишини сезган Остап шу заҳотиёқ тахтага чанг солиб, қўлига илинган доналарни кўр рақибининг бошига отди.

— Ўртоқлар!— деб чинқириб юборди кўр шахматчи.— Кўриб қўйинглар! Шахмат ишқибозини уряпти!

Васюки шахрининг шахматчилари бақрайиб қолди.

Фурсатни ганимат билган Остап шахмат тахтасини юлқиб, чироққа қараб ирғитди-да, тимқоронғида дуч келганга пешона билан лунжи аралаш мушт тушириб, кўчага отилиб чиқди. Васюкилик шахмат ишқибозлари бир-бирини босиб, унинг ортидан югуришди.

Ойдин кеча эди. Остап, гуноҳи азим заминдан қо- чаётган фаришта мисол, сутдай кўчада енгил учиб бо- рарди. Васюки коинот марказига айланолмай қолгани учун кошона саройлар эмас, балки дераза эшиклари зичлаб ёпилган тўсинли уйчалар унга пешвоз чиқарди.

Шахмат ишқибозлари изма-из қувиб келаётган эди.

— Ушланг гроссмейстерни!— деб бўкиради кўр шахматчи.

— Муттаҳам!— дейди бошқалари.

— Гўллар!— деб жавоб беради гроссмейстер оёғига яна ҳам зўр бериб.

— Ёрдам беринг!— деб чинқиришади нафсонияти оғриган шахматчилар.

Остап пристанга олиб тушадиган зинага етгач, паст- га қараб ҳақкалай кетди. Зинада ҳаммаси бўлиб тўрт юзта поғона бор. Тепадаги айланма сўқмоқ издан етиб келган икки нафар шахмат ишқибози зинанинг олтин- чи майдончасида Остапни кутиб, пусиб туришган экан. Остап орқасига ўгирилиб қаради. Филидор ҳимояси- нинг бир гала мухлислари қутурган итдай ириллаб, те- падан ёпирилиб келмоқда эди. Демак, орқага чекиниш- нинг иложи йўқ. Шу вайдан Остап олдинга қараб ҳамла қилди.

— Сен аблаҳларни ҳозир!— деб бўкирганича у бе- шинчи майдончадан туриб ўзини баҳодир разведкачи- ларнинг устига отди.

Пистирмадагилар қўрқиб кетганидан орқага тиса- рилиб, панжарадан ерга умбалоқ ошишди ва дўнг-қия- ликлар ичига думалаб кетишди. Йўл очилди.

— Ушланглар гроссмейстерни!— ҳайқирди тепада- гилар.

Улар ёғоч зинани ўғирдай тўқиллатиб, орқадан таъ- қиб қилиб келишарди.

Қирғоққа югуриб тушгач, Остап ўнгроққа сапчиб, жавдираганича содиқ ёрдамчиси олиб келган қайиқни қидирди.

Ипполит Матвеевич қайиқнинг ичида гашт қилиб ўтирган экан. Остап ўзини скамейкага отиб, жон ҳолат-

да эшкакка ёпишди. Бир нафас ўтмаёқ қайиқ тошбўронга учради. Ипполит Матвеевич қаттиқ жароҳат олди. Бетидаги муштдек чипқоннинг усти ғурра бўлиб, кўкариб чиқди. Ипполит Матвеевич калласини ичига тортиб, ҳиқиллашга тушди.

— Вой арзанда-ей! Сал бўлмаса каллам кетувди, лекин парвойим фалак; шўхман, тетикман. Қўяверинг, чўнтакдаги соф эллик сўмниям чўтга ташласак борми, шу битта ғурра учун яхшигина хун ундирган бўламиз.

Васюкини Нью-Москвага айлантириш режалари чиппакка чиққани етмаса, Васюкининг ҳалол эллик сўм пули гроссмейстернинг чўнтагида кетаётганини эндигина фаҳмлаб қолган шахмат ишқибозлари тезда каттароқ қайиққа ўтириб, қий-чув билан дарёнинг ўртасига қараб суза кетишди. Қайиққа ўттизтача одам сиғди. Гроссмейстернинг адабини бериб қўйишга ҳаммалари орзуманд эди. Кўр шахматчи буларга бош бўлди. Унинг ягона соғ кўзи қоронғида чўғдай ялтирарди.

— Гроссмейстери ушланг!— деб бақирарди лик тўлган қайиқдан туриб.

— Чаққонроқ, Киса!— буюрди Остап.— Бизга етиб олишса борми, кўзойнагингизни соғ қўйишмайди.

Иккала қайиқ оқим бўйлаб сузар, орадаги масофа эса тобора қисқариб борар эди. Остап ҳолдан тойиб қолган эди.

— Қочиб кетолмайсан, аблаҳлар!— деб бақирди нариги қайиқдагилар.

Остап индамади: жавоб беришга вақт йўқ. Эшкаклар дам-бадам сувдан қалқиб чиқар, қайиқнинг ичига сув тўкилар эди.

— Бўш келма,— деб пичирларди Остап ўзига-ўзи.

Ипполит Матвеевич типирчилаб қолди. Катта қайиқдагиларнинг огзи қулоғига етди. Уларнинг корпуси баланд кемаси хазинатопарлар тушган қайиқни чап ёнидан тўсиб, гроссмейстери қирғоққа қапиштирмоқчи бўлди. Хазинатопарларнинг шўри қуриган эди. Кемадаги шахматчиларнинг азбаройи жазаваси тутиб кетганидан ҳаммалари ўнг томонга ўтиб олишди. Мақсад — қайиқчага етиб олгач, расво бўлгур гроссмейстери кўпчилик бўлиб уркалтак қилиш эди.

— Кўзойнакка эҳтиёт бўлинг, Киса!— деб қичқирди энди умиди қолмаган Остап эшкакларни улоқтириб.— Ҳозир бошланади!

— Жаноблар!— деб юборди Ипполит Матвеевич хезланиб.— Наҳотки бизни дўппосласаларинг?

— Бўлмасам-чи?— деб ҳайқиринди васюкилик шахмат ишқибозлари қайиққа сакрашга чоғланиб.

Лекин худди шу пайтда бутун дунёдаги ҳалол шахматчилар учун ғоят ачинарли воқеа рўй берди. Катта қайиқ бехосдан қийшайиб, ўнг борти сувга чўкди.

— Секинроқ!— деди чийиллаб кўр капитан.

Бироқ вақт ўтган эди. Васюкилик шахмат ишқибозлари тушган олимпиақом кеманинг ўнг томони одамга тўлиб кетган эди. Бинобарин оғирлик маркази ўзгарган қайиқ, ҳеч иккиланмай, физика қонунларига тўла риоя қилган ҳолда таппа тўнтарилиб тушди.

Дод-фарёд овозлари дарёни тутиб кетди.

— Войдод!— деб чинқириб қолишди шахматчилар.

Ўттиз нафар шахмат ишқибози сувга ағанади. Кейин бирин-кетин шўнғиб чиқиб, тўнтарилиб ётган қайиққа ёпишишди. Энг охири етиб келган кўр шахматчи бўлди.

— Геллар!— деб қичқирди завқи тошиб Остап.— Нимага гроссмейстерингизни аяб ўтирибсизлар? Янглишмасам, бошлаб бир дўппосламоқчи эдиларинг шекилли?

Остап ҳалокатга учраганларнинг атрофидан қайиқда бир айланиб ўтди.

— Хў васюкилик зўравонлар, билиб қўйинг, ҳаммаларингни битта қўймай чўктириб юборишим ҳам мумкин эди-ю, майли, бир қошиқ қонингиздан кечдим. Сояйи давлатимда юра туринглар! Аммо-лекин, азбаройи худдо, иккинчи шахмат ўйнаманглар! Билмагандан кейин нима қиласиз ўйнаб! Эҳ, геллар, геллар... Қани, кетдик, Ипполит Матвеевич. Алвидо, кўр ишқибозлар! Васюки коинотга марказ бўлолмайди, деб қўрқаман. Шахмат усталари сиздек тентаклар ҳузурига қадам ранжида қилишига кўзим етмайди. Ҳатто минг ялиниб-ёлворсам ҳам. Алвидо, дарди бедаво шахмат ишқибозлари! Яшасин «Тўрт асб клуб»и!

### XXXV боб

#### ВА БОШҚАЛАР

Тонг отганида хазинатопарлар Чебоксарига яқинлаб қолишган эди. Остап руль ёнида мудраб ўтирар, Ипполит Матвеевич эса уйқусизликдан кўзлари қисилиб, эш-

как эшиб борарди. Тунги изғириндан иккови жунжиб, баданини титроқ босган эди. Кунчиқар томонда қизарибгина гунчалар очила бошлади. Ипполит Матвеевичнинг бурнидаги пенсне секин ёриша борди. Сал ўтмай тухумнусха ойналари чарақлаб, олдинма-кетин иккала қирғоқнинг акси кўринди. Чап соҳилдаги семафор қўшқабариқ ойнада икки букилиб кетди. Чебоксарининг мовий гумбазлари кема карвонидай тизилишиб ўтди. Кунчиқар томондаги гулзорга барака кирди. Гунчалар бир зумда вулқонга айланиб, анвойи ранг олов пуркай бошлади. Чап қирғоқда эса қушлар даҳанаки жангга киришиб кетди. Кўзойнакнинг тилла гардиши бирдан чарақлаб кетиб, гроссмейстернинг кўзини қамаштириб юборди. Кун чиқди.

Остап кўзини очиб, мириқиб бир керишиб олди. Суяклари қарсиллаб, қайиқ лапанглаб кетди.

— Яхши ётиб турдиларми, Қиса,— деди у қаттиқ ҳо-муза тортиб.— Офтоб чиқди оламга, югуриб бордим хо-ламга...

— Пристань,— хабар қилди Ипполит Матвеевич.

Остап йўл кўрсаткични олиб, кўз югуртириб чиқди.

— Чебоксари дегани шу бўлса керак. Хўш, хўш...

Чебоксари шаҳри хушманзара ерга жойлашганини алоҳида таъкидлаб ўтамиз...

— Қиса, чиндан ҳам у хушманзара ерга жойлашган эканми?

Ҳозирги пайтда Чебоксарида 7702 нафар аҳоли мавжуд.

— Қиса! Шу жавоҳир-павоҳирни йиғиштириб қўйиб, Чебоксари аҳолисининг сонини етти минг етти юз тўрт кишига олиб чиқмаймизми-а? Жуда зўр иш бўларди-да... Битта «Пти-шво»<sup>1</sup> очиб қўйсақ борми, нонимиз бутун бўлиб юраверардик... Қани, бу ёгини кўрайлик-чи.

Шаҳарга 1555 йилда асос солинган бўлиб, бу ерда бир қатор гоёт мароқли черковлар сақланиб қолган. Чувашистон республикасининг маъмурий муассасаларидан ташқари бу шаҳарда ишчи факультети, партия мактаби, педагогика техникуми, иккинчи босқич

<sup>1</sup> Пти-шво (франц.) айнан: кичкина, калтасоч. Бу ерда саргарошхона маъносиди.



мактаб, музей, илмий жамият ҳамда кутубхона мавжуд. Чебоксари пристанида ҳамда бозор ерида ўзининг бошқа қиёфаси билан ажралиб тургувчи чуваш ва черемисларни учратиш мумкин...

Лекин ҳамтовоқлар чуваш билан черемислар учраб турадиган пристанга бориб етмаган ҳам эдики, қайиқнинг олдида бир нима оқиб кетаётганини кўриб, икковининг хаёли бўлинди.

— Стул!— деб бақириб юборди Остап.— Маъмурият вакили! Ўзимизнинг стулимиз-ку.

Хазинатопарлар стулга яқинроқ сузиб боришди. Стул эса гоҳ шўнғиб, гоҳ сув бетига қалқиб чиқиб, уларга тутқич бермасди. Ичак-човоғи ағдарилган қорни тўла сув эди.

Бу — «Скрябин»да ичак-човоғи ағдарилган стул бўлиб, шу топда у Каспий денгизига қараб аста сузиб кетаётган эди.

— Салом, оғайни!— деб қичқирди Остап.— Кўришмаганимизгаям кўп бўлди-ёв! Биласизми, Воробьянинов, шу стул бамисоли ўзимизга ўхшаб кетаркан. Мана бизлар ҳам бутун ихтиёрни оқимга топшириб қўйганмиз. Гоҳ чўкамиз, гоҳ яна сув бетига қалқиб чиқамиз. Омон қолганимизга биров шукур қилмайди ҳам. Ниҳоят, қидирув бўлимини ҳисобга олмаганда, ҳеч ким бизга зор эмас, дарвоқе, унияам кўзи учиб тургани йўқ. Ўлдингми, қолдингми, дейдиган одам йўқ. Мабодо кеча шахмат ишқибозлари қўли баланд келиб, икковимизни дарёга чўктириб юборганида борми, бутун исми жисмимиздан икки оғизгина расмий сўз қолган бўларди: «Иккала жасад оёғи шарқи-жанубга, боши эса шимоли-ғарбга қараган ҳолда бир алфозда ётибди. Танада моматалоқ жароҳат белгилари бор, афтидан, тўмтоқ нарса билан шикаст етказилган». Ишқибозлар қўлларидаги шахмат тахталари билан савалаган бўларди ҳар ҳолда. Ҳа, фаҳмларига яраша, тўмтоқ қуроқлариям... «Биринчиси — эллик беш ёшларга борган, увада жун камзули, эски шим, эски этик кийган эркак жасади. Камзулининг чўнтагидан Конрад Карлович Михельсон деган шахс номига берилган гувоҳнома чиқди...» Ана, Қиса, сиз шундай таърифга лойиқ бўлардингиз.

— Ўзлари-чи, ўзлари?— Аламини ичига ютиб сўради Воробьянинов.

— У! Менинг таърифим бутуғлай бошқача бўларди. Менинг ҳақимда мана бундай деб ёзиб қўйишарди: «Иккинчиси — йигирма етти ёшлардаги эркак жасади. Уртанган ва азоб чеккан. Пул ишқида ўртанган ва унинг ҳажрида азоб чекиб юрган. Қоп-қора жингалак сочлари бежаб турган, дўнг пешонали боши офтоб томонда. Қирқ иккинчи пойабзал лойиқ келадиган бежирим оёқлари шимол ёғдусига қараган. Эғнида оҳори тўкилмаган оппоқ либос, кўксида эса садаф билан нақшланган чилтор расми-ю, «Алвидо энди, янги қишлоқ», деган қўшиқ ноталари... Марҳум йигит ёғоч ўймакорлиги билан шуғулланган, чўнтагидаги «Пегас ва Парнас» ҳунармандчилик артели томонидан 23.VIII.24 йилда берилган 86/1562 рақамли гувоҳнома шундан далолат беради». Бинобарин, мени музика чалиб, нутқлар сўзлаб, тантана билан кўмишади. Қиса, иннайкейин ҳайкалимга мана бундоқ деб ёзиб қўйишади: «Бу ерга машҳур муҳандиси замон ва соҳиби қирон Остап-Сулаймон-Берта-Мария Бендербей дафн этилмишдир, бу ҳазратнинг падарлари турк фуқароси бўлмиш эрдилар, ўз пуштикамарлари Остап-Сулаймонга заррача меросни раво кўрмай, оламдан ўтмишлар. Марҳумнинг волидалари аслзода графиня эдилар, у зот текин даромад ҳисобига кун қўриб келардилар».

Шу тахлит гап-сўзлар билан бўлиб, хазинатопарлар Чебоксари соҳилига кириб келишди.

Васюкида ижарага олинган қайиқни беш сўмга пуллаб, ҳамённи ҳийла қаппайтириб олгач, иккала дўст кечқурун «Урицкий» теплоходига ўтириб, Сталинград томонга сузиб кетишди. Уларнинг нияти тираж кемаси имиллаб боргунча Сталинградга тезроқ етиб, колумбчилар труппасини ўша ерда кутиб олиш эди.

«Скрябин» июль ойининг бошларида Сталинградга кириб келди. Дўстлар соҳилдаги қутилар ортидан мўра-лаб, уни кутиб олишди. Кемадаги юкларни тушириш тираж олдидан ўтказилди. Катта-катта ютуқлар ўйналди.

Стулларни тўрт соатча кутишга тўғри келди. Олдинига кемадан қаторлашиб колумбчилар билан тираж комиссиясининг хизматчилари тушишди. Оғзи қулоғига етган Персицкий буларнинг ичида алоҳида ажралиб турарди.

Пистирмада ўтирган хазинатопарларнинг қулоғига унинг бақириб-чақирган овози эшитилди:

— Шундоқ! Дарҳол Москвага қайтаман! Телеграм-маниям юбордим! Нима дедим, денг? «Хурсандчилигингизга шерикман». Тоза бошлари қотадиган бўлди-да!

Шундан кейин Персицкий кирага олинган автомобилга ўтириб жўнаб қолди. Автомобилга чиқишдан олдин унинг ҳамма ёғини бир-бир синчиклаб кўриб чиқди, ҳатто радиаторни ушлаб ҳам кўрди. Оломон негадир унинг кетидан «ура!» деб қичқириб қолди.

Кемадан гидравлик пресс тушириб бўлингач, театрнинг ашёвий безакларига навбат келди. Стулларни олиб чиқишганида қош қорайиб қолган эди. Колумбчилар бир жуфт от қўшилган бешта усти ёпиқ аравага чиқиб, қийқириқ кўтарганларича вокзалга қараб жўнаб қолишди.

— Сталинградда томоша кўрсатмайдиган кўринади булар,— деб қолди Ипполит Матвеевич.

Бу нарса Остапни ўйлантириб қўйди.

— Биз ҳам йўлга чиқмасак бўлмайди,— деди у қатъий фикрга келиб,— аммо бунга пул қани? Дарвоқе, вокзалга борайлик-чи, у ёғи бир гап бўлар.

Вокзалда маълум бўлишича, театр Тихорецкая — Минерал сувлар орқали Пятигорскка кетаётган экан. Хазинадопарларнинг чўнтагида эса битта билетга етадиган пул бор, холос.

— Поездда қуён бўлиб кетишни биласизми?— деб сўради Остап Воробьяниновдан.

— Бир амаллаб кўрарман,— деб жавоб берди қимти-ниб Ипполит Матвеевич.

— Э, қўя қолинг! Амаллаб кўрманг-э! Оғирликни яна ўз устимга оламан. Бўпти, ўзим қуён бўлиб кета-вераман.

Ипполит Матвеевичга атаб плацкартсиз вагондан бир дона билет сотиб олишди. Собиқ сардор шу вагонда Шимолий Кавказ темир йўлининг кўм-кўк ёғоч туваклардаги олеяндр гуллари билан безатилган «Минерал сувлар» станциясига етиб келгач, поезддан ёпирилиб тушаётган колумбчилардан ўзини панага олиб, Остапни қидира кетди.

Театр аҳли шаҳар атрофида қатнайидиган яп-янги вагончаларга ўтириб, Пятигорскка аллақачон жўнаб қолган бўлишига қарамай, Остапдан ҳамон дарак йўқ эди. Кеч кириб қолган ҳам эдики, Остап пайдо бўлди. Воробьянинов адоий тамом бўлган эди.

— Қаерларда юрибсиз?— инқиллаб сўради сардор.—  
Роса қийналиб кетдим-ку!!

— Ия, ёнларида билет бўла туриб, роса қийналиб кетибдилар-да? Бизники ҳали ҳолва экан-да? Тихорецкаяга етганда поездимизнинг орқа йўлагидан қувиб туширилган одам биз эмас эканмиз-да? Бўш нарзан шисшалари ортилган юк поездни ўша ерда уч соат аҳмоқ бўлиб пойлаб ўтирган мен эмас, бошқа одам экан-да? Тўнғиз мучал экансиз, гражданин сардор! Театр қани?

— Пятигорскда.

— Кетдик! Йўлда пича пул топдим. Соф фойда уч сўмдан иборат. Кўпликка кўп эмасу, лекин ҳозирча нарзан билан поезд билетига етади.

Шалдироқ аравадай шақирлаб, поезд эллик минут деганда сайёҳларни Пятигорскка элтиб қўйди. Хазинатопарлар Илонбош ва Бештоғни четлаб ўтиб, Машуқ тоғи этакларига етиб келишди.

### XXXVI боб

#### ЗИЛОЛ ҚҮЛМАҚ МАНЗАРАСИ

Якшанба оқшоми эди. Ҳаммаёқ озода, тароватли. Бута ва дарахтлар қоплаган Машуқ тоғи ҳам кокиллари синглиқ тараб, антиқа гиёҳ янглиғ атрини тинмай уфуриб турганга ўхшайди.

Бўйрадаккина перрон бўйлаб чиптадан, шайтон теридан, каломянка ва фланелдан тикилган хилма-хил оппоқ шимлар липиллаб ўтади. Одамларнинг оёғида шиппагу эғнида «апаш» кўйлак. Бесўнақай яғир этик, чангга беланган зилдай шим, иссиқ нимчаёб қизиган камзул хазинатопарларни олақарғадай шумшайтириб қўйган. Курортдаги хонимлар кўз-кўз қилиб юрган турфаранг шўх чит кўйлақлар ичида энг рангдор, энг хушбичими станция бошлиғининг либоси эди.

Станция бошлиғи эса аёл киши бўлиб, ҳамма шунга ҳайрон эди. Гардишига икки қатор кумушранг жияк тортилган фуражкеси тагидан жингалак малла сочлари чиқиб турарди. Эғнида эса оқ қитель билан оқ юбка.

Сайёҳлар станция бошлиғига обдан маҳлиё бўлгач, Колумб театри Пятигорскда томоша кўрсатишидан да-

рак берувчи яп-янги афишаларни кўздан кечиришди-да, ўн тийинга икки стакан нарзан суви ичиб, «Вокзал» — «Гулшан» маршрутида қатнайдиган трамвайда шаҳарга етиб олишди. «Гулшан»га кириш учун яна ўн тийин тўлашди.

«Гулшан» музыкага, хушчақчақ одамларга сероб бўлса ҳам гулга ғоят танқис экан. Чиганоқ шаклидаги оппоқ айвончада симфоник оркестр «Чивинлар рақси»ни ижро этмоқда. Дим шаклида қурилган Лермонтов галереясида нарзан сувининг бозори чаққон. Сув ҳам киоскада, ҳам қўлда сотиляпти.

Исқирт жавоҳирларга биров қайрилиб қарамайди ҳам.

— Эҳ, Киса,— деб қўйди Остап,— бу тўю томошага биз сиғмай қолибмиз.

Курортнинг биринчи куни улар нарзан булогининг ёнида тунаб чиқишди.

Хазинатопарлар жавоҳирни қўлга киритиш қанчалик мушкул иш эканини фақатгина шу ерда, Пятигорскда, Колумб театри оғзи очилиб қолган томошабинларга «Уйланиш» асарини учинчи марта кўрсатгандан кейингина тушуниб қолишди. Илгари ўйлаб қўйган режалари чип-пакка чиқиб, театр ичига киришнинг иложи бўлмади. Зотан ақчадан парҳезга ўтган Галкин, Палкин, Малкин, Чалкин ва Залкинлар меҳмонхонадан воз кечиб, театрнинг ўзида тунаб юришган эди.

Шу тариқа кунлар кетидан кунлар ўтди, кадрдон дўстлар Лермонтов дуэль қилган жойда тунаб, қорин ғамида ўртаҳол сайёҳларнинг ашқолини ташиб, бир аҳволга тушиб қолишди.

Олтинчи кун деганда Остап бир амаллаб гидравлик пресс мудири монтер Мечников билан танишиб олди. Пулдан толиқиб қолгани учун ҳар куни булоқ тепасига келиб, бош оғриғига нарзан ичиб кетадиган Мечников охирги пайтларда аҳволи баттар оғирлашиб, театрга қарашли буюмлардан баъзиларини бозорга чиқариб сота бошлаган эди. Остап буни сезиб қолганди. Эрта наҳорда булоқбошида бўлиб ўтган кўнгил сўраш маросими асносида масала узил-кесил келишиб олинди. Икки гапнинг бирида Остапга «қоқиндиқ» деб турган монтер Мечников унинг таклифига кўна қолди.

— Бўлади,— деб жавоб берди у,— бўлмайдиган иш йўқ, қоқиндиқ. Бизни хафа қилмасангиз бас, қоқиндиқ.

Монтёр илоннинг ёғини ялаган устомон эканини Остап дарров фаҳмлади.

Икковлари байлашиб олгунча роса бир-бирига мўлтираб, ачомлашиб, елка қоқишиб, илжайишиб олишди.

— Хўп, меҳнатингизга ўн сўм бераман!— деди Остап.

— Қоқиндиқ!— деди ўксиб монтёр.— Менинг жигимга тегяпсан-ку. Мен нарзан ичавериб, қийналиб кетган одамман.

— Хўш, қанча сўрайсиз?

— Элликни чўзаверинг. Давлатнинг моли-я бу. Мен қийналиб кетган одамман.

— Яхши. Йигирма бераман. Розимисиз? Кўзингиз айтиб турибди, розисиз.

— Ризолик ҳар икки томон тўла келишиб олганига ишорадир.

— Гапниям дўндириб қўяркан, аблаҳ,— деди Остап Ипполит Матвеевичнинг қулогига пичирлаб,— ўрганинг сиз ҳам.

— Стулни қачон олиб келасиз?

— Пул бўлса, стул ҳам бўлади.

— Осон экан-ку,— деди Остап ўйлаб ўтирмай.

— Олдин пулини тўлайсиз,— деб қўйди монтёр,— эрталаб пулини олсак, кечқурун стул нақд бўлади ёки бўлмаса кечқурун пулини берасиз-да, эртасига эрталаб стулларни олаверасиз.

— Бугун стулни олиб, пулини эртага берсак-чи?— қистовга олди Остап.

— Мен қийналиб кетган одамман, дедим-ку, қоқиндиқ. Бу шартингиз руҳиятимга тўғри келмайди.

— Ахир мен ҳам пулни фақат эртага оламан, телеграф орқали,— деб жавоб берди Остап.

— Ана ўшанда гаплашамиз,— чўрт кесди ўжар монтёр,— хўп, яхши қолинг, қоқиндиқ, мен кетдим: преснинг иши кўп ҳали. Симбиевич онамни кўрсатади. Чарчаб қоляпман. Тирикчилигинг фақат нарзан бўлгандан кейин, силла қуримай илож қанча?

Офтоб нурида бинойидай чарақлаб турган Мечников шу гапдан кейин жўнаб қолди.

Остап Ипполит Матвеевичга ўқрайиб қараб қўйди.

— Вақт — нақд деган гап бор,— деди Остап,— аммо бизда вақт бору нақдина йўқ. Хунар ўрганамиз, Қиса. Юз эллик минг сўм пул тийин тийинигача бизга мунтазир турибди. Хазинани қўлга киритиш учун атиги йигир-

ма сўм пул керак. Бу борада ҳеч нарсадан тап тортмаслик лозим. Ё остидан, ё устидан, Хатарли бўлса ҳам устини танладим.

Остап ўйга чўмган ҳолда Воробьяниновнинг атрофида бир айланиб чиқди.

— Камзулни ечинг, сардор, тезроқ,— деди у дабдурустан.

Остап доврираб қолган Ипполит Матвеевичнинг кўлидан камзулни олиб, ерга улоқтирди-да, ифлос оёқларининг тагига босиб, уни эзгилай бошлади.

— Бу нима қилганингиз?— деб бўкирди Воробьянинов.— Ун беш йил бўлди буни кийганимга, ҳалиям янги!

— Узингизни босинг! Янги бўлса, энди эски бўлади! Шляпани беринг! Мана энди шимга тупроқ сепиб, устидан нарзан қуйинг. Чаққонроқ!

Орадан бирор дақиқа ўтар-ўтмай, Ипполит Матвеевич одам қараб бўлмайдиган аҳволга келиб қолди.

— Мана энди етилибсиз, ҳалол ишлаб, ҳалол пул топадиган даражадасиз.

— Мен нима қилишим керак?— йиғламсираб сўради Воробьянинов.

— Французча биларсиз, дейман?

— Билгандан баттар. Гимназия савиясида.

— Ҳм... Шу савияда иш кўришга тўғри келади. Французчалаб шу гапни айта оласизми: «Жаноблар, олти кундан бери туз тотганим йўқ?»

— Мосье,— деб бошлади Ипполит Матвеевич тутилиб-сутилиб,— мосье, ҳм? ҳм... же не, яъни, же не манж па... Олтини нима дерди: ен, де, труа, катр, сенк... сис... сис... тур. Демак, же не ман па сис жур.

— Талаффузниям қийнавордингиз, Киса! Дарвоқе, тиланчига бўлаверади! Европа Россиясидаги тиланчи Мильеранга ўхшаб гапиролмайди, албатта, Ҳўш, Қисавой, немис тилига тишлари қалай?

— Бу машмашанинг менга нима кераги бор?— жон аччиғида сўради Ипполит Матвеевич.

— Шунинг учун керакки,— деди Остап пинагини бузмай,— сиз ҳозироқ «Гулшан»га бориб, панароқ жойни эгаллайсиз ва француз, немис, рус тилларида садақа сўрайсиз, сўрагандаям илгарилари кадет фракциясидан давлат думасига аъзо эдим, дейсиз. Бутун йиғилган пул монтер Мечниковнинг ҳамёнига тушади. Тушундингизми?

Ипполит Матвеевич бирдан ўзгариб қолди. Ленинграддаги Сарой кўпригига ўхшаб кўкраги қабариб чиқди, кўзларида ўт чақнаб, Остапнинг назарида бурун каттакларидан қуюқ тутун буруқсаб чиққандай бўлди. Мўйлови найзадай таранг тортди.

— Вой-бу,— деди буюк мудаббир асти пинагини бузмай,— буни қаранг-а. Нақ дев бўп кетдингиз-ку!

— Воробьянинов ҳеч қачон, ҳеч қачон садақа сўраб қўл чўзган эмас,— деди тўсатдан тилга кириб Ипполит Матвеевич.

— Қўлингиз чўзилмаса, ичагингиз чўзилади, аҳмоқ чол!— деб ўшқирди Остап.— Садақа сўрамаганман денг?

— Сўрамаганман.

— Манави мутакаббирликка нима дейсиз? Уч ойдан бери менинг ҳисобимга яшайди. Уч ойдан бери қорнини тўйдириб, билмаганини ўргатиб юрибману, тагин бу мутакаббир орқага шох ташлаб, тирриқлик қилади-я... Бўлди! Бас энди, ўртоқ! Икковидан бирини танланг: ё ҳозироқ «Гулшан»га бориб, кечга томон ўн сўм топиб келасиз ёки сизни ўз-ўзидан ширкат аъзолигидан чиқариб ташлайман. Бешгача санайман. Розимисиз, йўқми? Бир...

— Розиман,— аранг ғўлдираб деди саркор.

— Ундай бўлса бояги тилсимни қайтариб кўринг.

— Мосье, же не манж па сис жур. Гебен зи мир бит-те этвес копек ауф деф штюк брод. Давлат думасининг собиқ депутатига хайр қилинг.

— Яна бир марта такрорланг. Мунглироқ бўлсин.

Ипполит Матвеевич яна қайтариб кўрди.

— Хўп, яхши. Сизга тиланчилик кўндоқда теккан экан, истеъдодингиз сезилиб турибди. Боринг. Ярим кечада булоқ бошида учрашамиз. Ярим кечада деганимнинг важи шундаки, кечқурунлари одамлар кўнгилчан бўлади.

— Сиз-чи, сиз қаёққа борасиз?— деб сўради Ипполит Матвеевич.

— Менинг тўғримда ғам емай қўя қолинг. Одатдагидай, энг қийин юмуш бизнинг зиммада бўлади.

Ҳамтовоқлар икки томонга бўлиниб кетишди.

Остап қалам-дафтар сотиладиган дўконга ғизиллаб, охирги ўн тийин пулига квитанция дафтарчасини харид қилгач, тошсупага чўкиб, ярим соатга қолмай квитанцияларни барига рақам чекиб, кейин бирма-бир имзолаб чиқди.



— Аввало тартиб керак,— деди у ўзича гўлдираб,— жамоат пули тийин-тийинигача ҳисобли бўлиши лозим.

Буюк мудаббир санаторий ва дам олиш уйларини четлаб, Машуқ орқали Лермонтов Мартинов билан дуэль қилган жойга олиб чиқадиган боғ йўли томон шахдам юриб кетди.

Остап йўл-йўлакай автобус билан қўшалдқ отли арваларнинг чангига ботиб, охири Жарга етиб олди.

Қоя ичига ўйиб ишланган чоғроқ галерея конус шаклидаги Жар билан туташган эди. Галереянинг этагидаги балкончага чиққан одам Жар тубида қўланса ҳиди димоқни ёрадиган зилол кўлмакни кўриши мумкин. Бу Жар Пятигорскнинг диққатга сазовор жойи ҳисобланади, бинобарин уни ҳар куни сон-саноқсиз экскурсиялар, яккахон сайёҳлар зиёрат қилиб кетишади.

Мияси хурофот билан заҳарланмаган одам учун Жар яхшигина даромад манбаи бўлиши мумкинлигини Остап дарров тушуниб қолди.

«Буни қаранг,— деб ўзича ўйларди Остап,— Жарни кўрмоқчи бўлганлардан ярим тангадан ҳақ олиш шу пайтгача шаҳарликларнинг эсига келмабди-а. Пятигорскда туристлар текинга томоша қиладиган бирдан-бир жой ҳам шу бўлса керак. Мен бу шаҳарнинг шаънига иснод келтириб турган шу ярамас одатга чек қўяман, номақбул хатоларини тузатиб бераман».

Бинобарин Остап ақлига, соғлом ҳиссиёти ва вазият амрига бўйсунган ҳолда ишни бошлаб юборди.

У жарга кириладиган жойга бориб турди-да, қўлидаги квитанция дафтарчасини шилдиратиб, баралла қичқира бошлади:

— Билет олинг, граждандар! Баҳоси ўн тийин! Болалар билан қизил аскарларга текин! Студентлар учун беш тийин! Қимки касаба союз аъзбси бўлмаса, ўттиз тийин!

Остапнинг режаси пишиқ-пухта эди. Пятигорск аҳолиси Жарни кўргани бормайди, «алланарса»ни томоша қилдириш учун совет туристларидан ўн тийин ундириш эса ариқдан сув олгандай гап, Соат беш ҳам бўлмаган эдики, олти сўмча йиғилиб қолди. Пятигорскда касаба союзга аъзо бўлмаганларнинг уруғи кўп экан, жонга ора кирган шулар бўлди. Одамлар ўн тийиндан бемалол узатиб туришди. Ҳатто икки бети қип-қизил бир турист Остапни кўриши билан ёнидаги хотинини изза қилган ҳам бўлди:

— Кўрдингми, Танюша, кеча сенга нима девдим? Жарга кириш учун ҳақ тўланмайди, дейсан-а. Бўлиши мумкин эмас. Тўғрими, ўртоқ?

— Мутлақо тўғри,— деди унинг гапини маъқуллаб Остап,— кириш ҳақи тўламаслик мумкин эмас. Қасаба союз аъзоларига ўн тийин, аъзо бўлмаганларга эса ўттиз тийин.

Кечга яқин Жарга иккита аравада харьковлик милиционерлар экскурсияга келиб қолишди. Остап азбаройи қўрқиб кетганидан ўзини гўлликка солиб, шунчаки туристга ўхшаб кўринмоқчи бўлган эди, иложини қилолмади, милиционерлар беозор чуғурчиқдай атрофини гир ўраб олгани учун чорасиз қолди. Бинобарин Остап овозини чиқариб, дангал қичқирди:

— Қасаба союз аъзоларига ўн тийин, милиция вакиллари стдентлар билан болалар қаторига қўшиш мумкин, шунинг учун уларникиям беш тийин.

Милиционерлар пулни тўлаб олишгач, ботинқирамай, нимага беш тийиндан ҳақ олинаётганини сўрашди.

— Жарни яхшилаб таъмир қилиш учун,— шартта жавобни ёпиштирди Остап,— бўлмаса ўпирилиб кетиши мумкин.

Буюк мудаббир зилол кўлмак манзарасини бошлаб пуллаб турди. Ипполит Матвеевич акация дарахтининг тагида ҳижолатпазликдан ерга киргудай бўлиб, бир ҳолатда букчайиб ўзига топширилган учта жумлани кавш қайтаргандай тинмай такрорларди:

— Мсьё, же не манж па... Гебен зи мир битте... Давлат думасининг депутатига хайр қилинг...

Одамлар садақа беришга беришарди-ю, аммо негадир норизо бўлгандай, нохушлик билан узатишарди. Лекин шундай бўлса ҳам «манж» сўзини гирт парижча қилиб айтгани ҳамда Давлат думасининг собиқ аъзоси шундай ночор аҳволга тушиб қолганини кўриб, кўпчиликнинг юраги эзилиб кетгани учун уч сўмча чақа йиғилиб қолди.

Сайр қилиб юрганларнинг оёғи остида шағал гижирлайди. Оркестр дам-бадам Штраус, Брамс ва Григги сайратиб ётибди. Усти ялтироқ оломон қари сардорнинг олдидан чувиллаганича пастга оқиб, яна изига қайтади. Буфет шийпонида қатиқ ичиб ўтирган граждaнлар Лермонтов руҳини шод қилмоқчи бўлишади. Ҳаммаёқни атир ҳиди ва нарзан гази тутиб кетган.

— Собиқ Давлат думаси аъзосига хайр қилинг, — деб пичирлайди сардор.

— Менга қаранг, сиз ростдан Давлат думасига аъзо бўлганмисиз? — деб сўраб қолди аллаким Ипполит Матвеевичнинг қулоғи остида шанғиллаб. — Мажлисларга ям қатнашганман денг? Оҳ! Оҳ! Қойилмақом!

Ипполит Матвеевич бошини кўтариб қараган эди, ҳайратдан қотиб қолди. Не кўз билан кўрсинки, қаршида бақ-бақалоқ Авессалом Владимирович Изнуренков чумчукдай пириллаб турибди. Жигарранг костюмини оппоқ камзулу ялтиллама кулранг шимга алмаштириб олибди, холос. Изнуренков танасига сиғмай, баъзан ердан беш-олти қарич баландга сакраб ҳам қўярди. У Ипполит Матвеевични танимагани учун яна кетма-кет саволга тутди:

— Менга қаранг, Родзянкони ўз кўзингиз билан кўрганмисиз? Пуришкевич ҳақиқатан ҳам-калмиди? Оҳ! Оҳ! Қандай зўр мавзу! Қойилмақом!

Ҳамон ўйноқлаб турган Изнуренков довдираб қолган сардорнинг қўлига уч сўм қистириб, пилдираганича чопқиллаб кетди. Лекин унинг лўппи сонлари анча вақтгача «Гулшан»ро селкиллаб, дарахтлар ичидан овози ҳамон эшитилиб турарди:

— Оҳ! Оҳ! «Бас қил, дилдор, хониш қилма маъюс туржи қўшиғин!»! Оҳ! Оҳ! «Эслатар у ўзга ҳаёт, ўзга соҳилни тағин!»! Оҳ! Оҳ! «Эрта тонгда яна санам лабида кулгу» Қойилмақом!..

Ипполит Матвеевич кўзини ерга қадаганича ҳамон қимир этмай турарди. Аслида бу иши чакки эди. Атрофида кўрса кўзи қувонадиган ишлар содир бўлаётган эди.

Ана, бўшанг эри Эрнест Павлович билан яна ярашиб олган Эллочка Шчукина Пятигорскнинг ажиб хилват тунида уни хиёбонлараро судраб юрибди. Бу томонларга саёҳатга чиқиб, Эллочка миллионер Вандербильднинг эркатой қизи билан бўлаётган аёвсиз муҳорабада унга яна бир панд бермоқчи бўлди. Зеро, ўша такаббур қиз яқиндагина ўзининг шахсий яхтасида Сандвич оролларига бориб, ялло қилиб қайтибди.

— Ҳо-ҳо! — сокин тун қўйнида эшитилди Эллочканинг янгроқ овози. — Антиқавор, Эрнестгинам! М-маза!

Ана, андишали ўғри Альхен хотинчаси Сашхен билан лампачироқ ёқилган буфетда ўтиришибди. Сашхеннинг

икки чаккасидаги николайча соқол ҳамон қирилмаган. Альхен 2 рақамли Кахетия мусалласига қўшиб, кабобни ибо билан паққос тушираётган бўлса, Сашхен жағининг устидаги соқолини сийпалаб, ўзи буюрган осетрина ба-лиғини кутиб ўтирибди.

Соцтаъминга қарашли 2-сон уй обдан хонавайрон бўлгач (ҳамма нарса сотиб бўлинди, ҳатто ошпазнинг бошидаги дока қалпоқдан тортиб то «Овқатни қанча-лик чайнаб есанг, жамиятга шунчалик наф келтирасан» деган шиоргача), Альхен дилхушлик қилиб бир дам олмоқчи бўлган эди. Бу тўқ муттаҳамнинг омади бор экан, Шу куни у Жарга бормоқчи бўлиб турган эди-ю, лекин улгуролмади. Худо бир асраб қолди уни: Остап ювош-гина хўжалик мудиридан камида ўттиз сўм шилиб олган бўларди.

Созандалар асбобларини йиғиштириб, ясан-тусан одамлар секин тарқалаётган, «Гулшан»нинг хиёбонла-ридан эндигина ошиқ-маъшуқларнинг хўрсиниши барал-ла эшитила бошлаган ҳам эдики, Ипполит Матвеевич жойидан қўзғалиб, каловланганича булоқ боши томонга юрди.

— Қанча тушди?— сўради Остап мункайган саркорни кўра солиб.

— Етти сўму йигирма тўққиз тийин. Уч сўми қоғоз пул. Қолгани чақа, озроқ тангасиям бор,

— Биринчи овингиз чакки эмас! Катта мансабдор ҳам бир кунда топса шунча топади-да! Қойилман сизга, Қиса! Лекин уч сўмни ким берди, қайси каллаварамнинг иши бу? Ё пулини майдалаб, қайтимини бердингизми?

— Изнуренков берди.

— Йўғ-э! Авессаломми? Оббо золдирга ўхшамай кет-гур-эй! Шу ёққача юмалаб кепти-да! Ўзи билан гаплаш-дингизми? Ия, сизни танимадимми?

— Давлат думасини суриштирди. Нукул ҳиринглаб кулади!

— Мана, кўрдингизми, сардор, тиланчиликдаям бир хосият бор, айниқса билим доираси торроқ, овоз ҳам заифроқ бўлса! Тагин сиз гижинглаб, нукул осмондан келасиз! Хўш, Қисочка, мен сизга айтсам, биз ҳам бекор ўтирганимиз йўқ. Бизники роппа-роса ўн беш сўм. Тийин тийинигача. Демак, етиб ортади.

Эртасига эргалаб монтер пулни олиб, кечга яқин икки дона стулни ташлаб кетди. Учинчи стулни ўма-

ришинг иложи бўлмабди. Овозли безак мутасаддилари шу стулда карта ўйнаб ўтиришган экан.

Хавф-хатардан йироқроқ бўлиш учун иккала дўст Машуқ тоғининг салкам тепасига чиқиб олишди.

Пастда Пятигорск чироқлари муқим порлаб турибди. Пятигорскдан қуйироқда липиллаб кўринган хира чироқлар Горячеводск станциясини билдиради. Хув уфқдаги тоғ ортидан остма-уст икки беҳол чизиқ кўринади. Бу — Кисловодск.

Остап чарақлаган осмонга бир қараб қўйгач, чўнтагидан ўша машҳур омбурини олди.

### XXXVII боб

#### ЯШИЛ БУРУН

Инженер Брунс Яшил Бурундаги чорбоғнинг тошдан тикланган айвонида ўтирибди. Ёнидаги азим хурмо дарахтининг сип-силлиқ барглари инженернинг қирилган бўйнига, оппоқ кўйлагига, генерал хотини Поповадан қолган ва шу топда устида овқат кутиб ўтирган Гамбс стулига шапалоқдай соя ташлаб турибди.

Брунс дўрдоқ лабларини чўччайтириб, шўх бўғалоқдай чийиллаб қўйди:

— Му-у-сик!!

Чорбоқдан садо чиқмади.

Иссиқ минтақа ўсимликлари инженерни эркаларди. Кактус тиканли қўлини унга чўзди. Драцен барглари қимирлаб қўйди. Банану хурмо шохлари инженернинг тепакалини елпиб, пашшадан ҳимоя қилади. Айвонни чирмаб олган атиргуллар унинг оёғига бош қўйган.

Лекин булардан заррача наф йўқ. Брунсинг қорни таталаб кетяпти. У садафдай товланиб турган қўлтиққа, элас-элас кўзга чалинган Ботум бурнига бетоқат тикилиб, мулойимгина чақиради:

— Му-у-у-сик! Му-у-у-сик!

Нам субтропик ҳавода овози бир зумда сингиб йўқолади. Яна жавоб йўқ. Брунс устида ёғи билқиллаб турган қаттакон фоз танасини бир лаҳза кўз олдига келтиргач, ўзини тугулмай бўкиради:

— Мусик!!! Фоз пишдимми?!

— Андрей Михайлович! — деб жеркиб берди қўшни

хонадан хотин кишининг овози.— Бошимни қотирмасангчи!

Инженер лабларини яна чўччайтириб, дарҳол жавоб берди:

— Мусик! Бечора эрингга наmunча жабр қилмасанг!

— Овозингни ўчир, мечкай!— шанғиллади хотин.

Лекин инженер бўш келмади. У икки соатдан бери интизор бўлиб кутиб ўтирган ғозини яна бир йўқламоқчи бўлиб турган эди, тўсатдан шитирлаган овозни эшитиб, орқасига ўгирилди.

Эғнида қийиқ ёқали увада кўйлак, белида тўзғиб кетган серпопук чийратма чилвир, ола-була, яғир шим кийган бир киши тўқ яшил бамбукзор ичидан чиқиб келди. Кўриниши мулоиймгина бу нотаниш одамнинг иягида бир тутам пахмоқ соқол селкиллаб турибди. Камзулини кўтариб олган.

Нотаниш кимса яқинроқ келгач, мулоиймгина қилиб:

— Инженер Брунсни қаердан топсак бўлади?— деб сўради.

— Инженер Брунс мен бўламан,— деб жавоб берди ғозталаб бўлиб ўтирган одам кутилмаганда дўриллаб.— Хизмат?

Нотаниш кимса гуп этиб ерга йиқилди. Бу одам ҳазрати Фёдорнинг ўзгинаси эди.

— Эсингиз жойидами!— қичқириб юборди инженер шартта ўрнидан туриб.— Туринг ўрнингиздан, илтимос!

— Турмайман,— деб жавоб берди ҳазрати Фёдор инженерга масъум кўзларини тикиб. Қалласи эса инженернинг ҳаракатига монанд муқом қиларди.

— Туринг деяпман!

— Турмайман, дедим, турмайман!

Шундан кейин ҳазрати Фёдор анча эҳтиёткорлик билан бошини шағалга ура бошлади.

— Мусик! Бу ёққа қара!— деб бўкирди инженер азбаройи қўрқиб кетганидан.— Бу қанақаси бўлди, келсанг-чи. Туринг, илтимос қиламан. Қани, туринг, ўтиниб сўрайман.

— Турмайман,— яна такрорлади ҳазрати Фёдор.

Эрининг овоз тебранишларини беш қўлидай яхши билган Мусик югуриб айвонга чиқди.

Ҳазрати Фёдор заифани кўриши биланоқ лип этиб унинг олдига эмаклаб борди-да, оёғига эгилиб, бидирлай кетди:

— Елғиз умидим сизсиз, онахон, бирдан-бир халос-корим сизсиз, бекам.

Инженер Брунс қизариб кетди, меҳмонни қўлтигидан олиб, зўрға ўрнидан кўтарган эди, ҳазрати Фёдор уста-лик қилиб оёқларини букди. Фигони ошган Брунс дарди-сар меҳмонни бурчаккача судраб бориб, бир амаллаб стулга ўтқазиб қўйди (аслида Гамбс стули бўлса ҳам, лекин Воробьянинов хонадонига тааллуқли эмас, бу генерал беваси Попова меҳмонхонасидан эди).

— Асло,— деди гўлдираб ҳазрати Фёдор новвой қай-нисининг лампамой ҳиди буруқсаб турган камзулини тиз-засига ташлаб,— улуғ мартабали зотлар олдида ўтириш-га асло журъат этолмайман.

Шундан кейин ҳазрати Фёдор яна тиз чўкмоқчи бўл-ган эди, инженер чинқирганича уни елкасидан ушлаб қолди.

— Мусик,— деди у ҳансираб,— бу одам билан бир гаплашиб кўр-чи. Қандайдир англашилмовчилик бўлса керак.

Мусик дарҳол овозига жиддий тус берди.

— Менинг уйимда марҳамат қилиб тиз чўка кўр-манг,— деди у ўшқариб.

— Бекам!— ёлворди ҳазрати Фёдор.— Онахон!

— Мен сизга онахон эмасман! Сизга ўзи нима керак?

Поп алланима деб гўлдираб ёлворгандай бўлди. Узоқ савол-жавобдан кейингина у, илтифот қилишса, шу ўтир-ган стулига қўшиб, қолган ўн битта стулни ҳам сотиб олиш ниятида эканлиги маълум бўлди. Буни эшитиб, инженер ҳайратда қолди, ҳазрати Фёдорни елкасидан босиб турган қўллари шалвираб тушди. Ҳазрати Фёдор дарҳол гуп этиб чўкка тушди-да, худди тошбақага ўх-шаб инженернинг кетидан ўрмалай бошлади.

— Нима сабабдан, нима сабабдан мен стулларимни сотишим керак экан?— деди бўғилиб инженер ҳазрати Фёдорнинг узун чангалига чап бериб.— Ҳар қанча думалаганингиз билан ҳеч нарсага тушунолмаяпман!

— Ахир бу менинг стулларим-ку,— зорланиб деди ҳазрати Фёдор.

— Қанақасига сизники бўларкан? Нимага сизники бўларкан? Эсингиз жойидами ўзи? Мусик, ҳаммасига ту-шундим энди! Бу одам жинни экан!

— Меники-да,— деди хоксорлик билан ҳазрати Фёдор.

— Нима, сизники бўлса, мен ўғирлабманми?— тутақиб кетди инженер.— Ўғирлабманми? Эшитдингми, Мусик? Фирт товламачилик-ку, бу!

— Худо асрасин,— пичирлаб деди ҳазрати Фёдор.

— Агар мен ўғирлаган бўлсам, судга беринг, вассалом, нима қиласиз уйимни зикрхона қилиб! Эшитдингми, Мусик! Бетимнинг қалини, жонимнинг ҳузури дегани шу-да. Овқат еганиям қўйишмайди!

Ҳазрати Фёдор «ўзининг» стулларини суд орқали қайтариб олмақчи эмас. Мутлақо йўқ. Инженер Брунс уларни ўғирламаган, буни у яхши билади. Ҳатто бу фикр унинг хаёлига ҳам келгани йўқ. Лекин мана шу стуллар инқилобдан олдин ҳазрати Фёдорники бўлган, бинобарин ҳозир Воронежда ўлим тўшагида ётган хотини учун булар ғоят ардоқлидир. У ўз хоҳиши билан эмас, балки шу хотинининг илтимосига кўра стуллар ҳозир қаердалигини суриштириб билгач, гражданин Брунснинг ҳузурига келди. Ҳазрати Фёдор хайр-садақа сўраб келгани йўқ. Мутлақо ундоқ эмас! Эски стулларни сотиб олиб, ўлим тўшагида ётган хотинини рози қилишга унинг бемалол қурби етади (Самарада кичикроқ шам заводи бор). Сўзининг охирида бунинг учун пулни аямаслигини, стулларга йигирма сўмча тўлаши мумкинлигини айтди.

— Нима?— деб бўкирди инженер бетига қон тепиб.— Йигирма сўм? Шундай ажойиб стулларга-я? Мусик! Эшитдингми? Жиннининг ўзи экан бу одам! Худо ҳаққи, жиннининг ўзи!

— Мен жинни эмасман. Азбаройи хотинимнинг рижоси ерда қолмасин деган умидда...

— Уҳ, р-расво-ей,— деб юборди инженер,— яна эмак-лашга тушди! Мусик! Буни қара, яна эмакляпти!

— Нархини ўзингиз айтинг бўлмаса,— деб зорланди ҳазрати Фёдор эҳтиёткорлик билан бошини араукарий танасига уриб.

— Хўв, инсон, дарахтни ўз ҳолига қўйинг! Мусик, жинни десанг, жиннига ўхшамайди бу одам. Хотинининг касалидан сиқилиб кетган кўринади. Стулларни сотайликми, а? Кейин қулоғимиз тинчир, а? Бўлмаса, уриб миясини ёриши ҳам мумкин!

— Ўзимиз нимада ўтирамыз?— деб сўради Мусик.

— Бошқасини олармиз.

— Берадиган шу йигирма сўмига-я?



— Йигирма сўмга-ку, бермасман-а. Икки юзгаям бермасманов... Икки юз элликка сотишим мумкин.

Нархни эшитиб, ҳазрати Фёдор бошини зарб билан дарахтга урди.

— Қилиғи жонимга тегди-ку, Мусик.

Инженер шитоб билан ҳазрати Фёдорга яқинлашди-да, шарт қўйди:

— Авваламбор, хурмодан камида уч қадам нари бориб туринг; иккиламчи, дарҳол ўрнингиздан туринг. Учинчидан, стулларни икки юз эллик сўмга сотаман, ками йўқ.

— Савоб учун оламан,— деди ҳазрати Фёдор шоша-пиша,— инчунин касал ётган хотинимнинг хоҳиш-иродаси шу турур.

— Қасални пеш қилманг, биродар. Менинг хотинимниям мазаси йўқ. Тўғрими, Мусик, ўпканг чатоқ-а? Лекин хотиним касал экан, деб сизни мен... хўш... айтайлик, манави камзулингизни ўттиз тийинга сотишга мажбур қилмаяпман-ку.

— Текинга ола қолинг!— деб юборди ҳазрати Фёдор.

Инженернинг энсаси қотиб, қўлини силкиди-да, совуққина қилиб:

— Ҳазидни бас қилинг. Сиз билан пачакилашиб ўтиришга тобим йўқ. Стулларнинг баҳоси икки юз эллик сўм дедимми, бўлди, бир тийин ҳам ками йўқ,— деди.

— Эллик сўм,— бўш келмади ҳазрати Фёдор.

— Мусик!— хотинига мурожаат қилди инженер.— Бағратионни чақир. Бу кишини кузатиб қўйсин.

— Фақат савоб учун...

— Бағратион!

Ҳазрати Фёдор жон ҳолатда қочиб қолди, инженер эса ошхонага кириб, розга уннаб кетди. Севган парранда гўшти Брунснинг кайфиятига яхши таъсир қилди. Асаблари жойига туша бошлади.

Инженер рознинг битта оёғини олиб, учини юпқа хитой қоғоз билан ўради-да, уни энди оғзига яқинлаштирган ҳам эдики, деразада ҳазрати Фёдорнинг илтижо тўла башараси кўринди.

— Фақат савоб учун,— деди мулойим овоз.— Эллик беш сўм.

Инженер ўтирган жойида бўкириб юборди. Ҳазрати Фёдор ғойиб бўлди.

Шу куни чорбоғнинг тўрт томонидан ҳазрати Фёдорнинг гавдаси липиллаб ўтаверди. Баъзан у криптомерия дарахтлари орасидан чиқиб келса, баъзан мандаринзорда кўриниб қолар, яна бир қарасанг, орқа ҳовлидан ошиб ўтиб, Ботаника боғи томон зипиллаб кетаётган бўларди.

Инженер кун бўйи Мусикни ёрдамга чақириб турди, жинни жонига текканидан, боши лўқиллаб оғриётганидан шикоят қилди. Қоронғи тушган бўлса ҳам, ўқтин-ўқтин ҳазрати Фёдорнинг овози шанғиллаб қоларди.

— Бир юз ўттиз саккиз сўм!— осмондан келгандай бўларди унинг овози.

Зум ўтмай, Думбасовнинг чорбоғи томондан яна ўша овоз эшитилади.

— Бир юз қирқ бир сўм,— ёлворди ҳазрати Фёдор,— фақат савоб учун оламан, жаноби Брунс, инчунин...

Ниҳоят, инженернинг сабри тугади, айвоннинг ўртасига келиб, тун қаърига тикилиб турди-да, дона-дона қилиб бақирди:

— Бўпти! Икки юз сўм! Қулоғим тинчисин.

Бамбуқлар шитирлаб, чуқур хўрсинган овоз эшитилди, кейин юриб кетаётган оёқ товуши келди. Сўнгра ҳаммаёқ жимиб қолди.

Кўрфаз бетида юлдузлар ғужғон ўйнайди. Ҳазрати Фёдорни қувиб етган ялтироқ қўнғизчалар боши узра гир айланиб, бетига кўкимтир нур сочади.

— Ҳозирги ғозларниям ғози қолмабди,— деб тўнғиллаб қўйди инженер ичкари кирар экан.

Шу аснода ҳазрати Фёдор охирги автобусга ўтириб, денгиз бўйидан Ботумга қараб кетаётган эди. Шундоққина биқинида шовиллаб денгиз мавжланар, шамол юз-кўзига келиб урилар, машина сигнали эса чиябўриларнинг увиллашига қўшилиб кетарди.

Ҳазрати Фёдор шу куниёқ хотини Катерина Александровна номига N шахрига қуйидаги мазмунда телеграмма йўллади:

Мол топилди телеграф орқали икки юз ўттиз жўнат истаган нарсангни сот Федя

У икки кунгача Брунсинг чорбоғи атрофида яйраб юрди, Мусик билан неча бор узоқдан туриб саломлашди, тропик минтақа қўйнида ўқтин-ўқтин:

— Фақат савоб учун, инчунин, мени юборган хотиннинг хоҳиш-иродаси шу турур!— деб қичқириб ҳам қўйди.

Учинчи кун деганда пул ҳам етиб келди. Енида дилни вайрон қилгучи телеграмма:

Бор нарсани сотдим бир тийинсиз қолдим ўламан ва кутаман Евстигнеев овқатга келиб турибди Катя

Ҳазрати Фёдор пулни санаб, жон-жаҳди билан чўқиниб олгач, арава ёллаб, Яшил Бурунга жўнаб қолди.

Осмоннинг авзойи бузилган. Туркия томондан шамол булутларни ҳайдаб келяпти. Шўр сув кўпиради. Осмоннинг мовий қисми тобора камайиб-боряпти. Пўртана олти баллга етиб қолди. Денгизда сузиш ҳамда қайиқда юриш ман этилди. Ботумни шовқин-сурон ва момақалдироқ овози тутган. Пўртана соҳилни ларзага солиб турибди.

Ҳазрати Фёдор инженер Брунсинг чорбоғига етиб келгач, бошига папах кийган ажар аравакашга кутиб туришни тайинлаб, стулларни олиб чиққани ичкари кириб кетди.

— Олиб келдим пулни,— деди ҳазрати Фёдор,— пича сийласангиз бўларди.

— Мусик,— инграб юборди инженер,— ҳол-жоним қолмади-ку!

— Йўғ-э, пулни олиб келганман,— деди шоша-пиша ҳазрати Фёдор,— айтган пулингиз, икки юз сўм.

— Мусик! Қўлидан пулни ол! Стулларни чиқариб бер. Имилламасдан тезроқ ишини битириб кетсин. Бош оғриғи касалим кўзгаб турибди.

Бутун умр бўйи орзу қилинган нарса рўёбга чиқди. Самарадаги шам заводи қўлга кирай деб турибди. Мисоли ёнғоқдай дурри гавҳарлар чўнтакка оқиб келяпти.

Ун икки дона стул бирин-кетин аравага ортилди. Булар худди Воробьяниновнинг бисотидаги стулларга ўхшаса ҳам жиндай фарқи бор эди: бу стулларга катак гулли чит эмас, балки йўл-йўл, кўк-пушти ранг мато қопланган эди.

Ҳазрати Фёдор бетоқат бўла бошлади. У ичидан чий-

ратма чилвирига болтача қистириб олган эди. Ҳазрати Фёдор аравакашнинг ёнига ўтириб олгач, орқадаги стуллардан дам-бадам хабар ола-ола Ботум томонга қараб кетаверди. Бақувват отлар қўшилган арава ҳазрати Фёдорни қимматбаҳо ўлжаси билан пастдаги тош йўлга олиб тушди, шундан кейин бамбукдан ясалган столлар бўшаб, айвончалари ҳувиллаб қолган «Финал» ресторани ҳам, нефть карвонларини охириги цистернасигача ямламай ютиб турган туннель ҳам, бугун ҳавонинг авзойи бузуқ бўлгани учун миждозларидан қуруқ қолган фотосуратчи ҳам, «Ботум ботаника боғи» деган ёзув ҳам орқада қолгач, тўлқинлар тўш уриб турган қирғоқ бўйлаб секинроқ юра бошлади. Йўл шундоққина соҳил ёнидан ўтган жойларда ҳазрати Фёдорнинг юзига шўр сув томчилари келиб урилди. Соҳилга урилиб, орқасига қайтган тўлқинлар кўпириб-жўшиб, осмонга сапчир ва дам ўтмай жойига қайтиб тушарди.

Қирғоққа келиб урилган тўлқинларнинг наъра ва зарблари бусиз ҳам жони ҳалак бўлиб турган ҳазрати Фёдорни баттар талвасага-солди. Шамол билан олишиб келаётган отлар Махинтаурига яқинлашиб қолди. Кўз илғамас денгиз кўйнида кўм-кўк лойқа сув гувиллаб, кўпириб ётибди. Бефаросат хотинларнинг кўйлаги орасидан ич кийими чиқиб тургандай, қоп-қора денгиз сатҳида то Ботумгача оппоқ кўпиклар ўйноқлаб кўринадди.

— Тўхта!— деб бақирди тўсатдан ҳазрати Фёдор аравакашга қараб.— Тўхта, мусулмон!

Шундан кейин у дағ-дағ титраб, қадамида қоқилиб-суқилиб, стулларни кимсасиз соҳилга тушира бошлади. Парвойи фалак ажар ўзига тегадиган беш сўмини олгач, отларига қамчи босиб, жўнаб қолди. Ёлғиз ўзи қолган ҳазрати Фёдор ҳеч ким йўқлигига яна бир қаноат ҳосил қилгач, стулларни ҳали сув босмаган бир парча пляжга олиб тушди-да, ёнидан болтачани олди.

Қайси бир стулдан бошлашини билмай, бир лаҳза ўйланиб турди. Кейин каловланиб, учинчи турган стулга яқинлашди ва бор кучи билан суюнчиғига болта санчди. Стул тўнкарилиб тушди-ю, лекин лат емади.

— Аҳа!— деб бўқирди ҳазрати Фёдор.— Кўрсатиб қўяман сенга!

Худди тирик жониворга ҳамла қилгандай у ўзини стулга ташлади. Бир зумда стул қийма-қийма бўлди.

Болта нимага урилаётганини — ёғочгами, матогами ёки пружинагами — ҳазрати Фёдор бунинг фарқига бормасди. Даҳшат ичра гувиллаган пўртана ҳар қандай овозни босиб тушарди.

— Аҳа! Аҳа! Аҳа!— деб наъра тортарди ҳазрати Фёдор болтага зўр бериб.

Стуллар бирин-кетин сафдан чиқа бошлади. Ҳазрати Фёдорнинг газаби ошди. Пўртана ҳам қайнаб кетди. Баъзан тўлқинлар ҳазрати Фёдорнинг оёғигача етиб келарди.

Ботумдан Синопгача шовқин қулоқни қоматга келтиради. Қутурган денгиз йўлида учраган кемадан аламини олмоқчи бўлади. Иккала мўрисида тугун буруқсаб, қуйруқ томони оғирлашган «Ленин» пароходи Новороссийска яқинлашиб келмоқда. Қора денгизда гир айланиб юрган пўртана Трапезунд, Ялта, Одесса ва Констанца соҳилларига минг тонналаб долға улоқтиради. Гибралтар бўғозининг ортида эса Атлантика океани Европага калла қилади. Серзуғум сув ер куррасини чирмаб олган.

Қора терга ботган ҳазрати Фёдор эса Ботум соҳилида охириг стулга уннаб кетди. Бир зумдан кейин у бу стулнинг ҳам бошига етди. Ҳазрати Фёдор аламига чидаёлмай қолди. У ерда қалашиб ётган стул оёқлари, сунчиқ ва пружиналарига бақрайиб қараб турди-да, орқасига тисарилди. Сув оёғига ёпишди. У олдинга ташланиб, шалаббо бўлган ҳолда тош йўлга қараб югурди. Ҳозиргина ҳазрати Фёдор турган жойга катта бир тўлқин ёпирилиб келди-да, чекина туриб, генерал хотини Попованинг абжаги чиққан стулларини ўзи билан олиб кетди. Ҳазрати Фёдор буни кўргани йўқ. У жиққа ҳўл муштларини кўксига босиб, букчайганича тош йўлдан кетиб борарди.

У Ботумга кириб борганида кўзи қамашиб, ҳеч нарсани кўролмай қолди. Аҳволи ғоят ачинарли эди. Уйдан беш минг чақирим нарида, ёнида бор-йўғи йигирма сўм пул, бинобарин туғилган шаҳрига етиб олишнинг сира иложи йўқ.

Ҳазрати Фёдор турк бозорига етганда қулоғига сирли равишда шипшиб, Қоти атри, ипак пайпоқ, янги қадокланган Сухуми тамакиси борлигини айтишди. У бозордан чиқиб, тўғри вокзалга борди ва ҳаммоллар орасига сингиб кетди.

## БУЛУТЛАР ОСТИДА

Хазинатопарлар монтёр Мечников билан тил топишгандан кейин орадан уч кун ўтгач, Колумб театри Боку ва Махачқалъа орқали ўтадиган темир йўл билан жўнаб кетди. Машуқ тоғида иккала стулни ёриб, ичидан чиққан нарсага кўнгли тўлмаган шериклар уч кунгача Мечниковдан Колумб театридан қолган охириги стулни кутиб юришди. Бироқ натижа бўлмади: нарзан ичавериб, қийналиб кетган монтёр қўлига теккан йнгирма сўмнинг ҳаммасига оддийгина ароқ олиб, шундай танг аҳволга тушиб қолдики, пировардида уни жиҳозлар турган хонага қамаб қўйишди.

— Ургилдим минерал сувингдан!— деб қолди Остап театр жўнаб кетганини эшитгач.— Ҳезимкаш экан-ку, бу монтёр! Бунақада театрчиларга ишонч қоладими!

Остап илгаригига қараганда анча серҳаракат бўлиб қолган эди. Жавоҳирлар топилишига энди ишонч жуда ҳам ошган эди.

— Владикавказга бориш учун пул керак,— деди Остап.— У ердан Ҳарбий-Грузин йўли орқали автомобилда Тифлисга жўнаймиз. Ажойиб табиат! Зўр манзаралар! Шифобахш тоғ ҳавоси! Қарабсизки, юз эллик минг сўм пул тийин-тийинигача бизга мунтазир. Демак, мажлисни давом эттирса бўлади.

Бироқ Минерал сувлардан жўнаб кетиш осон бўлмади. Воробьянинов темир йўлда қуён бўлиб кетишга мутлақо нўноқ экан, бинобарин у минг урингани билан поездга чиқолмагач, собиқ ўқув муассасалари мутасаддиси қиёфасида «Гулшан»нинг олдига бориб туришга мажбур бўлди. Омад яхши юришмади. Бўйинини букиб, ўн икки соат қилинган оғир меҳнат икки сўм билан қадрланди. Лекин Владикавказга етиб олиш учун шунисиям кифоя қиларди.

Билетсиз кетаётган Остапни Бесланда поезддан ҳайдаб туширишди. Буюк мудаббир ҳеч қандай гуноҳи бўлмаган Ипполит Матвеевичга муштини ўқталиб, поезд кетидан таваккалига уч чақиримча чопиб борди.

Шундан кейин Остап Қавказ тизма тоғларига аста яқинлашиб келаётган бошқа бир поезд зинасига чиқиб олди. Шу ердан туриб у кўз олдида намоён бўлган Кав-

каз тоғи манзараларини шавқ-завқ билан томоша қила бошлади.

Эрта саҳар соат тўртлар эди. Қизғиш шуъла, тоғ чўққиларини ёритди. Тоғ Остапга маъқул келмади.

— Нима кераги бор бунақа олифтагарчиликни,— деб қўйди у ўзига ўзи.— Ёввойи гўзаллик. Аҳмоқ калладан чиққан. Мутлақо кераксиз нарса.

Владикавказ вокзалида поезддан тушганларни Закавказьеда саноат молларини сотиш билан шуғулланадиган идора — Закавтопромторгга қарашли усти очик катта автобус кутиб турар ва хоҳловчиларни ширинсуханлик билан ичкари таклиф қилишарди:

— Ҳарбий-Грузин йўлидан кетадиганлар бўлса, шаҳаргача бепул элтиб қўямиз.

— Қаёққа кетяпсиз, Киса?— деб қолди Остап,— Биз автобусга чиқамиз. Текини маъқул.

Остап автобусда Закавтопромторг идорасигача етиб олишга олди-ю, лекин машинада сафарга чиқувчилар рўйхатига ёзилишга шошилмади. У Ипполит Матвеевични гапга тутиб, атрофини булутлар чирмаб олган Сўри-тоғга маҳлиё бўлиб турди-да, чиндан ҳам исми жисмига мос тоғ эканини айтиб, тезгина кўздан ғойиб бўлди.

Владикавказда бир неча кун қолиб кетишга тўғри келди. Ҳарбий-Грузин йўли билан кетиш учун пул керак, лекин пул топишга қанчалик уринишмасин, нафи бўлмади: ё умуман қилган ҳаракатлари зое кетар, ё бўлмаса зўрға қоринга етадиган пул ишлаб қолишарди. Одамлардан ярим тангадан ҳақ ундиришнинг эса иложи бўлмади. Кавказ тоғи шу қадар баланд ва шу қадар яққол кўриниб турган эдики, уни пулга томоша қилдиришнинг сираям ҳождати йўқ эди. Владикавказда эса бўлак хушманзара жой йўқ. Тўғри, Терек деган дарё бор, лекин у «Терек»нинг ёнидан ўтади. Бу борада эса шаҳар Останинг ёрдамига муҳтож эмас: «Терек»ка кириш учун аллақачон ҳақ белгилаб қўйилган. Ипполит Матвеевич икки кун садақа сўраб, атиги ўн уч тийин пул тўплади.

— Бўлди энди,— деди Остап,— битта йўли қолди: Тифлисга яёв жўнаймиз. Беш кунда икки юз чақирим йўл босамиз. Зарари йўқ, отахон, тоғ манзаралари гўзал, ҳавоям тоза!.. Фақат нон билан колбасага пул керак, холос. Тилни бойитиб, озроқ итальянча ўрганиб оласизми, билмадим, лекин нима қилиб бўлсаям кечгача икки

сўм топиб келишингиз зарур! Бугунчалик овқат ейилмайди, қадрдон ўртоқ. Афсус! Ишлар пачава.

Хазинатопарлар эрта тонгда Терек устидаги кўприкдан ўтиб, казармалар ёнидан кўм-кўк водийга чиқишди. Ҳарбий-Грузин йўли шу водий орқали ўтарди.

— Омадимиз бор экан, Киса,— деб қўйди Остап,— кечаси ёмғир ёғибди, чанг ютмаймиз энди. Соф ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олинг, сардор. Қўшиқ айтинг. Кавказ шеърларини эсланг. Орқа-ўнгингизга қараб юринг!..

Аммо Ипполит Матвеевичнинг на қўшиқ айтадиган ва на шеър эслайдиган ҳоли бор. Йўл тобора тепага кўтарилиб бормоқда. Очiq ҳавода юпун ўтган тунларнинг асорати қолган: биқини оғриб, оёқлари бировнига ўхшайди, бунинг устига оддий колбаса нуқул жигилдонни қайнатиб, азоб беради. У чап оёғини хиёл судраб босганича, қўлида Владикавказ газетасига ўралган беш қадоқли булка нон билан букчайиб юриб кетяпти.

Яна сафар! Бу Тифлис сафари, дунёдаги энг гўзал йўл бўйлаб сафар! Ипполит Матвеевич учун ҳаммаси бир гўр. У Остапга ўхшаб, ён-верига аланглаб қарамайди. Водий тубида шовқин кўтариб қолган Терек ҳам уни қизиқтирмайди. Офтоб нурида чарақлаб турган муз чўққиларгина унга алланимани элас-элас эслатади: ё порлаб турган гавҳарларга, ё бўлмаса уста Безенчукнинг устига кимхоб ёпилган энг зўр тобутларига ўхшайди.

Болта деган жойдан ўтгач, дара бошланиб, тик қоялар бағридан ўйиб очилган тор йўлга чиқишди. Юқорига қараб илон изи бўлиб кетган шу йўл орқали улар кечқурун денгиз сатҳидан минг километр баландликдаги Ларс станциясига етиб келишди.

Ночоргина майхонада текинга тунаганлари етмаса, бир стакандан сут ҳам ичиб олишди — картада фокус кўрсатиб, майхонанинг эгаси билан меҳмонларига маъқул тушишди.

Тонг шу қадар ажойиб эдики, ҳатто Ипполит Матвеевич ҳам тоғ ҳавосидан кучга тўлиб, кечагидан илдамроқ юра бошлади. Ларс станциясидан ўтиш биланоқ Ёнбоштоғнинг баҳайбат деворлари бошланди. Терек водийси шу ерга етганда тор даралар қуршовида қолди. Манзара тобора сийқалашиб, қоялар бетидеги ёзувлар сероблаша борди. Қоялар Терекни роса санжобга олиб, дарё устидаги кўприк бор-йўғи ўн қулочдан ошмаган жойларга етганда даранинг икки бетидеги қоя деворларида ёзув-



лар шунчалик қалашиб кетдики, азбаройи Остап салобатли Дарёл дарасида турганини ҳам унутиб, Терекнинг шовқин-фарёдларини босиб тушмоқчи бўлгандай:

— Улуғ одамлар! Эътибор беринг, сардор. Кўрдунгизми? Булут пастда қолган, бургут хиёл юқорида! Ёзилибди: «Коля ва Мика, 1914 йил июль». Унутилмас манзара! Бадиий томонига эътибор беринг-а! Ҳар битта ҳарф бир метр келади, тагин мойли бўёқ билан ёзишибди! Ҳозир қаердан сўраймиз, ҳов Коля ва Мика?— деб ҳайқириб юборди.

— Киса,— яна гапида давом этди Остап,— биз ҳам тарихда қолмаймизми. Микасини бир ясайлик. Дарвоқе, менда бўр ҳам бор! Худо ҳаққи, ҳозироқ тепага чиқиб: «Киса ва Ося шу ерда бўлган», деб ёзиб тушаман.

Остап, узоқ ўйлаб ўтирмай, шу заҳотиёқ қўлидаги колбасани пастда шиқриб ётган Терек устидаги кўприк панжарасига қўйди-да, қояга тирмаша бошлади.

Ипполит Матвеевич буюк мудаббирнинг ҳаракатига бирпас тикилиб тургач, хаёли бўлиниб кетди ва орқасига ўгирилиб, Тамара қалъасининг қолдиқларини томоша қила бошлади. Қоя устида сақланиб қолган қалъа пойдевори худди отнинг тишига ўхшарди.

Худди шу пайт хазинатопарлардан икки чақирим нарида турган ҳазрати Фёдор Тифлис томондан Дарёл дарасига кириб келди. У солдатчасига бир меъёрда қадам ташлаб борар, тошдек қаттиқ кўзлари олисга тикилган, қўлида эса учи қайрилган узун асо.

Ҳазрати Фёдор қолган-қутган пулини бериб, Тифлисгача етиб олгач, мурувватли одамлардан тушган хайрсадақа билан кун кўриб, юртига пиёда кетаётган эди. Салб довонидан ошиб ўтаётганида (денгиз сатҳидан 2345 метр баландликда) уни бургут чўқиб олди. Ҳазрати Фёдор жангари қушни таёғи билан ҳайдаб, йўлида давом этди.

У булутлар оралаб борар экан:

— Фақат савоб учун, инчунин мени юборган хотинининг хоҳиш-иродаси шу турур!— деб чулдуларди.

Рақиблар орасидаги масофа қисқариб қолди. Ҳазрати Фёдор қоянинг тирсагидан ўтиб, энди бурилган ҳам эдики, рўпарасидан тилла кўзойнак таққан бир чол чиқиб қолди.

Ҳазрати Фёдорнинг назарида дара ўпирилиб тушгандай бўлди. Минг йиллардан бери шовиллаб келган Терек ҳам таққа тўхтади.

Ҳазрати Фёдор Воробьяниновни дарҳол таниди. Ботумда бошига зўр кулфат тушиб, бутун умидлари чилпарчин бўлган ҳазрат жавоҳирлар мана энди насиб этиши мумкинлигини кўргач, бус-бутун ўзгариб кетди.

У бирдан Ипполит Матвеевичга чанг солиб, нозик ҳиқилдоғидан гиппа бўғди-да, бармоқларини қаттиқ ботириб, хириллади:

— Узинг жувонмарг қилган қайнананинг бисоти қани?

Бундай бўлишини мутлақо кутмаган Ипполит Матвеевич оғзини очолмай қолди, кўзлари чақчайиб, ойнакка тегай деб кетди.

— Гапир!— деб ўшқирди ҳазрати Фёдор.— Тавба қил, осий банда!

Воробьяниновнинг нафаси бўғзига тикилди.

Мана энди буни боладим, деб турган ҳазрати Фёдор бирдан қояда Бендерни кўриб қолди. Амалий саркор баралла овозини қўйиб:

Қояларга урилиб маҳзун,  
Кўпиради, қайнайди тўлқин...—

деб бўкирганича қоядан тушиб келарди.

Ҳазрати Фёдорнинг аъзойи баданини чексиз даҳшат қоплади. Қўли ҳамон сардорнинг бўғзида турган бўлса ҳам тиззалари қалтираб кетди.

— Э, ўзларими?!— хушнуд қичқирди Остап.— Биз билан рақобат қилаётган ташкилот кепти-ку!

Ҳазрати Фёдор отига тезроқ қамчи босиб қолди. Фойдадан холи бўлмаган ички бир ҳиссиёт кучи билан у ширкатга қарашли колбаса ва нонни шартта юлқиб, тирақайлаб қочди.

— Уринг уни, ўртоқ Бендер!— деб қичқирди нафасини анча ростлаб олган Ипполит Матвеевич ётган жойида туриб.

— Ушланглар! Бопланглар!

Остап ҳуштак чалиб, ҳай-ҳайлаганича унинг кетидан югурди.

— Ҳа-ҳай!— деб қичқирди у.— Эҳромлар ёнидаги жанг ёхуд Бендер шикорда! Қаёққа тирақайлаяпсиз, ҳув харидор? Ичак-човоғи ағдарилган стул бор, товлари қалай?!

Таъқиб азобига ортиқ бардоши тугаган ҳазрати Фёдор тик қояга ёпишиб, телага ўрмалаб кетди. Така-пука

бўлиб, отилиб чиқай деб турган юраги, фақат қўрқоқларгагина маълум бўлган қуён касали уни тобора юқорига ундарди.

— Олкиш-ш!— пастдан туриб қичқирди Остап.— Ушланглар уни!

— Насибамизни олиб қочди!— чинқириб деди Остапнинг олдига чопқиллаб келган Ипполит Матвеевич.

— Тўхта!— деб ҳайқирди Остап.— Сенга айтяпман, тўхта!

Лекин бу ҳайқириқ ҳолдан тойган ҳазрати Фёдорни баттар жўштириб юборди. У бир тўлганиб, яна ҳамла қилган эди, энг баланд ёзувдан ўн қулочча юқорига чиқиб олди.

— Колбасани чўз!— деб буюрди Остап.— Колбасани чўз, аҳмоқ! Кечаман ҳамма гуноҳингдан!

Ҳазрати Фёдор ҳеч нарсани эшитолмай қолди. У шу вақтгача инсон қадами тегмаган сайхон жойга чиқиб олган эди. Ҳазрати Фёдорнинг ичига гулгула тушиб, қўрқиб кетди. Орқага қайтишнинг иложи йўқлигини билди. Қоя йўл ёқасигача тикка тушган бўлиб, оёқ қўядиган жой кўринмасди. У пастга қаради. Пастда Остап жиғибийрон бўлиб турар, дара тубида эса сардорнинг тилла гардишли кўзойнаги ярқираб кўринарди.

— Колбасани бераман!— деб бақирди тепадан ҳазрати Фёдор.— Мени тушириб қўйинглар!

Жавоб ўрнига Терек айюҳаннос солиб, Тамара қалъасидан қийқириқ овозлар эшитилди. Қалъани бойқушлар макон қилиб олган эди.

— Тушириб қўйингла-а-ар!— деб чинқирди ҳазрати Фёдор йиғламсираб.

У хазинатопарларнинг бутун қилмишидан хабардор эди. Иккови қоя тагида зир югуриб, куракда турмайдиган сўзларни айтиб сўқишарди. Бу уларнинг имо-ишорасидан сезилиб турган эди.

Ҳазрати Фёдор бирор соатдан кейин қояга узала тушиб, пастга энгашиб қараган эди, Бендер билан Воробьянинов иккови Салб довони томонга қараб кетишаётганини кўриб қолди.

Бирпасда қоронғи тушди. Зим-зиё тун қўйнида, даҳшатли шовқинда, шундоққина булутлар остида ёлғиз қолган ҳазрати Фёдор дағ-дағ титраб, хўнг-хўнг йиғларди. Жавоҳирларнинг энди унга кераги йўқ. Фақатгина битта армони бор: ерга тушиб олса, бас.

У туни билан Терекдай бўкириб чиқди, тонг ёриш-гач, колбаса билан нондан тамадди қилиб олди-да, ўтган-кетган автомобиллар устидан қаҳ-қаҳ отиб кулиб ўтирди. Куннинг қолган қисми тоғлар билан осмон ёритгичи бўлмиш қуёшни мушоҳада қилиш билан ўтди. Эртаси кун кечаси эса у тушида подшо Тамарани кўриб чиқди. Тамара қалъадан чиқиб, тўғри унинг олдида учиб келибди-да:

— Қўшни бўлибмиз,— дебди карашма билан.

— Онахон!— деб жавоб берибди ҳазрати Фёдор тўлқинланиб.— Фақат савоб учун...

— Биладан, биладан,— деганмиш подшо хотин,— инчунин сени юборган хотинингни хоҳиш-иродаси шу турур.

— Сиз қаердан биласиз?— ҳайрон бўлиб сўрабди ҳазрати Фёдор.

— Биладан-да. Кириб туринг, қўшни. Олтмиш олти ташлашамиз! Хўпми?

Шундан кейин у қиқирлаб кулибди-да, тун қўйнида камалакдай товланганича учиб кетибди.

Езғизликнинг учинчи кунига келиб ҳазрати Фёдор қушларга диндан ваъз ўқий бошлади. Негадир у паррандаларни лютеранлик мазҳабига тортмоқчи бўлди.

— Жониворлар,— дерди у буларга дўриллаб,— ошкор тавба қилинглар, гуноҳлардан фориг бўлинглар!

Тўртинчи кун деганда пастдан туриб уни сайёҳларга кўрсатадиган бўлишди.

— Унг томонингизда — Тамара қалъаси,— дейишарди тажрибали йўлбонлар,— чап томонда турган нарса тирик одам, қандоқ қилиб қояга чиқиб қолгани, нима билан тирикчилик қилиши бизга номаълум.

— Вой ёввойилар-эй!—ҳайратдан ёқа ушлайди сайёҳлар.— Шунга айтади-да тоғ фарзандлари деб!

Булутлар гужғон ўйнайди. Ҳазрати Фёдорнинг тепасида бургутлар чарх уради. Шулардан биттаси ботирроқ экан, қолган колбасани бир чўқишда олиб қочди, бу ҳам етмагандай, қанотини бир силкиб, бир ярим қадоқча нонни сермавж Терекка тушириб юборди.

Ҳазрати Фёдор бармоғини ниқтаб бургутга пўписа қилгач, шарақлаб кулди-да.

Худо махлуқи қуш ҳам,  
Ташвиш нимадир билмас.

Уям бўлсин деб маҳкам,  
Ортиқча меҳнат қилмас,—

деб пичирлаб қўйди.

Бургут ҳазрати Фёдорга бир ўқрайиб, учиб кетди.  
— Эҳ, бургутвой, бургутвой, ўтакетган аблаҳ экансан!

Орадан ўн кун ўтгач, бутун дов-дастгоҳини кўтариб Владикавказдан бир гала ўт ўчирувчилар етиб келишди ва ҳазрати Фёдорни пастга тушириб олишди.

Тепадан олиб тушишаётганда ҳазрат нуқул чапак чалиб, хунук овози билан:

Ва бўлурсан маликайи жаҳо-о-он сен,  
Менинг мангу маҳб-у-ба ёрим!— деб хиргойи қилиб турди.

Бинобарин пурвиқор Кавказ тоғлари М. Ю. Лермонтовнинг сўзи билан В. Рубинштейн куйини такрорлаб, унга жўр бўлди.

— Фақат савоб учун,— деди ҳазрати Фёдор бренд-мейстрга қараб,— инчунин...

Хохлаб кулаётган руҳонийни машинага босиб, жиннихонага олиб кетишди.

### XXXIX боб

#### ЗИЛЗИЛА

— Сиз нима дейсиз, сардор,— сўраб қолди Остап Сиони деган қишлоққа яқинлашганларида,— ердан икки чақирим баландда турган шу тақир ерда қандоқ қилсак тирикчилик ўтиши мумкин?

Ипполит Матвеевич чурқ этмади. У фақат тиланчиликни билади, шу билангина қорин тўйдириш мумкину, лекин бунақа айланма, сўқмоқ йўлларда кимга қўл чўзишингни ҳам билмайсан: тирик жон кўринмайди.

Дарвоқе, бу томонларда ҳам тиланчилик бор экану, лекин тоғ шароитига хос бўлган тиланчилик: қишлоқда бирор автобус ёки енгил машина кўриниб қолса болалар дарров югуриб келиб, пайдарпай лезгинка ўйинига тушиб кетишади. Кейин машинанинг орқасидан чоп-қиллаб:

— Пул бер! Пул бер!— деб чувиллашади.

Йўловчилар беш тийинлик чақаларни ирғитиб, Салб довонига кўтарилишади.

— Айни муддао,— деди Остап,— ортиқча сарф-харажат талаб қилинмайди, даромаднинг мазаси йўқроғу, лекин бизнинг шароитимизда шуюм бўлаверади.

Сафарнинг иккинчи куни соат иккиларга яқин Ипполит Матвеевич муваққат томошабинлар олдида ўзининг биринчи рақсини ижро этди. Буюк мудаббирнинг ўзи бош-қош бўлиб турган бу рақс кўпроқ мазуркага ўхшаса ҳам, Кавказ тоғининг қуруқ манзараларидан зериккан йўловчилар уни лезгинка ўрнида кўриб, учта беш тийинлик чақа пул билан мукофотлашди. Кейинги машина Тифлисдан Владикавказга қараб кетаётган автобус экан. Буни кўриб, амалий саркорнинг ўзи ўйинга тушиб кетди.

— Пул бер! Пул бер!— деб қичқирди у жаҳл билан.

Йўловчилар кула-кула унинг оёқ ўйинига яхшигина ҳақ тўлашди. Остап тупроқдан ўттиз тийин йиғиб олди. Лекин кутилмаганда сионилик болакайлар рақибларини тошбўронга тутишди. Иккала ҳамроҳ ҳужумга чап бериб, илдам юриб кетишди ва шу атрофдаги овулга етиб олишди. Ишлаб топилган пулга пишлоқ билан чуррак нон харид қилинди.

Хазинатопарлар шу тахлит кун кўриб юришди. Тунайдиган жойлари тоғликларнинг кулбаси эди. Сафарнинг тўртинчи куни икковлари илон изи йўлдан Қайшаур водийсига тушиб олишди. Салб довонига дийдираб қолган хазинатопарлар водийдаги иссиқ қуёш таптида анчагина ўзларини эплаб олишди.

Дарёл қоялари, тунд ва совуқ довон ортда қолиб, пастда ям-яшил, гавжум водий бошланди. Ҳамроҳлар Арагва дарёсини тепалаб ўтиб, сигир-бузоғи, ноз-неъмат сероб бўлган гавжум водийга тушишди. Бу ерда ишқилиб бирор нимани тилаб олиш, ишлаб топиш ёки тўғридан-тўғри ўмариш мумкин. Бу — Закавказье эди.

Руҳи тетиклашган хазинатопарлар илдамроқ юриб кетишди.

Ҳамтовоқлар бир жуфт меҳмонхона билан бир талай майхоналари бўлган Пассанаур отлиқ бадавлат ва жазирама қишлоққа етиб келишгач, озроқ чуррак нон тилаб олиб, «Франция» меҳмонхонасининг рўпарасидаги чакалакзорга кириб ётишди. Меҳмонхонанинг ёни боғ бўлиб, занжирда иккита айиқча кўринди. Иссиқ ҳаво, ширин

нон хазинатопарларга маъқул тушди, улар тинчгина дам ола бошлашди.

Дарвоқе, орадан кўп ўтмай, уларнинг тинчлиги бузилди: автомобиллар вағиллаб, шағал тўкилган йўлда янги покришкалар гижирлаб кетди, атрофни қий-чув босди. Дўстлар мўралаб қарашди. Бир-бирига айнан ўхшаган учта яп-янги машина «Франция» меҳмонхонасига яқинлашди. Автомобиллар жимгина тўхтади. Энг олдинги машинадан Персицкий сакраб тушди. Орқасидан чангга ботган сочларини тўғрилаб, «Жазо ва сазо» тушиб келди. Шундан кейин «Станок» газетаси қошидаги автомобиль клубининг бошқа аъзолари ҳам машиналардан ёпирилиб тушишди.

— Дам олинглар!— деб қичқирди Персицкий.— Хўжайин! Ун бешта кабоб қўйинг!

«Франция»да карахт одамлар гимирлаб қолди, оёғидан тортиб, ошхонага судралган қўйнинг фарёди эшитилди.

— Бу йигитчани танимадингизми?— деб қолди Остап.— «Скрябин»даги газетачи-ку, биз ясаган шиорни танқид қилганлардан бири. Аммо-лекин дабдабалари зўр-ку! Узи нима гап экан?

Остап кабобхўрларга яқинлашиб, ўта назокат ила Персицкий билан сўрашди.

— Бонжур!— деб жавоб берди газетачи.— Сизни қардадир кўрганман-а, қадрли ўртоқ? Э-э-э! Эсладим. «Скрябин»даги рассомсиз! Тўғрими?

Остап қўлини кўксига қўйиб, тавозе билан таъзим қилди.

— Тўхтанг, тўхтанг,— яна сўз қотди хотираси зўр Персицкий.— Хўв Москвада, Свердлов майдонида извош босган одам сиз эмасмидингиз?

— Ҳа, бўлмасам-чи! Яна, зўр таъбирингиз билан айтганда, бир оз қўрқиб кетганман, холос.

— Бу ерларда нима қилиб юрибсиз, яна бадий безак масалалари биланми?

— Йўқ, саёҳат важи билан.

— Яёв-а?

— Яёв. Мутахассисларнинг фикрига қараганда Ҳарбий-Грузин йўлида автомобилда саёҳат қилиш фирт бемаънилик эмиш.

— Унчалик эмас, азизим, унчалик эмас! Мана, масалан, бизлар маза қилиб юрибмиз. Кўриб турибсиз, ма

шина дегани ўзимизники, қайтариб айтаман, ўзимизники, жамоатники. Йўлимиз равон: Москва — Тифлис. Сариқ чақалик бензин кетмайди. Ҳам қулай, ҳам тез. Юмшоқ рессоралар, нақ Европанинг ўзи!

— Нима худо ёрлақади?— деди Остап ичи куйиб.— Юз минг ютуқ чиқдимми?

— Юз минг бўлмасаям, лекин эллик минг ютволдик.

— Тўққиз ўйнабми?

— Автомобиль клубига тегишли заёмдан ютуқ чиқди.

— Шундоқ денг, автомобиллар ўша пулга келибди-да?

— Нимасини айтасиз!

— Шундоқми? Балки бирор мутасадди керакдир сизларга? Битта йигит бор, танишим. Ўзи ичмайди.

— Қанақа мутасадди?

— Ҳа, шу-да... Умуман, раҳбарлик қилади, керак бўлса, маслаҳат беради, билмаган нарсангизни ўргатиб юради... Хўш?

— Фикрингизга тушундим. Йўқ, керак эмас.

— Керак эмасми?

— Йўқ. Афсус, рассомниям кераги йўқ.

— Унақа бўлса ўн сўм бериб туринг.

— Авдотъин,— деди Персицкий.— Илтмос, манави гражданга менинг ҳисобимдан уч сўм бериб юбор. Тилхат олмасанг ҳам бўлади. Ҳисобдан ташқари бу одам.

— Жуда оз бўлсаям, лекин кўп ўрнида кўраман,— деди Остап.— Аҳволингиз чатоқ, тушуниб турибман. Агар юз минг ютуқ чиққанида қарзга нақд беш сўм берган бўлардингиз, буниси аниқ. Ваҳоланки, атиги эллик минг сўм ютгансиз, холос. Бир тийин ками йўқ. Ҳар ҳолда шунисигаям раҳмат!

Бендер илтифот ила бошидан шляпасини олди. Персицкий ҳам илтифот ила бошидан шляпасини олди. Бендер лутфан таъзим қилди. Персицкий ҳам букилиб таъзим қилди. Бендер қўлини силкитди. Персицкий ҳам рулга ўтириб, қўлини силкитди. Персицкий дегани қўлингизни автомобилга ўтириб, шўх улфатлари билан ажойиб манзилларга жўнаб кетди, боёқиш буюк мудаббир эса каллаварам шериги билан кўчада чанг ютиб қолди.

— Дабдабани кўрдингизми?— деб сўради Остап. Ипполит Матвеевичдан.



— Бу нима ўзи, Закавтопромторгми ёки хусусий «Мотор» жамияtimi?— билагонлик қилди Воробьянинов шунча кун йўл босиб, ўтган-кетган машиналарнинг хиллини яхшигина тушуниб қолгани учун.— Буларнинг олдига бориб, бир ўйнаб бермоқчи эдим.

— Шу кетишда миянгиз тамоман суюлиб қолмаса деб қўрқаман, шўрлик дўстим, Закавтопромторг нимаси? Булар эл-лик минг сўм ютган одамлар, Қиса, билдингизми! Ўзингиз кўриб турибсизки, озмунча темир-терсак харид қилишмабди! Пулимиз қўлга тегсин, бир фаросат билан сарф қилайликки. А, лаббай?

Бойиб қолсак, анавини оламиз, манавини оламиз, деган ширин хаёллар билан ҳамтовоқлар Пассажаурдан йўлга чиқишди. Ипполит Матвеевич дарҳол янги пайпоқ сотиб олиб, ҳорижга жўнаб кетишини аниқ билади. Останинг орзулари эса каттароқ. Унинг режалари оламшумул: ё Мовий Нилга тўғон солади, ё бўлмаса, Ригада қиморхона очиб, қўшни мамлакатларда унинг шуъбаларини ташкил қилиб юборади.

Сайёҳлар Ананур, Душет, Цилкани деган кўримсиз, кўчалари билқ-билқ чанг жойлардан ўтиб, учинчи куни пешинга яқин Грузиянинг қадимий пойтахти Мцхетга етиб келишди. Худди шу ерда Кура Тифлис томонга бурилди.

Кечқурун эса улар ЗАГЭС — Земо-Авчал гидроэлектростанциясидан ҳам ўтишди. Ойна, сув ва электр нури ранг-баранг чироқларда товланади ва буларнинг ҳаммаси айқириб оқаётган Кура бетида липиллаб акс этади.

Шу ерда хазинадопарлар бир деҳқон билан қаймоқлашиб қолишди. Деҳқон буларни аравасида Тифлисга келтириб қўйди. Кеч соат ўн бир бўлиб, Грузия пойтахтининг аҳолиси кун бўйи иссиқдан толиқиб, кечқурунги салқинда кўчаларга ёпирилиб чиқадиган пайт эди.

— Шаҳарча чакки эмас,— деди Остап Шота Руставели кўчасига чиқишгач,— биласизми, Қиса...

Останинг гапи бўғзида қолиб, ўзи олдинда кетаётган бир кишининг орқасидан югуриб қолди. Ун қадамчадан кейин унга етиб олди-да, қуюқ сўраша кетди.

Остап тезда орқасига қайтиб, Ипполит Матвеевични биқинига туртди.

— Қим шу, биласизми?— деди у шивирлаб.— «Одесса нон артели — Москва тешиккулчалари» шу бўлади, гражданин Кислярский. Юринг олдига. Ғоят таажжубли

бўлса ҳам сиз яна донишманд, рус демократиясининг отахонисиз. Лунжингизни шишириш, мўйловни қимирлатиш эсдан чиқмасин. Узиям бир қаричга етиб қопти. Эҳ, жин ургур! Тасодифни қаранг-а! Омад! Агар ҳозирнинг ўзида уни беш юзга туширмасам, бетимга туф денг! Юринг! Юринг!

Чиндан ҳам хазинатопарлардан сал нарида даҳшатдан бўзариб Кислярский турарди. Эгнида оқ жужун костюм-шим, бошида эса қаншари паст похол шляпа.

— Бир-бирингни танисаларинг керак,— деди Остап шивирлаб,— бу киши императорнинг яқин аҳбоби, донишманд, рус демократиясининг отахони бўладилар. Кийим-бошларига эътибор қилманг. Йўли шунақа. Бизни тезроқ бирор ерга олиб боринг. Гаплашиб олишимиз керак.

Старгородда бошига тушган кулфатлардан кейин Кавказда бир ҳордиқ чиқармоқчи бўлган Кислярский мутлақо гангиб қолди. У тешиккулчанинг бозори касод бўлгани ҳақида алланималарни гўлдираб, қўрқинчли танишларини зинасию, кегайларигача кумуш суви берилган извошга ўтказиб, Довуд тоғи томонга олиб кетди. Ресторанлар уя қурган тоғ тепасига осма темир йўлдан чиқиб боришди. Тифлис мишг-мишглаб чироқлар гужгон ўйнаган жаҳаннам тубида қолди. Исёнчилар юлдузларга яқинроқ чиқишди.

Ресторан столлари очиқ жойга, шундоққина майса устига қўйилган эди. Кавказча оркестр аллақандай куйни тинғиллатиб чалар, кичкинагина бир қизча ота-онасини хурсанд қилиб, столлар орасида билганича лезгинкага ўйнардди.

— Айтинг, бирор нима олиб келишсин,— деди Бендер луқма ташлаб.

Бунақа ишларда суяги қотган Кислярскийнинг амри фармойиши билан шароб, кўкат ва грузинларнинг шўр нишлоғи келтирилди.

— Бирор егулик нарса ҳам беришсин,— деди Остап.— Ипполит Матвеевич икковимизнинг бошимизга нималар тушганини билсангиз эди, сабр-матонатимизга қойил қолардингиз, қадрдон жаноб Кислярский.

— «Бошланди!— дилидан ўтказди Кислярский гижиниб.— Мен учун яна азоб-уқубатлар бошланди. Нега кетавермадим, а? Қримга бормоқчидим-ку, ахир! Генриет-таям ўша ёққа бор, девди!»

Лекин шундай бўлса ҳам у индамайгина икки сих кабоб буюрди-да, қулоғим сизда, дегандай Остапга қаради.

— Гап бундоқ,— деди Остап ён-верига қараб олгач, овозини пасайтириб,— чўзиб ўтирмайман. Икки ойдан бери кетимизга одам тушган. Махфий жойимизда эртага пистирмага йўлиқсак ажаб эмас. Отишма бўлиши турган гап.

Кислярскийнинг ранги докадай оқариб кетди.

— Ана шундай хатарли вазиятда сиздай содиқ ватан мужоҳидини учратиб қолганимиз кўп яхши бўлди,— деб қўшиб қўйди Остап.

— Ҳм... шундоқ!— салмоқланиб деди Ипполит Матвеевич. Шу топда Сиони ёнида оч қоринга бошлаб лезгинка ўйнагани эсига тушиб кетди.

— Шундоқ,— шивирлаб деди Остап.— Сизнинг кўмагингизда душманга қирон келтирамиз. Қўлингизга парабеллум бериб қўяман.

— Қераги йўқ,— қатъий эътироз билдирди Кислярский.

Салдан кейин маълум бўлишича, биржа комитетининг раиси эртага бўладиган жангда қатнашолмас экан. Афсуски, бунга имкон йўқ. Нега деганда у ҳарбий санъат сирларидан бебаҳра қолган. Худди шунинг учун ҳам уни биржа комитетига раис қилиб сайлашган. Аҳвол чатоқлигини ўзиям сезиб турибди, лекин нима қилсин, рус демократиясининг отахони ҳаётини сақлаб қолиш учун (эски октябрист бўлгани учун бунинг аҳамиятини тушунади, албатта) қўлдан келганича молиявий ёрдам бериши мумкин, холос.

— Сиз ватаннинг содиқ дўсти экансиз!— деди виқор билан Остап хушбўй кабоб кетидан чучмал кипчани шаробини қултиллашиб ютар экан.— Донишмандни хатардан сақлаб қолиш учун беш юз сўм лозим бўлади.

— Нечук, донишмандни икки юз сўм билан сақлаб қолишнинг иложи йўқмикин?— деб сўради Кислярский бўшашиб.

Остап тутақиб кетиб, стол тагидан Ипполит Матвеевични оёғи билан бир тепди.

— Менимча, бу ерда савдолашиб ўтирсак айб бўлади!— деб қўйди Ипполит Матвеевич.

Шу заҳотиёқ сонига тепки тушди.

«Офарин, Қиса, ўғитларим зое кетмабди, офарин!»— деган маънода эди бу тепки.

Қислярский донишманднинг овозини биринчи марта эшитиши эди. Бу янгиликдан ниҳоятда ҳайратга тушган Қислярский шу заҳотиёқ Остапга беш юз сўмни санаб берди. Шундан кейин у ҳисоб-китоб қилди-да, боши оғриб турганини баҳона қилиб, жўнаб қолди. Дўстлар ёлғиз қолишди. Ярим соатдан кейин Қислярский Старгородга, хотинининг номига шу мазмунда телеграмма жўнатди:

Маслаҳатингга кўра Қримга кетяпман ҳар эҳтимолга қарши саватчани ҳозирлаб қўй.

Шунча чеккан азоб-уқубатлари эвазига Остап Бендернинг бадани бир яйраб олмаса бўлмасди. Шунга кўра ўша куни буюк мудаббир тоғдаги ресторанда эси оғиб қолгунча ичиб, меҳмонхонага қайтишаётганида финикулёр вагонидан жарга қулаб тушишига сал қолди. Эртаси куни у кўпдан дилига тугиб юрган ниятини амалга оширди. Ўзига танга гулли, кулранг, антиқа бир костюм-шим сотиб олди. Гарчи дим ҳавода терлаб-пишсаям, уни эғнидан қўймай кийиб юрди. Тифкооперацияга қарашли тайёр кийимлар дўконига бориб, Воробьяниновга оқ костюм-шим билан номаълум яхт-клубнинг зарҳал тамғаси босилган фуражка харид қилишди. Либосни кийиб олгач, Ипполит Матвеевич савдо кемасининг қўлбола адмиралига ўхшаб кетди. У қаддини ғоз тутиб, виқор билан юрадиган бўлиб қолди.

— Оҳ! Қойилмақом!— деб қолди Бендер.— Агар мен хотин киши бўлганимда борми, сиздай сулув, сиздай дюжурак йигитдан саккиз фоиз кам ҳақ олган бўлардим. Оҳ! Оҳ! Шундоқ кийим билан икковимиз бемалол овга чиқишимиз мумкин! Овга чиқишни биласизми, Қиса?

— Стул нима бўлади, ўртоқ Бендер?— қистовга олди Воробьянинов.— Театрни суриштириб кўриш керак.

— Ҳо-о!— деди Остап «Ориант» меҳмонхонасининг Ғарб усулида ясатилган кенг номерида стулни ачомлаб рақсга тушар экан.— Менга ақл ўргатманг. Жаҳдим ёмон энди. Қўлимга пул тушди. Лекин ҳалиям тантиман. Сизга йигирма сўм пул ва уч кун муҳлат бераман, шаҳарни талон-торож қилишингиз мумкин! Мен суворовчасига иш кўраман!.. Таланг шаҳарни, Қиса! Ўйнанг, кулинг!

Шундан кейин Остап сонларини ликиллатиб, баралла қўшиқ айтиб юборди.

Оқшомги садо, оқшомги садо,  
Оҳ, хаёлларга қилдинг мутлабо.

Қадрдон дўстлар бир ҳафтагача бошларини кўтармай ичишди. Воробьяниновнинг адмиралча кийим-боши турфаранг шароб доғларига лиқ тўлди. Остапнинг костюмида эса каттакон камалакнусха доғ пайдо бўлди.

— Салом бердик!— деб қолди саккизинчи куни эрта билан Остап бош оғриғига «Заря Востока» газетасини ўқиб ўтирар экан.— Мана, ароқхўр, эшитиб қўйинг, ақлли одамлар газетада нима деб ёзишибди! Эшитинг!

#### ТЕАТР ЯНГИЛИКЛАРИ

Москвадаги Колумб театри кеча, 3 сентябрда Тифлисдаги гастролларини тугатгач, Ялтага гастролга жўнаб кетди. Театр Москвада қишқи мавсум бошлангунга қадар Қримда қолмоқчи.

— Ана! Айтдим-ку, сизга!— деб юборди Воробьянинов.

— Нимани айтдингиз!— силтаб ташлади уни Остап.

Бироқ у хижолатда эди. Йўл қўйган хатоси ўзигаям ёмон таъсир қилди. Мана энди Тифлиснинг ўзида битиши мумкин бўлган иш Қрим ярим оролига кўчди. Остап дарҳол ҳаракатни бошлаб юборди. Ботумгача билет олиб, 7 сентябрь куни Москва вақти билан соат 23 да Ботумдан Одессага қараб жўнайдиган «Пестель» пароходининг иккинчи класс бўлмасига 2 та жой буюриб қўйишди.

Ўнинчи сентябрдан ўн биринчи сентябрга ўтар кечаси, денгизда пўртана тургани сабабли «Пестель» Анапага кирмай, тўғри очиқ денгизга чиқиб, Ялтага қараб кетаётган бир пайтда Ипполит Матвеевич туш кўрди.

Тушида у Старгороддаги уйининг балконида адмирал кийимида турган эмиш, пастдаги оломон бир нимага мунтазирдай мўлтираб қарармиш. Баҳайбат кўтарма кран пайдо бўлиб, оёғининг тагига битта чўчқани ташлабди. Чўчқанинг устида тангадай-тангадай қора холлари бормиш.

Шу пайт илгариги қоровули Тихон костюм-шимда келиб қолибди-да, чўчқани орқа оёғидан кўтариб:

— Эҳ, ҳаром қотгур! «Нимфа»да попилдириқ нима қилсин!— дебди.

Ипполит Матвеевичнинг қўлида ханжар пайдо бўлганмиш. У шу ханжар билан чўчқанинг биқинига бир туширган экан, каттакон тешик очилиб, ичидан гавҳарлар думалаб тушганмиш. Гавҳарлар цемент полда ўйноқлаб, ҳадеб тарақлайверибди. Бора-бора шовқин кучайиб, даҳшатли тус олганмиш.

Ипполит Матвеевич иллюминаторга урилган тўлқин зарбидан уйғониб кетди.

Денгиз тинчиб, одамни лоҳас қилувчи эрталабки қуёш чарақлаб турган бир пайтда Ялтага етиб келишди. Кўнгил айниши босилган сардор кема тумшугида, жимжимадор, қуйма славянча ёзувли қўнғироқ ёнида керилиб турарди. Шодон Ялта кемадагиларни тоҳил бўйлаб саф тортган жимит дўкончалари-ю, сув бетигади ресторанлари билан кутиб олди. Пристанда устига канопдан соябон тутилган, духоба ўриндиқли фэйтонлар, «Кримкурсо» ҳамда «Қрим шофёри» ширкатига қарашли автобину автобуслар қаторлашиб турибди. Лолақизгалдоқдай қизарган қизлар бошлари узра соябонларини пириллатиб, рўмолчаларини силкитишади.

Қадрдон дўстлар тандирдай қизиган соҳилга биринчи бўлиб тушишди. Кутиб олишга ёки шунчаки томошага келган оломон орасидаги жужун-костюм-шимли бир одам хазинатопарларга кўзи тушиши биланоқ тўпдан чиқиб, порт эшигига қараб тез-тез юриб кетди. Аммо фурсат қўлдан кетган эди. Етти чақиримдан овнинг исини сезадигаң буюк мудаббир жужунчани таниб қолди.

— Тўхтанг, Кислярский!— деб қичқирди Остап.

Остап шу заҳотиёқ олдинга ташланиб, эшикка ўн қадам қолганда уни қувиб етди. Бир зумда у юз сўм ўлжа билан қайтиб келди.

— Бошқа бермади. Қолаверса, ўзим ҳам ортиқча қистамадим, уйига кетолмай юрмасин тагин.

Гапи тўғри чиқди. Кислярский дарҳол машинага ўтириб, Севастополга қочиб қолди. Кейин энг арзон билетдан олиб, Севастополдан уйига, Старгородга жўнаб кетди.

Хазинатопарлар дам-бадам душга югуриб, кун бўйи меҳмонхонада ечиниб ўтиришди. Совиб қолган чойга ўх-

шаб, душдан илиқ сув тушарди. Ҳаво қизиб кетган. Бамисоли Ялта ҳозир эриб кетади-ю, шилқ этиб денгизга оқиб тушадигандай.

Кечки пайт соат саккизга яқин хазинатопарлар дунёдаги жами стулларнинг авра-астарини ағдариб сўкиб, қизиб кетган сандалларини оёққа илганларича театрға жўнашди.

«Уйланиш» кетаётган экан. Иссиқ элтиб қўйган Степан зўрға ерга қўлини тираб турибди. Агафья Тихоновнанинг қўлидан тер қуяди, устига «Подколесинни хоҳлайман» деб ёзилган соябонни кўтариб, симдорда ўйноқлаб чопади. Шу топда кўнгли фақат бир нарсани тусайди: қани энди ичига муз солинган совуқ сув бўлса. Дарвоқе, у эрталабдан бери шуни орзу қилади. Томошабинлар ҳам чанқаб кетди. Шунинг учун бўлса керак, қайноқ тухум қўймоқни паққос тушираётган Степанни кўриб, ҳамманинг кўнгли айниди, томоша манзур бўлмади.

Хазинатопарларнинг эса қулоғи оғзида: нега деганда уларнинг стули рококо услубидаги учта яп-янги стул билан бир жойда қимир этмай турган экан.

Дўстлар ложалардан бирига яшириниб, ҳаддан ташқари чўзилиб кетган томоша қачон тугагини сабр-тоқат билан кутиб ўтиришди. Ниҳоят, томошабинлар тарқалиб, актёрлар соф ҳаво олгани югуриб қолишди. Театр биносида ҳиссадор ширкат аъзоларидан бўлак тирик жон қолмади. Ҳамма ниҳоят шариллаб қўйиб берган ёмғирдан баҳра олгани кўчага югуриб чиқди.

— Орқамдан юринг, Киса,— деб буюрди Остап.— Бир нима бўлса, бизлар қишлоқдан келганмиз, театрдан чиқолмай, адашиб қолдик.

Икковлари саҳнага ўтишди, гугурт чаққан билан ба-рибир гидравлик прессга қоқилиб, саҳнани обдан тинтиб чиқишди.

Буюк мудаббир зинадан югуриб юқорига, саҳна анжомлари турадиган хонага чиқди.

— Бу ёққа келинг!— деди у овоз бериб.

Воробьянинов лапанглаб ўша ёққа отилди.

— Кўрдингизми?— деб сўради Остап гугурт чақиб.

Шу он Гамбс стулининг қирраси-ю, соябондаги «...хоҳлайман» деган ёзув ёришиб кетди.

— Мана! Мана бизнинг келажагимиз, ҳозиримиз ҳам ўтмишимиз.

— Гугурт чақиб туринг, Қиса. Ҳозир ёриб кўраман. Остап асбоб олиш учун чўнтагига қўл солди.

— Хўш,— деди у стулга қўлини узатиб,— яна ёқингчи, сардор.

Гугурт лов этиб ёнди, буни қарангки, гугурт чақилиши биланоқ стул турган жойида бир сапчиб, шу ондаёқ тахта пол тагида ғойиб бўлди. Хазинатопарларнинг эси чиқиб кетди.

— Ойижон!— деб чинқириб юборди Ипполит Матвеевич ғайри ихтиёрий равишда девор томонга отилиб тушиб.

Дераза ойналари жаранглаб синди, устига «Подколесинни хоҳлайман» деб ёзилган соябонни бўрон деразадан ошириб денгизга улоқтирди. Остап фанер тўсиқлар тагида чўзилиб ётарди.

Соат ўн иккидан ўн тўрт минут ўтган эди. Бу — 1927 йили Қримда содир бўлган даҳшатли зилзиланинг бошланиши эди.

Ярим оролга жуда катта кулфат келтирган тўққиз балли зилзила хазинатопарларга ҳам жабр қилди — қўлга кирай деб турган жавоҳирлар изсиз йўқолди.

— Уртоқ Бендер! Нима бўлди ўзи?— деб бўқирди Ипполит Матвеевич даҳшат ичида.

Остап аламига чидаёлмасди — зилзила еб турган ошига чанг солди. Шунча яшаб, шунча ошаб, биринчи марта шундай бўлиши эди.

— Нима гап ўзи?— яна чинқирди Воробьянинов.

Кўча томондан одамларнинг қий-чуви, ниманидир сингани, дукур-дукур оёқ товушлари эшитилди.

— Бу шу деган гапки, девор қуламай туриб тезроқ кўчага қочиш керак. Тезроқ бўлинг! Тезроқ! Қўлингизни беринг, аммамнинг бузоғи!

Икковлари эшикка қараб югуришди. Улар не кўз билан кўрсинки, саҳнадан тор кўчага чиқиладиган эшик тагида Гамбс стули ағанаб ётарди. Ҳамма ёғи бут-бутун, ҳеч қаери шикастланмаган. Ипполит Матвеевич қашқирдай увиллаб, таппа ўзини стулга ташлади.

— Омбурни беринг!— деб бақирди у Остапга.

— Овсар, аблаҳ!— инқиллаб деди Остап.— Ҳозир том босиб қолади, бу нима жиннилик! Тезроқ чиқинг кўчага!

— Омбур!— деб чинқирди эс-хушини йўқотиб қўйган Ипполит Матвеевич.



— Э, жин урсин! Менга деса стул-пистулингиз билан қўшмозор бўлмайсизми! Менинг ҳаётдан умидим бор ҳали!

Шундай деб, Остап ўзини кўчага отди. Ипполит Матвеевич чийиллаганича стулга ёпишиб, Остапнинг кетидан югурди.

Улар торкўчанинг ўртасига югуриб чиқишган ҳам эдики, замин хунук чайқалиб, театр томидаги черепицалар қулаб тушди, ҳозиргина хазинатопарлар турган жойга ағнаб, гидравлик пресс чилпарчин бўлди.

— Қани, стулни олинг энди,— деди Бендер бо-сиқлик билан.— Қўлингиз анча толиқиб қолганга ўхшайди.

— Бермайман!— чийиллаб деди Ипполит Матвеевич.

— Ия, бу нимаси? Кемада исён бўляптими? Стулни чўзинг. Эшитяпсизми?

— Ҳо, меники бу!— шанғиллаб кетди Воробьянинов. Кўчадаги инграган, йиғлаган, тарақлаган овозлар бир зум эшитилмай қолди.

— Ундай бўлса насибангизни олиб қўйинг, қари галварс!

Остап чўяндай кафти билан Воробьяниновнинг гарданига туширди.

Худди шу пайт кўчадан машъала ёқиб, ёнгин ар-валари ўтиб қолди. Ипполит Матвеевич ғира-шира машъ-ала ёруғида Бендернинг важоҳатини кўрди-ю, дарҳол бўшашиб, стулни узатди.

— Хўш, энди олам гулистон,— деди Остап ҳанси-раб,— исён бостирилди. Мана энди стулни олиб, орқам-дан юринг. Буюмга тўла жавобгарсиз. Зилзила эллик баллга чиққан тақдирда ҳам стул омон қолиши керак. Тушунарлими?

— Тушунарли.

Яна ер қимирлаб қолишидан қўрқиб, шу кеча ҳеч ким уйига кирмади. Ҳамтовоқлар ҳам васвасага тушган одамлар қатори туни билан кўчаларда изғиб чиқишди.

Тонг ёришиб, ғулғула анча босилгач, Остап стулни текшириб кўришга аҳд қилиб, кўнгилдагидай бир жой танлади. Атрофда қулаб тушиши мумкин бўлган девор ҳам, ҳалақит берадиган одамлар ҳам йўқ эди.

Натижани кўриб, хазинатопарлар ҳанг-манг бўлиб қолди. Стулдан ҳеч вақо чиқмади. Шу кеча, шу саҳар чоғи бошига тушган бу кўргиликларга Ипполит Матвеевичнинг асаби бардош беролмади, сичқонга ўхшаб; у чийиллаб қаҳқаҳа отди.

Шу пайт ер учинчи марта ларзага келиб, ёрилиб кетди ва биринчи силкинишда омон қолган бўлса ҳам мана энди одамзод дастидан ичак-чавоғи ағдарилиб, булут тўзони орасидан мўралаган офтоб қаршиснда гуллари тиржайиб қолган Гамбс стулини қаърига ютиб юборди.

Ипполит Матвеевич эмаклаб бориб, мис баркашдай яллиғланиб турган қуёшга бужмайиб қаради-да, бирдан увиллаб юборди. Унинг товушини эшитиб, буюк мудаббир ҳушидан кетди. Ўзига келиб, ён-верига қараган эди, Воробьяниновнинг тук босиб, моматалоқ бўлиб кетган иягига кўзи тушди. Ипполит Матвеевич беҳуш ётарди.

— Ҳар қалай энди биз юз фоиз имкониятга эгамиз,— деди Остап терлама касалидан энди турган одамдай дармонсизланиб.— Стулнинг охиргиси («стул» сўзи қулоғига кириши билан Ипполит Матвеевич кўзини очди) Октябрь вокзалининг омборида ғойиб бўлган эди, лекин униям ер ютмаган бўлса керак. Шунга шунчаликми? Мажлис давом этади.

Аллақаерда гумбурлаб ғишт-девор йиқилди. Қулоқни қоматга келтиргудай бўлиб кема кетма-кет сигнал чаларди.

## XL боб

### ДАФИНА

Қамзулини ечиб, майда-майда кумушранг юлдузчалар чақнаб турган ялтироқ нимчада Ипполит Матвеевич октябрь ойининг ёмғирли бир кунда Ивановулонинг хонасида куймаланиб юрарди. Бу хонага ҳалигача стол буюрмагани учун Ипполит Матвеевичнинг иш жойи дераза токчасида эди. Буюк мудаббир адрес ёзилган тах-

тачаларга бадий безак бериш учун уй-жой ширкатидан каттагина буюртма олган, Остап Воробьяниновга шу хилдаги андазани топиб бергач, ўзи қарийб бир ойдан бери Москвада, Октябрь вокзали атрофида роса изғиб, Петухова хонимнинг бисоти жойланган ўша охирги стул илинжида юрибди.

Ипполит Матвеевич пешонасини тириштириб, тунука тахтачаларга андаза кўчиради. Жавоҳир иштиёқида кечган ярим йил ичида унинг феъл-атвори ўзгариб қолди.

Кечалари Ипполит Матвеевич ҳар балони туш кўриб чиқади. Гоҳ совуқ шиорлар осилган тоғ чўққилари тушига кирса, гоҳ лўмбиллаган сонларини селкилла-тиб, олдидан Изнуренков ўтгандай бўлади, гоҳ эса тушида қайиқлар ағдарилиб, ичидаги одамлар сувга чўкиб кетади, бир пайт осмондан ғишт ёғса, яна бири-да ер ёрилиб, ичидан чиққан тутун кўзини ачиштиради.

Остап худонинг берган куни Ипполит Матвеевич билан мулоқотда бўлса ҳам ундаги ўзгаришларни мутлақо сезмасди. Ваҳоланки, Ипполит Матвеевичда ўзгариш катта. Ипполит Матвеевичнинг оёқ олиши бошқача бўлиб қолган, кўзини кўрган одам қўрқиб кетади, илгариги шоп мўйлов қайда, ҳозир уям шалвираб, қўтир мушукникидай лаб-даҳанига осилиб тушган.

Ипполит Матвеевич руҳан ҳам ўзгариб қолди. Феъл-атворида шу вақтгача сезилмаган қатъият, бераҳмлик белгилари пайдо бўлди. Бошидан кечирган учта ҳодиса: васюкилик шахмат ишқибозларининг уркалтагидан силлиққина қочиб қутулгани, Пятигорскдаги «Гулшан» атрофида умрида биринчи бор тиланчилик қилгани ва ниҳоят, зилзилага учрагани ана шу хислатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлди. Айниқса, ўша зилзиладан кейин Ипполит Матвеевичнинг феъли ўзгариб, шеригига нисбатан юрагида адоват уйғонди.

Кейинги пайтларда Ипполит Матвеевич оғир шубҳалар гирдобида қолди. У бир кунмас-бир кун Остап бир ўзи стулни очиб, бор ўлжани олиб қочади, мен бўлсам қўлимни бурнимга тикиб қолавераман, деб қўрқарди. Остапнинг қўли югурдак, феъли ярамас эканини яхши билгани учун унга бу ҳақда оғиз очишга ботинолмасди. Ипполит Матвеевич кун бўйи ўтмас устара билан дераза тагида эски ёзувларни қиртишлаб ўтирар экан, шуни

ўйлаб, юрак-бағри эзилиб кетарди. Ҳар куни унинг назарида Остап бугун қайтиб келмайдигандай, собиқ дворянлар сардори эса ёмғирда бўккан Москва девори тагида очликдан тиришиб ўлиб кетадигандай туюларди.

Бироқ Остап, гарчи хушxabар олиб келмаса ҳам ҳар куни кечқурун уйга қайтиб келарди. Унда битмас-туганмас куч-ғайрат, қувноқ кайфият мавжуд эди. У ноумидлик нималигини асло билмасди.

Йўлакда тапир-тупур оёқ товуши эшитилиб, кимдир пўлат сандиққа қоқилиб тушди, кейин, шамол китоб бетини варақлагандай, лип этиб фанер эшик очилди. Остонада буюк мударбир кўринди. Уст-боши жиққа хўл, ёноқлари нақш олмадай қип-қизил, ўзи эса ҳаллослаб турарди.

— Ипполит Матвеевич!— деди у додлагудай бўлиб.— Менга қаранг, Ипполит Матвеевич!

Воробьянинов ҳайрон бўлди. Амалий саркор шу вақтгача бирор марта ҳам унинг исми шарифини айтиб чақирмаган эди. Ва дарҳол сездики...

— Топилдими?— ҳовлиқиб сўради у.

— Топилганда қандоқ, ҳамма гап шунда-да. Эҳ, Киса, жин ургур Киса!

— Бақирманг, одамлар эшитади.

— Тўғри, тўғри, эшитиб қолишади,— шивирлашга ўтди Остап.— Топилди, Киса, топилди, хўп десангиз, ҳозироқ бориб кўрсатишим мумкин. Темирйўлчилар клубида, янги очилган клубда турибди... Куни кеча очилибди... Қандоқ топдинг, дейсизми? Оппа-осон деб ўйлайсизми? Ғоят оғир иш! Бир қулинг ўргилсин тадбир ишлатдикки, унча-мунча одамнинг ақлига келмайди, охириям зўр бўлди! Антика саргузашт!.. Қисқаси, қойилмақом!

Остап Ипполит Матвеевич елкага камзул ташлашини ҳам кутмай, апил-тапил йўлакка отилди. Воробьянинов зинада унга етиб олди. Шалаббо кўчаларда йўл-йўлакай савол-жавоб қилиб, ўпқасини қўлтиқлаганича иккови Каланча майдонига қараб чопқиллаб кетди. Уша жойга трамвайда ҳам бориш мумкинлиги ҳатто эсларига келмади.

— Ямоқчига ўхшайсиз-а, Киса!— деди шўх бидирлаб Остап.— Одам деган сал ўзига қараб юриши ҳам керак. Сиздақаларга оҳори тўкилмаган либос, ипак

пайшоқ муносиб, бошда эса албатта цилиндр бўлиши шарт. Кўринишингизда қандайдир улугворлик бор! Менга қаранг, сиз ростдан дворянлар сардори бўлганмисиз?

Остап ичи тўла дурри жавоҳир бўлишига қарамай, шахмат тўгараги хонасида шумшайибгина турган Гамбс стулини кўрсатгач, Воробьяниновни йўлакка судради. Йўлак битта эди. Остап қиш олдидан ҳали замазка қилинмаган деразага яқинлашиб, ҳар иккала ромдаги лўкидонни очди.

— Бугун кечаси истаган пайтда шу дераза орқали клубга киришимиз мумкин, заҳмат чекмасдан, осонгина,— деди у.— Эслаб қолинг, Қиса, асосий эшик томондан учинчи дераза.

Иккала дўст уезд халқ маорифи бўлимининг вакиллари ниқоби остида анчагача клубнинг ичида айланиб юришди, ажойиб заллар ва хоналарни кўриб, роса кўзлари ўйнади.

— Васюкида тагимда шу стул билан шахмат ўйнаганимда эди,— сўз қотди Остап,— бирорта ўйинниям ютқазмаган бўлардим. Мадад бор-да, мадад. Энди кетайлик бўлмаса, қария, йигирма беш бор, рўмолчага туғиб қўйганман. Озроқ пиво тортиб, тунги сафар олдидан дам олмасак бўлмайди. Сизга пиво ичиш ярашмас-а, сардор? Ҳечқиси йўқ. Эртага бошингиздан шампань қуяман.

Пивохонадан Сивцев Вражекка қайтишар экан, Остапнинг шўхлиги тутиб, йўл-йўлакай ўтган-кетганга гап отиб келди. Бир пайт у хиёл кайфи ошиб қолган Ипполит Матвеевични елкасидан қучди-да:

— Жудаям шинаванда чолсиз-да, Қиса,— деди тилидан бол томиб,— аммо-лекин сизга ўн фоиздан ортиқ бермайман. Худо ҳаққи, бермайман. Хўш, шунча пулни, шунча пулни нима кераги бор сизга?

— Нега кераги бўлмас экан? Нега кераги бўлмас экан?— тутақиб кетди Ипполит Матвеевич.

Остап шарақлаб кулди-да, ширкатдош дўстининг намиққан енгига юзини босди.

— Нима ҳам олардингиз, Қиса? Хўш, нима? Орзуларингиз ҳаминқадар бўлса. Худо ҳаққи, ўн беш минг сўм сизга етиб ортади... Ҳам ўзингиз мункиллаб қолгансиз, яқинда ўлиб берасиз. Умуман, сизга пулнинг кераги йўқ. Биласизми, Қиса, сизга умуман ҳеч вақо

бермасам-чи. Пулга ўрганиб нима қиласиз. Сизни ўзим-га мунший қилиб оламан, вассалом. Қалай? Ойига қирқ сўм. бераман. Овқат текин, ҳафтасига тўрт кун бўшсиз... Қалай? Кийим-бош қилиб бераман, чой пули, сугурта пули дегандай... Қалай? Розимисиз шу таклифга?

Ипполит Матвеевич шартта қўлини тортиб, тез-тез юриб кетди. Гарчи Остап ҳазиллашган бўлса ҳам, лекин унинг гап-сўзлари Ипполит Матвеевичнинг жонини ҳалқумига келтирди.

Остап пуштиранг уй остонасида Воробьяниновга етиб олди.

— Ҳа, ростдан мёндан хафа бўлдингизми?— деб сўради Остап.— Бир ҳазиллашдим-да. Қўрқманг, уч фонзингизни еб кетмайман. Худо ҳаққи, шу уч фоиз етади сизга, Қиса.

Ипполит Матвеевич қовоғидан қор ёғиб, хонага кирди.

— Қалай? Қиса, уч фоизга хўп деяверинг!— яна тегажаклик қилди Остап.— Худо ҳаққи, хўп денг! Сизнинг ўрнингизда бошқа одам бўлганида дарров кўна қоларди. Ижарага уй олиш йўқ, худонинг марҳамати билан Ивановуло бир йилга Тверга кетган. Ё маҳрам қилиб олайми. Доим нонингиз бутун бўларди-да.

Ипполит Матвеевичдан барибир садо чиқавермагач, Остап забардаст кўкрагини бир қарич шишириб, керишиб олди-да, кейин мириқиб ҳомуза тортгач, қўшиб қўйди:

— Хўш, дўстим, ниятни яхши қилинг энди. Субҳидам бўлиши билан клубга жўнаймиз. Энг қулай фурсат ҳам шу. Қоровул зоти худди шунақа пайтда ширин тушлар кўриб ётади. Кейин қарабсизки, нафақаям бермай, думи тугилади. Энди дам олинг, жигаргўшам, сизга маслаҳатим шу.

Остап Москванинг турли чеккаларидан ташиб келинган учта стулни бирлаштириб, устига чўзилди.

— Ёки маҳрамликка!.. Маошиям чакки эмас... Текин овқат... Чой пули... Ҳазил, ҳазил... Мажлис давом этади! Муз кўчди, жаноби маслаҳатчи тўралар!— деганича пишиллаб ухлаб қолди.

Буюк мудаббирнинг сўнгги сўзи шу бўлди. У чуқур

уйқуга кетди. Ухлагандаям у бемалол оёқ-қўлини уза-тиб, босинқирамай, донг қотиб ухларди.

Ипполит Матвеевич кўчага чиқди. Ичи тўла алам ва ғазаб эди. Кўкда сузиб юрган ой ҳар қадамда булутларга қоқилади. Бино атрофидаги ҳўл панжара хунук йилтирайди. Ёмғир томчиларидан чамбар тутган газ фонуслар юракка ваҳм солади. Ана, «Лочин» пивохоначисининг эшигидан бир мастни судраб чиқиб, итариб юборишди. Маст додлаб юборди. Ипполит Матвеевич афтини бужмайтириб, шартта орқасига қайтди. Шу топда унинг бирдан-бир орзуси ўйлаган нарсасини тезроқ битириш эди.

У хонага киргач, уйқуда ётган Остапга хўмрайиб бир қараб қўйди, кейин кўзойнагини артиб, дэраза тоқчасидан устарани олди. Устаранинг кертик тигига қотиб қолган бўёқ қириндиси ёпишибди. У устарани чўнтагига солгач, яна Остапнинг ёнидан ўтди, бу гал бетига қарамаган бўлса ҳам пишиллашини аниқ эшитди. Кейин йўлакка чиқди. Йўлак жимжит, сокин эди. Ҳамма уйқуга кирган кўринади. Қоп-қоронғи йўлакда Ипполит Матвеевич тўсатдан заҳархандали тиржайиб қўйди, шу ондаёқ пешонаси тиришганини сезиб қолди. Буни энди билгани учун яна тиржайиб кўрди. Гимназияда ўқиб юрганида Пиктеев-Какуев деган бир бола қулоғини қимирлатиб ўйнарди, шу нарса эсига тушиб қолди.

Ипполит Матвеевич зинага яқинлашиб, диққат билан қулоқ солиб кўрди. Зинадаям шарпа эшитилмади. Кўчада извошга қўшилган отларнинг босайми-босмайми, деган туёқ овозлари дупурлади. Сардор оёқ учиди юриб хонага кирди-да, Остапнинг стулида илиғлик турган камзули чўнтагидан йигирма беш сўм билан омбурни олгач, адмиралларникага ўхшаган исқирт фуражкани кийиб, яна қулоқ солиб турди.

Остап хирилламасдан, беозоргина ухлаб ётарди. Бўғзи билан ўпкалари бараварига яхши ишлаб, бир текис нафас олиб ётарди. Гурзидай қўли осилиб ётибди. Чакка томирлари бирдан бўртиб кетган Ипполит Матвеевич ўнг енгини аста шимариб, катак гулли сочиқни қўлига ўради, кейин чўнтагидан устарани олиб, хона ичини бир чамалаб кўргач, чироқни ўчирди. Чироқ ўчишга ўчди-ю, аммо кўчадаги фонуслар хонани мурданинг рангидай гезартириб юборди.

— Қайтага яхши бўлди,— деб пичирлади Ипполит Матвеевич.

Ипполит Матвеевич Остапга тепа томондан яқинлашиб, устара ушлаган қўлини орқага бир силтаб тортди-да, бутун важоҳати билан устарани ёнламасига унинг бўғзига тикди. Дарҳол устарани тортиб олиб, деворга тисарилди. Сув жўмрагини бекитганга ўхшаб, буюк мудаббирнинг ҳалқумидан хириллаган овоз эшитилди. Ипполит Матвеевичнинг ҳеч қаерига қон сачрамабди. У камзулини деворга ишқаб, кўк эшиккача сирғалиб борди-да, ялт этиб Остапга яна бир бор қараб қўйди. Остапнинг танаси калта тортиб, стулларнинг суянчиғига қапишиб қолган эди. Ерда қорайиб кўринган бир ҳовуч кўлобга ташқаридан ёруғ тушиб, усти жимирлаб кетди.

«Қаёқдан келдйкин бу кўлоб?— кўнглидан ўтказди Ипполит Матвеевич.— Ҳа, ҳа, қон... Уртоқ Бендер адоий тамом бўлди».

Воробьянинов хиёл булғанган сочиқни қўлидан ечиб, отиб юборди, кейин устарани авайлаб ерга қўйгач, эшикни юзига ёпиб, ташқарига чиқиб кетди.

Ипполит Матвеевич кўчага чиққач, қовоғини уйдди, «Гавҳарнинг бари меники, олти фоизингни экиб қўй», деб минғирлаганича Қаланча майдонига қараб юрди.

Темир йўл клубига етиб олгач, Ипполит Матвеевич асосий эшикдан уч дераза нарида тўхтади. Янги бино ойналари ғира-шира тонг ёруғида бўзариб кўринди. Нам ҳавода улама паровозларнинг бўғиқ овози эшитилди. Ипполит Матвеевич бир силтаниб, дераза раҳига чиқиб олди-да, ромни очиб, секингина пастга тушди.

Тонг бўзариб қолгани учун Ипполит Матвеевич шахмат хонасини осонгина қидириб топди, деворда осиглиқ турган Эммануил Ласкернинг суратига беихтиёр бир калла қўйиб, стулга яқинлашди. Шошилмади. Шошилиб ҳам нима қилади. Ёв қувлаётган бўлмаса. Гроссмейстер О. Бендер Сивцев Вражекдаги пуштиранг хонадонда абадий уйқуга кетган бўлса.

Ипполит Матвеевич ерга ўтириб, абжир оёқлари билан стулни чандиб олди-да, ишнинг кўзини биладиган тиш докторидай михларни битталаб суғура бошлади. Олинган михлар сони олтмиш иккитага борганда иш ни-



ҳоясига етди. Стулдаги инглиз чити билан қалин мато ҳилпиллаб қолган эди.

Булар шундоқ кўтарилса борми, қимматбаҳо тошларга лиқ тўлган қути ва қутичалар қаторлашиб чиқиб келаверади.

«Дарҳол автомобилга ўтириб вокзалга жўнаш керак,— деб фикр қилди буюк мударбирдан турмуш сабоқларини олган Ипполит Матвеевич.— Польша чегарасига қараб. Битта ялтироқ тош берсам, бемалол ўтказиб юборишади, кейин у томонда...»

Ипполит Матвеевич «у томонда» нима бўлишини тезроқ билмоқчи бўлди шекилли, ўриндиқдаги чит билан қалин матони юлқиб ташлади. Ва кўзи олдида пружиналар (пружина бўлганда ҳам қулинг ўргилсин инглиз пружиналари), кишининг ҳавасини келтирадиган ажойиб похол (похол бўлганда ҳам урушдан олдинги сифатли похол, ҳозир бунақасини топиб бўладими) намоён бўлди. Бошқа ҳеч вақо кўринмади. Ипполит Матвеевич ичини яна бир титкилаб кўргач, стулни оёғига маҳкам қисганича ярим соат ўтириб қолди.

— Нимага ҳеч нарса чиқмади, а? Бўлиши мумкин эмас! Бўлиши мумкин эмас!— дерди у зўр бериб.

Воробьянинов буларни шу ҳолича шахмат хонасида қолдириб ва ҳатто асли тагида йўқ яхт-клубнинг зарҳал тамғаси туширилган фуражкаси билан омбурниям ўша ерда унутиб, одамларнинг кўзига кўринмай, ҳориб-толиб, базўр деразадан кўчага ошиб тушганида тонг ёришиб қолган эди.

— Бўлиши мумкин эмас,— яна такрорлади у бешолти уй нари бориб.— Бўлиши мумкин эмас!

Шундан кейин у яна клубнинг олдига қайтиб келди, тарвақайлаган деразалардан кўзини узмай, шу атрофда анчагача айланиб юрди.

— Бўлиши мумкин эмас! Бўлиши мумкин эмас! Бўлиши мумкин эмас!— дерди у пичирлаб.

Уқтин-ўқтин эса тўсатдан чинқириб, эрталабки шудринг босган калласини чангаллаб қоларди. Тунги воқеалар эсига тушса, оппоқ сочлари тўзғиб кетарди. Жавоҳир дарди жудаям оғир дард экан: беш дақиқага қолмай соч-соқоли таг-туғи билан оқариб кетди.

— Ҳа, одам аримай қолди,— деган овоз эшитилди Воробьяниновнинг қулоғига.

Брезентдан махсус уст-бош кийган чолга кўзи тушди. Чолнинг оёғида резина этик, ўзи анча мункиллаб қолган бўлса ҳам хушфёъл кўринади.

— Одам аримай қолди, ҳа,— гапирди тунни билан ёлғизликдан зериккан чол мулойим оҳангда,— сиз ҳам қизиқиб қолганга ўхшайсиз, ўртоқ. Тўғри қиласиз. Бизнинг клубимиз, сирасини айтганда, жуда антиқа клуб.

Ипполит Матвеевич юзи қип-қизил чолга ижирғиниб қараб қўйди.

— Ҳа,— давом этди чол,— антиқа клуб бу. Оламда йўқ бунақаси.

— Нимага энди антиқа бўларкан?— деб сўради Ипполит Матвеевич хиёл ўзига келиб.

Чол бува Воробьяниновга суяниб қаради. Афтидан, антиқа клуб қиссаси ўзигаям маъқул келгани учун уни такрорлашдан зерикмасди.

— Шундай қилиб денг, ўн йилдан бери шу ерда қоровулчилик қиламан,— деб бошлади ҳикоясини чол,— аммо-лекин бунақаси бўлмаган эди. Сен қулоқ сол, аскар бола. Шундай қилиб, хўш, илгариям бу ер клуб бўлган, биринчи темир йўл участкасига қарарди. Шунга қоровул эдим. Клуб эмас, фирт дахмаза эди... Ут ёққан билан ҳеч исмасди. Уртоқ Красильников бўлса нуқул менга тиқилинч қиларди, шунча ўтинни нима қиялпсан, деб. Нима қилардим, лишириб ермидим ўтинни. Уртоқ Красильниковнинг ўзиям роса қийналиб кетди — бир қарасанг зах, совуқ, ҳали карнай тўгарагига жой етишмайди, томоша кўрсатай деса, унгаям имкон йўқ, артист тўралар совқотиб қолиши мумкин-да. Янги клуб қура-миз, деб беш йилгача пул сўраб юришди, охири нима бўлди, билмадим. Темир йўл касабаси пул бермабди. Шу денг, кўклам пайти эди, ўртоқ Красильников саҳнага қўйиш учун битта стул опкеб қолди, ўзиям юмшоққина, жонон стул экан...

Ипполит Матвеевичнинг қулоғи қоровулда бўлса ҳам бутун гавдаси билан унга суяниб, чалажон бўлиб турарди. Чол кула-кула бир куни электр лампасини бурамоқчи бўлиб стулга чиққанини, кейин стулдан думалаб тушганини гапириб берди.

— Уша стулдан йиқилиб тушдим, устидаги жилдиям

йиртилиб кетди. Бундоқ қарасам, ичидан аллаббалолар сочилиб кетди. Уки, шиша матоҳлар, уки, шода-шода оппоқ маржонлар.

— Маржон?— деди секингина Ипполит Матвеевич.

— Ҳа, маржон!— завқидан қийқиргудай бўлиб деди чол.— Кейин бундоқ қарасам, яна бир талай қутича кўринди, аскар бола. Қутичасига қўлимниям теккизганим йўқ. Тўғри ўртоқ Красильниковнинг олдига бориб, бўлган воқеани айтдим. Кейин комиссияга гапириб бердим. Қути-путисига зинҳор текканим йўқ. Тегмаганим яхши бўлган экан, аскар бола, нега десанг ичидан қиммат тошлар чиқибди, буржуазия яшириб кетган экан...

— Қани ўша тошлар?— деб чинқириб юборди сардор.

— Қани, қани,— деди уни масхаралаб,— фаросатни ишлатиш керак, аскар бола. Мана улар!

— Қани? Қани?

— Мана деяпман-ку, сенга!— деб ўшқирди икки бети қип-қизил қоровул бу одамни калака қилаётганидан завқланиб.— Мана ўша тошлар! Кўзингни очиб қара! Клуб қурдик, аскар бола. Кўряпсанми? Мана ўша клуб! Буғ билан иситилади, соат билан ўйнайдиган дамқадан тортиб буфет, театргача — ҳаммаси бор, фақат калишни ечиб кириш керак!..

Ипполит Матвеевич қотиб қолди, қимирлашгаям холи келмай, кўзини пирпиратганича бинога тиклди.

Ана холос, Петухова хонимнинг бутун бисоти шу ерда экан-да! Вой-бў! Ҳаммаси-я! Остап Сулаймон-Берта-Мария — Бендернинг тили билан айтганда, юз эллик минг сўм, тийин-тийинигача.

Гавҳарлар бинонинг олд томонидаги яхлит ойналарга, темир-бетон тўсинларга айланибди, марваридлар салқин гимнастика заллари ҳолига келибди. Олмос кўзли тиллақош сахнаси айланадиган театр залини бунёд қилибди, ёқут кўзли зирак бир талай қандилга етибди, зумрад тошдан кўз қўйилган тилла билагузуклар зўр кутубхона ташкил этибди, гавҳар тўғнағич шарофати билан эса болалар боғчаси, планер устахонаси, шахмат кабинети ҳамда бильярдхона юзага келибди.

Дафина турибди, уни сақлаб қолишибди, ҳатто ёнига

яна қўшишибди ҳам. Уни ушлаб кўриш мумкин, аммо кўтариб кетиб бўлмайди. Дафина бошқа одамлар хизматида энди.

Иван Матвеевич гранит тош билан жилоланган бинони пайпаслаб кўрди. Муздай тош нақ юрагига санчилгандай бўлди.

У бўкириб юборди.

Қоқ юрагидан ўқ еган урғочи бўрининг ноласига ўхшаган ваҳшиёна, аламзада ва юракка ларза солувчи бу фарёд майдон ўртасига етиб борди-да, ўзини кўприк тагига урди, шу ондаёқ уйқудан турган азим шаҳарнинг шовқин-сурони уни босиб тушди, бир зумда нафасиңи ўчирди. Оромбахш куз тонги шудринг босган томлардан сакраб, Москва кўчаларига тушди. Шаҳар кундалик куйманчиғини бошлаб юборди.

## МУНДАРИЖА

### БИРИНЧИ ҚИСМ

#### Старгородлик така

<i>I боб.</i> Безенчук ва «Нимфа» . . . . .	3
<i>II боб.</i> Петухова хонимнинг қазоси . . . . .	11
<i>III боб.</i> «Гуноҳкорнинг башараси» . . . . .	19
<i>IV боб.</i> Сафар васвасаси . . . . .	25
<i>V боб.</i> Буюк мудаббир . . . . .	28
<i>VI боб.</i> Жавоҳир жилоси . . . . .	36
<i>VII боб.</i> «Титаник» асорати . . . . .	41
<i>VIII боб.</i> Уятчан ўғри . . . . .	46
<i>IX боб.</i> Ия, жамалаклари қани? . . . . .	57
<i>X боб.</i> Чилангар, тўти ва фолбин . . . . .	64
<i>XI боб.</i> «Хаёт кўзгуси» алифбоси . . . . .	75
<i>XII боб.</i> Шоир орзу қилган оташ жувон . . . . .	87
<i>XIII боб.</i> Чуқурроқ нафас олинг: ҳаяжондасиз! . . . . .	98
<i>XIV боб.</i> «Қилич ва омом» иттифоқи . . . . .	112

### ИККИНЧИ ҚИСМ

#### Москвада

<i>XV боб.</i> Тоғ-тоғ стул . . . . .	126
<i>XVI боб.</i> Роҳиб Бертольд Шварц номидаги ётоқхона . . . . .	128
<i>XVII боб.</i> Тўшакни ардоқланг, гражданлар! . . . . .	135
<i>XVIII боб.</i> Ҷиҳозлар музейи . . . . .	141
<i>XIX боб.</i> Европача сайлов . . . . .	150
<i>XX боб.</i> Севильядан Гренадага қадар . . . . .	160
<i>XXI боб.</i> Жазо . . . . .	171
<i>XXII боб.</i> Одамхўр Эллочка . . . . .	182
<i>XXIII боб.</i> Авессалом Владимирович Изнуренков . . . . .	191
<i>XXIV боб.</i> Автомобилчилар клуби . . . . .	201
<i>XXV боб.</i> Ялангоч инженер билан суҳбат . . . . .	209
<i>XXVI боб.</i> Қўшалоқ ташриф . . . . .	216
<i>XXVII боб.</i> Тергов саватига нима етсин . . . . .	221
<i>XXVIII боб.</i> Товуқча ва бабақ хўроз . . . . .	230

XXXIX боб. «Гаврилнома» муаллифи . . . . .	238
XXX боб. Колумб театрида . . . . .	246

Учинчи қисм

**Петухова хоним дафинаси**

XXXI боб. Волгада сеҳрли тун . . . . .	259
XXXII боб. Қўли эгри жўралар . . . . .	267
XXXIII боб. Жаннатдан қувилганлар . . . . .	275
XXXIV боб. Сайёралараро шахмат конгресси . . . . .	280
XXXV боб. Ва бошқалар . . . . .	295
XXXVI боб. Зилол кўлмак манзараси . . . . .	300
XXXVII боб. Яшил бурун . . . . .	309
XXXVIII боб. Булутлар остида . . . . .	318
XXXIX боб. Зилзила . . . . .	325
XL боб. Дафина . . . . .	338

*На узбекском языке*

Илья Арнольдович Ильф  
Евгений Петрович Петров

ДВЕНАДЦАТЬ СТУЛЬЕВ

Р о м а н

Перевод с издания Государственного издательства  
художественной литературы, Москва, 1967

Редактор *М. Мирзидов*

Рисом *Э. Кийай*

Расмлар редактори *А. Кива* ва *И. Кириакиди*

Техн. редактор *Е. Потапова*

Корректор *Р. Содиқбакова*

ИБ № 330

Босмахонага берилди 17.03.78. Босишга рухсат этилди  
09.12.78. Формати 84×108<sup>1</sup>/<sub>32</sub>. Босма л. 11,0 Шартли босма  
л. 18,48 Нашр л. 19,06+0,8 вкл. Тиражи 60000 Рафур Фулом  
номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, Навоий  
кўчаси, 30. Шартнома № 204—75.

Ўзбекистон ССР Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси  
ишлари бўйича Давлат комитетининг Тошкент «Матбуот»  
полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасининг 1 босмахонаси-  
да №3 қозоғга босилди. Тошкент. Ҳамза кўчаси, 21 1978  
Йил. Заказ №1171. Баҳоси 1с. 80т.